



Каримбой Курамбоев — адабиётшунос, филология фанлари доктори, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти профессори.

Олим кўп йиллардан бери ўзбек, туркман ва қорақалпоқ адабиётларининг ўзаро алоқалари ва таъсири, бадиий таржима муаммолари, шунингдек, мазкур халқлар адабий жараёнининг бошқада долзарб масалалари бўйича илмий тадқиқотлар олиб бормокда. Ҳозиргача Ўзбекистон, Туркменистон ва Қорақалпоғистон республикаларида ушбу мавзулар таҳлилига доир унинг ўндан ортиқ монографиялари ва ўқув қўлланмалари, икки юз элликка яқин мақолалари ўзбек, қорақалпоқ, туркман ва рус тилларида босилиб чиққан.

Проф. К. Курамбоевнинг илмий фаолияти «Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони билан тақдирланган.



Cho'lpon nomidagi
nashriyot-matbaa ijodiy uyi

ISBN 978-9943-05-277-2



АДАБИЙ ЖАРАЁН • ИЖОД МАСЪУЛИЯТИ
АДАБИЙ АЛОҚАЛАР

КАРИМБОЙ
ҚУРАМБОЕВ

КАРИМБОЙ ҚУРАМБОЕВ

Адабий жараён Ижод масъулияти Адабий алоқалар



*Ажинеъ номидаги Нукус давлат педагогика институтининг
Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.*

Масъул муҳаррир:
Баҳодир Каримов — филология фанлари доктори

Такризчилар:
Ҳамдам Абдуллаев — филология фанлари доктори,
профессор, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат
кўрсатган фан арбоби;

Қувончбой Ўразимбетов — филология фанлари доктори,
профессор

Китобга мумтоз туркий шеъриятнинг бутун Шарққа маш-
хур бир неча буюк даҳolari ҳақидаги тадқиқотлар, адабий ало-
қалар ва таъсирлар масаласига доир туркум мақолалар, бир гуруҳ
таниқли ўзбек, қорақалпоқ, туркман шоир, ёзувчи ва олимлари-
нинг илмий-адабий портретлари, шунингдек, муаллифнинг ҳар
хил жанрлардаги бадий асарларга ёзган тақризлари, ҳозирги ада-
бий жараённинг долзарб муаммолари ҳусусидаги кузатишлари,
умуман, адабий муҳит ва ижод масъулияти билан боғлиқ турли
даврларда ёзилган сайланма мақолалари киритилган бўлиб, мав-
зулар ўзбек, туркман, қорақалпоқ ва қозоқ адабиётлари мисо-
лида ёритилади.

Мазкур китоб олий ўқув юр்தларининг филолог талабалари-
га, магистрантлар ва аспирантларга, тадқиқотчиларга, адабий
жараён ва қардош халқлар адабиёти ҳамда уларнинг ўзаро ало-
қалари, таъсирлари билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

3008000000-36 — 2009
K 360/04/-2009

ISBN 978-9943-05-277-2

© Cho'pon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2009- y.

МУАЛЛИФДАН

Маълумки, адабий алоқалар ва таъсирлар адабий жараён-
нинг ажралмас қисми, муваффақиятли ривожланишини таъ-
минлайдиган омиллардан бири. Муайян шоир ёки ёзувчи ижо-
дининг юксалишида, бадий маҳоратининг чиниқишида ада-
бий таъсирнинг роли катта эканлиги исботланган илмий
ҳақиқат. Адабий жараёнда ҳам, адабий алоқаларда ҳам, уму-
ман, бадий ижод соҳасида ижод масъулияти етакчи ўринда
туради. Китобга киритилган мақолаларнинг асосий қисми
ушбу масалалар таҳлиliga бағишланганини назарда тутиб,
уни «Адабий жараён, ижод масъулияти, адабий алоқалар»
деб номладим.

Ҳар қандай миллий адабиётда буюк сўз санъаткорлари
бўлиши табиий. Улар ўзлари мансуб адабиёт тараққиети-
га ҳисса қўшиб қолмасдан, жаҳон маънавий-маърифий та-
факкури ривожига ҳам беқиёс роль ўйнайди ва шу орқали
дунё маданияти тарихига киради. Марказий Осиё халқла-
ри адабиётида бундай улғ сиймолар кўп. Аҳамиятли жи-
ҳати шундаки, бу ижодкорлар минтақа адабий жараёни
тақдири учун бирдек қайғурган, умуминсоний ғоялар руҳи-
да ўлмас асарлар яратишган. Шунинг учун ҳам улар бир
халқнинг эмас, бир неча халқнинг ардоқли шоири сифатида
тилга олинади, асарлари севиб ўқилади. Китобнинг илк бо-
бидаги мақолалар воситасида дунё адабиёти тарихида
муносиб ўрни бор туркий адабиётлар намоёндаларининг
айримлари ижоди ҳақида умумий ўналишида маълумот бе-
ришни лозим кўрдим.

Адабий алоқалар ва таъсирлар масаласига бағишланган
махсус бобда ўзбек, туркман, қорақалпоқ, қозоқ мумтоз ва
ҳозирги замон адибларининг баъзи асарлари таъсир ва ижо-
дий ўзига хослик аспектида қиёсланади. Асосий эътибор «таъ-
сирланди» деган ижодкорнинг индивидуаллигини илмий асосла-
шга қаратилди.

Китобдан ўрин олган яна бир туркум мақолаларда замондошларим: устозларим, ҳамкасбларим, дўстларим ҳақида, уларнинг илм-фан ва адабиётдаги хизматлари, ёшларга ўрнак бўларлик илмий ва ҳаётий тажрибалари, қолаверса, айримларининг ҳам олим, ҳам бир инсон сифатида менга кўрсатган ғамхўрликлари тўғрисида ҳикоя қилинадик, уларни ҳам ушбу китобга киритишни, баъзиларини хотира-эссе шаклида диққатингизга ҳавола қилишни бurchим, деб билдим.

Анча йиллардан бери қорақалпоқ адабий муҳитини кузатиб келаман. Бир қатор қорақалпоқ ижодкорларининг турли жанрлардаги асарларига бағишланган мақолаларим, тақризларим республиканинг газета-журналларида босилди. Китобнинг махсус бир боби шу хилдаги мақолалардан иборат ва мен уларда ҳозирги қорақалпоқ адабий жараёнида қалам тебратиб келаятган бир гуруҳ шоир ва ёзувчиларнинг асарлари ҳақида, ҳозирги қорақалпоқ адабий танқидининг баъзи муаммолари ҳусусида сўз юритдим, айрим ижодкорларнинг адабий портрет чизгилари орқали адабий жараён тараққиётидаги ўзига хос тенденцияларни аниқлашга ҳаракат қилдим.

Истиқлол йилларида миллий қадрият, миллий мафкура, миллий ғоя каби масалалар энг муқаддас ва долзарб, ўзликни англашдаги бетакрор маънавий-ахлоқий тушунчаларга айланди. Бу концепцияларни ҳаётга тадбиқ этишда кўпгина муваффақиятларга ҳам эришилди. Бу соҳада қўлга киритилган ютуқлар, тўпланган тажрибалар, шунингдек, фойдаланилмаган имкониятлар ҳақидаги фикрларим ва таклифларимни мустақиллик йилларида ёзилган мақолаларимнинг ички мазмунига сингдиришга уриндим.

Сайланма мақолалар ҳар хил даврларда Ўзбекистон, Туркманистон ва Қорақалпоғистон республикаларининг газета-журналларида, илмий тўпламларда эълон қилиниб, жамоатчилик назаридан ўтган. Баъзилари эса турли йилларда нашр этилган монографияларимдан танланиб, қўлингиздаги китобга киритилди. Мақолалар орасида шўролар сиёсати, мафкураси ҳукмронлиги даврида ёзилганлари ҳам бор. Уларда сўз юритилган мавзулар, назаримда, ҳали ҳам аҳамиятини йўқотмагандек. Шунинг учун айрим мақолалар яна бир бор кўздан кечирилиб, сайқаллаштирилди.

Китобга жамланган мақолалардаги кузатишларнинг ҳаммаси мутлоқ ҳақиқат, деган фикрдан холиман. Агар китоб адабиёт ва адабиётшунослик, жумладан, Марказий Осиё адабиётларининг ўзаро алоқалари ва таъсирлари билан шуғулланувчи мутахассисларнинг, шунингдек, ўзбек, туркман, қорақалпоқ ва қozoқ адабиётлари билан қизиқувчи мухлисларнинг талабларига қисман жавоб бера олса, муаллиф ўзини мақсадига эришган ҳисоблаган бўларди.

*Матёқуб Қўшжонов,
академик*

УЧ ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

XX аср 90-йилларининг бошларида Туркменистон ФА Тил ва адабиёт институти иш юзасидан мени расмий оппонентликка таклиф қилиб қолди. Ёз ойлари эди. Айтилган муддатга Ашхободга етиб бордим. Ҳимоя бошланди. Ихтисослаштирилган Илмий кенгаш аъзолари орасида ўтирибман. Бу кенгаш аъзоларининг ҳам кўпчилиги менга таниш, айримлари билан яқин дўст бўлиб қолганман.

Кенгаш минбарида энг яқин шогирдларимдан бири Каримбой Курамбоев туркман тилида докторлик диссертацияси мазмунини ҳақида ахборот бераёпти. Каримбой туркман тилида шундай чиройли ва беҳато гапираяптики, мен шогирдимнинг туркман тилини билиши, шу даражада эгаллаб олганидан фахрланиб ўтирибман. Каримбой туркман тилининг нозик ифодаларини топиб, ҳатто урғуларини ҳам жойига қўйиб гапирардики, туркман адабиётшунослари ҳам унга тан беришди. Ҳатто шундай бўлдики, Илмий кенгашнинг раиси ҳимоя йиғилишини оча туриб: — Мана, бизнинг Каримбой ҳам ҳимояга етиб келди, деди. У Каримбой сўзига алоҳида урғу берди. У бунга ҳақли эди.

Каримбой бир неча йил давомида туркман тили ва адабиётини шу даражада пухта ўргандики, бу халқнинг истаган адабиётшуноси билан беллашишга қодир эди. Каримбойнинг нутқини эшитарканман, ҳаёлим мени ўтмиш сари олиб кетди. Ўтган асрнинг эллагинчи йиллари охирлари эди. Мен бир неча кунлик ёзги таътилни ўтказиш учун Тошҳовузга бордим. Буни эшитган Каримбойнинг отаси Норматов Курамбой мени уйига меҳмонга таклиф қилиб қолди. У билан тенглош эдик. Бир кўчанинг тупроғини босиб, бир ариқнинг сувини ичиб, ўсиб улғайганмиз. Курамбой Тошҳовуз вилоятида катта бир мактабнинг директори бўлиб ишларди. Вилоятнинг аъло даражадаги ўқитувчиларидан бири эди. Меҳмондорчилик қизиган пайтда у

ўғли Каримбойни чақириб, мен билан таништирди ва жой кўрсатиб ўтқазди-да, ўғлига юзланиб: — Мана шу одам менинг яқин дўстим бўлади, адабиётшунос олим, сени шу кишига шогирд қилиб топширмоқчиман, — деди.

Менга юзланиб: — Йўқ демассан-а, жўра, деб ўткир назар ташлади.

— Албатта, йўқ демайман, — дедим.

Икки-уч йил ўтар-ўтмас Каримбой, эндиликда минбарда туриб маъруза қилаётган йигит Тошкентда пайдо бўлиб қолди. Илк учрашувдаёқ мен унга илм ўрганишининг баъзи сирлари ҳақида маслаҳатлар бердим. Кириш имтиҳонини яхши топшириб, ҳозирги Миллий университетнинг филология факультетига ўқишга кирди. Ўқишни битказган Каримбойга йўл-йўриқ кўрсатиш яна менинг зиммамда эди. Номзодлик диссертациясининг мавзусини белгилаб олдик. Мавзу унга ҳам маъқул бўлди. Тил ва адабиёт ходими сифатида танланган мавзу асосида номзодлик диссертациясини тугатиб, 70-йилларнинг бошларида ҳимоя қилди.

Мана, энди у бир неча йил давомида тер тўкиб, меҳнат қилиб, илмий изланишлар билан банд бўлиб, уч халқ адабиёти алоқалари ҳақида докторлик диссертациясини тайёрлаб, юқорида айтганимдек, туркман тилида маъруза қилаёпти. Маърузани эшитаётиб, шундай шогирдга маслаҳатчи бўлганимдан фахрландим. Каримбойнинг мазкур иши докторлик илмий даражага арзирлик экани Илмий кенгаш аъзоларининг ҳеч бирида шубҳа уйғотмади. Ҳатто ҳимояда сўзга чиққан машҳур туркман олимларидан бирининг: Каримбой Курамбоевнинг бугунгача Туркменистон, Ўзбекистон, Қорақалпоғистон республикаларида эълон қилган илмий ишларининг ҳар бирига алоҳида-алоҳида уч докторлик илмий даражасини берса арзийди, деб айтган ҳазил гапларини ҳозир ҳам эслайман.

Ўтган асрнинг 70-йиллари охирлари эди, чамамда. Нуқсда адабиёт масалаларига тегишли қандайдир конференция бўлди. Бу конференцияда менинг ҳам маърузам бор эди. Бир маҳал конференция раиси томонидан маъруза учун Каримбой Курамбоев таклиф қилинди. Маърузани диққат билан эшитишга ўзимни тайёрладим, яхшилаб ўтириб олдим. Каримбой ўзбек тилида гапирса керак, деб ўйладим. Иш мен кутганча бўлмади. У маърузани қорақалпоқ тилида

бошлади. Қорақалпоқ тили, бадий ифодаси хусусида менинг ҳам бироз тасаввурим бор. Шогирдимнинг нутқини диққат билан эшитдим. Эшита туриб, шундай хулосага келдим: Каримбой Курамбоев қорақалпоқ тилини, унинг илмий ва бадий ифодаларини худди ўз она тилида гапираётгандек ифода қиларди. У бирор жойда тутилмас, дулукланмас, нутқи бежирим ва равон эди. Залда ўтириб нутқини эшитиб, шогирдимнинг фақат илмий қобилиятига эмас, балки бошқа халқларнинг тилларини ўзлаштиришда ҳам истеъдоди юксак эканига ишонч ҳосил қилдим. Каримбойнинг маърузаси тугагач, унга нисбатан билдирилган олқишлар, бошқа маърузаларга нисбатан баландроқ ва эҳтирослироқ эди. Халқ орасида шундай гап бор: «Қайси бир халқни ҳурмат қилсанг, олдин унинг тилини ўрган!» Назаримда, Каримбой ўз халқини қай даражада ҳурмат қилса, туркман халқини ҳам, қорақалпоқ халқини ҳам шу даражада ҳурмат қилади ва эъзозлайди. Баланс пардада билдирилган олқишларнинг сабаби ҳам шунда бўлса керак. Бу ҳол, яъни шогирдимнинг не-не меҳнатлар билан қўлга киритган ютуқлари мени яна бир мамнун этди.

Каримбойни мен турли миллат, хусусан, қорақалпоқ миллатига мансуб талабалар, ҳар хил савиядаги домлалар даврасида ҳам кўп кўрганман. Унинг қорақалпоқ зиёлилари билан муносабатини кузатганман. Бунда ҳам у ўзини ниҳоятда бемалол тутар, самимий муносабати, қорақалпоқ тилида топиб айтилган ва ўрнида ишлатилган сўзлари учун ҳурмат ва эътиборга сазовор эди.

Уч халқ адабиёти, ўзбек, туркман ва қорақалпоқ адабиётлари Каримбой учун баробар эди. Уччаси ҳам ўзиникидек. Шу боисдан унинг 200 дан ортиқ мақола ва ўнга яқин монографияларида ҳар уч адабиёт баробар ўрин олган.

Ҳалим қуруқ бўлмаслиги учун унинг баъзи асарларини тилга олиб ўтишни лозим кўраман: «Хидир Деряев», «Ўзбек-туркман адабий алоқалари», «Махтумқули шеърини Ўзбекистонда», «Ҳамза ва қорақалпоқ адабий муҳити», «Кўнгил кўнгилдан сув ичар», «Кўнгил бермиш сўзимга...», «Взаимное обогащение литератур». Бу ерда таъкидлаш керак бўлган бир масала бор. Икки ёки учта адабиётни ўрганиб, бирини иккинчисидан паст қўйиб талқин этиш мутлақо мумкин эмас. Зеро, адабиётни камситиш, халқни камситишга олиб

келади. К.Курамбоев учта адабиётни баробарига ўрганар экан, масаланинг бу томонини асло унутмайди. У мўлжални тўғри ва аниқ олади. Ҳар бир адабиётни ўрганганда, икки ёки учинчи адабиётдан бирор камчилик топиб, унинг савиясига паст назар билан қараш йўлидан бормайди. Балки у адабиётлардан фазилат излайди. Уларнинг тараққиёт йўлларини синчковлик билан ўрганади, бу адабиётларнинг ўзаро алоқасини тадқиқ қилади. Бу ҳислат илмий ишларида бош тамойилдир. Шу баробарида у иккинчи бир вазифани ҳам адо этади. Адабиётини ўрганаётган халқларнинг қай даражада қон-қардошлиги ҳақида фикр юритади. Шу жиҳатлари билан Каримбойни уч халқ хизматида турган профессор, йирик адабиётшунос дейишга ҳақлимиз.

Каримбой Курамбоев ҳозир навқирон ёшда, куч ва ғайратга тўлган пайти. Кекса устози сифатида шогирдимга илмий-ижодий ютуқлар тилаб қоламан.

18 январ, 2005 йил.

СЎЗ САНЪАТИНИНГ ДАҲОЛАРИ

ТУРКИЙ ШЕЪРИЯТ ОСМОНЕНИНГ ҚУЁШИ

Буюк тарихий шахсларни буюк даврлар яратади ва бундай инсонлар фақат ўзлари яшаган замонга эмас, кейинги авлодларга ҳам хизмат қиладилар. Ҳар гал жамият, инсоният ўз тараққиётида янги, янада баландроқ босқичга кўтарилаётганда ўтмишнинг бу тафаккур даҳоларининг илмий-ижодий тажрибаларига эҳтиёж сезади ва уларни «ёрдамга чақиради», ўз даври учун кашфиёт бўлган асарларидан, оламшумул аҳамиятли, ибратомуз ишларидан руҳий мадад олади. Ижоди, ижтимоий фаолияти билан бир эмас, бир неча авлодларга хизмат қилиб келаётган бундай улуг фазилатли инсонлар тарихда кўп. XV аср ўзбек адабиётининг йирик намояндаси, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий шундай тарихий шахслардан саналади.

Алишер Навоий! Бу табаррук ном гоят ёқимли жаранглайди. Соғлом фикрлайдиган ҳар бир инсон бу номни эзгулик тимсоли сифатида тилга олади, шеърият осмонининг қуёши деб қадрлайди. Қандай адабий давра бўлмасин, агар у ерда жаҳон адабиёти, айтайлик, Шарқ туркий шеъриятининг даҳо шоирлари тўғрисида сўз очилгудек бўлса, Алишер Навоийнинг номи ва асарлари биринчилар қаторида тилга олинади. Чунки, Навоий ноёб истеъдоди, катта ижодий салоҳияти билан дунё адабиёти тараққиётига улкан ҳисса қўшган беназир сўз санъаткори, туркий шеърият мулкининг султони дир. Шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома» асарида Алишер Навоий ҳақида сўз юритиб, жумладан, шундай ёзган эди: *«Алишербек назари йўқ киши эрди. Туркий тил била шеър айтубтурлар, ҳеч ким анча кўп ва хўб айтқон эмас»*.

Алишер Навоий ўзи ҳаётлик чоеларидаёқ шундай юксак баҳога сазовор бўлган шоир ва мутафаккир, бетакрор инсон эди. Бу ҳақда шоирнинг бошқа замондошлари ҳам яхши фикрлар ёзиб қолдиришгани тарихий манбалардан маълум.

Шоир ижодининг шуҳрати, хусусан, туркий халқлар орасида жуда машҳур. Навоий ҳаётлик пайтида асарлари Хуросон, Марказий Осиё, Озарбайжон, Эрон, Шарқий Туркистон, Ҳиндистон, Миср ва Туркия давлатларигача етиб борган. Бундан Алишер Навоийнинг ўзи ҳам хабардор бўлган. Ва «Фарҳод ва Ширин» достонининг охириги бобики якунлар экан, ўз асарларининг «Хитодин то Хуросон»гача бўлган «турк усули» орасида машҳур бўлганлигини мамнуният билан ёзган эди:

*Олибмен тахти фармонимга осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.*

*Хуросон демаким, Шерозу, Табриз,
Ки қилмишдур найи килким шакаррез.*

*Кўнгул бермиш сўзимга турк эсон ҳам,
На ёлғуз турк, балким туркмон ҳам.*

Алишер Навоий XV аср ўзбек адабиёти тараққиётида катта бурилиш ясаган, янги саҳифа очган ижодкор. Нафақат шеърият, адабиётнинг бошқа жанрларида ҳам мукаммал асарлар яратиб, унинг нуфузини орттирди, ҳазинасини бойитди. Навоий замонида ҳам, ундан кейинги асрларда ҳам ҳеч бир қалам соҳиби ижодда бу улуг шоир кўтарилган чўққига кўтарилган эмас. Шоир олтимиш йилгина яшади. Қирқ йилдан ортиқроқ ижод билан шуғулланиб, ўттиздан зиёд асарлар яратди. Адабиётнинг деярли ҳамма жанрларида ижод қилди; бошқа ижтимоий фан соҳалари билан ҳам фаол шуғулланиб, илмий асарлар ёзди. Тарих, мусиқа, тилшунослик билан адабиётшунослик ва адабиёт назарияси ҳам мутафаккир назаридан четда қолмади. Фаннинг бу йўналишларига алоҳида асарлар бағишлади. Шоир асарлари фақат жанр нуқтаи назаридан эмас, мавзу жиҳатидан ҳам рангбаранг. Ҳаётда Навоий қаламга олмаган мавзулар деярли йўқ. Ижтимоий-иқтисодий турмуш ташвишлари, маънавий-ахлоқий муаммолар, мамлакатни бошқариш билан боғлиқ сиёсий алғов-далғовли воқеалар дейсизми, барчаси шоирнинг бадий-эстетик мушоҳадасидан ўтиб, бадий ёки илмий асар шаклига келтирилган.

«Ҳазойин ул-маоний» («Маънолар ҳазинаси») девони Алишер Навоийнинг шоҳ асарларидан бири. Шоир инсон ум-

рини йилнинг тўрт фаслига ўхшатади. Ва ҳар фаслга бир девон бағишлайди. Уларда лирик қаҳрамон қалбининг но-зик туйғулари, шоир ҳаётининг муайян даври билан боғ-лиқ кечинмалари шеърӣ сатрларда бадий талқин қилина-ди. Навоийнинг болалик, йигитлик, ўрта яшарлик ва кек-салик чоғларидаги турмуши, замон ҳақидаги мулоҳазалари мазкур девонларнинг ғоявий йўналишини ташкил этади.

Алишер Навоийни жаҳонга танитган юксак асарларидан яна бири «Хамса» («Ҳайрат ул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий») дир. Мустақил беш дostonдан иборат бўлган «Хамса» шоир яшаган ижтимоӣ-тарихий даврнинг бадий полотноси, ўша замоннинг энг долзарб, ҳаётӣ муаммоларига фаол муноса-бат билдирилган қомусӣ асар. Мамлакатнинг ободонлиги, халқпарварлик ва инсонпарварлик, адолат ва маърифатни куйлаш, тўғрилиқ ва ҳалолликни, дўстлик ва садоқатни, севги ва вафодорликни улуғлаш, бошқа-да юксак ахлоқӣ фазилатларни мадҳ этиш, шу билан бирга, адолатсизликни қоралаш, талончилик ва босқинчиликни фoш этиш, алдам-чилик ва хиёнаткорликни танқид қилиш, юксак идеалларга зид кучларга муросасизлик ва уларга қарши кураш! «Хам-са»га кирган дostonларнинг бош ғоявий мотиви шу! Шоир бу маънавий-ахлоқӣ масалаларни ўз даврининг ижтимо-ӣ-сиёсий, иқтисодӣ ва маданий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда талқин қилди. Муаллифнинг бадий-эстетик идеалини ўзида жамлаган Фарҳод, Ширин, Лайли, Маж-нун, Баҳром, Дилором, Искандар каби образларда мардлик, гўзаллик, ватанпарварлик, ҳақиқӣ севги каби олижаноб хислатлар умумлаштирилади, шоир яшаган муҳитнинг бошқа-да ижтимоӣ муаммолари ўз ифодасини топади. «Хамса» умуминсонӣ ғоялари, юксак бадийати билан Навоий ижо-дида ажралиб турадиган, биринчи марта туркий тилда би-тилган ўзига хос эпик полотно, мустақил беш шеърӣ ро-ман, жаҳон бадий тафаккури тарихидан фахрли ўринни эгаллаган умрбоқӣ асардир.

Шоир ижодида муҳим аҳамият касб этадиган яна бир шеърӣ асар, бу «Лисон ут-тайр» («Қушлар тили»)дир. Фал-сафӣ-дидактик характердаги бу асарда шоир ҳаёт, инсон, табиатга доир қарашларини қушлар тили билан баён этади. Рамзӣ образларнинг ҳатти-ҳаракатлари, саргузаштлари

мисолида муаллиф инсонӣ руҳни таҳлил қилишга, ҳаёт-нинг мураккаб фалсафӣ жиҳатларини очиб беришга му-ваффақ бўлган. Шоирнинг тасаввуф фалсафасига муноса-бати ҳам шу асарда ёрқин акс этган.

Навоӣ адабиётшунослик ва адабиёт назариясига доир, тилшуносликка тегишли илмӣ-тадқиқот характердаги бир неча насрий асарларнинг муаллифидир. «Мажолис ун-на-фоис», «Мезон ул-авзон», «Муҳокамат ул-лугатайн», «Ри-соллаи муаммо» каби тадқиқотларида шоирнинг илмӣ-эс-тетик қарашлари, бадий тафаккури, дунёқараши нақадар теран ва кенг эканлигини кўрамиз. Бу асарлар шоирнинг маданият ва адабиётнинг, тил ва тафаккурнинг жонкуяри, фидойиси бўлганлигидан дарақ беради. «Вақфия», «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Тарихи мулуки Ажам» каби тадқиқот-ларида Навоӣ тарихчи олим қиёфасида намоён бўлади.

Алишер Навоӣ адабий-илмӣ фаолиятининг эъзозга муносиб яна бир ноёб фазилати бор. Бу — Навоӣнинг туркий (эски ўзбек) тилига муносабати билан боғлиқ маса-ла. Шоирнинг туркий халқлар адабиёти, қолаверса, ўзбек адабиёти олдидagi катта хизматларидан бири ҳам унинг тур-кий тилда кўп ижод қилишидир. Маълумки, Навоӣга қадар битилган илмӣ-бадий асарларда туркий тилнинг ҳамма имкониятлари етарли даражада очилмаган эди. Балки тур-кий тил атрофида ҳар хил зиддиятӣ фикрлар давом этиб, ҳатто уни камситиш тенденцияси ҳам кузатиладди. Бир гуруҳ маърифатпарварлар, зиёлилар ва олимлар форс тилини иж-тимоӣ-сиёсий ҳаётда, адабиёт ва фанда ҳукмрон тил ҳоли-да қолдириш тарафдори бўлиб чиқдилар. Туркий тилнинг мустақил давлат тили сифатида қўлланилишига монелик кўрсатишди. Шундай мураккаб бир вазиятда Алишер На-воӣнинг форс тилини камситмаган ҳолда (унинг ўзи ҳам форс тилида бир неча асарлар ижод этган), туркий тилнинг имкониятлари жуда бой эканлигини, бу тилда ҳам бадий етук асарлар ёзиш мумкинлигини ҳам бадий, ҳам илмӣ, ҳам амалий исботлаб бериши ўзига хос жасорат эди. Шоир ижодидаги илмӣ насрнинг ёрқин намунаси бўлган «Муҳо-камат ул-лугатайн» асарида унинг туркий тил билан форс тилини чоғиштириш асосида илгари сурган ғоялари, берган тавсиялари бугунги тилшунослигимиз учун ҳам ғоят қим-матлидир. Тарихда Алишер Навоӣдек миллий тил манфаа-

ти учун курашган, унинг таҳқирланишига қарши турган, туркий тилнинг дунё тиллари тарихида муносиб жой эгаллаши учун фидоийлик кўрсатган ва ўз она тилида мукамал поэтик асарлар ярата олган ижодкор кам топилса керак. Шоир «Хамса», «Хазойин ул-маоний»дек ўлмас асарларини туркий тилда ёзиб, бу тилнинг нақадар бой ва ранг-баранг эканлигини далиллади, уни давлат тили даражасига кўтариш учун барча имкониятларини ишга солди. Навоийнинг бу саъй-ҳаракати беқиёс аҳамиятга эга фаолият эди ва у кейинги авлодлар учун ибратдир.

Биласизки, шўролар даврида, миллий тиллар, жумладан, ўзбек тили камситилди, унинг имкониятлари чегаралаб қўйилди. Ўзбек тилини давлат тили даражасига кўтариш эмас, қўлдан келса истеъмолдан сиқиб чиқариш тенденцияси ҳукмронлик қилди. Она тилида эмин-эркин гапириш, ёзишга деярли йўл берилмади. Кимки расмий минбарларда ўз она тилида гапирса, миллий тилнинг манфаатини ҳимоя қилиб сўз айтса, миллатчилик деб ҳисобланди. Яқин ўтмишимизнинг бу аччиқ ҳақиқатини унутмаслик лозим. Мустақилликка эришилгандан кейин бу муаммоларга барҳам берилди, миллий тилларнинг тараққиётига кенг йўл очилди. Ҳар бир миллат ўз она тилида гапириш ва ёзиш ҳуқуқига эга бўлди. Ҳатто ўзбек ва қорақалпоқ тиллари давлат тили даражасига кўтарилди, уларнинг нуфузи ортди. Бу тадбирлар осонлик билан, силлиқ амалга ошмагани маълум. Бу масалада Алишер Навоийнинг бир вақтлардаги миллий тил манфаати учун кураш усуллари, унга давлат тили мақомини бериш йўлида қилган саъй-ҳаракатлари мадад, маънавий таянч бўлгани сўзсиз. Ва Алишер Навоийнинг бундан беш ярим аср олдин бу соҳадаги хайрли ишлари ҳозир ҳам аҳамиятини йўқотган эмас.

Алишер Навоий фақат шоир ва мутафаккир сифатидагина эмас, балки ижтимоий фаолиятда ҳам идеал инсон эди. Ватанга, халққа, тараққиётга хизмат қилиш унинг муқаддас орзуси бўлган. Фаолиятидаги энг кичик имкониятдан ҳам шу мақсадда фойдаланган. Шоир йирик давлат арбоби, муҳрдор, Ҳусайн Бойқаронинг бош вазири, амир, Астробод ҳокими лавозимларини эгаллаб турганида мамлакатнинг ободонлиги ва осойишталиги, гуллаб-яшнаши, халқнинг фаровон турмуши, маданият, адабиёт ва санъ-

атнинг тараққиёти учун астойдил ҳаракат қилди. Ижод аҳлига ғамхўрлик кўрсатиб, уларни ҳар томонлама қўллашни инсоний бурч ҳисоблади. Илм-фанни, маданиятни ривожлантириш учун меҳнатини аямади. Адабиёт ва санъат аҳлига ҳомийлик қилади. Ҳусайн Бойқаро ўзининг «Рисола»сида биргина Ҳирот ва унинг атрофидаги қишлоқларда мингдан ортиқ киши шеър ёзиш билан шуғулланганини ва уларнинг барчаси Навоийнинг ғамхўрлигида бўлганини ёзади. Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳам «Бобурнома»да бу ҳақда қуйидаги маълумотни келтиради: «Илм-фан эгаларига Алишердек кучли ва эътиборли мураббий бўлган эмас ва бўлиши ҳам номаълум».

Алишер Навоий ҳаётининг мазмунини инсонларга хизмат қилишда деб билган. Шунинг учун ҳам ижодида инсонпарварлик гояларини жуда улуғлайди. Халқ дарди билан яшамайдиган, унинг манфаатини ўйламайдиган одамларни шоир инсонийлик хислатларидан маҳрум кимсалар деб атагани бежиз эмас эди. Унинг халқ ҳикматларига айланиб, кўпчиликка ёд бўлиб кетган қуйидаги бир байти шоирнинг барча асарлари ичидан қизил ипдек тортилган инсонпарварлик ҳақидаги қарашларининг синтези, қаймоғидир:

*Одами эрсанг демагил одамий
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.*

Шоирнинг бу шоҳ байти бутун ҳам инсонийлик шиори, одамларга нисбатан меҳр уйғотишга даъват этадиган ўлмас чақириқдир.

Алишер Навоий XV аср тарихий шароитида ҳаёт ва ижоднинг қийин ва жуда мураккаб, зиддиятли йўлларини босиб ўтди. Шундай қийин ижтимоий-тарихий муҳитда яшасада, шоир мақсад ва интилишларидан, халқ манфаати йўлидаги олижаноб идеалларидан, эътиқодидан қайтмади. У халқ ва давлат манфаатига қаратилган эзгу ишларни рўёбга чиқариш учун яшаган, курашган ва ижод қилган унутилмас сиймодир.

Алишер Навоий — барча замонларнинг шоири. Ҳамма замонларда унга эҳтиёж бўлган ва бундан кейин ҳам бўлиши табиий. Ҳар бир авлод ундан ўзига керакли нарсани топиб келди ва келажакда ҳам топажак. Шоирнинг ўлмас

асарлари нафақат ўтмиш адабиётимизда, балки бугунги ўзбек адабиётида ҳам катта мавқега эга, ижод аҳли учун илҳом манбаи, маҳорат мактаби вазифасини ўтамоқда. Бир мисол келтирмоқчиман. Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов Навоийга бағишланган бир мақоласида шундай деб ёзади: «Навоий ижоди мени шеърятга олиб кирган. Кўплар каби у менинг ҳам устозим, пири комилимдир. Мен ҳамisha бу юксак ижод сеҳри олдида ҳайратга тушаман ва унга интилиб яшайман».

Ҳа, шоирман деб қўлига қалам олган ижодкор борки, Навоийнинг шеърят чашмасидан баҳраманд бўлади, ижод сирларини ўрганиб комиликка интилади.

Ҳозирги даврда Алишер Навоийнинг жаҳоншумул аҳамиятга эга нодир асарлари дунё бўйлаб кезиб юрибди, ўзга халқларнинг адабиётига ҳам таъсир кўрсатиб, улар тараққиётида ўз изларини қолдирган. Жумладан, бугунги туркий халқлар адабиётида Алишер Навоий ижоди севиб ўрганилади, шоир анъаналари давом эттирилмоқда. Навоийни ўзларига устоз билиб қалам тебратган шоирлар туркий халқлар адабиётида анчагина бор. Мана шу мантиқдан келиб чиқиб, образли шаклда улуг шоирни *туркий шеърят осмонининг сўймас қуёши, барча адабиётларга нур сочиб турган машъала* деб таърифласак, ҳеч қандай муболаға эмас.

Алишер Навоий яратган ўлмас асарлари, адолатли ҳукмдор сифатида амалга оширган хайрли ишлари туфайли дунёнинг энг машҳур тарихий шахслари қаторида туради. Беш ярим асрдан ошдики, бу улуг сиймонинг тadbирлари, яратган ижод намуналари маънавият ва маърифат машъали сингари ўзидан кейинги авлодларга қуёш нуридек шуъла сочиб келмоқда. Гарчи шоир давр эътибори билан биздан анча йироқ бўлса-да, унинг поэтик овози деярли ҳар куни қулогимиз остида жаранглаб, руҳимизни бойитиб туради. Биз бу бетакрор даҳо шоир ва мутафаккирни ҳамisha ўзимиз билан ёнма-ён тургандек ҳис қиламиз.

Алишер Навоий ижодига муносабат мустақиллик йилларида янги мазмун касб этди, шоир меросини янги илмий концепциялар, миллий мафкурага асосланган янги мезонлар асосида ўрганишга киришилди ва салмоқли тадқиқот ишлари яратилди. Бу соҳада А.Ҳайитметов, А.Қаюмов, С.Ғаниева, И.Ҳаққул, Ё.Исоқовдек йирик навоийшунос олим-

ларнинг ва яна бир қатор мумтоз адабиётимиз тадқиқотчиларининг улуг шоир асарларини ҳар хил илмий йўналишларда ўрганиб, қўлга киритган ютуқлари ҳозирги давр навоийшунослигига қўшилган ҳисобдир. Бу ишлар шоир меросини халқимиз орасида янада оммалаштиришга амалий ёрдам бераётгани адабиётшунослигимизнинг ҳам улкан ютуғидир.

Ҳа, Алишер Навоий асарлари халқимизга бугун ниҳоятда зарур. Адабий мерос негизини маънавий қадриятларни қайта тиклаш, ёшларни ўтмиш меросимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш жараёнлари қизғин давом этаётган бир шароитда Алишер Навоий ижодига мурожаат қилиш, аynиқса, шоирнинг умуминсоний қадриятларга йўғрилган асарларини, ҳаётбахш ҳикматларини ўрганиш. Қорақалпоғистонда ҳам тарғиб қилиш, маънавий ҳаётимизга тadbик этиб, улардан тарбия қуроли сифатида фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, маънавий соғлом, баркамол авлодни шакллантириш учун бу руҳий хазинадан мунтазам баҳраманд бўлиб бориш ҳар бир инсон учун масъулиятли вазифа эканлигини унутмаслик лозим.

2001

ҲАЗАЛ МУЛКИНИНГ СУЛТОНИ – ҲОМИЙЛИК ТИМСОЛИ

Дунё тарихида улуг зотлар кўп ўтган. Лекин улар орасида Алишер Навоийдек *«авлиёларнинг авлиёси, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоирларнинг султони»* даражасига кўтарилиб, миллат тимсолига айлангани кўп эмас. Шоирнинг таржимаи ҳоли билан танишар эканмиз, бутун умри давомида ижод қилиш билан бирга бева-бечоралар, етим-есирлар, ногирон ва муҳтожларга мурувват кўрсатиб, эл-юрт ободончилигига фидойилик билан хизмат қилиб яшганига гувоҳ бўламиз. Сахийлик, хайр-садақа, ҳомийлик, эзгулик Алишер Навоийнинг ҳаётини шоир бўлган. Шоир том маънодаги инсонпарвар, беназир буюк шахс. Ўз ҳаётини оддий халқ ҳаётидан ажралган ҳолда тасаввур қила олмаган. Ҳазалларидан бирида шоир дейди:

Ali'niyaz ati'ndag'i' NMPI
Informatsiyali'q resurs worayi'

*Юз жафо қилса манга, бир қатла фарёд айларам,
Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам.*

Шоир: *«Менга юз марта жабр-ситам қилсалар ҳам мен бир марта дод солишим мумкин. Бироқ эл-юртимга, халқимга бир жафо қилсалар мен юз марта фарёд қиламан»*, дейди юқоридаги байтда. Эл-юрти, халқи тақдири-ни ўз тақдиридан, ўз ҳузур-ҳаловатидан устун қўйган, унинг қийналишини, жабр кўришини асло истамаган улуг инсонгина бундай чақириқ билан чиқа олади. Навоий яна бир ғазалида:

*Халойиққа кўрма қилиб бенаво,
Ўзингга раво кўрмагани раво —*

деб ёзади. Шоирнинг: *«Ўзингга раво кўрмаган помақбул ишларни бошқаларга ҳам раво кўрма»*, деган даъвати куйидаги байтида янада таъсирлироқ жаранглайди:

*Нафъинг агар халққа бешакдурур,
Балки, бу нафъ ўзингга кўпракдурур.*

Агар халққа нафъ, фойда етказсанг, бундан ўзинг ҳам кўп нафъ, манфаат кўрасан, деган фикрни шоир ўз ҳаётий тажрибасига таяниб айтгани аниқ.

Инсон ва унинг манфаати ҳақида қайғурган одамгина саҳийлик, хайр-саховат тимсолига айланиши, ҳаётининг мазмунини шу хилдаги ишларга сарф қилиши мумкин. Навоий худди шундай саховатпеша инсон бўлган. Унинг шахсини нурлантириб турадиган бу фазилат ҳақида ҳар қанча гапирса озлик қилади. Шоир, биринчи навбатда, муҳтожларга, етим-есирларга ҳомийлик қилган, уларни ҳар доим моддий томондан қўллаб турган. Навоийнинг замондоши, тарихчи Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ»¹ асарида шундай бир маълумот бор. 1500 йилда Ҳирот шаҳри ва унинг атрофидаги аҳолидан 100 минг кепакий солиқ йиғиладиган бўлади. Шундан 60 мингини Ҳирот шаҳри аҳолисидан олиниши режалаштирилади. Алишер Навоийга бу хабарни етказганда у: *халққа ўринсиз солиқ солиш Ҳусайн Бойқаро*

¹ Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Тошкент., 1967., 107-бет.

давлатига муносиб бўлмас, деб солиқнинг ярмини ўз ҳисобидан тўлаб юборади. Бундан оддий халқ жуда мамнун бўлади. Хондамир юқорида тилга олинган асарининг олтинчи бобида Алишер Навоийнинг саҳийлиги тўғрисида яна бир маълумотни келтиради ва шундай деб ёзади: *«Ҳар вақт Амирнинг шарафли суҳбатига етишган азизлар, муҳтож кишилар номини арз қилар, ул ҳазрат (Алишер Навоий — К.Қ.) ҳам аҳволига қараб инъомлари, емишлари билан шундай кишиларни баҳраманд қиларди. Шу билан бирга, отда кетаётган пайтда бирор муҳтожга кўзлари тушиб қолса, унга эҳсон қилиш мумкин бўлсин учун, ҳар вақт катта миқдордаги маблағни ишончли мулозимлардан бирига бериб қўярди. Узоқ ва яқиндаги фозиллар, шоирлар, фақир ва заифлар, етимларнинг кўнглини инъом ва тўнлар билан кўтарарди»*.

Алишер Навоийнинг камбағалларга, муҳтожларга кўрсатган бундай эзгу ишларининг саноғи жуда кўп. Бу ҳақда шоирнинг бошқа замондошлари ҳам кўп ёзишган.

Навоий шахсини улуғлайдиган яна бир ноёб фазилат бор. Шоир илм-фан, маданият ва маърифатнинг ғамхўри, ҳомийси, мамлакатининг гуллаб-яшнаши учун катта бунёдкорлик ишларини амалга оширган ҳақиқий ватанпарвар, эл фарзанди бўлган. Хуросон давлатидаги ободонлаштириш ишларига бош-қош бўлган, ўз жамғармаси ҳисобидан кўп бинолар, мадрасалар, қарвонсаройлар, кўприклар ва йўллар қурдирган. Хондамирнинг маълумот беришига қараганда, Алишер Навоий ўз маблағи ҳисобидан 20 га яқин масжид, 53 работ (қарвонсарой), 19 ҳовуз, 16 кўприк, 10 ҳаммом қурдирган. Баъзи манбаларда қайд этилишича, бундай иншоотларнинг сони 400 дан ошади. Бунёдкорлик ишларининг барчаси бевосита Навоийнинг раҳнамолиги ва ҳомийлигида амалга оширилган. Шоир бу ишларнинг бошида турган, ҳатто ўзи ҳам усталар билан қўшилиб ишлаган. «Макорим ул-ахлоқ»да Навоийнинг бу фаолияти шундай таърифланган: *«Ул зот (Алишер Навоий — К.Қ.) ҳар кун иш бошига таъриф қилар, кўпинча этикни бир уриб, мардикорлар қатори ишларди. Ҳар неча кунда меъморлар, усталар, балки хунардонларга қимматбаҳо тўнлар кийгизар ва беҳад инъом ва эҳсонлар билан уларни шодлантирарди. Шунинг натижасида уч-тўрт йилда битадиган қурилишлар бир йилда, ҳатто олти-етти ойда битарди»*.

Алишер Навоий адабиёт аҳлини, илм-фан кишиларини жуда қадрлаган, уларга ҳомийлик қилиб, ўз ҳисобидан маош тўлаб турган, илм-фан, ижод билан шуғулланишлари учун шароит яратиб берган. Масалан, Хондамир «Макорим ул-ахлоқ»нинг муқаддимасида Алишер Навоий ғамхўрлиги ва ҳомийлигида камолга келганини зўр қониқиш билан ёзади: «Ўткир кўз эгаларининг ҳузурида махфий яширин қолмасинки, шараф ва улуғлик осмонининг қуёши, дунё буюкларининг пешвоси, яхши хулқлар манбаи, илм ва ирфон эгаларининг қибласи, ҳоқон давлатининг таянчи ва Султон ҳазратнинг яқини, фақирликка бою, ҳикматга ботир, олий ҳазрат Низомулҳақ валҳақиқат вад-дунё вад-дин Амир Алишернинг узлуксиз меҳрибончиликлари шуъласи, илтифот ва ғамхўрликлари офтоби Хондамир деб шуҳрат қозонган бу фақир банд ва ҳақир зарра Ғиёсиддин бинни Хумомиддин (Хондамирнинг асл исми) бошига тобланди, балки вужудининг ниҳоли ёш чоғидан то йигитлик даврининг охирига қадар ул ҳазратнинг лутфи эҳсон ариқлари ёқасида ўсиб унди». Яна бир мисол. Алишер Навоий ўзининг дам олиши учун мўлжалланган «Халосия» хонақоҳидаги (масжид) махсус хонани мавжуд шарт-шароити ва китоблари билан Мирхондга (Хондамирнинг отаси)га ажратиб беради. Ўрта Осиё халқлари тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қиладиган «Равзат ус-сафо» асарини Мирхонд Алишер Навоийнинг ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаши асосида ёзганлиги манбаларда айтилади. Буни Мирхонднинг ўзи ҳам эътироф этади.

Савол туғилиши табиий. Алишер Навоий хайрли ишларга сарфланадиган маблағни қаердан олган? «Макорим ул-ахлоқ»да шоирнинг хайрли тadbирлари айтилади, лекин буларга кетадиган маблағнинг манбалари тўғрисида ҳеч қандай маълумот учратмадик. Балки бу ишлар Хондамирнинг замондошларига маълум бўлгани учун у ҳақда маълумот беришни зарур деб ҳисобламаган бўлиши эҳтимол. Лекин Навоийнинг бошқа замондошлари ва шоирнинг ўз асарларида бу саволга қисман жавоб бор. Шоирнинг замондошлари берган маълумотларга қараганда, бу бойлик ва пулларнинг асосий қисмини у катта деҳқончилик хўжалигидан олган. Ҳусайн Бойқарога аввал муҳдор, кейин вазир бўлиб хизмат қилган вақтида у замоннинг қоидаларига биноан

ҳамма амирларга берилганидек, Алишер Навоийга ҳам Ҳирот атрофидан ва бошқа жойлардан ерлар ажратилган. Шоир «Чор девон»га ёзган «Дебача»сида амир бўлиш орқасида олган ерларини назарда тутиб, ўз қишлоқ хўжалиги ҳақида гапиради.

Навоий ўз хўжалигида деҳқонларни инсоф билан ишлатган, меҳнат ҳақи билан таъминлаб турган. Шоирнинг замондоши Давлатшоҳнинг ёзишича, Навоийнинг бутун ерсуви, мол-мулкидан ҳар куни 18 минг шоҳруҳий динор миқдорида даромад келар экан. Шоирнинг бунёдкорлик ишларига, бинолар қуришга сарфланадиган маблағи беш юз туман (5 000 000) кепакийга барабар бўлган. Бошқа амирлар ўз маблағларини маишатларига сарфлаб, исроф қилса, Алишер Навоий ўз эҳтиёжларини ҳам жуда чегаралаб, кўп хизматчи ва навкарлар сақламасдан, ўртача бир фуқародек яшаб, бутун бойлигини халқ фаровонлигига сарф қилар экан. Навоий замондошларининг баъзи асарларида айтилишича, шариат вакиллари шоирдан ҳатто закот ҳам сўрагани андиша қиларкан. Сабаби унинг қўлида ҳеч қачон катта пул тўхтамас экан. Шоирнинг бу хислати «Макорим ул-ахлоқ»да шундай таърифланган: *«Ҳеч қачон ул ҳазратнинг хазинасида йил давомида закот бериш возжиб бўларли миқдордаги маблағ тўпланиб турмасди. Чунки мулозимларнинг қўлига нимаики тушса, тездан кишиларга инъом бериш йўли билан сарф қилинар ёки хайрли бинолар барпо қилишга кетарди».*

Халқининг равнақи, истиқболи учун, маданияти ва маънавияти, тили ва адабиёти тараққиёти учун курашган, оламшумул ҳомийлик рамзига айланган буюк инсон, фавқулодда талант соҳиби Алишер Навоий шундай олижаноб шахсдир. Ўз замонида мутафаккир шоир амалга оширган эзгу ишлари, ҳомийлиги бугун ҳам кўпларга намуна. Шу маънода, Алишер Навоий ҳамма замонларнинг шоири. Ҳар бир авлод унинг шахсиятидаги ҳеч қачон аҳамиятини йўқотмайдиган бу ноёб фазилатдан ибрат олади. Шу масала билан боғлиқ бир мулоҳаза. Бозор иқтисодига ўтишнинг бугунги мураккаб шароитида бундай саҳийликнинг қадри муҳим эканлигини шарҳлаш зарур бўлмаса керак. Бундай ҳомийлик тadbирларини амалга оширадиган ҳиммати баланд, бой-бадавлат, бели бақувват кишилар Қорақалпоғис-

тонда ҳам оз эмас. Менимча, бутун мана шундай инсонлар юртимиз фаровонлиги, халқимиз ободончилиги, илм-фан, адабиёт тараққиёти, маданиятимизнинг юксалиши учун ўз жамғармалари ҳисобидан халқ манфаатига хизмат қиладиган эзгу ишларни қилсалар, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлиб Алишер Навоийдек ҳомийлик тимсолига айланган, эъзозланган бўлур эдилар.

Президентимиз 2006 йилни «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилди. Шояд мана шу йилда ҳомийлар сафи янада кенгайиб, хайр-саховат тadbирлари жадаллашиб кетса. Бу ишларда уларга Алишер Навоий бобомизнинг руҳи, ҳомийлик бобидаги ибратли ишлари мададкор бўлишини жуда-жуда истардик.

2006

АЛИШЕР НАВОИЙ ТУРКМАНЛАР ҲАҚИДА

Алишер Навоийнинг номи ва асарлари туркман халқи орасида кўп йиллардан бери маълум ва машҳурдир. Бунинг бир қанча сабаблари бор. Шоир, аввало, ўз фаолияти, ўлмас асарлари билан туркман халқи қалбига кирган. Унинг инсонпарварлик, маърифатпарварлик ва ватанпарварлик ғоялари билан суғорилган ғазалиёти, дostonлари, нафақат шоирлар, саводхон кишилар қалбини сеҳрлаган, айни чоғда, оддий халқ дилига ҳам завқ бағишлаган. Машҳур туркман адиби Берди Кербобоев улўғ ўзбек шоирининг Туркменистонда жуда машҳурлиги тўғрисида қуйидаги фикрларни билдириши бежиз эмас: *«Мираллини — Навоийни туркман халқи ўз классигидек севади. Мактабларда савод чиқариш учун ўқитиладиган асосий китоблардан бири Навоий лирикаси бўларди. Саводли, илмли одамлар атрофига тингловчиларни тўплаб шоирнинг «Хамса»сини ҳафталаб ўқирдилар. Навоийнинг ғазаллари куйларда, қўшиқларда янграрди. Бу қўшиқлар ҳалиям бахшиларнинг репертуаридан тушгани йўқ. Одатда, бахшилар узоқ кечаларнинг куй ва қўшиқларини «Навоий» пардаси билан бошлаганлари ҳамон менинг ёдимда».*

Навоийнинг «Хамса», «Хазойин ул-маоний» каби асарлари Бухоро, Хева мадрасаларида қўлланма бўлиб хизмат

этган. Мадрасаларда таҳсил олган туркман шоирлари бу асарлардан баҳраманд бўлиб, ижод сирларини ўрганган. Туркман халқининг Алишер Навоийга ихлос қўйиб, ижодини қадрлашининг яна бир сабаби, унинг ўз замонида туркманларга, уларнинг адабиёти ва маданиятига ҳурмат ва эътибор билан қараганлиги, ғамхўрлик кўрсатилгани билан изоҳланади.

Навоий ўз даврида туркман тупроғида бўлганлиги, туркман ҳаёти билан яқиндан танишгани тўғрисида адабий-илмий манбаларда маълумотлар бор. Шоирнинг «Хазойин ул-маоний», «Хамса», «Мажолис ун-нафоис» каби асарларида туркманлар ҳаёти ва адабиётига доир мисралар, байтлар учрайди. Маълумки, ҳозирги Туркменистон, Хоразм ўтмишда Алишер Навоий вазир бўлган Хуросон давлатининг бир қисми ҳисобланган. Бу эса шоирнинг туркманлар билан бевосита мулоқотда бўлиши учун яхши имкон туғдиради. У ижтимоий-сиёсий, адабий-илмий фаолияти давомида туркман маданияти ва санъатига, адабиётига доимо хайрихоҳ ва ғамхўр эди. Шоирнинг асарларида Марв шаҳрининг кўп тилга олинishi тасодиф эмас. Марв Навоий учун энг қадрли шаҳарлардан бири эди. Шоир «Тухфат ул-афкор» қасидасини шу ерда ёзиб тугаллаган. «Хазойин ул-маоний», «Мажолис ун-нафоис» асарларида ҳам Марв шаҳри билан боғлиқ байтлар мавжуд. «Хазойин ул-маоний»нинг тўртинчи — «Фавоийд ул-кибар» китобидаги «Соқийнома»нинг олтинчи бобида Марв ҳақида бир байт бор:

*То боқиб Марв сари бош урайин,
Бошни кўк манзаридин ошурайин.*

Шоирнинг қуйидаги байтлари унинг бу тарихий шаҳар ҳаёти билан анча яқин муносабатда бўлганлигидан дарак беради:

*Масканим ҳижронда бўлса эди Марви изоҳи жон,
Бергай эрди ҳажрдин ўлсам, танимға шох жон.*

Ёки:

*Эй сабо, кўздин учур Мозандароннинг вардини
Ким қилибмен сурма Марви шохи жаҳоннинг гардини.*

Алишер Навоий асарларида Марвни фақат таърифлаш билан чекланган эмас. У Марвда маърифат ишларини яхши йўлга қўйишга аҳамият берган, у ердаги мадрасалар қурилишига бош-қош бўлади. Султон Санжар мақбараси бево-сита унинг иштироки билан таъмирланган. Марвдаги «Хисравия» мадрасаси Навоийнинг ташаббуси билан қурилганлиги ва у ўз даврининг энг машҳур билим даргоҳларидан бўлгани ҳақида Хондамир «Макорим ул-ахлоқ» китобида маълумот беради.

Хондамирнинг ёзишига қараганда, 1476-1477 йилларда Навоий қурдирган «Ихлосия», «Низомия» мадрасалари син-гари «Хисравия» мадрасасида ҳам мингдан ортиқ талабалар ўқиган. Навоий талабаларнинг яхши билим олишлари учун ҳамма шароитларни яратишга ҳаракат қилган. Фақат таъ-лим билан машғул бўлишлари учун уларга стипендия ҳам белгиллаган. Кейинчалик ана шу толиблар орасидан катта олимлар, шоирлар этишиб чиққанлиги ҳақида Хондамир шундай ёзади: «Шунингдек, таҳқиқ ва ишонч арбоблари-нинг қибласи бўлган бу зот (Навоий) Соҳибқироннинг пол-шоҳлиги замонида атоқли олимлар ва ҳурматга лойиқ санъ-ат аҳлларининг даражаларини кўтаришда ва мартабаларини оширишда қўлдан келган қадар ҳаракат қилди. Талабалар-нинг тинч, бемалол илм олишлари учун уларга нафақалар белгилаб, мадраса ва хонақоҳлар бино қилди. «Инжил» наҳри бўйига ниҳоят зеб-зийнатли қилиб ишланган мадрасани «Их-лосия» солинди. Мадрасани «Низомия» Хирот шаҳрининг ичида. Мадрасани «Хисравия» — Марв шаҳрида бино қилин-ган. Донишманд арбобларнинг хотирида яширин қолмасин-ки, юқорида зикр қилинган биноларнинг шарофати ва ба-ракати бутун дунёга шу қадар машҳурки, бундан зиёда ни хотирга келтириб бўлмайди».

Навоийнинг лирик ғазалларидан бирида туркман ғўзали таъриф этилади. Латофати ва маҳвашлиги билан шоир қал-бини мафтун этган ўша ғўзалнинг тавсифига бағишланган ғазалнинг мақтаъси билан танишинг:

*Навоий туркларнинг тарки тутса, айб қилмангким,
Анга бир туркмон маҳвашигами маҳкам дўлошибдир.*

Бундай мисоллар Алишер Навоий ғазалиётида ягона эмас. Таниқли навоийшунос олим А. Ҳайитметов шоир ижодига

бағишланган мақолаларидан бирида Навоийнинг туркман-ларга чуқур ҳурмат ва муҳаббатини кўрсатадиган яна бир характерли адабий фактга эътиборимизни тортади ва шун-дай деб ёзади: «*Мен куларнинг бирида «Ҳазойин ул-мао-ний»ни ўқиб ўлтириб, шоир бир ғазалида туркманча ибора ишлатиб ўз маҳбубасини эркалаб, туркманга ўхшатганини кўрдим. Мана, ўша байт:*

*Навоий, эрур ул шўх туркмон бас тунд,
Наво тилар эсанг ондин, югурма ордича чўх.*

(Эй Навоий, у ғўзал туркман ғоят аччиғи тез чиқдику, у туфайли мақсадинга эришмоқчи бўлсанг, орқасидан ортиқча кўп югурма.)¹

Алишер Навоий туркманлар билан жуда яхши муноса-батда бўлган. Унинг туркман шоирлари билан ижодий ало-қалари икки қардош халқ адабиётлари ҳамкорлиги тарихи-нинг ёрқин саҳифаларидан биридир. Адибнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкираси бу хусусда қимматли маълумотлар беради. Тазкирада ҳозирги Туркменистон ҳудудида яшаб ижод этган кўп шоирлар ҳақида маълумотлар учрайди. Ху-росон шаҳарларидаги адабий муҳитда туркман шоирлари ҳам фаол қатнашган ва аксарияти Навоий билан мулоқотда бўлиб, шеърят сирларини ўрганган, уни ўзларига устоз билган-лар. Навоий ҳам уларга ғамхўрлик кўрсатган. «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида бу ҳақда қимматли фикрлар ёзиб қолдирилган.

Алишер Навоий билан яқиндан дўстона муносабатда бўлган яна бир туркман шоири тўғрисида батафсилроқ сўз юритмоқчимиз. Бу — Навоийнинг замондоши, ҳукмдор ва шоир Султон Ёқуббекдир. Бу икки сиймо ораларидаги ўза-ро ҳурмат, дўстлик алоқалари хусусида уларнинг ҳаётлик чоғларидаёқ тазкираларда қайд этилган. Мирхонд ва Хон-дамирнинг асарларида Навоий ва Ёқуббек муносабатлари-ни ойдинлаштирадиган фактлар кўп. Жумладан, «Равзат ус-сафо»да мана бу маълумотни учратдик: «Ҳижрий сана-сининг юз ва тўқсон иккилончи йилининг (1487 мелодий) қишида олиймакон хон (Султон Ҳусайн Мирзо) Марвда

¹ А. Ҳайитметов. Мерос ва ихлос. Тошкент, 1985., 135-бет.

қишлашга қарор берган эди. Хоқон иктизо (талаб) этдики, Астободда ҳокимлик қилаётган Амир Мўғул шоҳнинг хизматига етиб келсин ва Амир Алишер Астободдорилфатҳи ҳокимлиги даражасига кўтарилсин. Маҳаллий амир ва кўзга кўринган кишилар Астободда Алишерни хурсандчилик билан кутиб олди. Алишерга туркман подшоҳи Ёқуббек ўз ҳурматини кўрсатиб, катта совғалар юборди. Алишер Астободни адолат билан идора қилишга киришди».

Алишер Навоий Ёқуббек билан доимий дўстлик муносабатларини сақлашга ҳаракат қилган. Тарихий манбаларда ёзилишича, шоир ўзининг яқин кишилари орқали Ироқда ҳокимлик қилаётган Ёқуббекка совға-саломлар жўнатиб турган ва ўзи ҳам ундан шундай илтифотлар кўрган. Навоийнинг замондоши тарихчи ва шоир Биноий Ироқ султони шоир Ёқуббек билан Астобод ҳокими шоир Навоий ораларидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашда воситачи бўлганлиги тарихий китобларда тилга олинади. Ойбекнинг «Навоий» романида бу тарихий ҳақиқатнинг реалистик бадий ифодасини ўқиб, чиндан ҳам, бу икки сиймо — Навоий ва Ёқуббекнинг дўстона муносабатлари тимсолида ўзбек-туркман халқлари ва адабиётлари дўстлиги қадимий ва самимий бўлганлигини кўз олдимизга келтирамиз.

Навоий Ёқуббекни ҳар жиҳатдан яхши билган. Унинг инсоний фазилатларини қадрлаган, шоирлик истеъдодини юқори баҳолаган. Ўз замонида кам учрайдиган фозилсифат киши бўлганлигини кўп маротаба тилга олган. «Мажолис ун-нафоис»нинг еттинчи мажлисида Ёқуббек ҳақида Навоий шундай маълумот беради: *«Яъқуб Мирзо — Туркман сифотлиг йигит оз бўлғай. Дарवेशсифат ва фонийваш эрди. Бу рубоий анингдуркам:*

*Олам ки дар ў сабот кам мебинам,
Дар ҳар тарабаш хазор ғам мебинам,
Чун кўҳна работест ки аз ҳар тарафаш
Роҳе ба биёбони адам мебинам.*

(Мазмуни: *оламки унда саботни кам кўраман. Ҳар хурсандчилигида минг ғам кўраман, чунки у худди кўҳна работга ўхшайди, унинг ҳар тарафидан йўқлик биёбонига бир йўл кўраман*).

«Ҳазойин ул-маоний»нинг «Фавойид ул-кибар» девонида «чўх» сўзи радиф бўлиб келган тўққиз байтлик бир ғазал бор. Адабиётшунос Қ.Тоҳиров мазкур ғазални Алишер Навоий Ёқуббекка бағишлаб ёзган, деган хулосага келади. Бу фикрда ҳақиқат бор. Ёқуббек ўз замонининг маълум ва машҳур шахсларидан бири бўлган. Жумладан, ўзи ҳукмронлик қилаётган мамлакатдаги адабий-маданий ҳаётни юқори даражага кўтаришда муҳим роль ўйнаган. Шоирларни, санъаткорларни доимо қўллаб-қувватлаган, адабий муҳитнинг гуллаб-яшнашига шароит яратишга интилган Ёқуббекнинг ижоди ҳам ана шу муҳитда камолотга эришган. Ёқуббекнинг ҳукмдор сифатида ҳам, ижодда ҳам анча илғор шахс бўлганлигини шу мисоллар тасдиқлай олади. Ёқуббек шу хусусиятлари билан улуг Навоийни эслатади. Ёқуббекнинг хайрли, олижаноб ишлари Навоийнинг ҳурматини қозониши бежиз эмас. Ҳаётда ҳам, ижодда ҳам бу икки буюк сиймо бир хил позицияда турган, бир-бири билан ҳамкорлик қилган. Таниқли навоийшунос олима Суюма Ғаниеванинг мана бу фикрлари ана шу тарихий ҳақиқатнинг илмий тасдиғидир. «Султон Ёқуб ўз замонасининг буюк шахсларидан бири бўлган. У ҳукмронлик қилган даврда адабиёт юқори даражага кўтарилган эди. Унинг атрофига йиғилган шоирлар султоннинг ғамхўрлиги остида шеърининг ғоявий-мазмун доирасини кенгайтиришга астойдил ҳаракат қилганлар. Ана шу жўшқин адабий ҳаёт Султон Ёқуб ижодининг ҳам гуллаб-яшнашига имкон яратди. *Бу даврда уч халқнинг буюк фарзандлари — туркман Султон Ёқуб Акгоюнли, ўзбек Алишер Навоий, тожик Абдурахмон Жомий ораларидаги мустаҳкам дўстлик алоқалари бу халқлар адабий ҳамкорлигининг янги, ўзига хос саҳифасини вужудга келтиришга хизмат этди*».

Яна бир факт. Маълумки, XVI аср давомида Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асари форс тилига бир неча марта таржима қилинган. Биринчи таржима ҳиротлик шоир ва олим Фаҳри томонидан 1521-1522 йилда амалга оширилган бўлса, иккинчи таржима Муҳаммад Қазвиний қаламига мансуб бўлиб, у 1522-1523 йилда рўёбга чиққан. Қизиги шундаки, таржимонлар «Мажолис ун-нафоис»ни форс тилига ўтиришда унга ижодий муносабатда бўлиб, тазкиранинг кўп жойларини ўзгартирган, янги манбалар киритган.

Масалан, саккиз мажлисдан иборат бўлган «Мажолис ун-нафоис»га тўққизинчи мажлисни қўшиб, тазкиранинг ҳажмини кенгайтирганлар. Алишер Навоий тазкирасига таржимонлар томонидан қўшилган янги маълумотлар ўша давр адабий ҳаёти тўғрисида, энг муҳими, Навоий ва Ёқуббекнинг бу давр адабий ҳаракатчилигидаги ўрни, ижодий ҳамкорлиги хусусидаги маълумотларнинг устини тўлдиради.

Навоий эътиборига сазовор бўлган шоирлардан яна бири Мавлоно Соҳибдир. У Навоийнинг яқин дўсти ва азиз суҳбатдошларидан бири бўлганлиги ҳақида Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» («Ажойиб воқеалар») китобида ҳам батафсил ёзилган. Тарихий манбаларнинг хабар беришича, Навоийнинг вафоти Соҳиб Дорони чуқур қайғуга солган ва у устози вафотига бағишлаб марсия ҳам ёзган. Узоқ вақтлар марсиянинг матни номаълум бўлиб келган. Туркман адабиётшуноси А. Бекмуратов ўзининг бир мақоласида мазкур марсиянинг адабиётшунос Гандим Гурбанов томонидан топилганлиги ва адабий жамоатчиликка тақдим этилганлиги тўғрисида сўз юритади.¹ Мақола муаллифининг маълумот беришига қараганда Соҳиб Доро марсиясида шогирдлик меҳри билан Навоийнинг инсоний фазилятларини улуғлаган, шоирлик талантига тан берган. Бу тарихий ҳақиқатнинг бадий ифодасига ёзувчи Ойбек ҳам «Навоий» романида бир неча саҳифа ажратгани бежиз эмас эди.

«Мажолис ун-нафоис»да Навоий таъриф берган ёки тазкиранинг форсча таржимасига янги қўшилган туркман шоирларининг яна бир нечаси тўғрисида фикр билдириш мумкин эди. Назаримизда, биз таҳлилга жалб қилган шоирларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумотлардан намуналарнинг ўзиёқ Алишер Навоийнинг туркман шоирларига бўлган муносабатини ойдинлаштира олади.

Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкираси ўзбек-туркман адабий алоқалари тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Ўрни келганда шу масала билан боғлиқ яна бир адабий фактга эътиборингизни қаратмоқчимиз. Гап шундаки, Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асари XVI-

¹ А. Бекмуратов. Ўзболушли омурден гулкули вака. «Эдебият ве сунгат», 1998 й., 9 сентябрь.

XVII асрлар туркман адабиётида тазкира жанрининг вужудга келишига таъсир кўрсатган. Бу асар кўп хусусиятлари билан туркман шоирлари, тарихчилари ва олимларининг диққатини жалб этган ва улар ҳам Навоийдан таъсилраниб тазкира намуналарини яратишган. Жумладан, XVI асрнинг ўрталари ва XVII асрнинг бошларида яшаб ижод этган туркман олими, шоири ва рассоми Содиқбек Авшар Содиқий Навоий анъаналари изидан бориб «Мажме ул-ҳавас» деган тазкира ёзган. Содиқийнинг «Мажме ул-ҳавас» асарида форс, араб ва туркий тилда ижод этган 332 туркман шоири ҳақида маълумот келтирилган. Шунингдек, тазкиранинг охирида муаллиф ўзи тўғрисида ҳам ахборот берган. Содиқий тазкира яратишга киришмасдан олдин, ўзига ёзилган тазкиралар билан муфассал таниш бўлган, айниқса, Жомийнинг «Баҳористон», Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкиралари тажрибаларидан фойдаланган. «Мажме ул-ҳавас»нинг муқаддима қисмида Содиқий ўз салафларининг тазкираларини ҳурмат билан тилга олади. Ҳатто Навоийга уч байт газал бағишлаб, шоирга бўлган ҳурматини баён этади, ўз тазкирасини бевосита «Мажолис ун-нафоис»га ўхшатма қилиб яратаётганлигини алоҳида таъкидлайди.

Саккиз бўлим ва хотимадан иборат бўлган «Мажме ул-ҳавас» тазкираси барча хусусиятлари билан «Мажолис ун-нафоис»га жуда яқин. Форс, араб, туркий тилларда қалам тебратган ижодкорларга берилган таърифларда, асарларини баҳолашдаги ўлчовларда Навоий тазкирасига ўхшашликлар жуда кўп. Бу факт шунини кўрсатадики, Алишер Навоий асарлари, жумладан, «Мажолис ун-нафоис» XVI-XVII асрлардаёқ туркманлар орасида жуда машҳур бўлган, шоирлар, олимлар, тарихчиларнинг диққатини жалб этган, тазкира жанрининг ривожланишига таъсир кўрсатган.

Хуллас, Алишер Навоий шахсий фаолияти билан ҳам, ижоди билан ҳам туркман ҳаёти ва туркман адабий муҳити билан шундай мустақкам боғланганки, шоирнинг номи ва асарлари бугун ҳам эл эъзозиди. Академик Б.Гарриевнинг қуйидаги эътирофи фикримизнинг яна бир далили. *«Буюк ўзбек шоири Навоийнинг ҳамма ерда машҳурлигини унинг барча халқларга, жумладан, туркман халқига оталарча ғам-хўрлигини абадий ўлмас мумтоз меросининг қудратли бадий таъсири билан изоҳлаш мумкин. Навоийнинг номи Ўзбе-*

кистонда қанчалик муътабар ва азиз бўлса, Туркменистонда ҳам шу қадар қимматлидир. Туркман халқи Навоийни ўз шоири деб билади».¹

1992

МИРАЛИ (НАВОИЙ) ТУРКМАН ФОЛЬКЛОРИДА

Қардош туркман халқи Алишер Навоийни доимо улуғ бир инсон, донишманд ва тадбирли давлат арбоби, камбағалларнинг манфаатларини қўриқлаган инсонпарвар шоир, адолат ва ҳақиқат учун курашувчи олижаноб ва сахий киши қиёфасида тасаввур қилган. Буюк истеъдодли, заковатли шоирнинг улуғ фазилатлари ҳақида туркман халқи бир туркум ҳикоят ва ривоятлар тўқиган. Узоқ асрлар давомида халқ томонидан ижод қилинган бу афсоналар бизнинг кунларимизгача етиб келган, туркман ва ўзбек халқлари дўстлигига хизмат қилмоқда.

Алишер Навоий ҳақида туркман халқи ижод этган ҳикоятларни тўплаш, нашр эттириш соҳасида машҳур туркман шоир ва ёзувчиларининг, адабиётшуносларининг хизматлари катта. Берди Кербобоев, Мати Кўсаев, Панжи Оғалиев сингари адиб ва олимларнинг турли йилларда Мирали туркум халқ афсоналарини ёзиб олиш, нашрга тайёрлаш, ўқувчилар оммасига етказиш бўйича олиб борган тадбирлари таҳсинга лойиқ.

Навоий образи яратилган ривоятлар «Мирали ва Султон Суюн» деган ном билан биринчи марта 1941 йилда китоб шаклида чоп этилди. Тўпламни фольклоршунос олим П. Оғалиев нашрга тайёрлади ва унга сўзбоши ҳам ёзди. Сўзбошида шоирнинг ҳаёти ва ижодига қисқа маълумот берилиб, китобга кирган Мирали (Навоий) билан боғлиқ ҳикоятларнинг ғоявий йўналиши хусусида ҳам фикр билдирган. Шоир ҳақидаги ҳикоятлар иккинчи марта 1948 йилда Берди Кербобоев таҳрири остида «Мирали» номи билан ўн беш минг нусхада нашр этилди. Мазкур тўплам янги ёзиб олинган ривоятлар, афсоналар ҳисобига тўлдирилган бўлиб, ҳар

¹ «Ўзбек тили ва адабиёти», 1968. 3-сон.

жиҳатдан мукаммал. Китобга ёзилган сўзбоши Навоийнинг ҳаёти ва ижодий биографияси ҳақида муфасссал маълумот беради. Берди Кербобоев фақат шоирнинг таржimai ҳолига доир фактларни, саналарни қайд этиш билан чекланмайди, ижоди ҳақида, хусусан, «Хамса» достони тўғрисида кенгроқ тўхтади. Навоийнинг туркман адабиётига таъсири ҳақида ҳам диққатга сазовор фикрларни баён этади. Жумладан, Мирали туркум ҳикояларининг яратилиш тарихи, ёзиб олинган манбалари тўғрисидаги ёзувчининг мулоҳазалари қизиқарли. Б.Кербобоев бир ўринда Алишер Навоий исмининг туркман фолклориди Мирали шаклида қўлланилишининг сабабини шундай изоҳлайди: «Навоийнинг исми «Али» бўлиб, «Мир» ёки «Амир» унинг хизмат лавозими. Лавозимни англатадиган бу сўзлар унинг исмининг олдида қўшилиб «Мир Али» деб юритилди. Туркман халқи бу икки сўзни қўшиб «Мирали», деб атай бошлаган».¹

Б.Кербобоев «Мирали» туркум ривоятларнинг асосий қисмини ўзи тўплаган ва уларга сайқал берган. У Навоий ижоди билан қизгин шуғулланиб юрган йилларда Мирали ва Султон Суюн ҳақидаги афсоналар Туркменистонда жуда машҳур эди. Тўй ва базмлар, кулги оқшомлари ҳажвий ривоятларсиз ўтмаган. Шундай давраларнинг шахсан гувоҳи бўлган Б. Кербобоев «Мирали» китобининг сўзбошида шундай ёзган эди: «Мирали ва Султон Суюн» тўғрисида халқ тўқиган афсоналар, ҳикоятлар туркман халқи орасида юзлаб, минглаб топилади. Менинг ёдимда: одамлар Мирали ва Султон Суюн ҳақидаги ривоятларни эрталабдан кечгача ёки илк оқшомдан ярим тунгача айтишарди. Бу қизиқарли ҳикоятлар тингловчиларга завқ бағишлаш билан бирга, уларнинг маънавиятига, зеҳнининг ўткирлашувига, дунёқарашининг кенгайишига катта фойда беради».

«Мирали» китобига йигирма ҳикоят жамланган, баъзилари ўзбек тилига ўгирилиб, газета-журналларда эълон қилинди. 1963 йилда «Ёш гвардия» нашриёти бу ривоятларни тўплаб, «Туркман юмори» деган номда нашр этди. Биз, асосан, шу манбалардаги ҳикоятлар бўйича сўз юрита-

¹ Миралы. Туркмендөвнешр. Ашгабат, 1948., 3-бет.

миз. Зарурат туғилган пайтда туркман тилидаги манбаларга мурожаат этамиз.

Алишер Навоий ҳақида туркманлар тўқиган ривоятлар мавзу жиҳатдан ҳар турли. Шоирнинг камтаринлиги ва сажийлигидан, доно ва эпчиллигидан ҳикоя қилувчи «Қўрпанга қараб оёқ узат», «Подшо ўларига», «Мирали билан савдогар», «Осмоннинг оқ товуги» каби ривоятларда Навоий ўлмас халқ қўрамони — Афандини эслатади. Миралининг шўхлиги, донишмандлиги, доимо рақибидан болиб келиши, тadbиркорлиги Афанди ҳаракатларига ўхшаб кетади. «Подшо ўларига» номли ҳикоятнинг мазмуни бу мулоҳазамизга мисол бўла олади: Марвдан Султон Суюн саройига борадиган йўлда Мирали бозорда бир қанча қўй сотади. Харидорлар қўйнинг пулини Султон Суюннинг ўлимидан кейин тўлашлари керак эди. Бу ҳақда айгоқчилардан хабар топиб, ғазабга келган Султон Суюн Миралини ҳузурига чақиради ва дейди: «Нега сен менинг ўлимимни тилайсан?! — Шоҳим, — дейди Мирали, — шу шарт билан қўй сотиб олганлар бугундан бошлаб умрингизнинг боқий бўлишини худодан илтижо қиладилар. — Мирали! — хитоб қилади Султон Суюн, — бугундан буён сен менинг бош вазиримсан.

Мазкур ривоятда Алишер Навоийнинг ҳақиқат, адолат-парвар, камбағалларнинг ҳимоячиси эканлиги яхши очилган. Донолиги туфайли қалтис вазиятлардан ҳам чиқиб кета оладиган тadbиркор шахс бўлганлиги бошқа ривоятларда ҳам ҳикоя қилинади. «Нетмак керак» деган ривоятни таҳлил қилиб кўрайлик: Султон Суюннинг Гул исмли сеvimли хотини бор экан. Шоҳ уни ҳамма нарсадан азиз билар экан. Султон Суюн унинг ўлимини ҳатто тасаввур ҳам қилмас экан. Бир кун Султон Суюн вазирларини чақириб: «Кимда-ким Гулимнинг ўлими хабарини келтирса, унинг ҳаёти хавф остида қолғусидир» — дебди. «Аяган кўзга чўп тушар» деганларидек, кунлардан бир кун Султон Суюннинг сеvimкли хотини Гул қазо қилибди. Вазирлар бу хабарни Султон Суюнга айтишдан қўрқиб, Миралига ялинишибди. Мирали Султон Суюн олдида бориб, бош эгибди.

— Агар Султоним ижозат берсалар, шоирингиз бир мисра шеър билан мурожаат қилмоқчиман.

— Рухсат, — дебди Султон Суюн.

— Сарв оғочнинг соясида сўлса гул нетмак керак?

Султон Суюн ҳам унга шеър билан:

— Сарвдан тобут ясаб, гулдан кафан этмак керак, — деб жавоб берибди-да, юрагининг қаттиқ-қаттиқ уришидан қисқа-қисқа нафас олибди ва дебди:

— Оҳ! Гул ўлди, десанг бўлмайдими ахир!

— Гул ўлди, деб айтай десам, ўз ўлимим кўз олдимга келди, шоҳим, — дебди Мирали.

Бу ҳикоятда ҳам Мирали донишмандлиги ва фаросати, назми билан шоҳни мот қила оладиган бир улуг сиймо сифатида гавдалантирилганига гувоҳ бўлдингиз.

Адабиётшунос Н.Аҳмедов «Тарихий шахс талқини» номли рисоласида бу ривоятни таҳлил қилиб, шундай хулоса чиқаради: «Қардош халқлар, жумладан, туркман халқ оғзаки ижодида Навоий образининг талқини ўзига хос, шу халқнинг тарихи, маданияти билан ҳамоҳанг равишда юзага келган. Туркман халқ ижодиётида ҳам биз яна ўша шоир таржимаи ҳолига оид тарихий далилларнинг ўзгартирилиши ҳодисасига дуч келамиз. Мазкур ҳикояда («Сўлди гул нетмак керак» — К.Қ.) Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатларидаги муайян тарихий аниқликкина эмас, ҳатто Мир Алишернинг шоҳ саройида тутган мавқеи — вазирлиги ҳам «ўзгаришга» учрайди. Навоий образи эса халқ бахшиси сифатида талқин этилади».¹

Муаллифнинг бу фикрлари баҳсли. Юқоридаги ривоятда Навоий таржимаи ҳолига оид тарихий далилларнинг ўзгартириб берилганлиги тўғри. Лекин мазкур афсона мутлақо ҳаёт ҳақиқатига мос келмайди, дейиш ҳам тўғри эмас. *Биринчидан*, улуг Навоий шахсиятига хос донолик, топқирлик, шоирлик санъати оз бўлса-да, ривоятнинг мазмунига сингган. *Иккинчидан*, Навоий образи ҳикоятда халқ бахшиси сифатида талқин этилган, деган фикр асоссиз. Сабаб, ривоятда Навоийни бахши тарзида характерлай оладиган бирор деталь ҳам йўқ. Ёки муаллиф Навоий бахши деганда, унинг шоирлигини назарда тутдимикан? Бизнингча, бахши бу туркманларда (умуман, туркий халқларнинг аксариятида) дутор билан қўшиқ ва термалар айтадиган шахс тушунилади.

Н.Аҳмедов туркман халқ оғзаки ижодидаги туркум ҳикоятлар таҳлилида баъзан бир ёқлама хулосалар чиқаради. Агар

¹ Н.Аҳмедов. Тарихий шахс талқини. Тошкент, 1989., 27-бет.

у туркман фольклорида яратилган Мирали ҳақидаги ривоятларнинг асосий қисми билан муфассал танишиб чиққанида, рисолада куйидаги хулосани бермаган бўларди: «Ўзбек халқ ижодиётида яратилган ҳикояларда Алишер Навоий тарихий ҳақиқатга мос равишда ўзига тинч феодал оиласидан чиққан ўқимишли, доно вазир, буюк шоир сифатида талқин этилса, туркманлардаги Мирали (Алишер) халқ куйи табақасининг вакили, шоир-бахшидир. Шунинг учун ҳам Миралини иложи борица, халқ бадий тафаккури изн берган даражада, ана шу табақага яқинлаштириб, у билан бир бутунликда талқин этиш кучли. Мирали (Алишер) халқ куйи табақасининг вакили бўлгани учун ҳам оилали киши сифатида берилади. Бунда асосий эътибор унинг оилавий шахсий ҳаётига эмас, аксарият ҳолларда адолатпешалигини талқин этишга қаратилади».

Рисола муаллифи туркман фольклоридаги ривоятларда Мирали (Навоий) шоир-бахши сифатида кўрсатилади деган фикрни китобининг кўп саҳифаларида қайта-қайта таъкидлайди-ю, лекин бирор ҳикояни мисол тарзида таҳлил қилмайди. Туркман халқ ижодиётида Навоийни бахши сифатида талқин қилувчи ривоятлар, эҳтимол, битта-иккита топилар. Лекин ўзбек фольклорида яратилган ҳикоятларда Навоий ўқимишли, доно вазир, буюк шоир тарзида кўрсатилади, туркманлардаги Мирали (Навоий) халқ куйи табақасининг вакили, шоир-бахши қиёфасида талқин этилади, деб хулоса чиқариш, бизнингча, ҳақиқатга тўғри келмайди. Бу — масалага бир томонлама ёндашиш, шоир образини яратишдаги ранг-барангликни, туркман халқ тўқиган ҳикоя ва ривоятларнинг ғоявий мундарижасини нотўғри талқин қилишнинг белгиси. Биз юқорида таҳлил қилган ва бундан кейин таҳлилга тортиладиган ҳикояларнинг ҳеч бирида Мирали бахши тимсолида кўринмайди. Балки адолатпарвар вазир, доно маслаҳатчи, ўткир сўз устаси, бева-бечораларнинг ғамхўри, золимларнинг додини берадиган тадбиркор бир инсон образида гавдаланади. Алишер Навоий ҳамиша куйи табақанинг вакили эмас, аксинча, Султон Суюн (Хусайн Байқаро)нинг доно вазири, мамлакатнинг адолатпарвар ҳукмдори сифатида ҳаракат қилади. Шундай экан, туркман халқининг Мирали ҳақида яратган ривоятларининг барчаси Навоий таржимаи ҳолидаги тарихий далилларга

мутлақо алоқаси йўқ, уларда афсонавий, фантастик эртакларга хос хусусиятлар устунлик қилади деб, хулоса чиқариш, мантиқсизлик. Ривоятларнинг кўпчилигидаги воқеалар, деталлар улўғ шоир таржимаи ҳолига ҳамоҳанг. Бу ривоятларни ўқир эканмиз, Алишер Навоийнинг шахсий ҳаёти ва ижтимоий фаолияти билан боғлиқ тарихий воқеалар, ҳаётий деталлар беихтиёр ҳаёлимизда гавдаланади. Туркман халқ тўқиган ривоятларнинг ҳаммасини ҳаётийликдан маҳрум қилиб, уларнинг барчасига эртак тамғасини босиш тўғри эмас. Бундай хулосалар туркман халқ оғзаки ижодиётида Алишер Навоий тўғрисида яратилган ҳикояларнинг бадий-эстетик қимматини камситишга, тарбиявий аҳамиятини пасайтиришга олиб келиши мумкин.

Туркман фольклорида Мирали (Навоий)нинг оилали киши сифатида талқин қилиниши масаласига келсак, муаллифнинг бу фикрлари ҳам баҳсли. Олим рисоласининг бир ўрнида шундай деб ёзади: «Ўзбек халқ оғзаки ижодиётида яратилган ҳикоя ва латифаларнинг аксарияти буюк шоир таржимаи ҳолининг «оқ доғлари»ни тўлдириш, Навоийнинг нима учун «оламни тавре фард ва жорийда» (дунёни ғалати ёлғизликда) ўтқарганлигини (Бобур) бадий жиҳатдан ўзига хос тадқиқ ҳамда талқин қилишга бағишлагани ҳолда, бундай ҳолат туркман фольклорида мутлақо учрамайди. Миралининг оилали киши тарзида берилиши бу муаммога ўзича чек қўйгандек туюлади».

Биринчидан, Мирали (Навоий)ни оилали киши қилиб кўрсатувчи латифалар туркман фольклорида муаллиф таъкидлаб айтган даражада кўп эмас. **Иккинчидан**, шоир таржимаи ҳолининг «оқ доғлари»ни тўлдирувчи, Навоийнинг нима учун дунёни ғалати ёлғизликда ўтказганлигини бадий тадқиқ этувчи ривоятлар туркман халқ ижодиётида, муаллиф ёзганидек, «мутлақо учрамайди» эмас, балки истаганча топилади. Чунончи, «Ким айбдор», «Юлдуз кўрган», «Пулдор хотин», «Гул ва Султон Суюн», «Ким ҳақ», «Мендан ҳам шунча» ва бундан бошқа яна бир неча ривоятларнинг мазмунида Алишер Навоий таржимаи ҳолининг «оқ доғлари»ни тўлдиришга хизмат қиладиган, шоир шахсияти ҳақида муайян тасаввур берадиган ҳаётий манзаралар етарли.

Туркман халқ тўқиган барча ҳикояларда Навоий олижаноб фазилатли шахс сифатида тасвирланади. У гоҳ халқ-

парвар шоир, гоҳ адолатли давлат арбоби, гоҳ камбағалларнинг халоскори, баъзан эса адолатсиз шохларни мағлуб қиладиган зукко донишманд қиёфасида кўринади. «Думли юлдуз», «Мирали ва Султон Суюн», «Пулдор хотин», «Кечир дўстим», «Пуллар қаерга сарфланаяпти», «Ким ҳақ» сингари ривоятларнинг мазмунида бефаросат ва золим шохларни лол қолдирган, хасис ва ярамас савдогарларни фош қилган, бева-бечораларни қўллаб-қувватлаган зийрак Миралини кўрамиз. «Пуллар қаерга сарфланаяпти» номли афсонада Миралининг камбағалпарварлиги ҳикоя қилинади. Мана, ривоятнинг мазмуни билан танишиб кўринг: «Мирали билан Султон Суюн илгаридан таниш бўлишса-да, подшо дўстиникига бирор марта ҳам меҳмон бўлиб кирмаган экан. Кунларнинг бирида подшо Миралининг уйига бормоқчи бўлди. — Кўнглингиз тортса, жоним билан, деб Мирали розилик билдиради. Подшо вазирнинг уйига келади. Бош вазирнинг уйи жойнамози йиғиштириб олинган мачитнинг ўзи. Қабристондек хувуллаб турибди. Жулдур тўшакдан бошқа бирор нарса йўқ. Миралининг хотини уйнинг бир бурчагида ип пишитиб ўтирибди. Султон Суюн ҳайрон қолади.

— Бу кимнинг уйи, — деб сўрайди у. — Бош вазирингизники, султоним, — деб жавоб беради Миралининг хотини. — Ажабо, мен унга ҳар ой юз тилла бераман-ку, нега шу қадар ғарибсизлар, — дейди Султон Суюн — Худога шукур, тан жонимиз соғ, ишлашга кўрбимиз етади. Кунимиз ўтиб турса бўлгани. Сиз тўлаётган пуллар, мазмунидан яна ўз эгаларига қайтаяпти, — эҳтиром билан жавоб қилади Миралининг хотини. — Ҳайронман, ахир бош вазиримга мен ҳар ойда бераётган юз тилла қаёққа кетаяпти, — такрор сўрайди Миралидан подшо. — Ташқарига чиқайлик, ҳаммасини тушунасиз, султоним, — дейди гапни қисқа қилиб Мирали. Йўлда кетаётиб Мирали подшога агар у воқеанинг тагига тезда етмоқчи бўлса, кийим-бошлари ва отини алмаштириб олиши лозимлигини айтди. Султон Суюн кўнди. Улар шаҳар атрофида гадо ва майиб-мажруҳлар яшайдиган маҳаллаларга боришди. Подшонинг отини миниб, кийимларини кийиб олган Миралига ҳеч ким эътибор бермас, аксинча, Миралининг кийим-бошларидаги Султон Суюнни оломон ўраб оларди. Кимдир отнинг юганини ушлади,

қолганлар унинг қўлтиғидан кўтарганларича авайлаб ерга туширишди. Ҳар томондан: «Ассалом Мирали», «Нури дийдамиз, халоскоримиз, худо умрингизни узоқ қилсин!» деган хитоблар эшитиларди.

— Мирали, биродар! — ёлворди Султон Суюн, — Мени оломон ичидан олиб чиқмасангиз бўлмайди. Буларнинг подшоси мен эмас, сиз экансиз. Мен тўлаётган пулларни қаерга сарфлаётганингизни энди билдим. Ҳаёти таҳлика остида қолаётган мажруҳлар биров тинчиганларидан кейин Мирали уларнинг ҳол-аҳволини сўрагани Султон Суюннинг ўзи келганини айтганда, ҳамма подшони янада зичроқ қуршаб олади. Улар Султон Суюннинг этагини ўпиб, сажда қилишади. Султон Суюн яна Миралига ялинади: — Худо хайрингизни берсин, айтганингизни бераман, аммо мени бу ташвишдан халос қилинг, кетайлик! — Бу бахтсизлар учун уй қуриб, уларни хазинангиз ҳисобига боқишга ваъда қилсангиз. Бу ердаги жуда бадбўй исдан кўнгли беҳузур бўлиб, боши айланган подшо Миралининг таклифига ҳўп дейди. — Бу ғариб, бева-бечораларнинг ҳимоячисига ҳам янги уй қуриб бераман, — деб қўшиб қўяди.

Туркман халқи ижод этган бу воқеа, гарчи афсона бўлса-да, унинг негизида ҳаёт ҳақиқатига яқинлик, шоир шахсига ўхшашлик бор. Маълумки, Алишер Навоий нафақат давлат маблағини, ҳатто ўзининг шахсий маблағини ҳам оддий халқ манфаатига сарфлагани, камбағалларга бериб, хайрсадақа қилиб тургани тарихий ҳақиқат. Навоий моддий бойлик тўпламаган, қўлига тушган маблағни етим-есирларга тарқатган. Бу ҳақиқат ушбу ривоятда афсона либосида бўлса-да, шоир шахсиятидаги инсоний фазилятларга мослаштириб тўқилган.

Туркман халқининг Навоийга беқиёс ҳурматини ифода этадиган «Мирали ва Султон Суюн» номли яна бир ривоятга эътиборингизни қаратмоқчимиз. Бу ривоят туркман тилидаги фольклор асарлари орасида ҳам, ўзбек тилидаги оғзаки ижод намуналари орасида ҳам учрайди. Масалан, у 1968 йилда «Ёш гвардия» нашриётида чоп этилган «Доно Алишер» деган китобга кирган ва у худди шу нашриётда 1963 йилда босилган. «Туркман юморлари» тўпламидаги «Мирали ва Султон Суюн» ривоятдан деярли фарқ қилмайди. «Доно Алишер» китобининг «Изоҳлар» бўлимида мазкур

афсонага шундай шарҳ берилган. «Мир Алишер ва Султон Ҳусайн. Айтувчи Мадрахим Матниёзов, ёзиб олувчи Насрулло Собуров. Хоразм область, Ҳозарасп райони. Бунӣ филология фанлари кандидати Мансур Афзалов «Ўзбек халқ ижоди» сериясидаги «Олтин олма» деган эртақлар тўпламида нашр этган».¹

Фикримизча, бу афсонани туркман халқи тўқиган. Гарчи у Хоразмда ёзиб олинган бўлса-да, унинг бир илдизи Туркменистон билан боғлиқ. Узоқ асрлар давомида Хоразм воҳасида қўшни бўлиб яшаб келган ўзбек ва туркманларнинг ҳаёт тарзигина эмас, тили, маданияти, айниқса, халқ оғзаки ижодида ўхшашликлар кўп эди. Хоразмда тўқилган афсоналарнинг туркманлар орасида, Туркменистонда яратилган ривоятларнинг Хоразмда кенг тарқалиши икки воҳа халқлари фольклорининг бир-бирига яқинлашишига сабабчи омиллардан бири. Махтумқули ҳақида Хоразмда яратилган ривоятлар, Навоий тўғрисида Туркменистонда тўқилган афсоналар ва уларнинг ҳар икки ўлкада тенг даражада омаллашиб юриши икки халқ фольклори алоқаларининг ёрқин намоишидир.

Энди асосий масалага қайтиб, «Мирали ва Султон Суюн» ривоятининг мазмуни билан танишиб чиқайлик. Мазкур афсонанинг баъзи ўринлари Навоий шахсига доир тарихий фактларга ҳам ўхшаб кетади. Шу боисдан биз унинг мазмунини тўла келтиришни ва айрим эпизодларини шоирнинг реал таржимаи ҳолига солиштириб кўришни лозим топдик. Мана, ривоятнинг ихчам сюжети: Бундан бир неча юз йил аввал Эрондами, Турондами, хуллас, бир мусулмон юртида бир подшо бўлибди. Унинг оти Султон Суюн экан. Ўзи илмли, ўқиган, оқ-қорани таниган, улуғ кишилар авлодидан экан. Унинг бир вазири бор экан, у ҳам ўқиган, оқ-қорани таниган, подшо билан бир мадрасада ўқишган экан. Унинг оти Мирали экан. Вазирни подшо, подшони вазир яхши кўрар экан, лекин подшонинг уламо-пуламо, қози-позилари, хуллас, бошқа амалдорлари буларнинг ўртасидаги яхшилиқни кўролмас эканлар. Миралини подшонинг ёнидан йўқ қилиб юборишнинг чорасини ахтариб, охири уламо, қози, муфтилар уни бир қудуқ ичига ташлабдилар. Сул-

¹ Доно Алишер. Тошкент, 1968, 77-бет.

тон Суюн бўлса, бундан хабари йўқ экан, лекин Мирали йўқлиги учун бир нарсаси йўқолган кишидек:

*Ғам билан қайғу билан
Сўлди баҳорим гуллари, —*

деб ҳар куни бир байт айтиб юрар экан. Султон Суюннинг бу шеърларини шу элатда бир чўпон эшитиб, ёдлаб олибди-да, бўлса-бўлмаса, дуч келган ерда айтиб юра берибди. Кунлардан бир кун чўпон бир қумликка бориб, қудуқнинг бўйида байтни ёд айтибди. Қудуқнинг ичида ҳолсизланиб ётган Мирали шеърнинг Султон Суюнники эканлигини дарров билибди. Шунда қудуқнинг ичидан овоз берибди:

*Дўстини чоҳа солибдур
Сайрамас булбуллари.*

Шу вақт чўпон дарров қудуққа қараб, ичидаги Мирали эканлигини билиб, уни тортиб олмоқчи бўлибди. Мирали айтибди: — Мени сен бу ерда қолдиравер. Ўзинг подшонинг даргоҳига бор, агар подшо яна:

*Ғам билан қайғу билан
Сўлди баҳорим гуллари, —*

деб шеър ўқиса, сен:

*Дўстини чоҳа солибдур
Сайрамас булбуллари, —*

деб айт.

Агар подшо: «Сен бунӣ қаердан билдинг?» — деб сўраса, сен суюнчисини олиб, менинг бу ерда ётганимни билдир, дебди. Чўпон шу замон Миралининг сўзларини кўнглига ёд олиб, Султон даргоҳига бориб, секин қараса Султон Суюн:

*Ғам билан, қайғу билан
Сўлди баҳорим гуллари, —*

деб ўтирганмиш. Шунда чўпон:

*Дўстини чоҳа солибдур
Сайрамас булбуллари, —*

дебди. Султон Суюн дарров чўпонни ёнига чақириб: — Сен бу сўзни қаердан билдинг, — деб сўрабди. Чўпон айтибди: — Бу сўзни ўрганиш учун қанчадан-қанча молимдан айрилдим, бу бир соҳибқироннинг ғазали. Султон Суюн: — Айт, айт, унинг қаерда борлигини айт, севинчинг учун бир жом олтин, — дебди. Шунда чўпон айтибди: — Бир яхши кишининг баҳоси бўлмайди, агар сенга керакли киши бўлса, унинг бошига ҳасрат солганларни жазога лойиқ кўрмак керак. Султон Суюн дарров уламо, вазир, қози ва мулла-ларни йиғиб, ҳар қайсисига қирқ қамчи урдириб, Миралини тахти равонга солиб келтиришни буюрибди. Шундай қилиб, Мирали билан подшо яна топишибди, бечора чўпон эса мамнун бўлиб, у ҳам яшай берибди. Шунинг учун ҳам айтар эмишлар:

*Ёмонликни раво этма, ўзингга жабру ситам,
Яхшилик бирла ҳар иш кўнглингни этар ҳотам.*

Бу афсонанинг замирида Алишер Навоийнинг хилма-хил воқеаларга бой ҳаётига доир реал фактлар борлигини англаётган бўлсангиз керак. Навоий тақдиридаги фалокат худди ривоятда тасвирланган шаклда юз бермаган бўлса-да, қачонлардир шоир шу хилдаги ҳаёт зарбаларини бошқачароқ тарзда бошидан кечирганлиги тарихий ҳақиқат. Ҳусайн Бойқаро билан Алишер Навоий ораларидаги дўстликни кўра олмаган мунофиқларнинг, сарой амалдорларининг улар орасига низо солишга уринганликлари, ҳар хил игво, найранглар билан Навоийни саройдан четлаштиришга муваффақ бўлганликлари илмий-адабий манбалардан маълум. Замонасининг адолатсиз ҳукмдорлари билан чиқиша олмаган Навоий бир неча йиллар она юртидан узоқда, айрилиқ ва гурбатда яшашга мажбур бўлганлиги ҳам тарихий факт. Ёки Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойқаронинг ёшликда дўст бўлгани, бир мадрасада таълим олганлиги, иккаласида ҳам шеър ёзиш қобилияти мавжудлиги, айниқса, Ҳусайн Бойқаронинг Алишер Навоийга катта ҳурмат кўрсатиб, доимо ғамхўрлик қилиб, ижодини қадрлаганлиги каби ҳаётий фактларнинг «Мирали ва Султон Суюн» ҳикоясига асос қилиб олинганлиги мазкур афсонани яратган туркман халқининг буюк шоир шахсига,

ижодига алоқадор барча маълумотлардан яхши хабардор эканлигидан далолат беради.

Навоий ҳақида яратилган афсона ва ривоятларни ёзиб олиш, тўплаш ва нашр этиш, улар бўйича тадқиқотлар яратиш соҳасидаги ишларнинг Туркменистонда қизғин давом этаётганлиги таҳсинга сазовор. Бу ўринда филология фанлари номзоди Каба Бўржақованинг илмий изланишларини алоҳида қайд этиш лозим деб ҳисоблаймиз. Олима сўнгги йилларда Навоийга бағишлаб ҳар хил даврларда яратилган янги-янги оғзаки ижод намуналарини топишга эришди. У 1970 йилда Туркменистоннинг Ёлатан районида истиқомат қилувчи Ҳазрат бахши Чориевдан «Султон Ҳусайн Бойқаро» номли янги дostonни ёзиб олишга муваффақ бўлади. Тадқиқотчининг маълумот беришича, бу дoston Туркменистон Фанлар академияси Махтумқули номидаги Тил ва адабиёт институтининг қўлёзмалар фондида 1158-инв. рақами билан сақланмоқда. Олимнинг ёзишига қараганда бу дostonни биладиганлар Туркменистонда кўп экан. Ҳ. Чориевдан ташқари, дostonни Рўзи бахши, Гурт Якубовлар ҳам маҳорат билан куйлаб келишган. Республиканинг турли бурчакларида яшовчи назм ва наво мухлислари дostonни магнит тасмасига кўчириб ўзларида сақлаётгани қардош туркман халқининг ўзбек адабиётига, қолаверса, Навоийга бўлган катта ҳурматнинг бир кўринишидир. Дostonнинг мукамал матни, унинг мазмуни бизга маълум эмас. Шунинг учун у ҳақда батафсил фикр билдириб, таҳлил қилиш имконимиз йўқ.

К. Бўржақова «Навоий ҳақида туркман дostonи» мақоласида дostonнинг мазмунини батафсил баён этмаган бўлса-да, унинг асосий ғоявий йўналиши ва етакчи мотивларини шарҳлаган, бош образларга қисман характеристика ҳам берган. Дoston сюжети ҳар бир ўзбек китобхонини қизиқтириши мумкинлигини назарда тутиб, унинг мазмунини К. Бўржақова мақоласида келтирилган шаклда беришни лозим кўрдик: Дostonда тасвирланишича, Султон Ҳусайн саройга уч донони таклиф этиб, уларнинг маслаҳати билан давлатни идора қилиши керак экан. Отаси ёзиб қолдирган бу васиятни бажариш учун Султон Ҳирот ва Марв шаҳарларини айланиб уч донони излайди. Катта йўл устида ҳаманинг назари тушадиган жойда ўтирган бола: «Мен бир

вақтнинг ўзида уч хил иш бажараман» дейди. Бу жавобни эшитган Султон унинг оддий одам эмаслигини пайқайди. У шаҳар дарвозабонининг ўғли Этлет эди. Султон иккинчи донони ахтариб чўлга чиқади. У ерда кўй боқиб юрган чўпонга дуч келиб, унга «Тўққизни учга тақсим қилсанг етади-ми?» деб савол беради. Бу сўроқ кўйларни тўққиз ой боқиб, уч ой қишдан соғ-омон чиқара оласанми, деган маънода берилган бўлиб, чўпон унга тўғри жавоб қайтаради. Султон уни иккинчи марта синаб кўрмоқчи бўлиб, чўпон бола яқинига келади-да, ҳеч нарса демасдан, қамчисининг сопи билан калласига тик-тик уради. Буни кўрган Мирали подшога қараб тилини чиқаради. Вазирлар бу ҳаракатга тушунмайдилар. Миралининг бу ҳаракати «Бошга бало икки энлик тилдан» келади деган маънони англатар эди. Шундай қилиб, Султон иккинчи донони ҳам топади. Достон қаҳрамонларидан яна бири, учинчи доно Гулфаҳмнинг топилиши ҳам қизиқарли тасвирланган. Мирали қаерда хотин-қизлар кўп тўпланган бўлса, ўзини шуларнинг ёнига олиб бориб калтаклашларини буюради. Ана шундай вазиятда нон ёпиб турган аёл билан бир қизга дуч келадилар. Қиз янгасининг «Буни нима учун урасизлар?» — деган саволига навкарлар «Айтганимизни қилгани учун урмоқдамиз», — деб жавоб қайтарадилар. Қизнинг янгаси: «Қизиқ, бизлар айтганимизни қилмаганни урамиз», — деб ҳайратланади. Ўшанда қиз: «Янга, булар тўғри қиладилар, то ўзи билиб қилгунча урмоқ керак», — дейди. Шу сўздан сўнг улар ахтариб юрган учинчи доно ана шу қиз экани маълум бўлади. Шоҳ бу гўзал қизга уйланиб, унинг кўрсатмаси асосида иш олиб боради. Лекин кунларнинг бирида Гулфаҳм оғир касалликка дучор бўлиб, кўп ўтмай ўлади. Севимли хотинининг ўлими шоҳга қаттиқ таъсир этади, ўз вақтини оҳ-фиғон билан ўтказиб, дунёнинг айш-ишратига ҳам бефарқ қарайдиган бўлади. Ниҳоят, у ҳам ўлади. Унинг ўрнига Миралишер подшо бўлади. Унинг вафотидан сўнг тахтга Этлет чиқади, у ҳам қариб ўлади.

Туркман бахшилари репертуарларидаги «Султон Ҳусайн Бойқаро» достонининг қисқача мазмуни шундан иборат. Мақола давомида К.Бўржақова бу достоннинг майдонга келишида Мирали номи билан боғлиқ туркман ривоятларининг ҳам таъсири бор эканлигини, жумладан, П.Оғалиев,

Б.Кербобоев тўплаган ва нашр эттирган латифа ва афсоналар ҳам достон негизига сингдирилганлигини таъкидлайди. Бахшилар ўзларига таниш бўлган афсона ва ҳикояларни ижодий фантазиясида қайта ишлаб бойитганлигини, айрим қаҳрамонлар ва воқеалар йўналишини ўз идеалларига мувофиқлаштириб янгидан яратганлигини, достонни халқ қўшиқлари ва термалари билан тўлдирганлигини алоҳида тилга олади ва асарни оригинал ижод намунаси сифатида характерлайди. Достоннинг баъзи эпизодлари ўзбек халқи орасида кенг тарқалган Навоий ҳақидаги айрим афсоналарнинг мазмунига ҳам ўхшаб кетади. Масалан, «Доно Алишер» китобига кирган «Тарихдаги тўрт донишманд киши», «Мир Алишер билан Султон Ҳусайн» каби ҳикояларнинг мазмунида «Султон Ҳусайн Бойқаро» достонига яқинлик бор. «Доно Алишер» китобига кирган ҳар икки ҳикоя ҳам Хоразмда ёзиб олинган. Туркман фольклори намуналарини муфассал билган Хоразм ижодкорлари репертуарларида бу икки афсонанинг учраши ижодий ҳамкорликнинг самараси эди.

Хуллас, туркман фольклорининг нодир намуналаридан бири бўлган «Султон Ҳусайн Бойқаро» достони Туркманистонда ҳозирга қадар Навоий ҳақида яратилган ҳажман катта, нисбатан мукаммал оғзаки ижод асарларидан саналади. Агар у ўзбек тилига ҳам таржима қилиниб, нашр этилса, халқимиз Алишер Навоийнинг туркманлар элида ҳам катта ҳурмат ва эътиборга сазовор улуг сиймолардан бири бўлганлигига яна бир марта ишонч ҳосил қилишига аминмиз.

* * *

Алишер Навоий тўғрисида туркман халқи яратган ривоятларнинг ўзбек ёзувчилари ижодий изланишларида фойдаланилаётганлиги диққатга лойиқ факт. Атоқли адиб Ойбекнинг бу соҳадаги адабий тажрибалари ҳар бир ижодкорга ибрат. Унинг халқ афсоналарига таяниб яратган «Гули ва Навоий» достонининг мазмуни, айрим эпизодлар туркман халқида машҳур бўлган баъзи бир латифа ва ривоятларни эслатади. Ҳатто шоир айрим ҳикоятларни достон сюжетига айнан олиб кирган, шеърӣ қаторларда жозибали тасвирлаган. «Подшо ўларига» деган ҳикоятнинг мазмунини юқорида келтирган эдик. Энди шу афсонанинг «Гули ва Навоий» достонидаги шеърӣ талқини билан танишинг.

Алишербек, не тадбир, не ўй?
 Сотибсизмиш ҳисорий юз қўй.
 Қарши бозорида, насиёга,
 Фараз қилсам, ўхшар ҳаёга?
 Вафотимдан сўнг тўлашурмиш
 Харидорлар, ёху, нечук иш?
 — Олий ҳазрат, бу сўзлар ростдур,
 Қилмишимга бир сир боисдур:
 «Харидорлар ёлварур доим,
 Ўғонидан тилаб, подишоҳим.
 Сизга беҳад кўп узоқ умур,
 Ниятим шу!» — Шер кулур махмур.
 Ҳусайн кулур, қаҳ-қаҳа узоқ,
 Гар эсига тушаркан ҳар чоқ.¹

«Ғули ва Навоий» достонининг Ҳусайн Бойқаро, Ғули, Навоий муносабатлари тасвирланган саҳифаларида Мирали номи билан боғлиқ туркман ривоятларининг таъсири яққол сезилади. Ҳусайн Бойқаро билан Навоийнинг овга чиқиши, тасодифан подшонинг деразадан Ғулини кўриб қолиши ва унга ошиқ бўлиши, сўнг Ғулига Навоийни совчи қилиб юбориб, қизнинг розилигини олиши ҳамда унга уйланиши, охир-оқибат Ғулининг Навоийга содиқ қолиб, вафот этиши каби эпизодларни ўқиганда «Ғули ва Султон Суюн», «Мирали ва Султон Суюн» каби туркман халқ афсоналаридаги воқеалар кўз олдимизга келади. Ойбекдек улкан санъаткор учун ўз халқининг тилида ва дилида турган орзу-ўйларни, Алишер Навоийнинг ранг-баранг воқеаларга бой ҳаётининг ибратли томонларини бадиий сўзга кўчиришда Мирали туркум ҳикоялари алоҳида аҳамият касб этган.

Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» тарихий драмасидаги Навоийнинг севгилиси Ғули образининг яратилишида халқ оғзаки ижодидаги афсонавий гўзал қиз Ғулининг прототип бўлиб хизмат қилганлиги илмий-адабий манбаларда тилга олинади.

Хуллас, туркман халқи Мирали (Навоий) сиймосида ўз орзу-истакларининг ҳомийсини кўрди. Унинг тимсолида

¹ Ойбек. Ғули ва Навоий. Тошкент, 1968., 15-бет.

мушкулини осон қиладиган ғамхўр шахсни, душманларидан аёвсиз ўч оладиган, золимларнинг таъзирини берадиган, фаросатсиз кишиларни зийраклик билан мот қиладиган донишмандни тасаввур қилди. Навоийни адолат ва ҳақиқат ҳимоячиси деб, билган туркман халқи уни идеал халқ қаҳрамонига айлантирди ва шоир тўғрисида юзлаб афсоналар тўқиди. Қарийб беш ярим асрдан бери бу ўлмас ривоятлар тиллардан тилларга, эллардан-элларга ўтиб, халқларимизга маънавий завқ бериб келаяпти. Бугун ҳам жамиятимиздаги ярамас иллатларга қарши кураш олиб боришда, одамлар шахсиятида юксак ахлоқни шакллантиришда, халқимизни олижаноб идеалларга руҳлантиришда бу ажойиб ҳикоятларнинг тарбиявий аҳамияти ғоят юксакдир. Энг муҳими, Мирали туркум ҳикоялари икки биродар халқ — туркман ва ўзбек халқлари дўстлигига, ўзбек ва туркман адабиётлари ҳамкорлигига хизмат қилиб келаяпти.

1992

ШОҲ ВА ШОИР

Заҳриддин Муҳаммад Бобур XV асрнинг охири XVI асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган истеъдодли шоир, зукко олим, таниқли давлат арбоби ва атоқли саркардадир. Бу улуг зот бори йўғи қирқ саккиз йил умр кўрди. Қисқа ҳаёти давомида ўзбек мумтоз адабиётининг йирик сиймоларидан бири даражасига кўтарилди, жаҳон адабиёти хазинасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилгудек дурдона асарлар ёзишга улгурди. Дунё илмий-бадиий тафаккурини бойитишга қодир «Бобурнома»дек қомусий асар яратди. «Рисолаи аруз», «Рисолаи волидия», «Мубаййин» каби илмий-тасаввуфий китоблар битди. «Хатти Бобурий» асарида Бобур янги алифбони тузди. Бу асарларнинг ҳар бирида Бобурнинг шоирлик маҳорати, илмий салоҳияти, тафаккур олами нақадар теран ва ранг-баранг эканлиги ёрқин акс этган. Мазкур адабий мероснинг беш асрдан бери авлодлардан авлодларга ўтиб бугунги кунимизгача етиб келгани Бобур асарлари умрбоқийлигининг нишонасидир.

Бобур шоҳ сифатида ҳам тарихда ўчмас из қолдирди, теурийлар салтанатининг давомчиси бўлиб, Афғонистон ва Ҳиндистонда бобурийлар сулоласига асос солди. Бобур қайси давлатда ҳукмронлик қилмасин, мамлакатни адолат билан бошқаришга ҳаракат қилиб, адабиёт ва санъатни ривожлантирган, илм-маърифат аҳлига ғамхўрлик кўрсатган. Буюк бинолар қурдирган, масжид-мадрасалар барпо этган. Йирик давлат арбоби Жавоҳарлал Неру «Жаҳон тарихига бир назар» номли асарида Бобур ҳақида сўз юритиб, қуйидагиларни ёзган эди: *«Бобур дилбар шахс, уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган. У санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди. Унда қолоқлик ва қисқа фикрликдан асар ҳам йўқ эди. У одамларнинг қалбини забт қилишни ўйлар эди»*.

Бобур отаси Умаршайхнинг фожиали ўлимидан кейин унинг ўрнига тахтга чиқади. Бу даврда у 12 ёшда эди. Бобур шундан эътиборан салкам қирқ йил подшолик қилади. Мана шу жараёнда унинг ҳаётий тажрибаси, ҳукмдор сифатидаги салоҳияти, адабий, илмий-эстетик тафаккури шаклланиб боради. Хусусан, унинг бадиий адабиётга, шеърятга бўлган қизиқиши, ижод завқи бир дақиқа ҳам уни тарк этмаган. Мамлакатни бошқариш билан бирга илмий-бадиий ижодни ҳам изчил давом эттирган.

Муаллиф «Бобурнома» асарида қайд этишича 16-17 ёшларидан шеърӣ асарлар машқ қила бошлаган, кичик-кичик ғазаллар, байтлар ижод этган. Шеърятда бирмунча тажриба тўплагач, у Низомий, Хисрав Деҳлавӣ, Жомӣ, Лутфӣ, Навоӣ каби сўз санъаткорларининг ижод намуналаридан ўрганиб қалам тебрата бошлаган, уларни ўзига устоз санаб анъаналарини давом эттирган.

Бобурдан бизгача каттагина лирик мерос етиб келган. Шоир лирикасининг муайян қисмини унинг ғазаллари, рубоийлари ташкил этади. Шунингдек, унинг қитъа, туюқ, маснавий, муаммо жанрида ёзилган манзумалари ҳам анча бор. Бобурнинг лирик асарлари фақат жанр нуқтаи назаридангина эмас, мавзу ва гоёлари талқини жиҳатидан ҳам хилма-хил.

Шоир ўз даври ижтимоӣ-сиёсий талабларидан келиб чиқиб, ҳаёт ҳақиқатига содиқ ҳолда қалб кечинмаларини

ифодалаб туркум ғазаллар, рубоийлар яратди. Шоир лирикасида муҳаббат, вафо ва садоқат, Ватан соғинчи, яхшилик ва ёмонлик, ғам-алам, қайғу-ҳасрат ва яна бошқа ўнлаб маънавий-ахлоқӣ масалалар юксак маҳорат билан талқин қилинди. Бобур бу мавзуларни бир неча ғазаллари ва рубоийларида оригинал поэтик ифодалар орқали образли шаклда ёритади.

Бобурнинг аксарият ғазаллари лирик планда ёзилган, уларда муҳаббат мавзуси етакчилик қилади, ошиқ билан маъшуканинг севги бобидаги вафо-садоқати самимий ифодаланади. Лирик қаҳрамоннинг ёрига кўрсатган эҳтироми, ҳурмати беқиёс эканлиги қуйидаги мисраларда камтарона мурожаат, кечинмалар фонида берилади:

*Сен гулсену, мен ҳақир булбулдурмен,
Сен шуъласену, ул шуълаға мен қулдурмен.
Нисбат йўқтур деб ижтиноб айламаким,
Шоҳмен элга, вале сенга қулдурмен.*

Маълумки, Бобур Афғонистон ва Ҳиндистонни эгаллаб катта давлат барпо этди ва унда узоқ муддат ҳукмронлик қилди. У шундай буюк мартабага эришган бўлса-да, ўзи туғилиб ўсган диёр — Фарғона водийсини, Андижонни унутолмади, ҳамиша Ватан соғинчи билан яшади. Ўзини Ватанидан ажралган ғариб, бир мусофир деб ҳис қилди ва уни шу куйга солган, чет элларда мусофирчиликда яшашига мажбур қилган ҳам яна ўша нотинч дунё, адолатсиз қонун-қоидалар деган хулосага келади ва ғазалларидан бирида шундай ёзади:

*Яна маҳруми хонумон қилдинг,
Яна овораи жаҳон қилдинг.*

Қуйидаги рубоийда, чиндан ҳам, ёру-диёридан айрилган, ғариблик азобларини чеккан, Ватан иштиёқида ёнган шоирнинг қайғу-ҳасрати, чуқур изтиробии ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди:

*Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши,
Шод этмас эмиш кўнгилни меҳнатда киши.*

*Кўнгил бу ғарибликда шод ўлмади, оҳ,
Ғурбатда севинмас эмиш, албатта, киши.*

Бобур Ватанни тарк этишда ўзини ҳам айбдор ҳисоблайди. Бу ишини «хатолиғ», ҳатто «юзи қаролиғ» деб билади. Бу ҳаракатидан афсус-надомат чекади, қаттиқ пушаймон бўлади ва бир рубойида бу ҳақда дейди:

*Толёй йўқки жонимга балолиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб, ҳинд сори юзландим,
Ё раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.*

Бобур умрининг охирига қадар Ватанга қайтиш орзуси билан яшаган. Лекин шоирнинг бу орзуси ушалмаган.

Бобур тақдиридаги бу ҳолатни, яъни Ватанни тарк этиш ва охир-оқибат ғурбатда, мусофирликда яшаб Ватан соғинчида изтироб чекиш нақадар оғир эканлигини тасаввур қилса бўлади ва бундан ҳар бир инсон тегишли хулоса чиқариб олса ажабмас. Ўзга элда шоҳ бўлгунча, ўз элинда гадо бўл, деган ҳикмат гўё шоҳ ва шоир, давлат ва салтанат соҳиби Бобур тақдирига нисбатан айтилгандек туюлади.

Бобур мураккаб шахс, унинг дунёқараши анча зиддиятли. Бир шахс жисмида инсонпарвар шоир ва феодал подшо қарашларининг бир хил ёки умумий бўлиши, ҳаётда бир ғоя, бир мақсадга хизмат қилиши жуда мушкул. Зиддиятли бу туйғу Бобурга тинчлик бермаган, қалбини доимо безовта қилиб турган. Ҳукмдор сифатида у ўзи мансуб табақанинг манфаатларини ҳимоя қилишга мажбур бўлса, инсонпарвар шоир сифатида эзгуликларга хизмат қилиши лозим эди. Бобур баъзан мана шундай қарама-қарши ҳислар гирдобиди қолади, қалб тугёни алангасида ўртанади, ижод қилади. Лекин шоир ижодида ҳеч қачон, ҳар қандай шароитда ҳам эзгуликка, инсонпарварлик ахлоқига хиёнат қилмади, доимо яхшиликни улуғлаб, ёмонликни қоралаб асарлар ёзди. Бу Бобур инсонпарварлигининг, олижаноб идеалларга хизмат қилишининг бир кўриниши эди. Шоирнинг яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги курашлари қуйидаги рубойида жуда чиройли талқин қилинган:

*Ҳар кимки, вафо қилса, вафо топқусидир,
Ҳар кимки, жафо қилса, жафо топқусидир.
Яхши киши кўрмагай ёмонлиғ ҳаргиз,
Ҳар кимки, ёмон бўлса, жазо топқусидир.*

Бобур илм-маърифатга подшо, ҳукмдор нуқтаи назаридан қарамайди, балки илғор фикрли, илмнинг ҳар бир инсон, умуман, жамият ҳаётида тутадиган ўрнини чуқур тушунган маърифатли зиёли сифатида қараб инсонларни илм ўрганишга чақиради.

*Ким ёр анга илм толиби илм керак,
Ўргангали илм толиби илм керак.
Мен толибу илму толиби илме йўқ,
Мен бормен илм толиби илм керак.*

Илм-маърифат таъқиб қилиниб, жаҳолат авжига чиққан бир замонда Бобурнинг барчага илм ўрганинг, мушкулларингизни осон қиладиган ҳам илмдир деб чиқиши, уни ҳимоя қилиб, тарғиб этиши катта жасорат ва амалий аҳамиятга эга жараён эди.

Бобур бундай улуғ ғояларни илгари суришда подшолик мартабасини унутиб, эзгуликка хизмат қилиш учун ўзида куч топа олган ўта жасоратли инсон бўлган. Бобурнинг шахс ва ижодкор сифатидаги буюк хизматларидан бири ҳам шунда.

«Бобурнома» нафақат ўзбек адабиёти, аини чоғда, дунё адабиёти ва илмий-фалсафий тафаккури тарихига қўшилган бебаҳо хазина, нодир қомусий асар. У Бобурнинг ҳаёти ва фаолияти, кураши, саргузаштларининг ўзига хос кўзгу-си, йилномаси. Унда тарих, адабиёт, география ва яна бир неча фанлар ҳақида қимматли материаллар бор. Бобур ўз бошидан кечирган воқеаларни, ўзига таниш одамларни ва уларнинг фаолиятини ёритган. Айниқса, бир неча шоир ва олимлар ҳақида яхши маълумотлар берган. Жумладан, «Бобурнома»нинг бир неча саҳифасида шоир ва мутафаккир Алишер Навоий тўғрисида, унинг инсоний фазилатлари, туркийда ижод қилишдаги маҳорати, адабиёт ва илм аҳлига кўрсатган ғамхўрликлари ҳақида Бобур қимматли маълумотларни келтирадики, бу асар ўша даврнинг адабий муҳи-

ти ҳақида яхлит тасаввур берувчи манба сифатида ҳам аҳамиятлидир.

«Бобурнома»нинг яна бир ноёб бадиий хусусияти бор. У ўзбек адабиёти тарихида бадиий насрнинг яхши намунаси. Бу асар яратилгунга қадар ўзбек адабиётида бундай наср намуналари йўқ эди. Таниқли шарқшунос олим Б.Б.Бартольд «Бобурнома»ни *«туркий проза»нинг энг яхши намуналаридан бири деб баҳолаган*. Асар жуда енгил ўқилади, унда китобхонни ўзига тортиб турадиган бир сеҳр бор. Тили содда, равон. Айтиш мумкинки, Бобур «Бобурнома» ва яна бошқа бир неча асарлари билан ўзбек адабий тилининг имкониятлари кенг эканлигини далиллади ва Алишер Навоийдан кейинги туркий тил тараққиётини янги босқичга олиб чиқишга катта ҳисса қўшди.

Бадиий прозага хос барча хусусиятлар «Бобурнома»да акс этган. Шоир бу асарни ёзиш учун анча назарий тайёргарлик кўргани, кузатган воқеаларини бадиий ифодалашда ҳам адабиёт қоидаларига амал қилиб қалам тебратгани сезилиб туради.

Бобурнинг яна бир машҳур илмий асари бор. Уни Бобур «Рисолаи аруз»деб номлаган. Асар аруз назариясига бағишланган. Алишер Навоий ҳам Бобурга қадар аруз назариясига доир «Мезон ул-авзон» асарини яратган эди. «Рисолаи аруз»ни Навоий асарининг давоми дейиш мумкин. Бобур рисоласида Алишер Навоий мероси, шунингдек, ўз асарлари мисолида аруз назариясининг асосларини ишлаб чиқади. Ҳар икки асар ҳам XV аср поэтикаси тараққиётида алоҳида аҳамиятга эга ва бу тадқиқотлар бугунги адабиётшунослик, хусусан, арузшунослик учун ҳам муҳим назарий манба ҳисобланади.

Юқорида тилга олинган ва қисман таҳлилга тортилган асарларнинг ўзиёқ Бобурнинг нақадар истеъдодли шоир, қомусий олим, мутафаккир, назарийчи, тасаввуф илмининг билимдони, илғор фикрли ва маърифатли ҳукмдор бўлганлигидан дарак беради.

Бобур меросига ҳар бир давр ўз сиёсати, мафкураси талабларидан келиб чиқиб ёндашди, ўрганди, баҳолади. Шўролар даврида Бобур мероси кутилган даражада қадрланмади. Унга истеъдодли шоир, мутафаккир олим сифатида эмас, балки кўп мамлакатларни забт этган подшо

сифатида қаралди, ижоди эмас, шахсияти, ижтимоий фаолияти баҳоланди. Асарларини кенг кўламда тарғиб қилинишига йўл берилмади. Шоир образи яратилган бадиий асарлар ҳам адолатсиз танқидга учради, гўё уларда Бобур идеаллаштирилган, ортиқча мақтаб юборилган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси П.Қодировнинг Бобурга бағишланган «Юлдузли тунлар» романи ва шу роман асосида ишланган кўп қисмли видеофильм, дастлаб мана шундай ноҳоли танқидга учради. Хайриятки, мустақиллик даврига келиб адабий меросга бундай бир ёқлама ёндашувларга чек қўйилди, Бобурнинг бадиий образи яратилган бу асарга ҳам ҳолисона баҳо берилди.

Бобур мустақиллик йилларида ўзининг ҳақиқий қадрини топди. Унинг меросини нашр қилишга ва мукаммал ўрганишга кенг йўл очилди. Натижада Азиз Қаюмов, Ҳасан Қудратуллоев, Саидбек Ҳасанов, Ваҳоб Раҳмонов, Раҳим Воҳидов сингари таниқли олимларнинг ва яна бир неча бобуршуносларнинг истиқлол йилларида Бобур ижоди бўйича олиб борган янги илмий изланишлари катта самаралар берди, монографиялар, рисолалар босилиб чиқди. Уларда Бобур мероси янги — миллий мустақиллик мафкураси, адабий меросга янгича ёндашув тамойиллари нуқтаи назаридан, янги илмий қарашлар асосида қайта ўрганилди. Бир сўз билан айтганда, Бобур давримизга янада яқинлаштирилди. Бобуршуносликнинг янги қирралари кашф этилди.

Бобурнинг бадиий, илмий-эстетик меросининг маъномоҳияти билан ҳозирги авлодни янада чуқурроқ таништириш, бу асарларнинг миллий-маънавий қадриятларимизнинг ажралмас қисми эканлигини, айниқса, ёшлар онгига сингдириш ва шу орқали уларда ўтмиш тарихимизда ёрқин саҳифа очган Заҳириддин Муҳаммад Бобурдек буюк шахслар, уларнинг ибратли ишларидан фахрланиш туйғусини шакллантириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир.

ҲИҚМАТГА ЙЎФИРИЛГАН ШЕЪРИЯТ

Махтумқули — Фироғий XVIII аср туркман адабиёти тарихида ўчмас из қолдирган буюк шоир, жаҳон адабиёти тараққиётига ҳам ҳисса қўша олган мутафаккирдир. Шоирнинг ўлмас асарлари инсоният қалбига эзгулик уруғларини сочиб, қадриятларга ҳурмат ва эътиқод руҳида тарбиялаб келаётганига кўп асрлар бўлди. Унинг жаҳон бадиий тафаккури тарихидаги роли салмоқлидир.

Махтумқули шеърияти мавзу жиҳатидан турлича, тегран маъноли, ҳикматларга бой, жарангдор ва мусиқий. Унинг ўғит-насиҳат ғояларига йўғрилган шеърларида инсоний муносабатлар ҳақида сўз юритилади. Камтаринлик ва олижаноблик, вафо ва садоқат, ватанпарварлик, дўстлик, мардлик ва қаҳрамонлик, муҳаббат, ота-онага ҳурмат ва яна бошқа бир неча инсоний фазилатлар улуғланса, бошқа бир туркум асарларида бу туйғуларга бегона худбинлик, иккиюзламачилик, номардлик, разолат, қабихлик, очкўзлик, андишасизлик, ичиқоралик, хиёнат каби одамгарчиликка ёт иллатлар қораланади. Шоирнинг «Яхшидир», «Айрилма», «Зар бўлмас», «Англамас», «Кетувчи бўлма», «Бошлади», «Эл яхши», «Кўринг», «Хор айлар» номли шеърларидаги фалсафий фикр, истеъдод ва поэтик маҳорат ҳар бир ўқувчининг дунёқараши ва эстетик туйғуларига жиддий таъсир кўрсатади. Шеърлардаги маънонинг ҳаётийлиги, ифода шаклининг соддалиги ва жарангдорлиги, ўқимишлилиги ва оммабоплиги, халқ дилига яқинлиги ўқувчини мафтун этади. Бундай насихатомуз шеърлар шоирнинг лирик меросида жуда кўп. Шу боисдан ҳам китобхонлар уларни севиб ўқийди, ёд олади, санъаткорлар уларга куй басталаб, қўшиқ қилиб айтади. Шеърлардаги айрим бандлар ҳикматли сўзларга айланиб, халққа ёд бўлиб кетган.

Махтумқули умуминсоний ғояларни қаламга олиб умумбашарий қадриятларни улуғлагани, гўзал ахлоқни мадҳ этиб, адолатсизлик ва ёвузликка мурасасиз бўлгани учун ҳам асарлари оламшумул аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам бу талқинлар асрлардан-асрларга, авлодлардан-авлодларга ўтиб дунё халқлари эъзозида бўлиб келаяпти. Махтумқули номининг Пушкин, Низомий, Руставели, Жомий, Навоий, Абай, Бер-

дақ каби дунё адабиётида эътироф этилган шоирлар билан ёнма-ён тилга олиншининг асосий сабаби ҳам шунда.

Махтумқули ҳаётининг мазмунини туркман халқига хизмат қилишда деб билди. Унинг орзу-армонларини қуйлашнинг олий мақсад қилиб олди. Шоир ўз Ватанини чин дилдан севди, унинг манфаати учун курашди, ижод қилди. У кўп шеърларида туркман халқини, эл-юрт осойишталигини сақлашга, туркман тупроғини босқинчилардан ҳимоя қилишга чақиради.

*Фироғий юз тутар туркман элига,
Душман қўл урмасин қизил гулига
Дўстлар, бизни охиратнинг селига.
Ғарқ этмасдан рақиб қирилсин энди.¹*

Махтумқули ижодида Ватанга садоқат мавзуси етакчилик қилади. Шоирнинг ватанпарварлик руҳида ёзган шеърларида муайян тарихий шароитдаги ижтимоий зиддиятлар, тузумдаги адолатсизликлар ўз бадиий ифодасини топди. Махтумқули туркман қабилалари ўртасидаги низоларга барҳам бериб, уларни «**бир дастурхон атрофида**» бирлаштириш учун барча имкониятларини ишга солишни ватанпарварлик бурчи деб ҳисоблади. Шоир кўп шеърларида уруғлар ўртасидаги низоларни қоралайди, зарарли оқибатларини шеър тили билан замондошларига тушунтиришга ҳаракат қилади. Унинг «Ярашмас», «Ёшимиз», «Туркманнинг» ва яна бошқа бир неча шеърлари шу мавзуга бағишланган. Махтумқулининг ватанпарварлиги ҳар бир қабиланинг ўз ичидаги аҳилликни, ишончни барқарор қилиш учун фаол кураш олиб борганида ҳам кўринади. Шоир арзимаган нарса учун бировнинг қўнглини оғритиш, жароҳатлаш ботирлик белгиси эмас, балки нодонлик аломатидир дейди:

*Бир-бирини чопмоқлик эмас эрликдан,
Бу иш шайтондир, балки кўрликдан.
Оғзолалик айирар элни бирликдан,
Мунда давлат кетиб, душманга келгай.*

¹ Махтумқули. Танланган асарлар. Тошкент, «Фан», 1976., 85-бет. Туркман тилидан Жуманиёз Шарипов таржимаси. Бундан кейинги мисоллар шу нашрдан бўлади.

Махтумқулининг тарқоқ туркман қабилаларини марказлашган бир давлат атрофига бирлаштириш тўғрисидаги илғор ғоялари ўз даври учун катта аҳамиятга эга эди. Шоир Ватанини чет эл босқинчилари оёқ ости қилганини, халқининг хўрланганини кўрди ва бу оғир шароитдан норози бўлиб «Найлайин», «Хор қилди», «Фаттоҳ», «Тушди» каби шеърларини ёзади, душманларнинг бу ҳаракатини қоралади.

Махтумқулининг китобхонларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат этадиган шеърлари ҳам бир туркум. «Бизга равона», «Кетгувчи бўлма», «Эл яхши», «Бордир» шеърларида инсоннинг Ватанига садоқати куйланган. Шеърларда ҳар бир инсон учун ўз Ватанидан азиз нарса йўқ эканлиги ҳақида сўз юритилади ва элдошларини Ватанни тарк этмасликка чақиради:

*Кел кўнглим, мен сенга насиҳат айлай,
Ватанни тарк этиб кетувчи бўлма.*

Ёки:

*Ёт элларда мусофирлик чеккандан
Урса, сўкса, хўрласа-да, эл яхши.*

Махтумқули шеърларида қаҳрамонлик мавзуси ҳам қаламга олинган. Шоир халқининг ватанпарвар, мард йигитларини улуғлаш билан бирга, номард ва кўрқоқ кишиларни ҳажв қилади. У ҳар бир одамнинг жасурлиги, мардлиги, эл-юрт манфаатига хизмат қилиши лозимлигини таъкидлайди ва шеърларидан бирида:

*Бир ғайратсиз йигит элда
Қаранг, такаббурлик айлар,
Мард йигитлар ёмон элда
Бошдан оғизбирлик айлар, —*

деб ёзади

Махтумқули номардлардан нафратланиш, уларни лаънатлаш билан бирга, мардларни ҳамиша Ватан ва халқ манфаати, унинг ор-номуси учун курашга ундади.

Махтумқули туркман адабиётини том маънода халқ ҳаётига яқинлаштирган, уни халқ хизматида сафарбар қила ол-

ган инсонпарвар шоирдир. Унинг ижодида туркман халқининг ҳаёти: урф-одатлари, ўзига хос яшаш тарзи, руҳий дунёси, миллий хусусиятлари барчаси ёрқин ифодаланди. Шоир халқининг орзу-умидларини, курашини бадиий акс эттирди, адолатсиз тузумнинг ўзбошимчилигини, зўравонлигини кўрқмасдан танқид қилди.

XVIII асрдаги ҳаёт Махтумқули ижодида ўзининг турли қирралари билан намоён бўлди. Бу хилма-хиллик шоир шеърляти мавзусини янада кенгайтди, мазмунини бойитди. Махтумқули яшаган замонда хотин-қизларнинг тақдири жуда оғир бўлган, улар энг оддий ҳақ-ҳуқуқлардан ҳам маҳрум эдилар. Бундай қабих турмуш шароитига маҳкум этилган аёлларнинг ҳаётига гувоҳ бўлган шоир бу адолатсизликларни кескин қоралаб чиқди. У хотин-қизларни эркакларнинг ҳамфикри, шодлигини ҳам, қайғусини ҳам баҳам кўрадиган жонкуяр ҳамроҳ деб билди. Аёллардаги ақлу фаросат ва иффатни, соддалик ва мулойимликни маъқуллаб шеърлар ёзди:

*Гўзал бордир гўзаллардан зиёда,
Унинг хизматида бўлинг келади.
Одобу-икромли мулойимзода
То ўлгунча бирга бўлинг келади.*

Айни пайтда Махтумқули беҳаё ва андишасиз, фаросатсиз, оиланинг қадрига етмайдиган аёлларни қоралаб ҳам бир неча шеърлар битди.

Махтумқули лирикасида муҳаббат мавзусидаги шеърлар ҳам оз эмас. Шоир инсоннинг севиш ва севилиш ҳуқуқини ҳимоя қилди. Ёшларни эски одат ва шариат бўйича мажбуран никоҳ қилинишига, кўп хотинлик каби иллатларга норозилик билдирди. Махтумқулининг энг гўзал лирик шеърлари шахсий ҳаёти билан бевосита боғлиқ. Шоир ёшлигида Менгли исмли қизни севган, жўшқин илҳом билан ёзилган ишқий шеърлари унга бағишланган.

*Парда тортиб юзларимга,
Пардоз бериб сўзларимга,
Махтумқули кўзларимга —
Ёлғиз Менглихон кўринур.*

Ёки:

*Кўришайлик Менглихоним,
Юрак-бағрим, ширин жоним,
Фироғий дер, дин-имоним,
Йўлатмай, уялади-я!*

Махтумқули севган қизи Менглихонга уйлана олмаган. Қизнинг отаси талаб қилган қалинни тўлашга кучи етмагач, қизни бошқа бировга сотиб юборишган. Бу факт шоирнинг кўп шеърларида афсус билан тилга олинади. Махтумқулининг Менглихонга бағишлаб ёзган шеърларида, гарчи, шоирнинг муҳаббатдаги шахсий омадсизлиги, оилавий бахтсизлиги хусусида сўз юритилса-да, аслида бу мавзу талқинида китобхон XVIII аср феодал муҳитидаги таҳқирланган севгининг ижтимоий фожиасини кўз олдига келтира олади.

Шоирнинг муҳаббат мавзусидаги шеърларининг лирик қаҳрамони энг гўзал, энг назокатли ва ғоят малоҳатли маҳбубадир. Шоир уларни жўшқин илҳом, юксак пафос билан мадҳ этади. «Гўзалсан», «Намасан», «Тўғриси» ва бошқа ўнлаб шеърлари поэтик илҳомнинг гўзал намуналаридир. Бир тўртлик билан танишиб кўринг:

*Олтинмисан, кумушмисан зармисан,
Ё аршмисан, ё қурсмисан, ермисан,
Ё ёқутми, ё маржонми, дурмисан,
Ё чироғми, ё зиёсан, намасан!*

Махтумқули адабий меросининг катта қисмини одоб-ахлоқ мавзусидаги шеърлар ташкил этади. Маълумки, дидактика, панд-насиҳат, таълим-тарбия адабиётининг қадимий мавзуларидан бири. Бу ҳақда Шарқ мумтоз шоирлари катта маънавий хазина қолдирган. Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Аҳмад Югнакий, Саъдий Шерозий, кейинроқ Лутфий, Жомий, Навоий, Бобур каби буюк донишмандларнинг асарларидаги ахлоқий-таълимий қарашлар кейинги авлодлар учун сабоқ бўлди. Олижаноб инсоний хислатларни тарғиб қилишга қаратилган мутафаккирларнинг қимматли фикрлари Махтумқулига одоб-ахлоққа доир қарашларини ифодалашда маънавий таянч бўлган. Оқилона ва одилона насиҳат руҳида ёзилган асарларида шоир инсоний

хислатларни улуғлаб, Ватан, жамият ва жамоа манфаатларини ҳимоя қилади. Халқ дарди билан яшаган ва ижод қилган Махтумқулининг ноёб ўғитлари муҳим ижтимоий масалаларни қамраб олиши ва ҳамиша халқ дилида турган эзгу истакларга уйғунлиги боис оммалашиб қалбларга сингиб кетган, кўшиқларга айланган.

Махтумқули шеърлари орқали халқига насиҳат қилар экан, унинг бошига оғир кунлар тушганда ҳамдард бўлишга, кўнглини кўтаришга, орзуларига қанот бўлишга интилади. Уларни келажакка умид ва ишонч билан қарашга даъват этди. Шоирнинг насиҳат оҳангида битилган шундай шеърлари борки, улардаги мазмуннинг теранлиги ва салмоқдорлиги, бадий баркамоллиги ўқувчини қойил қолдиради. Шоирнинг топқирлиги ва донишмандлигига, маҳоратига тан берасиз. «Айрилма», «Бўлма», «Эл яхши», «Бўлмас», «Яхши», «Кетувчи бўлма», «Кўринг», «Сухбат яхшидир», «Керакдир», «Далолат яхши» каби шеърлардаги ўлмас ғоялар, поэтик талқинлар қалбларни сеҳрлайди. Шеърларда қаламга олинган ота-онага, устозга ҳурмат, Ватаннинг қадрига етиш, очикдиллик, меҳнатсеварлик, қаҳрамонлик каби умрбоқий мавзулар ўзига хос шаклда, давр руҳига мослаштириб бадий ифодаланган. Ақл билан иш кўриш, кишиларнинг дилини оғритмаслик, қўлдан келса бировга яхшилик қилиш, вафо, садоқат каби инсоний фазилатлар бу шеърларнинг ғоявий лейтмотивини ташкил этади.

Ота-онага ҳурмат кўрсатиш мавзуси Махтумқули шеърларида кўп тилга олинади ва ота-онани қадрлайдиган, одобли, ахлоқли фарзандлар мақталади, ота-она дилини оғритадиган оқибатсиз фарзандларнинг хулқ-атвори қораланади:

*Яхши ўғилдан раҳмат ориғи оқар,
Нокас бўлса ўғил бўлди, бўлмади.*

Махтумқули лирикасидаги меҳмон ва меҳмондўстлик мавзусига бағишланган шеърларнинг тарбиявий аҳамияти бекиёс. Шоир меҳмондўстликни улуғлайди, ҳар бир инсонни, хоҳ у юқори табақадан бўлсин ёки мартабасиз оддий фуқароми, бари бир уйига келса унга очик юзли ва ширин сўзли бўлишни, самимий кутиб олишни маслаҳат беради:

*Келган ош деб келмас,
Бужмайтмагил юз,
Нонга муҳтож эмас,
Сўзга меҳмондир.*

Ёки:

*Кулиб сўзамасанг келган меҳмонга,
Қўлга таёқ олиб урган яхшидир.*

Махтумқули дидактик асарларида соддаликни, тўғрисиўз-лилик ва мулойимликни, камтаринликни улуғлади. У инсонларнинг содда, инсофли, соф, яхши ниятли бўлишини чин дилдан истади. Кишиларни ҳар жойда ўз кадр-қимматини, ҳурматини сақлашга даъват этди. Инсонларни ким бўлишидан қатъий назар, ранжитмасликка, дилини оғритмасликка, ҳурмат қилишга чақирди.

*Оқмасдан қолмайди бир оққан ариқ,
Бир танда одам гоҳ семиз, гоҳ ариқ,
Бир юзи қорадир, бир юзи ёруғ,
Қора деб қаттиқ сўз айтувчи бўлма.*

Яна шу шеърида Махтумқули кишиларга қаттиқ сўз айтиб дилини оғритиш, яроқ солган жароҳатдан ҳам оғир дейди:

*Агар бўлсанг инак каби мулойим,
Мулойим сен бўлсанг, қулинг бўлайин,
Қулоғимга берган пандинг олайин
Кишига қаттиқ сўз айтувчи бўлма.*

Махтумқули дўст танлашда адашмаслик керак, дейди. Дўст тутинмоқчи бўлган шахснинг юриш-туришига, одобига, одамлар орасида ўзини тутишига эътибор бериш лозимлигини уқтиради. Хулқи, одоби ёмон кишилардан узоқроқ юришни насиҳат қилади. Шоир бундай фикрларни чиройли ва оригинал поэтик ўхшатишларда, ташбеҳларда ифодалагани шеърларнинг таъсир кучини оширган.

*Кўнгли қора билан бўлманглар улфат,
Юқар ундан турли-туман касофат
Кўмирга ҳар қанча айласанг иззат,
Юзингга қораси юққанча бўлмас.*

Яна:

*Махтумқули, ҳаргиз топмади омон,
Ёмон тилнинг захри тиллардан ёмон.
Ёмон тил ёнида захри кўп илон
Чақса-да, бир чивин чаққанча бўлмас.*

Махтумқулининг содда, лекин чуқур маъноли шеърларида донишмандлик улуғланади. Инсонларни олижаноб хислатларга эга бўлишга, нодонлардан йироқ юришга даъват этади.

*Оқил бўлсанг, яхшиларга ҳамдам бўл,
Ахмоқ ўзин нодон билан ёр айлар.*

Махтумқули шеърлари орасида алдамчилик ва номардлик, гийбатчилик ва такаббурлик танқид қилинган бандлар ҳам кўп.

*Махтумқули айтар, элнинг кўзидан —
Тушиб хор-зор бўлсанг, кўргин ўзингдан,
Тилингни тиймасанг харом сўзингдан,
Тамом барбод бўлар унинг гийбатчи.*

Махтумқули халқ хуш кўрмайдиган, нафратланадиган, жирканадиган баъзи иллатларга ҳам қарши ўт очади. Шоир, айниқса, чилимкаш ва носкашларга муросасиз бўлган. Нос, чилим, наша одамларнинг соғлигига зарар етказиб қолмай, уларга сарф бўладиган пул ҳам бефойда эканлигидан огоҳ этади. Бу иллатга берилган шахсларни шеърларида ҳажв қилади.

*Қувватинг кеткизар, кучинг тўздирар,
Кайфи бошга келса, ақлинг оздирар.
Суюгинг зирқираб, этинг қиздирар,
Бир нишона будир сенда, чилимкаш.*

Ёки:

*Бир отим деб ҳар эшикка йўртарсан,
Қўлга қоқиб, уч мисқолни отарсан.
Бурун қоқиб, ёнбошингга суртарсан
Харом бўлар усти бошинг, эй носкаш.*

Махтумкули наставанд, гийбатчи, кўрқоқ, беҳаё, икки-юзламачи, хасис ва дангасаларни қанчалик ҳажв қилса, доно, камтар, ботир ва ақлли, инсонпарвар, ватанпарвар ва олижаноб кишиларни шунчалик мақтади. Шоирнинг буюклиги ҳам шунда. У зулм авжига чиққан, адолатсизлик кучайган бир даврда яшаган бўлишига қарамасдан, бўладиган таҳдид ва хавфдан кўрқмади, мавжуд тартибларга қарши кескин норозилик билдиришда давом этаверди. Эзилган, хўрланган, инсоний ҳуқуқлари камситилган оддий халқнинг ҳимоячиси бўлиб майдонга чиқди.

Ўз юртини, элини севган, ор-номусини ҳамма нарсадан устун қўйган Махтумкули замондаги катта ижтимоий-сиёсий воқеалардан тортиб, оддий ҳаётий ҳодисаларгача, дунё тақдиридан тортиб, то инсон қисматиғача бўлган муаммоларга муносабат билдирди, уларни қаламга олди, ёмонларга қарши курашди, эзгуликларни ҳимоя қилди. Махтумкули қандай мавзуда ижод қилмасин, қаерда яшамасин, унинг ҳаёли ҳамиша ўз халқи тақдири, она — Ватан меҳри билан банд бўлди, унинг куйини куйлади, дардига малҳам бўлди. Академик В. Зоҳидовнинг сўзлари билан айтсак: *«Махтумкули бутун онгли умри ва ижодий фаолиятининг маъносини шеърятга, шеърятда халқ ва Ватанга хизмат қилишда кўрди. У ўзининг охирги нафасига қадар қуйидаги онтига содиқ қолди, шу билан фахрланди, шу билан яшади, шу билан илҳомланди:*

*Доно бўлсанг, мискинларни унутма,
Афзал бўлсанг, номардларга бош тутма.
Эрк истасанг, гўзал достонинг сотма,
Элингга бахш айлаб ўтгил, Фирогий!»¹*

Махтумкули туркман адабиёти тараққиётига, ўзидан кейин яшаган барча шоирларга ижодий таъсир ўтказди. Сеидий, Зелилий, Камина, Муллонафас каби мумтоз шоирлар, Дурди Қилич, Мулламурт, Б. Кербобоев, А. Коушутлов, Б. Сейтақов, А. Дурдиев, Н. Сарихонов ва бошқа ўнлаб туркман ёзувчилари Махтумкули ижодига ҳурмат билан қара-

¹ В. Зоҳидов. Жаҳон бадиияти зарварақлари. Тошкент, 1980., 173-бет.

ганлар, унинг ижтимоий-фалсафий, маънавий-ахлоқий, инсонпарварлик, ватанпарварлик руҳидаги асарларидан баҳраманд бўлиб, шоирнинг анъаналарини янги тарихий шароитда давом эттирдилар.

Махтумкули мана шундай буюк ижодий тақдирга мушарраф бўлган улуғ бир сиймодир. У туркий халқлар ўртасида ҳам шон-шухратга беланган, катта мавқега эга шоир. Адибнинг асарлари кейинги авлод ижодкорлари учун ўзига хос маҳорат мактаби, китобхонлар учун эса битмас-туганмас ахлоқий тарбия курули вазифасини ўтаган ва ҳозир ҳам шу муқаддас вазифани бажармоқда. Ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, озарбайжон, татар ва яна бошқа тақдирдош халқлар, уларнинг қалам аҳли Махтумкули асарларини яхши билади, ўз она тилларига таржима қилиб, турли йилларда бир неча марта нашр этишган, сўз усталари эса унинг ижод сирларини ўрганиб, ўз адабиётларини оригинал асарлари билан бойитмоқда.

Махтумкулининг мероси Ўзбекистонда жуда қадрланади, номи ва асарлари халқимиз орасида кўпдан бери маълум ва машҳурдир. Юртимизда бу табаррук номни эшитмаган, шеърларини ўқимаган адабиёт ихлосманди, шеърят мухлиси йўқ. Шоирнинг ҳикматга йўрилган шеърларига басталанган куй ва қўшиқларни мароқ билан тинглаб завқланмаган одам жуда кам. Ўзбекистон халқ шоири Шухрат ёзганидек: *«Ҳозирги ўзбек хонадонларидан ҳеч бирининг тўйи Махтумкулисиз ўтмайди»*. Махтумкулининг ҳеч қачон қимматини йўқотмайдиган поэтик асарлари, мана, бир неча юз йилдирки, китобхонларнинг дилини ром этиб келмоқда, қувонч бағишляпти, санъаткорлар репертуарига жило бермоқда, уларни янги-янги қўшиқлар яратишга илҳомлантирмоқда. Шунингдек, шоир шеърятини ижодкорлар учун эзгулик томонида туриб ёвузликка, ахлоқий нопокликка қарши курашишнинг ўзига хос рамзи, илҳом манбаи вазифасини ҳам ўтамоқда. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ўзбек адабиётининг катта авлод намояндаларидан тортиб кенжа авлод вакилларига ҳам Махтумкули шеърятини озиқланган. Ўзбекистон халқ шоири Миртемир шеърларидан бирида ёзганидек: *«Махтумкули шеърининг шарбатин ичиб қонган»*.

Махтумкулининг номи, шеърлари, айниқса, Хоразмда жуда машҳур. Унинг Хевадаги Шерғозихон мадрасасида таҳ-

сил олиб, Хоразм адабий муҳити билан алоқада бўлгани, Шарқ адабиётининг нодир намуналари билан айнан шу ерда, мадрасада танишуви ва қизгин ижодий фаолият билан шуғуллангани Махтумқулини бу воҳа халқига, адабий жараёнига яқинлаштириб қўйган эди. Ҳатто XX асрнинг 30 йилларида, ҳали Махтумқули асарлари ўзбек тилига таржима қилинмасдан олдиноқ у Хоразм элида жуда машҳур бўлиб, бахшилар, халфалар репертуари орқали оммалашиб кетганди. Шоир шеърларини билмайдиган, ҳикматларга бой тўртликларини ёд олиб давраларда, тўю базмларда ижро этмаган санъат ихлосманди ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам Хоразмда йўқ бўлса керак¹.

Умуман, Ўзбекистонда Махтумқули шеъриятига қизиқиш катта. У ўзбек халқининг, ўзбек адабиётининг ўз шоиридай бўлиб қолди. Ҳикматлар чамани соҳиби Махтумқули шеъриятига ҳавас, ихлос, чанқоқлик мухлисларда бугун ҳам кучайса кучайдики, асло пасайган эмас.

1984

МАНГУЛИККА ДАХЛДОР ОҚИН

Абай Қўнонбой ўғли XIX аср қозоқ адабиётининг буюк маърифатпарвари, жаҳон адабиёти ва маданияти тарихида мустаҳкам ўринга эга салоҳиятли шоир — оқиндир.

Абай адабиётнинг ҳар хил жанрларида фалсафий теран, чуқур мазмунли асарлар яратган, шеърлар, дostonлар ижод этган. Уларда шоир ўз даврининг ҳаёт тарзи ҳақида маълумот беришга, замон ва замин ташвишларини реалистик тасвирлашга ҳаракат қилган. Абай ижодида инсон тақдири, унинг келажакка бўлган ишончи, орзу-умидлари, бахт-саодатга эришиш йўлидаги интилиш ва курашлари маҳорат билан бадий талқин этилган. Абай шеъриятининг халқчиллиги ҳам шу фазилатлар билан ўлчанади.

Абай умрининг сўнгги йилларида насрий асарлар ҳам ёзган. Шеъриятига сиғдира олмаган ижтимоий-ахлоқий, таълимий қарашларини у фалсафий-публицистик руҳда, проза тили билан баён этишга интилган. Биз мулоҳаза юрит-

¹ Ҳ. Абдуллаев. Махтумқули ва ўзбек адабий муҳити. Тошкент, «Фан», 1983 й.

моқчи бўлган Абайнинг шу хилдаги насрий асарлари қирқ беш «Сўз» деб номланади. Адабиётшуносликда бу «Сўз»лар баъзан «қора» сўзлар, баъзида «насиҳатлар» деб юритилмоқда. Абайнинг ўзи бу «Сўз»ларнинг жанр хусусиятларини белгилаб бермаган кўринади. Бизнингча, уларни кескин турда «қора сўзлар» ёхуд «насиҳатлар» деб номлаш «Сўз»лардаги мазмун ифодаси ва гоё талқинига унчалик мос эмасдек туюлади. Катта-кичик мустақил ҳикоялардан иборат бу насрий асарларни шунчаки «қора сўзлар» деб атасак, уларнинг мавзу хилма-хиллигини биров чегаралаб, ижтимоий-тарбиявий аҳамиятини ҳам бирмунча торайтирган бўламиз. Чунки уларнинг бир туркуми XIX асрнинг иккинчи ярмидаги феодализм муҳитининг ҳаёт тарзи, идора усули, жамиятнинг маънавий-сиёсий қиёфаси ҳақида муайян тасаввур берадиган, катта фалсафий мазмунга хос бадий-публицистик лавҳалардир. Бошқача айтганда, Абайнинг ўз давридаги ижтимоий-сиёсий масалаларга қарашларининг ўзига хос синтезидир. «Сўз»ларни тўла маънода «насиҳатлар» деб аташ ҳам, бизнингча, мақсадга мувофиқ эмас. Чунки қирқ беш «Сўз»нинг қарийб ярмида насиҳат мотивларидан кўра, шоирнинг замондан норозилиги акс этган, инсоний ахлоққа зид нопокликлар қораланган. Лекин бу фикрдан танқидий руҳдаги асарларда насиҳат мотивларини тасвирлаш мумкин эмас, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Кўп йиллик бадий адабиёт тажрибасидан маълумки, дидактик характерда асарлар яратишнинг усуллари кўп. Танқидий руҳдан холи, соф насиҳатга қурилган асар яратиш ҳам мумкин. Бундай асар бошдан охирига қадар ўқувчини фақат эзгуликка, олижанобликка даъват этувчи гоёлар билан йўғрилган бўлади ва ҳар бир инсон учун ҳаёт дарслиги вазифасини ҳам ўтайди.

Дидактик мавзуда асар яратишнинг яна бир усули бор. Ижодкор фалсафий қарашларини, ахлоқий-таълимий фикрларини катта ҳаётий маъно касб этадиган муайян ривоят ёки афсона либосига ўраб бериши ҳам мумкин. Шарқ мумтоз адабиёти шоирлари ижодида бу усул кенг қўлланилиб турли шаклларда кўп асарлар яратилгани маълум. Ҳар қандай шоирнинг таржимаи ҳоли ва ҳаётий тажрибаси ижодининг мундарижасини белгилашда муҳим роль ўйнайди. Ижодкор ҳаётидаги кўп фактлар унинг асарларига ўтади.

Шунинг учун ҳам шоир шахси билан унинг асарини алоҳида-алоҳида ажратиб ўрганиш кутган натижани беравермайди. Масалан, Сергей Есенин «Ўзим ҳақимда» номли таржимаи ҳолида туғилган жойи, ёшлиги, ўқиган мактабларини баён қилгач, қолган автобиографик маълумотларга келганда: *«улар менинг шеърларимда»*, деб қўя қолган экан. Ёки Ғафур Ғуломнинг «Сен етим эмассан», «Соғиниш», «Кузатиш» каби шеърларида шоир таржимаи ҳолини эслатадиган фактлар анча. Бу фикрнинг исботи учун адабиётдан яна ўнлаб мисоллар келтиришим мумкин. Табиийки, Абай ижоди ҳам бундан мустасно эмас. Шоир ўз турмуш тажрибаларига таянган ҳолда, ҳаёт ҳодисалари тўғрисида, ўзи билган ва кузатган одамлари ахлоқидаги нуқсонлар хусусида баъзан қониқиш, баъзида куюнчаклик билан мулоҳаза юритади, айримларида юксак инсонийликни улуғласа, баъзиларида маънавий тубанликни кескин қоралайди. Ва шу орқали ўзининг дидактик қарашларини илгари суриб: *яхшилиқни авайлаб, ёмонликдан ҳазар қилиб*, деяётгандек бўлади шоир ўз ўқувчисига.

Бундай йўналишдаги насихатлар муайян давр ва шахслар ҳақида аниқ тасаввур бериш хусусиятига, яъни чуқур реалистик принципга асосланган бўлади. Абайнинг ҳар бир «Сўз»и давр руҳи билан суғорилган, чинакам ҳаётий лавҳалардир, ўша замоннинг турмуш шароити, сиёсий тузуми ҳақида аниқ тасаввур берадиган, маълум даражада, автобиографик характерга эга гўзал бадиий реалистик асардир. Демак, Абайнинг катта-кичик «Сўз»ларида дидактик ва фалсафий мазмундаги асарлар ҳам, норозилик мотивлари талқинига хос танқидий руҳдаги асарлар ҳам бор. Шундай экан, уларни жанр нуқтаи назаридан, қаламга олинган мавзуларнинг ҳар хиллигига қараб фалсафий-публицистик ҳикоялар, деб аташ мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Абай бу насрий асарларини турмушнинг аччиқ-чучугини кўп татиб, катта ҳаётий тажрибага эга бўлгандан кейин ёзишга киришган. Шоир ҳаётининг сўнгги йилларида унда умидсизлик кайфияти пайдо бўлади, натижада, дунё ташвишларидан «этак силкиш»га қарор қилади. «Ёшим шу ерга етгунча яхши яшадимми, ёмон яшадимми, ҳар қалай яшаб келдим, — деб ёзади Абай биринчи «Сўз»ида. — Умримнинг кўпи кетиб ози қолди, бошимдан не-не савдолар кечмади:

олишдим, юлишдим, айтишдим, тортишдим — хуллас, бошга тушганини тортиб келдим. Мана энди ёшим қайтиб, қаридим, ҳоридим, ҳамма қилиб юрган ишларимда маъно йўқлигини, ҳаммаси шунчаки бир гап эканлигини кўрдим, билдим. Хўш, қолган умримни қандай қилиб ўтказсам экан?»¹

Абайнинг ўзи бу саволга жавоб излайди. Элу юртга раҳбарлик қилсаммикан ёки сўфилик қилиб дин йўлига тушсаммикан, деган фикрлар ҳаёлидан ўтади. Лекин бу ишлар унинг кўнглига таскин бўлолмаслигини англагач, фикридан воз кечади ва қолган умрини илм-фанга бағишламоқчи бўлади. Бироқ элда илм-фаннинг қадрига етадиган, уни тушунадиган одамларнинг йўқлигидан, меҳнати зое кетиши мумкинлигидан афсусланиб, бу фикридан ҳам қайтади. «Охир шундай қарорга келдим, — деб ёзади Абай биринчи «Сўз»нинг ниҳоясида. — Ҳаёлимга келган нарсаларни оқ қоғозга ёзаверайин, оқ қоғоз билан қора сиёҳни эрмак қилайин. Кимда-ким бундан ўзига керакли сўз топса — ёзиб олсин ё ўқисин, кераги йўқ деса — ўз сўзим ўзимники дедимда, ниҳоят ёзишга ўтирдим».

Абай сўз санъатининг қадрини ҳар қандай мартабадан, мансаб ва бойликдан юқори билган. Шунинг учун ҳам умрининг қолган қисмини шу соҳага бағишлаб, кейинги авлодларга ибрат бўлгудек маънавий хазина яратиб кетган мутафаккир шоирдир.

Абайнинг ҳар бир ҳикоясида қаламга олинган мавзу, илгари сурилган гоյа чуқур ҳаётийлиги, бугунги замонга оҳангдошлиги билан қадрлидир. Шоир қайси мавзуда сўз юритмасин, қандай ахлоқий нормаларни тарғиб қилмасин, ёхуд инсоний фазилатлардан маҳрум бўлган кимсаларни қоралаб, лаънатламасин, доимо ўз ҳаёт тажрибаларидан келиб чиқиб сўз айтади. Донолик ва нодонлик, меҳнатсеварлик ва ялқовлик, камтаринлик ва манманлик, олижаноблик ва худбинлик, сахийлик ва зиқналик, билимдонлик ва жоҳиллик, дўстлик ва душманлик. Мана, Абай «Сўз»ларининг асосини белгилайдиган бош мавзулар! Шоир бу ахлоқ нормаларининг ҳар бири тўғрисида баъзан эҳтирос билан,

¹ Абай. Танланган асарлар. Тошкент., 1961., 131-бет. Қозоқ тилидан Носир Ғозилов таржимаси. Бундан кейинги мисоллар ушбу нашрдан бўлади.

баъзан осойишта кайфиятда, гоҳида эса ғазаб ва нафрат билан сўз юритади. Лекин адиб қандай шакл ва мазмунда қалам тебратмасин, мулоҳазаларидан ҳар ким ўзига керагини топиб олади ва ҳаёти давомида улардан фойдаланишга ҳаракат қилади. «Одамзодни хор қиладиган уч нарса бор, — деб ёзади Абай ўттиз саккизинчи «Сўз»ида. — Шундан эҳтиёт бўлиш керак! Биринчиси, нодонлик, иккинчиси эринчоқлик ва учинчиси — золимликдир».

Абай буларни шунчаки санаб ўтиш билан чекланмайди, балки уларнинг моҳиятини, ижтимоий зарарини шарҳлаб ҳам беради ва фикрларини давом қилдириб яна шундай дейди: *«Нодонлик — билимсизлик ва дунёдан хабарсизликдир. Билимсизлик эса ваҳшийликдир. Эринчоқлик дунёдаги ҳамма нарсанинг душманидир. Ғайратсизлик, уятсизлик, журъатсизлик, камбағаллик каби нарсаларнинг ҳаммаси эринчоқликдан келиб чиқади. Золимлик — инсонийликнинг душманидир. Одам золим бўлдики, у одамгарчиликдан айрилади, инсонлик қиёфасини йўқотади ва йиртқич ҳайвондан фарқи қолмайди».*

Абайнинг бу ҳикматлари қанчалик чуқур ҳаётий мазмун касб этиши, турмуш синовидан ўтган ахлоқий принциплар эканлигини изоҳлаш шарт бўлмаса керак.

Илм ҳақида, унинг жамият тараққиёти ва инсон камолатидаги роли хусусида жаҳон мутафаккирлари, айниқса, Шарқ адабиётининг буюк шоирлари кўп фойдали фикрларни ёзиб қолдирган. Ҳатто уларнинг айримлари илмнинг қудратига юксак баҳо бериб, илм ва илм аҳлини улуғлаб махсус асарлар ҳам яратганлар. Шарқ адабиётини яхши билган ва унинг илгор анъаналаридан баҳраманд бўлган Абай ҳам ўз асарларида бу муҳим масалани четлаб ўтмаган. Балки билим ва илм ҳақида, унинг қадрига етиш, илмни жамият фойдасига хизмат қилдириш тўғрисида фойдали фикрларни ўртага ташлаган ва буюк оқин илмни имон ва эътиқод даражасига кўтаради. Унинг илм ҳақидаги қуйидаги фикрлари бугун ҳам аҳамиятга эга: «Илм ўрганишни ҳамиша давом эттиравериш керак. Агар кимда-ким уни тўла ўрганмай туриб, шу билганим ўзимга етади, деб бор билимига қаноат ҳосил қилса — у одамни худо ургани: унинг қилган тоат ибодати ҳам охиратда қабул бўлмайди. Агарда кимда-ким имонининг қандай қилиб мустақамланишини ва қан-

дай қилиб заифланишини билмаса, у ҳолда унинг бошига салла ўраб, биродар аталиб, рўза тутиб, намоз ўқиб юриши — бари беҳуда».

Шоир бошқа бир ҳикоясида яна илм ҳақида тўхталиб: *«бойлигини сарф қилиб, илм топишинг керак. Илмсиз охи-рат ҳам йўқ, дунё ҳам»* дейди. Абай илм ўргангандан кейин унга амал қилиш, ҳаётда ундан фойдаланиш лозимлигини ҳам уқтиради. Илмни қандайдир ғаразли мақсадлар учун ўрганиш, илмга мансабга эришиш воситаси деб қараш тубанлик белгиси дейди шоир ва илмни яхши ният билан ўрганиш керак, деган шиорни илгари суради. Абайнинг қуйидаги мулоҳазалари нафақат шоир яшаган XIX аср тарихий шароити учун, балки бугунги кунимиз учун ҳам тарбиявий аҳамияти беқиёс: *«Аввало ўрганилаётган илм — ҳунарни охир бир кун келиб бирон кори ҳолимга яраб қолар, деб ўрганмасдан, ҳаётда уни турмушга тадбиқ қилиш мақсадида ўрганмоқ керак. Чунки илмни фақат билиб қўйиш учунгина ўргансанг ва шу билан қаноат ҳосил қилсанг, бундай илмнинг кимга кераги бор?».*

Абайнинг илм ўрганиш ва унга амал қилиш ҳақидаги бу фикрлари бизга беихтиёр Алишер Навоийнинг қуйидаги байтларини эслатади:

*Илму амал аҳли менингдек тамом
Ҳар не йиғиб, ҳамроҳ этиб вассалом.*

*Илм Навоий, санга мақсуд бил,
Эмдики, илм ўлди, амал айлагил.*

Алишер Навоий яна бир маснавийсида илмига амал қилмаган олимларни ерга уруғ сепмаган ёки уруғ сепса-да, ҳосилдан баҳраманд бўлолмаган деҳқонга қиёслаган эди:

*Илм ўқуб қилмоғон мақбул,
Дона сочиб кўтармади маҳсул.*

Навоий ва Абайнинг илм ўрганиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш масаласидаги қарашларида умумийликлар анча. Бу шунчаки тасодикий ўхшашлик эмас. Абайнинг бу соҳадаги эстетик фикрларининг шаклланишида Алишер Навоий асарларининг ижодий таъсири бўлган деб, ҳисоблаймиз. Абай шеърларидан бирида севимли шоирлари, устозлари

ҳақида фикр юритганда Алишер Навоийнинг номини ҳам ҳурмат билан тилга олади.

*Фузулий, Шамсий, Сайқалий,
Навоий, Саъдий, Фирдавсий,
Хўжа Ҳофиз — бу ҳаммангиз,
Мадад беринг, қилмангиз осий.*

Навоий ҳам, Абай ҳам ўз даври ва муҳити талабларидан келиб чиқиб илмнинг жамият тараққиётидаги ўрнини инсоннинг маънавий камолотидаги ролини баҳолашда бир хил позицияда турганлар ва бир мавзунини турли шакл ва мазмунда талқин этганлар.

Абай насрий асарлари орқали яна бир муқаддас мавзунини қаламга олади. Бу дўстлик ва биродарлик мавзуси. Бу мавзу Абай талқинида бутунлай ўзгача жаранглайди. Унинг ифода шакли, чуқур мазмуни, ҳаётийлиги ўқувчи қалбини сеҳрлайди, турмушда бизни худди шоир айтгандай ҳаракат қилишга ундаб туради. Қуйидаги ҳикматдан ҳар бир одам сабоқ олса арзийди: **«Ҳаётда одамнинг муқаддас бурчларидан бири — дўст-ёр орттирмоқликдир. Дўст — ўзгаларга яхши муносабатда бўлсанг ва қўлингдан келганча яхшилик қилсанг, меҳр-оқибат кўрсатсанг дўстинг ортади ва кўпаяди, сен кимга дўстлик қилсанг, у ҳам сенга дўстлик қилади, сенга нисбатан ишончи, меҳр-муҳаббати ошади. Агар дўстим кўп бўлсин десанг, ҳеч кимга душманлик қилма ҳамда ўзгалар ичида ўзингга оро берма».**

Биз Абайнинг таълимий характерга эга фалсафий-публицистик қарашларига, юксак ахлоқий фикрларига кўпроқ тўхтадик. Абай «Сўз»ларининг мундарижаси фақат шулардангина иборат эмас. Шоир ўз замонидаги иллатларни, сиёсий тузумнинг нобоплигини, ахлоқий бузуқликларни, маънавий тубанликларни ҳам ҳеч аямасдан фош қилган. Чунончи, Абай юлғичлар ва алдамчилар, ялқовлар ва шуҳратпарастлар, жоҳиллар ва нодонлардан нафратланган. Шоирнинг танқид тиғи кўпроқ шуларга қаратилган, уларнинг ҳақиқий башараларини маҳорат билан очиб ташлаган. Бундай иллатларга мубтало шахслар бутун жамият учун хавф туғдириши мумкинлигидан авлодларни шоир огоҳ қилган ва уларга қарши кураш олиб боришга даъват этган. Абайнинг нафақат дидактик мазмундаги тафаккур дунёси, бал-

ки шоирнинг танқидий руҳдаги сўзлари ҳам катта тарбиявий кучга эга ва улар ҳозир ҳам замон хизматида.

Хулоса шуки, Абайнинг мустақил қирқ беш «Сўз»ни ўз ичига олган насрий асарлари мажмуаси, унинг ўлмас шеърляти сингари, ҳеч қачон бадиий-эстетик қимматини йўқотмайди, балки йиллар ўтган сари «Сўзлар»нинг қадр-қиммати ошиб бораверади. Абай бир вақтлар авлодларга мурожаат қилиб, шеърларидан бирида шундай деган эди:

*Ўлди деса бўладими
Айтинглар-чи,
Орқасида ўлмайдиган сўз
Қолдирган...*

Буюк мутафаккир, демократ шоир — оқин Абай Қунонбой ўғли умрбоқий асарлари билан авлодлар қалбида мангу яшайди. У мангуликка дахлдор қозоқ халқининг улуғ оқинидир.

1995

ИСТИҚЛОЛ ҒОЯЛАРИНИНГ КУЙЧИСИ

XX асрнинг биринчи ярми, хусусан, 20-30 йиллардаги ўзбек адабиёти ҳақида сўз бошлангудек бўлса, биринчи навбатда, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Элбек, Боту, Усмон Носир ва яна бир неча қатағон даври қурбонларининг номлари ва ижоди катта фахр, қандайдир изтироб туйғулари билан тилга олинади. Ўзбек халқи бу асл фарзандларини фақат мустабид тузум қурбони бўлгани учунгина эмас, айни чоғда, уларнинг миллий истиқлол ғояларига садоқат билан хизмат қилганлиги, ҳатто лозим бўлса, бу йўлда ҳаётини қурбон қилишга тайёр турган ўта жасоратли ижодкорлар бўлганлиги учун ҳам хотирлайди, эъзозлайди. Бу улуғ сиймолар, гарчи бундан бир неча ўн йиллар олдин шахс сифатида оқланган бўлса-да, уларнинг асарларини ўрганиш, нашр қилиш ва халқ оммасига тўла етказишга собиқ мустабид тузум мафкураси имкон бермади. Адибларнинг миллий қадриятларни улуғлаш руҳидаги ижод намуналари, истиқлол ғояларига йўғрилган, бадиийликда тенгсиз асар-

лари қатағон қилиниб, халқимиздан сир сақланди. Фақат республикамиз мустақилликка эришгач, халқимиз мураккаб тақдирли бу улугъ истеъдодларнинг ўлмас асарларини ўқиш, ўрганиш, номларини ҳам фахр ва гурур билан, ҳеч кимдан кўрқмасдан, ҳадиксирамасдан бемалол тилга олиш имконига эга бўлди. Эндиликда машаққатли давр қалам аҳлининг кўп қиррали ижоди тўғрисида бор ҳақиқатни баралла гапириш ва ёзиш имконияти вужудга келди, уларнинг юбилей саналарини эмин-эркин нишонлашга кенг йўл очилди.

Бугун халқимиз ўзининг шундай улугъ фарзандларидан бири, тарихимизнинг алғов-далғовли, мураккаб йилларида ўзбек халқининг миллий истиқлоли ва бахтли келажаги учун курашган ва «Чўлпон» тахаллуси билан (Чўлпон адабий тахаллус бўлиб, тонг юлдузи деган маънони англатади) ижод қилган оловқалб шоир Абдулҳамид Сулаймон ўғлининг 100 йиллик юбилейини мамлакатимизда, жумладан, Қорақалпоғистонда кенг нишонлашга катта тайёргарлик кўрмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Чўлпоннинг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳам ўзбек адабиётига, унинг истеъдодли шоири Чўлпон ижодига, муҳими, миллий қадриятларимизга бўлган ҳурматнинг ўзига хос рамзидир.

Чўлпон ўз даврининг таниқли шоири ва ёзувчиси, драматурги, публицисти ва олими, энг асосийси, бетакрор истеъдод ва талант соҳиби сифатида танилган ҳамда тан олинган, яқин ўтмиш адабиётимиз тарихига ёрқин саҳифа бўлиб кирган улугъ сиймодир. У 1897 йилда Андижонда савдогар оиласида дунёга келади. Отаси деҳқончилик ва хунармандчилик билан шуғулланган ва у ўз даврининг илғор зиёлиларидан бўлган, адабий машқлар билан шуғулланиб ғазаллар ҳам ёзган. Унинг лирик девон тузганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Чўлпон дастлаб эски мактабда савод чиқаргач, Андижон ва Тошкент мадрасаларида таълимни давом эттиради, араб, форс, турк тилларини мукаммал ўзлаштиради, кейин рус-тузем мактабида ўқиб дунёвий фанларни, айниқса, рус тилини пухта ўрганиб олади. Чўлпон дунёқарашининг шаклланишида, фикрини ривожлантиришда бу омиллар муҳим роль ўйнайди. Натижада у Шарқ ва Ғарб адабиёти намуналари билан кенгроқ танишиш имкониятига эга бўлади. Ёшлик

йилларидаёқ, Чўлпон Пушкин, Гоголь, Достоевский, Тургенев, Толстой, Горький каби рус адабиётининг, Сервантес, Мопассан, Мольер, Шекспир, Байрон сингари жаҳон адабиётининг буюк вакиллари ижоди билан танишган ва улардан сабоқ олган. Айниқса, Шарқ адабиётининг улкан намояндалари бўлмиш Фирдавсий, Ҳофиз, Саъдий, Умар Ҳайём, Жомий, Румий, Низомий, Навоий, Ҳузулий, Тагор, Абдулла Тўқай каби сўз усталарининг адабий мероси ҳам Чўлпон учун ўзига хос ижодий мактаб вазифасини ўтаган. Бўлажак шоир бу бебаҳо хазиналардан ҳам ўрганиб, ўзидаги истеъдод чашмасининг «кўзи»ни очишга муваффақ бўлди.

Чўлпон адабиётга мана шундай катта ижодий тайёргарлик, кўп ўқиш ва ўрганиш малакаси билан кириб келди. Унинг ижодий изланишлари, адабий тажриба тўплаш жараёнлари узоққа чўзилмади. Дастлабки машқлари биланоқ, у жамоатчиликнинг назарига тушди, китобхонларнинг ҳурматини қозониб талантли ва умидбахш ижодкор сифатида танила бошлади. Чўлпон адабиётнинг кўп жанрларида куч синади. Чинакам миллий руҳда шеърлар, талант билан ёзилган бир туркум ҳикоя ва қиссалар, мураккаб давр зиддиятларини қамраб олган саҳна асарлари, кўп адабий публицистик мақолалар, шунингдек, чоризмни кескин фош этувчи ва ҳурликни тарғиб қилувчи машҳур роман ҳам Чўлпон қаламига мансубдир.

Шеърийат Чўлпон ижодида салмоқли ўринни эгаллайди. Шеърларда юртини беҳад севган ватанпарвар, хассос шоирнинг кўнгил қувончлари ва изтироблари жуда табиий талқин этилади. Шеърлар халқ руҳига яқинлиги ва уйғунлиги билан севимлидир. «Уйғониш», «Булоқлар», «Тонг сирлари», «Соз»каби шеърий тўпламлар шоирнинг лирик жанрдаги ижодий муваффақиятларидир. Улардаги шеърлар мавзу жиҳатидан долзарб, тасвирлар табиий, маънолари жуда теран. Шоир туйғулари талқинида сунъийлик, юзакилик йўқ. Ифодалардаги руҳий самимият китобхон қалбини сеҳрлаб олади. Ҳар бир шеърда халқнинг дарду қувончлари ҳақида сўз юритилади. Чўлпон халқ қудратига юқори баҳо беради, уни енгилмас куч сифатида таърифлайди. Унинг машҳур «Халқ» номли шеърида шундай қуйма сатрлар бор:

*Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир,
Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир.
Халқ қўзғалса куч йўқдирким, тўхтатсин,
Қувват йўқким, халқ истагин йўқ этсин.¹*

Чўлпон ҳақиқат ахтариб, ҳақиқат ва адолатга талпиниб яшаган, ижод қилган шоирдир. У ҳуқуқсизликка, мутеликка қарши исён кўтарди, ҳурлик, озодлик ғояларини оташнафас билан куйлади. Шоир ватандошларига қарата:

*Тириксан, ўлмагансан
Сен-да одам, сен-да инсонсан,
Кишан кийма,
Бўйин эгма,
Ки сен ҳам ҳур туғилгонсен, —*

дея хитоб қилди. Шоир шундай чақириқ билан инсон ҳуқуқларини поймол этган мустабид тузумга норозилигини билдирди ва шеърларида эрк байроғини янада баландроқ кўтарди.

Чўлпоннинг аксарият шеърларида фош этувчилик руҳи устунлик қилади. Шоир қалб қайноқлари, кўнгил изтироблари орқали ўша кезларда Шарқ дунёсида юз бераётган ўзгаришларни ўзига хос бир руҳий дард билан қаламга олган эди. «Виждон эрки», «Истиклол», «Юпанмоқ истаги», «Бузилган ўлкага», «Барг», «Кураш», «Кушнинг ҳадиси», «Кишан», «Баҳорни соғиндим», «Қўзғалиш», «Тортишув тонги» сингари ўнлаб шеърлар ҳурликка талпинган эрксевар шоирнинг қалб нидолари тарзида қоғозга тўкилган оташ туйғулардир. Исёнкор шоирнинг шундай руҳдаги «Қўзғалиш» номли шеърдан яна бир мисол:

*Эй! Сен мени ҳақир кўрган, тубан деган афанди!
Эй! Устимда бир умрга хўжа бўлмоқ истаган.
Эй! Бўйнимга кишан солиб ҳалокатга судраган,
Қўзларингни заҳарлатиб ўйнатмагил бас энди!*

¹ Чўлпон. Яна олдим созимни. Тошкент., 1991., 408-бет. Бундан кейинги мисоллар шу нашрдан бўлади.

*Кишанларинг занг босгандир, сергак бўлким, узилур:
Томиримда қўзғалишнинг ваҳший қони гупирди.
Эски фикр, анъаналар энди буткул узилди,
Ё битарман, ёки сенинг салтанатинг бузилур!*

Чўлпон эрк учун туғилган фарзанд эди. Шоир бу ҳаётбахш ғояларни нафақат шеърӣ асарларига, шунингдек, насрий ва драмалари руҳига ҳам чуқур сингдирган элпарвар ва халқпарвар миллий ижодкордир. Шу маънода, Чўлпон ўзбек миллий драматургияси ва театр санъатининг вужудга келиши ва ривожланишига ҳам муносиб ҳисса қўшган драматург. Адибнинг «Бой», «Халил фаранг», «Ўртоқ Қаршибоев», «Чўрининг исёни», «Муштумзўр», «Ёрқиной» номли катта-кичик ҳажмдаги драмалари ўз даврида шухрат қозониб, илмӣ-адабий жамоатчиликнинг, томошабинларнинг юксак баҳосига сазовор бўлган.

Халқимиз Чўлпонни йирик романнавис сифатида ҳам жуда яхши билади. Унинг «Кеча ва кундуз» романи фақат Ўзбекистонда эмас, балки Марказий Осиё давлатларида ҳам адиб номини улуғлаган асар бўлди. Ёзувчи романни 1934 йилда ёзиб тугаллаган ва у Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганлигининг ўн йиллиги муносабати билан ўтказилган кўрик-танловда рағбатлантирувчи мукофот билан тақдирланган. 1936 йилда «Кеча ва кундуз» романи китоб бўлиб босилди. Бироқ 1937 йилда роман «миллатчилик ғояларини тарғиб қилувчи зарарли асар» тамғаси билан таъқиқланади, муаллиф эса қатағонга учрайди. Орадан қарийб эллик йил ўтгандан кейин китобхонлар романни «Шарқ юлдузи» журнали орқали ўқиш бахтига муяссар бўлди. 1991 йилда роман Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилди.

«Кеча ва кундуз» романи Туркистоннинг яқин ўтмишдаги ҳаёти, аниқроғи, Октябрь инқилоби арафасидаги ўзбек халқининг ижтимоӣ-маишӣ турмуш манзаралари тасвирига бағишланган. Муаллиф романда турли характер хусусиятларига эга тўлақонли образлар яратди. Ва шу орқали мураккаб тақдирли кишиларнинг қувонч ва изтиробларини бадий таҳлил қилиб берган. Романда иштирок этган образлар кўп бўлса-да, унинг сюжетини, асосан, уч қаҳрамон ҳаракатга келтиради. Булар Зеби, Акбарали мингбоши ва

Мирёкуб образларидир. Асардаги асосий гоя, ёзувчининг бош концепцияси ҳам шу уч образ зиммасига юкланган. Раззоқ сўфи, Қурбонбиби, Ўлмас, Мария, Ноиб тўра, Эшон ва яна бошқа бир неча персонажлар шу уч образ характери очишга бўйсундирилган. Раззоқ сўфи ягона қизи Зебини севмаган киши, бобоси тенги Акбарали мингбошига уч хотин устига тўртинчиси қилиб беради. Шу билан у қизининг гўзал орзу армонларини барбод этади. Роман конфликтни худди ушбу негиз сюжет асосида ривожлана бошлайди. Зеби Акбарали тузоғига тушмаслик учун қанчалик уринмасин, ҳаракатлари зое кетади, тақдирга тан беришдан бошқа иложи қолмайди. Романда Акбарали мингбоши образи ёзувчи томонидан жирканч ва нафрат билан тасвирланган. У ўқувчи кўз ўнгида хотинбоз, ўта маишатпараст, ичкиликка муккасидан кетган, ақл-идрокда тубан, худбин бир шахс бўлиб гадаланади. Муаллиф бу образнинг ички ва ташқи қиёфасини қора бўёқларда чизган, у китобхон кўз олдида ёрқин ижтимоий тип сифатида ҳам намоён бўлади.

Чўлпон чоризм истибдодининг кирдикорларини фош қилиш мақсадида романга Мирёкуб образини киритган. У романнинг мураккаб тақдирли марказий қаҳрамонларидан бири. Мирёкуб ҳам мингбошига ўхшаган айш-ишратни, маишатни хуш кўрадиган тип. Гарчи у ўзини маърифатли одам қиёфасида кўрсатишга уринса-да, аслида саводсиз, дунёянгиликларидан беҳабар манкурт бир кимса. Мирёкуб билан фоҳиша Мария ораларидаги ишқий можаролар тасвири орқали ёзувчи китобхонни ҳаётини зарур маънавий-ахлоқий масалалар хусусида хулоса чиқариб олишга даъват этади. «Кеча ва кундуз» романидаги бошқа образлар ҳам реалистик бўёқлар билан чизилган ва у ўқувчиларда унутилмас таассуротлар қолдиради.

Умуман, «Кеча ва кундуз» романи юксак бадиий фазилатлари: чинакам миллийлиги, образлар характерининг тўлақонли ва ёрқинлиги, тасвирнинг ҳаётининг ва самимийлиги, энг муҳими, эстетик таъсир қудратининг зўрлиги билан нафақат Чўлпон ижодини, балки ўзбек романчилигини ҳам бир поғона юқори кўтарди. Романнинг яна бир улуғ фазилатини таъкидлаш ўринли. Бугун халқимиз қалбида миллий истиқлол гоялари жўш уриб турган бир давр-

да, ўзлгимизни англаш, қадриятларимизни тиклаш, инсоний ғуруримизни мустаҳкамлаш жараёнлари қизғин давом этаётган бир шароитда «Кеча ва кундуз» романининг «қайта туғилгани» халқимизни беҳад қувонтирди.

Шу ўринда «Кеча ва кундуз» романининг яратилиш тарихига тегишли бир мулоҳазани қайд этиб ўтишни лозим кўраямиз. Гап шундаки, Чўлпон романда айрим образлар орқали айтмоқчи бўлган фикрларини тўла айтиб улгурмаган кўринади. Баъзи образлар, уларнинг тақдирлари билан боғлиқ воқеалар тугуни, айрим конфликтлар мантиқий ечимга келмагандек. Бош қаҳрамон Зебининг эри Акбарали мингбошини заҳарлаб ўлдиришда айбланиши ва суд ҳукми билан унинг Сибирга сургун қилингандан кейинги қисмати, Мирёкуб билан Мария ораларидаги ишқий можаролар тасвири, Зеби ва Ўлмас муҳаббати билан боғлиқ кўп масалалар романнинг қўлимиздаги нусхасида якунланмай қолгандек туюлади. Чўлпон романи икки қисмдан иборат қилиб ёзишни режалаштиргани ҳақида адабиётшунослигимизда фикрлар айтилди. Ҳақиқатан ҳам адиб романнинг биринчи — «Кеча» қисмини ёзиб нашр қилишга улгурган-у, иккинчи «Кундуз» қисмини эълон қилишга улгурмаган бўлиши мумкин. Баъзи маълумотларга қараганда, Чўлпон романнинг иккинчи қисмини ҳам ёзиб тугаллаган, лекин ҳозирча унинг қўлёзмаси топилган эмас. Мабодо романнинг иккинчи, «Кундуз» қисми топилгудек бўлса, табиийки, биз юқорида тилга олган образлар фаолияти билан боғлиқ воқеалар маълум бир мантиқий ечимга келиб хотималанган бўлиши аниқ. Чунки роман сюжетининг давом этиши зарурлигини асарнинг умумий руҳидан англаб олиш мумкин.

Чўлпон сермахсул ва серқирра ижодкор бўлган. Адабиётнинг деярли барча жанрларида асарлар ёзиб, ўзбек адабиётига ҳисса қўшди. Унинг «Доктор Муҳаммадёр», «Қор кўйнида лола» ҳикоялари, «Ёв қиссаси», «Ўш» сарлавҳали очерки, «Ватанимиз Туркистонда темир йўллар», «Қурбони жаҳолат» деган бир неча публицистик мақолалари адиб истеъдодининг меваларидир. Чўлпон бир туркум адабий-танқидий мақолалар ва тақризларнинг ҳам муаллифи. Унинг «Шўро ҳукумати ва санойи нафиса», «Шарқ уйғонмоқда», «Буюк мактаб эгаси» (Горький ҳақида), «500 йил» (Навоий юбилеи муносабати билан ёзилган), «Мейерхольд театри»,

«Маликаи Турондот», «Тагор ва тагоршунослик», «Турсунной саҳнада», «Мирзо Улугбек», «Увайсий», «Адабиёт на-дур» ва бошқа кўплаб адабий-танқидий тадқиқотлари му-тахассисларга яхши маълум. Бу адабий, илмий-публицис-тик асарларнинг номланишининг ўзиёқ Чўлпоннинг илмий дунёқараши жуда кенг ва чуқур бўлганлигини, илм-маъри-фатнинг барча соҳалари бўйича етук билим ва малакага эга эканлигини кўрсатади.

Чўлпон ижодининг бир қирраси бадиий таржима билан боғлиқ. У 20-30 йилларда мазкур соҳада самарали ишла-ган, рус ва жаҳон адабиётининг кўп асарларини ўзбек ти-лига ўгирган. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бу йил-ларда ўзбек таржимачилигида Чўлпонга тенг келадиган ижодкор бўлмаган. У Шекспирнинг «Гамлет», Лопе де Ве-ганинг «Кўзибулоқ», «Кўза кўтарган қиз», Мольернинг «Хасис», Сервантеснинг «Дон Кихот», Пушкиннинг «Дуб-ровский» қиссасини, «Борис Годунов» трагедиясини, Го-голнинг «Шинель», «Иван Иванович билан Иван Ники-форовичнинг ўзаро низолари» қиссасини, Тургеневнинг «Ася» ва «Баҳор тошқинлари» асарларини, Горькийнинг «Она» романини, «Егор Буличев» пьесасини, Андреевнинг «Етти осилган» қиссасини маҳорат билан ўзбек тилига тар-жима қилган. А.Лохутийнинг «Европага саёҳат» достони, Криловнинг масаллари, Файконинг «Портфеллик киши» пьесаси ҳам 30-йилларда Чўлпон таржимасида ўзбек ки-тобхонларига тақдим этилган. Булардан бошқа-да, Пуш-кин, Блок, Брюсов каби буюк шоирларнинг лирикаси би-лан ўзбек китобхонларини таништиришда Чўлпоннинг хизматлари беқиёс. Ўзбекистонда таржима ишлари энди ривожланиб келаётган бир даврда Чўлпоннинг бу соҳага қизғин киришиб, халқимизни жаҳон бадиий тафаккури-нинг хазиналари билан таништиришга астойдил бел боғ-лагани ва юксак савияли таржима асарлари яратганлиги ўша давр маданий ҳаётида катта воқеа эди. Таржималар фақат сон жиҳатидан эмас, бадиий савия бобида ҳам му-камал эди. Бироқ Чўлпоннинг таржимонлик фаолияти ҳозирга қадар ўрганилмаган. Бу долзарб мавзу келажакда таржимашуносларнинг диққатини жалб этса, шоирнинг янги истеъдод қирраларини кашф этувчи фундаментал ил-мий ишлар яратилса, аини муддао бўларди.

Хулоса: Чўлпон беқиёс истеъдодга эга такрорланмайди-ган сўз санъаткори, оташнафас шоир эди. Унинг таланти шўро тузуми даврида қадрланмади, таъқиб қилинди, асарла-рини ўқиш таъқиқланди. Шоирнинг овозини бўғиш, жўшқин фаолиятига чек қўйиш мақсадида унга нисбатан ҳар хил тўхмат ва бўҳтонлар ўйлаб топилди. Адибга «аксилинқилобчи», «мил-латчи» деган айблар қўйилиб, «халқ душмани» деб эълон қилинди. Тирноқ остидан кир изловчи бир гуруҳ аламзада-ларнинг «фаоллиги» Чўлпоннинг шахси ва ижодий қисма-тида оғир фожеаларга сабаб бўлди. У 1937 йилнинг куз ой-ларида қамоққа олинди ва салкам бир йилдан сўнг, 1938 йилнинг 5 октябрида отишга ҳукм этилди. Шахсга сиғиниш иллатлари қоралангандан кейингина Чўлпон ҳеч қандай жи-ноят содир қилмаган шахс сифатида оқланди. Унинг шахси-га, ижодига нисбатан муносабат бирмунча юмшади, Чўлпон-ни очикчасига қоралаш тенденциясига барҳам берилди.

Бугун шоир ижодига муносабат тамоман ўзгача. Респуб-ликамиз миллий мустақилликка эришгач, Чўлпон яна ада-биётга қайтди. Шоир асарларини тўлалигича нашр этиш ишларига астойдил киришилди, ижодини ўрганишнинг янги босқичи бошланди. О.Шарафиддинов, Н.Каримов, У.Нор-матов, Б.Назаров, А.Расулов, Б.Каримов, С.Содиқов, Ҳ.Бол-табоев ва яна бир неча адабиётшунос олимларнинг муста-қиллик йилларида Чўлпон меросига муносабати ҳар қачон-гидан фаоллашди. Шоир асарлари миллий мафкура манфаатлари нуқтаи назаридан таҳлил қилиниб салоҳиятли илмий ишлар юзага келди.

Ҳа, бир вақтлар халқимиз «Чўлпон» деган номни қан-дайдир ҳадиксираш, қўрқинч туйғулари билан тилга олган бўлса, бугун унинг номи ва асарлари истиқлол жарчиси сифатида ҳар бир ўзбекнинг дилида ҳам, тилида ҳам мағрур жарангламоқда. Гўё бугун шоир мустақиллик куйчиси си-фатида халқимиз билан бир сафда туриб келажаги буюк Ўзбекистонга асарлари орқали маънавий мадад бермоқда, уларни порлоқ истиқбол сари дадил қадамлар ташлашга ун-даяпти. Шундай экан, эл-юрт учун муқаддас саналмиш мил-лий истиқлол ғояларига содиқ бўлиб яшаган ва ижод қил-ган Чўлпон сингари оташнафас шоирлар халқимиз қалбида абадий барҳаётдир.

1997

АДАБИЙ АЛОҚАЛАР — АДАБИЁТЛАР ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСИ

МУШТАРАК МАВЗУЛАР, ЎЗИГА ХОС ТАЛҚИНЛАР

Ҳар бир ёзувчи ва шоир ўтмиш адабиётининг тажрибаларидан фойдаланиб ижодда комилликка интилади. Илғор аъёналар, бой адабий муҳит йўқ жойда катта талантларнинг шаклланиши қийин. «Пушкиннинг ижоди, — деб ёзган эди В.Г.Белинский, — ўзидан олдин ўтган шоирларнинг асарлари билан озиқланган, юксак чўққига кўтарилган. Дадил айтиш мумкин: Пушкин бу аъёналарни қонуний мерос сифатида қабул қилган ва уни «қалб элаги»дан ўтказиб одамларга қайтариб берган. Державинсиз, Жуковскийсиз, Батюшковсиз Пушкин ҳам бўла олмасди деб айтиш ҳам, бу фикрни исботлаш ҳам мумкин».¹

Биз қайси бир шоир ёки ёзувчи ижодига назар ташламайлик, унинг бошқа адабиётларнинг бой тажрибаларига суяниб, ўзига хос услуб ва усулларда ижод қилганини кўрамиз. Айтайлик, Пушкин ва Лермонтов ижодининг юксалишида Европа ва Осиё адабиётларининг таъсири бўлганидек, Алишер Навоий шеъриятининг гуллаб-яшнашида Шарқ адабиётининг роли беқиёс эди. Озарбайжон, тожик, туркман, қozoқ, қорақалпоқ, қирғиз шоирлари Навоий аъёналарини давом эттириб, ғазалларига назиралар ёзган, мухаммаслар боғлаган. XIX асрда яшаб ижод этган туркман адабиёти тарихида «*Муҳаббат лирикасининг ҳақиқий куйчиси*» деб тан олинган шоир Муллонафас ижоди бу фикрга далил бўла олади.

Муллонафас ижодда Низомий, Навоий, Ғолибийдек буюк шоирларнинг шеъриятидан баҳраманд бўлган. Шеърларидан бирида уларнинг номини устоз сифатида тилга олади.

¹ В.Г.Белинский. Собр. соч. в трёх томах. Т.3. М., 1947., стр. 335.

Нызамы, Новайы, ене Фирдөөси,
Румун гулшени, хинди тавусы,
Яланчы дунёден өтер мен асы,
Сизе көп хызматлар гояндыр көңлүм.¹

Муллонафаснинг ишқий ғазаллари, «Зухра ва Тохир» достони Шарқ адабиётида алоҳида аҳамиятга эга. Бу асарни яратишда шоир форс-тожик адабиёти билан бирга Навоий ижодидан ҳам илҳомланган. Достондаги айрим шеърлар парчалар мазмунан, ёзилиш услуби билан Навоий ғазалларини эслатади, кўп шеърлар унинг ғазалларига назира шаклида битилган. Масалан, достонда «гул» радифли бир ғазал бор. У Навоийнинг худди шундай радифдаги ғазалига шаклан ва мазмунан жуда уйғун. Мана, қиёслаб кўринг:

Навоий:

*Оразингни боғ аро чун кўрди, хайрон бўлди гул,
Баргсиз қолди, нединким, бас паришон бўлди гул.*

*Бодадин гул-гул кўруб ул юзни, онинг ҳажридин,
Чок-чок ўлгон кўнгулдек таҳ-батаҳ қон бўлди гул...*

*Гул чоғи ёри сафар айлаб Навоий жониға,
Ҳар бири бир тоза қонлиғ доғи ҳижрон бўлди гул.²*

Муллонафас:

*Гул билен билбил гелип, гул ичре сейран кылды гул,
Гул томашасын гөрүп, өз беркини ган кылды гул.*

*Гул бу гунлер халына гуллерни сейран эйледди,
Решкиден рем эйленип, азмы биябан кылды гул.*

*Мен дийдим: «Я реб, не гул сен, гулни хайран эйлеген»
Гул гулуп, сөзлеп өзи хем бизни хандан кылды гул.*

¹ Молланепес. Лирика. Ашгабат, «Туркменистан», 1973., 117-бет.

² Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик, 3-том, Тошкент, 1965., 212-бет.

*Бағбаны мен бу гун, бағ ичре гөрдим билбил,
Билбилиң, сурун гөрүп, чәки гирибан кылды гул.¹*

Кўраяпсизки, байтлар шакли билан ҳам, мазмунан ҳам жуда оҳангдош. Лекин бундан Мулланафас ғазали Навоий байтларининг такрори деган маъно келиб чиқмайди. Мулланафас Навоий ғазалига янги мазмун киритган, уни конкретлаштириб, маълум даражада соддалаштирган. Шоир қўллаган бадий санъатларга ўзича жило берган. Мулланафас ғазалидаги гул — бу шоир талқинича **Зухра**, булбул эса **Тоҳир**. Навоий ғазали лирик йўналишда бўлиб, шоир лирик қаҳрамоннинг ишқий кечинмаларини **«гул»**, **«булбул»** рамзлари орқали ёритади. Мулланафас ғазалида ҳам адабиётдаги бу анъанавий рамзий образлар бор. Навоийдан фарқли ўлароқ у ғазалга **«боғбон»** образини ҳам киритадики, натижада ғазал дoston сюжетига мослаштирилади. Шу усул билан асарнинг ҳаётийлиги кучайтирилган. Муҳими, талқинда ўзига хосликка эришилади.

«Зухра ва Тоҳир» достонида яна шундай шеърлар ҳам борки, улар шоирнинг бевосита Навоийдан таъсирланганидан, услубига эргашганидан дарак беради. «Керак» радибли шеър Навоий ғазалига назира боғлашнинг яхши намунаси. Қуйидаги мисол фикримизга далил.

Навоий:

*Гулшан ичра йўқтур оромим, дилоромим керак,
Сарви гулни найлайин, сарви гуландомим керак.*

*Гул билан савсан керакмастур менга, эй боғбон,
Зулфи сунбул атрлик рухсори гулфомим керак...*

— *Эй, Навоий, хонақаҳда топмадим жуз тафриқа
Хум киби майхонанинг кунжида оромим керак.*

Мулланафас байтларни дoston сюжети ва ғояларига ўзига хос бадий шакл ва мазмунда уйғунлаштирган. Улардан лирик қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатини ифодаловчи восита сифатида фойдаланган.

¹ Молланепес. Зоҳре-Тахыр. Ашгабат, 1959, 27-бет. Кейинги мисоллар шу манбадан бўлади, бети кўрсатилади.

*Сими-зер деркар имесдир, сими-ругсарым герек,
Тоты гушы нейлейин, ол тоты гуфтарым герек,
Гул герекмесдир маңа, гулчехре гулзарым герек,
Сунбули урсун хазан, сунбул киби тарым герек,
Ышк эра Межнун болуп мен, Лейли дей ярым герек.*

*Тахыр айдар, арзув эйлермен ошал дилдарымы,
Зөхре атлы махы-пейкер, гөзлери хунхарымы,
Бу ялан дунйә герекмез, гөрмесем ол ярымы
Мен нечик терк эйлейин Махым — гули рухсарымы,
Мунда Махым, онда — Зөхре, зулпи-шамарым герек.
(89-бет)*

Бандлар Навоий ғазали шаклига жуда ҳамоҳанг, муҳаммас намунасига ҳам ўхшайди. Навоий ғазалига хос вазн, қофия, радиф ва яна бир қатор шаклий ифодалар Мулланафас шеърида ҳам қўлланилган. Юқорида Тоҳир тилидан келтирилган лирик парчалар дoston сюжетига мослаштирилиб, образ психологиясини очишга йўналтирилган. Тоҳир айрилиқда юриб маъшуқа Зухрани соғинади. Моҳимнинг отаси Одил шоҳдан юртига қайтиш учун рухсат сўрайди. Унга бойлик, давлат, шон-шуҳрат керак эмас, фақат Зухра исмли **«гулчехра гулзор керак»**. Навоий ғазалида лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолати умумий аспектда талқин этилган бўлса, Мулланафас шеърида конкрет шахс — Тоҳир қалбида ҳижрон туфайли туғилган изтироблар, дард-ҳасрат тасвири устун. Мулланафас шеърида Навоий байтларида учрамайдиган Лайли, Мажнун, Зухра, Моҳим образлари борки, бу ҳам шоирнинг Навоий қўл урган мавзуга ўзига хос шакл ва мазмунда ёндашганининг ифодасидир.

Мулланафас Навоийнинг энг машҳур ғазалларига муҳаммаслар ҳам боғлаган, шоирнинг «айт» радибли ғазалига боғланган муҳаммас фикримизнинг исботи. Мулланафас муҳаммасда дoston қаҳрамони Тоҳирнинг руҳий дардини баён этишни назарда тутган, унинг соғинчини **«сабо»** тимсоли орқали ифодалаган.

*Эй саба, зарым мениң арз иле жананымга айт,
Канда гөрсең ялбарып жисмим якан жанымга айт,
Шамы-овкатым сыпатын махы-табанымга айт,*

*Каматымның хамлыгын серви-хураманымга айт,
Леблеримның тешнелигин абы-хайванымга айт.*

*Зөхре жанымга хабар бер, каддымның нун болганын,
Айрылык аклымны алып дивана-межнун болганын,
Чешми гирян, багры бирян, көңли гамгын болганын,
Кәми талх-у, бада зөхр-у өшки ренгин болганын,
Лаглы реңгин, лабзы ширин, шовхы местанымга айт.
(59-бет)*

Ушбу икки банд Алишер Навоийнинг куйидаги машхур байтларига нақадар оҳангдошлигидан, поэтик хусусиятлари билан ўзаро мустақкам пайвандланганидан, Мулланафаснинг устозларга ижодий эргашиш бобида беназир сўз устаси бўлганидан дарак беради:

*Эй насимий субҳ аҳволим дилоромимга айт,
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландомимга айт.*

*Буки лаъли ҳасратидин қон ютармен дам-бадам
Базми айш ичра лаболаб бода ошомимга айт...¹*

Мулланафас Навоий газалларига эргашиб назиралар, мухаммаслар ёзди ҳамда уларни «Зухра ва Тоҳир» достони сюжетиға ўзига хос поэтик идрок, мушоҳада билан қўшиб юборган.

Мулланафас бошқа ўзбек мумтоз шоирлари шеъриятидан ҳам баҳраманд бўлди. Жумладан, «Зухра ва Тоҳир» достони XVII асрда яшаб ижод этган шоир Сайёдийнинг «Тоҳир ва Зухра» достони сюжетиға жуда яқин. Бу ўхшашликни биз адабий таъсир самараси деб изоҳлаймиз ва ушбу фикримизни асослашга уриниб кўрамиз.

60-йилларда проф. С. Гарриев Мулланафаснинг «Зухра ва Тоҳир» достонини ўзбек фольклоридаги «Тоҳир ва Зухра» эртаги, ёзма адабиётдаги «Тоҳир ва Зухра» достони билан қисман қиёслаб баъзи мулоҳазаларни ўртага ташлаганди ва келажакда бу масаланинг тадқиқ этилиши лозим бўлган қирраларига мутахассисларнинг эътиборини қарат-

¹ Алишер Навоий. Лирика., Тошкент, 1961., 68-бет.

ган эди.¹ Шуни назарда тутиб, биз Сайёдий ва Мулланафас достонларини адабий таъсир, сюжет ўхшашлиги ва ўзига хослик йўналишида таҳлил қилиб ўтамыз. Икки достондаги сюжет ўхшашлигини, аввало, муаллифларнинг материални халқ оғзаки ижодидан олганлиги билан изоҳлаш зарур. Тоҳир ва Зухра тўғрисидаги ривоят туркий халқлар фольклорида, жумладан, туркман халқи орасида ҳам кенг тарқалган. Аксариятида адолатсизлик ва зулмнинг ҳукмронлиги, орзу-умидларнинг топталгани куйланади. Бир мисол. Шоҳ билан вазир фарзандлари туғилмасданоқ аҳду паймон қилишиб, уларни аташиб қўяди. Шоҳнинг хотини қиз, вазирнинг хотини ўғил кўради. Вазир вафотидан кейин подшо ваъдасидан қайтади. Зухра билан Тоҳир бир-бирларига кўнгил қўяди. Подшо аҳдини бузгани учун ёшлар мурод-мақсадларига етолмай ҳалок бўладилар. Мана, туркий халқларда кенг тарқалган Зухра ва Тоҳир ҳақидаги афсонанинг негиз сюжети. Ривоят мазмунида тафсилотлар йўқ. Бу сайёр сюжет. Уни ҳар бир ижодкор ўз лабораториясида қайта ишланиб «қалб элаги»дан ўтказгандан сўнггина кенгайди, ҳар хил характер хусусиятидаги образлар, кўп тармоқли сюжет чизиқларига эга оригинал асар пайдо бўлиши мумкин.

Халқ оғзаки ижоди ёки мумтоз адабиётда азалдан маълум сайёр сюжетнинг бошқа бир шоирда учраши факти унинг иккинчи бир ижодкор қаламига тайёр бадиий асар шаклида ўтганини билдирмайди. Ҳар бир ижодкор бу хилдаги негиз сюжетни ўз маҳаллий шароитига мослаштириб қайта ишлайди, кенгайтиради, унга ижодий кучи ва маҳоратини сингдиради, халқининг миллий анъаналари ва географик муҳитига, ҳаёт шароитига уйғунлаштириб янгидан кашф этади. Натижада мазмунан ўзаро фарқ қиладиган шундай асарлар пайдо бўладики, улар у ёки бу шоирнинг оригинал ижод намунаси сифатида адабиёт тарихига киради. Мулланафас «Зухра ва Тоҳир» достонининг негиз

¹ С. Гарриев. Туркмен эдебиятының Совет Гундогары халықларының эдебиятлары билен өзара багланышығынын тарыхындан. Ашгабат, «Ылым», 1967.; Молланепес и литература, фольклор народов Советского Востока. Журн. «Известия АН ТССР», 1963., № 6.

сюжетини туркман фольклоридан танлаган. Айни пайтда, шоир дostonни яратишда Сайёдийнинг «Тоҳир ва Зухра» дostonи сюжетига ҳам мурожаат этади. Асардаги баъзи шеърларнинг умумий руҳида Сайёдий ғазалларининг таъсири бор. Масалан, «Топқаймунан бориб сани» мисрали шеър Муллонафас дostonидаги бармоқ вазнида битилган «Қайдан топай ёрим сени» шеърига ҳар жиҳатдан ўхшайди.

Ҳар қандай шоир ижоди ва ҳар бир бадиий асар сюжети конкрет давр ҳаётига боғлиқ шаклланади. Муллонафас дostonининг ижодий тарихига ҳам шу аспектда қараш керак. Дoston шоирнинг ўзи яшаган тарихий-ижтимоий муҳитдан таъсирланиши ва уни маълум даражада бадиий талқин этишининг маҳсули. Айтиш мумкинки, «Зухра ва Тоҳир» дostonи XIX асрнинг ҳаётий эҳтиёжи асосида яратилган. Шунинг учун ҳам у Сайёдий дostonидан фарқ қилади. Агар Сайёдий дoston марказига ўзбек фольклорида авлоддан авлодга ўтиб кенг тарқалган Тоҳир ва Зухра ҳақидаги ривоятни қўйса, Муллонафас дoston материални туркман халқ оғзаки ижодидан олади. Дostonдаги воқеалар, қаҳрамонлар XIX аср туркман ҳаётини, шоир яшаб ижод этган ижтимоий-тарихий муҳитни эслатади. Муллонафас фольклор материални реал воқеликка, ўз даври ҳаётига яқинлаштиради, бошқача айтганда, афсонага реалистик жило беради. Асарда Муллонафас ва унинг хотини Бўстонтож воқеаларда иштирок этади. Шу усул билан дostonнинг ҳаётий замини таъминланган. Шу масала билан боғлиқ академик Омон Кекиловнинг қуйидаги таъкиди бежиз эмас: *«Зухра ва Тоҳир» дostonида тасвирланган воқеаларда тарихий шахс — Муллонафас ва унинг хотини Бўстонтож асар қаҳрамонлари сифатида иштирок этадилар. Бобоҳон, Қоработир, Ҳасан боғбон образлари ҳам Муллонафас яшаган давр — XIX аср биринчи ярмидаги одамларнинг типик вакилидек кўз олдимизда гавдаланади»¹.*

Муллонафас баъзи воқеаларни, урф-одатларни XIX аср туркман ҳаётига мослаштириб тасвирлайди, сюжетни ўзи яшаган замон ва заминга яқинлаштиришга, ўша даврга хос поэтик детал ва бадиий ифодалардан фойдаланишга ҳаракат

қилади. Муллонафас дostonидаги воқеалар кўлами Сайёдий дostonига нисбатан кенгроқ. Сайёдий дostonда тугуннинг ечимини Тоҳир билан Зухранинг фожиали ўлими билан тугатади. Муллонафасда воқеалар талқини салбошқачароқ, яъни қаҳрамонлар тақдири ўзгача яқунланади. Зухранинг отаси зolim шоҳ Бобоҳон тахтдан ағдарилиб, ўрнига Моҳимнинг отаси Одил шоҳ тахтга чиқади ва мамлакатда адолат ўрнатилиб, эркин, фаровон ҳаёт бошланади. Шундай шароитда Зухра билан Тоҳир қайта тигрилиб, душманларидан ўч олади, мурод-мақсадларига етадилар. Муллонафас дostonида воқеаларнинг хотимаси шу хилда. Сайёдий дostonи шеърий йўл билан ёзилган, Муллонафас дostonида эса шеър ҳам, наср ҳам бор — воқеалар насрда, қаҳрамонларнинг воқеаларга муносабати шеърий усулда ифодаланган. Шоир сюжет бирлигини таъминлаш ва уни ривожлантириш учун насрий баёндан фойдаланади. Муллонафас дostonга ҳаётий деталлар, янги эпизодлар қўшиб воқеалар доирасини кенгайтирган, янги образлар билан тўлдириб, асарнинг маъно-моҳиятини кучайтиради. Агар Сайёдий Тоҳир ва Зухра муҳаббати билан боғлиқ қайғули воқеаларни XVII аср ижтимоий-сиёсий ҳаёти фонида бадиий ёритса, Муллонафас бу аччиқ қисмат ҳақидаги афсонани XIX аср муҳитига боғлаб талқин этади. XIX асрда Зухра ва Тоҳирга ўхшаган минглаб ёшларнинг зулм туфайли орзу-армонлари ҳазон бўлаётганини кўрган Муллонафас адолатсизликларни, қолоқ урф-одатларни қоралайди, севгини улуғлаб, дostonда инсонпарвар шоир сифатида ўз даври учун илғор ғояларни илгари суради.

«Зухра ва Тоҳир» дostonи сюжети асосида яратилган драма ва опера кўп йиллар Туркменистон театрларида қўйилди. Мазкур дoston асосида бадиий фильм ҳам ишланган. Муллонафаснинг лирик шеърлари, «Зухра ва Тоҳир» дostonи Ўзбекистонда ҳам анча машҳур. Шоирнинг ишқий ғазаллари, шеърлари хонандалар репертуарига кирган. Ўзбекистон халқ шоири, драматург Собир Абдулла машҳур «Тоҳир ва Зухра» музыкали драмасини ёзишда Муллонафас дostonидан таъсирланганини матбуотда айтган эди: *«Мен у (Муллонафас — К.Қ.)нинг «Зухра ва Тоҳир» дostonини жуда ёшлигимда ўқиган эдим. Кейинчалик «Тоҳир ва Зухра» музи-*

¹ А.Кекилов. Молланепес, Ашгабат, 1957., 84-бет

кали драмамни яратишда бу ўлмас дoston менга жуда қўл келди. Уни биринчи манбаим десам адашмаган бўламан».¹

1978

АНДАЛИБ ОБРАЗЛАРИ ФУРҚАТ ТАЛҚИНИДА

Андалиб тахаллуси билан ижод этган Нурмуҳаммад Ғариб XVIII аср туркман адабиётига лирик ғазаллари ҳамда «Лайли ва Мажнун», «Юсуф ва Зулайҳо», «Зайнулараб» дostonлари билан катта ҳисса қўшган шоирдир. У асли Қорамозилик (ҳозирги Туркменистоннинг Илонли районидаги Қорамози қишлоғи) бўлиб, бир қанча вақт Хоразм (Урганч) да яшаган. «Юсуф ва Зулайҳо» дostonининг муқаддимасида шоир ўзи ҳақида шундай маълумот беради:

*Исмим иди Нурмуҳаммет Гарып,
Сөзде тахаллусым иди Андалып.
Шәхримиз Ургенч велят иди,
Ханымыз Шагазы хемаят иди,
Асли меканым ки Гарамазыдыр,
Адамы ишретде ғыш-у языдыр²*

Андалиб ҳаётининг қўп қисмини Урганчда ўтказгани боис ижоди Хоразм адабий муҳитига ҳамоҳанг. Хоразм ўзбекларининг тили туркман тилига яқин. Бу ўхшашлик туркман адабиёти, хусусан, Андалибнинг ўлка шоирлари билан бевосита ижодий ҳамкорлик қилишига имкон эди. Хоразмда «Гўрўғли», «Шоҳсанам ва Ғариб», «Тоҳир ва Зухра», «Хурлиқо ва Ҳамро», «Саётхон ва Ҳамро» дostonлари бахшилар томонидан тингловчиларнинг хоҳишига қараб гоҳ ўзбек, гоҳ туркман тилида куйланган. Бу эса икки халқ ижодкорлари алоқаларининг муваффақиятли ривожланишига кафолат бўлди. Андалиб мана шу адабий муҳитда қалам тебратгани учун асарлари икки халққа ҳам тенг даражада тушунарлидир. Академик Б. Гарриев ёзганидек: «*Шоир Андалиб*

¹ «Ўзбекистон маданияти», 1962., 21 ноябрь.

² Андалып. Сайланан эсерлер. Ашгабат. 1963., 167-бет. Бундан кейинги мисоллар шу нашрдан бўлади, бети кўрсатилади.

аксар асарларини («Ўғузнома», «Насими», «Саъди Ваққос», «Юсуф ва Зулайҳо» ва бошқалар) ўзбек ва туркманларга бир хилда тушунарли тил (ва форма)да яратган».¹

Андалибнинг ғазаллари, дostonлари Хоразмда жуда ом-малашиб кетган. XVIII-XIX асрларда яшаб ижод этган Хоразм шоирлари унинг ғазалларига назиралар ёзиб, мухаммаслар боғлаган. Мунис мухаммасларидан бирида Андалиб ижодига ҳурматини қуйидагича ифодалайди:

*Даҳр ичра биров сен каби олий насаб эрмас,
Ҳар бевасар авсофини демак адаб эрмас,
Мунисга йўлингда юрумак бесабаб эрмас,
Боқсам юзунгга, Андалибосо ажаб эрмас,
Фурқатзада бўлғонга висолинг на бало хўб.²*

Андалиб лирик шеърлари, дostonлари билан ўзидан кейинги қалам аҳлларига ҳам илҳом берган, ижодий таъсир кўрсатган. Шоир асарларидан илҳомланиб ижод қилган XIX аср ўзбек мумтоз адибларидан бири Зокиржон Фурқатдир. Унинг «Сайдинг қўябер, сайёд сайёра экан мандек» номли машҳур мусаддаси Андалибнинг «Лайли ва Мажнун» дostonидаги «Сайдинг қўябер сайёд, дилпора экан мендек» деб бошланадиган мухаммаси таъсирида ёзилган. Фурқатнинг «Сайдинг қўябер, сайёд...» мусаддасининг ижодий тарихи ҳақида адабиётшуносликда турли қарашлар бор. Ҳатто бу мусаддас Фурқат қаламига тегишли эканлигига бир вақтлар шубҳа ҳам билдирилган. Бу даъво тарафдорларининг фикрича, мусаддаснинг охири бандидаги «Фурқат» сўзи тахаллус эмас, «айрилиқ» маъносида келтирилган, мусаддас Саъдулла исмли шахснинг қаламига мансуб эмиш. Ўзбек адабиёти тарихида Саъдулла тахаллусли шоир бўлмаганлиги фактининг ўзиёқ бу фикрнинг асоссизлигига далил. Мусаддас Саъдулла исмли бир шахснинг фожиаси муносабати билан ёзилган деган нуқтаи назар ҳам бор. Фурқатнинг 1958 йилда нашр этилган «Танланган асарлар»ининг изоҳида қуйидаги маълумотни учратдик: «Бу мусаддасни Фурқат Тошкентда 1889-1891 йиллар орасида ёзган. Тошкент қарияла-

¹ Б.Гарриев. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1968., 3-сон.

² Мунис. Танланган асарлар., Тошкент, 1957., 322-бет.

ридан 1890-1891 йиллар орасида Фурқат билан бир мадрасада яшаган ва уни чет элларга кетиш олдида кузатиб қўйган Солиҳ ҳожи ота Инъомов мусаддаснинг ёзилиш тарихини шундай баён қилади: «Тошкентнинг Девонбеги маҳалласида Абдулла булбул деган ҳофиз ўтган. Унинг укаси Саъдулла бир ўртоғи билан оқ масжидли Улуғ хўжа, қатор теракли Акбар оқсоқол, олмазорли Аҳмаджон деган асб жаллоблар билан Саид Азимбойнинг Салор ёнидаги боғига чиқишган. Улфатлар орасида низо чиқиб, жаллоблар Саъдулланинг бўйнига сиртмоқ солиб судрашган ва уни Салор сувига ташлаб ўлдиришган. Фурқат бу воқеани эшитиб, мутаасир бўлган ва шу шеърни ёзган ва унинг якунловчи бандига Саъдулланинг исмини қўшган».¹

Зухра Толипованинг «Бир мусаддас тарихи»² мақоласида мусаддасдаги Саъдулла тарихий шахс эканлиги бирмунча ойдинлаштирилди. Унинг ёзишича, Саъдулла фожиаси билан боғлиқ воқеа тафсилоти бундай: ўтган аср ўрталарида Тошкентда Иса ҳофиз деган киши яшаган. Унинг Абдулла ва Саъдулла деган ўғиллари бўлган. Абдулла ниҳоятда хушовоз бўлиб, халқ уни «Абдулла булбул» деб атаган. Абдулланинг укаси Саъдулла ҳам ҳофиз экан. Фурқат бу ака-ука ҳофизлар билан шоир Мискин орқали танишган ва қадрдонлашиб кетган. Иса ҳофизнинг кичик ўғли Саъдулла Фурқат билан бирга Кўкалдош мадрасасида таълим олар экан. Саъдулла довюрак, адолатли, халқпарвар йигит бўлган. Фурқат унинг бу хислатларини жуда ҳурмат қилар экан. Саъдулла Фурқат томонидан ёзилган ҳажвияларни ўқиб юрганлиги учун душманлари ғазабга келиб, ундан ўч олмоқчи бўлишади. Кунларнинг бирида Иса ҳофизнинг уйига бир одам келиб, Абдулла билан Саъдуллани сўрайди. Саъдулла акаси йўқлигини айтганида: бўлмаса ўзингиз юрақолинг, зиёфатга айтиб юборишди, дўстингиз Фурқат ҳам бўлади, дейди. Фурқат номини эшитган Саъдулла рози бўлади. Улар бир уйга кириб боришади. У ердагилар Саъдуллани «очиқ юз»билан кутиб олишиб, юқорига ўтказишади. Саъдулла танишларидан уч-тўрттасини кўради-ю, лекин

¹ *Фурқат*. Танланган асарлар. Тошкент, «Фан», 1958., 192-бет.

² «Шарқ юлдузи», 1966., 3-сон.

Фурқатни кўрмай ҳайрон бўлади. Бир оздан сўнг ўтирганлар унга уёқ-бу ёқдан кинояли гаплар ота бошлайди: Саъдулла дейман, тунов кунни бизни роса ўсал қилиб юбордилар-да! Бунақа ҳажв шеърларни қаёқдан оласиз! Қойил қилар-да! Сайрайбераркансиз-да! Довюрак Саъдулла уларнинг бу гапларига парво ҳам қилмайди. Бу эса ўтирганларнинг жигига тегади. Хуфтон намозини ўқиш учун ўринларидан туришганда Саъдуллани «ҳурматлаб» олдинга ўтказишади. Саъдулла бошини саждага қўйиши билан орқадан тўрт ногул унга ташланиб, оғзига латта тиқишади, қўл-оёқларини боғлаб, катта қора шолга ўрашади-да, анҳорга ташлаб ўлдиришади.

Тўғри, бу маълумот «Сайдинг қўябер, сайёд, ...» мусаддасининг ижодий тарихини аниқлашда ягона илмий далил бўла олмаслиги мумкин. Лекин бу маълумотни бутунлай инкор этиш ҳам нотўғри. Чунки ижодкор ҳаётда кўрган, кузатган ёки эшитган бирор воқеа-ҳодисадан таъсирланмагунча қўлига қалам олмайди. Андалибнинг «Лайли ва Мажнун» достонидаги мухаммас Фурқат қалбида эрксизликка, кулликка қарши бирор асар ёзиш истагини уйғотган. Энди шоир қалбига ташланган ижодий ният «уруғи»нинг бўй кўрсатиши учун муҳит, ҳаёт озукаси керак эди. Шундай кунларнинг бирида Фурқат ижодий ниятига мос келадиган бир ҳаётий воқеага дуч келиб қолади. Саъдулла ҳофиз фожиаси Фурқат ўйлаб юрган бадий мақсадга мос келган ва шоирнинг ижодий режасини тўлқинлантириб, қалбини безовта қилиб юрган гоёларни қоғозга тушириш истагини кучайтиради. Саъдулланинг аянчли қисмати «Сайдинг қўябер, сайёд...»нинг ёзилишига жиддий туртки бўлган. Мусаддаснинг яратилиш тарихига шу манба асосида ёндашилса, фикримизча, мантиқан тўғри бўлади.

«Сайдинг қўябер, сайёд...» Саъдулла ҳофизга бағишланган ўзига хос марсия. Хонандалар ўша йиллардаёқ шеърга куй басталаб ижро этишган. Савол туғилади. Хўш, Фурқат мусаддасни ёзиш жараёнида Андалиб мухаммасидан бошқа асарлардан ҳам фойдаланганми? Фурқат адабий меросида шоирнинг Андалиб асарлари билан танишлиги тўғрисида бирор маълумот учратмадик. Профессор Ҳоди Зарифов «Сайдинг қўябер, сайёд...» шеъри ҳақидаги бир мақоласида Фурқат мазкур мусаддасни «Лайли ва Мажнун» достонидан ижо-

дий фойдаланган ҳолда ёзганини қайд этиб, шундай дейди: «Бизнинг фикримизча, Зокиржон Фурқат шеърятга берилган йилларида мазкур «Лайли ва Мажнун» дostonининг бирор нусхасини ўқиган, классик адабиёт орқали унга таниш бўлган мазкур эпизод билан боғлиқ ўша мухаммас сезгир шоирнинг юрагига тўқинган».¹

Ҳ. Зарифов тилга олган дoston ва «Сайдинг қўябер, сайёд...» деб бошланадиган мухаммас Андалиб қаламига мансубдир. Фурқатнинг худди шундай мисра билан бошланадиган мусаддаси Андалиб мухаммасига татаббу. Маълумки, татаббу усулига кўра бир шоир томонидан бадиий қолипга солинган бир хил мазмун бошқа шоир томонидан давом эттирилади, унга эргашиб, у янги шаклга, янги ифода қолипига солинади. Натижада бир мазмун турли бадиий шаклга тушади, ҳар хил нусхадаги шеърий асарлар майдонга келади.² Татаббу мумтоз адабиётда кенг қўлланилган адабий приёмлардан бири. Комил, Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз сингари машҳур шоирлар бу усулда бир неча шеърлар ижод этишган. Фурқат «Саргузаштнома» асарида мазкур усул ҳақида шундай ёзганди: «Ҳамиша мажлис бунёд айлаб зодаи таъбларимиздин мушоира қилур эрдик ва бир ғазалда татаббу кўргузиб бир мазмун ҳар нав ифода топар эди».³

Фурқат бу анъанани давом эттириб, Андалиб мухаммасига мусаддас билан жавоб берди. Шеър реал воқелик материаллари билан бойитилган. Энг асосийси, мусаддаснинг яратилишида Андалиб мухаммасининг таъсири кучли бўлган. Бу инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқат. Бир шоирнинг иккинчи бир шоирга ижодий таъсири адабий жараёнда синовдан ўтган тажриба. Бу ҳодисанинг назарий асослари ҳам ишлаб чиқилган. Бир шоирнинг иккинчи шоирга таъсири қуёшнинг ерга, кўчатга таъсирига ўхшайди. Қуёш нури ерга тушиши билан қуёшдаги кучни ўзи билан олиб келмайди, балки ердаги кучни кўзғатади, ҳаракатга келтиради, деб ёзган эди В.Г. Белинский.

¹ Зокиржон Фурқат. Мақолалар тўплами. Тошкент., 1959., 94-бет.

² Ғ. Каримов. Муқимий. Тошкент, 1970., 162-бет.

³ Фурқат. Танланган асарлар. 2-том., Тошкент., 1959., 140-бет.

Дарҳақиқат, буюк шоирларнинг таъсири ҳам худди қуёш нури сингари мавжуд, лекин ҳаракатсиз ётган кучларни ишга солиб юборади. Мухаммаснинг мусаддасга таъсири масаласига ҳам шу йўналишда қаралиши керак. Мусаддас гоё ва образлари билангина эмас, ифода шакли ва мазмуни жиҳатидан ҳам Андалиб мухаммасига ўхшаш. Икки асарда ҳам бир хил шакл ва мазмундаги «Сайдинг қўябер, сайёд, дилпора экан мен дек» (Андалиб), «Сайдинг қўябер, сайёд, сайёра экан мандек» (Фурқат), «Ўлдурмак учун ханжар ҳар дам қиласан ангез» (Андалиб), «Ҳар сори чекиб судраб ўлдургани чоғлабсан» (Фурқат), «Саргашта ғариб бўлган овора экан мен дек» (Андалиб), «Иқболи нигун, бахти ҳам қора экан мандек» (Фурқат) мисралари мавжуд. Андалиб мухаммасидаги «Ол домингни бўйнидан, бечора экан мен дек», «Беш кун сени даврингда бечора хиром этсун» қаторлари Фурқат мусаддасида мутлақо ўзгаришсиз келтирилади.

Лекин бундан мусаддасда янгилик йўқ, у Андалиб мухаммасининг айнан ўзи деган маъно келиб чиқмаслиги керак. Мухаммас ва мусаддас оригинал бадиий хусусиятга эга, ҳар бирида шоирларнинг мавзу талқини турлича. Қуйидаги бандларни солиштириб кўрайлик:

Андалиб:

*Сайдыңны гойбер, сайят, дил пара экан мен дек,
Чоллерде гезип йөрген сейяра экан мен дек,
Серта-сери хижрандан көп яра экан мен дек,
Серкешиде гарып болган авара экан мен дек,
Ал дамыңны бойнудан, бичәре экан мен дек.*

*Бәш гун сениң дөвруңде бичәре хорам этсин,
Көңдүмдәки гамларны йүз катла херам этсин,
Хер ерге гадам гойса, ёл тайса, мукам этсин,
Тә такаты так олмай, ярыга салам этсин,
Ал дамыңны бойнудан, бичәре экан мен дек.*

(81-бет)

Фурқат:

*Сайдинг қўябер, сайёд, сайёра экан мандек,
Ол домингни бўйнидан бечора экан мандек,
Ўз ёрини топмасдан овора экан мандек,
Иқболи нигун, бахти ҳам қора экан мандек*

*Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мандек,
Куйган жигари бағри садпора экан мандек.*

*Беш кун сени даврингда бечора хиром этсун,
Охулар ила ўйнаб айшини мудом этсун,
Ёмғир суви тўлганда тоғ лолани жом этсун,
Ҳаққингга дуо айлаб, умрини тамом этсун.*

*Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мандек,
Куйган жигари бағри садпора экан мандек.¹*

Банд мазмунан ва шаклан бир-бирига ўхшайди. Шундай бўлса-да, уларнинг фарқ қиладиган қирралари бор. Фурқат шеъри ҳажман катта, бадий-эстетик хусусияти мукамал, ижтимоий маъно-моҳияти ҳам давр руҳига мос ва салмоқли. Икки асарда ҳам сайёд зулм ва адолатсизлик, сайд эса тутқунлик тимсоли бўлиб гавдаланади. Мухаммасдаги сайд ва сайёд образлари мусаддасда ҳам бор. Бироқ бу образлар мухаммасдаги сайд ва сайёднинг такрори эмас. Фурқат бу рамзий образларга реалистик бўёқлар беришга, ўз даври руҳини сингдиришга ҳаракат қилган. Андалиб Мажнуннинг психологик ҳолатини, изтиробларини ёритиш учун оху образидан фойдаланган бўлса, Фурқат бу мажозий образда эрксизлик қурбонига айланган реал инсоннинг тақдирини умумлаштиради.

*Бечорани зулм айлаб, қўл бўйинини боғлабсан,
Ҳар сори чекиб-судраб, ўлдиргали чоғлабсан,
Кўксини жафо бирла лола каби доғлабсан,
Сот манга, агар қасдинг олғувчи сўроглабсан,*

*Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мандек,
Куйган жигари бағри садпора экан мандек.*

Ушбу сатрларни ўқиган китобхон ҳаёлида оху эмас, гўё душман чанғалидаги инсон — Саъдулла гавдаланаётгандек туюлади. Мухаммасда лирик қаҳрамон сайёддан охуни озод этишни ялиниш оҳангида сўраса, Фурқат бегуноҳ Саъдуллани бўшатишни душманлардан талаб қиляётгандек. Мухаммасда муҳаббат талқинига, Мажнуннинг ишқ йўлидаги психологик кечинмалари ва саргузаштлари тасвирига кўпроқ

¹ *Фурқат*. Танланган асарлар., Тошкент, 1958., 149-бет.

урғу қилинса, мусаддасда инсон эркинлиги муаммоси марказий ўринда туради. Мухаммаснинг ҳар банди «*Ол домингни бўйнидан, бечора экан мен дек*» мисраси билан якунланади. Фурқат эса бу анъанани давом эттириб, ҳар банднинг охирини бир мисра билан эмас, балки:

*Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мандек,
Куйган жигари бағри садпора экан мандек —*

байти билан тугатади. Андалиб сайёдга муносабатини Мажнун тилидан ифодаласа, Фурқат лирик қаҳрамон (шоир) орқали мурожаат қилади.

Хуллас, Фурқатга Андалибнинг «Лайли ва Мажнун» достони сюжети маълум бўлган ва ундаги «Сайдинг қўябер, сайёд...» мухаммасидан таъсирланиб, ушбу мусаддасни ёзган. Мухаммасда илгари сурилган ғоялар Фурқат талқинида янада сайқаллашди. Шоир эркин ва озод ҳаёт ҳақидаги қарашларини, ҳақсизликка, мутеликка муносабатини бадий ёритишда Андалиб тажрибасига таянди, унинг мухаммасига жавоб тарзида «Сайдинг қўябер, сайёд...» дек ҳеч қачон аҳамиятини йўқотмайдиган дурдона мусаддас яратди.

1973

АДАБИЙ ЎХШАШЛИК, ПОЭТИК РАНГ-БАРАНГЛИК

Ҳар бир халқ тарихида беназир шахслар бўлади. Улар ижодкор ёки олим, давлат арбоби ёхуд бошқа бир соҳанинг машҳур кишилари бўлиши мумкин. Бундай сиймолар буюк хизматлари туфайли ўз халқи тарихида сўнамас из қолдиради, номи асрлардан асрларга ўтиб қадрланади. Одатда, бундай инсонлар шоир ёки ёзувчи, ё олим бўлади. Ўзбек адабиётида Навоий, туркман адабиётида Махтумқули, қozoқ адабиётида Абай, қорақалпоқ адабиётида Ажиниёз ва Бердақ шундай ҳурматга лойиқ сўз санъаткорларидир. Улар нафақат ўзлари мансуб адабиётга, балки жаҳон адабиёти тараққиётига ҳам ҳисса қўшган шоирлар. XIX аср қорақалпоқ адабиётининг йирик сиймоларидан бири Ажиниёз Қўсибой ўғли шундай истеъдод

соҳибларидан бири. Унинг номи ва асарлари туркий адабиётларда алоҳида ҳурматга сазовор.

Ажиниёз ўз асарларида умуминсоний ғояларни куйлагани учун ҳам туркий халқлар шеърини мухлисларига қадрли. Жумладан, шоирни тарихи, тили, маданияти ва адабиёти, урф-одатлари яқин Марказий Осиёда яшовчи халқлар ҳамда уларнинг адабиётлари билан яқинлаштирилган адабий дўстлик ришталари кўп ва турлича. Шоир яшаб ижод этган муҳитни, туркий халқлар адабий муҳитидан ажралган ҳолда талқин этиш мумкин эмас. Сабаби Ажиниёз шу адабий муҳитда яшади, шу адабий муҳитдан нафас олди, шу адабий муҳитда ижод этди, шу адабий муҳитга таъсир ҳам кўрсатди. Бадиий ижоднинг қонуниятини шу! Ижодкор кимдандир ўрганади, кимгадир ўргатади, Фафур Гулом ибораси билан айтсак, *«бир-бирига устоз, бир-бирига шогирд»*.

Ҳар бир ижодкорнинг камолоти учун фақат ўз миллий адабий анъаналари, оғзаки ижоди, мумтоз ёзма адабиёти етарли эмас. Агар у жаҳон бадиий ҳазинасидан баҳраманд бўлмаса, ижодий принципларига мослаштириб улардан фойдаланмаса, кўзлаган мақсадига эришиши қийин. Ажиниёз бу имкониятдан яхши фойдаланди. Шоир қорақалпоқ адабиётининг илғор тажрибаларини Шарқ адабиёти анъаналарига уйғунлаштириб ижодига сингдиргани туфайли туркий халқлар, қолаверса, жаҳон адабиёти тарихига кирди. Ажиниёз илм-маърифатли, Шарқ мумтоз шеърини сирларини яхши ўзлаштирган истеъдодли шоир. Унинг Хева мадрасаларида таълим олгани, Фирдавсий, Низомий, Ҳофиз, Навоий, Фузулий, Махтумқули асарлари билан яқиндан танишуви ижодий фаолиятида шоирга маънавий таянч бўлди ва Шарқ мумтоз адабиёти анъаналари руҳида кўп асарлар ёзди. Қорақалпоқ адабиётида янги шеърини шаклларнинг пайдо бўлишида шоирнинг бу ижодий тажрибалари қўл келди. Қорақалпоқ мумтоз адабиётига ғазал, мухаммас каби жанрларнинг, аруз вазнининг кириб келиши Ажиниёз номи билан боғлиқ.

Ажиниёз ижодига таъсир кўрсатган ўзбек мумтоз адабиёти шоирларидан бири Алишер Навоийдир. Фирдавсий, Низомий, Жомий, Бедил китобларига нисбатан ҳам Навоийнинг туркий ғазаллари, дostonлари Ажиниёзга ҳар то-

монлама яқин эди. Ажиниёз ғазал, мухаммас жанрларида шеърлар ёзгани учунгина Навоийга издош демоқчи эмасмиз. Тўғри, шоирнинг мазкур шаклларда ижод қилишида Навоий анъаналарининг роли катта. Шу билан бирга, шоирга илҳом берган бошқа омиллар ҳам бор. Бу — Алишер Навоий асарларидаги мавзу талқини, ҳаётбахш ғоялар. Бу таъсирни ижодкор рўёбга чиқаришга, ўз ижодий принципига мувофиқ келадиган шеърини шаклларда ифодалашга интилади. Баъзи шоирларда бу жараён назира шаклида кўринса, бошқа бир шоирда мухаммас жанрида намоён бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда фақат шакллий ўхшашлик ҳақида эмас, мазмун уйғунлиги, илгари сурилаган ғоянинг яқинлиги хусусида ҳам сўз юритилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Навоий асарларининг Ажиниёз ижодига таъсири масаласига шу икки жиҳатдан ёндашиш керак. Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг ўз ижодий тажрибасига таяниб айтган куйидаги фикри адабий таъсир масаласига тўғри ёндашишнинг намунаси. «Шарқ классик шеърини таъсирида бўлиш дегани, албатта, аруз вазнида ёзиш ёки шарқона образларни кўп қўллашни билдирмайди. Таъсир фикр қилиш тарзида кўринади. Навоий ғазалига мухаммас боғлаган шоир унга эргашган-у, боғламагани эргашмаган деган гап ижодий таъсирни жуда жўн тушуниш, жўнгина эмас, хато тушуниш демакдир».¹

Адабий таъсир белгилари, аввало, шаклда, кейин мазмунда намоён бўлиши мумкин. Шакл мазмунни ўқувчига етказишнинг бадиий воситаси. Ажиниёз Навоий асарларининг шаклидан ҳам, мазмун талқинидан ҳам фойдаланган. Фикримизга қуйидагилар мисол бўла олади. Ажиниёзнинг лирик шеърлари орасида «Қиз Ораз», «Уйғон», «Бормикан», «Кўзларим», «Чикди жон», «Бери кел», «Керак», «Ай алиф» номли мухаммаслари бор. Баъзиларида муҳаббат мавзуси куйланса, айримларида замондан норозилик мотивлари талқини етакчи. Бу шеърларни шартли равишда мухаммас дедик. Аслида улар Шарқ адабиётида кенг тарқалган мухаммас жанри қоидаларига тўла жавоб бермайди. Масалан, Ажиниёз «Чикди жон» мухаммасида ўз исми ёки

¹ «Ёшлик», 1988., 2-сон.

мухаммас боғлаётган ғазал муаллифининг тахаллусини келтирмаган. Унинг қолган шеърларини ҳам Навоий ёки бошқа бир шоирнинг муайян ғазалига боғланган мухаммаслар деб ҳисоблаш қийин. Гап шундаки, Ажиниёз бешликларининг ҳеч бирида Навоий ғазалларининг намуналари учрамайди. Шундай экан, улар том таънодаги мухаммас эмас. Шарқ мумтоз адабиётида мухаммас жанри билан боғлиқ яна бир анъана бор. Баъзан шоирлар ўзлари ёзган ғазалларга ўзлари мухаммас боғлаганлар. Мумтоз шоирлар ижодида бу тажриба учраб туради. Навоий, Нодири, Огаҳий, Фурқат, Муқимий, Аваз сингари мумтоз шоирлар бу анъанани давом эттирган. Ажиниёз лирик меросида бу усулда ёзилганлари ҳам йўқ. Умуман, Ажиниёз шеърлятида аруз вазни қоидаларига тўла жавоб берадиган мухаммаслар ёки ғазаллар учрамайди.

Ажиниёз, гарчи, Навоийнинг конкрет ғазалига мухаммас боғламаган бўлса-да, бешликлар ёзишда ўзбек шоирининг бадиий маҳоратидан улги олгани, ҳар бандга, ҳатто ҳар бир мисрага навоийона сайқал беришга интиланлигини кўриш мумкин. Ажиниёзнинг истеъдоди Навоийнинг шеърый санъат сирлари билан танишлиги, аруз вазнида нисбатан муваффақиятли қалам тебратишига имкон берган. Шоирнинг «кўзларим» радибли беш бандлик шеъри Навоийга ижодий эргашишнинг намунаси.

У фақат вазни, қофиялари, радифи билангина эмас, ифодаланган ғоянинг салмоғи, фикрларнинг изчиллиги, бандлардаги мазмуннинг мантиқан ўзаро боғланиши ва фалсафий хулосанинг ҳаётий ҳамда табиийлиги билан ҳам Ажиниёзнинг бошқа шеърларидан фарқланади. Мана, икки банди:

*Ҳақ мени инсан жараттың, нәў бәхәрим көзлерим,
Аниша бағлар сәйир еткен, гулиўзарым көзлерим,
Мақсудум барыниша гездим, ықтыярым көзлерим,
Тәннен соңра барадур, салқа мазарым көзлерим,
Истеген йерге йеткерген, илгир нәзерим көзлерим.*

*Енди сеннен айрылып, не кешар ҳалым мениң,
Дигир-дашым бәнт болып, батыл, болур йолым мениң,
Қаўмы-қардашым танымай, жат болур елим мениң,*

*Еккиси кем еллиге келип, қайтты ығбалым мениң
Әлиўидағлап кеттиң, меннен, хәр не барым, көзлерим.¹*

Алишер Навоийнинг «Хазойин ул-маоний» девонида шундай шакл ва мазмундаги туркум ғазаллар бор. Улар Ажиниёзнинг юқоридаги бандларига жуда оҳангдош. Навоийнинг «кўзум» радибли ғазалидан олинган айрим байтлар билан танишинг:

*Лоладек юзунг хаёлидин тўла қондур кўзум,
Балки лола жомидек қон ичра пинҳондур кўзум...²*

Яна:
*То ўюлди ханжари била гирён кўзум,
Ул танур ўлдики, зоҳир айлади тўфон кўзум...*

*Эй Навоий, йўқ ҳадим ул шўхни кўрмакка лек
Ҳар қаён азм этса, асрор халқдин пинҳон кўзум.
(3 т. 310-бет)*

Мухаммас ва ғазалда бир хил радифнинг қўлланилгани бу ҳали Ажиниёз Навоийнинг айнан шу ғазалларидан таъсирланган деганни англатмайди. Ғазалларнинг ижодий тарихи кенгроқ доирада таҳлил қилинса, қорақалпоқ шоирининг Навоий анъаналарига эргашишдаги ўзига хослиги, уларга янги мазмун сингдиришга урингани маълум бўлади. Ажиниёз мухаммасидаги қуйидаги банднинг мазмуни Навоийнинг «кўзум» радибли туркум ғазалларининг ҳеч бирида йўқ:

*Оным-он бешимде гездим қыс кунлеримди жаз етип,
Жигирма бес, отызымда сөзлер айттым саз етип,
Булбилдек уштым ҳаўаға шарқ урып парўаз етип,
Лашындек йелдим, йукирдим, дөўирлер ҳам наз етип,
Гулбәҳарим ганжсим, ғәзийнем, нәўбәҳарим көзлерим.
(55-бет)*

¹ Ўжизияз. Танламалы шығармалары. Нөкис, «Қарақалпақстан», 1988., 55-бет. Бундан кейинги мисоллар шу нашрдан бўлади, бети кўрсатилади.

² Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. 2 т., Тошкент, 1964., 222-бет. Бундан кейинги мисолларда томи, бети кўрсатилади.

«Кўзларим» радифли мухаммас Ажиниёзнинг шахсий ҳаёти билан боғлиқ. Унинг ҳар банди ва ҳар бир мисрасида шоир яшаган замоннинг руҳи бор. Шеър Навоийнинг «кўзим» туркум ғазалларига ёзилган назирага ҳам ўхшаб кетади. Яна бир мисол. Ажиниёзнинг ишқий мавзудаги «Оян» радифли шеъри навоийона талқиннинг гўзал намунаси:

*Ниспы шөб келдим қашыңа, назлы жананым оян,
Шам-шырағ яқтым башыңа, нуўры әнўарым оян,
Көзлеримниң рәўшаны, ол маы табаным оян,
Йолыңда зар әйлеген, әй мисли әфғаным оян,
Мен сениң келдим қашыңға рәҳим ет, жаным, оян.*

(31-бет)

Шоир лирик қаҳрамоннинг психологик кайфиятини ёритишда Навоийнинг баъзи ғазалларидаги поэтик хусусиятлардан илҳомланган. Куйидаги байтлар фикримизни тасдиқлаши мумкин:

*Не бўлди дардима, эй бевафо даво қилсанг,
Вафога вавда қилиб, вавдага вафо қилсанг.*

*Сунуб кўлумни юзунгга, мурод этиб ҳосил,
Очиб юзунгни, кўзум ҳоҳшати раво қилсанг.*

Ажиниёз лирик қаҳрамондаги руҳий зиддиятни, маъшуқанинг вафосизлигидан изтироб чекан ҳолатини талқин этишда Навоийнинг ишқий ғазалларига мурожаат этгани, мавзу жиҳатдан бойитиб ривожлантиргани диққатга сазовор. Ажиниёз шеъридаги тасвирий воситалар: ёрнинг ойга, «моҳи тобон»га қиёс қилиниши, «нури анвар» деб таърифланиши ва ҳ. ҳам шоирнинг Шарқ адабиёти, айниқса, Навоий ғазалларининг илҳомбахш таъсиридан баҳраманд бўлганига далил.

Ажиниёз шеърлари орасида тўрт банддан иборат «чиқди жон» радифли бир бешлик бор. Адабиётшунослар мазкур шеърни шоир дарбадарликда юрган йилларида ёзганини қайд этишади. Чиндан ҳам, у Ажиниёзнинг таржимаи ҳоли билан боғлиқ бўлиб, ўша кунларнинг мунгли бир лавҳаси.

Шеър аруз вазнида, ҳажвий усулда ёзилган бўлиб, унда муҳим ижтимоий муаммолар кўтарилган. Шарқ адабиёти, жумладан, Навоий шеъриятида аруз шаклининг ишқий мавзу билан баробар ҳажвиётга ҳам тенг даражада хизмат қилганига мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин қорақалпоқ мумтоз адабиётида аруз вазнининг бу имкониятидан илк маротаба фойдаланган шоир Ажиниёз эди. Маълумки, Ажиниёз гоҳ Хоразм ва Бухорода, баъзан Туркменистон ва Қозоғистонда саргардонликда юрган. Шоир қаерда ва қандай шароитда яшамасин, Ватандан узоқда, мусофирликнинг ҳасратларини ўз тақдирида кўради. У: ёт элларда султон, хон бўлгандан кўра, ўз юртингда чўпон бўлган афзал экан деган хулосага келади. Бу гоҳ шоирнинг Ватан соғинчи мавзусидаги шеърларида реал тасвирланган. «Бўлар», «Менгзар», «Даврон бўлмади», «Элларим бордир», «Кўнглим менинг» шеърларидаги ҳаётбахш гоҳларнинг, айрилиқ ва мусофирлик азобларини тортган шоир изтиробларининг бадий талқинидан китобхон ҳам ҳаяжонланади.

*Йад еллерде хош йигитлер,
Йуракинә салмақ дөрдләр.
Мойны қулаш өреби атлар,
Яллы болур, ялсыз болур.*

*Арзыў әрман пәлек иши,
Тынбай ақар көзим яшы,
Йад еллердә йүрген киши
Йоллы болур, йолсыз болур.*

(42-бет)

Мазкур бандлар беихтиёр Навоийнинг:

*Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш,
Олтин қафас ичра гар қизил гул битса,
Булбулга тикондек ошиён бўлмас эмиш, —*

деган машҳур рубойисини эслатади. Тўртлик мавзу ва гоҳси бўйича Ажиниёз шеърига анча яқин эканлиги кўриниб турибди.

Ажиниёз шеъриятининг оригиналлиги шундаки, у Навоий асарларида қаламга олинган мавзулар ва ғояларни ўз даври талабларига мослаб, ўзига хос поэтик шаклда бадий ёритади. Шоир хоҳ аруз, хоҳ бармоқ вазнидаги шеърларида бўлсин, ғоя талқини ва шакл ифодасида дейсизми, Навоий меросига маънавий таянч сифатида ёндашган, ўз талант йўналишига эга сўз устасидир.

* * *

Ажиниёзнинг моҳир сўз санъаткори бўлиб шаклланишида туркий адабиётнинг яна бир улугъ шоири, XVIII аср туркман адабиётининг донишманди Махтумқулининг роли бениҳоя катта. Ажиниёз лирикасига Шарқ адабиётининг таъсири ҳақида сўз очилса, Навоийдан ҳам олдин Махтумқулининг номини эслаймиз. Сабаби икки шоир ижодида умумийликлар, ўхшашликлар жуда кўп.

Махтумқули шеъриятининг таъсири Ажиниёзни туркман шоири ижодий принципларига яқинлаштирган. Унинг «қўринг», «бўлмас», «не билсин», «менгзар», «янглиди», «бўлмаса», «ёронлар», «яхши» сўзлари радиф бўлиб келган шеърлари билан Махтумқулининг шундай радифдаги шеърлари ўртасида нафақат шакл, ҳатто мазмун уйғунлиги ҳам кузатилади. Бир мисолни қиёслаб кўрайлик.

Махтумқули:

*Гоч йигидиң, иши сөхбет-саз болар,
Көңли ғыш болмайын, дайым яз болар,
Ягшының көңлунде кине аз болар,
Яманың хер гунде урушын гөриң!*¹

Ажиниёз:

*Ялғаны йоқ ерур, ырасдур сөзи,
Қара дур дуньяда, рақибниң йузи,
Бир кеше ишинде бәдбахтың қызы,
Худа әмири билән кетишин көриң.*
(49-бет)

¹ Махтумқулы. Сайланан эсерлер. Ики томлук. I том., Ашгабат, «Туркменистан», 1983., 170-бет. Бундан кейинги мисолларда томи, бети кўрсатилади.

Ажиниёз шеъри асосида конкрет ҳаётий воқеа ётади. Шеърда муайян сюжет, яъни шоир шахсияти билан боғлиқ бир нохуш воқеа тасвирланади. Махтумқули шеъри эса таълимий характерда бўлиб, унда инсоний фазилат улуғланса, ёмон хулқ қораланади. Махтумқули шеъри Ажиниёз учун реал воқеликни ифодалашда бадий шакл вазифасини ўтаган. Шоирга Махтумқули шеърининг мазмуни эмас, шакли таъсир кўрсатган.

Махтумқули «Танланган асарлар»ида «менгзар» радифли икки шеър бор. Бири ўн, иккинчиси етти банд. Ажиниёз ҳам шу ном ва радифда уч шеър ёзган. Бири ўттиз, иккинчиси йигирма банддан иборат. Учинчи шеърнинг ҳажми анча катта. Қорақалпоқ шоирининг «менгзар» туркум шеърлари Махтумқули шеърларига жуда уйғун.

Махтумқули:

*Эй, яранлар, ягшы ярың
Гойны женнет, гуле меңзер;
Сөзлесе, дурлер сачылар,
Диллери билбиле меңзер.*

*Зулплерине уруп шана,
Мени ол кылды дивана,
Гойә ол-шем, мен-первана,
Яндым, теним гуле меңзер.*
(79-бет)

Ажиниёз:

*Қыз бала кемала келсе,
Алмадек пишкәнә мегзер,
Мәүжирин аққан дәрьядай,
Толысып ташқана мегзер.*

*Шар тәрепке көзин салып,
Яр дәрдинен куйин-жанып,
Бир сөйлескен естен танып,
Шарапатлы жазға мегзер.*
(89-бет)

Шарқона бадий санъатдан фойдаланишда шоирлар услубий яқинликка эга эканлигини сезаётган бўлсангиз ке-

рак. Махтумқули маъшуқани «*жаннат гули*»га, сўзларини «*дур*»га, «*булбулнинг поласи*»га қиёсласа, Ажиниёз «*пишган қизил олма*»га, «*мавж уриб оқайтган дарё*»га ўхшатади. Икки шоир ҳам охириги бандда маъшуқанинг бевафолигидан изтироб чеккан ошиқнинг ҳолатини ўзига хос поэтик шаклда талқин этган. Ажиниёз Махтумқули шеърининг шаклий белгилари: вазни, қофияси, раффи в.х.ларни янги мазмунга бўйсундиради. Ажиниёзнинг «меғзар» туркум шеърларини Махтумқули шеърига бандма-банд, мисрама-мисра солиштирадик, ўртасида катта фарқ борлигини кўриш мумкин. Ва қорақалпоқ шоирининг ҳар бир мавзу ва ҳатто ҳар бир бадиий деталга ҳам ўзича ижодий сайқал бергани таллант белгисидир.

Ажиниёз Махтумқулининг «Меғзар» туркум шеърларидаги ишқий мавзунини ўзига хос талқин этган, ижтимоий маъносини кучайтирган. Муҳими, Махтумқули қўллаган шеърий шаклга янги мазмун бағишлайди.

Махтумқули:

*Мағтымгулы, болдун, харап,
Истәп тапман яры сорап,
Отурышың ёла гарап,
Ёл тапмадык көре меңзер.*
(1 т., 79-бет)

Ажиниёз:

*Қыялым гезер ҳәр жаққа
Бир гезлесней дәўлет баққа,
Сақал-муртым толды аққа
Әжинияз әрмана меғзер.*
(93-бет)

Махтумқули ёр висолига етолмагани учун азият чекса, Ажиниёз ўз тақдирдан нолиб, давр тенгсизлигидан шикоят қилади.

Мавзунини адабий таъсир доирасида ўз даврига мослаштириб бадиий ёритиш Ажиниёзнинг бошқа шеърларида ҳам бор. Шоирнинг «Бери кел» ва «Ай алиф» шеърларининг ижодий тарихи ҳақида адабиётшуносликда ҳар хил фикрлар мавжуд. Баъзи олимлар уларнинг бадиий хусусиятлари-

да Шарқ адабиёти, айниқса, Алишер Навоий лирикасининг таъсири кучли деган фикрда. А. Муртозаевнинг «Шоир муҳаббати» монографиясида шу мулоҳаза айтилган. «Қорақалпоқ адабиёти тарихи» китобида эса бу ҳақда бошқа илмий қараш илгари сурилади. Яъни «Ай алиф», «Бери кел» шеърлари муашшах усулида битилган бўлиб, Ажиниёз бу шаклни Қўқон адабий муҳитида ижод этган Муҳаммад Шариф Узлатнинг «ўлан» раффили мусалласидан таъсирланиб ёзган деган мулоҳаза.¹ Бу икки нуқтаи назарда бироз ҳақиқат бўлса-да, улар етарли илмий асосга эга эмасдек кўринади. Сабабини кўйидагича изоҳлаймиз. *Биринчидан*, Алишер Навоий лирик меросида муашшах усулида ёзилган ғазал учрамайди. Шундай экан, шоирнинг Навоий шеъриятида мавжуд бўлмаган бадиий шаклдан таъсирлангани ҳақидаги фикр мантиқан асоссиз. *Иккинчидан*, Ажиниёзнинг «Ай алиф» ва «Бери кел» муҳаммаслари Узлат лирикасидаги мусалласдан таъсирланиб ёзилган деган фикрга ҳам қўшилиш қийин. Чунки Ажиниёзнинг Қўқон адабий муҳити таъсирида бўлганлигини исботлайдиган илмий манбалар маълум эмас. Қолаверса, Ажиниёз яшаб ижод этган XIX асрда Узлат туркий адабиётларида кенг танилган шоир ҳам эмасди. Ажиниёз Хева мадрасаларида таълим олган йилларда Узлат асарларининг у ерларда оммалашган бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ. Демак, шоирнинг «Бери кел» ва «Ай алиф» муҳаммасларининг ижодий тарихини Қўқон адабий муҳити, бевосита Узлат шеърияти билан боғлашга асос йўқ. *Учинчидан*, айрим адабиётшунослар ёзганидек, Ажиниёзнинг тилга олинаётган шеърлари том маънодаги ғазал-муашшах эмас. Муашшахнинг қондаси шундайки, ҳар байтнинг биринчи мисраларидаги бош ҳарфлар жамидан бирор исм ёки яхлит бир сўз ҳосил бўлиши лозим. «Ай алиф» ва «Бери кел» шеърларининг ҳеч бирида бундай шаклий белги учрамайди. Ажиниёзга илҳом берган Махтумқули муҳаммасида ҳам муашшахнинг барча қонун-қоидалари мужассам эмас.

Икки шоир муҳаммасларининг қиёсий таҳлилидан шундай хулосага келдикки, уларнинг Навоий ёки Узлат шеъриятига яқинлиги йўқ, балки Махтумқулининг «дарди ба-

¹ Қарақалпақ адабияты тарихы. Нөкис., «Қарақалпақстан», 1983., 103-бет.

лоға» ва «керак» радифли шеърлари таъсирида ёзилган. Чунки шеърларнинг шаклий ифода усуллари бир-бирига жуда уйғун. Лекин улардаги маъно-моҳият талқини ўзига хос. Махтумқули шеърларида кўпроқ ижтимоий-сиёсий мавзу, замондан норозилиги ёритилган. Ажиниёз мухаммаслари эса лирик йўналишда, ишқий мавзуда ёзилган. Қиёсланг.

Махтумқули:

*Тай — тама бирле көңлүңи небис ёлуна салмагыл,
Зай — зулум эйләп о гун довзахда галып ялмагыл.
Айын — алам дузди кервен, сен хем андан галмагыл,
Гайың — ганы мал-мулқум бакыдыр дийп санмагыл,
Фи — ферагат вагт экен, небсиңни рам этмек герек.*

Ажиниёз:

*Тайы — тақат қалмады көрген заман басқан изиң,
Зай — зулым әйлемесин, шийрин қәлем айтқан сөзиң,
Айны — әләмдек болып, рәўшан киби бақса йузиң,
-айни — Ғәзеп қылмасын, жәллат киби бақса көзиң,
Фе — пана болған жаҳанда, интизарым бери кел.*

(32-бет)

Ажиниёз мухаммаслари Махтумқули шеърига битилган ўхшатма, татаббудир. XVIII-XIX асрларда яшаб ижод этган ўзбек, қорақалпоқ ва туркман шоирлари бу шаклда бир неча шеърий асарлар ёзиб, ижодий мусобақа қилишган. Ажиниёз бу анъанани давом эттиради. Мухаммаслар тилининг соддалиги, жарангдорлиги ва мусиқийлиги, Шарқ ғазалчилиги анъаналарига ҳамоҳанглиги билан харақтерли.

Айтилганлардан шундай хулосага келиш мумкин: Ажиниёз Шарқ мумтоз адабиётининг илғор анъанасини ўзига хос поэтик услубда ижодий ривожлантирди, халқчиллик руҳини кучайтирди. Навоий ва Махтумқули лирикасидаги инсонпарварлик ғояларини ўз даврига мослаб талқин этар экан, шу асосда XIX аср қорақалпоқ адабиёти тарихида янги анъанани бошлаб берди. Ва энг асосийси, умумтуркий адабиёт тараққиётига ҳисса қўшган шоир сифатида тан олинди.

Ажиниёз мероси ҳозирги авлод учун маънавий чашма, ижодкорларга адабий мактабдир. Бугун шоир лирикасида қорақалпоқ китобхони билан бирга ўзбек ва қозоқ, турк-

ман ва қирғиз, тожик ва озарбайжон шеърияти мухлислари ҳам баҳраманд бўлмоқда. Ажиниёз шеърлари дунёнинг кўп тилларига ўғирилган. Таниқли қалам аҳллари шоирга шеърлар бағишлагани маълум, олимлар унинг ижоди тўғрисида тадқиқотлар яратишди. Бугун Ажиниёз туркий халқларнинг ҳам ўқимишли шоирларидан биридир. Асарларида умумбашарий ғояларни куйлаган, барча халқлар учун муштарак мавзуларни қаламга олган ижодкоргина бир эмас, бир неча халқ эътиборида бўлади. Ажиниёз Қўсибой ўғли шундай ҳурматга сазовор улуг сиймолардан биридир.

1999

НАЗИРАМИ, ТАЪСИРМИ ЁКИ ТАРЖИМАМИ?

Ажиниёз Махтумқули ижодидан яхши хабардор бўлган. Асарларидан таъсирланиб туркум шеърлар ёзгани адабиётшуносликда илмий исботини топди. Лекин бу масаланинг кўп йиллардан бери мунозараларга сабаб бўлиб келаётган муҳим бир жиҳатини унутмаслик керак. Бу Ажиниёзга нисбат бериб келинаётган баъзи шеърларнинг Махтумқули шеърларига айнан ўхшашлиги масаласи. Қорақалпоқ ва туркман адабиётшунослигида бу масалага турли ёндашувлар бор. Масалан, С.Гарриевнинг «Туркмен эдебиятының Совет Гундогары халықларының эдебиятлары билен өзара багланышығының тарыхындан» (1967), Қ.Бойниёзовнинг «Қосықтың куши» (1977), Б.Қалимбетовнинг «Әжинияздың лирикасы» (1981), А.Муртозаевнинг «Шайырдың мухаббаты» (Нөкис, 1988),), А.Каримовнинг «Әдебиятымыздың гейпара мәселелери» (1988), К.Мамбетовнинг «Әжинияз» (1994), Г.Давлетованинг «Әжинияз поэзиясында дәстүр хәм жанащыллык» (1997), Қ.Жаримбетовнинг «XIX әсир қарақалпақ лирикасының жанрлық қәсийетлери хәм раўажланыў тарийхы» (2004), П.Алламбергенованинг «Традиции Махтумкули в каракалпакской литературе» (АКД, 1999) номли тадқиқотларида бу мавзу ҳар хил талқин этилган.

Олимларнинг Махтумқули ва Ажиниёз шеъриятидаги баъзи ўхшашликларни қиёсий ўрганиб чиқарилган илмий

хулосаларида ҳамфикрлик йўқ ҳисоби. Баъзи адабиётшунослар бу ўхшашликни «ижодий таъсир» деб шарҳласа, бир неча тадқиқотчилар «Махтумқулидан таржималар» деган фикрда, Ажиниёзнинг айрим шеърлари «Махтумқулига назира» деган қараш тарафдорлари ҳам бор. Ушбу сатрлар муаллифи ҳам бир вақтлар Ажиниёзнинг баъзи шеърларини Махтумқулидан таржималар ёки адабий таъсирнинг самаралари деган мулоҳазани илмий жамоатчиликка ҳавола қилган эди.¹ Икки шоир шеърларининг ижодий тарихини чуқурроқ қиёсий ўрганиш эндиликда муаммога сал ўзгача ёндашишни тақозо этганлигини, бу масалада бугун бошқа фикрда эканлигимни тан оламан ва янги қарашларимни асослашга ҳаракат қиламан.

Ажиниёзнинг «Не билсин», «Яхши», «Бўлмаса», «Мегзар» деб номланган шеърлари борки, уларни Махтумқулининг худди шундай мавзудаги шеърлари билан солиштириб ўқисангиз, фарқини ажратиш қийин. Айрим бандлари мисрама-мисра, ҳатто сўзма-сўз тўғри келади. Мисолларга эътибор беринг.

Махтумқули:

*Қаразбан голуна душсе алғыр баз,
Ганатдан айырар, гадрын нәбилсин.
Бир чопан элине дегсе бир алмаз,
Чакмак дашы кылар, гадрын нәбилсин.*
(1 т., 108-бет)

Ажиниёз:

*Бир шопан дәстине туссе бир алмаз,
Шақмаққа харж етер, қәдири не билсин,
Қаразбан қолына туссе алғыр баз,
Қанатын қайырар, қәдири не билсин.*
(94-бет)

Бандлардаги қаторларнинг ўрни алмашган холос. Вазни ҳам, радифи ва қофияси ҳам Махтумқули бандининг тақори. Яна бир мисол.

¹ Қаранг: К. Курамбаев «Кеўил-кеўилден суў ишер», Нөкис, «Қарақалпақстан», 1991., 40-50 бетлар.

Махтумқули:

*Мейлис гирип, мәркәгә бармаян,
Беглик эде билмез, берим бермеен,
Чөлде ачлык мушагатын гөрмеен,
Өйде ыссыг наның гардын нәбилсин.*
(1 т., 108-бет)

Ажиниёз:

*Аспанды берк етпес Дабр, Курмийан,
Беглик ете билмес, берим бермиян,
Дүзде ашлык, машақатын көрмиян,
Үйде ыссы панның қәдири не билсин.*
(95 бет)

Ажиниёз бандидаги биринчи мисранинг Махтумқулида йўқлигини истисно қилсак, қолганлари бир хил. Махтумқулининг «Қадрин не билсин» шеъри тўққиз банд бўлса, Ажиниёз шеъри тўрт банд. Шеърнинг мисолга тортилмаган икки банди ҳам Махтумқули шеъридан деярли фарқ қилмайди.

Ҳар икки шоирнинг бошқа шеърларидаги ўхшашликларга ҳам битта-иккита мисол келтираман. Махтумқулининг «Таңланган асарлар»ида «яхши» радибли туркум шеърлар бор, аксарияти дидактик мавзуда, одоб-ахлоқ ҳақида сўз юритилади:

*Бир бивена яра гулуп бакандан,
Ширин жаны ышк одуна якандан,
Ят иллерде мысапырлык чекенден,
Урса, сөксе, хорласа-да ил ягшы.*
(1 т., 152-бет)

Ажиниёзда ҳам «яхши» радибли бир неча шеър бор. Уларнинг баъзилари Махтумқулининг «Яхши» туркум шеърларига жуда яқин. Юқорида келтирилган банд Ажиниёзда қуйидагича:

*Кисиниң ярына күлип баққаннан,
Шыбын жаның ышқы отына жақаннан,
Өз бойыңа түрли насақ таққаннан,
Өз ярыңның тәрбиясын бер жақсы.*

*Гийне қылып журтты таслап кеткеннен,
Қадири билмес жерде хызмет еткеннен,
Жат елдерде мусәпирлик шекеннен,
Урып-сөгип қорласа да ел жақсы.*

(97-бет)

Махтумқули шеърдаги шаклий ифода, мазмун, поэтик талқин, бошқа-да бадий хусусиятлар Ажиниёз бандларида бир хилда такрорланган. Махтумқули бандидаги баъзи мисралар Ажиниёз шеърларига «сочилиб» кетганини истисно қилсак, улар ўртасида жиддий фарқ йўқ.

Махтумқулининг халқ афоризмларига айланган машҳур банди бор:

*Адам болуп, адам гадрын билмеен,
Ондан ене отлап йорен мал ягшы.
Сөзлегенде, сөз манасын билмеен,
Ондан ене сөзлемее лал ягшы.*

(1 т., 151-бет)

Бу тўртлик Ажиниёзнинг «яҳши» раифли шеърда ҳеч ўзгаришсиз учрайди:

*Адам улы адам қадири билмесе,
Оннан дүзде отлап жүрген мал жақсы.
Айтқан сөздиң мағанасын билмесе,
Ол адамнан тилсиз өскен лал жақсы.*

(97-бет)

Бу ўхшашликка изоҳ шарт бўлмаса керак. Бундай мисоллар Ажиниёз лирикасида анча-мунча бор. Шоир шеърларида Махтумқули мисралари ёки байтларига дуч келиш мумкин. Яна баъзи мисолларга диққатингизни қаратаман.

Махтумқули:

*Яман хатын ягшы әре,
Совулмаз төхмете меңзер.*

(1 т., 196-бет)

Ажиниёз:

*Жаман қатын жақсы ерге,
Таўсылмас дөхметке меңзер.*

(87-бет)

Ёки Махтумқули:

*Йуреклери ат башыдек батырлар,
Хатынча ёк ат-ярағы болмаса.*

(1 т., 215-бет)

Ажиниёз:

*Йураклери ат башыдек батырлар,
Қатынша йоқ ат ярағы болмаса.*

(85-бет)

Мисолларни яна давом эттирса бўларди. Лекин келтирилган адабий парчалар муайян хулосалар чиқариш учун етарли деб ҳисоблайман. Савол туғилиши мумкин. Бундай бир хиллиkning сабаби нимада? Менимча, булар таъсир ҳам, таржима ҳам эмас, назирага ҳам ўхшамайди. Сабаб уларда шоирнинг ижодий индивидуальлиги кўринмайди, мавзунини янгича ёритиш, ўзига хос поэтик образларда бадий талқин этиш хусусиятини ҳис қилиш қийин.

Олдинги бобда Ажиниёзнинг Махтумқули таъсирида ёзган бир неча шеърини таҳлил қилгандик. Гувоҳ бўлдингизки, шоир Махтумқули ижодига ўзига хос овоз ҳамда услубда ёндашиб, оригинал шеърлар ярата олган. Лекин Махтумқули шеърларига айнан ўхшаш парчаларни адабий таъсир ёки таржима деб ҳисоблаш тўғри эмас. Чунки, **биринчидан** ҳар қандай таржима асарида мутаржимнинг ўзлиги намоён бўлиши керак. Таржимон бандлар ва мисраларни қанчалик сўзма-сўз ўгирмасин, бари бир таржимага ўздан нимадир қўшади, ўз халқининг лисоний имкониятларидан фойдаланиб сайқал беради. Биз юқорида тилга олган шеърларда бундай ижодий ёндашув сезилмайди. **Иккинчидан**, Ажиниёз яшаб ижод этган даврда туркий тиллардан, айтилиқ, туркман тилидан, қолаверса, Махтумқули шеърларидан бошқа бир туркий тилга, масалан, қорақалпоқ тилига таржима қилиш зарурати бўлганмикин? Маълумки, XVIII-XIX асрларда Марказий Осиёда яшаган ўзбек, туркман, қорақалпоқ, қozoқ, қирғиз халқларининг тиллари ўзаро яқин бўлган.

Туркий тилларда яратилган асарларни, айниқса, шеърят намуналарини шоирлар, аҳолининг саводхон гуруҳи таржимасиз ўқиган ва тушунган. Хусусан, Махтумқули шеърларини ўзбек ва қорақалпоқ ҳам, қозоқ ва қирғиз ҳам ўз она тилида ўқий олган. Ажиниёз, Бердақ асарлари ҳам бошқа туркий халқларга таржималарсиз етиб борган, уларни ўша давр учун типик бўлган туркий тилда эмин-эркин мутолаа қилганлар. Шундай бўлгач, бир вақтлар Марказий Осиё халқлари учун умумий саналмиш туркий тилда яратилган бирор бадий асарни яна қорақалпоқ тилига таржимаси ҳақида гапириш мантиққа тўғри келармикан? Бу фикрдан ўтмишда, умуман, таржимачилик ривожланмаган деган маъно келиб чиқмаслиги керак. XIX асрда бадий таржима соҳасида кўп ишлар қилинган тарихдан маълум. Форс-тожик, араб тилларида яратилган асарларни туркий тилларга ўғирилгани ҳақида манбалар хабар беради. Махтумқули, Андалиб, Ажиниёз, Мулланафас, Бердақ, Камина ва яна ўнлаб туркман ва қорақалпоқ шоирлари барча туркий халқлар учун тушунарли тилда ижод қилишган. Шунинг учун уларнинг шеърларини яна бирор туркий тилга таржима қилиш эҳтиёжи бўлмаган. Демак, Ажиниёз Махтумқули шеърларига эркин муносабатда бўлган, баъзи мисраларини аслича, айрим бандларини ўзгартириб қорақалпоқ тилига таржима қилган, деган хулосалар жишдий исботни талаб қилади. Ҳозир адабиётшуносликда ушбу мавзу юзасидан айтилган фикрлар Ажиниёзни Махтумқули шеърларининг таржимони деб характерлашга асос бўлмайди.

Ажиниёзнинг баъзи шеърларидаги ўхшашликлар Махтумқулига назира деб ҳам бўлмайди. Назира бу бошқа бир шоир асарини шаклан ва мазмунан бир хилда такрорлаш эмас. Назирада ҳам ижодкорнинг ўзига хослиги бўлиши зарур: мавзунини кенгайтириши, ривожлантириб янги поэтик образлар, янги мазмун билан бойитиши лозим, талқин услуби ўзига хос бўлиши керак. Ажиниёзнинг сўз юритилаётган шеърларига мана шу бадий эстетик талабдан ёндашсак, уларнинг ҳеч бири назира жанри талабларига жавоб бермайди. Шеърларни Махтумқулига тақлид дейиш ҳам ўринсиз. Ажиниёздек истеъдод соҳибининг Махтумқулига шунчаки тақлид қилишига ишониб бўлмайди. Биласизки, тақлид ҳеч қачон ижодкорга обрў келтирган эмас, у талантсизликнинг белгиси. Ажиниёз истеъдоди, бадий-эс-

тетик тафаккури бақувват шоир. Тўғри, Ажиниёз устозлардан ўрганди, лекин уларга тақлид қилган эмас. Шоир ўз дунёқараши ва ижодий принципларига, ўзига хос талант йўналишига эга бўлганлиги учун ҳам қорақалпоқ адабиёти тарихининг ёрқин сиймоларидан бири даражасига кўтарилди.

Махтумқули ва Ажиниёз шеърларидаги ўхшашликларнинг сабабларини, бизнингча, бошқа омиллардан излаш керакка ўхшайди. Маълумки, икки шоирнинг ҳам қўлёзмалари, ўз даврида тартиб берилган девонлари бизгача мукаммал шаклда етиб келмаган, меросларининг катта қисми халқдан ёзиб олинган, баёзлардан тўпланган. Одатда, информаторлар репертуари бир ёки икки шоир асаридангина иборат бўлмай, кўпчиликни ташкил этади. Улар ижодий йўналиши, услуби бир-бирига яқин шоирларнинг шеърларини кўпроқ репертуарларига киритиб ижро этишган. Махтумқули ва Ажиниёз услубий жиҳатдан яқин шоирлар. Гарчи улар ҳар хил тарихий давр ва шароитда яшаган бўлсалар-да, ҳаётий воқеаларга муносабатда бир хил позицияда турдилар, адабиётнинг кучидан халқ манфаати учун фойдаланди. XIX асрдаёқ Махтумқулининг шеърлари Қорақалпоғистонда жуда машҳур эди. Саводли одамларгина эмас, оддий халқ ҳам унинг шеърларини ёд билган. Донишманд шоирнинг халқона термаларини ўз репертуарига киритиб ижро этмаган бахши ёки қиссахонни ўз даврида мухлислар кўп ҳам тан олавермаган. Қиссахонлар даврага кўпроқ одам йиғиш учун Махтумқулининг насиҳат руҳидаги шеърларидан куйламоқчи бўлган дostonига дебеча сифатида фойдаланганлар. Аббоз Добилов, Содиқ Нурумбетов каби халқ шоирлари фаолиятида Махтумқули шеърларини халқ оммаси ўртасида тарғиб қилишга мойиллик кўпроқ кузатилади. Шоир шеърларининг ўша йиллардаги шон-шухрати қорақалпоқ заминидан оммалашуви мана шу сўз усталарининг номи ва ижоди билан боғлиқ. Мана, Аббоз Добиловнинг эътирофи: *«Махтумқулини туркман ёки қорақалпоқ шоири деб ажратиш ўтирмасдик. Қорақалпоқлар Махтумқулини ўз шоиридек севарди, ҳурмат қиларди. Тўй-базмларда бахшлар даврини қизитиш, тингловчиларнинг диққатини ўзига тортиш учун дастлаб Махтумқулидан термалар айтишдан бошларди. Бир, бир ярим соат атрофида Махтумқули*

шеърларини куйлашарди. Натижада халқ уюшиб келарди. Шундан сўнгида достон ижро этишга киришардилар.¹ Қорақалпоғистон халқ шоири Содиқ Нурумбетов шундай хотирлайди: «Кўпчилик йиғилган жойларда икки-уч соат Махтумқули термалари айтилди. Махтумқулидан айтсак халқ кўп тўпланарди, қизиқиб, ҳавас билан тингларди, баъзан уйга одам сизмай кетарди, далада туриб эшитишарди. Уйга бир тўйнинг одами йиғиларди, десам муболаға эмас».²

Бундай фикрлар бошқа шоирлар, бахшилар ва қиссахонлар томонидан ҳам айтилган. Махтумқули қорақалпоқ элида шундай ҳурматга сазовор шоирдир. Ажиниёз шеърлари ҳам ўша йилларда халқ орасига кенг ёйилиб, мухлислари қалбига сингиб кетгани сўзсиз. Бахшилар, қиссахонлар шоир асарларини ҳам худди Махтумқули шеърларини куйлагандек ҳавас билан ижро этган. Баъзан ҳар икки шоирнинг шеърларини бир қиссахон ёки бахши бир даврада, тенг даражада куйлаган бўлиши эҳтимол. Шундай пайтларда Ажиниёз термаларини ёд айтаётган ижрочи унга ўз репертуаридаги Махтумқули шеърларини ҳам қўшиб юбормадимикан деган фикр хаёлдан ўтади. Ёки Махтумқули термаларидан куйлаётганда информатор ижро матнига Ажиниёз шеърларини ҳам аралаштирган бўлиши эҳтимоли йўқмикан? Қиссахон ва бахшилардан ёзиб олувчилар ижро жараёнида матн қайси шоирга дахлдор эканлиги хусусида, менимча, ўйлаб ўтирмайди, қандай эшитса, шундай қозога туширади. Бу масалада уларни айблаш, балки ўринсиздир. Лекин асосий масъулият ёзиб олинган материалларни нашрга тайёрловчилар зиммасида бўлади. Бу ишда шошқалоқликка йўл қўйиб бўлмайди! Матншунослар масалага жиддий ёндашиб, масъулият билан иш юритишлари шарт. Етти ўлчаб эмас, керак бўлса етмиш ўлчаб бир кесишлари лозим. Бироқ Махтумқули ва Ажиниёз шеърларини илк бор тўплаб нашрга тайёрлашда матншунослар томонидан чалкашликларга йўл қўйилган. Махтумқули шеърларининг баъзи бандлари, байтлари, мисралари Ажиниёз «Танланган

¹ Қаранг. С. Гарриев. Туркмен эдебиятының Совет Гундогары халыкларының эдебиятлары билен өзара багланышығының тарыхындан. Ашгабат, «Ылым», 1967., 38-бет.

² Ўша манба. 37-бет

асарлар»ида аралашиб юрибди. Ёки Ажиниёз қаламига мансуб айрим шеърый қаторлар, бандлар Махтумқули «Сайланма»сига қўшилиб кетган. Бизнингча, бу шеърлар ё Махтумқули қаламига мансуб ёки Ажиниёзга тегишли. Улар таъсир ҳам, таржима ҳам, назира ҳам эмас. Аслида шоирларнинг ўз ижод намуналари. Шеърларнинг информаторлардан ёзиб олинган ҳар хил нусхалари қайта-қайта текширилиб, икки шоирнинг услубий ўзига хосликлари ўрганилгандагина улар қайси шоирнинг ижод маҳсули эканлигини аниқлаш мумкин. Бу жуда мураккаб, қийин иш. Лекин бари бир «қилни қирқ ёрмагунча» бу нуқсонни бартараф этиб бўлмайди.

Бир хил шакл ва мазмундаги шеърый асарнинг икки шоирга нисбат берилиши адабий жараёнда учраб турадиган ҳолат. Бундай чалкашликлар, айниқса, қўлёзмалари мукаммал сақланиб қолмаган, шеърлари халқдан ёзиб олинган манбалар асосида чоп этилган ижодкорларнинг «Танланган асарлар»и нашрларида кўпроқ кўзга ташланади. Бу фикримнинг исботига бир мисол келтираман. Масалан, Машраб, Андалиб, Камина сингари шоирларнинг қўлёзмалари турли манбалардан, баёзлардан, айримлари оддий халқдан ёзиб олиниб, нашрга тайёрланган. Шундай фактлар учрайдики, бир хил шакл ва мазмундаги баъзи шеърлар ҳар икки шоирнинг «Девон»и ёки «Танланган асарлар»ига киритилиб нашр этилган. Машрабнинг 1971 йилда босилиб чиққан «Танланган асарлар»ида «жабру жафоға» радибли олти байтли бир газал бор. Худди шу газал XVIII аср туркман шоири Андалибнинг 1976 йилда туркман тилида чоп қилинган «Сайланма»сида ҳам айнан келтирилади. Солиштириб кўринг.

Машраб:

Кўнглимни бердим бир бевафоға,
Куйди юрагим жабру жафоға.

Эй нозанимим, менга раҳм қил,
Қолдим сени деб юз минг балоға,

Машраб сени деб кечти жаҳондин,
Раҳм айламайсан муфлис гадоға.¹

¹ Машраб. Танланган асарлар. Тошкент. Ғ. Фуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971., 24-бет.

Андалиб:

*Көңлүм бердим бир бивепага,
Койды йурегим жебри жепага.*

*Эй нәзеним, маңа рахым кыл,
Галдым сен дийип, сансыз белага.*

*Андалып сен дийп, гечер жанындан
Кылгыл анаят муфлис гедага.¹*

Газалларнинг матнини тўла келтириб ўтирмадик, қолган байтлари ҳам жуда ўхшаш. Машраб ва Андалибнинг бошқа баъзи шеърларида ҳам ўхшаш байтлар, мисралар борки, уларни ҳам ижодий таъсир деб изоҳлаш фикридан йироқмиз. Улар назира ҳам эмас. Бу ерда ҳам яна ўша хато. Яъни Машраб ёки Андалиб газалларини у ёки бу манбадан, баёздан кўчираётганда котиб томонидан юборилган камчилик, қолаверса, нашрга тайёрловчилар масъулиятсизлигининг салбий оқибати.

Асосий мавзуимизга қайтиб айтмоқчимизки, келажакда Махтумқули ва Ажиниёз шеърларининг қайта нашрларида бу чалқашликка жиддий эътибор бериш зарур. Афсус, икки шоирнинг «эгизак» шеърлари кўп йиллардан бери китобдан-китобга кўчиб юрибди. Шеърлар қайси шоир қаламига мансублигини аниқлаб, бу хатони бартараф этиш вазифаси матншунослар зиммасида турибди. Бу муаммо ҳолисона ечилса, илмий-адабий жамоатчилик, китобхонлар ўртасида кўп йиллардан бери давом этиб келаятган баъзан асосли, баъзан ўринсиз мунозараларга ҳам барҳам берилган бўларди. Яна бир мулоҳаза. Бу ўхшаш бандлар, байтлар, мисралар Махтумқули меросидан олиб ташланганда ҳам шоирнинг ижодий кўлами ва бадиий салоҳиятига заррача ҳам путур етмаганидек, бу «йўқотиш» Ажиниёз лирикасининг салмоғига ҳам ҳеч қандай салбий таъсир кўрсатолмайди. Бу «йўқотиш»лардан қатъий назар Махтумқули ҳам, Ажиниёз ҳам туркман ва қорақалпоқ мумтоз адабиётининг йирик намоёндалари бўлиб қолаверади.

¹ Андалып. Лирика. Ашгабат, «Ылым», 1976, 37-бет.

МАХТУМҚУЛИ АНЪАНАЛАРИГА САДОҚАТ

Қорақалпоқ ва туркман адабий алоқаларининг ривожланишида атоқли шоир Ибройим Юсуповнинг ҳам ҳиссаси катта. Икки қардош адабиёт ҳамкорлиги саҳифаларининг асарлари ва таржималари билан бой, серқирра. Адабий жамоатчилик И.Юсуповни Махтумқули асарларининг фаол тарғиботчиси ва тадқиқотчиси деб билади. Шоир ўтган асрнинг 50-йилларида Махтумқули шеърларини тўплашда, бахшилар ва қиссахонлардан ёзиб олишда кўп меҳнат қилди. Шоир ҳақида халқ тўқиган ривоятларни йиғди. Бу изланишлар уни Махтумқули ижодига янада яқинлаштиришга, шоир асарларини қорақалпоқ тилига таржима қилишга, шеърятини илмий тадқиқ этишга илҳомлантирди.

50-йилларда И.Юсупов Махтумқули ижоди билан қизгин шуғулланиб «Қорақалпоғистон — Махтумқулининг иккинчи шоирлик Ватани», «Дала Орфейи», «Шоирлар донишманди Махтумқули» каби мақолаларини ёзди. Тадқиқотларда Махтумқули асарларининг Қорақалпоғистонда оммалашуш тарихи, сабаблари, Шарқ адабиётидаги ўрни, шоирлик маҳорати ҳақида сўз юритилади. Шоир лирикасининг қорақалпоқ мумтоз адабиётига таъсирини конкрет мисолларда илмий асослашга ҳаракат қилади. Махтумқули адабий меросини тўплаш, илмий ўрганиш, шеърятини билан атрофлича танишуви ва қорақалпоқ тилига ўтириши И.Юсуповни ижодда Махтумқулига яқин услубда шеърлар ёзишга илҳомлантирди. Шоир лирикасида Махтумқулига ўхшатма, назира шаклида битилган туркум шеърлар бор. Масалан, шоирнинг «Намасан», «Ярашар», «Занг қолмас», «Бўлмаса», «Бели бўлмаса», «Ёдимга тушди» шеърлари Махтумқулининг «Сел қолмас», «Бўлмаса», «Намасан», «Зор бўлмас», «Қолмас», «Туз ҳам бўлмаса» деган шеърлари таъсирида ёзилганлиги шакл ва мазмун ифодасида шундоққина кўриниб туради.

Бадиий ижодда шундай асарлар учрайдики, бир-икки қаторини ўқишингиз биланоқ бошқа бир адиб асарига ўхшашликни, маънавий яқинликни, шакли ва мазмунида у ёки бу ижодкорнинг таъсири борлигини ҳис қиласиз. И.Юсу-

повнинг номлари тилга олинган шеърлари шундай таассурот қолдиради. Махтумқули йўлида ёзилган бу шеърларда муаллифнинг мушоҳада уфқи кенглиги, насиҳатомуз ғоялари ҳаётбахш ва замонга жўровозлиги, тилининг содда ҳамда жарангдорлиги, ўқимишлилиги билан диққатни жалб этади. Махтумқули адабий услуби янги, замон руҳига мос, давр ҳақиқатини бадий ифодалашда И.Юсупов учун шакл вазифасини ўтаган. Махтумқулининг «Сел қолмас» радифли шеърида қуйидаги банд бор:

*Алтымыш башлы, ала гарлы даглардан,
Думан гөчер, ягмыр гөчер, сил галмаз,
Шейда билбил месген тутан баглардан,
Хазан урар, япрак гачар, гул галмаз.*

(2 т., 32-бет)

И.Юсуповнинг «Занг қолмас» шеъри гўё Махтумқули шеърига жавоб тарзида ёзилгандек. Шеърлар шаклан жуда ўхшайди. Икки шеър ҳам беш банд. Вазни, қофияси, поэтик руҳи, бўгин ўлчови деярли бир хил бўлса-да, мазмунида катта фарқ бор. И.Юсупов шеъридаги мавзу талқини бутунлай ўзгача, замонавий.

Шоир янги давр кишиларига хос умуминсоний эзгуликлар ҳақида фикр юритади. Ватанга садоқат, дўстга содиқлик, мардлик, камтаринлик ва олижаноблик, инсоннинг инсонга ҳурмати, муҳаббат ва вафодорлик каби ахлоқий нормалар янги давр, янги ҳаёт талаби асосида ёритилади. Бир вақтлар Махтумқули орзу қилган, лекин амалга ошмай қолган эзгуликлар эндиликда рўёбга чиқиб, янги жамиятнинг етакчи маъно моҳиятига айлангани И.Юсуповнинг қуйидаги шеърий сатрларида кўтаринки руҳда тасвирланади:

*Жаз қуяшы жайнап кўлген шағларда,
Қара тағдың қабағида тоң қалмас.
Опалы дос, сени көрген шағларда,
Көзде қайғы, көкиректе муң қалмас.*

*Ийилген дарақта мол болар мийўа
Пейли кең жигитке кең болар дунья*

*Кеўлиң сениң шалқын аққан бир дәр्या
Тар өйлесен, сол дәр्याда суў қалмас.¹*

Шаклий жиҳатдан Махтумқули шеърига яқинлик И.Юсупов шеърининг ҳар бандидагина эмас, ҳатто ҳар бир мисрасида сезилади. Фарқи шундаки, қорақалпоқ шоири мавзунини замонга мослаштириб ўзича талқин этган. Агар Махтумқули:

*Шейда билбил месген тутан баглардан,
Хазан урар, япрак гачар, гул галмаз —*

деса, И.Юсупов бу шикоят оҳангини янги тафаккур билан ўзига хос поэтик мазмунда мана бундай талқин этади:

*Инсанның инсанға артса ҳурмети,
Гулшанларда ашылмайын гул қалмас.*

Ёки Махтумқулининг:

*Элден гитсе йигитлигин бахары,
Кувват гачар, дыз эгилер, бил галмаз —*

деган мисраларини И.Юсупов ижодий қайта ишлаб, оригинал мазмун билан бойитади:

*Кеўил шаңын жуўса мириўбет сели,
Зейинлер ашылып, зәрре кир қалмас.*

И.Юсуповнинг назира усулида ёзилган шеърлари орасида ғоявий-мазмун жиҳатидан Махтумқули шеърларини эслатадиганлари ҳам бор. Масалан, «бўлмаса» радифли шеър Махтумқули қаламига мансуб «Бели бўлмаса» номли шеърига фақат шакли билан эмас, мазмунан ҳам жуда яқин. Махтумқули шеъри ахлоқий-таълимий характерда бўлиб, шоир инсонга хос кўп хислатларни образли шаклда, табиат ҳолисалари, ҳар хил қушларнинг тимсоллари орқали бадий талқин этади, фалсафий-таълимий хулоса чиқаради:

¹ И.Юсупов. Танлаўлы шығармаларының 2 томлығы. 1 том. Нөкис, «Қарақалпақстан», 1992, 59-бет. Кейинги мисолларда томи, бети кўрсатилади.

*Нәлери гөржескдир бу шум көңүллер,
Хазан урса, солар ачылан гүллер,
Баг ичре сайрашан шейда билбиллер,
Торгайча ёк, гонар гули болмаса.*

*Гушлар уча билмез гүйрек-ганатсыз,
Ашык яра етмез дады-перятсыз,
Бир бедев ханзад болар сыяксыз,
Гуйругы, көкили, ялы болмаса.*

(1 т., 216-бет)

Булбул кўнмаган боғ ҳеч қачон файзли бўлмаганидек, қанотсиз қуш ҳар қанча уринмасин, парвоз қилишга қодир эмас. Куйруги, кокили, ёли бўлмаган бедав, шунчаки бир жонзот холос, у пойгага ярамайди дейди Махтумқули юқоридаги икки бандда. Бу билан шоир инсоннинг ҳаётда бахтли бўлиши унинг ҳам моддий, ҳам маънавий таъминланишига боғлиқ демоқчи. И.Юсуповнинг «бўлмаса» радифли шеърида бу ахлоқий-таълимий қарашлар ривожлантирилади. Агар Махтумқули шеъридаги насиҳат мотивлари, инсон ҳаёти билан боғлиқ мушоҳадалар рамзий образларда берилса, И.Юсупов одамлар шахсиятида учрайдиган яхшилик ва ёмонлик иллатларини очиқ қоралайди.

*Қус баласы болып илинбес санға,
Булбилдің хош ҳаўаз сеси болмаса.
Сазды шерткен менен келмес намаға,
Кеўилдің бир әндийшеси болмаса.*

*Әдет қалар бөлким, қәсийет қалмас,
Елге хызмет етней жигит сыналмас,
Көп жасаған менен ақсақал болмас,
Парасатлы ақыл-еси болмаса.*

(1 т., 59-бет)

Махтумқулининг «Намасан?» радифли беш бандлик бир шеъри бор. Шеър поэтик фикрларнинг салмоғи, мусиқийлиги, қўшиқбоплиги билан характерли. Шунинг учун ҳам у композиторлар ва хонандалар репертуаридан жой олган. Туркман, ўзбек ва қорақалпоқ санъаткорлари шеърга куй

басталаб ижро этишган ва ҳозир ҳам у хонандалар репертуаридан тушгани йўқ. И.Юсуповнинг бу шеърни қорақалпоқ тилига маҳорат билан ўтиргани нур устига аъло нур бўлди.

Таржима тажрибасидан биламизки, бир шоир иккинчи бир шоир асарини ўз она тилига ўтирар экан, кўп ҳолларда асл нусханинг шаклий белгилари, поэтик мазмуни хоҳласин хоҳламасин, таржимон қалбига ўрнашиб қолади. Баъзан шоир-таржимонда ҳам шундай шакл ва мазмунда бирор асар яратиш истаги уйғонади. И.Юсупов Махтумқулининг «Намасан?» шеърини қорақалпоқ тилига таржима қилаётиб шундай адабий таъсирни ҳис қилган ва туркман шоирига ўхшатма қилиб саккиз бандлик «намасан?» радифли бир шеър ёзган. Шеърда Махтумқули шеърига шаклий ўхшашлик кузатилади. Радифи, қофияси, вазни Махтумқули шеърдан деярли фарқ қилмайди.

Махтумқули:

*Гаракчымың, я сейитмың, хожамың,
Я сакымың, я шерапмың, я жаммың,
Я йымы сен, я гундизмиң, гижемиң,
Я Аймы сен, я Гүнми сен, нәме сен?!*

(1 т., 20-бет)

И. Юсупов:

*Әл хасыл малына базар таба алмай,
Сегбир тартқан кәрўанбысаң, несең сен?!
Көкиректе шер болып сыртқа шыға алмай,
Жылап кеткен әрманбысаң несең, сен?!*

*Зергерсиз зермисең, бағмансыз бостан,
Қәлемсиз көкирекке питилген дәстан.
Шөлде -ариб Шасәнемге табысқан.
Гөззал көшки-әйўанбысаң, несең, сен?!*¹

Шеърлар шакл жиҳатидан ҳар қанча ўхшамасин, Махтумқули қаламга олган мавзуни И.Юсупов ўзича талқин

¹ И.Юсупов. Бўлбил уясы. Қосықлар ҳам поэма. Нөкис, «Билим», 1997, 149-бет. Бундан кейинги мисолларда бети кўрсатилади.

қилган. Туркман шоири қўллаган бадий шаклга замон руҳини сингдиради. Туркман халқининг ҳозирги ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзини қорақалпоқ шоири нуқтаи назаридан ёритар экан, шеърда ибратли бир ғояни илгари суради.

*Шадлы дәўран келип, гўлlep диярың,
Зер-зергериң тапты, кәрўан-базарың,
Жаңа әўладларға толып гузарың,
Шешек атқан бoстанбысан, несең сен?!*
(149-бет)

И.Юсупов шеърда Махтумқулини шеърият осмонидagi ёруғ юлдуз, туркий адабиётнинг забардаст полвони деб таърифлайди, лирикасининг қудратига тан беради.

*Ибрайым дер: шын шайырлық жолысан,
Адам кеўлиниң сен солмас гулисең,
Қосықтық қудайы Мақтымқулысан,
Халқың менен қайта туўған шешенсең!*
(149-бет)

И.Юсупов лирикасида Махтумқулига ҳамоҳанг шеърлар кўп. Шоирнинг «Тўйларга улансин тўйи туркманнинг» шеъри фикримизга яна бир мисол бўла олади. У Махтумқулининг «Туркманнинг» номли шеърига ўзига хос назира.

Ўз халқининг қайғусида ҳам, шодлигида ҳам бирга бўлган Махтумқули доимо эл-юрт ғами билан яшади, ижод этди. «Туркманнинг» шеъри ана шу ҳамкорлик ва ҳамдардликнинг бадий ифодасидир. Шеърда туркман халқининг олижаноб фазилатлари куйланади. Шеър чинакам миллий руҳ билан суғорилган. Қуйидаги банд гўё бугун ёзилгандек, ҳозирги туркман ҳаётининг бадий кўзгусидек таассурот қолдиради:

*Жайхун биле бахры — Хазар арасы
Чол устунден өсер ели туркмениң,
Гул-гунчасы — гара гөзүм гарасы,
Гара дагдан инер сили туркмениң.*
(11-бет)

Шеър И.Юсуповга қатор фазилатлари билан таъсир кўрсатган, илҳом берган. У ўзига хос поэтик хусусиятларга эга янги ғоядаги бир асарнинг яратилишига замин ҳозирлади. И.Юсупов туркман воқелигини XVIII аср шоири тафаккури билан эмас, XX аср қорақалпоқ адиби нуқтаи назаридан бадий ёритади. Шеърда туркман ҳаётининг янги саҳифалари, янги турмуш тарзининг афзалликлари, меҳнати куйланади.

*Сақый нурын шашып ығбал қуяшы
Көзге ыссық гөззал жери туркмениң,
Кеўил бoстанының шадлы намасын
Сизге алып келдик, ели туркмениң.*

*Небитдағда нефть кәни уласып,
Қара кумда қызғалдақлар гүл ашып,
Ашхабадқа ай-жұлдызлар таласып
Бішқы отындай жанар туни туркмениң.*
(236-бет)

И.Юсупов шеърининг Махтумқули шеъридан фарқ қиладиган яна бир ўзига хослиги бор. Шеърда қорақалпоқ ва туркман халқлари дўстлиги, тақдирлари туташганлиги ҳақидаги фикрлар характерли деталлар ва поэтик образларда бериледи.

*Ерис-арқау шыйратылып нығыздан,
Сорастырып көрсең түбим тығызбан.
Сейилхан, Жайылхан ҳамде Оғуздан
Биз бенен тамырлас түби туркмениң.*

*Хорезм, Ташаўыз, қарақалпағы
Қатар қонған бир атаның урнағы
Саяласа бир гүжимниң жапрағы
Суўыма сағалас суўы түркмениң.*
(237-бет)

Халқларимиз дўстлиги қадимий, илдизлари теран эканлиги Сейилхон, Жайилхон, Гүрүғли, Сапар марам каби та-

рихий ва афсонавий образлар орқали бадиий далилланган.

Қардошлар ҳақида шеър ёзганда айтилавериби сийқаси чиққан таъсирсиз, баландпарвоз ифодаларни қўлагандан кўра, дўстлик тўғрисида аниқ тасаввур берадиган, унутилмайдиган рамзлар воситасида сўз юритилса, шеърнинг маъноси ҳам, бадиий-эстетик салмоғи ҳам ўқувчини қаноатлантириши табиий.

Махтумқули шеърида шундай бир тўртлик бор:

*Хак сыламыш бардыр оның саясы,
Чырпынышар чөлүнде нери, маясы,
Рең-берең гул ачар яшыл яйласы,
Гарк болмуш рейхана чөли туркмениң.*
(1 т., II-бет)

Туркман шоири бир вақтлар илҳом билан тасвирлаган бу манзарани И.Юсупов янгича идрок этади, янги мазмун билан бойитади. Махтумқули анъанасини ривожлантириб, замонга мослаштиради. Қуйидаги бандда шу ҳаёт нафасини ҳис қилиб завқингиз ошади.

*Бурын барса келмес шөли-бөябан,
Бугин бағы-бостан болды саябан,
Поездлар қыйқырып қызыл қыядан,
Алтынға айланды қумы туркмениң.*
(238-бет)

Махтумқули ўз замонидаги туркман табиати гўзаллигидан олган илҳомини шеърий сатрларга сингдирган бўлса, И.Юсупов чўлларни ўзлаштираётган бугунги туркман ҳаётини мадҳ этади. Шоир Махтумқули анъаналаридан кўп ҳам узоқлашмасликка, имкони борида у қўлаган бадиий компонентларни айнан сақлашга, ҳатто айрим мисраларини «*Магтымгулы – сөзлер дили туркмениң*» ўзгаришсиз қолдиришга, баъзан туркманча сўзлар «*чыйғырып*» (чақириб)ни қўлаб шеърнинг колоритини мустаҳкамлашга ҳаракат қилган.

Махтумқули:

*Серхош болуп чыкар, жигер дагланмаз,
Дашилары сындырар, лы багланмаз,*

*Гөзүм гайра душмез, көңүл эгленмез,
Магтымгулы-сөзлер дили туркмениң.*
(1 т., 12-бет)

И.Юсупов:

*Ығбал гули питип қызыл қыяға,
Бахтымыз ашылып куннен зыяда,
Қайтадан қыйғырып келди гояға
Магтымқулы сөйлер тили туркмениң.*
(236-бет)

И.Юсуповнинг Махтумқули йўлида ёзган шеърлари билан танишар эканмиз, уларда шоирнинг жонли қиёфаси гавдаланаётгандек, китобхон ўтмиш ва ҳозирги замон ҳақида у билан мунозара қилаётгандек сезади ўзини. Шеърлар қорақалпоқ шоирининг Махтумқулига катта ҳурматининг бадиий ифодасидек жаранглайди.

Мазкур шеърларнинг яна бир ибратли томонини қайд этиб ўтиш жоиз. И.Юсуповдан кейин қорақалпоқ адабиётида Махтумқули йўлида шеър ёзиш анъанага айланди. Ҳозирги қорақалпоқ шеърлятида Махтумқулига ўхшатма ёзган шоирлар кўп. Уларнинг аксарияти тажрибали қаламкашлар. Айримларини тилга олиб ўтамыз. Т.Қабуловнинг «Махтумқулига мурожаат», У.Пиржановнинг «Бўлмас», Ж.Избасқановнинг «Бўлмаса», А.Ўтепбергановнинг «Бўларми», А.Ажиниёзовнинг «Бўлар», У.Дониёровнинг «Бошлади», «Бўларсан» шеърлари Махтумқули лирикасига ҳурматнинг ўзига хос тимсоли, адабий ўхшатмага яхши мисол. Шеърларда Махтумқули қаламга олган мавзуларнинг янгича талқинини кўрамыз. Ҳар бир шоир ўз ижодий имкониятига таяниб Махтумқули қўлаган адабий шаклга янги мазмун, ўз даврининг ҳаёт нафасини сингдиришга интилган. И.Юсуповнинг бу соҳадаги ижодий тажрибалари қорақалпоқ шоирларига қўл келгани шубҳасиз. Бу анъана қорақалпоқ адабиётида ҳозирги кунда ҳам изчил давом этаётгани таҳсинга лойиқ адабий ҳодисадир.

1991

АДАБИЙ ТАЪСИРДАН ЎЗИГА ХОСЛИККА

(Абдулла Қодирий ва Хидир Деряев)

ИЛҲОМ ВА ИСТАК

Адабий таъсир анча мураккаб масала. Айниқса, насрда таъсир белгиларини аниқлаш осон эмас. Бир адабиётнинг иккинчи бир адабиётга, бир ёзувчининг иккинчи бир ёзувчи ижодига таъсири ҳамиша ҳам бўртиб кўринавермайди. Ҳар бир миллий адабиёт ёки ёзувчи бошқа миллий адабиёт ёки ёзувчининг ижодий тажрибаларини ўз миллий аъналарига мослаштириб фойдаланади. Таъсир натижасида ёзувчида пайдо бўлган адабий ўзгаришларни, ўзига хосликларнинг бадиий-эстетик қонуниятларини очиш тадқиқотчи зиммасидаги масъулиятли вазифа. Бунинг учун тадқиқотчи, биринчи навбатда, таъсир кўрсатган ёзувчи билан таъсирланган ёзувчининг услубини, ижодий лабораториясини мукаммал ўрганиши зарур. Таъсирланган ёзувчи ижодига реал ҳаётнинг таъсири қандай? Ёзувчида асар ёзиш истаги қачон ва қандай шароитда пайдо бўлган? Ёзувчини асар ёзишга илҳомлантирган куч нима? Таъсирланган ёзувчининг «ўргандим» ёки «таъсирландим» деган ижодкорга муносабати қандай? Ижоди билан танишми? Асарларини ўқиганми? Булар тўғрисида бирор фикр айтганми? Бу саволларга жавоб топмасдан мавзу бўйича кутилган натижага эришиб бўлмайди.

Адабий таъсир текширилганда яна бир муҳим жараёни унутмаслик керак. Бу, таъсирланган ёзувчининг ҳаёт ва ижод тажрибасини, бошдан ўтказган воқеаларини, кўрган, эшитган турмуш фактларини ўрганиш билан боғлиқ масала. Тадқиқотчи асарга танлаб олинган реал воқеликни, образларнинг миллий руҳини, халқ ҳаётининг бошқа-да ўзига хосликларини теран ҳис қилиши, ёзувчидан ҳам кўпроқ билиши лозим. Шундагина у муайян асардаги адабий таъсир хусусиятларини ҳолис ва тўғри ёрита олади. Адабий таъсир ижо-

дий мусобақанинг бир кўриниши. У ижодий характер касб этсагина ёзувчиға фойда келтириши мумкин. Шу масала билан боғлиқ яна бир мулоҳаза. «Ўрганди», «таъсирланди» деган бирор адабиёт ёки ёзувчи ижодида пайдо бўлган ҳар қандай юксалишни таъсирга боғлаб талқин этиш ҳамиша ҳам тўғри бўлавермайди. Бундай йўл тutilса, миллий адабиёт ёки миллий ёзувчи асарининг ўзига хослигини инкор этишга, ҳатто камситишга олиб боради. Адабий таъсир ҳеч қачон у ёки бу ёзувчи тақдирида ҳал қилувчи роль ўйнамайди, балки унинг ўз ижодий имкониятларини юзага чиқаришда ёрдамчи маънавий куч вазифасини бажаради. Фикримизни мисоллар билан исботлашга уриниб кўрамиз. Мавзуни объектив ёритиш учун икки улкан ёзувчи ижодини танладик. Бири ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий, иккинчиси, туркман реалистик прозасининг йирик вакили Хидир Деряев.

Мавзу талқинига бу икки ёзувчи ижодини танлашимизнинг сабаблари бор. Хидир Деряев ўзбек китобхонларига яхши таниш ёзувчи. Уни Ўзбекистон, ўзбек адабиёти билан яқинлаштирадиган фактлар анча бор. Шулардан бири ҳақида. Маълумки, Тошкент 20-йилларда Ўрта Осиёнинг маданият марказларидан бири эди. Туркман, қозоқ, тожик, қирғиз зиёлилари бу даврларда Тошкентдаги илм-билим даргоҳларида таҳсил олишган. Биринчи туркман ИНПРОС (Маориф институти)и ҳам шу даврда Тошкентда очилганди. Туркман адабиётининг Мулламурт, Оғохон Дурдиев, Нурмурод Сарихонов, Ота Қоушутов, Хўжанафас Чориев, Ота Ниёзов, Берди Султонниёзов каби шоир ва ёзувчилари Тошкентдаги олий ўқув юрти, техникум ва махсус курсларда ўқиганлар. Шулар қаторида Х. Деряев 1922 йилда Тошкентга келиб маориф институтига ўқишга киради. Институтни тамомлагач, шу ерда ўқитувчи бўлиб ишга қолади, дарс бериш билан бирга Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг Шарқшунослик факультетининг Тил ва адабиёт бўлимида таълимни давом эттиради. Ўқишни тугатгандан сўнг Ашхаболга ишга қайтади.

Х. Деряев адабиётдаги илк қадамларини Тошкентда ўқиб юрган кезларидан бошлаган, дастлабки шеърлари, поэмалари ўша давр матбуотида мунтазам босилиб турди. У ижодини гарчи шеърятдан бошлаган бўлса-да, туркман адабиё-

тида романнавис сифатида танилди. 30-йилларнинг биринчи ярмидаёқ туркман адабиётида романдек мураккаб жанрда биринчи бўлиб куч синаган Х. Деряев эди.

Х. Деряев адабий фаолиятининг бошқа туркман ёзувчилари ижодидан фарқланиб турадиган бир жиҳати бор. У шеърятдан насрга ўтганда баъзи ёзувчилардек, насрнинг кичик жанрларидан эмас, бирданига роман жанридан бошлайди ва муваффақият қозонади. Аҳамиятли томони шундаки, ёзувчида роман ёзиш истаги Тошкентда ўқиб юрган йилларида туғилган. Бир неча йил Тошкентда яшагани, ўзбек тилини, ўзбек халқи анъаналарини ўрганиб, бу ернинг адабий муҳитидан нафас олгани, ўзбек адабиёти билан яқиндан танишуви бўлажак ёзувчининг руҳий дунёсини бойитади. Айниқса, Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романларини оригиналида ўқиш Хидир Деряев учун роман жанрига киришда ижоднинг янги эшигини очиб бергандек бўлади. Бу ҳақда кейинчалик Х. Деряев шундай деб ёзди: «Мен Тошкентда таълим олганимдан сўнг САГУнинг Шарқшунослик факультетини 1931 йилда тамомладим. Менда ўзбек романчилигига қизиқиш университетда ўқиб юрган кезларимдан бошланган. *Ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романлари менда бир умрга унутилмас таъсир қолдирди ва илҳом бағишлади. Шу илҳом ва таъсир натижасида менда бир фикр туғилди. Туркман халқининг ҳам шундай ўтмиши бор-ку, мен ҳам шу ўтмишдан бир роман ёзсам бўлмайdimи? Шундан кейин менда туркман халқининг ўтмиши ҳақида роман ёзиш истаги кучайди. Абдулла Қодирий романлари таъсирида менда пайдо бўлган бу фикр Тошкентда ўқиб юрган йилларимда ҳам, Ашхабодга ишга қайтганимдан кейин ҳам менга тинчлик бермас эди. Лекин ёзмақчи бўлган романимнинг воқеалари, қаҳрамонларини қалбимда асраб юрсам-да, 1933 йилнинг бошларигача романини бошлай олмадим. Кейинроқ катта ният билан роман устида иш бошладим».*¹

Ҳали ҳаётни романдек мураккаб жанрда тасвирлаш анъанасига эга бўлмаган, реалистик проза жанри унчалик та-

¹ Х. Деряев. Ықбал. Роман. Ашгабат. «Туркмендөвнешр», 1962, 8-бет.

раққий этмаган туркман адабиётида Х. Деряевнинг биринчи марта романга қўл уриши ва муваффақият қозониши тасодифий эмасди. Бу ютуқнинг асослари, замини бор эди, албатта. Туркман халқининг бой фольклори, ёзма адабиёти тажрибалари, рус ва қардош адабиётларнинг илғор анъаналари, айниқса, Л. Толстой, М. Горький асарлари, қолаверса, Абдулла Қодирий романлари ёзувчига таянч бўлган манбалар эди. Ўқиш, ўрганиш, ижодий изланишлар ўз самарасини беради. 30-йилларнинг биринчи ярмида туркман адабиётида биринчи роман пайдо бўлади ва у 1937 йилда «Қонли панжадан» деган ном билан босилиб чиқади. Лекин роман оммавий (15 минг нусхада) чоп этилган бўлса-да, китобхонларга етиб бормайди, унга ҳар хил сиёсий айблар қўйилиб, босмахонанинг ўзидаёқ йўқ қилинади, ёзувчи эса қатағонга учраб, йигирма йил қамоққа ҳукм қилинади.

Х. Деряев қамоқдан озод бўлгандан сўнг (у 1957 йилда озодликка чиқади) 1960 йилда романини қайта ишлаб «Қисмат» номи билан нашр эттиради. Туркман халқи ҳаётини мураккаб драматик воқеалар фонида тасвирлаган бу асарни китобхонлар яхши кутиб олди, ёзувчига кўплаб мактублар йўлладилар. Мухлислар романнинг давомига қизиқаётганини, айниқса, бош образларнинг кейинги тақдири уларни жуда қизиқтираётганини мактубларида ҳаяжон билан маълум қилдилар. Мактублар ёзувчига илҳом берди, ижодий кучига куч қўшди. Қисқа муддатда романнинг иккинчи, учинчи китоблари мухлислар қўлига тегди. 1971 йилда романнинг охириги — тўртинчи китоби ҳам нашр этилди ва у Давлат мукофоти билан тақдирланди, рус ва бир неча қардош тилларга таржима қилинди. Роман асосида кўп қисмли бадиий фильм ҳам ишланди.

«Қисмат» ёзилиш услуби, таъсирчанлиги, ўқилиш даражаси жиҳатидан «Ўтган кунлар» романига яқин. Ёзувчи ўтмиш воқеаларини танлаш, роман мавзуси, ғояси ва жанрини белгилашда «Ўтган кунлар» романи тажрибасига таянган. Ўзбек ёзувчиси романида тасвирланган воқеалар, хусусан, бош қаҳрамонларнинг аччиқ тақдири Х. Деряевни тўлқинлантирган, ўз халқининг ўтмишига назар ташлашга ундаган. Худди шундай воқеалар, худди шундай тақдирлар ўтмишда туркман халқининг ҳам бошидан кечганлигини ёзувчи ижодий ҳис қилган ва ўз халқи ўтмишидан роман

ёзишни кўнглига тугиб қўйган. Кумуш ва Раёноларнинг муҳаббат тақдири яқин ўтмишда ҳуқуқи топталган туркман аёлларининг аянчли қисмати бадий ёритишда ёзувчига илҳом берганини қуйидаги фикрларидан ҳам билиш мумкин: *«Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романининг бош қаҳрамонлари Кумуш, Раёнога ўхшаган ўзбек қизлари бошдан кечирган қийинчиликлар туркман қизларининг бошидан ҳам кечган-ку! Шундай мавзуда туркман хотин-қизларининг ҳаётидан ҳам асарлар ёзиш мумкин-ку? деган фикр қалбимга сингиб қолганди. Ана шу таъсир натижасида «Қонли панжадан» деган роман ёздим ва у 1937 йилда чоп этилди».*¹

А.Қодирий романларидаги XIX аср ўзбек ҳаёти тасвири Х.Деряевда ҳам ўз халқининг тарихи ҳақида бирор асар ёзиш истагини уйғотади. Кумуш, Раёноларнинг тақдири билан боғлиқ воқеалар туркман ёзувчисини тўлқинлантиради ва Узукжамол образини яратишда А.Қодирий тажрибасига таяниб қалам тебратади.

Адабий жараёнда шундай асарлар бўладики, уни ўқишингиз биланоқ қалбингиз турфа туйғулар билан бойийди. Бундай асарлар, айниқса, ижодкорлар учун катта илҳом манбаи. К.Паустовский ёзганидек: *«Ҳар бир ижодкорга илҳом берадиган, руҳини кўтарадиган асарлар бўлади. Шу хилдаги китоблардан бир неча саҳифани ўқишнинг ўзи кифоя, ўзининг ҳам ёзгинг келиб қолади».*

Лекин бундан муайян асар фақат бошқа бир ёзувчининг асари таъсирида, шунга тақлидан ёзилади, деган маъно келиб чиқмайди. Ҳар бир талант конкрет ҳаёт шароитида шаклланади, юксалади. Ҳамма соҳада ижодкорнинг устози, аввало, ҳаёт бўлади. Ёзувчи дастлаб ҳаётдан озиқланади, ҳаёт ҳодисаларидан илҳом олади. Бу таъсир натижасида шоир ёки ёзувчида бадий асар ғояси туғилади. Иккинчи бир ёзувчининг таъсири ижодкордаги имкониятни ишга солиб юборишда, илҳомни истакка айлантиришда муҳим туртки ҳолос.

Масалан, ёзувчи яратмоқчи бўлган асарининг материални ҳаётдан олса, унга ўз адабий анъаналари билан сайқал беради, тоблайди, бошқа бир ёзувчининг тажрибаси эса

ижодкорга бу ишда маънавий кўмакчи вазифасини ўтайди. «Ўтган кунлар» романининг Х.Деряев ижодига таъсири масаласига шу нуқтадан ёндашилса, тўғри бўлади.

ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИДАН БАДИЙ ҲАҚИҚАТГА

Ҳар қандай катта ёзувчи ижодининг ўзига хослиги, дастлаб воқеликка муносабатида, ҳаёт материалига ўзича ёндашиши ва уни ўзига хос талқин этишида, бадий тўқима яратиш маҳоратида кўринади. Маълумки, Абдулла Қодирий араб ёзувчиси Жўржи Зайдоннинг тарихий асарларини яхши билган, ўқиган, улардан илҳомланган. Бу ҳақда ёзувчининг ўзи ҳам: *«Мени роман ёзишга ҳаваслантирган Миср фузалосидан устоз Жўржи Зайдондир»* деб ёзган эди. Зайдон романлари А.Қодирий учун роман жанрига киришда маълум даражада роль ўйнади. Ўзбек халқининг мозий ҳаёти ҳақида тарихий роман ёзиш фикрини уйғотади. Ёзувчи бу ғояни амалга ошириш учун реал ҳаётни кузатиб, оғзаки ва ёзма манбаларни ўрганишга киришади. Қўқон хонлиги ва Тошкент беклигининг ўзаро муносабатлари, 1847 йилги Тошкент қўзғолони ҳақида маълумот берилган тарихий асарлар билан танишади. Отасининг ўтмиш хотираларини эшити ва ёзиб олади. «Қарийб ярим умрини хон замонларида яшаган, талай ўтмиш воқеаларининг шоҳиди бўлган отам менга қизиқ-қизиқ хотираларни гапириб берар эди. Бунинг устига ўша даврга оид анчагина тарихий китоб манбаларини ҳам ўқиб чиққан эдим»¹, — деб эслайди кейинчалик А.Қодирий романнинг яратилиш тарихи хусусида сўз очиб.

А.Қодирий отасидан эшитган ва ёзма манбаларда учратган воқеалар таъсирида яқин ўтмиш мавзуида тарихий роман ёзишга аҳд қилади. Лекин бу ижодий ният бирданига амалга ошмайди. Гарчи «Ўтган кунлар» романини ёзиш фикри адибда 1919-1920 йилларда туғилган бўлса ҳам, ёзишга бироз кейинроқ киришган. Ёзувчи мавзу танлаган, мавзуга тегишли материалларни ҳам ўрганган. Романнинг воқеаларини, образларини узоқ вақт ҳаёлида пишитган. Уни ифода

¹ «Эдебиат ва сунгат» 1962., 21 ноябрь.

¹ «Шарқ юлдузи», 1965., 11 сон.

қилиш йўллари излаган. Шундай бир пайт келиб қоладик, тасодифан учраб қолган бир кишининг ҳаёт йўли ёзувчи ўйлаб юрган ижодий ниятни қудратлантириб юборади. Роман учун туртки бўлган ўша воқеани адиб ўғли Ҳабибулла Қодирийга қуйидаги мазмунда гапириб берган: «Тарихий воқеалар бошимда шу қадар кўп, гўё қайнар, менга тинчлик бермас эди. Аммо бу воқеаларни қандай қилиб бир ипга тизишни, қоғозга туширишни тасаввур қила олмас эдим. Бир кун отамни кўргани эшак миниб, шаҳардан бир чол меҳмон бўлиб чиқди. Меҳмонни мен танимадим. У отамнинг эски қадрдони экан. Меҳмон қилдик. Отам шу чоқларда юз ёшларда бўлиб, меҳмон эса ундан беш-ўн ёш кичик кўринар эди. Улар суҳбат қиларкан, кулоқлари оғирлашиб қолгани учун бир-бирларининг сўзларини яхши эшита олмас эдилар. Шу сабабли менга улар ўртасида тилмоч бўлиб, чой қуйиб ўтиришга тўғри келди. Отам меҳмондан сўради: Андижондаги хотинингиздан неча болангиз бор? Уларнинг суҳбатидан мен шуни англадимки, бу меҳмон тошкентлик бўлиб, уй-жойли, бола-чақали киши экан. Аммо ёшлик чоғларида савдо важи билан Андижонга бориб қолиб, у ерда кўп йиллар истиқомат қилган. Андижондан ҳам уйланиб, бола-чақали бўлган ва кексайгач, ўз шаҳрига қайтиб келган экан. Меҳмоннинг ана шу содагина тарихи менга чувалган ипнинг учини топиб бергандай, ёзмоқчи бўлганим «Ўтган кунлар» романимнинг шаклини чизиб бергандай бўлди»¹.

«Қисмат» романининг яратилиш тарихи, яъни ҳаётий материалдан бадий ҳақиқат яратиши усули ҳам шунга ўхшаш. «Ўтган кунлар» Х. Деряев қалбига ижодий ният «уруғ»ни ташлайди, бу «уруғ» узоқ вақтлар ёзувчига тинчлик бермаган. Ёзмоқчи бўлган романининг воқеаларини, қаҳрамонларини узоқ вақтлар ҳаёлида сақлаб юрса ҳам тезда роман ёзишга кириша олмаган. Баъзан шундай ҳам бўладик, ерга ташланган уруғ тез униб, кўчатга айланса, баъзан узоқ вақтлар ер ва кўшнинг тобини олади. Худди шунга ўхшаш ёзувчидаги ижодий ният уруғининг униб чиқиши учун реал воқеа, ҳаёт материали керак эди.

¹ А. Қодирий. «Ўтган кунлар» романининг ёзилиш тарихидан. «Шарқ юлдузи», 1965., 11 сон.

Ёзувчи танлаган мавзусига тегишли ҳаётий фактларни излай бошлайди, кўнглига туғиб қўйган ғоявий мақсадга мос келадиган инсонлар ҳаётини, тақдирини кузатиб юради. Кунларнинг бирида у худди шундай ғояга хизмат қилиши мумкин бўлган бир ҳаёт фактига дуч келиб қолади. Тасодифан учраган бу аёлнинг ҳаёт йўли, аччиқ қисмати ёзувчидаги ижодий ниятнинг рўёбга чиқишига ёрдам беради. Ўша реал воқеани Х. Деряев ушбу сатрлар муаллифига қуйидаги мазмунда гапириб берган эди: Ёзувчи кунларнинг бирида Марв шаҳаридаги шифохоналардан бирига бирор сабаб билан бориб қолади. У ерда оғир руҳий ҳолатда, юзини икки кўли билан бекитиб, бошини пастга эгиб ўтирган туркман аёлига кўзи тушади. Унинг қисматида бирор мусибатли воқеа рўй бергани ташқи кўринишидан сезилиб турган. Бу аёл тақдири ёзувчини жуда қизиқтиради. Ундан кўнгил сўраб, дардига шерик бўлгиси келади. Аёлнинг олдига боради ва суҳбатлашади. Аёл бошига тушган мусибат ҳақида сўзлаб беради. Унинг қизи оғир шароитдан қутулишнинг ўлимдан бошқа чорасини тополмасдан ўзини дарёга ташлаган. Ҳозир шу шифохонада оғир аҳволда ётибди. Х. Деряев қизнинг онаси билан қиз ётган палатага киради. Қиз узун сочли, нозик юзли, жуда гўзал экан. Фақат унинг рангсиз чехрасида бошига тушган оғир фалокатнинг асорати сезилиб турган.¹ Ёзувчининг бизга ҳикоя қилиб берганига қараганда, ўша қиз кейинчалик «Қисмат»даги Узук-жамол образига прототип бўлган.

Х. Деряев «Қисмат» сюжетига асос бўлган яна бир воқеани ўша учрашувимизда қуйидагича сўзлаб бергани ҳамон эсимда: Марв қишлоқларидан бирида бир етим қиз яшаган. У ниҳоятда гўзал экан. Қизни турмушга чиқаришибди, лекин кўп ўтмай унинг эри вафот этади. Қиз эрининг уйдан қариндошлариникига қайтиб келади. Яқинлари уни яна катта қалин эвазига бошқа бировга сотмоқчи бўлишади. Орада жанжал, даъво чиққач, бева аёлни муаммо ҳал бўлгунга қадар қишлоқ эшонининг уйига олиб бориб қўйишади. Аёл кўп ўтмай севган йигити билан тил бириктириб эшоннинг уйдан қочади.

¹ 1970 йилнинг 26 майида Хидир Деряев билан Ашхабодда бўлган суҳбатимиздан. Суҳбат материали муаллифда сақланмоқда.

Бу реал фактлар романнинг биринчи китобидаги Узук-жамол тақдири билан боғлиқ воқеаларни эслатади. Қиз учун Мурод оға оиласи, арчин Мамад билан Бекмуродбойлар ўрғасидаги даъво-жанжаллар, Узукнинг вақтинча Сайдахмад эшоннинг уйида сақланиши, бу ердан Берди билан Ашхабодга қочиб кетиши, роман охирида ўзини дарёга ташлаши эпизодини ёдга солади. Реал ҳаётнинг ўзидаги икки аёл тақдири муҳим ва қизиқарли бўлганлиги учун ҳам муаллиф уни асарга баъзи ўзгартишлар билан асос қилиб олган ва романнинг мураккаб ички сюжетига мослаштирган. Драматизмни кучайтириш учун бир қанча тўқима эпизодлар, образлар яратилган. Шифохонадаги қизнинг қисмати, бева жувоннинг бошига тушган кулфатлар ёзувчига «Қисмат» романининг «шаклини чизиб берган», унинг сюжети-ни шакллантиришда ҳаётий материал бўлиб хизмат этган.

Х. Деряев ижодининг ўзига хос томонларидан бири ҳам шундаки, у реал воқеликка асосланади. Ёзувчи романда тасвирланган воқеаларни туркман ҳаётидан олади. Кўрган, қузатган турмуш ҳодисаларини бадиий умумлаштирган. Шу боисдан ҳам «Ўтган кунлар» билан «Қисмат» ҳаёт материали жиҳатидан бири иккинчисига ўхшамайди. Икки адиб ҳам ўзлари мансуб реал воқеликни ўзича идрок этиб, ўз гоёвий ниятига мос келадиганини ўз халқи турмушидан ташлаган ва ўзига хос талқин этган.

Х. Деряев ҳаётни қузатган, ўрганган, материал тўплаган. «Ўтган кунлар» таъсири ўрганилган материални бадиий асар шаклига солиш истагини кучайтирган. Ёзувчининг кўнглида айланиб юрган гоёларни тоштириб юборади. В.Г.Белинский бу жараёни образли шаклда қўйлагича ифодалаган эди: «Улуғ шоирнинг иккинчи шоирга таъсири у яратган поэзиянинг бошқа шоирда кўринишида эмас, балки унинг бошқа шоирда бўлган, лекин ҳаракатсиз ётган кучларни уйғотиши ва ҳаракатга келтиришидир. Қуёш нури ерга тушиши билан қуёшдаги кучни ўзи билан олиб келмайди, балки ердаги кучни қўзғатади, ҳаракатга келтиради. Улуғ шоирларнинг таъсири ҳам худди мана шу қуёш нури сингари мавжуд, лекин ҳаракатсиз ётган кучларни ишга солиб юборадилар».¹

¹ В.Г.Белинский. Собр.соч. в трех томах, Том 3., М., 1947, стр 334.

МАВЗУ УМУМИЙЛИГИ, ТАСВИР ХИЛМА-ХИЛЛИГИ

Ҳар бир ёзувчи ижодининг ўзига хослигини аниқлашда қиёсий таҳлил усули муҳим аҳамиятга эга. Чунки конкрет ёзувчининг бадиий маҳорати, ижодий индивидуаллиги иккинчи бир ёзувчи билан солиштирилганда намоён бўлади. Фикримизни «Ўтган кунлар» ва «Қисмат» романларининг қиёсий таҳлили орқали исботлашга уриниб кўрамиз.

Бу икки романи таққослашдан олдин, адабий таъсирнинг бир жиҳатига тўхтамоқчимиз. Одатда, икки ёзувчи ижоди ёки бирор асари қиёсланганда ёки, умуман, таъсир ҳақида сўз очилса, кўпинча сюжет жиҳатидан ўхшаш асарлар солиштирилади. Мазмунда яқинлик, урф-одатлар талқинида муштараклик, образларда ўхшашлик бўлса, бундай умумийликлар ўрганган, таъсирланган деб изоҳланади. Биз ҳам бундай шаклий ўхшашликларни бутунлай инкор қилмоқчи эмасмиз. Ҳар қандай бадиий асар билан танишиш, аввало, шаклдан бошланади. Шакл ўқувчини асар мазмуни билан таништириш қуроли. Ёзувчи ўқиган асарининг ўзида чуқур таассурот қолдирган, қалбида ижодий ният уйғотган компонентларини шакл орқали идрок этади, ҳис қилади. Ижодкорда муайян жанрда асар яратиш гоёси шу хилда туғилади. Шундай экан, адабий таъсирни шаклий ўхшашликлардан ахтаришни, умуман, инкор қилмаган ҳолда, уни фақат шаклий ўхшашликларга боғлаб қўйиш ҳам тўғри эмас. Бундай талқин таъсирланди деган ёзувчининг ижодий ўзига хослигини тан олмасликка, ҳатто адабий таъсир аспектида таҳлил қилинаётган асарнинг бадиий қимматини инкор этишга сабаб бўлиши мумкин.

Маълумки, турли даврларда адабиётларда мазмунан ўхшайдиган асарлар кўп яратилган. Мавзуси, сюжети, образлари, ҳатто композицион жиҳатдан ҳам бири иккинчисини эслатиб турадиган асарлар кўп. Бундай асарлар мумтоз адабиётларда ҳам оз эмас. Лекин уларнинг ҳаммасини таъсирга боғлаб қўйиш доимо тўғри бўлавермайди. Муайян ижодкор асари таъсирида яратилган деб хулоса чиқарилган ҳар қандай асар ҳам ўзига хос бадиий услубга, ўзига хос ифода усулига эга бўлади. Ўхшаш деб ҳисобланган асарларнинг миллий-маҳаллий замини ҳам уларни ўзаро фарқлаб

туради. Адабиёт пайдо бўлгандан бери ёзувчилар ижод қилиб келади. Лекин ҳақиқий талантлар ҳеч бир даврда ҳам бир-бирларини такрорламаган. Ҳар бир ёзувчи ўз ижодий услубига эга бўлганидек, ҳар бир асар ҳам ўзига хос истеъдод қирралари билан яратилади. Ҳаёт ҳақиқатини ҳар ёзувчи ҳар хил идрок этади, уни ўзига хос услуб ва усулларда ифодалайди. Бадиий асарларда тасвирланган ўхшаш воқеалар, ўхшаш фактлар орқасида ҳар бир ёзувчининг бошқаларга ўхшамайдиган ўз ижодий ёндашуви, ўхшаш воқеа ва факт орқали ҳаёт ҳақиқатини таҳлил этиш усули ётади. Турмушда бўлиб ўтган бирор воқеа-ҳодисага ҳар бир ёзувчи ўзича муносабат билдиради, ўзига хос тафаккур мезони билан мавзунини ўзича ёритади ва зарур ҳулоса чиқаради. Бир мисол. Б.Кербобоевнинг «Дадил қадам» ва Х.Деряевнинг «Қисмат» романлари ғоявий-мазмун жиҳатидан бири-бирига жуда ўхшайди. Уларда бир давр, ўхшаш воқеа тасвирланган. Конфликтлари ҳам мазмунан яқин. «Дадил қадам» романининг бош қаҳрамони Ортиқ характер эътибори билан «Қисмат»даги бош образ Бердининг баъзи характер хусусиятларига ўхшаб кетади. Бироқ бу образлар талқинида ҳам фарқлар бор. «Дадил қадам»даги Ортиқ камбағал. У Айна исмли қизни севади. Ота-онаси розилик бермагач, Айнани олиб қочади. «Қисмат» романидаги Берди эса оддий чўпон. Камбағал Муроднинг қизи Узукжамолни севади. Бироқ уни олиб қочишни ҳаёлига ҳам келтирмайди. Айнанинг Ортиққа турмушга чиқишига қизнинг ота-онаси қарши, улар қизини катта қалин эвазига бойга узатмоқчи. «Қисмат»да бунинг акси. Узукжамолнинг Бердига турмушга чиқишига унинг ота-онаси рози, қизининг кундошга айланиб, бойлар қўлида ҳўрланишини истамайди.

Қўраяписизки, муҳаббат мавзусига икки романда икки хил ёндашилган. Бир хил мавзу икки хил ғоявий мақсадга хизмат этган, бири иккинчисини асло такрорлаган эмас. Романлардаги бошқа қаҳрамонларнинг дунёқараши, характер хусусиятлари ҳам ўзаро фарқланади. Айна характерида, ҳаракатларида вазминлик, соддалик белгилари устувор бўлса, Узукжамол қиёфасида ҳаётнинг машаққатларида кўп эзилган, зулмга қарши чиқиш учун ўзида куч топа оладиган жасур қизни кўрамыз. Ортиқ билан Берди образлари тўғри-

сида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Романнинг дастлабки саҳифалариданоқ Ортиқ дунёқарашида адолатсизликка қарши нафрат аланга ола бошласа, Берди тузумнинг шафқатсиз зарбалари билан жиддий тўқнашгунга қадар сует ҳаракат қилади. Ҳар икки ёзувчи ҳам камбағал халқ вакиллари (Ортиқ ва Берди)нинг озодлик, эркинлик учун курашда ижтимоий-сиёсий онгининг ўсиш жараёнини ўзига хос бадиий услубда, ғоявий мақсадига мос тарзда тасвирлагани учун ҳам улар бир-биридан фарқ қилади.

Ҳар бир халқнинг ўз миллий ахлоқи, анъаналари бор. Шу билан бирга умуминсоний ахлоқ нормалари ҳам бор. Масалан, ўтмишда ўзбеклар орасида хўжалар, қорачалар деган уруғлар, тушунчалар бўлган. Улар ўртасида турли масалаларда келишмовчиликлар ҳам бўлиб турган. Хўжалар ўз мавқеини юқори ҳисоблаб қорачалардан қиз ҳам олмаган, қиз ҳам бермаган. Ёки бошқа бир мисол. Фарзанднинг ота-она олдидagi бурчи масаласи туркман халқида асрлардан асрларга ўтиб келаётган муқаддас анъана. Айтайлик, қизнинг турмушга чиқишида ёки йигитнинг уйланишида ота-она розилигини олиш шарт бўлган. Фарзанднинг бу урф-одатга бўйсунмаслиги одобсизлик саналган. Қадимда хўжаларнинг қорачалардан қиз олмаслиги, қиз ҳам бермаслиги ёки қизнинг турмушга чиқишида, йигитнинг уйланишида ота-она розилиги билан ҳисоблашиш каби дастурлар фақат ўзбеклар ёки туркманлардагина эмас, бундай одатлар ўтмишда тожик, қozoқ, озарбайжон, қирғиз, қорақалпоқ ва бошқа миллатларда ҳам бўлган. Табиийки, бу одатлар ўша халқлар адабиётида ҳам у ёки бу шаклда ўзининг бадиий ифодасини топади. Ёзувчилар бир-бирларидан хабарсиз шаклий ўхшаш асарлар яратишлари ҳам мумкин.

Бир ёзувчи асаридаги мавзу, сюжет, ғоявий ўхшашликларни иккинчи ёзувчи асарига қийслаб, уларни таъсир кўриши деб ҳулоса чиқаришга шўшилмаслик керак. Аввало, таъсирланган ёзувчи ижодига реал воқеликнинг таъсири қандай бўлганлигини аниқлаш лозим. Бир даврда яшаган ёзувчи ёки шоирлар ижодида мавзу ўхшашлиги бўлиши табиий. Чунки бир шоир ёки ёзувчини илҳомлантирган, тўлқинлантирган воқеа-ҳодиса иккинчи бир шоир ёки ёзувчига ҳам таъсир кўрсатиши, уни ҳам ҳаяжонлантириши мумкин. Ҳар бир ёзувчи ўша илҳом олган воқеаси ҳақида ўз

таланти, ҳаёт тажрибасидан келиб чиқиб асар ёзишга ҳаракат қилади. Натижада миллий адабиётларда бир даврда, бир мавзуда бир-бирига ташқи жиҳатдан ўхшаш асарлар майдонга келадики, уларни адабий таъсир самараси деб ҳисоблаш тўғри эмас. Масалан, Ойбекнинг «Кутлуғ қон» романи ҳаёт материали жиҳатидан Берди Кербобоевнинг «Дадил қадам» эпопеясига жуда ўхшайди. Йўлчи ва Ортиқ, Гулнор ва Айна образлари характер хусусиятлари билан бир-бирига жуда яқин. Лекин бу ўхшашлик икки ёзувчи бир-биридан таъсирланган дейишга асос бўлолмайди. Фикримизча, ўзбек ва туркман халқи ҳаётининг яқинлиги, бир даврнинг тасвирланиши, бир метод асосида ижод қилиниши бу икки романни ўзаро яқин қилиб қўйган. Романлар реал ҳаёт талаби, адабий муҳит эҳтиёжи билан яратилган. Б.Кербобоевнинг «Небитдоғ», Беки Сайтақовнинг «Оға-инилар», Б.Султонниёзовнинг «Сумбар оқаяпти» романларини варақлаганимизда, беихтиёр А.Мухторнинг «Давр менинг тақдиримда», Ж.Шариповнинг «Хоразм», М.Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча», Ҳ.Ғуломнинг «Машъал» романларидаги воқеаларни эслаймиз. Бундай яқинликни ҳам туркман-ўзбек халқларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўхшашлик, умумийликлар, бир даврнинг қаламга олинishi билан изоҳлаш керак.

«Ўтган кунлар» билан «Қисмат» романларида тасвирланган воқеалар икки хил тарихий шароитда рўй беради. Ҳар бирида ҳаёт ўз шароитига мослаштирилиб ёритилган. Тарихий воқеаларни тасвир этишда ҳам романларда сюжет ўхшашлиги йўқ. «Ўтган кунлар» ўтмиш ҳақидаги тарихий роман. Ёзувчи XIX асрнинг биринчи ярмидаги ўзбек халқи ҳаётини ифодалашни назарда тутган. Асарнинг бош ғояси мозийда зулмат ва жаҳолат инсонларни, илғор фикрли кишиларни барча ҳуқуқлардан маҳрум қилиб, оғир мусибатларга дучор этганини кўрсатишга қаратилган. Романда ўзбек халқи ҳаётига таъзийқ ўтказган ижтимоий тартибларнинг, баъзи ахлоқий нормаларнинг салбий оқибатлари муҳаббат мавзуси фонида қораланади. Муҳаббат «Ўтган кунлар» романининг етакчи мавзуларидан бири. Ёзувчи янги даврнинг Фарҳод-Ширинлари, Тоҳиру Зухралари бўлган Отабек ва Кумушбиби муҳаббати тақдири мисолида феодал жамиятда шахс эркининг поймол этилишини, инсоннинг

бахт учун интилишларининг барбод бўлганини кўрсатишга алоҳида эътибор беради.

«Қисмат»нинг ғоявий йўналиши «Ўтган кунлар»дан бирмунча бошқача. Романга асос бўлган воқеа XIX аср ҳаёти эмас, XX асрнинг бошларидаги туркман халқининг зулмга қарши курашидир. Бу курашда Узукжамол, Берди каби оддий халқ вакиллариининг ўзлигини англаш жараёнини кўрсатиш ёзувчининг диққат марказида бўлади. Агар «Ўтган кунлар»да Отабек ва Кумушнинг севги тарихи роман сюжетида етакчилик қилса, «Қисмат»даги Берди ва Узукжамол образларига тарихнинг катта ижтимоий-сиёсий масъулияти юкланган. Манфаатлари бир-бирларига зид табақалар ўртасидаги мurosасиз кураш майдонида улар фаол ҳаракат қиладилар. Берди билан Узукжамол муҳаббати ҳам мана шу конфликт оловида чиниқиб боради. «Ўтган кунлар» романидаги конфликт бошқача характерга эга. Ҳар икки романдаги конфликт билан бошқа-бошқа одамлар. Отабек ва Кумушбиби ҳаёт фақат «яхшилик» ва «ёмонлик»дан иборат деб ўйлайдилар. Берди ва Узукжамоллар ана шу «яхшилик» ва «ёмонлик» жамиятдаги ижтимоий тенгсизликда деб тушунадилар. Агар Отабек ва Кумушбиби кўп ҳолатларда ўз бахтлари, муҳаббат тақдирлари учун қайғурсалар, Берди ва Узукжамол ўз бахтларини оддий халқ билан уйғунликда деб биладилар. Бу икки асарнинг яна бир такрорланмас ўзгачалиги шундаки, улар миллий заминда туғилган. Образлар чинакам миллий характер даражасига кўтарилган. Отабек ҳам, Кумуш ҳам, Берди билан Узукжамол ҳам миллий анъаналар муҳитида вояга етганлиги учун уларнинг дунёқарашида, ҳаракатларида ўз халқи характерига хос белгилар мужассам бўлган. Фақат бош образлар талқинидагина эмас, романлардаги ҳар бир эпизодик образнинг онг ва дунёқарашида, воқеалар тасвирида ҳам миллий колорит руҳи сезилиб туради. Булар, шубҳасиз, романларнинг ўзига хос миллий жиолари ва катта ютуғи.

«Қисмат» романи «Ўтган кунлар»дан характер яратиш санъати жиҳатидан ҳам фарқ қилади. Маълумки, Абдулла Қодирий Отабек ва Кумушбиби образларини статик ҳолда талқин этади. Ёзувчи Отабек характерини романнинг бошидан охирига қадар бир меъёрда ушлаб туради. Асарнинг

дастлабки икки бобида Отабекнинг ким ва қандай ахлоқий хислатларга эга шахс эканлиги билан китобхон таништирилади. Кейинги бобларда Отабек дунёқарашда бирор жиддий ўзгариш содир бўлгани сезилмайди. «Ўтган кунлар»нинг боши билан давоми ва айниқса, охири бир-биридан фақат шу жиҳатдан фарқ қиладики, қаҳрамонларнинг ўқувчига маълум ички дунёси борган сари мушкулроқ ва фожиалироқ вазиятларда очила боради. Ёзувчи кўпинча воқеаларни драматик руҳда ривожлантириш усулини қўллайди.

Х. Деряев «Қисмат» романида воқеаларни характерлар ривожига билан уйғунликда тасвирлайди, бош қаҳрамонларни ўсишда, динамикада талқин этади. Ёзувчи романнинг дастлабки боблариданоқ Берди ва Узукжамол характеридagi тадрижий ўсишларни, ўзлигини англаш ва озодлик учун курашчиларга айланиш жараёнини босқичма-босқич кўрсатишга алоҳида эътибор беради. Камбағал Узукжамол билан оддий чўпон Берди онгида уйғониш, курашчига айланиш жараёни кескин тўқнашувлар майдонида кўрсатилади. Ёзувчи қаҳрамонларни ҳаётнинг мураккаб тўлқинларига ташлайди, турмуш қийинчиликлари оқимида кўрсатади ва шу усул билан улар характерининг чиниқишини бадиий далиллайди.

«Ўтган кунлар» ва «Қисмат» романларининг қиёсий таҳлилидан шундай хулосага келиш мумкинки, икки ёзувчи ҳам мавзунин, материални ўз халқи ҳаётдан танлаган. Романларда тасвирланган воқеалар давр ва ижтимоий-тарихий шароит нуқтаи назаридан бири иккинчисидан катта фарқ қилади. Ва бу факт «Ўтган кунлар» ва «Қисмат» романлари ташқи, сюжет жиҳатидан бир-бирига ўхшамайди деб хулоса чиқаришга асос беради. Бу икки роман, бизнингча, бадиий услуб ва усуллар жиҳатидан ўзаро яқин. Х. Деряев реал воқеликни бадиий ҳақиқатга айлантиришда «Ўтган кунлар» сюжетида эмас, бадииятидан, А.Қодирийнинг ёзувчилик маҳоратидан таъсирланган. Яъни тасвир давомида қаҳрамонлар тақдиридаги драматик ҳолатларни кескинлаштириб бериш, жиддий конфликтлар яратиш, ҳаётнинг мураккаб, зиддиятли нуқталарини тасвирлашда, роман қаҳрамонлари қисматига ўқувчининг қизиқишини орттиришда «Ўтган кунлар»да А.Қодирий қўлаган баъзи адабий усулларга мурожаат этган.

ДРАМАТИЗМ ЯРАТИШДАГИ ЎЗИГА ХОСЛИК

«Ўтган кунлар» романида Абдулла Қодирий услубига хос бир хусусият бор. Адиб воқеаларни кескинлаштириб, драматик тарзда тасвирлайди. Драматизмнинг кескин бўлиши бир жиҳатдан романга қамраб олинган тарихий воқеалар руҳидан келиб чиқади. Маълумки, «Ўтган кунлар»га тасвир объекти қилиб танланган давр Ўзбекистон тарихидаги энг мураккаб, турли табақа ва гуруҳларнинг ҳокимият учун ўзаро низолари авжига чиққан давр эди. А.Қодирийнинг асосий мақсадларидан бири, алғов-далғовли бу даврда авлоддан-авлодга ўтиб келган, инсон ҳуқуқларини топтаган баъзи урф-одатларга норозилик билдириш эди. Бундай турмуш шароитини жиддий конфликтлар фонидагина ёритиш мумкин эканлигини тушунган ёзувчи ўз ижодий приёминини солиб, воқеаларни кетма-кет кескинлаштириб бориш йўлини танлайди.

Романда воқеалар бирданига кескинлаштирилмайди, дастлаб унга замин ҳозирланади. Романнинг илк бобларида муҳаббат ва оила масалалари ўртага қўйилади. Турли гуруҳ кишиларининг бу масалага муносабати (Отабек, Ҳомид ва Раҳмат суҳбати) баён этилади. Марғилонда Отабекнинг Кумушбигига уйланиши тасвири берилади. Кейинги бобларда бу масала тарихий воқеалар билан боғланади. Вазият ҳам бироз жиддийлаша боради. Отабек характерига хос олижаноблик, ҳақиқат кучига ишонч каби хусусиятлар реал вазиятни кескинлаштириш орқали таъкидланади. Отабек турли шахслар билан тўқнашади, ҳар хил вазиятга тушади. Шу усул билан унинг ички дунёси очиб берилади. Ҳомиднинг иғвоси билан унинг икки марта қамоққа олиниши, хон ҳузуридаги жасорати, тақдири ҳал бўлаётганда ҳам душмани олдида эсанкирамасдан, тўғри сўзидан қайтмаслиги, ҳатто хон «жаллод» деб қичқирганда ҳам ўзини йўқотмасдан ўлимга тик боқиши, бошқа-да оғир вазиятларда ўзини тутиши эпизодларини эсланг. «Ўтган кунлар»да воқеалар драматизми бир лаҳза ҳам сусаймайди, тобора кучайиб бораверади. Бу эса романнинг таъсирчанлигини, қизиқиш билан ўқилишини таъминлаган омиллардан биридир. «Ўтган кунлар»ни ҳаяжонсиз, қаҳрамонлар тақдирига боғ-

ланмасдан, улар қисматига ҳамдард бўлмай ўқиш мумкин эмас.

«Қисмат» романи ҳам ўткир драматик руҳда ёзилган. Китобхонни ҳаяжонлантирадиган воқеалар асарнинг бошидан охиригача изчил давом этади. Романнинг конфликтлари ҳам ўткир конфликт. «Қисмат»нинг тўрт китоби ҳам фожиавий сахна асарини эслатади. Туркман хотин-қизларининг ўтмишдаги аччиқ қисмати ва ҳуқуқсизлигини кўрсатиш ёзувчининг бош мақсади. Асарда икки хил ҳаёт кўрсатилади. Берди, Узукжамол, Мурод, Ўрозсултон сингари камбағаллар ҳаёти бир кутбни ташкил этса, Бекмуродбой, Омонмурод, Субҳонхасис, арчин Мамад каби зўравонларнинг ҳаёт тарзи иккинчи кутб. Ёзувчи роман марказига туркман аёли тақдирини қўяр экан, шу асосда ўтмишдаги узукжамолларнинг босиб ўтган тарихий йўлини бадий умуллаштиради.

Узукжамол камбағал бир оиланинг фарзанди. Чўпон Берди билан турмуш қуриш орзусида юрганида бойлар уни олиб қочади. Камбағал оила бошига тушган бу кулфатдан кейин романдаги воқеалар тасвири кескинлашади. Қизни Бекмуродбойлардан қайтариб олиш учун қишлоқ камбағаллари билан душманлар ўртасида судда бўлган тортишувлар, Узукжамолнинг Сайдахмад эшоннинг уйига келтирилиши, бу ердаги ифлос ҳаёт шароити, яна Бекмуродбойлар тузоғига илиниш, кундош азоблари, Омонмуроднинг Узукжамолга нисбатан ваҳшиёна муносабатлари, Берди ва Турдининг Бекмуродбойлардан ўч олиш йўлидаги ҳаракатлари тўқнашувларда, жиддий конфликтларда кўрсатилади. Икки ўртадаги бу кураш воқеаларнинг янада мураккаблашишига, зиддиятнинг янада зўрайишига замин яратади.

Бироқ реал воқеликни кескинлаштириб тасвирлашда «Қисмат» романи «Ўтган кунлар»дан биров фарқ қилади. А.Қодирий романнинг биринчи бўлимида реал вазиятни кескинлаштириш йўлидан боради ва қаҳрамон характеридаги олижаноб хислатларни шу усул билан далиллайди. Ҳомид иғвоси билан Отабекнинг икки марта қамоққа олиниши, Қушбеги ва Мусулмонқул билан юзма-юз тўқнашув, ўлим жазосига ҳукм қилингандаги вазиятни эслайлик. Романнинг иккинчи бўлимида муаллиф образ характерида очишда бошқа усулни ишга солади. Реал вазиятни кескинлаштириш билан бирга қаҳрамоннинг ички дунёсидаги кол-

лизияни, руҳий драмани кўрсатишга ўтади. Отабек ўзи ис-тамаган ҳолда иккинчи марта уйланади. Кумушбиби ҳам Отабекнинг иккинчи уйланишига иложсиз рози бўлди. Отабек муҳаббатини ота-она орзусига қурбон қилганидан руҳан эзилади. Воқеа ривожланган сари Отабек қалбидаги руҳий дард кучая боради. Ёзувчи романда қаҳрамондаги бу психологик ҳолатни бир қатор чекка воситалар билан изоҳлайди. Қаҳрамоннинг Марғилон йўлидаги кайфиятига пейзаж контрасти, ер ҳайдаб юрган деҳқон ашуласи, бошқа шахсларнинг қисмати билан қиёслаш (Уста Олим ҳикояси), куй-музика воситалари (бўзахонадаги «Наво», «Савт» куйлари) кабиларни кўз олдингизга келтиринг. Кумушбиби ҳам шунга яқин психологик дардга мубтало бўлади. Қизнинг муҳаббат қурбони бўлаётганини ёзувчи психологик планда талқин этади. Кумушнинг Ҳомид юритган иғво хат туфайли чеккан изтироблари, Отабекнинг хиёнат қилишига гоҳ ишониши, гоҳ ишонмаслиги, бу зиддиятли кечинмалар туфайли руҳий эзилишлари китобхоннинг туйғуларини ҳам кўзга ташлади. А.Қодирий шундай усул билан образлардаги юксак ахлоқни, гўзал инсоний муҳаббатни, вафо ва садоқатни улуғлашга муваффақ бўлган ва китобхонни қаҳрамон тақдирига ром эта олган.

«Қисмат» романида воқеалар драматизми, образлар характерида очиш усуллари сал бошқачароқ шаклда. Агар А.Қодирий Отабек ва Кумушбибининг характер хусусиятларини очишда психологик талқинга кўпроқ аҳамият берган бўлса, Х.Деряев «Қисмат»да Берди ва Узукжамол характерида очиш учун жиддий конфликтлар яратиш усулини танлайди. Ёзувчи қаҳрамонларни очиқ кураш майдонига олиб чиқади, драматик воқеалар туркумини яратиш, ўша юзма-юз тўқнашувларда уларни синаб қўради. Бойлар Узукжамолни олиб қочган. Қиз Бекмуродбой уйида. Бу хонадонда у яна бир даҳшатли қисматга дуч келади. Омонмуродга никоҳ ваколатини олиб бериш учун Узукжамолни қийнайдилар. Ниятига етолмагач, Омонмурод қизни шафқатсиз қалтаклайди. Сайдахмад эшон Узукжамолнинг номусига тажовуз қилади. Омонмуроднинг хотини Тожисултоннинг ҳақоратлари, тухматлари ҳаммасидан ошиб тушади. Узукжамолни Бекмуродбойлардан қайтариб олиш учун бўлган уринишлар, суддаги тортишув, қизнинг Берди билан Ашхабодга қочиши, у ердаги

тўқнашув ва яна таслим бўлиб бойлар тузоғига илиниш, бу оғир қисматдан қутулишнинг ўлимдан бошқа чорасини тополмасдан Узукнинг ўзини дарёга ташлаши ва шунга ўхшаш воқеалар тасвири ўта драматик ва ҳаяжонли. Агар А. Қодирий «Ўтган кунлар»да образларнинг психологик фожиасини кўрсатиш учун ички вазиятни кескинлаштирса, Х. Деряев бу масалада характерларaro тўқнашувга, очиқ кураш тасвирига алоҳида эътибор беради.

Воқеаларни кескинлаштириб, драматизм яратишда Х. Деряев услубига хос яна бир ўзига хослик бор. Ёзувчи воқеаларга кўп аралашмайди, худди сахна асаридагидек манфатлари зид кучларни тўқнаштиради. Образлар характерига хос хислатлар ана шу олишувда очилади. Х. Деряев оддий тасвирларда ҳам драматик руҳни сақлашга ҳаракат қилади. Бир мисол: «Кўниш бойбичанинг тўрт ўғли бор. Ҳар бири камида иккитадан хотин олган. Кечқурун келинлар бу даргоҳнинг энг эрка бойбичаси Кўниш кампирнинг атрофида гирди капалак. Бири чой қайнатиб келади, бири чойни қуйиб қайнонага узатади, бири қайнонанинг пешонаси терлаганини кўрса, тоза рўмолча беради. Кўнишбойбича уларнинг бирортасини суймай қолса-ю, ўғилларига ёмонласа, ўша келин учун қора кунлар бошланади. Шунинг учун келинлар ундан балодан кўрққандай кўрқишади»¹.

Ниҳоятда ихчам тасвир. Шу қисқа тасвир орқали ҳам муаллиф Бекмуродбойларга ўхшаганлар хонадони ўтмишда аёллар учун зулм ва зўравонлик ўчоғи эканлигини бадиий далиллай олган.

Хуллас, «Ўтган кунлар» романида А. Қодирий услубига хос ижодий приём — воқеаларни кескинлаштириб тасвирлаш, драматизм «Қисмат» романида ўзига хос шаклда, ўзига хос ижодий принципда қўлланилади. Муҳими, асардаги ҳамма драматик воқеалар у ёки бу образнинг бирор янги қиррасини ёритишга, қаҳрамон ҳақида китобхоннинг тасаввурини кенгайтиришга қаратилган. Бундай ёндашув ва талқин Х. Деряевнинг мавзунини ёритишдаги ижодий индивидуаллигининг бир кўринишидир.

¹ Х. Деряев. Қисмат. Биринчи китоб. Тошкент., Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967., 151-бет. (Туркманчадан *Пиримқул Қодиров* таржимаси)

СИРЛИ ТАСВИРЛАР, ҲАЯЖОНЛИ ВОҚЕАЛАР

Ҳар қандай шеърый, насрий ёки драматик асарда воқеани таъсирли, қизиқарли қилиб тасвирлаш бадиийликнинг муҳим талабларидан бири. Ёзувчи ўзидаги қалб гўзаллигини, эҳтирос тўлқинларини асарига кўчира олсагина китобхон юрагига йўл топади. Акс ҳолда атоқли ёзувчи Абдулла Қаҳҳор ёзганидек: «*Ҳис қилинмай ёзилган асар қоғоздан ясалган гулга ўхшаб*», ўқувчига ҳеч қандай бадиий-эстетик завқ беролмайди.

Абдулла Қодирий романларининг китобхонлар ўртасида шуҳрат қозонишининг бир сабаби шундаки, улар мукамал бадиий шаклда ёзилган ва ҳаяжон билан ўқилади, китобхонга бекиёс эстетик завқ беради. «Ўтган кунлар» романи бу масалада юксак довонни забт этган нодир роман. Романнинг бадиияти китобхонни ром этади. Воқеалар ривождаги гоҳ оддий тасвир, гоҳ драматик кескинлик, кутилмаганда воқеалар оқимида рўй берадиган ўзгариш ва бурилишлар, кўп тармоқли сюжет чизиқлари, чиндан ҳам, булар романнинг қизиқарли ва таъсирли бўлишида муҳим роль ўйнаган бадиий компонентлардир. Тасвирда воқеанинг бир томонини ёки қаҳрамонни ўқувчидан сир тутиш, воқеаларни кескин бурилишларда, кутилмаган шароитларда кўрсатиш «Ўтган кунлар»да А. Қодирий услубига хос хусусиятки, бу усул романнинг таъсирли ва ўқимишли чиқишини таъминлаган.

«Қисмат» романида мазкур ижодий приёмнинг излари-ни кузатдик ва Х. Деряев романни ёзиш жараёнида бу ижодий усулга мурожаат этган деган хулосага келдик. Фикри-миз исботига мисоллар келтирамиз. Маълумки, «Ўтган кунлар» романида «сир» сақлаш приёми алоҳида ўринни эгаллайди¹. Бу усул китобхонни роман воқеаларига, қаҳрамонлар тақдирига қизиқтиришда муҳим бадиий восита бўлган. Мана, романнинг илк боблари. Отабек ошиқ. Лекин у кимга, қачон ошиқ бўлган? Бу ўқувчига номаълум. Китобхон эса Отабек қалбига муҳаббат учқунини ташлаган ўша сирли қаҳрамонни тезроқ билгиси келади. Кумушби-

¹ М. Қўшжонов. Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати. Тошкент, «Фан», 1966., 8-15 бетлар.

бининг ҳам кимгадир ишқи тушган. Ёзувчи унинг кимга ошиқ бўлгани ҳақидаги сирни очмайди. Фақат унинг портретини чизишда қизда пайдо бўлган сирли психологик ўзгаришларга *«тун ҳам йиғлайди, кун ҳам, сабабини сўраса жавоб бермайдирда, дўланадек кўз ёшини оқиза беради»*, унинг *«нимадандир чўчиган, нимадандир уялган»* каби руҳий ҳолатига алоҳида урғу бериш билан чекланади.

«Қисмат» романида бу приём ўзига хос бир шаклда қўлланилган. Х. Деряев ҳам бу усулдан ўқувчини воқеага, қаҳрамон тақдирига қизиқтириш воситаси сифатида фойдаланган. Лекин «Қисмат»даги бу ижодий приём «Ўтган кунлар» романидаги сир сақлаш усулидан бироз фарқ қилади. «Ўтган кунлар» романи бир жилдли асар, «Қисмат»га нисбатан композиция жиҳатидан ихчам асар. «Қисмат» кўп жилдлик роман, композиция жиҳатидан кўп планли асар. «Ўтган кунлар» романида сир сақлаш приёми алоҳида эпизодларда, алоҳида деталларда ишлатилади. «Қисмат»да эса бу адабий усул асосан воқеаларни, қаҳрамонларни китобдан китобга кўчириш пайтида, мураккаб сюжет чизиқлари яратишда қўлланилади. Мисолларга мурожаат этайлик. Берди Узукжамол билан Сайдахмад эшоннинг уйидан Ашхабодга қочади. Бундан хабар топган Бекмуродбой қизни қайтариб олиш учун ўз йигитлари ва отлиқ полициячиларни Бердилар яшаб турган уйга бошлаб боради. Қаттиқ тўқнашувдан кейин Берди ва бир неча қишлоқ йигитлари қамоқхонага олиб кетилади. Берди қамоқхонада. Бекмуродбой қамоқхона назоратчисига катта пора бериб Бердини энг хатарли маҳбуслар орасига ташлатган. У умрбод каторга бўлиши ёки отилиши керак. Вазият шундан дарак бериб туради. Ёзувчи қаҳрамонни ўқувчини ҳаяжонга соладиган қалтис шароитта олиб бориб қўяди-да, навбатдаги воқеалар тафсилотига ўтади. Узукжамол тақдири билан боғлиқ кўпгина воқеалар тасвири берилади.

Ёзувчи романнинг биринчи китобини якунлар экан, иккинчи қаҳрамон Узукжамол тақдирига ҳам ўқувчини «шерик» қилиш мақсадида бир мураккаб сюжет чизиғи яратади. Бекмуродбойнинг онаси Қўнишбойбича ўғли Чорининг ўлимига Узукжамол сабабчи деб уни ҳар кун таъқиб қилади. Омонмурод қизни калтаклайди. Узукжамол Омонмурод хонадонидан бир дақиқа ҳам қолишни истамайди.

Ўлимдан бошқа нажот тополмай ярим кечада Мурғоб дарёси қирғоғига келади ва ўзини дарёга ташлайди. Ёзувчи қаҳрамонларининг тақдирини шу хилда сирли ҳолатда якунлайди: бирини Ашхабод қамоқхонасига «ташлайди», иккинчисини Мурғоб дарёсига «чўктиради». Романнинг биринчи китоби шу жумбоқ билан тугайди. Улар бу оғир вазиятдан қутула оладиларми, йўқми китобхонга қоронғи. Бу усул биринчи китоб билан иккинчи китоб ўртасида мантикий бирликни таъминлашда «кўприк» вазифасини ўтаган.

Романнинг иккинчи китобида воқеалар мантиқан давом эттирилади. Биринчи китобда қаҳрамонларнинг очилмай қолган сирли тақдири иккинчи китобда очилади. Ёзувчи иккинчи китоб билан учинчи китобни боғлашда ҳам бу усулдан фойдаланади. Иккинчи китобнинг охириги боби Узукжамол қисматининг сирли ҳолатда қолиши билан якунланади. Бекмуродбой ва Омонмурод қиздан ўч олиш, уни ўлдириш пайига тушади. Ярим тунда Узукжамол ётган хонага бостириб кирадилар. Қўлида ханжари билан қизга ташланадилар. Тўс-тўполон, ур-йиқит бошланади. Воқеа шу билан тамом. Бу ерда ҳам ўша усул. Қаҳрамон тақдири номаълум. У душманлар қўлида ўлган бўлиши ҳам мумкин. Бирор фавқуллодда сабаб билан тирик қолган бўлиши ҳам эҳтимол. Бундай вазиятда баъзан Узукжамолнинг омон қолишидан кўра унинг ўлиб кетиши ҳақиқатга яқинроқдек туюлади. Лекин роман давом қилади. Демак, Узукжамол тақдири ҳали тўла ҳал бўлмаган. Унинг қисмати билан боғлиқ воқеалар учинчи китобда яна тасвирланади.

Х. Деряев худди шу усулни учинчи китобдан тўртинчи китобга ўтишда ҳам ишлатади. Узук ярим кечада Омонмуроднинг уйидан қочиб чиқади ва шаҳарга йўл олади. Тақдир тўфони Узукни тасодифан Черкез эшоннинг уйига олиб боради. Қиз яна тузоққа илинганини билиб қийналади. Черкез бир вақтлар унга ошиқ бўлган, уйланмоқчи бўлиб кўп ҳаракатлар ҳам қилган, лекин нияти амалга ошмаган эди. Энди қиз ўз оёғи билан уйига келди. Бу гал ҳам у ўша ниятини қизга яна эслатади. Узук Омонмуроддан талоқ хати бўлмагунча никоҳга розилик бермаслигини айтгач, Черкез қишлоққа жўнайди. Қайтиб келса уйда Узук йўқ. Романнинг қарийб ярмига борганда, китобхон қаҳрамонни «йўқотиб» қўяди. Ёзувчи романнинг охириги бобида

қадар унинг тақдирини ўқувчидан сир сақлайди, бирор жойда у ҳақда маълумот бермайди. Бу орада ёзувчи романнинг умумий ғоясини очишга хизмат қиладиган бир неча сюжет чизиқларини ривожлантиради. Шундан кейингина муаллиф ўқувчини «йўқолган» қаҳрамон билан яна учраштиради. Воқеа мана бундай бўлади: кунларнинг бирида бир рус аёл шаҳар бозорига чиройли тўқилган гилам солади. Гилам харидорларнинг диққатини жалб этади. Ҳамма гилам атрофига тўпланишади. Гиламнинг қаердан олингани, ким тўқигани билан қизиқсинадилар. Тўпланганлар орасида Субҳон хасис билан Омонмурод ҳам пайдо бўлиб қолади. Субҳон хасис гиламни танийди. Омонмуродга: бу гиламни Узук тўқиган, ўшандан бошқа бундай чиройли гилам тўқий олмайди, у тўқиган гиламдан тўрттаси ҳозир ҳам менинг уйимда бор, шу гиламга ўхшайди. Гиламни Узук тўқиганига сира шубҳа қилма! Шу аёлни қўлдан чиқармасанг, Узукни топасан, дейди. Омонмурод аёлга: бу гилам меники, яқинда ўғирлатган эдим, бу хотин менинг гиламимни ўғирлабди, деб бозорда шовқин кўтариб, рус аёлига тўхмат қилади, уни милицияга судрай бошлайди. Аёл ҳақиқатни айтишдан қўрқиб, унга эргашади. Милицияда Омонмурод Субҳон хасисни гувоҳликка қўйиб, гилам меники деб туриб олади. Милиция ходими рус аёлни ҳар қанча қистамасин, у гиламни қаердан олганини айтмайди. Иш ревкомгача бориб этади. Омонмурод билан Субҳон хасис аёлнинг орқасидан соядек эргашади, ҳар қадамни кузатиб боради. Рус аёл ревком раисига бор ҳақиқатни айтади. Маълум бўладики, Узукжамол Черкезнинг уйидан қочиб кетгач, шу рус аёлнинг уйидан паноҳ топган. Бу рус аёл унга ғамхўрлик қилиб, ўқиш, ёзишни ўргатган. Бу уйда Узук гилам тўқиш билан ҳам машғул бўлган. Узук тўқиган гиламни эса рус аёл бозорга олиб чиққан.

Тўғри, бу ерда рус аёлнинг Узук тўқиган гиламни бозорга олиб бориши, худди шу кун Омонмурод билан Субҳон хасиснинг бозорга келиши, айнан шу гиламга, худди шу рус аёлга дуч келиши бироз тасодикийдек туюлади. Лекин ёзувчи ўз маҳорати билан китобхонни бу воқеага ишонтира олган. Ёзувчи сир сақлаш усулига ниҳоятда содиқ. У Узукни ревкомга келтириб, борлигини айтиб ўтиш билан қаноатланмайди, роман воқеаларини давом эттириш

мақсадида унинг тақдирини бошқа томонга буриб юборади. Узук топилди. Лекин кутилмаганда қиз қисмати билан боғлиқ яна бир сирли фожиа рўй беради. Шу жумбоқ билан ҳам роман якунланади. Ёзувчи романнинг ҳар бир китобини якунлашдан олдин воқеалар, характерлар мантиқидан келиб чиқиб, образлар тақдири билан боғлиқ чигал сюжет чизиги яратади-да, асарни мураккаб драматик воқеа билан тугатади. Тасвир давомида воқеани ёки образни сир тутиш ва шу орқали ўқувчини унинг тақдирига қизиқтириш роман ўрталарида ҳам, маълум бир воқеага боғланган ҳолда ҳам қўлланилган.

«Ўтган кунлар» романида А.Қодирий қўллаган «сир» сақлаш усулини туркман ёзувчиси «Қисмат»да ўзига хос услуб ва усулларда маҳорат билан фойдаланган. Бу ижодий приёми ёзувчига романнинг тўрт китоби ўртасида мантикий уйғунликни таъминлашга ёрдам берганидек, катта ғоявий-бадиий масалаларни ҳал этишда ҳам қўл келган. Баъзан бундай сирли воқеалар, сирли қаҳрамонлар роман финалига таъсир этиб, мураккаб тугунларни ечишда восита бўлган.

«Ўтган кунлар» романида А.Қодирий услубига доир яна бир ўзига хослик, бу ёзувчининг воқеаларни кескин бурилишларда тасвирлашидир. Муаллиф баъзан фавқуллодда китобхонни ҳаяжонга соладиган, кутилмаган қалтис вазиятлар яратади. Гоҳида эса оддий эпик тасвирга ўтиб, китобхонни ҳам «тинчлантиради». Бир мисол. Отабек Марғилонлик Мирзакарим қутидорнинг қизи Кумушбибига уйланади. Ҳомид Отабекни Қўқон хонига қарши қилиб кўрсатадиган тўхмат уюштиради. Қўқон хони Отабек ва Мирзакарим қутидорни дорга осишга ҳукм этади. Бундай дақиқаларда китобхон жуда ҳаяжонланади, вазият оқибатини сабрсизлик билан кутади. Бироқ бирдангина кутилмаган ҳолат юз беради. Отабек билан Мирзакарим қутидор ўлимдан омон қоладилар. Уларни бу фожиадан омон сақлаб қолган нарсаси Юсуфбек ҳожининг Азизбекни қоралаб Марғилонда савдо ишлари билан юрган Отабекка ёзган мактуби бўлиб чиқади. Ҳукм ижро этилиш дақиқаларида Кумушбиби шу мактубни қўшбегига келтириб беради.

Ҳомид ғаразли ишини давом эттиради. Энди у Отабек ва уни озод қилган Ўтаббой қўшбеги устидан ифво уюштиради. Отабекнинг ҳаёти яна хавф остида. Бу галги вазият

ва муҳаббат масалалари суҳбат мавзусига айланади. Турли гуруҳ кишиларининг бу ҳақдаги қарашлари баён этилади. Отабек, Раҳмат ва Ҳомид оила ва муҳаббат юзасидан фикрлашмоқдалар:

Менимча, уйланишдек нозик бир иш дунёда йўқдир, — деди Раҳмат ва Отабекка юз ўгирди. — Уйланган хотининг таъбингга мувофиқ келса, бу жуда яхши, йўқса мунчалик оғир гап дунёда бўлмас!

Отабек Раҳматнинг бу сўзини самимият билан қаршилади:

— Сўзингизнинг тўғрилигига шубҳа йўқ, — деди, — аммо шуни ҳам қўшмоқ керакки, оладиган хотинингиз сизга мувофиқ бўлиши баробарида эр ҳам хотинга мувофиқ таъб (муносиб) бўлсин.

Отабек турмушда, шахсий ва оилавий ҳаётда ҳам эркин, ўз даврига нисбатан илғор фикрли шахс. У ўша замон руҳига зид қарашларни олға сурапти. Азалдан одат бўлган хотин-қизларни камситиш, истаклари билан ҳисоблашмасликка қарши эркин муҳаббатни ҳимоя қилмоқда. Лекин Отабекнинг бу фикри дарҳол феодал муҳити вакиллариининг қаршичилигига учрайди. Ҳомид Отабекка қарши чиқади:

Хотинга мувофиқ бўлиш ва бўлмасликнинг унча кераги йўқ. Хотинларга «эр» деган исмнинг ўзи кифоя. Аммо, хотин деган эрга мувофиқ бўлса бас. Хотиннинг кўнглинга мувофиқ келмас экан, мувофиғини олиб, хотинни икки қил. Буниси ҳам келишмаса учинчисини ол! Қамчингдан қон томса, юзта хотин билан ҳам роҳатланиб тириклик қила оласан. Мен бу кунгача икки хотин ўртасида туриб жанжалга тўйганимча йўқ, аммо хотинни учта қилишга ҳам ўйим йўқ эмас!

Ҳомиднинг муҳаббат ва оилага муносабати, қарашлари шу! Бу икки шахснинг кейинги ҳаракат доираси бошқа масалаларда бир-бирига зид икки хил дунёқараш асосида кенгайиб, кескинлашиб боради. Романнинг биринчи бобларида ўртага қўйилган оила ва муҳаббат масалалари иккинчи бобдан бошлаб ҳаётнинг ижтимоий муаммолари билан боғланиб кетади. Қўқон ва Тошкент хонликлари ўртасидаги низолар, тахт учун бўлган урушлар билан қўшиб тасвирланади. Бу ижтимоий-тарихий муҳит Отабек ва Кумушнинг оилавий бахтига чанг солиши табиий эди. Ота-она орзуси

уларнинг эркин муҳаббат ҳақидаги армонларини саробга айлантиради, мурод-мақсадларига ета олмай, фожиага учрайди. Ёзувчи бу фожиянинг илдизларини чуқурроқ ёритиш, қаҳрамонлар бошига тушган кулфатларни бадий диллаш учун бир қатор воқеалар тизмасини яратади. Отабек ота-она розилигисиз, уларнинг орзу-ҳаваси билан ҳисоблашмасдан севган қизига уйланади. Бу уйланишга Ўзбек ойим тамоман қарши. У ўғлини Тошкентдан уйлантирмоқчи эди. Лекин ҳали ҳам у ниятидан қайтмайди. Отабекнинг кўнглини марғилонлик келиндан совутиб, Тошкентдан уйлантириш учун барча имкониятини ишга солади. Энди Отабек муҳаббатининг тақдири ота-она орзуси ихтиёрига ўтади. Отабек ўзбек халқининг асрий миллий урф-одатлари билан ҳисоблашмасликка ҳаққи йўқ эди. Ота-она олдидagi фарзаншлик бурчини адо этиши, иккинчи марта уйланиши шарт эди.

Кундош тўғрисидаги хабар Кумушбибини ҳам оғир руҳий кайфиятга солади. Ҳар қанча қийналмасин, ота-онасининг ихтиёри билан ҳисоблашишга мажбур бўлади. Отабекнинг иккинчи уйланишига розилик беради. Ҳомид Отабек номидан сохта «талоқ хати» уюштириб, Кумушбибига руҳий зарба беради. Шундай хиёнатномалари билан Отабекни ҳам қийнайди. Ҳомид мактубларини ҳақиқат деб тушунган Мирзакарим қутидор зўр энтиқиш ва қувонч билан Марғилонга келган куёви Отабекни уйдан ҳайдайди. Ҳомиднинг қабих ҳатти-ҳаракатлари туфайли Кумушбиви ҳам, Отабек ҳам руҳий қийналади.

Роман охишлаб борган сари китобхон қаҳрамонлар тақдирида жиддий бурилиш ясайдиган воқеалар тасвири билан танишиб боради. Кумуш Зайнаб билан рўпара келгач, ундаги рашк ўти алангаланган бошлайди. Кумуш гўзал қиёфаси, муомиласи билан бутун оила аъзоларини ўзига ром этиб олади. Ўзбек ойим ҳам батамом Кумуш томонга ўтиб кетгач, Зайнаб ўзини Юсуфбек ҳожилар хонадонидан ортиқчадай сезади. Энг даҳшатли қотилликка қўл уради. Кумушни заҳарлайди. Бу фожиа Отабекка катта маънавий зарба бўлади. Авваллари ўлим билан юзма-юз келганда ҳам ўзини йўқотмаган Отабек бу мусибат қаршисида ожизлик қилади. Муҳаббатсиз ҳаёт унинг учун маъносиз бир нарсага айланади ва у Чор Россияси билан бўлган урушга кетиб, жангда

халок бўлади. Отабек ва Кумушбиби муҳаббатининг тақдирини шу хилдаги фожиа билан тугайди. Ёзувчи бу фожиа сабабини ҳам изоҳлайди. Эркин муҳаббатга тўсқинлик қилган ҳукмрон тартиблар, оилада устувор саналган баъзи эски анъаналар ёшлар муҳаббатини барбод қилган ижтимоий-маънавий куч сифатида қораланади. Шу асосда янги замоннинг қадрига етиш гоёси илгари сурилади.

«Қисмат» романида муҳаббат ва инсон тақдирининг талқини бироз бошқачароқ. Агар А.Қодирий «Ўтган кунлар» романи марказига оила ва муҳаббат мавзусини қўйган бўлса, Х.Деряев роман асосига туркман аёлининг тарихий ва ижтимоий тақдирини қўяди. Агар А.Қодирий ўз даврининг Тоҳир-Зухралари, Фарҳод-Ширинлари бўлмиш Отабек ва Кумушбиби муҳаббати мисолида феодал жамият ва шахс зиддияти масалаларини биринчи планга олиб чиққан бўлса, Х.Деряев ўтмишда оддий туркман аёли бошига тушган кулфатларнинг ижтимоий илдизини кенгроқ ёритишни назарда тутди.

Х.Деряевнинг бу мавзуга алоҳида урғу қилиши бежиз эмас. Ўтмишда туркман хотин-қизларининг ҳаёти ачинарли эди. Ёзувчи туркман аёлларининг ўз озодликлари учун олиб борган курашлар тарихини бой ҳаёт материаллари асосида, Узук образи мисолида кенг ёритади. Бу мавзу романнинг биринчи боблариданоқ қаламга олинади. Узукнинг муҳаббати, орзу-ҳаваси топталади. Бойлар уни олиб қочади. Ёзувчи Узук образига хос характер хусусиятларини кундошлар билан бўлган тўқнашувда очиқ боради. Душманлар билан ҳар бир тўқнашув Узук тақдирида ўз изларини қолдиради. Никоҳ маросими. Омонмуроднинг катта хотини Тожисултон Узукни кўриб қутура бошлайди, аёвсиз тепкилайди. Калтак зарбидан қиз ҳушидан кетади. Кундош билан биринчи учрашув Узук қисматида шундай мусибат билан тугайди. Бундай даҳшатли ҳаракатлар кўп маротаба такрорланади. Турди Оллоқулини Бекмуродбойдан айнитиб, ўзига ҳамроҳ қилиб олган. Натижада Бекмуродбой отидан, милтигидан ажралиб қолади. Бу омадсизлик Қўнишбойбичага яра устига туз сепгандай таъсир этади. Ҳаммасига Узук сабабчи деб, аламини ундан олади. Бекмуродбойлар хонадонда Узукка кун бермайдиган кундоши Тожисултон. У Узукни бадном қилиш йўлига ўтади. Сайдахмад эшондан

«дуо» ёздириб олиб, Узук ухлаганда бошига тақиб қўяди. Пайт пойлаб Омонмуродга: пуштингни куйдирадиган тумор бу, деб кўрсатади. Омонмурод Узукни шафқатсиз калтаклайди.

Кундошлар ўртасидаги муносабатлар, можаролар «Ўтган кунлар» романида ҳам тасвирланган. Лекин ундаги муносабатлар талқини «Қисмат»дагидан бошқача характерда. Бу фарқлар, аввало, образларнинг индивидуал хусусиятлари билан боғлиқ. «Ўтган кунлар»даги Зайнаб оғир табиат, камгап, содда бир қиз. Рашк ўтига берилган пайтларда ҳам вазиятга қараб дарров хулоса чиқарадиган, ўша вазиятга мос бирор тadbир, чора кўриш учун шошиладиган аёл эмас. У кундошлик дардини қанчалик оғир бўлмасин, ичига ютиб, пинҳон сақлайди. Ҳатто Кумуш билан юзма-юз келганда ҳам кундошига рашкни сездирмасликка ҳаракат қилади. У Кумуш билан айрим масалаларда тортишиб қолса-да, очиқ ҳужумга ўтолмайди. Шу хислатлари билан Зайнаб «Қисмат»даги Тожисултоннинг акси. Тожисултон шаддол, ҳийлагар аёл. У истагига қарши келган ҳар қандай одам билан очикчасига тўқнаша олади. Ҳатто у эрини ҳам ҳақорат қилишдан тоймайдиган тип. Хулди шундай фарқлар Отабек ва Омонмуродда ҳам бор. Отабек мулоҳазали, муҳаббатни қалрлайдиган шахс. У Зайнабнинг Кумушга очик ҳужум қилишига йўл қўймайди. Омонмурод инсонийликдан маҳрум, муҳаббатни таҳқирлайдиган бир кимса. Шу боисдан ҳам хотини Тожисултоннинг Узукжамолга нисбатан ваҳшиёна муносабатларига қаршилиқ кўрсатмайди. Романда Узук дунёкарашида жиддий бурилиш содир этган яна бир эпизод бор. Тақдир Узукни Сайдахмад эшоннинг уйига келтиради. Фисқу фасод уяси бўлган бу хонадонда уни яна бир аччиқ қисмат кутиб турган эди. Ҳалол, виждонли диндор деб эътиқод қўйиб юрган одами — Сайдахмад эшоннинг номусини топташга уринади. Бу етмагандек, эшоннинг ўғли Черкез қўшмачи Энақути ёрдамида Узукни қўлга олиш учун кўп ҳийла ишлатади.

Энақутининг характер хусусияти, ҳаракатлари «Ўтган кунлар»даги ёсумон Жаннат кампирни эслатади. Ҳомид Отабек билан Кумушнинг муҳаббатига раҳна солишда, оиласини бузишда айёр Жаннатдан фойдаланади. Жаннат ҳийла ишлатиб, Кумушбиби ва Отабекка руҳий зарбалар беради,

пул учун пасткашлик қилади. Энакутининг ҳаракатлари, қўшмачилиги Жаннат кампирга ўхшаб кетади. Энакути ҳам шахсий манфаат деб ёсумонлик қилади. Узукка ўзини «хотлис» хизматкор қилиб кўрсатиб, уни алдайди. Ярим тунда «сени четки ҳужрада севган йигитинг кутиб турибди», деб алдаб чиқариб Черкезга рўпара қилади, бунинг эвазига Черкездан пул ундиради. Жаннат кампир билан қўшмачи Энакути образлари ўртасидаги бу ўхшашлик тасодифий эмас. Х.Деряев билан бўлган бир суҳбатимизда Энакути образини яратишда «Ўтган кунлар» романидаги Жаннат кампир образидан улги олганлигини, унинг баъзи ҳаракатларини Энакутига кўчирганини айтган эди. Энакути китобхонга Жаннат кампирни ҳар қанча эслатмасин, бари бир у романда оригинал тип сифатида ўз ўрнига эга. Х.Деряев Жаннат образини такрорлаган эмас. Энакути чинакам миллий ҳарактер сифатида талқин этилган романдаги унутилмас образлардан бири.

Агар А.Қодирий Отабек ва Кумушнинг муҳаббати билан боғлиқ муаммоларни кўпроқ психологик планда ёритса, Х.Деряев Берди ва Узукнинг муҳаббатдаги омадсизлигини жиддий конфликтларда, очик курашда кўрсатади.

«Қисмат» романида муҳаббат мавзусига доир масалалар ижтимоий-сиёсий воқеалар билан уйғунлашиб кетади. Муаммонинг ижтимоий илдизлари тераброқ очилади. Берди ва Узук муҳаббатига тўсқинлик қилган куч адолатсиз тузум деган гоё романнинг маъно-моҳиятига сингдирилган.

Отабек ва Кумушбиби орзуларига эришолмади, муҳаббати қурбон бўлди. Бу билан ёзувчи эски жамиятда эркин муҳаббат қарор топиши мумкин эмаслигини бир қатор ҳаёт фактлари асосида далиллайди ва муҳим хулоса чиқаради. «Қисмат»да Берди ва Узук муҳаббатининг талқини тамоман бошқа. Қаҳрамонлар ўз тақдирларини ўзлари яратиш, озодликка эришиш учун фаол кураш олиб борадилар ва ўзлари орзу қилган мақсадга етадилар. Ҳар икки романда тасвирланган воқеалар реал, ҳаққоний ва далилланган. «Ўтган кунлар»даги Отабек ва Кумуш тақдирининг аянчали якунланиши ўша замон руҳига мос ва давр нуқтаи назаридан типик бўлганидек, «Қисмат»да тасвирланган Берди ва Узук тақдирларининг беҳатар ҳал бўлиши ҳам тас-

вир объекти бўлган давр руҳига мос ва типик эди. Икки ёзувчи бу ҳаёт ҳақиқатини ўзларича идрок этганлар, ўзига хос маҳорат билан тасвирлаб, асосли мантикий хулоса чиқарганлар.

«Ўтган кунлар» ва «Қисмат» романлари узоқ ва яқин ўтмиш тарихини бадиий талқин этиш жиҳатидан ҳам ўзаро фарқ қилади. А.Қодирий «Ўтган кунлар»га узоқ мозий қартинасини танлаганди. Аслида ёзувчининг мақсади, тарихнинг «энг кир ва қора кунлари»ни рад этиш орқали янги ҳаётни тасдиқлаш эди. А.Қодирий романда бу гоёни юксак маҳорат билан акс эттирди. Х.Деряев «Қисмат»да бу анъанани давом эттиради, ривожлантиради. Туркман халқининг яқин тарихидаги мураккаб турмуш тарзини қоралайди, озод ҳаёт куриш йўлидаги курашини қувватлайди, янги ҳаётнинг тантанасини кўрсатади.

* * *

«Ўтган кунлар» ҳам, «Қисмат» ҳам ҳар икки адабиётда реалистик роман жанрини бошлаб берган асарлар. Агар «Ўтган кунлар» А.Қодирийни биринчи ўзбек романнависи сифатида машҳур этиб, уни Ўрта Осиё ва Қозоғистон, ҳатто дунёнинг энг кўзга кўринган ёзувчилари қаторига олиб чиққан бўлса, «Қисмат» билан Х.Деряев туркман реалистик романи жанрига асос солди. «Қисмат» туркман романчилигининг катта ютуғи сифатида унинг ҳозирги тараққиёт босқичида салмоқли ўринни эгаллаб турибди.

Х.Деряев «Қисмат» романи билан ўзбек китобхонлари ўртасида кенг танилди. Унинг биринчи ва иккинчи китоблари таниқли ёзувчи Пиримқул Қодиров томонидан ўзбек тилига ўгирилиб, икки марта катта нусхаларда нашр этилди. Роман асосида Ўзбекистон телевидениесининг кўп қисмли телеспектакл тайёрлаб, томошабинларга намоиш қилгани, роман мухлисларининг доирасини янада кенгайтди. А.Қодирий романларидан илҳом олиб яратилган бу асарнинг муаллифи Хидир Деряевни эса ўзбек адабиётининг яқин дўсти, ўқувчиларининг севимли ёзувчиларидан бирига айлантди.

1978

МИЛЛИЙ АДАБИЁТЛАРНИНГ ЎЗАРО БОЙИШИ

ОМОН КЕКИЛОВ ҒАФУР ҒУЛОМ ҲАҚИДА¹

Ўзбек ва туркман адабий алоқаларининг ривожланишида Ғафур Ғуломнинг роли алоҳида. Шоир ҳаётлик даврида икки адабиётнинг дўстлик алоқаларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Унинг шеърлари Туркменистонда анча машҳур. Туркман шоирлари ва ёзувчилари Ғафур Ғуломни ўзларига яқин олиб «ўз шахириimiz» ёки «Ғафур оғамиз» деб ҳурмат билан тилга олишади.

Ғафур Ғуломнинг Туркменистон ҳаёти, адабиёти ва маданияти билан танишувининг, ижодкорлари билан дўстона алоқалар ўрнатишининг ўзига хос тарихи бор. Шоир ҳамيشа қардош халқнинг адабиёти ва маданиятига қизиқиб, унинг тараққиётини кузатиб борган, ютуқларидан қувонган. Доймо туркман ҳаёти ва адабиётига яқин бўлишга интиларди. Туркменистонда ўтган ўзбек адабиёти ва санъати ўн кунликлари шоир учун қулай имконият яратади. Учрашувлардаги ўзаро суҳбатлар, адабиётнинг турли муаммолари юзасидан фикр алмашишлар, қизғин мушоиралар, пахтакорлар ва чорвадорлар, нефтчилар ҳузурида бўлиб, уларнинг меҳнат, турмуш шароитлари билан танишув Ғафур Ғуломда чуқур таассурот қолдиради ва илҳом бағишлайди.

Бевосита мавзу таҳлилига ўтишдан олдин Ғафур Ғулом ва Берди Кербобоев ўртасида узоқ йиллар давом этган шахсий дўстлик, ижодий ҳамкорлик ўзбек ва туркман адабиётлари алоқалари китобининг ойдин саҳифаларидан бирини ташкил этадики, бу ҳақда қисман бўлса-да, сўз юритишни жоиз ҳисобладик. Ғафур Ғулом вафот қилганига қирқ йилдан ошди. Лекин ҳозирга қадар ҳам туркман адиблари унинг туркман адабиёти ва ёзувчилари билан алоқалари тўғрисида

¹ Мақола адабиётшунос Гуландом Қурамбосва билан ҳамкорликда ёзилди.

мақолалар, хотиралар ёзишда давом этмоқда. Шу фактнинг ўзиёқ туркман қаламкашларининг Ғафур Ғулом шахсига, ижодига бўлган ҳурматининг рамзидир.

Ғафур Ғулом ва Берди Кербобоев ораларидаги дўстликни шахсан кузатган туркман шоири Ота Отажонов «Битта нондан бошланган йўл» номли мақоласида ўша тарихий учрашувлардан бирини шундай хотирлайди: «Ғафур Ғулом билан Берди Кербобоевнинг оташин дўстлиги ҳақида қанча ёзилса ҳам оз. Бу икки оқсоқолнинг дўстона учрашувларидан бир нечасига мен ҳам гувоҳ бўлганман. «Мабодо туркман ерига, Ашхободга йўлим тушадиган бўлса, бу тупроққа таъзим қилмасдан, Берди оғага салом бермасдан, унинг тузини тотмасдан ўтиб кетолмайман», деган гапини Ғафур Ғулом жуда кўп такрорлар эдилар. Ғафур ака ҳаммадан кўра ҳам шеър тинглашни яхши кўрардилар. Дастурхон ёзилганда ёки овқат тортилиш олдида: «Келинлар, бир шеър эшитайлик» дердилар. Шеърдан олган таассуротлари яхшими, ёмонми юзларида шундоқ акс этиб турарди».

Берди Кербобоев ва Ғафур Ғулом ўзаро дўстлик муносабатларини умрларининг охиригача давом эттирдилар, ўзбек ва туркман адабиёти алоқаларини мустаҳкамлаш учун кўп ибратли тадбирларни амалга оширдилар. Ғафур Ғулом халқлар дўстлиги ҳақида сўз очганда ҳам, қардош адабиётлар ҳамкорлиги хусусида бирор мақола ёзганда ҳам Берди Кербобоев номини, асарларини биринчилар қаторида тилга олади. Унинг тимсолида туркий адабиётларнинг бўй-бастини, халқларнинг бахт-саодати учун тинимсиз ижод қилаётган бутун Шарқнинг қоядек байналминал ёзувчисини кўради. Бу икки улуг сўз санъаткорининг шахсий дўстлиги, ижодий алоқалари алоҳида тадқиқот мавзуси. Лекин биз ҳозир бу хусусда кенг сўз юритмоқчи эмасмиз. Ғафур Ғуломнинг бошқа бир туркман ижодкори билан муносабатлари, ҳамкорлигининг самаралари тўғрисида батафсилроқ маълумот бермоқчимиз. Бу – Туркменистон Фанлар академиясининг академиги, таниқли адабиётшунос олим, атоқли шоир Омон Кекиловдир. У Ғафур Ғуломни яхши билган, бир неча марта учрашиб, суҳбатларидан баҳраманд бўлган туркман адибларидан бири.

О.Кекилов Ғафур Ғулом вафотидан сўнг унинг хотирасига бағишлаб «Бизнинг Ғафур оғамиз»номли эссе ёзиб,

уни Туркманистон матбуотида эълон қилди, устозига бўлган ҳурматини изҳор этди. Ушбу мақола икки академик-адибнинг шахсий муносабатлари ҳақидагина эмас. У шахсий дўстликнинг ижодий ҳамкорликка айланиш жараёнлари хусусида қизиқарли маълумотлар бериши жиҳатидан икки адабиётшунослик учун ҳам аҳамиятлидир. Мақола туркман ва ўзбек адабий-маданий алоқалари тарихида алоҳида аҳамиятга эга тадқиқотдир.

О.Кекилов Фафур Фуломни бешад ҳурмат қилган туркман зиёлиларидан бири. Мақолада ўзбек шоирининг шахсий фазилятларини, ижод аҳлини қадрлашдаги жонкуярлиги ва талабчанлигини, ғамхўрлиги ва камтаринлигини далиллайдиган бир неча воқеалар қизиқарли ҳикоя қилинади. Бир вақтлар Фафур Фуломдек катта шоир ўғитларидан баҳраманд бўлиб, адабиёт сирларини ўрганган, кейинчалик туркман адабиёти ва адабиётшунослигининг йирик арбоби даражасига кўтарилган О.Кекиловнинг мақолада келтирган фактлари, фикрлари икки адабиёт ҳамкорлиги яқин ўтмишда самарали бўлганидан дарак беради.

Мақола ҳажман анча катта. Жуда қизиқарли услубда ёзилган, зерикмасдан ўқийсиз. У очерк-ҳикояга ҳам ўхшаб кетади. Омон Кекиловнинг ёзувчилик маҳорати, шоирлик истеъдоди фактларни қизиқарли баён этишда қўл келгани сезилиб туради. Мақоланинг кириш қисми шундай жумлалар билан бошланади: «Мен бугун дўстимни ёд этиб, қўлимга қалам олдим. Бунинг сабаби бор, албатта. Мен сабабини ҳикоям давомида айтаман. 1962 йилда республикаимизда ўзбек адабиёти ҳафталиги ўтказилди. Ҳафталик давомида ўзбек ёзувчилари билан кўп марта учрашувлар ўтказдик. Ижодий режаларимиз, ишларимиз ҳақида фикрлашдик. Шундай учрашувларнинг бирида мен машҳур ўзбек шоири Фафур Фулом ҳақида сўз очиб, у билан илк бор танишувим, Бутунитғифоқ Ёзувчилари уюшмасининг курултойларида, Тошкентда, Ашхабодда ва бошқа жойлардаги учрашувларим, мулоқотларим тўғрисида қисқа гапириб бердим. Ўзбек ва туркман ёзувчиларининг ҳаммаси ўринларидан туриб, Фафур оға билан қадах уриштирдилар. Шу пайт ўзбек шоири ва драматурги Уйғун менга мурожаат қилди: Омон ака, мен сизнинг ҳозир айтган гапларингизни диққат билан тингладим. Агар сиз шу материални мақола шаклида бўладими

ёки хотира шаклида, ўзингизга қайси қулай бўлса, бир жойда — бизда ёки ўзингизда эълон қилсангиз, бу бизнинг ёзувчиларимиз учун ҳам, адабиётшуносларимиз учун ҳам жуда қимматли адабий манба, Туркманистон ва Ўзбекистон ёзувчилари ўртасидаги адабий алоқанинг жонли мисоли, муҳим факти бўларди. Сиз шу хусусда бир ўйлаб кўринг, деди. Уйғуннинг бу маслаҳати, чиндан ҳам, мени ўйлан-тирди, ўзимда ҳам шундай ният борлигини унга айтиб, берган маслаҳати учун миннатдорчилик билдирдим. Ўша суҳбатимиздан бери беш йилга яқин вақт ўтди. Бу давр ичида кўп ўзгаришлар содир бўлди, ҳар хил воқеалар юз берди. Шулардан бири Уйғуннинг юқоридаги маслаҳатини яна эсимга солди, ваъдада вафоли бўлишга ундади»¹.

«Бизнинг Фафур оғамиз» номли мақоланинг ёзилишига туртки бўлган ҳаётий факт шу. О.Кекиловнинг Уйғун маслаҳати билан ушбу мақолани ёзгани, келажак авлодга мерос қолдиргани айни муддао бўлган. У эссе жанрининг илк намуналаридан бири сифатида ҳам ҳар икки адабиёт учун керак адабий-публицистик асар. Давр нуқтаи назаридан у кўп ижодкорларга ўрнак. Тўғри, бундай эссе-хотиралар матбуотда тез-тез босилиб туради. Лекин улар кўпинча ўз адабиётларимиз доирасида қолаяпти. Қардош адабиёт намоёндаларининг ўзбек ижодкорлари ҳақидаги эсселари, ўзбек шоир ва ёзувчиларининг бошқа қардош адабиёт вакиллари тўғрисидаги эсдаликлари ҳам икки республика матбуотида тез-тез кўриниб турса, адабий алоқаларимизни ривожлантириш билан бирга байналминал дўстлигимизнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилган бўлур эди. Шу маънода, О.Кекиловнинг «Бизнинг Фафур оғамиз» мақоласининг илмий-амалий аҳамияти ғоят улкан. Шунинг учун ҳам биз унинг ўзбек ва туркман адабий алоқалари саҳифаларини бойитадиган, халқларимиз дўстлигига хизмат қиладиган нуқталарини танлаб, илк бор илмий муомилага киритмоқдамиз. Эссенинг яна бир аҳамиятли томони бор. У Фафур Фуломнинг шахс ва ижодкор сифатида ҳали кўпчиликка унчалик маълум бўлмаган янги қирраларини кашф этиш жиҳатидан ҳам аҳамиятли.

¹ А.Кекилов. Бизинг Гафур ағамиз. «Эдебият ва сунгат», 1967., 13 май. Мазкур мақоладан бундан кейин келтириладиган мисоллар ўз таржимамизда берилди.

О.Кекилов Фафур Фулом билан собиқ шўролар итти-фоқи доирасида ўтказилган кўп адабий анжуманларда бир-га иштирок этганлиги, қаерда бўлмасин, ўзбек шоирининг олқишлар билан кутиб олиниши, нутқлари хусусида гапиради. Қардош адабиётлар вакиллари ҳақидаги фикрларидан намуналар ҳам келтирадики, бу мулоҳазалар ўзбек адабиёт-шунослиги учун ҳам фойдалидир. Жумладан, Фафур Фуломнинг буюк озарбайжон шоири Низомий Ганжавий ижодида бағишланиб Бокуда ўтказилган тантананда сўзлаган нутқи мақолада кенг шарҳланади ва ўзбек шоири Ганжавий меросининг чуқур билимдони, миллий адабиётларнинг чинакам жонкуяри, уларнинг тараққиёти учун ғамхўрлик қиладиган байналминал шоир сифатида таърифланади.

О.Кекиловнинг Фафур Фулом билан илк учрашуви мақолада кўрсатилганидек, ўтган асрнинг 30- йилларининг биринчи ярмига тўғри келади. Аниқроғи, улар собиқ итти-фоқ Ёзувчиларининг биринчи съездида учрашган ва танишган. О.Кекилов ўзбек шоири билан илк учрашувни мақолада қуйидагича ҳикоя қилади: Съезд тамом бўлгач, эртасига О.Кекилов Фафур Фулом билан бир поездда, бир вагонда Ватанига қайтади». У (Фафур Фулом — К.Қ., Г.Қ.) — вагонда келаётган ёзувчиларнинг диққатини дарров ўзига тортиб олди. Биринчи кунданок ёзувчилар уни «оқсоқол» деб атаб бошлади. Халқининг ўтмиши, адабиёти, болалик йиллари тўғрисидаги қизиқарли ҳикоялари манзилнинг узоклигини ҳам баъзан унуттириб юборарди. Унинг ҳар бир сўзи, ҳикояси ўтирганларда кулги, завқ-шавқ уйғотарди. Бу ҳазилларнинг замирида катта ҳаётий маъно ётганлигини тушиниш қийин эмасди. Фафур ака сўзлаётганда ташқаридан унга диққат билан разм солган киши ўзининг руҳий жиҳатдан бойиб, дунёқарашни кенгайиб бораётганини ҳис қиларди. Ўз халқининг, авлодларининг ташвишларини елкасига ортган, поэтик тафаккури бақувват, шарқона илм-билимни ўзида уйғунлаштирган донишманд бир инсонни кўз олдида келтирарди».

О.Кекилов Фафур Фуломга хос донишмандликни, ҳазил-мутойибага мойилликни, одамшавандаликни кўриб, ҳайратга тушади. Унинг ижодий салоҳиятига ҳам тан беради. Фафур Фулом тимсолида ўз ижодий тажрибалари билан бошқаларга ҳам маслаҳат ва ёрдам қўлини чўзишга доимо тайёр му-

раббийни кўргандек бўлади. Ф.Фулом билан бўлган суҳбати чоғида О.Кекилов ундан кўп нарсаларни ўрганганлигини, бу ижодий сабоқ кейинчалик адабий фаолиятида қўл келганини миннатдорчилик билан эслайди. Поезд вагониди ўша йиллари бу икки адиб ораларида бўлиб ўтган қўйидаги суҳбат мазмуни бугунги ижодкорлар учун ҳам ибратдир. «Вагондагиларнинг энг ёши мен эдим, — деб ҳикоясини давом эттиради О.Кекилов мақолада. — Бир куни Фафур Фулом кутилмаганда менга кетма-кет саволлар ёғдириб, мени «имтиҳон» қила бошлади.

— Ёшинг нечада?

— Йигирма иккида.

— Нима ёзасан?

— Шеър ёзаман.

— Демак, сен шоирсан! Ўзингизникилардан ташқари неча мисра шеърни ёд биласан? Мен бу саволга қандай жавоб беришимни билмасдан, дудуқланиб қолдим. Хўжанафас (Хўжанафас Чориев — К.Қ., Г.Қ.) билан Ота (Ота Ниязов — К.Қ., Г.Қ.) улар ҳам съездга қатнашган туркман делегатлари бўлиб, вагонда Фафур Фулом билан бирга келишаётган эди)га савол назари билан қарадим. Уларнинг имо-ишорасидан: Ҳа, нега даминг ичинга тушиб кетди, жавоб бер! деган маънони англадим.

— Неча сатр эканлигини айтилмайман, лекин бироз ёд биладиган шеърларим бор.

— Тахминан қанча минг мисра?

«Минг» сўзи мени довдиратиб қўйди. Ҳақиқатан ҳам, мен дарсга тайёрланмай келган ўқувчининг айнан ўзига айландим қолдим! Бироз тин олиб:

— Мингга етмайди, — дедим.

— Бу бўлмайди! Шоир шеърни севиши ва кўп ўқиши керак. Мен қадимий ўзбек шеърлатидан ўн мингдан ортиқ мисрани ёд биламан.

— Ўзинг ёзган шеърларингдан қанча сатрини ёд айта оласан?

Бу савол мен учун олдингисидан ҳам қийин бўлди. Чунки мен ўша вақтларда декламация ва қўшиқ қилиб айтиладиган уч-тўрт шеърдан бошқа ҳеч нарсани билмас эдим. Фафур ака менинг «аҳволимни» сизди шекилли, жавобимни кутиб ўтирмасдан, умумий оҳангда суҳбатни давом эттирди:

— Яхши ёзилган шеър ҳамиша хотирада қолади. Шоир ўзи ёзган шеърини ўзи ёд билмаса, бошқалар уни қандай қилиб эсида сақласин!

Сўнг Фафур Фулом Шарқ шеърятининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида, замонавий шеърятнинг қандай йўллар билан ривожланиши лозимлиги тўғрисида шахсий нуқтаи назарларини гапириб берди. Сўз орасида яна менга қараб: — Мен сени ранжитмадимми, хафа бўлмадингми? — деб кулиб қўйди.

Фафур Фулом билан бўлган илк учрашувдаги бу суҳбат кечагидек ёдимда. Унинг мазмунини мени ўйлашга даъват этадиган, сабоқ бўладиган жиҳатлар анчагина эди. Мен кейинчалик бу маслаҳатга амал қилдим ва у менга катта фойда берди. Алоҳида-алоҳида шеърларимнигина эмас, ҳатто «Севги» шеърый романимнинг тахминан уч минг сатрдан иборат биринчи китобини ёд билардим. Эҳтимол, бунда бир вақтлар вагонда Фафур Фулом билан бўлган юқоридаги суҳбатнинг таъсири бордир».

Агар эътибор берган бўлсангиз, Фафур Фулом ва Омон Кекилов ораларида поезддаги ўша савол-жавоб, «имтиҳон»-дан кейин орадан ўттиз йилдан ортиқ вақт ўтган, мулоқотнинг барча тафсилотлари, энг майда деталларигача, О.Кекиловнинг хотирасида сақланган. Мақолада тилга олинган баъзи фактлар Фафур Фуломнинг ижодкор сифатидаги бадиий-эстетик қарашларини кўрсатувчи адабий манба ҳамдир. Шоирнинг Шарқ ва ўзбек мумтоз адабиётининг билимдони экани адабий-илмий жамоатчиликка маълум. Бироқ унинг ўзбек мумтоз шеърятини намуналаридан ўн минг мисрани ёд билиши ҳақидаги маълумотни адабиёт ихлосмандларининг ҳаммаси ҳам билавермаса керак. *Шоир ўзи ёзган шеърни ўзи ёд билмаса, бошқалар уни қандай ёдида сақлайди ёки шеър ёдда қолиши учун яхши ёзилган бўлиши лозим* деган оддий, лекин чуқур маъноли фикрлар, гарчи, О.Кекиловга нисбатан айtilган бўлса-да, улар ҳар бир шоирга тегишли, умуман, адабиётнинг ўзига хос талабларидан бири. Шу хилдаги фикрлар ўқувчининг Фафур Фуломнинг адабий-эстетик қарашлари ҳақидаги тасаввурини бойитади.

Мақоладаги яна бир аҳамиятли фактни кенгроқ шарҳламоқчимиз. Фафур Фулом хонадонининг эшиги барча ижодкорлар учун, айниқса, бошловчи ёзувчилар учун доимо очик

бўлган. Бу даргоҳга кўп қалам аҳллари ташриф буюриб, улуг шоирнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлганлар. Адабий маслаҳатлар олиб турганлиги тўғрисида кўп эшитганмиз, мақолаларда, хотираларда ўқиганмиз. Шоир хонадони нафақат ўзбекистонлик ижодкорлар, айни пайтда, Ўрта Осиё, қолаверса, собиқ шўролар иттифоқидаги кўп ёзувчи ва шоирлар учун ҳам ўз уйидек бўлиб қолган эди. Фафур Фулом ижодлагина эмас, ҳаётда ҳам том маънодаги байналминал инсон бўлган. Б.Кербобоев, М.Турсунзода, С.Муқонов, М.Авезов, А.Тўқамбоев, Ч.Айтматов, С.Рустам, О.Отажонов, Р.Ҳамзатов, Ж.Оймирзаев, И.Юсупов ва яна ўнлаб шоир ҳамда ёзувчиларнинг Фафур Фулом ҳақидаги эсдаликларида бу ҳақда айtilган.

О.Кекилов ўз ҳаётий тажрибасида учраган қизиқарли турмуш воқеалари билан бу фактларнинг устини тўлдиради. О.Кекилов Фафур Фулом билан Тошкентда учрагани, унинг хонадонига меҳмонда бўлиши тафсилотларини ҳам мақолада қуйидаги мазмунда ҳикоя қилади. «1950 йил эди. Ўша йилнинг ёз ойларидан бирида мен Тошкентга ижодий сафарга бордим. Сафаримнинг мақсади «Зухра ва Тоҳир» ҳақидаги ўзбек эртаклари, шунингдек, ҳозирги замон ўзбек ёзувчиларининг шу йўналишдаги асарлари билан танишишдан ва Мулланафаснинг «Зухра ва Тоҳир» достонининг Тошкентда, Орифжонов босмахонасида чоп этилган нусхасининг йилини аниқлашдан иборат эди. Поезддан тушиб таксига ўтирдиму, тўғри Ўзбекистон Фанлар академиясига йўл олдим. Ҳайдовчи билан ҳисоблашиб, академия биноси томон юра бошлаганимда «Омон!, Омон!» деган овоз эшитилди. Қайрилиб қарасам, кучоқ очиб, қўлларини ёйиб Фафур ака келаяпти. У мендан бир парча қоғоз сўради. Мен дафтарчамдан бир варагини йиртиб бердим. У қоғозга бир нима-лар деб ёзди-да:

— Мана, менинг манзилим, эртага, албатта, уйга бор. Ҳозир бизнинг пленумимиз давом этапти, ташвишларимиз кўп. Бугун кечкурун тамом бўлади. Сени эртага уйда кутаман — деди. Ўша куннинг эртасига эрталаб ёзиб берилган манзил бўйича Виктор Николаевич Малинин (Ўзбекистон Фанлар академиясининг ўша вақтдаги масъул ходими. У кўп йиллар Туркменистонда ишлаган, О.Кекиловнинг у билан шахсий танишлиги ҳам бўлган. — К.Қ., Г.Қ.) билан

Ғафур Фуломнинг уйига бордик. Унинг ҳовлиси катта экан. Мевали дарахлари ҳам кўп экан. У бизни ҳовлининг ўрта-сидаги бир қаватли меҳмонхонасида қабул қилди. Озгина овқатланганимиздан кейин у мени ўзининг иш хонасига бошлаб борди. Ўзининг ёзув столини кўрсатди-да: — Сен мана шу столга ўтир, сенга керак одамларнинг ҳаммаси навбатма-навбат ёнингга келади. Сен улар билан шошил-масдан суҳбатлаш, керак нарсаларингни ёзиб ол, кейин яна меҳмондорчиликни давом эттирамиз. Мен энди меҳмонлар олдига чиқай, — деди-да, пастга тушиб кетди. Буни қарангки, Ғафур ака «Зухра ва Тоҳир» достони билан шуғулланиб юрган ўзбек ижодкорларининг ҳаммасини мен билан учраштириш учун уйига таклиф қилибди! Мен улар билан уч соатга яқин гурунглашдим. Улар менинг диссертациям учун жуда қимматли материаллар беришди. Бутун юртга танилган машҳур шоир, ўз халқининг олими ва донишманди — бу камтарин, оддий одамнинг ўзим учун қилган ғамхўрликлари, юксак одамгарчилиги мени жуда тўлқинлантириб юборган эди. Мен ўзимдаги қувончни, миннатдорлик туйғуларимни Ғафур Фуломга қандай изҳор этишни билмай, икки қўлимни унинг елкасига қўйиб:

— Раҳмат сизга Ғафур ака, раҳмат! дедим.

— Ғафур Фуломни ёд қилиб келган туркман боласига раҳмат, — деб ҳазил қилиб кулди ва менинг қўлимдан ушлаб меҳмонхонасига бошлаб кетди. Ўзбек ёзувчилари ва олимлари билан узоқ вақт турли мавзуларда суҳбат қуриб ўтирдик».

О.Кекилов мазкур қаторларни қанчалик тўлқинланиб қогозга туширган бўлса, ўқиган ўқувчи ҳам қалбида шундай туйғуни ҳис этади. Бу меҳмондорчилик тимсолида биз туркман адабиётига катта ҳурмат кўрсатган, унинг ижод аҳлига ғамхўрлик қилган, икки адабиёт дўстлигини барқарор этишга астойдил интилан меҳридарё ўзбек адибини тасаввур қиламиз ва фахрланамиз.

Мақолада ўқувчини ҳаяжонга соладиган яна бир кичкина лавҳа бор. Одатда, бир ижодкор иккинчи бир ижодкор билан танишганда, имкони борича дастхат ёзилган китобини ҳадя этишга ҳаракат қилади. Дўстликнинг ўзига хос рамзий «кўприги» саналган бундай китобларга муаллифнинг самимий сўзлари, олижаноб истаклари битилган бўла-

ди. Баъзан бундай дастхатларда билдирилган орзу-истаклар йиллар ўтган сари инсон қалбига қаттиқроқ муҳрланиб бораверади. Ғ.Фулом бир вақтлар О.Кекиловга дастхат ёзилган китобини тақдим этган экан. Мақолани ёзиш жараёнида муаллиф ушбу дастхатни ҳам ёдга олади ва уни тўла келтиради. Бу детал хусусида алоҳида тўхтаётганимизнинг сабаби шундаки, дастхатда билдирилган тилакларнинг катта ижтимоий-таълимий маъноси бор. У оддий қардошлик ҳадяси эмас. Мазмунида инсонни ҳамиша яхши сўзлар ила ёд этиб туриш лозимлиги тўғрисидаги теран маъно ҳам жамулжам. Дастхат билан боғлиқ тафсилотни О.Кекилов мақолада қуйидаги мазмунда келтирган: «Ғафур Фулом менга Москвада рус тилида нашр этилган китобини эсдалик учун тақдим этганди. Ўша шеърлар тўплами, мана, ҳозир менинг қўлимда. Китобнинг тўртинчи саҳифаси билан бешинчи саҳифаси оралиғида шоирнинг расми жой олган. Унинг пастида араб ёзувида «Муҳтарам биродарим Кекилов Омонга қардошлик ҳадям. Ғафур Фулом, 1950 йил, 8-феврал» деб ёзилган. Расмнинг чап томонида эса юқоридан пастга «Илтимосим шулдирки, мени ҳеч қачон ёмон сўзлар билан ёд айламанг ва беёд айламанг» деган сўзлар битилган. Бу сўзлар ёзилган вақтида менга қандай таъсир қилганини ҳозир эслолмайман. Лекин айни дақиқаларда бу сўзларни қўлимдаги қоғозга кўчираётганимда қалбим тўлқинланиб, қўлларим титради».

«Бизнинг Ғафур оғамиз» мақоласининг фазилатлари санайверсак кўп. Унда қаламга олинган ҳар бир факт бугунги ижодкорларга ўрнак бўлиши лозим. Кейинги йилларда қардош адабиёт вакиллариининг ўзаро борди-келдилари, дўстлик муносабатлари унутилаётган бир пайтда Ғафур Фулом ва Омон Кекилов дўстлиги ва ижодий ҳамкорлигини ҳар қанча тарғиб қилса арзийди. Мазкур мақола мазмуни ўзбек илмий-адабий жамоатчилигига таниш эмаслигини назарда тутиб, уни кенгроқ шарҳладик. Назаримизда, бу икки шоир дўстлиги ўзбек-туркман адабий алоқаларининг энг мазмунли саҳифаларидан бирини ташкил этади.

Ҳа, Ғафур Фуломнинг номи, асарлари туркман элида жуда қадрланади. «Бизнинг Ғафур оғамиз» мақоласидаги қуйидаги фикр бунинг яна бир исботи: «Ғафур Фулом туркман ёзувчиларининг, китобхонларининг, республикамизда-

ги барча халқнинг дўсти эди. У халқларимиз ўртасидаги биродарликни мустаҳкамлаш учун кўп ишлар қилди, ўзбек шеърятининг шон-шухратини юқори даражага кўтарди. Унинг шакл ва мазмун жиҳатдан бойишига катта ҳисса қўшди. Замондошларига, келажак авлодга бой мерос қолдирган бизнинг Фафур оғамиз маданиятимизнинг барҳаёт сиймоси бўлиб қолажак. Халқи қалбидан чуқур жой эгаллаган Фафур Фулом бунга тўла ҳақлидир».

О.Кекиловнинг мазкур мақоласи Фафур Фулом вафотидан бир йил сўнг ёзилган ва 1967 йилда Туркменистонда ўтказилган ўзбек адабиёти ва санъати ҳафталиги давом этаётган кунларда туркман матбуотида босилган. Афсуски, мақола ҳозирга қадар ўзбек тилида чоп этилмади. Умид қиламизки, Ўзбекистон ва Туркменистон ижодкорлари ўртасидаги адабий алоқаларнинг яхши мисолига айланган бу эссе-мақола билан халқимиз яқин вақтларда таништирилади. Ва айни чоғда, у Фафур Фулом ҳақидаги эсдаликлар китобига киритилади.

2006

ШАКЛИ БИР, МАЗМУНИ БОШҚА ҚИССАЛАР

Фафур Фулом қорақалпоқ адабиёти, ижодкорлари билан яқин алоқада бўлган ўзбек шоирларидан бири. Бу адабиётда бирор янгилик пайдо бўлса, чин дилдан қувонди, қўллаб-қувватлади. Икки адабиётнинг манфаати учун қорақалпоқ шоир ва ёзувчилари, олимлари билан дўстона муносабатлар ўрнатиб, борди-келдиларни йўлга қўйди, адабиётлардаги баъзи масалаларни биргаликда ҳал қилишга фаол қатнашди. Унинг Аббоз Добилов, Содиқ Нуриμβетов, Нажим Довқораев, Жўлмирза Оймирзаев, Амет Шомуратов, Наврўз Жапақов, Қалли Айимбетовдек атоқли шоир ва ёзувчилар, олимлар билан ҳамкорликлари, ўзаро фикр алмашувлари яхши натижалар берганлигига мисоллар кўп. Шоирнинг Тиловберган Жумамуратов, Хўжабек Сейитов, Тўлепберган Қайипберганов, Ибройим Юсупов, Бобош Исмоилов, Тождин Сейитжонов сингари адиб-

лар билан ижодий мулоқотлари қорақалпоқ-ўзбек адабий алоқаларининг ёрқин саҳифаларидир. Қорақалпоқ адабий муҳити, ижодкорлари Фафур Фулом учун доимо эътиборли ва ҳурматга сазовор бўлган.

Фафур Фулом қорақалпоқ фольклори ва адабиёти тарихини яхши биларди, айниқса, мумтоз шоирлари Ажиниёз, Бердақ асарлари Фафур Фулом учун қадрли эди. Илмий-назарий анжуманларда Бердақ ижоди бўйича адиб маърузалар ҳам қилгани ҳақида маълумотлар етарли.

Шоирнинг Жўлмирза Оймирзаев билан узоқ йиллар давом этган ижодий ҳамкорлиги ўзбек-қорақалпоқ адабий алоқаларининг ёрқин саҳифаларидан бирини ташкил этади. Улар елкама-елка туриб ўзбек ва қорақалпоқ адабиётларининг тараққиёти, алоқаларининг самарали бўлиши учун ғамхўрлик қилдилар. Икки республикада адабиёт ва санъат кунларини мунтазам ўтказиб туриш, ўзаро таржима ишларини жонлантириш, халқлар дўстлигига бағишлаб асарлар яратиш анъанасини изчил давом эттириш ва яна бошқа адабий-маданий тадбирлар, кўпинча, Фафур Фулом ва Жўлмирза Оймирзаев ташаббуси ва ташкилотчилигида амалга оширилар эди. Ёзувчи имкон қадар Ф.Фуломнинг ижодий тажрибаларидан баҳраманд бўлишга ҳаракат қилди. «Устозимиз — оғамиз»¹ номли мақоласида Ж.Оймирзаев бу ҳақда ёзди ҳам. Фафур Фуломнинг шеърӣ ва насрий асарларининг шаклий ифодаси, ғоявий йўналишлари, яратган баъзи образлари Жўлмирза Оймирзаев учун реал ҳаёт ҳодисаларини бадиий талқин қилишда улғи бўлгани, илҳом бағишлагани ҳақиқат. Масалан, Фафур Фуломнинг «Шум бола» қиссасини ўқиб чиққач, ўзида худди шундай асар ёзиш истаги туғилганини ва «Етимнинг юраги» (ўзбек тилига «Бахт бешиги» деб ўтирилган) повестини бевосита «Шум бола» таъсирида яратганини тан олади².

Икки қисса, чиндан ҳам, бир-бирига ўхшайди. Жанри ҳам бир хил. Бир мавзу, бир давр, ўхшаш тақдирлар тасвирланган. Икки асарнинг марказида ҳам етим қисмати турари. «Шум бола»да етим Шум бола асосий қаҳрамон сифатида ҳаракат қилса, «Етимнинг юраги»да етим Жўлмирза

¹ «Совет Қарақалпақстаны», 1983., 17-май.
² Ўша манба.

бош образ қилиб олинган. «Шум бола»да воқеалар Шум бола тилидан ҳикоя қилинса, «Етимнинг юраги»да Жўлмирза тилидан берилади. Икки қиссада ҳам воқеалар саргузашт характерида. «Шум бола»да Шум боланинг саргузаштлари, «Етимнинг юраги»да Жўлмирзанинг бошидан ўтган воқеалар тасвирланади. Икки қиссада ҳам бош қаҳрамонларнинг сарсон-саргардонликда шаҳарма-шаҳар, овулма-овул кезиб, гаройиб воқеаларнинг устидан чиқишлари, турмуш қийинчиликларига дучор бўлишларида умумийликлар кўп. Бундай ўхшашликлар, асосан, бош образларнинг ҳатти-ҳаракатларида, характер хусусиятларида кўпроқ қузатилади. «Шум бола» қиссасида шундай бир эпизод бор: Шум бола мардикорлик қилиб пул ишлаш учун юрганида бир домлага учраб қолади. Домла уни уйда ишлатиш учун эргаштириб кетади ва унга дейди: «Сенга бир хизмат бор, ўғлим, бир пой ҳўкизим бир неча кундан буён бўкиб, касал бўлиб ётибди. Мана шу асбобларни бошингга қўйиб, хушёрроқ бўлиб ётасан. Мабодо ҳўкиз ёмонлаб қолгудек бўлса, бориб дарров бўғзига пичок тортиб юборасан. Эҳтиёт бўл, лекин тагин ухлаб қолиб, ҳаром ўлдириб қўйма»¹.

Шум бола ярим тунда оғилхона томондан ниманингдир «гурс» этиб йиқилганини, ҳам «хириллай» бошлаганини эшитди-да, домланинг топшириғи эсига тушиб, у томонга пичокни олиб югуради. Қоронғида қайси бири ҳўкиз, қай бири эшак эканлигини ажратолмай, ҳўкизнинг ўрнига домланинг «Бухораи шарифдан уч тиллога олиб келган» эшагини сўйиб қўяди. Ҳўкиз эса ҳаром ўлади. Шум бола бу «холис» хизмати учун эрталаб роса таъзирини ейди, ўлгудек калтакланади. Бир амаллаб томга чиқиб қоча бошлайди. Бир-бирларига туташ томлар устидан қочиб борар экан, бехосдан «тўп» этиб қамиш тупроқ аралаш пастга, ошхонанинг мўрисидан ошхонада турган тандирнинг ичига тушади. Қош қорайганда ошхонанинг эшиги очилиб бир хотин кириб келади, ўчоққа ўгин қалаб мошкичири пишира бошлайди. Таомни тайёрлаб икки идишга солиб, биттасини олиб, иккинчисининг устини бостириб, шу ерда қолдириб чиқиб

¹ *Ф. Ғулом*. Танланган асарлар. 4 томлик. 3 том., Тошкент, 1959, 125-бет. Кейинги мисоллар шу нашрдан бўлади, бети кўрсатилади.

кетади. Сал ўтмай, яна эшик очилиб, бир киши оёқ учидан юриб келади. Бу ўша овқат тайёрлаб кетган хогиннинг ўйнаши эди. Бир пасдан кейин хотин ҳам қўрқа-писа кириб келади: «Кутиб қолмадингизми? Эрим ўлгур бошқа вақт куриб қолгандай, шу бугун нася дафтарларини очиб, олди-га чўтни қўйиб, ҳисобга тушиб кетди, эндигина ухлатдим-да». (129-бет)

Шум бола бу «ошиқ-маъшук»ларнинг пинҳона учрашувини, суҳбатини тандир ичида ўтириб кузатади. Шум боланинг бу ҳаракатини сезиб қолган «ошиқ-маъшук»лар сирлари фош бўлиб қолишидан қўрқиб, унга ялина бошлайди. Шум бола бу «имконият»дан фойдаланиб, уларни анчага туширади. Фақат қорнини тўйғазиш эмас, ҳатто икки танга ҳам ундириб чиқиб кетади.

Тўғри, бу эпизоднинг баъзи лавҳаларида тасодифий ҳолатлар ҳам бор. Айтайлик, Шум боланинг томма-том югуриб, қочиб бораётганда, тасодифан бир уйнинг мўрисидан тушиб кетиши, яна айнан тикка турган тандирнинг ичига тушиши ишончсиздек кўринади. Манзара эртақ воқеасига ўхшаб кетади. Лекин муҳими, биз учун бу эмас. Муҳими, худди шунга ўхшаган воқеанинг, «ошиқ-маъшук»лар ҳақидаги тафсилотнинг «Етимнинг юраги» қиссасида ўзига хос шаклда бадиий талқин этилганида, улар сирини фош қилишдаги ёзувчининг ўзига хослигида.

«Етимнинг юраги»да шунга яқин бир воқеа тасвири бор. Ўрозгул Олланиёзнинг хотини. У Жўлмирзага келинойи. Олланиёз вафот этгандан кейин Ўрозгул овулдаги бир мулла билан «ошиқ-маъшук» бўлиб, яширин «дон олишиб» юради. Жўлмирза унинг қинғир ҳаракатини пайқаб қолади. Буни сезган Ўрозгул нопок ишларини Жўлмирзадан яширин амалга ошира бошлайди. Бир куни шундай воқеа рўй беради: Ўрозгул муллага атайлаб палов тайёрлаб, уйига меҳмонга чақиради. Жўлмирза ҳалақит бермасин деб: мулла-миз болалар олдида овқат ея олмас эканлар, укаларингни олиб ҳовлида ёта қол, дейди ва титилиб кетган кўрпани ҳовлига олиб чиқиб, Жўлмирзага жой қилиб беради, сўнг ичкарига, мулланинг олдида кириб кетади. Кўнгли хунук бир нарсани сезгандек, Жўлмирзанинг уйқуси келмайди. Ёзувчи бу ҳолатни қиссада шундай тасвирлаган: «Бир пайт уй ичидан гунгир-гунгир овоз чиқди. Мулла билан Ўроз-

гул нима ҳақидадир гаплашаётган эди. Гаплари аниқ эшитилмасди. Шунча қулоқ солсам ҳам, гапларини англай олмадим. Беихтиёр ўрнимдан туриб, эшикдан мўраласам, қозон ўчоқдан туширилган экан. Ўрозгул лаганни артиб-тозалаб палов суза бошлади. Садағанг кетай қизил палов, капкирнинг лаганга тегиб тикирлаши биланоқ ҳиди эшикдан чиқиб худди бурнимни қитиқлаётгандай бўлди. Лаззатли палов билан лиммо-лим тўлган лаган мулланинг олдида ёзилган дастурхонга қўйилди. Ўрозгул қулайроқ ўтириб олди-да, хўрознинг бўтақасини, тўшини, сонини устихон деб мулланинг олдида қўйди. Хўроз гўштини тўграб бўлгач, муллага ноз қарашма билан олинг деди. Мулла Ўрозгулга бир қарадию, паловга узун қўлини узатиб оғзини тўлдириб бир ошади».¹

Бу воқеа «Шум бола» қиссасидаги хотиннинг махсус овқат тайёрлаб ўйнашини хилват бир жойга таклиф қилиш эпизодини ва бу ҳаракатларни Шум боланинг тандир ичида ўтириб кузатишини эслатади. Қиссалардаги «ошиқ-маъшук»ларнинг яширин учрашувлари, махсус таом тайёрланиш жараёни, дастурхон бошидаги «олинг-олинг»лар ва кутилмаганда учинчи бир одамнинг пайдо бўлиб қолиши (мулла билан Ўрозгул палов еб ўтирганида уларнинг устига Олламберган келиб қолади) сирларининг фош бўлиши, бу қалтис вазиятдан қутулиш учун қилган ҳаракатларида ташқи ўхшашлик борлигини сезаётган бўлсангиз керак.

Икки қиссани қиёслаш жараёнида яна бир ўхшашлик эътиборимизни тортди. Икки асарда ҳам таомнинг тайёрланиш жараёни батафсилроқ тасвирланган. «Шум бола»да хотин ўйнашига мошкичири тайёрласа, «Етимнинг юраги»да Ўрозгул муллага деб палов пиширади. «Шум бола»да бу тасвир қуйидагича: «Хотин мошкичири қилмоқда эди. Пиёздонинг ҳидлари димоғимга кириб, иштаҳа ҳам номозшомгулнинг карнайидай очилиб кетган. Қозонда бўлган масаллуқларнинг ёғ билан аралашиб чиқазган «жаз-жаз» овози юрагимнинг энг нозик жойларига бориб қадалди.

¹ Ж. Оймирзаев. Бахт бешиги. Тошкент, «Ёш гвардия», 1970. 33-бет. Қорақалпоқ тилидан *Сурайё Сайдалиева* таржимаси. Бундан кейинги мисоллар шу нашрдан бўлади, бети кўрсатилади.

гўё нозли қизларнинг овозидай ашлатиб эркалар эди. Хотин қозоннинг қопқоғини очди, балиқдай бўлиб, оппоқ лаганда мошкичири чиқди, ўртага қўйдилар. Йигит қуллуқ қилди-да, менга озор беришдан чекиниб, тандирнинг устидан турди. Ўчоқнинг олдида тиз чўкиб ўтириб, тамом иштаҳа билан мошкичирини ер эди. Азамат олиб турибди, хотин бўлса ахён-ахёнда ошдан чўқиган бўлиб, ўзининг олдидан чиққан гўштларни ҳам унга суриб бериб турмоқда эди. Мошкичирининг тамом жабр-жафосини тортган, биздай ёнбоши куйган бечоралар тандирнинг ичида азобу-укубатда». (128-бет)

Парчадаги кўп ифодаalar, деталлар, «ошиқ-маъшук»лар ораларидаги муносабатлар, ҳатти-ҳаракатларининг учинчи шахс (тандир ичида Шум боланинг, ҳовлида ётиб, эшик тирқишидан Жўлмирзанинг) томонидан кузатишларидаги ўхшашликлар тасодифий эмасдек кўринади. «Етимнинг юраги»даги Ўрозгулнинг палов тайёрлаш жараёни ҳам, кўп жиҳатдан «Шум бола»даги манзарага ўхшайди. Мана, қиёслаб кўринг: «Ўрозгул қозоннинг қопқоғини очди. Хўроз гўшти солинган паловнинг хушбўй ҳиди сўлагимни оқизиб юборди. Ўрозгул гуручни ағдариб кўрди, капгир билан гурс-гурс уриб, устини сийпалади. Кейин дамлаб қўйди. Гуручни ағдараётганда, ер остидан қараб ўтирганимни Ўрозгул сезган экан. Палов егим келгани шунчаликки, қозондан кўзимни узолмай қолдим. Ўрозгул менга ўқирайиб қараб қўйди. Ўқирайса-ўқираймаса, у билан ишим йўқ, фикри-ёдим паловда. Шу лаззатли паловдан бир ошасам майлийди, деган хаёл кўнглимга қаттиқ ўрнашиб қолди». (32-бет)

Тасвирлар умумийлиги, қаҳрамонлар саргузаштларидаги ўхшашликлар, «ошиқ-маъшук»лар сирини фош қилишдаги услубий яқинликлар, бизнингча, ижодий таъсирнинг самараси. «Етимнинг юраги» қиссасидаги баъзи ҳаётий лавҳалар тасвирида, бош қаҳрамон характери очишга хизмат қиладиган бадий тўқима яратишда, бир сўз билан айтганда, асар сюжетини шакллантиришда Ж. Оймирзаев «Шум бола» тажрибасига таянган. Биз фақат бир эпизодни қиёсладик. Агар икки асар бадий-эстетик услублар, ғоявий йўналиш жиҳатидан кенгроқ солиштириб ўрганилса, адабий таъсирнинг бошқа-да белгиларини аниқлаш мумкин.

«Шум бола» қиссаси Ж.Оймирзаевга ҳаёт материали, шаклий хусусиятлари билан таъсир кўрсатгани, шубҳасиз. Ёзувчи «Шум бола»ни ўқиб ўз ҳаётини, ўтмишини кўз олдида келтирган. Шум боланинг тақдирида ўз тақдирига ўхшашликни кўради. Шум бола босиб ўтган машаққатли ҳаёт йўлини етимликда кечирган азоб-уқубатларга ўхшатади ва шундай мавзуда ҳам бадиий асар яратиш мумкин экан-да, деган фикрга келади, қисса воқеаларини ижодий ҳис қилиб, ўзининг етимлиги тўғрисида бирор асар яратишга қарор қилади. «Шум бола» қиссаси бу ишда ёзувчига маънавий таянч бўлган.

«Етимнинг юраги» қиссаси «Шум бола»га ҳар қанча ўхшамасин, у оригинал асар. Ж.Оймирзаев «Шум бола»нинг мазмунини такрорлаган эмас. Қиссалар услуб томонидан яқин бўлса-да, ифода усуллари, колорити, миллий руҳи билан жиддий фарқ қилади. «Шум бола» ҳажвга, юморга бой қисса. Қаҳрамонларнинг саргузаштлари тасвирида оғзаки ижодга хос хусусиятлар устунроқ. Маълумки, фольклор Фафур Гулом учун ўзига хос бадиий чашма вазифасини ўтаган. Ёзувчи халқ ижодининг ғоявий-эстетик анъаналаридан у ёки бу асарини яратишда фойдаланди. Халқ ҳаётини, орзу-истакларию руҳий оламини, характер хусусиятларию тафаккур уфқини, ранг-баранг тил бойлигини ифодалашда фольклордан ўрганди. Шунинг учун бўлса керак, ёзувчининг ҳикоя ва қиссаларида фольклор мотивлари устивор. Сюжет қуришда, воқсалар баёни ва образлар талқинида, характер яратиш принципларида, юмордан фойдаланиш усулларида халқ дostonлари ва эртакларининг таъсири бор. Халқ ижодига хос қувноқлик, ғоят жозибали, кулгили вазиятлар, ҳолатлар тасвири, ўқувчига завқ берадиган бошқа-да хусусиятлар Ғ.Ғуломнинг ҳажв ва кулгига йўғрилган асарларининг фазилатидир. «Шум бола» шундай характердаги завқбахш асар. Қиссанинг халқимиз орасида оммалашиб кетишининг бир сабаби ҳам юморга бойлигида, образлар нутқининг ўта халқчиллигида бўлса керак.

Ж.Оймирзаевнинг «Етимнинг юраги» қиссаси эса бу масалада бироз бошқачароқ бадиий хусусиятга эга. Воқеалар руҳида, образлар талқинида жиддий, чуқур реалистик тасвир етакчи. «Шум бола»даги воқеаларнинг асосини бадиий тўқима ташкил этса, «Етимнинг юраги»да реал одамлар ҳаёти

тасвирланади. Ж.Оймирзаевнинг ўзи кўрган ёки бошидан ўтказган воқеаларни аниқ манзили, номи билан ҳикоя қилган. Шунинг учун ҳам повесть том маънодаги автобиографик асар. «Шум бола» инқилоб арафасидаги воқеалар тасвири билан якунланади. Ж.Оймирзаев «Етимнинг юраги»да шўро замонидаги тақдири, ҳатто ўтган асрнинг ўттизинчи йилларигача бўлган ҳаёти тўғрисида ҳам ҳикоя қилади.

Қиссалардаги тасвир объекти, қаҳрамонларнинг ҳаракат майдони ҳам турлича. «Шум бола»да образларнинг саргузаштлари Ўзбекистон, Қозоғистон ҳудудлари билан боғлиқ бўлса, «Етимнинг юраги»даги воқеалар Қорақалпоғистонда – Чимбой, Тахтақўпир, Тўртқўлда, яъни қисса қаҳрамонининг ёшлиги ўтган муҳитда бўлиб ўтади. Ушбу фарқлар «Етимнинг юраги» қиссасини қорақалпоқ адабиётини автобиографик жанр билан бойита олган оригинал асар деб хулоса чиқаришга, бизнингча, асос беради.

2006

ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЁТИНИНГ ТАРЖИМОНИ ВА ТАДҚИҚОТЧИСИ¹

Миллий адабиётлар ўртасида алоқаларни ўрнатиш ва мустақамлашда ижодкорларнинг шахсий фаолияти жуда муҳим. Муайян шоир ёки ёзувчининг саъй-ҳаракатларисиз бир адабиётнинг иккинчи миллий адабиёт билан ҳамкорлиги, бир шоир асарининг иккинчи миллий шоир ижодига таъсири ҳақида талқикот олиб бориш яхши самара бермайди. Сабаби ҳар қандай адабий алоқа ва ижодий таъсирнинг натижаси ижодкор шахси билан боғлиқ. Рамзий маънода айтсак, у бир адабиётни иккинчи адабиёт билан боғлайдиган воситачи.

Адабий фаолияти шу хилдаги фазилатлар билан йўғрилган қаламкашлар ҳамма адабиётларда ҳам бор. Ўйлашимизча, таниқли туркман олими, шоир ва таржимон, филология фанлари доктори Аҳмет Мамедов Марказий Осиё адабиётлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга астойдил

¹ Мақола филология фанлари номзоди Гуландом Қурамбоева билан ҳамкорликда ёзилган.

хизмат қилиб келаётган шундай фидоий ижодкорлардан бири. Айниқса, у қорақалпоқ адабий муҳитига яқин, бу адабиётнинг фаол таржимони, тадқиқотчиси ва тарғиботчиси. Мақоламиз давомида сиз фикрларимиз асосли эканлигига ишонч ҳосил қиласиз, деган умиддамиз.

Дастлаб, мен (К.Курамбоев) бир ҳақиқатни тан олиб айтишим зарур. Гап шундаки, Аҳмет Мамедовни ўттиз йилдан бери биламан, илмий ҳамкорлик қилиб келамиз. Агар янглишмасам, 1970 йилнинг ёз ойларида Ўзбекистон Фанлар академияси Пушкин (ҳозирги Навоий) номидаги Тил ва адабиёт институтида у билан биринчи марта учрашиб, танишгандик. Бу даврларда мен мазкур институтнинг аспиранти эдим. Аҳмет Ашхабоддан институтга илмий-ижодий сафарга келганди. Тошкентдаги бир неча кунлик сафарида мен унга ҳамроҳ бўлдим. Илмий тадқиқот институтларига, бошқа ижодий ташкилотларга бирга бордик. Аҳмет шуғулланиб юрган илмий мавзуси бўйича материал тўплаш мақсадида келганини, ўзбек олимлари, шоир ва ёзувчилари билан учрашиш, суҳбатлашиш нияти борлигини айтди. Мен у қизиққан соҳанинг мутахассислари билан уни таништирдим. А.Мамедов улар билан мулоқотда бўлиб, керакли материалларни ёзиб олди. Сўнг яна бир-икки кун Тошкентни бирга айландик. Суҳбатимиз давомида шу нарса маълум бўлдики, унинг номзодлик диссертацияси мавзуси менинг номзодлик диссертациямнинг тадқиқот йўналишига, яъни адабий алоқаларга яқин экан. Тадқиқот мавзуларимизнинг муштараклиги бизни келажакда маслаҳатлашиб, илмий ҳамкорликда иш олиб боришимиз зарурлигини тақозо этарди. Ва биз бундан кейин бир-биримиз билан мактуб орқали бўлса-да, алоқа ўрнатиб, илмий ишларимиз юзасидан фикрлашиб туришга келишиб олдик. Аҳмет Ашхабодга қайтиб кетди.

Диссертациямни ҳимоя қилиш арафаларида мен Ашхабодга бир неча марта бордим. Илмий марказларда, олий ўқув юртлари ва газета-журнал таҳририятларида бўлдим. Илмий ишимга алоқадор олимлар билан учрашиб, суҳбатлашдим. Диссертациямнинг тадқиқот объекти бўлган «Қисмат» романи ва унинг муаллифи, Туркменистон халқ ёзувчиси Хидир Деряев билан бўлган учрашувларим, мулоқотларим, романнинг яратилиш тарихига доир ундан ёзиб олган

материалларим, таассуротларим мен учун беқиёс аҳамиятга эга, унутилмайдиган дақиқалар эди. Қўшжон Саидмедов, Сапар Ўраев, Норқилич Хўжагелдиев, Атамурат Атабаев, Аҳмет Гурбаннепесовдек машҳур ёзувчи ва шоирлар, Боймуҳаммад Гарриев, Мати Кўсасв, Ўдагелди Абдуллаев, Сейит ҳаммад Гарриев, Сайлов Мурадов, Жўра Аллақов, Ашир Ўразов, Дурдимухаммад Нуралиев, Қақа Салихов, Назар Гуллаев, Қақажан Атаевдек атоқли олимлар билан бўлган учрашувларим, қизгин суҳбатларим ҳали ҳануз хотирамдан ўчган эмас. Мен ўша кунларни ҳозир ҳам мамнуният билан эслайман. Менга устоздек бўлиб қолган, ҳеч қачон маслаҳатларини аямаган ҳамкасбларимнинг айримларининг номларини ҳозир тилга олдим. Рўйхатни давом эттириш мумкин. Бу адиб ва олимларнинг қўлчилиги оламдан ўтган, жойлари жаннатда бўлсин! Ҳозирда ҳаёт қаламкаш дўстларим билан илмий-адабий алоқаларим бугун ҳам давом этаётганидан мамнун эканлигимни айтишим зарур деб, ҳисоблайман.

Бу гапларни алоҳида таъкидлаб ёзаётганимнинг сабаби шундаки, менинг туркман адабиёти, энг машҳур ижодкорлари, адабиётшунос олимлари билан танишиб, дўстлик ва илмий ҳамкорлик ришталарини боғлашимда, туркман адабий муҳити билан янада яқинлашишимда Аҳмет Мамедовнинг роли жуда катта бўлди. Мен ундан ҳамиша миннатдорман.

Номзодлик диссертациямни ҳимоя қилганимдан сўнг мен Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институтининг «Адабий алоқалар» бўлимида илмий фаолиятимни бошладим. Институтда ишлаб юрган йилларимда ҳам А.Мамедов билан Тошкентда, Ашхабодда мунтазам учрашиб турдик. Ўша йилларда ҳам у Тошкентга бир неча марта келди. Илмий-адабий давраларга бирга қатнашдик. Ҳар бир ижодий учрашувдан ўзига хос илҳом оларди. Бу учрашувлар изсиз қолиб кетмасди. Шеърлар, очерк ёки публицистик мақолалар шаклида матбуотда босилиб чиқарди. Бу ижодий тажриба туркман-ўзбек адабий алоқаларининг ривожланишига, мундарижасининг бойишига хизмат қилар эди.

1977 йилда мен Тошкентдан Нукус давлат университетида ишга қайтдим. А.Мамедов билан илмий ҳамкорлигимиз бу ерда ҳам давом этди. У Нукусга келди, мен Ашха-

бодга бордим. Алоқаларимиз олдинги йиллардагидан ҳам самаралироқ бўла бошлади. Ахмет туркман адабиётидаги янгиликлар билан мени таништириб борди, янги китоблар юборди. Мен ҳам сўнгги йилларда ўзбек ва қорақалпоқ адабий муҳитида пайдо бўлган янгиликлар, янги чоп этилган илмий-бадий асарлар хусусида унга маълумотлар етказиб турдим. Натижада унинг қорақалпоқ адабиётига қизиқиши ортди. Ижодида қорақалпоқ мавзуси шаклланди. Қорақалпоқ шоирлари асарларини туркман тилига таржима қилишга киришди. Менинг илмий фаолиятим ҳам қорақалпоқ-туркман адабий алоқаларини ўрганишга йўналтирилгани боис А.Мамедов билан Ашхабодда, гоҳ Нукусда ёки Тошҳовузда учрашиб, маслаҳатлашадиган, фикрлашиб турадиган бўлдик. Ўзбек-туркман-қорақалпоқ адабий алоқалари доирасида Ахмет билан анча йиллар давомидаги илмий ҳамкорлигимиз натижаларидан мамнун эканлигимни яна бир бор таъкидлашга бурчлиман.

Мавзунинг илмий таҳлиliga киришмасдан олдин бу гапларни айтишдан мақсадим шуки, мен Ахмет Мамедовни бошқаларга нисбатан олим сифатида ҳам, шоир ва таржимон сифатида ҳам яхши биламан. Унинг ижодий лабораторияси менга яхши таниш. Кўп илмий-бадий асарларининг, таржималарининг яратилиш жараёнларига гувоҳман, десам хато бўлмас. Шоир, олим ва таржимон сифатида Ахметнинг қорақалпоқ адабий муҳитига янада яқинлашишида, ижодкорлари билан дўстона муносабатлар ўрнатишида озгина ҳиссам борлигидан хурсандман.

Бир ҳақиқатни таъкидлаб айтишим зарур. Ҳозирги замон туркман-қорақалпоқ адабий алоқалари ҳақида сўз очганда Ахмет Мамедов ижодини четлаб ўтиш мумкин эмас. Қорақалпоқ адабиётида ҳам, туркман адабиётида ҳам ҳали ҳеч бир ижодкор бу икки адабиёт ўртасидаги алоқаларнинг ривожланишига Ахмет Мамедовчалик ҳисса қўшгани йўқ. Бу фактни ҳар икки республика илмий-адабий жамоатчилиги, мутахассислари яхши билади ва тан олади. Шундай экан, туркман-қорақалпоқ адабий алоқалари тараққиётига катта ҳисса қўшган серқирра бу истеъдод соҳибининг ҳайрли ишлари билан кенг жамоатчиликни таништиришни ҳам қарз, ҳам фарз деб ҳисобладик ва ушбу мақолани ёзишга жазм этдик. Ўйлаймизки, бу ҳаракатимиз сизни бефарқ қол-

дирмайди, оз бўлса-да туркман адабиётига, қолаверса, қорақалпоқ адабиётининг жонкуяри ва дўстига айланган Ахмет Мамедов ижодида нисбатан қизиқишингиз ва ҳурматингизни орттиради.

Ахмет Мамедовнинг илмий-ижодий фаолиятини бевоқифа қорақалпоқ адабий муҳити билан алоқадорликда ўрганишдан олдин унинг туркман адабиёти ва адабиётшунослигидаги ўрни, шоир сифатидаги салоҳияти тўғрисида жамоатчиликка қисман маълумот бериб ўтсак, фойдадан холи бўлмас.

Ахмет Мамедов Туркменистоннинг Тошҳовуз вилоятида туғилган. Болалик ва ўсмирлик йиллари ўша жойда ўтган. 1965 йилда у Туркман давлат университетининг туркман филологияси факультетини тамомлаб, республиканинг турли газета-журналларида меҳнат фаолиятини бошлайди. Адабиётга ҳавас, илмга қизиқиш истаги уни Туркменистон Фанлар академияси Махтумқули номидаги Тил ва адабиёт институтига олиб келади. Бу илмий даргоҳда у илмий ходим бўлиб ишлайди. Бўлажак олимнинг илм соҳасида эришган барча муваффақиятлари шу илмий-тадқиқот институти билан боғлиқ. Салкам қирқ йилдан бери у шу ерда меҳнат қилади. Олим ўнлаб монографиялар, рисоалар нашр эттирди. Юзлаб мақолалар эълон қилди. Адабиётшунос ва танқидчи сифатида танилди, тан олинди. Институтнинг кичик илмий ходимлигидан бўлим мудири лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди. Бу илмий даргоҳда у филология фанлари номзоди (1973), филология фанлари доктори (1991) илмий даражаларига эришди. Бу илм ўчоғи А.Мамедов учун ўсиш, улғайиш, чиниқиш, ижодий-илмий камолот мактаби бўлди.

А.Мамедов илмий фаолиятини қардош адабиётлар ўртасидаги алоқаларни ўрганишдан бошлади. Номзодлик диссертациясига мавзунини ҳам шу соҳадан танлади. Туркман адабиётининг Марказий Осиё адабиётлари билан алоқалари олимни кўпроқ қизиқтирди. Ўзга адабиётларда туркман мавзусида ёзилган шеърый асарларни илмий таҳлил қилишга эътибор қаратди. Кўп ўтмай унинг «Совет Шарқи шеърларида туркман ҳақиқати», «Страницы из взаимосвязей брат-

ских литератур» номли китоблари чоп этилди. Икки китоб ҳам туркман адабиётшунослари билан бирга Марказий Осиёнинг машҳур олимлари томонидан ҳам ижобий баҳоланди, матбуотда ижобий тақризлар босилди. Олимнинг илм йўлидаги илк қадамлари муваффақиятли бўлди. Бу ютуқлар уни янги-янги илмий ишлар ёзишга илҳомлантирди. Энди у туркман адабий жараёнининг долзарб масалаларини ўрганишга қўл урди, фундаментал тадқиқотлар ёзди, салмоқли китоблар нашр эттирди. Олим туркман адабиётшунослигининг диққатдан четда қолиб келаётган илмий муаммоларини ўрганишда фаоллик кўрсата бошлади. Пешқадам адабиётшунослар қаторига ўтиб олди. Ҳозирги кунгача унинг йигирмага яқин илмий китоблари босилди. Муаллифнинг «Туркман насрида Улуғ Ватан уруши тасвири», «Давр ва адабий одимлар» каби монографиялари сўнгги йиллар туркман адабиётшунослиги ва адабий танқидининг салмоқли ютуқларидан бири бўлди, мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Бу китобларда туркман адабий жараёни, тараққиёти тенденциялари холис таҳлил этилди. Ўрганилган асарларнинг ютуқ ва камчиликлари холисона кўрсатилди. Туркман адабиётини қардош халқлар ва жаҳон адабиёти контекстида қиёсий таҳлил қилингани тилга олинган монографияларнинг бош фазилатидир.

Олим илмий фаолияти давомида портрет жанрига алоҳида эътибор беради ва туркман адабиётшунослигида кам ўрганилган ёки умуман ўрганилмаган шоир, ёзувчи, танқидчиларнинг ижодий портретларини яратди. Унинг «Беки Сейтақов», «Ата Ниязовнинг ҳаёти ва ижоди», «Хонқули Тангрибердиевнинг илмий-танқидий мероси», «Сўнмайдиган ва сунмайдиган юлдуз» (машҳур танқидчи Ў.Абдуллаев ҳақида) каби қўламдор монографиялари ҳозирги замон туркман адабиётшунослиги ва танқидчилигининг ютуқлари деб айта оламиз.

Ахмет Мамедовнинг илмий-танқидий фаолияти юқорида тилга олинган китоблардангина иборат эмас. Агар танқидчининг туркман матбуотида, илмий тўпламлар ва альманахларда, бошқа республикаларда босилиб чиққан мақолаларини ҳам қўшиб ҳисобласак, олимнинг адабиётшуносликка доир тадқиқотлари жуда кўп, мавзу доираси кўп қиррали эканлигини кўрамиз. Бу фактлар А.Мамедовни бутунги турк-

ман адабиётшунослиги ва танқидчилигининг фаол олимларидан бири деб ҳулоса чиқаришга асос беради.

Ахмет Мамедов ижодининг яна бир қаноти шеърият билан боғлиқ. У ҳозирги замон туркман шеъриятининг таълиқли вакилларида бири. Замонавий туркман шеъриятининг тараққиёти хусусида гапирилганда, унинг ижоди, лирик асарлари, албатта, тилга олинади. Шоир лирикаси ҳам унинг илмий фаолиятидек сермахсул ва бадиий мукаммал. У шеъриятда ҳам жуда фаол ижод қилиб келмоқда. Ҳозирга қадар ўн бешга яқин шеърий китоби нашр этилди. Ахмет Мамедовда шеъриятга қизиқиш талабалик йилларидан бошланган. Бу қизиқиш ва тинимсиз ижодий изланишлар кейинчалик уни туркман шеъриятининг кўзга кўринган шоирларидан бирига айлантирди. Шоир қаламига мансуб «Фарзанд», «Бир юракнинг торлари», «Гўзал қизлар», «Кўнглим кўзгуси», «Шеърлар гулдастаси» тўпламлари туркман шеърият тараққиётига қўшилган ҳисса. Туркменистонда Ахмет Мамедовни болалар шоири сифатида ҳам яхши билишди. Унинг туркум шеър ва поэмалари, шеърий эртаклари болаларнинг сеvimли асарларига айланганига кўп йиллар бўлди. Унинг «Аланга», «Кундузнинг сурати», «Юлдузли кўл» ва яна бир неча тўпламлари туркман болалар адабиётининг ютуқларидир.

Тўғри, Ахмет Мамедовнинг шеърий китобларининг кўпчилиги шўролар даврида ёзилган ва нашр этилган. Шундай бўлса-да, уларда сохта мадҳиябозлик, қандайдир келгинди мафкуравий таъъийқ остида ёзилганлари кўп ҳам кўзга ташланавермайди. Шоирнинг лирика жанридаги истеъдоди мустақиллик йилларида (Туркменистон 1991 йилнинг 27 октябрида мустақилликка эришган) янада юксалди. Истиқлол шоир орзуларининг рўёбга чиқишига кенг йўл очди. Эмин-эркин ижод қилиши учун шароит яратди. Адиб бу имкониятдан яхши фойдаланди. Мустақиллик гоёларига ҳамоҳанг достонлар, шеърлар ижод этди. Унинг «Қизил шамол», (1995), «Туркманнома» (1996), «Ҳазаллар» (1998) китоблари мустақиллик даври туркман шеъриятининг меваларидир.

«Ҳазаллар» шеърий тўплами фақат шоир ижодидагина эмас, умуман, туркман шеъриятида ўзига хос янгилик бўлди. Муаллиф туркман ижодкорлари назаридан деярли

четда қолиб келаётган ғазал жанрининг яхши намуналарини яратди ва ушбу китобга киритди. Шоирнинг бу ижодий машқлари муваффақиятли чиқди. Бу билан А.Мамедов мумтоз адабиётнинг етакчи шеърий ўлчовларидан бири — аруз вазнида ҳам ижод қилиш қобилиятига эга эканлигини кўрсатди. Унинг Шарқ мумтоз адабиёти намояндаларининг туркум ғазалларини туркман тилига ўгириши ғазал сирларини ўзлаштириб олишида ижодий мактаб вазифасини ўтагани у ёзган ғазаллар руҳида сезилиб туради. Муаллиф тўпلامга ўз ғазалларидан ташқари Навоий, Ҳусайний, Фузулий каби буюк шоирларнинг асарларидан ҳам парчалар таржима қилиб киритган. Ўзбек адабиётининг Уйғун, Собир Абдулла, қорақалпоқ адабиётининг Ибройим Юсупов, Тўлепберган Матмуратов, Абулқосим Ўтепберганов каби шоирлар қаламига мансуб ғазаллардан намуналарнинг туркманчага таржима қилиниб, ушбу китобга илова қилингани ижобий ҳодисадир.

Ҳа, Ахмет Мамедовнинг адабиётшунослик фаолияти ҳам, лирика жанридаги ижодий изланишлари ҳам кўп тармоқли. Биз унинг адабиёт илмига тегишли айрим монографияларини, баъзи шеърий китобларини тилга олдик холос. Мақсадимиз олимнинг илмий-адабий фаолиятининг қорақалпоқ адабиёти билан боғлиқ саҳифаларини батафсилроқ ёритишдан иборат бўлгани боис бу мавзу ҳақидаги фикрларимизни шу жойда якунлашни лозим топдик.

* * *

Ахмет Мамедов, аввало, олим, адабий танқидчи, ҳозирги туркман адабиётшунослигининг кўзга кўринган вакилларида бири: Унинг илмий фаолиятининг муайян бўлагини адабий алоқалар ва таъсирлар, аниқроғи, туркман-қорақалпоқ адабий ҳамкорлиги масаласини ўрганиш ташкил этади. Сабаби олим илм соҳасидаги илк қадамларидан бошлаб то ҳозиргача давом этаётган илмий изланишларида бу мавзуга махсус эътибор қаратиб келмоқда. Муаллифнинг ҳозирги кунгача туркман-қорақалпоқ адабий алоқаларига бағишланган илмий мақолаларининг сони элликдан ошади. Бу ўринда уларни номма-ном санаш ва ҳар бирини шарҳлаш имкони жуда чегараланган. Шу боисдан ҳам унинг фақат туркман-қорақалпоқ адабий жараёнида сезиларли из

қолдирган мақолаларигагина муносабат билдириш билан чекланамиз.

А.Мамедовнинг олимлик салоҳиятида бир хусусият доимо ажралиб туради. У қорақалпоқ мумтоз ва ҳозирги замон адабиётини яхши билади. Ўтган асрларда яшаб ижод этган ва ҳозирда қалам тебратиб келаётган ҳар бир шоир ёки ёзувчининг адабий фаолиятини худди қорақалпоқ адабиётшуносидек, профессионал даражада таҳлил қилиш истеъдодига эга. Муаллифнинг Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақдек қорақалпоқ мумтоз адабиёти намояндалари, шунингдек, Т.Қайипберганов, Ж.Оймирзаев, И.Юсупов, Т.Матмуратов, Ш.Сейитов, Т.Қабулов сингари замонавий адабиёт вакиллариининг ижоди ҳақидаги тадқиқотлари фикримизнинг тасдиғидир. Туркменистоннинг газета-журналларида, илмий тўпламларда олим эълон қилган «Демократ шоир», «Қорақалпоқ шеъриятининг улуг шоири» (Бердақ ҳақида), «Махтумқулининг қорақалпоқ шогирдлари» (Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақ ҳақида) сарлавҳали мақолалари ҳар томонлама мукамал бўлиб, ўқувчига қорақалпоқ мумтоз адабиёти тўғрисида анча яхши тасаввур бера олади.

Ахмет Мамедовнинг ҳозирги замон қорақалпоқ адабиётига бағишланган илмий мақолалари орасида Ибройим Юсупов лирикаси таҳлили кўпроқ ўринни эгаллайди. Маълумки, И.Юсупов шеърияти муайян даражада Туркменистон ва туркман адабий муҳитига яқин. У Махтумқули асарларини таржима қилди. Ўзи ҳам Махтумқулидан таъсирланиб бир неча шеърлар ёзган. «Гилямчи аёл ҳақида ҳақиқат» деган катта достони туркман ҳаётига бағишланган. Шоирнинг Махтумқули тўғрисида бир қатор илмий мақолалар эълон қилганлигини жамоатчилик билади. Олим кўп йиллардан бери «Ибройим Юсупов ва туркман адабиёти» деган мавзуга қизиқиб келади. Шу мавзуга доир бир неча илмий ишлар ёзди. Муаллифнинг «Гилямчи аёл ҳақида ҳақиқат» поэмаси ҳақидаги илмий мақоласи нафақат туркман, балки қорақалпоқ илмий-адабий жамоатчилигида ҳам яхши таассурот қолдирди, ҳар икки республиканинг матбуотида босилиб чиқди, илмий тўпламлардан жой олди. Олим асарни қорақалпоқ поэмачилигининг катта ютуқларидан деб баҳолайди. Туркман ҳаёти поэмада барча миллий колорити билан ифодаланганини, образлари чинакам миллий характер

даражасига кўтарилганини, ҳар бир лавҳа тасвири ва энг кичик бадий деталда ҳам И.Юсупов миллий ва маҳаллий шароит руҳидан келиб чиқиб иш кўрганини мақола муаллифи тўғри таъкидлайди. Бу фикрлар қорақалпоқ адабиётшуносларининг дoston ҳақидаги қарашларига уйғун. Мақолаларда Ибройим Юсупов ижодининг туркман адабиёти билан боғлиқ жиҳатлари кўпроқ ёритилган. Агар А.Мамедов ҳозирги даврдаги туркман-қорақалпоқ адабий алоқалари тўғрисида бирор тадқиқот ёки мақола ёзишни режалаштирса, мавзунини Ибройим Юсупов ижодидан бошлайди ва шоирнинг туркман адабиётига доир ижод саҳифаларини варақлайди. Адабий дўстликка хизмат қиладиган фактларни топиб, таҳлилга тортади. «Дўстликдан бир нишон», «Махтумқули ижоди қорақалпоқ шоири ҳаётида» мақолалари шундай характердаги тадқиқотлардир.

А.Мамедов қорақалпоқ адабиётининг етук асарларига ҳам ўз баҳосини бериб келаяпти. У машҳур ёзувчи Тўлепберган Қайипбергановнинг «Қорақалпоқ қизи» романига, Жўлмирза Оймировнинг «Туркман қизи Норжон» поэмасига, Шаўдирбой Сейитовнинг «Қочқин» повести-га тақризлар бағишлади ва Туркменистон матбуотида эълон қилди. Бу асарларни туркман танқидчиси нуқтаи назардан баҳолади. Олимнинг «Қочқин» повести ҳақидаги мулоҳазалари қорақалпоқ адабиётшунослиги учун янгилик бўлганлигини қисса муаллифининг ўзи ҳам тан олганди. Ёзувчининг образларни талқин қилишдаги ўзига хослиги, баъзи қаҳрамонлар характери бутун мураккаблиги билан берилгани, муаллифнинг адабиётда шаблонга айланиб қолган усуллар (ижобийни фақат ижобий хусусиятлари билан бериш, салбий бўлса фақат қора бўёқлар билан тасвирлаш)дан чекиниб, оригинал характерлар яратгани, жонли инсон қиёфасини бадий талқин этгани, «Қочқин»нинг жиддий ютуғи, ёзувчи маҳоратининг белгиси эканини А.Мамедов адабиётшуносликда биринчи бўлиб юқорида тилга олинган тақризда айтган эди. Повестдаги Хонлиқилич, Дурди, Насибали, Айсултан каби образлар туркман адабиётшуноси нуқтаи назар билан талқин қилиниб, асарга янгича ёндашилгани, адабиётшунослик учун янги фикрларни илгари сургани Ш.Сейитовни жуда қувонтирган эди.

Ахмет Мамедовнинг туркман-қорақалпоқ адабий алоқаларини ўрганишга бағишланган туркум мақолалари Туркменистоннинг марказий газета-журналларида босилган. Олимнинг «Махтумқули ва қорақалпоқ адабиёти», «Қардошлик саломини», «Камини ва Умрбекнинг анекдотлари», «Адабий алоқаларга бағишланди», «Буюк бойлик», «Махтумқули ва қорақалпоқ шоирлари», «Камини ва адабий алоқаларнинг баъзи масалалари», «Махтумқули шеърлари қорақалпоқ тилида», «Қалбларнинг бирлиги», «Қорақалпоқ «Одобнома»сида Махтумқули» каби ўнлаб мақолалари фикримизга далил. Уларда икки адабиётнинг ҳамкорлиги, тажриба алмашувлари адабий мисолларда ёритилади. Адабий дўстликнинг аҳамиятига урғу қилиниб, икки томон учун фойдали таклифлар илгари сурилади.

Ахмет Мамедов ижодининг Қорақалпоғистон, қорақалпоқ адабий муҳити билан боғлиқ яна бир аҳамиятли томони бор. Бу — шоир лирикасида қорақалпоқ мавзусининг бадий талқини масаласи. Шоир бу мавзу билан кўплан бери қизиқиб, шуғулланиб келади. Унинг ижодида бу мавзу тасодифан пайдо бўлган эмас. Юқорида эслатганимиздек, у Қорақалпоғистонда кўп марта ижодий сафарда бўлди. Республиканинг ҳаёти билан танишди. Шоир ва ёзувчилари, олимлари билан мулоқотда бўлди. Бу учрашувлар, суҳбатлар, қорақалпоқ адабий жараёни билан яқиндан танишув ва олинган таассуротлар кейинчалик шоирга илҳом бериб, шеърлари мазмунига айланди. «Бердақ шеърларининг ошиғи Ахмет», «Қорақалпоғим», «Тўрткўл туркманларига», «Орол эртаги», «Агар мени соғинсанг», «Қорақалпоқ қизи», «Шўманай», «Суҳбатдош бўлганда Улмамбет билан», «Қизлар», «Бердақ тўйига бораётиб», «Ажиниёз»каби шеърлари дўстлик мадҳияси, қорақалпоқ халқига, адабиёти ва маданиятига нисбатан ҳурмат ифодасидир. Туркман ва қорақалпоқ халқлари дўстлиги ғоялари билан суғорилган қуйидаги бандлар ҳар бир ўқувчига илҳом бағишлашига ишончимиз комил:

*Дунёда иң яқын хемдемимсиң сен,
Сен йурегмиң яғы, гарагалтағым.*

*Сувуң жуммушинден алынан мержан,
Хем гунешин чогы — гарагалпагым.*

*Ата-бабаларымыз эл берип эле,
Хасратда, шатлыкда болдулар биле.
Кыргызың меңзеттим кырк дурли гуле
Гул-чеменлең багы, гарагалпагым.*

*Дузуң дузумыза гаты меңзеш дост,
Сазың-сазымыза меңзеш дост,
Өзуң өзумизе меңзеш дост,
Ёк достлугың чөги, гарагалпагым¹.*

Ахмет Мамедов Бердақ ижодининг мухлиси, таржимони, тадқиқотчиси ва тарғиботчисидир. Шоир асарлари билан яқиндан танишув, ижод сирларидан завқланиш туркман шоирида Бердаққа бўлган ҳурматни шеърга солиш истагини кучайтиради. «Бердақ шеърларининг ошиғи Ахмет», «Бердақ тўйга бораётганда», «Бердақ устоз» номли шеърлари шу илҳомнинг натижаларидир. Шеърлар ўзига хос поэтик шакл ва оригинал мазмунга эга. Улар турли даврларда ёзилган бўлса-да, шеърларни ўзаро уйғунлаштириб турадиган бир яхлит ғоя бор. Бу — муаллифнинг Бердақ лирикасига қардошлик меҳри, демократ шоирни Шарқ адабиётининг йирик вакилларида бири сифатида улуғлашидир. «Бердақ шеърларининг ошиғи Ахмет» шеърдан олинган қуйидаги бандлар шоирнинг Бердақдек сўз санъаткорини вояга етказган қорақалпоқ ўлкасига ҳурматнинг бадиий кўзгуси, десак хато бўлмас.

*Гелди бу ерлере гызгын салама,
Гетирди йурегиниң жошуны, Ахмет.
Салар бу гун шахирана зыбана,
Гарагалпак достларының ишини, Ахмет.*

*Бир элинде дутар, галам бир элде,
Калбында дессаны жошлы Аралдей*

¹ А. Мамедов. Бир йурегин тарлары. Ашгабат, «Туркменистан», 1980., 30-бет. Бундан кейинги мисоллар шу нашрдан бўлади, бети кўрсатилади.

*Захметсверленден алып гөрелде,
Васп эдер гожасын, яшыны Ахмет.*

*Нер хатарна гирдиң сенем нер болуп,
Ныгматын эгилйәр ериң дур болуп,
Йурегинде орун тутан зер болуп -
Бердак шыгырларның ашыгы, Ахмет.* (29-бет)

Ахмет Мамедов Бердақнинг турли йилларда Қорақалпоғистонда нишонланган юбилей тантаналарининг ҳеч биридан қолган эмас, иштирок этиб келмоқда. Бердақнинг 160 йиллик юбилейи нишонланаётган Нукусдаги санъат саройи саҳнасидан туриб шоирнинг Туркменистон Ёзувчилари уюшмаси номидан нутқ сўзлагани ва эсдалик сифатида Махтумқули бюстини Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлепберган Қайипбергановга тантанали равишда топширгани ҳамон ёдимизда. Ўшанда Бердаққа бағишлаб ёзган шеърини туркман тилида ўқиб берганида залда ўтирганлар гулдирос қарсақлар билан олқишлаганди. Мана, ўша шеърнинг икки банди:

*... Сөз айтса егер лаглы-маржан зер еткен,
Хақыйқат жолында талмай гурескен,
«Халық ушын» жаў менен табан тирескен,
Әжайып зөбердес шәкиртим, — деди.*

*Бул уллы байрамға егленбей тез кет,
Нәсиятын ал сен, мурадыңа жет.
Тойында жең турип, хадал хызмет ет,
Барғыл, жолларыңа гул шаштым, — деди...*

Шеър Махтумқули тилидан битилган. Бердақ ижодининг поэтик хусусиятлари шеър мазмунига сингдирилганини сезган бўлсангиз керак. Унда устоз-шогирд муносабатлари фонида икки халқ тақдирининг ўхшашлиги, адабиётларининг дўстлиги куйланади. Шеърдан келиб чиқадиган мантикий хулоса, рамзий маъно ҳам шу. Шеър Туркменистон матбуотида босилди. Шоир Абулқосим Ўтепберганов уни қорақалпоқ тилига ўгириб, «Қардошлик салом» деган мақола билан «Амударё» журналида эълон қилди.

Ахмет Мамедов Бердақнинг 170 йиллик юбилейига ҳам қатнашди. Шоир тўйи арафасида Бердақ ижоди тўғрисида Туркменистонда бир неча мақолалар эълон қилди, бир туркум шеърларини туркман тилига таржима қилиб, матбуотда бостирди. Унинг «Қорақалпоқ шеъриятининг улугъ шоири» сарлавҳали илмий мақоласи ҳамда «Бердақ устоз» номли шеъри шу саъй-ҳаракатнинг самарасидир. Муаллиф мақолада қорақалпоқ шоири меросининг поэтик хусусиятлари ва етакчи тенденцияларини илмий таҳлил қилади. Олимнинг куйидаги фикрлари қорақалпоқ бердақшунослигидаги илмий қарашларга оҳангдош. «Бердақ — Бердимурод Қаргабой ўғли қорақалпоқ мумтоз шеъриятида ҳар томонлама оригинал шоир сифатида машҳурдир. Халқ шоирни жуда қадрлайди, қорақалпоқ шеъриятини поэтик руҳ, мавзу ва ғоявий жиҳатдан янги босқичга кўтарган ижодкор деб билади. Бу айти ҳақиқат. Чиндан ҳам, Бердақ шеъриятни ўз халқи қалбига жуда яқинлаштирди, унинг мазмун ришталарини одамларнинг реал ҳаётига, тақдирига, дунёқарашига, замон ва заминда бўлаётган воқеаларга миллий манфаат нуқтаи назаридан олиб келиб боғлади. Ижодда реализм принципларини қўллаш масаласида ҳам Бердақ XIX асрда бошқа халқлар адабиётида яшаб ижод этган истаган замондош шоирлари билан бемалол беллаша олади. Бердақ қорақалпоқ мумтоз шеъриятида эпик жанрга асос солган биринчи сўз устасидир».¹

Муаллиф бу қарашларини илмий асослаб ҳам беради. Бердақнинг «Шежире», «Равшан», «Айдўсбобо», «Амангелди», «Ерназар бий» достонларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари ҳақида XIX аср қорақалпоқ адабиётидаги ўрни, шоир шеъриятининг туркий халқлар адабиётидаги аҳамияти тўғрисида муҳим фикрларни баён этади.

Бердақ асарларининг туркман адабий жараёни билан қиёсий ўрганилгани, шоирнинг Махтумқули ижодига муносабати ёритилгани мақоланинг долзарблик хусусиятидир. Мақолага илова қилинган «Устоз Бердақ» шеъри эса шоир меросига эҳтиромнинг поэтик ифодаси эди. Мана, унинг икки банди:

¹ «Эдебият ва сунгат», 1998 й., 16 декабрь.

*Достлугуьмьз ыхласьна гөре бак,
Сениң шыгырларың маңа теберик,
Мен туркмен гардашың тоюң мубарек,
Ишлөйин, иш буйрсаң, Бердақ халыпа !*

*Сен мисли меңзешсин өчмейен ода,
Сениң дек Адама баш эгмек када,
Эгер, шыгыр яшап йөрсе дунйөде
Яшабер, яшарсың, Бердақ халыпа !*

Назаримизда, сўз юритилаётган мавзу билан боғлиқ яна бир фактни эслаш мавриди келди. Ахмет Мамедов 1994 йилнинг ёз ойларида Қорақалпоғистонда ижодий сафарда бўлди. Қорақалпоқ давлат университети ва Нукус давлат педагогика институтининг профессор-ўқитувчилари, ҳамкасб дўстлари билан учрашувлар ўтказди. Университетнинг туркман филологияси бўлими талабаларига маърузалар ўқиди. Бошқа-да илмий-адабий марказлар, газета-журнал таҳририятларида бўлди. Ижодкорлар билан туркман-қорақалпоқ адабий алоқалари ва унинг истиқболлари юзасидан фикрлашди. Ҳамкасб дўстларини келажак режалари билан таништирди. Унинг Нукусда бўлиб турган даври Ажиниёзнинг 170 йиллик юбилейини нишонлашга қизгин тайёргарлик бошланган кунларга, яъни Қорақалпоғистонда «Ажиниёз кунлари»ни ўтказишга киришилган пайтга тўғри келди. Шоирнинг Ажиниёз юбилейи арафасида қорақалпоқ заминиди бўлиши, шеърият байрамига иштирок этиши ижодкор сифатида унинг ўзи учун ҳам, адабиётимиз учун ҳам фойдали бўлди. Ўша йилнинг 31 июлида у Қорақалпоғистон Республикасининг мутасадди раҳбарлари таклифи билан бир гуруҳ ижодкорлар, зиёлилар сафида Қўнғирот туманининг Ажиниёз номли жамоа хўжалигида бўлди ва шоир ҳайкалининг очилиш тадбирига қатнашди. Туркман-қорақалпоқ-ўзбек халқларининг азалий дўстлиги тўғрисида нутқ сўзлади. Ажиниёз ижодининг аҳамиятини, жаҳон адабиётидаги ўрнини, аиниқса, туркман халқининг ҳам севимли шоири эканлигини илҳом билан гапирди. Ўз таржимасида Ажиниёз шеърларидан намуналар ўқиб берди. Шоирга бағишлаб ёзган ўз шеърини ёд ўқиганида тантана иштирокчилари унинг истеъдодига қойил қолиб, қарсақлар

билан олқишлаб турдилар, жўшқин талантига, шоирлик маҳоратига тан бердилар.

Қўнғиротда бўлган бу тадбир, тантана Ахмет Мамедовнинг шоирлик тажрибасида изсиз қолиб кетмади. Ашхабодга қайтгач, салкам бир ой давомида Қорақалпоғистондаги сафар таассуротларини қоғозга тушириб «Адабий алоқа — абадий алоқа» деган катта публицистик мақола ёзди ва уни «Сиёсий суҳбатдош» (1994 й., 14.IX) газетасида эълон қилди. Мақоланинг охирига Қўнғиротдаги тадбирда ўқиган «Ажиниёз» шеърини илова қилди. Шеърнинг маъноси теран, ғояси салмоқдор. Ҳар бир мисранинг ички мазмунидаги фикр талқини шоирнинг бетакрор туйғулари тасвири ўқувчини сеҳрлайди ва Ажиниёздек катта сўз устасига ватандош бўлганидан дилида фахр туйғуларини ҳис қилади.

*Гарагалнакларинг кўнул лолеси,
Арзуви-умиди, гўз пиаласи,
«Дунё гўзеллиги — инсан баласи» —
Ажыныяз!*

*Жошгуныни деңейан мен сил билен,
Я дерайи, Гулзум билен Нил билен
Биле гулуп, биле аглан ил билен —
Ажыныяз!*

*Гараишсыз бир улкўм шахыр данаси,
Жейхун киби долы илхам ханаси,
Сўзи сўз багынинг чын дурдөнеси,
Ажыныяз!*

Ахмет Мамедов лирикасида қорақалпоқ мумтоз адабиётининг улўғ шоирларини мадҳ этиб ёзилган шеърлар анча. Масалан, шоир бир шеърда Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақларни адабиёт осмонининг ёруғ юлдузларига, баланд тоғларга, жўшқин дарёларга, шеърят бўстонининг хушовоз булбулларига, гиламларга тўқилган гўзал нақшларга қиёслайди.

*Уч юлдиз гўрдим асманда
Гунхожа, Ажинияз, Бердак,*

*Гаты зор гўрдим дессанда,
Гунхожа, Ажинияз, Бердак.*

*Уч даг бири биринен бейик,
Алыслардан гўрунер айык,
Яшандыр ынсаны сўйип,
Гунхожа, Ажинияз, Бердак.*

*Халының гўзел ойдуми,
Диллериң шириң айдымы,
Ахмет Мамедиң сўйдуги,
Гунхожа, Ажинияз, Бердак.*

Шеърнинг ифода шакли жуда содда. Лекин фикр теран, ғоя ибратли. Чиройли ўхшатишлар, оригинал бадий деталлар, поэтик образлар шеър мазмунини ўқувчига таъсирли етказишга хизмат қилган.

Ахмет Мамедовнинг айнан шундай услубда ёзилган «Ўзбек-туркман-қорақалпоқ» деб аталадиган яна бир шеър бор. Унда яна бир учлик ҳақида сўз юритилади. Яъни уч биродар халқнинг азалий дўстлиги тасвирланади. Шоир дўстликни шунчаки яланғоч таърифламайди, уни мажозий талқин этади.

Туркман, қорақалпоқ ва ўзбек халқлари тақдирининг туташлигини кўрсата оладиган ҳаётий деталлар, ифодалар топади ва шу усул билан шеърнинг фалсафий асосини мустаҳкамлайди.

*Гадымъетден кўклери бир -
Ўзбек-туркман-гарагалтак.
Ўмур-ыкбал дендери бир -
Ўзбек-туркмен-гарагалтак.*

*Яшан меканы меңзеш,
Хем гўвун дуканы меңзеш,
Хең этсе мукамы меңзеш -
Ўзбек-туркмен-гарагалтак.*

*Новайи нур сенди Шарка,
Бердак хызмат этди халка*

Шеърнинг ғоявий салмоғи, бадиийлиги, ифода шакли-нинг соддалиги, мазмуннинг теранлиги унинг ҳар томонлама мукаммал эканлигидан дарак беради. Очиги, уч халқ дўстлигини бундан ошириб тасвирлаш ҳамма шоирнинг қўлидан келавермайди.

А. Мамедовнинг дўстлик мавзусига бағишланган асарларида бошқа шоирлар шеърларига ўхшамайдиган бир ўзгачалик бор. Дўстлик ғояларини ёритиш учун шоир кўпроқ тарихий манбаларга, баъзан туркман ва қорақалпоқ фольклори материалларига мурожаат этади. Улар сюжетидан фойдаланиб икки халқ дўстлигининг қадимийлиги ҳақида оригинал асарлар яратди. Шоирнинг «Қирқ қиз» номли шеъри шу хилдаги сюжетли асарлардан бири. «Қирқ қиз», бизнингча, жанр эътибори билан шеърдан кўра кичикроқ ҳажмли дostonга яқин. Гарчи муаллиф уни шеър деб атаган бўлса-да, асарда ҳикоя қилинган воқеалар кўлами, образлар туркуми, бир неча сюжет чизиқларининг мавжудлиги, композицион қурилиши, мавзу ва ғоясининг салмоғи дostonни эслатади. «Гўрўғли» туркманларнинг, «Қирқ қиз» қорақалпоқларнинг ўлмас дostonлари. Шоир шу икки дoston образларидан фойдаланиб оригинал бир сюжет тўқиган. Гўрўғли бошлиқ қирқ йигитнинг Гулойим бошчилигидаги қирқ қиз ўтовига қўноққа келиши воқеаси тасвирланади.

*Гороғлы бег гелйэр, кырк йигит гелйэр,
Гелйэр гадыр гойян оглы туркмениң,
Кырк гыз гаршы алмак учун ховлуғяр
Чендыбилиң дунйә белли мертлерин.¹*

Муаллиф бундан кейин лирик чекинишга ўтиб, ўқувчи диққатини Гўрўғли йигитларининг ўзаро суҳбатига қаратади. Сапар Марам, Хиртмон, Сейтак ва Мотал отда келаётиб қирқ қизнинг таклифида бир сир йўқмикан, тузоққа или-

¹ А. Мамедов. Шығырлар десессеи. Ашгабат., «Туркменистан», 1989., 103-бет. Бундан кейинги мисоллар шу нашрдан бўлади.

ниб шарманда бўлмасак эди, деб хавфсирашади. Довруғи оламга ёйилган қирқ қизнинг қаҳрамонликларини эшитиб, ҳатто Гўрўғли ҳам иккиланади. Қирқ қизлар билан бўлажак баҳсларда йигитларининг енгилиб қолишидан ташвишланади. Шундай гумонлар билан манзилга етиб келадилар ва ўзлари кутмаган манзарага гувоҳ бўладилар.

*Ынха-да мыхманлар гелйэрлер етип,
Гулайым, Гулсулув, Гулпарша — бары.
Хер хайсы бириниң атыны тутуп
Сонра йузленйэрлер серховуз сары.*

*Болса-да буз ялы сув сорап олар,
Хер бири бошатды бир куйзе чалы,
Шондан соң бирнеме ынжалайдылар,
Горкак дамарлары тутулан ялы.*

«Қирқ қиз» да бир ҳаётий лавҳа бор. У ихчам саҳнавий асарга ўхшаб кетади. Шоир бу воқеани шундай табиий, ишонарли тасвирлаганки, гўё у ҳозир сизнинг кўз олдингизда бўлаётгандек. Гулойим қизлари билан Гўрўғли йигитларини «қирқ қўй, қирқ хўкиз сўйиб, қирқ қозонда» таом тайёрлаб меҳмон қилгандан кейин, уларни қирқ қиз билан ўзаро мусобақага, ўйин-кулгига таклиф этади. Асар сюжети шу асосда ривожлантирилади. Сейтак баъзи ҳаракатлари билан Гулойим қизларидан бири Гулсулувнинг жасоратини тан олгиси келмайди. Сейтакнинг бу ҳаракати Гулсулувнинг иззаг-нафсига тегади. Сейтакка кучини кўрсатиш мақсадида уни яккама-якка беллашувга чақиради. Сейтак майдонга чиқади. Гулсулув Сейтакни осмонга кўтаради. Чархпалакдек айлантириб-айлантириб ерга уради. Сейтак ҳар қанча уринмасин қизнинг панжасидан қутулолмайди. Ноилож енгилганини тан олиб, тавбасига таянади. Гулсулувнинг ботирлигига қойил қолган Аваз унга туркман гиламини совға қилади.

Тоймос билан Олтиной от чопишади, Юлдуз билан Сапар Марам камонда ўқ отишиб мусобақалашади. Айтишув, қўшиқ авжига чиқади. Баҳслашувда гоҳ у томон, гоҳ бу томон устун келиб даврани қизитадилар. Бу кўриниш дўсто-

на, қизиқарли мусобақа, баҳс-тортишувлар, куй-қўшиқлар, ҳазил-мугойиба билан якунланади.

«Қирқ қиз»даги воқеалар бу билан тугамайди. Шоир муҳим бир мантикий хулосага келиш учун икки томон ўртасидаги мусобақани давом эттиради. Бир томонда Гулойим бошчилигидаги қизлар, иккинчи томонда Гўрўғли бошлиқ йигитлар саф тортиб турибди. Бир-бирларига бўлган муносабатини, ўтказилган тадбирлардан ҳар икки томон ҳам мамнун эканлигини изҳор этмоқда. Асарнинг финалидаги диалогда туркман ва қорақалпоқ халқлари дўстлигини тарғиб қилувчи ибратли ғоя, катта рамзий маъно бор. Гўрўғли ва Гулойим ўртасида ўрнатилган ака-сингиллик муносабатлари талқини орқали шоир икки халқ дўстлигига ишора қилади. Бу талқиндан асрлар оша ота-боболаримиз асраб келган бузилмас дўстликни сақлаш лозим, деган хулоса келиб чиқади.

— Саңа салама дёл, тағзыма гелдим,
Гулайым, Гулайым, уям Гулайым.
Гёр, сениң шаныңа муң мукам чалдым,
Дурмушың мукама чумсун, ылайым!

— Чандыбиле салам етир, бар Аман,
Гороглы, Гороглы, агам Гороглы!
Гелер ахыр бир гун арзылы заман,
Болуп йөрсек бир-биреге сораглы.

«Қирқ қиз»нинг халқлар дўстлиги ғояси талқин этилган яна бир лавҳасини шоирнинг ижодий муваффақияти сифатида қайд этиш зарур. Гўрўғли Гулойим билан хайрлашар экан, душман ҳужум қилса «қиз боши» билан эл-юртини ҳимоя қила олармикан, деган ҳаёлга боради. Ва юртингга бирор хавф-хатар туғилгудек бўлса, дарров хабар бер, йигитларим билан етиб келаман, дейди. Гулойим ҳам бўш келмайди. Мана, ўша диалог:

— Сен гыз болуп ата чыкансың мунда,
Ил-гунуңи апалап гез, горап гез!
Дерхал, хабар етир, галсаң кын гунде,
Бичәрәниң маңлайындан дирәп гез!

— Гыз-оглан» дийме-де, герек халаты,
Чагыр: Биле керчеләли душманы.
Биз — бир гуш. Бир гушуң жундур ганаты,
Ыкбалда, кысметда айрылышмалы!

Халқларимиз огир кунларда бир-бирларига мададкор бўлган. Душманга қарши курашда бири учун иккинчиси жон фидо этган. Халқимиз табиятига хос бу хислатнинг тарихи қадимий. Туркман ва қорақалпоқ халқлари бошига қийин кунлар тушганда Гўрўғли бобомнинг руҳи мадад берсин ёки аёлларимиз улур ишларга қўл урганларида Гулойимларнинг жасорати қўллаб-қувватласин деб бекорга айтишмайди. Бу дўстлик ғояси асарда, гарчи, афсона шаклида берилган бўлса-да, бугунги кун учун катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Биз Ахмет Мамедовнинг қорақалпоқ мавзусидаги айрим асарларинигина тилга олиб, уларнинг баъзилари тўғрисида сўз юритдик. Шоирнинг булардан бошқа-да Қорақалпоғистон тасвирига бағишланган шеърӣй ва насрий асарлари кўп. Муаллифнинг «Бир юракнинг торлари», «Кўнглим кўзгуси», «Шеърлар чамани», «Туркманнома», «Ғазаллар» сингари китобларидаги қорақалпоқ ҳаётига доир поэтик асарлари катта шеърӣй гулдастани ташкил этади.

* * *

Бадий таржима Ахмет Мамедов ижодининг иккинчи муҳим қаноти. У қорақалпоқ адабиётининг Туркманистондаги энг фаол таржимони. Шоирнинг Туркманистоннинг газета-журналларида эълон қилган ёки алоҳида китоб шаклида нашрдан чиқарган таржималарининг сони юздан ортади. Унинг таржимонлик фаолиятида Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақ меросидан қилинган таржималар алоҳида туркум. А.Мамедов бу шоирлар ижодининг муҳлиси, тадқиқотчиси ва тарғиботчисидир. Бадий таржима тажрибасидан шу нарса маълумки, бошқа бир тилдан ўтирилаётган асар, биринчи галда, поэтик хусусиятлари билан таржимон қалбини тўлқинлантириши, унга бадий завқ бериши, қалбида муайян туйғуларни уйғотиши лозим. Таржимонга илҳом берган шундай асаргина таржима объектига айланади. Шу маънода Кунхўжа, Ажиниёз, Бер-

дақ шеърляти А.Мамедов учун ўзига хос илҳом манбаи ва таржимага ундаган маънавий кучдир. Шоирлар меросидан қилинган таржималар дастлаб республиканинг газета-журналиларида босилди, шеърлят мухлислари назаридан ўтказилди. Кейинчалик «Гошгулар» (1993) номи билан китоб шаклида чоп этилди. Ушбу тўпламнинг туркман тилида босилиб чиқиши туркман таржима адабиётдагина эмас, қорақалпоқ адабий муҳити учун ҳам муҳим воқеа сифатида баҳоланди.

А.Мамедовнинг таржимонлик фаолятида И.Юсупов лирикасидан таржималар ҳам муҳим ўрин тутди. Бошқа шоирларга нисбатан И.Юсупов шеърляти унга ҳар томонлама яқин. Юқорида тилга олиб ўтганимиздек, ўтган асрнинг етмишинчи йилларидан бери шоир ижоди билан қизиқиб илмий мақолалар ёзиб келади, шеърлари билан туркман ўқувчиларини таништиришда бир талай ишлари амалга оширди. 1986 йилда шоирнинг «Ўриклар гуллаганда» шеърлий тўпламини туркман тилида нашр эттирди. И.Юсупов шеърларининг таржималари билан у сўнгги йилларда ҳам шугулланди. Шоирнинг Махтумқулига ўхшатма қилиб ёзган «Намасан?», «Занг қолмас» шеърлари, «Қолди», «Бўлди», «Олиб кет», «Дунё» радиопрограммалари туркман тилида босилиб чиқди, кейин унинг «Ҳазаллар», «Туркманнома», «Махтумқули деб номим тутсалар» деган китобларига киритилди.

А.Мамедовнинг қорақалпоқ адабиётидан қилган таржималарининг доираси кенг. У юқорида тилга олинган шоирлардан бошқа-да ўнлаб қорақалпоқ ижодкорларининг асарларини туркман тилига таржима қилди. Унинг Т.Сейитжанов, Т.Матмуратов, Ш.Сейитовдек таниқли шоирларнинг асарлари билан туркман китобхонларини таништирганига кўп йиллар бўлди. Бугунги қорақалпоқ адабиётининг кўзга кўринган талантлари Т.Қабулов, Г.Матёкубова, Н.Тўрешова, Ш.Аяпов, А.Ўтепберганов, К.Ерназаровларнинг асарларини туркман тилига таржима қилишда Ахмет Мамедов шу кунларда ҳам фаол ишламоқда. Республиканинг «Эдобиёт ве сунгат», «Ватан», «Туркменистан», «Мугаллимлар газети», «Гарагум», «Дияр» каби газета-журналиларида қорақалпоқ шоирларининг кўп шеърлари туркман тилида босилиб чиқди. Ушбу фактлар фидоий шоир-таржимон Ахмет

Мамедовнинг қорақалпоқ адабиётига ҳурматининг ёрқин намоёнишидир.

Ахмет Мамедовни шоир, олим ва таржимон сифатида Қорақалпоғистонда мухлислар яхши танийди. Қорақалпоқ адабиётининг яқин дўсти деб билишади, ҳурмат қилишади. Мана, қарийб ўттиз йилдирки, у Қорақалпоғистоннинг илмий-адабий муҳити, шоирлари, ёзувчилари ва олимлари билан алоқани узгани йўқ. Бу ижодий ҳамкорликлар, борди-келдилар А.Мамедовни қорақалпоқ адабий жараёнига анча яқинлаштирди ва бу алоқалар бир қатор қорақалпоқ шоир, ёзувчи ва олимлари билан шахсий дўстлик муносабатларини ўрнатишга имкон яратди. Бугун уни И.Юсупов, Т.Қайипберганов, К.Раҳманов, Т.Қабулов, Г.Матёкубова, А.Ўтепберганов, Ш.Аяпов, К.Ерназаров каби ижодкорлар яхши танишади, қорақалпоқ адабиётининг фаол тарғиботчиси ва таржимони сифатида қадрлайди.

Ахмет Мамедовнинг бир неча асарлари қорақалпоқ тилига таржима қилинди. Матбуотда мунтазам босилиб туради. Ўтган асрнинг 70-80 йилларида «Амударья» журнали ва «Еркин Қарақалпақстан» газетасида унинг шеърлари таржимасига катта ўрин ажратилди. Ўзбек ва рус тилида чиқадиган «Вести Каракалпакстана», «Аму тонги» газеталари ҳам унинг асарлари билан ўз мухлисларини таништириб борди. Шоирнинг шеърлар ва поэмалардан иборат «Қўнғил кўзгуси» (1991) тўплами қорақалпоқ тилида катта нусхада босилди. Китобга шоирнинг элликка яқин шеърлари ва тўрт достони киритилган. Шеърларни шоир ва ёзувчи А.Ўтепберганов, поэмаларни эса Бердақ номидаги Давлат мукофоти лауреати, шоир ва ёзувчи К.Ерназаровлар қорақалпоқ тилига таржима қилишди.

Адабиётшунос олимларимиз ҳам Ахмет Мамедов ижодини Қорақалпоғистонда тарғиб қилиб келмоқда. Ўтган асрнинг 70-90 йилларида қорақалпоқ матбуотида унинг ижоди ҳақида кўп мақолалар босилди, китобларига тақризлар эълон қилинди. Таниқли адабиётшунос, филология фанлари доктори Қ.Бойниёзовнинг «Бир гавдада урган икки юракмиз», А.Ўтепбергановнинг «Қорақалпоқ адабиётининг жонкуяри», ушбу сатрлар муаллифи (К.Курамбоев)нинг қорақалпоқ,

ўзбек ва рус тилларида эълон қилинган «Кўш қанотли ижодкор», «Дўстликнинг теран томирлари», «Адабий дўстлик ҳақида китоб», «Қайта туғилган шеърлар» каби мақолаларини тилга олиб ўтишни ўринли деб ҳисоблаймиз. «Кўнгил кўнгилдан сув ичар» (1991), «Взаимное обогащение литератур» (1993) номли монографияларимизнинг махсус бўлимларида ҳам Аҳмет Мамедов ижодига, қорақалпоқ мавзусидаги асарлари таҳлилига алоҳида ажратилган. Тадқиқотларнинг айримларида шоирнинг шеърини ҳақида сўз юритилса, баъзиларида таржимонлик фаолияти қаламга олинади. Яна бир туркум мақолаларда у қорақалпоқ адабиётини илмий аспектда ўрганган олим сифатида характерланади. Бу ишларнинг ҳаммасида А.Мамедов қорақалпоқ адабиётининг Туркменистондаги энг фаол таржимони, фидоий тарғиботчиси ва профессионал тадқиқотчиси эканлиги таъкидланади, фаолияти муносиб баҳоланади.

Шоир, олим ва таржимон А.Мамедовнинг қорақалпоқ адабиёти ва маданияти олдидаги хизматлари ҳукумат даражасида тақдирланди. 1996 йилда унга «Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» faxрий унвони берилди. Туркменистон Фанлар академияси, Махтумқули номидаги Тил ва адабиёт институтининг бўлим мудири, филология фанлари доктори Аҳмет Мамедов мана шундай faxрий унвонга муносиб қорақалпоқ адабиётининг дўсти, кўшни давлатдаги фидоий жонкуярларидан биридир.

2002

ИККИ ТИЛДА ИЖОД ҚИЛИШ ТАЖРИБАСИДАН

Ўзбек ва туркман халқларининг дўстлиги қадимий бўлганидек, адабиётлари ўртасидаги алоқаларнинг ҳам кўп асрлик тарихи бор. Узоқ мозийдан то ҳозирги кунга қадар бу адабий ҳамкорликлар ҳар хил адабий шаклларда муваффақиятли ривожланди. Икки халқ адабий алоқаларининг янги босқичида икки тилда ижод қилиш тажрибаси бу жараённинг янада самарали ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Лекин адабий алоқанинг бу шакли

ўзбек ва туркман адабиётшунослигида махсус тадқиқ этилган эмас. Шунинг назарда тутиб, мақоламизда сўнгги йилларда адабий жараёнда қўлланилаётган икки тиллилик ҳодисаси бўйича тўпланган тажрибаларни илмий умумлаштиришга уриниб кўрамиз.

* * *

Адабиётдаги икки тиллилик ҳодисаси ўзаро адабий алоқа ва таъсирнинг муҳим шаклларида биридир. У адабий-ижтимоий муҳит тақозо этган шароитда юзага келади. Адабий алоқаларни ривожлантиришда воситачи куч бўлиб хизмат этади. Бу шаклнинг ҳар бир миллий адабиётда ўзига хос тарихи бор. Жаҳон адабиётида бунга мисоллар етарли. Масалан, ўзбек ва тожик мумтоз адабиётида зулласонайлик анъанаси анча қадимий. XIV—XV асрларда форс-тожик, туркий тилда ижод қилган шоирлар кўп бўлган. Тожик адабиётида ўзбек тилида, ўзбек адабиётида тожик тилида қалам тебратган шоирлар ҳар икки адабиёт ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга ҳисса қўшганлар. Тожик мумтоз шоири Хўжандий машхур «Латофатнома» асарини ўзбек тилида ёзган. Давлатшоҳ Самарқандийнинг Навоийга бағишланган қасидаси ширу-шакар усулида: бир байтини ўзбек тилида ёзса, иккинчи байтини тожик тилида битган.

XV асрга келиб икки тилда асар ёзиш анъанаси янада кенгайди. Бу даврда Навоий ўз асарларини ҳам ўзбек, ҳам форс тилида яратиб, зулласонай шоир сифатида танилди. Биноий, Восифий каби тожик мумтоз шоирлари ҳам бу анъанани давом эттириб, тожик ва ўзбек тилларида гўзал ғазаллар ижод этишган. XX асрда бу тажриба муваффақиятли давом этди. Ҳамза Ҳакимзода ва Салриддин Айнийлар ўзбек ва тожик тилларида ғазаллар, қисса ва романлар яратдилар. Фотиҳ Ниёзий, Муҳаммаджон Раҳимий, Муҳиддин Аминзода сингари замонавий тожик адабиёти ёзувчилари устозлари анъаналарини давом эттириб, ўзбек тилида ҳам ижод қилишди.

Сўнгги йилларда миллий адабиётларда икки тилда — она тили ва рус тилида асар ёзиш кўзга ташланаяпти. Машхур қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов ва М.Бойжиев, қозоқ ёзувчилари Анвар Олимжонов ва Ўлжас Сулаймонов, озарбайжон адиби Гасан Сейидбейли каби адибларнинг рус ва

она тилларида асарлар яратаётгани фикримизга далил. Таниқли уйғур шоири ва олими Рўзи Қодирий ҳам кўп йиллардан бери Ўзбекистонда яшаб ҳам уйғур, ҳам ўзбек тилларида қалам тебратиб келмоқда. Кўп тил билиш ижодкор учун жуда муҳим ва қатта имконият. Атоқли адиб К.Яшин ёзганидек: «Илгари Ўзбекистоннинг саводли кишилари, албатта, икки-уч тилни: масалан форсча, арабчани биларди. Улуғ Алишер Навоий уч тилда ижод қилган, Ҳамза икки тилда ёзди. (У тожикчани ўзбекчадан кам билмасди) Бу анъанани давом эттириш керак».

Икки тиллилиқ анъанаси туркман адабиёти тарихида учрамайди. Тўғри, XVII-XVIII ва айниқса, XIX асрларда яшаб ижод этган Озодий, Махтумқули, Андалиб, Камина каби шоирларнинг асарлари ўзбек тилига жуда яқин. Хусусан, Махтумқули, Камина шеърларини таржимасиз бемалол оригиналида ўқиш ва тушуниш мумкин. Шунга асосланиб бўлса керак, бир вақтлар баъзи адабиётшунослар Махтумқули ўзбек тилида ижод қилган деган фикрни ҳам ўртага ташлаган эди. Махтумқули шеърларининг ўзбек тилига яқинлигини, бизнингча, бошқа омиладан излаш лозим. Маълумки, Махтумқули кўп йиллар Бухородаги Кўкалдош, Хевадаги Шерғо-зихон мадрасаларида таҳсил олган. Самарқанд, Андижон, Кўқон, Марғилон, Қарши, Зарафшон шаҳарларида бўлган, шоирлар билан ижодий ҳамкорлик қилган. Бу сафарлар шоир ижодида из қолдирмаслиги мумкин эмас эди. Яна бир далил. Махтумқули мадрасаларда таълим олган йилларида Низомий, Навоий, Фузулий каби Шарқнинг буюк шоирларининг девонлари мадрасаларда ўқув қўлланма сифатида фойдаланилган. Бинобарин шундай экан, Махтумқули бу шоирлар ижодидан баҳраманд бўлиши, уларга эргашиб шеърлар ёзиши табиий эди. Яна бир муҳим асос бор. Хоразмда яшовчи ўзбекларнинг тили бошқа ўзбек шеваларига нисбатан туркман тилига яқин. Тилдаги яқинлик Махтумқули ижодининг Хоразм адабий муҳити билан ҳамоханг бўлишига замин ҳозирлаган. Яна шуни ҳам унутмаслик лозимки, «Гўрўғли», «Шоҳсанам ва Ғариб», «Тоҳир ва Зухра», «Хурлиқо ва Ҳамро», «Саётхон ва Ҳамро» каби дostonлар Хоразмда бахшилар томонидан ўша даврларда ҳам туркман, ҳам ўзбек тилларида қуйланган. Агар тингловчилар орасида туркманлар кўпчилиқни ташкил қилса, туркман тилида, агар

ўзбеклар кўп бўлса, ўзбек тилида ижро этилган. Махтумқули лирикаси мана шу адабий муҳитда, мушоираларда шаклланигандан, унинг асарлари ўзбек тилига яқин бўлиб қолган.

XVIII асрда Хоразмда яшаб ижод этган Нурмуҳаммад Андалиб асарлари тўғрисида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Унинг шеърлари, дostonлари ҳам туркман ва ўзбек китобхоналарига бирдек тушунарли тил ва шаклда ёзилган.

Бироқ бу анъана кейинги асрларда деярли унутилди. Икки тилда барабар қалам тебратган шоир ёки ёзувчилар учрамайди. Фақат XX асрнинг иккинчи ярмида бу анъанани ўз ижодий тажрибасида фойдаланган ва муайян ютуқларга эришган ёзувчилар адабиётга кириб келди. Шундай зўлисонайн қаламкашлардан бири, ҳозирда Туркменистоннинг Тошҳовуз шаҳрида яшаб ўзбек ва туркман тилларида ижод қилиб келаётган ёзувчи Раимбой Собировдир.

Р. Собировнинг ҳикоялари ва қиссалари, саҳна асарлари туркман китобхоналарига, шунингдек, ўзбек ўқувчиларига ҳам кўпдан бери таниш. Бу асарлар Туркменистон ва Ўзбекистоннинг газета-журналларида босилиб чиққан, алоҳида китоб шаклида чоп этилди. Шуларга асосланиб уни ўзбек ва туркман адабиётига барабар хизмат қилиб келаётган икки халқ ёзувчиси дейиш мумкин. Ўзбек адабиётшунослигида ҳам, туркман адабиётшунослигида ҳам Р. Собировнинг ўзбек ва туркман тилида ёзган асарлари ўрганилган йирикроқ илмий тадқиқотнинг йўқлигини назарда тутиб, унинг ижодига кенгроқ тўхташни лозим топдик. Тўғри, туркман ва ўзбек матбуотида ёзувчининг янги эълон қилинган бирор ҳикоя ёки қиссаси, нашр этилган китоби ёхуд саҳналаштирилган пьесаси муносабати билан тақризлар чиққан. Фикримизча, бу мақолалар ёзувчининг ижодий биографияси ҳақида ўқувчига етарли маълумот бера олмайди.

Аввало, Р. Собиров ижодида икки тиллилиқ ҳодисасининг юзага келиши ва шаклланишига асос бўлган баъзи омиллар ҳақида. *Биринчи ва етакчи омил*, бизнингча, бу географик шароит. Тарихдан маълумки, ўзбеклар билан туркманлар қадимдан Хоразм воҳасида — Тошҳовузда ёнма-ён ва аралаш яшаб келганлар. Бу ҳолат уларнинг урф-одатларида, маданияти ва санъатида бир қанча умумийликларни келтириб чиқарган. Тошҳовузда яшайдиган туркманлар

ва ўзбеклар икки тилда эмин-эркин сўзлашиш, ҳатто ёзиш қобилиятига эга. Р.Собиров мана шу муҳитнинг вакили. У Тошҳовузда ўрта маълумот олгач, Тошкентдаги Чет тиллар педагогика институтига ўқишга киради. Институтни тамомлаб, Тошҳовузга қайтгандан кейин туркман ва ўзбек мактабларида чет тилидан дарс беради. Унинг адабий фаолияти энди туркман ва ўзбек тилидаги матбуот билан боғланади. Ёзувчининг туркман тилида ижод қилишига ёрдам берган. **Иккинчи омил** унинг туркман ижодкорлари билан дўстона муносабатлари ва ҳамкорлиги, туркман адабий муҳити. У ёшлигидан туркман адабиёти билан танишиб боришга, ёзувчи ва шоирлари билан алоқа ўрнатишга ҳаракат қилади. Р.Собировнинг Туркменистон халқ ёзувчиси Беки Сейтақов билан дўстона муносабати ва ижодий ҳамкорлиги унинг ёзувчи бўлиб шаклланишида муҳим роль ўйнади. Б.Сейтақов ёш қаламкашнинг туркман тилида ёзган асарларини доимо қизиқиш билан ўқиб, ютуқ ва камчиликларини кўрсатиб боради, тегишли маслаҳатлар бериб туради ҳамда «Совет эдебияти» журналининг бош муҳаррири сифатида Р.Собиров асарлари билан туркман китобхонларини таништиришда, ижодини тарғиб қилишда ҳам кўп хизмат қилади. Хонгелди Қорабоев, Қақабой Илёсов, Қўшжон Саидмедов, Хўжанафас Меляев, Сапар Ўраев, Ахмет Мамедов, Пётди Махсимов каби ёзувчи ва шоирлар билан ўрнатилган шахсий дўстлик, давралардаги ижодий гурунглари, баҳс-мунозаралар Р.Собиров учун ўзига хос тажриба мактаби бўлди. Унинг туркман тилида ёзган асарларининг биринчи ўқувчилари ҳам, биринчи танқидчилари ҳам мана шу туркман ижодкорлари эди, десак хато бўлмас.

Р.Собировнинг туркман ёзувчилари ва санъаткорлари билан ҳамкорликда асарлар яратиши туркман тилида ижод қилишига яхши имкон яратган **учинчи омилдир**. У ёзувчи Хўжанепес Меляев ва режиссёр Мерет Отахонов билан ҳаммуаллифликда «Ёрмиш чироқлари» номли ҳужжатли фильм яратди.

Р.Собиров туркман тилини худди ўз она тили — ўзбек тилини билгандек яхши билади. Агар уни туркман ёзувчиларининг бирор йиғилишида сўзга чиққанини ёки Хидир Деряев билан Беки Сейтақов, Сапар Ўраев ва Сайлов Муродов ёхуд Қўшжон Саидмедов ёки Қақабой Илёсов, ё Ахмет

Мамедов сингари таниқли адиблар, танқидчилар билан ижодий суҳбатларини кузатсангиз, унинг туркман тилида сўзлашиш, фикрлашини кўриб туркман ёзувчиси, туркман адабиётининг чинакам жонкуяри дегингиз келади. Худди шундай ҳолатни ёзувчининг ўзбек адабиётига бўлган муносабатида ҳам кўриш мумкин. У Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Рўздат Отаев, Эркин Самандаров каби адиблар, Матёқуб Қўшжонов, Пирмат Шермуҳамедов, Норбой Худойберганов сингари таниқли мунаққидлар билан ўзбек адабиёти, танқидчилиги ва адабиётшунослиги хусусида суҳбатдош бўлиб қолган чоғларда ўзбек ёзувчиси сифатида ўзбек адабиёти минбаридан туриб гапирадики, ҳаёлан уни ўзбек ёзувчилари сафига қўшиб қўясиз.

Икки адабиётга хизмат қилиб келаётган бу ёзувчининг ижоди шу хилдаги адабий муҳитда шаклланди, чиникди. Ҳар икки адабиётда ҳам унинг мухлислари, асарларига холис баҳо бериб, қўллаб-қувватлаб турадиган ҳамкасблари, устозлари бор.

* * *

Р. Собиров ижодини 60 йилларнинг иккинчи ярмида ҳикоя жанридан бошлади. «Садоқат», «Қирмизи рўмолча», «Нурия», «Ёдгор» номли ўзбек тилида ёзилган ҳикоялари, «Жўшқин юраклар», «Мардга берилган қалб» сингари туркман тилидаги ҳикоялари Ўзбекистон ва Туркменистоннинг газета-журналлари орқали ўқувчиларга етказилди. Ҳикоялар адабий танқиднинг назарига тушиб, ижобий баҳоланди. Улар ёзувчининг илк ижодий машқлари бўлишига қарамасдан, бадиий савияси анча пухта эканлиги таъкидланди. Адабиётшунос М.Олимов «Янги давр, янги қаҳрамон»¹ рисоласида 60-йиллар «кичик проза»нинг истиқболи, ҳикоячилигининг ютуқлари ҳақида сўз юритганида Худойберди Тўхтабоев, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Фарҳод Мусажонов, Саъдулла Сиев, Анвар Эшоновлар қаторида Раимбой Собировни ҳам ўзбек адабиётидаги «кичик проза»да ўзини кўрсатаётган талантли ёзувчи, деб характерлайди.

¹ М.Олимов. Янги давр, янги қаҳрамон. Тошкент, 1966., 45-бет.

«Ёш гвардия» нашриётида chop этилган «Гунафша» тўпламида Ўткир Ҳошимов, Оқилжон Ҳусанов, Мурод Мансуровларнинг ҳикоялари билан бирга Р.Собировнинг ҳам бир неча ҳикоялари босилади. Михли Сафаров мазкур тўпламга ёзган «Ёшлик тўлқинлари» номли тақризида бошқа ёзувчилар билан бирга Р.Собировнинг ҳикояларини ҳам таҳлил қилади. Ҳикояларда ёзувчи қаламига хос истеъдод қирралари намоён бўлганини, ҳаётнинг драматик нуқталарини топиб, психологик йўналишда чинакам характерлар ярата олганлигини алоҳида қайд этиб шундай ёзган эди: «Муаллифлар гарчи ижодда тенгдош бўлсалар-да, танлаган мавзулари, уларни ҳал этиш йўллари билан бир-биридан фарқ қилади. Ўткирни турмушнинг лирик томонлари қизиқтирса, Раимбойни жиддий кечинмалар, кучли драматизмлар қизиқтиради. Мурод ҳаётни кенгроқ планда тасвирлашга уринса, Оқилжон турмушимизда учраб турадиган эскилик сарқитларини фош этишга тиришади. Буларнинг ҳаммаси бир бўлиб, гўзал ҳаётимиз, гўзал одамларимиз ҳақида ҳикоя қилади».¹

Жуда ихчам ва асосли фикр. Чиндан ҳам, Р.Собиров ўз қаҳрамонларининг тақдири ҳақида жиддий мулоҳаза юритадиган ёзувчи. Уни доимо қаҳрамонларининг ички сирлари, руҳий олами, қалбида ниш ураётган орзу-умидлари қизиқтиради. Шунинг учун ҳам ёзувчи қаҳрамонларининг қалб зиддиятини, драматик ҳолатларини ҳар томонлама тасвирлашга ҳаракат қилади. Мана, кўлимизда ёзувчининг «Қирмизи рўмолча» ҳикояси. Асарга реал ҳаётнинг бир драматик лавҳаси танлаб олинган. Ҳикоя қаҳрамони Раҳимжон ўқитувчиси Ойбиби опанинг қизи Гулчеҳрани севди. Гулчеҳра қалбида ҳам шу туйғу ҳукмрон. У ҳатто Раҳимжонга атаб махсус рўмолча тиккан. Ойбиби опа, гарчи қизи сир тутса ҳам, бундан хабардор. У қизи ва Раҳимжонни ўз ҳузурига чақиради. Гулчеҳрадан рўмолчани кўрсатишни сўрайди. Ўзи эса урушда ҳалок бўлган эридан хотира — қонга бўялган қирмизи рўмолчани олиб чиқади ва ёшларга унинг сирини очади. Она ҳикоясини ёшлар таъсирланиб эшитадилар. Қиз йиғлайди. Йигит қалбида урушга нисбатан ғазаб ўти чақнайди. Ёки ёзувчининг иккинчи бир ҳико-

¹ «Шарқ юлдузи», 1966., 11-сон.

яси — «Нурия»га ҳам худди шундай драматик воқеа асос бўлган. Мансур билан Нурия техникумда ўқиб юрган йиллари бир-бирини севишади. Ўқишни тугатгач, турмуш қуришади. Мансур савдогар тоғасининг таъсирига берилиб, халқ мулкини ўмара бошлайди. Нурия уни бу йўлдан қайтармоқчи бўлиб, кўп уринади. Лекин ҳаракатлари зое кетади. Натижада оила бузилади. Нурия эрини ташлаб кетади. Мансур эса қамалади. У қамокдан қайтиб келиб ҳам ҳаётда ўз ўрнини топа олмайди. Геологлар ҳаётдан олиб ёзилган «Ёдгор» ҳикоясида ҳам шунга яқин драматик ҳолатлар анчагина. Ёш геологлар Абдулла билан Ҳолида саҳрода тоғ портлатиш учун кетаётганида қизга заҳарли илон ҳужум қилади. Абдулла қизни ҳалокатдан сақлаб қоламан деб, бир оёғидан ажралиб қолади. Шифокорлар унинг илон чаққан оёғини кесиб ташлайди.

Кўраясизки, ҳикояларга танланган воқеалар ўта жиддий, драматик. Инсон тақдирининг мураккаб ҳолатлари таҳлил қилинган. Ёзувчи воқеаларни шунчаки ҳикоя қилмайди, у ўз қаҳрамонларининг қалбига қўл солиб кўради, орзу-интилишларига қулоқ тутди, ҳаётга, атрофидагиларга муносабатини психологик планда ҳаққоний тасвирлайди. Оғир руҳий мусибатга дучор бўлган Гулчеҳра ва Раҳимжон («Қирмизи рўмолча»), Мансур ва Нурия («Нурия»), Абдулла ва Ҳолида («Ёдгор») образлари орқали муаллиф замон ва замондошлари ҳақида, инсон иродаси ва эътиқоди, ижтимоий бурчи тўғрисида мулоҳаза юритади. Муайян тарихий шароитда улар руҳиятида содир бўлган изтиробни, фидоийлик ва мардликни, садоқатни ҳаққоний ёритишга эришади.

Р. Собиров ҳикояларидаги яна бир ўзига хослик ўқувчи диққатини тортади. Бу муаллифнинг бадиий деталлардан фойдаланишдаги маҳорати. Асарнинг бадиийлигини оширишда, қаҳрамоннинг характер қирраларини очишда ифода тасвир воситаларидан фойдаланилса, шунча яхши, асар таъсирли ва қизиқарли чиқади. Устоз адабиётшунос Матёкуб Қўшжонов ёзганидек: «Бу деталлар тасвирланаётган образнинг психологик ҳолати хусусида ёзувчининг сўзлари билан айтилишидан кўра минг чандон ифодалироқ ва таъсирлироқ»¹.

¹ М.Қўшжонов. Ижод масъулияти. Тошкент, 1981., 134-бет.

Р. Собировнинг хоҳлаган ҳикоясини олиб кўринг, унда муваффақиятли ишлатилган рамзий-психологик деталларга дуч келиш мумкин. «Нурия» ҳикоясидаги Мансур томонидан теракка ўйиб ёзилган «Нурия» исмини олиб кўрайлик. Бу сўзни Мансур учрашувга келмаган Нурияни бетоқат бўлиб кутган пайтида эрмак учун шунчаки теракка ёзиб қўйган. Орадан етти йил ўтгач, Мансур қамоқдан чиқиб яна шу терак ёнига келади, ундан бир вақтлар ўзи ёзиб кетган ўша ёзувни қидиради. Шунда унинг миёсидан «Йиллар!» деган фикр ўтади-ю, кўзлари терак бўйлаб юқорига югуради. Бир вақтлар ёзув Мансурнинг елкаси баробар баландликда эди. Энди-чи? Унга Мансур оёқ учларида кўтарилиб қўл чўзса ҳам етолмайди. Йиллар «Нурия»ни шунчалик баландликка кўтариб, Мансурни шунчалик тубанда қолдирибди!

Ҳикоянинг бош образи Мансур. Ҳамма воқеалар унинг тақдири билан боғлиқ. Лекин негадир муаллиф Нурияни ҳикоя сарлавҳасига олиб чиққан. Тўғри, Нурия Мансур тақдирида маълум даражада роль ўйнайди. Лекин ҳикоянинг номи ёзувчи ифодаламакчи бўлган ғояга унчалик мос эмас. «Қирмизи рўмолча» ҳикоясидаги «қирмизи рўмолча» детали қаҳрамонлар қалбини ларзага келтирадиган бадиий детал бўлганидек, ҳикоянинг бош ғоясини очишда муҳим аҳамият касб этган ва сарлавҳага олиб чиқилгани тўғри. «Ёдгор» ҳикоясида ҳам муваффақиятли қўлланилган деталлар кўп. Холида билан Абдулла саҳрода кетаётганларида Абдуллани заҳарли илон чақиши, Холиданинг сочини кесиб йигитнинг илон чаққан жойидан боғлаши каби деталлар қаҳрамонлар тақдиридаги бурилиш нуқталарини изоҳлашда зарур бадиий восита бўлган.

Р.Собиров ҳикояларининг ўқувчига манзур бўладиган яна бир хусусияти бор. Бу ҳикоялардаги психологик таҳлилнинг мукамаллиги. Ёзувчи ўз қаҳрамонларининг қалб кенчинмаларини нозик ҳис этади ва табиий тасвирлайди. Турмуш ўртоғининг хатарли йўлга кириб кетишидан изтироб чеккан Нуриянинг қалб драмаси, қамоқдан қайтиб келиб ҳам ҳаётда ўз ўрнини тополмай, турмуш гирдобиде айланиб юрган Мансурнинг кечинмаларидаги руҳий тушқунликлар китобхонни ҳам бефарқ қолдирмайди. Бу ҳикояни

танқидчи М.Сафаров тўпламдаги энг яхши, психологик ҳикоя деб атаганида жон бор. Ёки Раҳимжон билан Гулчехранинг («Қирмизи рўмолча») қирмизи рўмолча сирини билганларидан кейин улар қалбида туғилган тугёнлар, инсонлар ҳаловатини бузган урушга нисбатан юрагида аланга олган нафрат учқунларини китобхон ҳис қилиб туради ва уларнинг тақдирига ўзларини шерик деб билади. Қизни илоннинг ҳужумидан сақлайман деб ўзини кулфатга гирифтор этган Абдулла («Ёдгор»), ўзининг айрим ҳатти-ҳаракатлари билан Абдулла ва Назар қалбида умид учқунларини чақнатган ҳазилкаш Холида характеридаги психологик тасвирлар ўқувчини ром этади.

Бу айтилганлар ёзувчининг барча ҳикоялари камчиликлардан холи деган маънони англатмайди. Таҳлилга тортилган ва тилга олинмаган баъзи ҳикояларда ҳали маромига етмаган жиҳатлар, муаллифнинг бадиий далилига муҳтож образлар бор. Қаҳрамонлар характери очишга хизмат қилмайдиган, ҳаёт ҳақиқатига унчалик мос келавермайдиган ортиқча тасвирлар, кераксиз деталлар, чиндан ҳам, ҳикояларнинг бадиийлигига путур етказган. Булар ҳали ёзувчининг ижодий изланиш босқичида эканлигидан дарак беради.

Р. Собиров бу ҳикояларнинг туркманча вариантларини ҳам яратган. Улар ҳам худди ўзбек тилида қандай завқ билан ўқилса, туркман тилида ҳам шундай қизиқиш билан ўқилади. Навбатдаги таҳлил шу ҳақда.


* * *

Р. Собиров ижодий изланишларини изчил давом эттирди. Ҳикоядан ҳикояга ўсиб, қалами ўткирлашиб, ижоди чиниқиб борди. Ҳаётини ва ижодий тажриба тўплаган ёзувчи энди қаламини қисса жанрида синаб кўрмоқчи бўлди. Ўзбек ва туркман тилларида «Юмалоқ дунё», «Гирдобдан соҳилга», «Сирли оҳанглар» қиссаларини ёзди. «Юлдузлар шуъла сочмоқда» ҳужжатли повестини эълон қилди. Қиссаларнинг мавзу доираси хилма-хил. Уларда ҳаётнинг долзарб муаммолари қаламга олинган. Ҳалоллик, виждон бурчи, одам қадри, инсонпарварлик каби ахлоқий масалалар замон руҳига мос бадиий ёритилади. Ёзувчининг ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантиришда анча тажриба

тўлагани, маҳорати ошгани қиссаларнинг гоёвий-бадий хусусиятларида кўзга ташланиб туради. «Юмалоқ дунё» қиссаси ёзувчининг жиддий ютуғи бўлди, деб айта оламиз.

«Юмалоқ дунё» Р.Собировнинг қисса жанридаги илк тажрибаси. Ёзувчи қиссани дастлаб ўзбек тилида ёзади. 1972 йилда «Ёш гвардия» нашриёти уни алоҳида китоб шаклида, катта нусхада босиб чиқарди. Кейинроқ муаллиф асарнинг туркманча нусхасини яратди ва у дастлаб «Совет эдебияти» журналида эълон қилинди, 1976 йилда «Туркменистон» нашриёти қиссани «Тогалак дуня» деган ном билан туркман тилида нашр этди. Туркман адабий танқидчилигида қисса ҳақида ижобий фикрлар билдирилди, тақризлар босилди. 70-йиллар туркман насрининг ютуқларидан бири деб баҳоланди. Шоир ва олим Аҳмет Мамедов «Ёзувчининг «Тогалак дуня»си» номли тақризида асарга ҳолис баҳо берди.

Қиссанинг фазилатлари кўп. Асарнинг дастлабки саҳифаларидаёқ ўқувчи диққатини ўзига тортиб, воқеаларни, қаҳрамонларнинг ҳаракат йўналишларини кузатиб боришга ундаб турадиган яхлит сюжет оқими бор. Қиссада иккинчи жаҳон уруши йилларида мамлакат ичкарасидаги ўспирин ёшларнинг катталар билан бирга уруш қийинчиликларини қандай енгганлиги, тарихнинг бу оғир синовидан қай даражада ўтганлиги тасвирланади. Ўспирин Абди қиссанинг бош қаҳрамони. Барча воқеалар унинг тақдири билан боғлиқ. Уруш йилларида юзлаб, минглаб Абдиларга ўхшаган ўспиринларнинг ҳаёт тарзи, қисқа муддатда психологиясида рўй берган ўзгаришлар шу образ орқали ифодаланади. Уруш Абдилар оиласига ҳам барча оилалар қатори ўчмас муҳрини босади. Узоқларда бошланиб кетган даҳшатли «урушнинг узун кўли» унинг даласини «ёқасидан ушлаб, ўз қаърига тортиб кетди». Ҳали турмушнинг аччиқ-чучугини татиб улгурмаган шаҳар ўспирини Абдини эса «еттинчи синф партасидан юлиб олиб, этикдўзлик артелидаги пастак курсига ўтқазиб қўяди». Энди у ҳаёт тўлқинлари «зарба»сига бардош бериб, тоблана боради. У ўқишни ташлайди. Кўшниси, этикчи уста Маҳмудга шогирд тушади. Меҳнаткашлиги билан артелдагиларга, уста Маҳмудга жуда ёқиб қолади. Кунларнинг бирида артелда давом этаётган бу осойишталикка путур етади. Артел бошлиғи Ҳасан гупчак арзимаган баҳона билан уста Маҳмуд билан Абдини артелдан ҳайдайди.




Отаси
Курамбой Норметов.



Онаси
Ёқитжон Отажанова.




Чапдан:
К.Курамбоев
синфдош дўсти
билан. 1958 йил.



Тошкент давлат
университети талабаси.
1962 йил.




К. Қурамбоев (чапдан иккинчи) курсдошлари билан
табиат қўйнида. 1963 йил.



Курсдош дўсти, адабиётшунос олим У. Ўлжабоев билан.
Тошкент, 1964 йил.



Ўндан чапга: проф. Ш.Рахматуллаев, проф. У.Норматов
ва кафедра аъзолари билан. Нукус, 1983 йил.




Устози, академик Матёкуб Қўшжонов билан. 2003 йил.



Адабиётшунос-танқидчи Норбой Худойберганов
билан суҳбатда. 1983 йил.



Туркман олимлари билан мулоқотда. 1982 йил.





Филология фанлари доктори, адабиётшунос олим
Сейит Гарриев билан. Ашгабат, 1981 йил.



Ўзбекистон Қаҳрамони
Тўлєпбергєн Қайиєпбергєнов
билан. 1999 йил.




Ижодий учрашув иштирокчилари даврасида. 2002 йил.




Адабиётшунос олимлар орасида. Тошкент, 1981 йил.



Академик Бахтиёр Назаров билан. 2003 йил.




Қизи, филология фанлари номзоди
Гулашом Қурамбоева билан. 2003 йил.




Оила аъзолари билан Кўҳна Урганч саёҳатида. 2005 йил.



Қорақалпоғистон Республикаси Ёзувчилари уюшмасида.
2007 йил.



Онаси, рафиқаси ва фарзандлари билан. 1982 йил.



Кўҳна Урганчдаги Текеш минораси қошида. 2005 йил.



Талабалар билан учрашувда. 2002 йил.



Олимлар ва ёзувчилар орасида.
Тошкент, 2003 йил.



Туркманистонлик дўсти, шоир ва олим, проф.
Ахмет Мамедов билан Кўҳна Урганч ёдгорликлари майдонида.
2005 йил.




Бир ижодий учрашув оstonасида. 2002 йил.



Адабий кечалар сўнг. Чандан: ёзувчи Т.Қаййипберганов,
шоира Г.Матёкубова ва проф. К.Курамбосов 1998 йил.



Шукур давлат педагогика институти
профессор-ўқитувчилари орасида. 1997 йил.



XVII аср туркман адабиётининг мумтоз шоири
Гаражаоглан ёдгорлиги қошида. Ашгабат, 2008 йил.



Шоир ва олим
Ахмет Мамедов
билан Ашгабат
сафарида.
2008 йил.



Оила аъзолари ва неваралари билан. 2007 йил.



Талабалар билан Наврўз байрами тантаналарида.
Нукус, 2000 йил.

Ёзувчи бундан кейин воқеага драматик тус бера бошлайди, китобхонни қахрамонлар тақдирида юз берадиган кулфатларга тайёрлаб боради. Абди устози билан артелдан ҳайдалди. Бу нохушлик камлик қилганидек, уйда уни бундан ҳам оғирроқ фожа кутади. Отаси фронтда бедарак йўқолган. Бу мусибат она-бола қалбини ларзага солади. Она ногирон. Тирикчилик ташвиши энди бутунлай Абди зиммасида. Уруш одамлар ўртасидаги муносабатни чигаллаштириб юборди. Баъзи бировларда инсоф, диёнат йўқолди. Кимлардир тамоман инсонийликни унутиб, қабиҳликка юз бурди. Бировнинг тирикчилигига кўз олайтирадиган, бир бурда нонини тортиб олиш пайига тушганлар ҳам пайдо бўлиб қолди.

Р.Собиров ҳаётнинг бу қалтис ва мураккаб кўринишларини Маҳмуд ота, Абдилар оиласи мисолида ёритишга ҳаракат қилган. Уста Маҳмуд билан Абди кўнгилларидаги ғам тумани бирмунча тарқаб, мана энди тирикчилигимиз изга тушиб кетар деб турганда, яна бир дилисийҳлик рўй беради. Молия ходими Нурмат уста Маҳмуд хонадонидаги кичкинагина умид учқунини ҳам сўндиради. Яширинча касиблик қилаяпсиз деб ноҳақдан унга эллик минг сўм солиқ солади. Бу ночор оилага яна бир зарба эди. Уста Маҳмуднинг кампири бир кунлик дардга чалинади-ю, тўсатдан вафот этади. Бу мусибат устанинг дилини вайрон қилиб, қалбига битмас жароҳат солади.

Қиссанинг қарийб ярмидан кейин ёзувчининг тасвир услуби бироз ўзгаради, воқеалар кескинлиги сусаяди. Лекин бундай тасвир усули билан ҳам ёзувчи китобхонни қахрамонлар тақдирига эргаштира олган. Бу жиҳатдан Абди ва Салима муносабатлари тасвирланган сюжет чизиғи характерли. Йигит ва қиз қалбида уйғона бошлаган севги тўлқинларини ёзувчи жуда нафис тасвирлаган. Уста Маҳмуд ёлғиз ўғлининг фронтда ҳалок бўлганлиги ҳақида «қора хат» олади. Ўз бошига тушган мусибатга ўзгаларни шерик қилишни истамай бунини у бошқалардан сир сақлаган. «Қора хат»ни унинг чўнтагидан уста вафот этганидан кейин топиб олишади.

«Юмалоқ дунё»нинг охири саҳифасини ўқиб, китобни ёпгандан кейин ўқувчи хаёлида бир фикр тез-тез такрорланиб, юрагига ўрнашиб қолганини ҳис қилади. Иккинчи

жаҳон уруши йилларида хоҳ жанг майдонларида, хоҳ мамлакат ичкарасидаги меҳнат фронтида бўлсин, кишилар бир-бирларига меҳрибон, ниҳоятда ғамхўр бўлишган. Шодлиги ва қувончини ҳам, қайғу ва ҳижронини ҳам баҳам кўрган. Бири учун иккинчиси бало-офатларга кўксини тутиб берган. «Юмалоқ дунё» қиссасида мана шу ҳаётий ҳақиқат воқеалар руҳига маҳорат билан сингдирилган. Қиссанинг қаҳрамонлари меҳрибон, дилкаш, ғамхўр, самимий одамлар. Улар эл бошига оғир кунлар тушганда бир-бирларига янада яқинлашади. Бирининг бошига тушган қайғу-ғам иккинчисининг ҳам дилини ўртайди, бирининг шодлиги иккинчисининг ҳам кўнглини кўтаради. Бири моддий жиҳатдан қийналаётган бўлса, иккинчиси унга ёрдам қўлини чўзади. Бирининг бошига тушган мусибат барчанинг бошига тушган мусибатдек қабул қилинади. Одамлар ўша оғир йилларда бир-бирларини аяшган, асрашган. Шу фикр қиссанинг ғоявий лейтмотивини ташкил этади. Унинг бадиий исботини биз қиссадаги ёзувчи севиб тасвирлаган ҳар бир образ ҳаракатларида, психологияси тасвирида кўриб, ҳис қилиб турамыз.

Ёзувчи қаламга олган мавзу, материал қанчалик муҳим бўлмасин, агар у муаллифни ҳаяжонга солмаса, бутунлай қалбини сеҳрлаб олмас экан, китобхонни қизиқтирадиган асар ярата олмайди. Р.Собировнинг қиссага тасвир объекти бўлган ҳаёт материалини яхши ўргангани, айниқса, этикчилик ҳунарининг сир-синоатини жуда мукамал ўзлаштиргани сезилиб туради. Фақат мана шу касба ишлаган одамгина этикчиликнинг нозик жиҳатларини қиссадагидек табиий тасвирлай олиши мумкин.

* * *

Энди «Юмалоқ дунё»нинг туркманча варианты — «Тогалак дуня» хусусида. Қиссанинг туркманчаси ўзбек тилидаги вариантдан кўп ҳам фарқ қилмайди. Савол туғилиши табиий. Агар уларда фарқ бўлмаса, «Тогалак дуня» таржима эмасмикан? Уни маълум даражада таржима дейиш ҳам мумкин. Гарчи у таржима ҳисобланса-да, муаллиф-таржимон учун ижодий қайта яратиш жараёни бўлади. Қатор таҳририй ўзгартиришлар туфайли тасвирий воситаларни беришда ўзига ҳослик, тилнинг бойлиги ва услубнинг шаклланиши-

га доир бир қанча янгиликлар вужудга келади. Шунинг учун ҳам Чингиз Айтматов бу жараёни ижобий баҳолаб, муаллиф-таржимонни ҳар жиҳатдан қўллаб, шундай деб ёзгани бежиз эмас: *«Мен китобларимни қирғиз ва рус тилларида ёзаман. Агар китоб дастлаб қирғиз тилида ёзилган бўлса, мен уни рус тилига таржима қиламан ва аксинча. Мен бу икки томонлама ижодий ишдан чуқур қониқиш ҳис этаман. Менинг назаримда, бу ёзувчи услубини шакллантирадиган, тилидаги образлиликни бойитадиган ўта қизиқарли ички жараён»*.¹

Бу жараёнинг яна бир муҳим томони бор. Адабиётшунос Ё. Исҳоқов таъкидлаганидек, бу тажриба ижодий жараёнинг муҳим назарий масалаларидан бири «таржимон» ва «муаллиф-таржимон» муаммосини ўрганиш нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга. Агар асар бошқа шахс томонидан иккинчи тилга таржима қилинганида кўп нарсаларни йўқотиши мумкин. Чунки бадиий асар учун асос бўлган материал (ҳаётий воқеа) таржимон шахсига нисбатан бегона ва ўзича мустақил ҳисобланади. Яна асар ижодкори билан таржимоннинг ижтимоий дунёқараши ёки шу асар доирасидаги қарашлари бир-бирига тўғри келмаслиги мумкин. Шунингдек, тасвир услуби ва методида ҳам айрича томонлар бўлиши шубҳасиз. Тасвир воситаларида ҳам тўла умумийлик бўлиши амри маҳол. Муаллифнинг ўзи таржимон бўлганда эса бу масалаларнинг кўпчилиги ёзувчи ва таржимон учун алоҳида-алоҳида бўлмай, бир шахсда бирлашиб кетади (ҳаётий материал, дунёқараш, тасвир воситалари, услуб ва ҳоказо). Тасвир воситалари қилириш жараёнининг ўзи ҳам (янги тилда) таржимонга нисбатан муаллиф-таржимонда ўзига хос ҳолда кечади: муаллиф-таржимон тайёр воситалардан (ўзида мавжуд материаллардан) фойдалана олади. Янги ифода тасвир воситаларини тасвир жараёнига жалб этиш эркинроқ ва тезроқ амалга ошади, бир тил асосида шаклланган тасвир услубини иккинчи бир тил қонуниятлари асосида қайта таҳрир қилиш, унга сайқал бериш жараёни амалга оширилади.²

¹ Ч. Айтматов. Человек между двумя языками. «Советская Киргизия», 1967 г., 17- октябрь.

² Таржима санъати. 5 китоб. Тошкент., Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980., 125-бет.

Р.Собиров ўз асарларининг ўзбек ёки туркман тилидаги вариантлари устида шундай принципда ишлаган. Бир қарашда ёзувчи «Юмалоқ дунё»ни осонгина туркман тилига ўгириб қўяқолгандек туюлса-да, аслида ёзувчи асарнинг туркманча варианты устида катта ижодий меҳнат қилган. «Юмалоқ дунё»нинг ўзбек тилидаги вариантыда ўзбекона анъаналар, миллий руҳ, тил бойлиги, бошқа-да ўзгачаликлар ифодаланган бўлса, туркманча нусхасида туркман халқига хос миллий руҳ, тил ўзгачалиги акс этган. Ёзувчининг туркман ҳаётини, унинг удумларини, тил хусусиятларини яхши билиши ва реал тасвирлагани шубҳа туғдирмайди. Қуйидаги мисолларни қиёслаб кўрайлик:

— Кўп ўйлайверма, бахтинг бўлса, ҳали бир ердан чиқиб қолар, даданг. Дом-дараксиз йўқолди дегани, ўлди дегани эмас-ку. Аслида бу гапни сенга билдирмаслигим керак эди. Бунга ногиронлигим, уй бандаси бўлиб қолганлигим сабабчи. Соғ бўлсам, ишлаб одамлар орасида юрган бўлсам, буни сенга билдирмасликка бардошим етармиди.¹

Ушбу матннинг туркманча варианты:

— Гайги этме гузум, дэдаң бир ерден чыкар. «Дерексиз йитди дийилдиги «өлди» дийилдиги дәл ахырын. Вах, мен гурайын! Аслиетинде, мен шоны сана дуйдурмали дәл экеним. Бу агыр зарба еке өзүм дәз гелип билмән соң айдайдым-да. Өзүмиң яравлыгымың ёклугы хем онуң устесише! Гайги этме, гузум, «Муң гайги бир иш битирмез» дийилдирлер».² (14-бет)

Муаллиф парчанинг туркманча вариантыга бир неча таҳририй ўзгартишлар киритганига гувоҳ бўлаяпсиз. Янги жумлалар қўшган. Таҳрирлар, қўшилган жумлалар матннинг маъносини, драматик руҳини ўзбек тилидагисидан ҳам кучайтирган. Ногирон онанинг ўз қайғусига фарзандини ҳам шерик қилиб қўйганидан афсусланиб чеккан изтироби, руҳий драмасы янада таъсирлироқ чиққан. Ўзбек тилидаги парчада мавжуд бўлмаган «Минг қайғу бир иш битирмас»

¹ Р.Собиров. Юмалоқ дунё. Тошкент., «Ёш гвардия», 1971., 15-бет.

² Р.Сабыров. Тоголак дунё. Ашгабат, «Туркменистан», 1976., 14-бет. Бундан кейинги мисоллар шу манбадан бўлади.

деган халқ иборасини ёзувчи туркман тилидаги матн руҳига мослаштириб, жуда ўринли фойдаланган. Бу ибора беихтиёр Махтумқулининг:

*Нем дүшмесе гөкден, ер ней гөтермез,
Йыгылса муң гайги, бир иш битирмез,
Эр йигит көңлүне гайги гетирмез,
Намарт оглы дейин гайгычы болма!* —

деган «бўлма» радифли машҳур шеъридаги мисраларни эс-лагади. Ёзувчи шу ҳаётий лавҳани яратаётганда ҳаёлида буюк Махтумқулининг насихат мотивидаги шеърлари гавдаланган. Юқоридаги тўртликни матнга қўшиш билан муаллиф асарга колорит руҳини берган, иккинчидан, ўқувчи учун тарбиявий аҳамиятга эга гоёни илгари сурган.

Бу хилдаги таҳририй ўзгартиришлар образлар характерини очишга, психологик таҳлилни чуқурлаштиришга, воқеаларга драматик тус беришга хизмат қилган. Ёзувчи замон ва замин руҳини, халқ, миллат ҳаётига хос жиҳатларни реалистик тасвирлаш учун асарнинг у ёки бу вариантыга шундай ўзгартиришлар киритган.

«Юмалоқ дунё» қиссаси юзасидан айтилган ижобий фикрлар унинг камчиликлардан бутунлай холи эканлигини билдирмайди. Баъзи воқеалар тасвирида ёзувчи типик шароитдан бироз чекинган. Абди билан Зулфиторнинг муҳаббат саргузаштлари тасвирида образ билан муҳит ўртасида номувофиқлик бор. Абдининг отаси фронтда бедарак йўқолган, бунинг устига онасининг ногиронлиги, устози Махмуд ота бошига тушган мусибатлар унга таъсир қилмаслиги мумкин эмас эди. Бундай қайғу-ғамларни бирданга унутиб юбориш осон бўлмайди. Зулфиторлар оиласининг аҳволи ҳам Абдиларниқидан афзал эмас. Қизнинг акасида ҳам қора хат келган, отаси қайғуда. Салиманинг шароити буларниқидан ҳам ночор. Оилалар шундай оғир кунларни бошдан кечираётган бир пайтда, гўёки ҳеч нарсадан беҳабардек, уларнинг баъзан чақ-чақлашиб кўча айланиб юришлари китобхонга бироз эриш туюлади. Ҳар бир лавҳадан, катта-кичик воқеадан, ҳатто ҳар бир бадий

¹ Махтумқули. Сайланан эсерлер. Ики томлук. 1 том. Ашгабат, «Туркменистан», 1983., 114-бет.

деталдан китобхон ўша оғир йилларнинг нафасини, руҳини ҳис қилгиси келади. Бадий ижоднинг барча типларида, айниқса, насрда далиллаш санъати жуда муҳим. С.Антонов: *«Агар воқеа асарнинг жони бўлса, далиллаш унинг қалбидир»* деган эди. «Юмалоқ дунё»нинг айрим ўринларида воқеалар, характерлар етарли даражада бадий далилланмагандек кўринади. Абди еттинчи синф ўқувчиси, ўн уч-ўн тўрт ёшлардаги ўспирин. Шу ёшдаги боланинг *«қўнғир кўзи»* қиз деб «оҳ-воҳ» чекишларига китобхон кўп ҳам ишонавермайди. Абдининг Зулфиторга *«уруш тамом бўлгандан кейин турмуш қурсак»* деб таклиф қилиши ҳаёт мантиқига тўғри келармикан? Ҳарҳолда, қиссада ўспирин ёшларнинг севги муносабатлари тасвирланган саҳифаларида бадий далиллашга муҳтож ўринлар бор.

Қиссанинг тилида ўқувчида эътироз туғдирадиган ўринлар, таҳрирталаб жумлалар кўп. Масалан, китобдаги *«Оқ бақиялар қора рантда негрнинг оғзидаги тишлардай янада оқроқ»* (9-бет), (Бу жумла туркман тилидаги вариантда анча сиблиқланиб берилган: *«Шонда хунжидек ак йордумлер гөзе дийсең якымлы гөрүнйәрди»* (10-бет)), *«катта стол орқасида ўтирган ҳиндидай қоп-қора киши»* (46-бет) каби жумлалардаги кўпол ўхшатишларга биров сайқал берилганида маъқул бўларди. Муаллиф тилидаги *«гуппи», «қийишқ-мийишқ», «ғариб-хасар», «қора хром», «қапталдаги кўча»* деган сўзларни, шунингдек, *«бақия», «рант»* каби этикчилик атамаларининг маъносини ҳамма китобхон ҳам бир хилда тушунавермаса керак. Уларга изоҳ берилиши зарур эди. Китобнинг баъзи саҳифаларида *«тишшимизни у қоққан эмасдир»* (13-бет), *«ҳамма ёғининг сири тушиб, ола-чипор бўлиб кетган»* каби изоҳталаб сўз бирикмалари бор. Бу сўзлар, ибораларнинг кўпчилиги муаллиф тилида берилади. Агар уларни шевага хос атамалар десак, уларни муаллиф тилида бериш ноўрин. Муаллиф соф адабий тилда сўзлаши керак-ку! Образлар тилидан: *«Гап деганинг ози яхши, кал қизнинг нози яхши», «Мўминлар савдосини чуғуллар бузар»* деган ибораларни келтирганки, буларда ҳам муаллиф типик шароитни ҳисобга олмаган кўринади. Тўғри, бу иборалар, эҳтимол, қиссада тасвир объекти бўлган жойларда ишлатилиши мумкин. Лекин уларга изоҳ зарур. Китобнинг 17-бетида шундай жумла бор: *«У йигирма беш ёшлар чамасидаги қиш-*

лоқи аёл бўлиб, оёғидаги брезент этикнинг камида қирқ жойига ямоқ тушган». Гап бу ерда эрини фронтга жўнатиб, оиланинг оғирлигини ўз зиммасига олган, тирикчилик ташвиши билан бозорга келган, муҳими, муаллиф симпатия билан тасвирлаётган мунис бир аёл тўғрисида бораяпти. Жумладаги *«қишлоқи аёл»*дан қисман камситувчи маъно чиқиб қолган. *«Қишлоқдан келган аёл»* ёки *«қишлоқлик аёл»* дейилганда мақсадга мувофиқ бўларди. Ёзувчининг ижобий образларга нисбатан *«Хиринг-хиринг кулди»* жумласини ҳам деб такрорлайвериши китобхоннинг жиғига тегиши мумкин. *«Хиринг-хиринг кулиш»* адабиётда кўпинча эркакларга, салбий образларга нисбатан ишлатилади ва у ўша қаҳрамоннинг муайян шароитдаги ҳаракатини ҳажв қилиш ва характерини очишнинг бир воситаси сифатида фойдаланилади. Салимага нисбатан *«қўнғир кўзи»* ибораси кўп такрорланган. Асар тилига сайқал берилмагани сезилади.

Ҳар икки қисса вариантларининг қиёсий таҳлилидан шундай хулосага келиш мумкинки, туркман тилидаги «Тоғалак дуня» кўп жиҳатдан мукаммал. Ёзувчи қиссанинг ўзбек тилидаги нусхасида йўл қўйилган камчиликларни туркманча вариантда тузатган.

* * *

Р.Собиров иккинчи «Гирдобдан соҳилга» қиссасини туркман тилида ёзди. У илк бор 1974 йилда «Совет эдебияти» журналинда босилди. Асар китобхонларга маъқул бўлсада, ёзувчининг ўзини унчалик қаноатлантирмаган эди. Қисса устидаги ижодий ишини давом эттирди, қайта ишлаб тўлдирди. Ортиқча воқеалар олиб ташланди. Янги боблар қўшилди, материаллар билан бойитилди ва китобхон дидига мос яхши бир асар майдонга келди. «Туркменистон» нашриёти уни алоҳида нашр этди. Қиссани адабий жамоатчилик яхши қабул қилди. Танқидчиликда 70-йиллар туркман насрининг катта ютуқларидан бири деб баҳоланди. Адабиётшунос Жума Чориев «Мансурнинг одимлари» тақризиде «Гирдобдан соҳилга» ҳақида фикр юритиб, бош образ психологияси яхши очилганини, характер хусусиятларидаги ўзгаришлар босқичма-босқич, ишонарли кўрсатилганини ёзувчининг ижодий ютуғи сифатида таъкидлади. Қиссада тасвирнинг изчиллиги, лиризмга бойлиги, ифодалар тил жиҳатидан ҳам

яхши чиққанлиги муаллифнинг туркман тили имкониятларидан самарали фойдаланганининг белгисидир.

Юқорида қайд этганимиздек, Р.Собиров ҳаётдан мураккаб тақдирлар, драматик воқеалар қидиради, топади ва уларни таъсирли тасвирлаб бера олади. Буни ёзувчининг ҳикоялари таҳлилида кўрдик. Муаллиф мураккаб воқеалар тасвири фониди образларнинг дунёқарашидаги ўзгаришларни, руҳий кечинмаларни, қаҳрамоннинг муҳитга, муҳитнинг қаҳрамонга муносабатини ҳаққоний кўрсата олган. Ёзувчининг бу услуби «Гирдобдан соҳилга» қиссасида янада ёрқинроқ намоён бўлди.

Қиссага «Нурия» ҳикоясининг негиз сюжети асос қилиб олинган. «Нурия» «Гунафша» тўпламидаги энг яхши ҳикоялардан бири сифатида баҳоланганини айтган эдик. Ҳикоядаги психологизмнинг чуқурлиги, драматизмнинг кескинлиги ёзувчи маҳоратининг жиловлари эканлиги танқидчиликда тилга олинганди. Назаримизда, ўзбек танқидчилигида ҳикоя тўғрисида билдирилган ижобий фикрлар ёзувчини бу мавзунинг қисса жанрида кенгроқ ёритишга илҳомлантирган кўринади. Қиссада «Нурия»нинг негиз сюжети сақланган бўлса-да, муаллиф унга катта ўзгартиришлар киритган. Ҳикояга нисбатан қисса жанрининг имкониятлари катта. Ҳаёт воқеаларини, қаҳрамонлар фаолиятини, характерларнинг шаклланиш жараёнларини қиссада кенг доирада тасвирлаш имкони бор. Ёзувчи қиссада бош образ характерининг тадрижий шаклланиш жараёнини, ҳаётда адашиб, боши берк кўчага кириб қолиши сабабларини, аччиқ қисматиға сабабкор бўлган воқеаларнинг илдизларини очиб беришни мақсад қилган ва асар сюжетини шунга мувофиқ қилиб қайта яратди.

Ҳикоя асосида қисса яратиш тажрибасига ўзбек адабиётида ҳам, туркман адабиётида ҳам мисоллар кўп. Поэма ёки қисса материали негизида роман ёки ҳикоя асосида қисса яратган ёзувчилар бор. Ижодда синовдан ўтган тажриба бу. Лекин бу тажрибанинг қандай якунланиши ёзувчининг маҳоратига боғлиқ. Р.Собиров ижодида бу тажриба муваффақиятли якунланган деб айта оламиз. Ҳикоя билан қиссани қиёслаб кўрайлик. «Нурия» ҳикояси ҳажм эътибори билан ихчам ва қисқа. «Гирдобдан соҳилга» эса салкам олти босма тобоқ. Қиссада ҳам асар марказида Мансур тақ-

дири туради. Унинг савдогар тоғаси билан алоқаси, Нурия билан муносабатлари, Нуриянинг (қиссада у Нуржамол деб ўзгартирилди. Бу ном туркман қизлари учун типик) уйни ташлаб кетиши, Мансурнинг қамалиши каби асосий воқеалар сақланган. Шу билан бирга, қиссада янги сюжет тармоқлари, янги образлар ва янги бадий деталлар яратилганки, у тамоман оригинал асарга айланган. «Нурия» ҳикояси экспозиция билан бошланади. Қиссада ҳам бу тасвир сақланган. Мана, ҳикоядаги ўша тасвир: «Поезд тун зулмати қўйнида шиддат билан олға учди. Вақт ярим кечадан оққан. Йўловчиларнинг ҳаммаси беланчакда ётгандек ҳузур қилиб, тебраниб ухлашапти. Фақат якка Мансурнинг кўзларига уйқу келмас, у тамбурда қоронғуликка тикилганича тамаки тутатиб турарди. У ҳеч қачон ҳаётнинг маъносини ҳозиргидай жиддий ўйлаб кўрмаган эди. Ким бўлмоқчи эди у? Энди ким?! У кўзларини юмиб, манглайини муздек ойнага босди. Кўз ўнгида ўтмишнинг оқ-қора саҳифалари бирин-кетин варақлана бошлади».

Ёзувчи бу парчанинг қисса вариантини яратаётганда унга бир таҳририй ўзгартиш, жумлалар киритганки, бу қўшимчалар китобхонни воқеанинг давомини кузатиб боришга ундайди. Бу тасвир руҳидан ўқувчи Мансур тақдирида қандайдир бир жумбоқли мусибат рўй берганлигини ҳис қилади ва қаҳрамоннинг ҳар бир қадами, ҳаракати билан қизиқади. Мана, ўша жумлалар: *«Догры, мундан еды йыл озал эдил шунуң ялы кичижик, эмма, галың демир гөзепекли эпизгәниң оңинде дуруп, бу хакда узак ойланыпды. Эмма онуң шол вагткы, шондан соңкы еди йылың довамындакы ойлалары-да хәзиркиси ялы агыр ойлар дәлди. Ол арзув ганатының дынгысыз пел-пеллейән етгінжеклик дөвринде өзүни дурмушың ҳер хили басганчакларында гоюп гөрөн болса-да, хәзиркиси ялы ягдая душжеги барада асла-да пикир этмейәрди. Аслыетинде ол ким болмакчыды. Эмма хәзир ким?!»*

Ёзувчининг асар экспозициясига бундай таҳририй ўзгартиришлар киритиши тасодифий эмас. У, *биринчидан*, ўқувчини қаҳрамон тақдирига кўпроқ қизиқтириш усули бўлса, *иккинчидан* бундан кейин муаллиф тасвирламоқчи бўлган катта эпик воқеаларга дебеча вазифасини ўтайди. Аниқроғи, Мансур тақдири билан боғлиқ воқеаларни ҳикоядиган кўра кенгроқ ёритишга ишора эди.

«Нурия»нинг мазмуни билан қисман танишсиз. Ҳикоя Мансурнинг техникумни битирувчилар шарафига ўтказилган кечага бориш учун тайёргарлик кўриш воқеасидан бошланади. Учрашув тамом бўлгандан кейин Мансур Нурияни кузатиб қўяди. Аҳд-паймон қилишади. Нурия тўйгача ўз қишлоғида ишлаб туради. Бу орада Мансур тоғасининг кўмаги билан савдо идораларидан бирига ишга жойлашиб олади. Кўп ўтмай тоғаси ўзи бош бўлиб Мансур билан Нуриянинг тўйини ҳам ўтказиб беради. Мол-дунё деб хатарли йўлга кириб кетган Мансурнинг ҳаракатлари Нурияни ташвишга сола бошлайди. Бу йўлдан уни қайтармоқчи бўлади. Лекин мақсадига етолмайди. Оқибатда Нурия оилани ташлаб кетади. Мансур тузоққа илиниб қамалади. Қамокдан келгач, Нурияни излаб топишга қарор қилади. Нурия ишлайдиган қишлоққа бораётганда тасодифан у минган йўл машинасининг ҳайдовчиси Нуриянинг эри бўлиб чиқади. Нурия билан бу учрашув Мансурга тақдирнинг яна бир зарбаси эди. Шу хилдаги руҳий изтироблар гирдобида у бир вақтлар Нурия билан сайр қилган, ёшлигининг энг бахтли дамлари ўтган анҳор бўйидаги сайргоҳга боради, ўша ширин дамлارни эслаб кўнглига таскин бермоқчи бўлади. Ҳикоя Мансурнинг мураккаб вазиятдаги руҳий ҳолати тасвири билан тугайди. Бу воқеалар қиссада ҳам бор. Лекин муаллиф бу воқеаларни «қайта бичиб, қайта тиккан». Воқеаларни асарнинг ғоясига мослаштириб ўзгартирган, ўрнини алмаштирган. Ҳикоядагидек қиссада ҳам Мансур бош сюжетни ҳаракатлантирувчи куч бўлиб қолган. Ҳикоядаги Мансурнинг ҳаёти қиссада давом этади. У энди янги давр, ўзгача муҳитда ҳаракат қилади. Мол-дунёга ўчлик, бойликка қизиқиш Мансурда ёшлигидан пайдо бўла бошлаганини далиллаш учун ёзувчи тасвири қаҳрамоннинг болалик даврларидан бошлайди. Асарда Мансурнинг болалик йиллари романтик бўёқларда чизилган. Қиссанинг лиризм билан суғорилган бундай ўринлари китобхон руҳини кўтаради, эстетик завқ беради, беихтиёр болалигини эслайди, ўзини ўша дамларга қайтгандай сезади.

Р.Собиров ҳикоядаги айрим воқеаларни қиссада деярли ўзгаришсиз келтиради. Масалан, Мансурнинг тоғаси билан бўлган суҳбати, Нурия билан Мансур ўртасидаги келишмовчиликлар ва Нуриянинг уйдан кетиши, Мансурнинг

қамокдан сўнгги саргузаштлари, Нурия билан тасодифан учрашиб қолиши воқеаси қиссага айнан киритилган, сюжет тармоқларидаги воқеалар ҳикоядагига нисбатан қиссада янада кескинлаштирилган, қаҳрамонлар тақдиридаги драматизм кучайтирилган. Нуржамол билан Мансур характеридаги ички ва ташқи ўзгаришлар, дунёқароши ва руҳиятидаги нозик кечинмалар тасвири ҳикоядагига нисбатан қиссада анча чуқур. Бу ҳолат Мансур билан Нуржамолнинг қайта учрашиш эпизоди тасвирида кўпроқ сезилади. Китобхон воқеа билан танишар экан, ўзини қаҳрамон қисматида ҳамдарддек ҳис қилади, ҳаяжонланади, ачинади. Ёзувчи қиссанинг шу жойларига келганда образнинг психологик фожиасини кўрсатишга кўпроқ эътибор беради. Мансур қалбидаги ички зиддиятни шундай тасвирлайдики, китобхон беихтиёр унинг тақдирига қайғурганини сезмай қолади. Ёзувчи бу психологик таҳлиллардан инсон тақдири билан боғлиқ бадий умумлашмалар, фалсафий хулосалар ҳам чиқаради.

Ўрни келганда қисса воқеаси билан боғлиқ бир масалага муносабат билдириб ўтиш лозимга ўхшайди. Ж.Чориев тилга олинган тақризда «Гирдобдан соҳилга» қиссасини Чингиз Айтматовнинг «Сарвқомат дилбарим» повести билан солиштиради. Мансур ва Нуржамолнинг оилавий муносабати билан боғлиқ эпизоднинг Илёс билан Асал тақдиридаги воқеага ўхшашлиги Р.Собиров асарининг жиддий камчиликларидан бири деб ҳисоблайди ва шундай ёзади: «Повестде Ч.Айтматовын «Элван яглыклы сервис» эсери биле вака мензешлиги бар. Ики повестин гахрыманлары хем өз сөйөн гызларына өйленйөр, олар болса йигитлери ялныш ёлундан дөндөрмөгө өзлеринде гуйч тапман сөвер ярларыны ташлап гидйөрлер. Иляс хем, Мансур хем өзге гелнин ышгында янярлар, оларын леззет шебетинден пуре-пурлөп гөтерйөрлер. Төлейи терс гелен йигитлерин икиси хем сөвра өз телек ишлерине душунйөрлер ве өкунйөрлер. Оларын икиси хем өзлеринин эзизлеринин гөзлегине чыкяр ве икиси хем ёл биле машынлы баряркалар шолара душ гелйөрлер. Нуржемал хем, Асель хем өзге адама дурмуша чыкярлар ве шуна мензешлер. Мунун өзи элбетте, «Гирлапдан кенара» повестинин авторы учин якымлы хабар дәл.»¹

¹ «Эдебият ве сунгат», 1980., 16 август.

Бизнингча, бу фикрлар бироз баҳсли. Мансурнинг Нуржамол билан севишиб турмуш қуришлари, Мансур хатарли йўлга кириб кетгач, Нуржамолнинг оилани тарк этиши, Мансурнинг қамоқдан келиб тасодифан минган машинасида Нуржамолни эри билан учратиб қолиши воқеалари Р.Собировнинг 60-йилларнинг бошларида ёзган «Нурия» ҳикоясида бор эди. Ушбу воқеаларни муаллиф қиссага ҳам ўзгаришсиз олиб кирган. Ч.Айтматовнинг «Сарвқомат дилбарим» повести ҳам 60-йилларнинг биринчи ярмида яратилган. «Нурия» ҳам шу даврда ёзилган. Бундай пайтда ким кимдан олди, деган савол қўйиб, масалани шу хилда юзаки ҳал қилиш тўғри эмас. Ҳар икки муаллиф ҳам ўз асарлари устида бир даврда ишлаган. Улар деярли бир даврда чоп этилган. Шундай экан, «Нурия» ҳикоясини ёзишда, ўша ўхшаш дейилган воқеаларни тасвирлаётганда Р.Собировнинг «Сарвқомат дилбарим» повести сюжетида фойдалангани аҳтимолдан анча узоқ. Бундай тасодифий ўхшашликлар халқларимиз ҳаётининг, урф-одатлар, анъаналарнинг яқинлигидан, умумийлигидан юзага келади. Миллий адабиётларда сюжет жиҳатидан бир-бирига ўхшайдиган асарлар, образлар кўп. Бундай формал ўхшашликларга асосланиб, улар бир-бирларидан фойдаланган, айнан такрорлаган деб хулосага келиш доимо ҳам тўғри бўлавермайди. Тасодифий ўхшашликларга асосланиб, шошилиб чиқарилган хулосалар ёзувчи асарини камситиб, ижодий ўзига хослигини инкор этиши мумкин.

«Гунафша» ҳикоялар тўпламига ёзган тақризида М.Сафаров Мансур образи ҳақида фикр юритиб, бир танқидий мулоҳазани билдирганди. Яъни «Нурия» ҳикоясида Мансурни (гарчи у қамалиб, тавбасига таяниб келган бўлса-да) оммадан ажратиб, инсоний ҳуқуқлардан ҳам маҳрум қилиб қўйилганлиги тўғри эмас, китобхон Мансур тақдирида ҳикояда тасвирланганидек боши берк кўчани эмас, истиқболдаги ҳаётбахш нурни ҳам кўргиси келади, деган фикрни ўртага ташлаганди. Ҳақиқатан ҳам, инсон ҳаётда оғир аҳволга тушиб қолганда унга осонгина қўниқиб кетиши қийин. У ўша «боши берк кўча»дан чиқиш йўларини қидиради. Ёзувчи «Нурия» ҳикоясида йўл қўйилган бу камчиликни «Гирдобдан соҳилга»да бартараф этади. Қисса ҳам гўё шу камчиликни бартараф этиш учун ёзилгандек. Ҳикояда ҳаёт гир-

добига ташлаб қўйилган қаҳрамонни муаллиф қиссада соҳилга олиб чиқади. Асарнинг номида катта рамзий маъно бор. Бу ном бевосита Мансур тақдири билан боғлиқ: гирдобга тушган ҳам, соҳилга чиққан ҳам Мансур.

Ҳикоядаги воқеа Мансурнинг бир вақтлар Нурия билан сайр қилган анҳор бўйига келиб қолиши, у ердаги руҳий ҳолати тасвири билан тугайди. Ёзувчи бу воқеани қиссада давом эттиради, «боши берк кўча»га кириб қолган Мансурни истиқболга етаклайди. Ёзувчининг воқеани мантиқан асосли, ҳикоянинг энг сўнгги жумдаларига усталик билан пайванд эта олгани маҳорат белгиси. Муҳими, тасвирда узилиш йўқ. Қаҳрамоннинг руҳий кечинмалари тасвири ҳам мантиқан давом этади. Мансур истиқбол сари қадам ташлайди. Ёзувчи унинг қайта туғилишига асос бўладиган типик шароит яратади. Воқеалар Тошкент зилзиласи билан боғланади. Қаҳрамон мана шу катта ҳаёт оқимида келиб қўшилади. Мансурнинг «тўхтаб қолган» ҳаёти энди Тошкент қурилишидаги жўшқин воқеаларга улашиб кетади. Сўна бошлаган орзу-армонлари қайта жонланиб, яшашга ҳавас туйғуси уйғонади.

Ёзувчи бу воқеаларни жуда ҳаққоний ёритган. Қурилиш майдонидаги меҳнат жараёни тасвири, турли миллат вакиллариининг ҳазил-мutoйибалари берилган лавҳалар, Мансурнинг дўсти Жамшид, унинг хотини Лиза билан самимий суҳбатлари, Сунбул билан ораларида қайта тикланган муносабатлар, илк учрашувлардаги руҳий тўлғанишлар жуда таъсирли чиққан. Ёзувчи ҳаётнинг кенг ва тўғри йўлига чиқиб олган Мансур тақдиридаги ўзгаришлардан қониқиш ҳосил қилар экан, уни ҳаёт гирдобидан қўтқариб, истиқболга етаклаган инсонларга нисбатан илиқ бир туйғу билан китобни ёпади.

Р.Собировнинг бадиий деталлардан усталик билан фойдалана олиш маҳоратини ҳикоялари таҳлилида кўрган эдик. «Гирдобдан соҳилга» қиссасида ҳам асарнинг ғоясини очишга хизмат қиладиган, қаҳрамоннинг характер қирраларини кашф этишга бўйсундирилган ибратли рамзий ифодалар кўп. Бир мисол келтирамиз: «Мансур шейле ой-пикирлер биле гумра болуп отырка, салманың аңыркы ғырасында пырланып айланып дуран гирдаба гөзи душенде, өңа серетди галды. Онуң унсини чекен зат гирдабың дәл-да,

она душен бир чөпүң ахвалатыды. Гирдап торуна душен чөпи өзи билен биле пырландырып алярды. Ол чөпи ене бир азрак шейле айландырансон, ювдуп гойбержеги икучлы дэлди. Ол чөп билен гирдабың баша-баш сөвешине середйәркә, эдил стадионда отуран футбол хумарбазыдек бу сөвешде чөпүң еңип чыкмагына туйс йүрекден ислейәрди. Бирденем гирдабын айланмасы гуйчленди-де, чөпи ювутды. Муңа Мансурың йүреги агзындан чыкара гелди, хамала гирдап чөпи дәде, онуң өзүни ювдан ялы болды. Эмма көп вагт гечмәнкә чөп ене сувуң йүзүне галкып чыкды. Мансур еңиллик билен дем алды. «Инди сәхелче херекет этсе, гирдапдан гутулып гидәймеги мумкин». Эмма гирдап Мансурың гөвнүни гөрөнөкды. Ол чөпи бир салым озалкысыданам гуйчлүрөк пырландырандан соң бутилей ювдуп гойберди! Шонда Мансурың бейнисинде бир пикир йылдырымдек чакып гитди-де, зовва еришден галды. *«Хер ничикде болса, мен чөп дәл! Жанлы Адам ахырын! Нәме учин мен тәзеден өз багтымың гәзлегине чыкмалы дәлмишим! Мансур бу пикириң голтгы бермеги билен гөни вокзал тарапа йөнелди. Ол тиз-тиз әдимләп барярка, шу гуңуң өзүнде агшамкы отла билен Дашкенде гитмели диен берк карара гелди.»*

Бу тасвир китобхонда унутылмайдиган таассурот қолдиради. Ёзувчи табиятдан олинган оддий детал — «гирдоб» ва «хасчүн» орқали катта маънони ифодалашга муваффақ бўлган. Бу детал қахрамоннинг характерида, ирода йўналишида жиддий бурилиш ясайди. Ҳаётда қийинчиликлардан қўрқмасликка, курашиб яшашга даъват этади.

Қиссадаги яна бир характерли бадийи деталга диққатингизни қаратамиз. Бу «шар» детали. Бу детал уч жойда қўлланилади. Биринчи марта муаллиф уни Мансурнинг Нуржамол билан бўлган оилавий жанжали сабаб ишлатади. Эрининг бойлик орқасидан қувиб хатарли йўлга кириб кетәтганини кўрган Нуржамол Мансурни бу йўлдан қайтармоқчи бўлади. Улар ўртасида шундай савол-жавоб ўтади:

— Сең бу ишини чаганың шары чишириб ойнайышына меңзейер. Шар чишдиги сайы чага гуванса-да, онуң ярылжагыны билмейәр.

— Бар, горкың шол болса аркайынжа болай, менин шарым хич хачанам ярылмаз! — дийиш Мансур гурруңи гутардым этди.

Мансур бу хатарли йўлдан қайтмайди. Нуржамол айтган «шар»ни зўр бериб шишира бошлайди. Лекин «шар» ёриладиган фурсат тобора яқинлашиб келәтганини у хаёлига ҳам келтирмайди. Кунларнинг бирида ҳамтовоғи Хўжамқули билан базадан машинага мол ортиб келәтганда милиция ходимлари томонидан қўлга олинади. Шундай қилиб: «Нуржамалың сөзи хак бөлүп чыкды: шар ярылды, догрусы партлады. Бу партлайышың сарсгыны Мансуры еди йыллык ёлазыңып гойберди».

Мана, энди Мансур етти йиллик қамоқ муддатини ўтаб поездда юртига қайтаяпти. Йўловчилар орасида олти-етти ёшлар чамасидаги қиз ва ўғил боланинг шар ўйнаб ўтирганини, ўғил боланинг шарни зўр бериб шишираётганини, қизчанинг эса шарнинг ёрилиб кетишидан қўрқиб жиғибийрон бўләтганини кўриб, Мансурнинг қалби тўлқинланиб кетади. Бу ҳолат унга ўтмишини эслатади. У ҳам бир вақтлар Нуржамолнинг огоҳлантиришларига қарамай «шар»ни худди мана шу боладек шиширган, бир вақтлар унинг «шар»и ҳам мана шу болақайнинг шаридек зўрликка бардош беролмай «тарс» этиб ёрилган. Фарқи шуки, бу ёрилиш болани озгина хафа қилган бўлса, Мансурни етти йиллик қамоққа улоқтирди. Шари ёрилиб, хафа бўлиб ўтирган болага нисбатан Мансурда ҳамдардлик туйғуси жўш урар экан, унга «агар қўлингдаги шаринг ёрилса, бошингга қўнган бахт қуши ҳам ҳуркиб учиб кетади, шунинг учун ҳеч вақт шаринг ёрилмасин» дегиси келади.

Бу детал-эпизодлар бош қахрамон тақдиридаги бурилиш нуқталарини изоҳлашда бадийи қурол вазифасини ўтаган, китобхон учун тарбиявий аҳамиятга эга.

Хуллас, ўзбек тилида ёзилган «Нурия» ҳикояси асосида туркман тилида «Гирдобдан соҳилга»дек ажойиб қисса яратилди. Ўзбек танқидчилигида ҳикоя юзасидан айтилган танқидий мулоҳазалар ёзувчига қисса ёзиш жараёнида қўл келди. Ҳикояга «Нурия» номи мос эмаслиги айтилганди. Бу нуқсон ҳам қиссада тузатилди, унга «исми жисмига монанд» ном — «Гирдобдан соҳилга» деб қўйилди. Ҳикояда боши берк кўчага кириб қолган Мансур повестда истиқболли билан кўрсатилди, ҳаётда ўз ўрнини топди. Ҳикоядаги психологик тасвир, драматизм қиссада янада чуқурлаштирилди, деталлаштирилган воқеалар қўпайтирилди. Натижа-

да ёзувчининг бу ижодий тажрибаси муваффақиятли якунланди. Бу эса адабий танқиднинг амалий аҳамиятини, икки тилда асар ёзишнинг афзаллигини, икки қардош адабиёт ёзувчи ва танқидчилари ҳамкорлигининг ижобий самарасини намоёиш этувчи факт сифатида ўзбек-туркман адабий алоқалари китобига кирди.

Асарда ҳали яна бадиий сайқал беришни тақозо этадиган воқеалар, образлар бор. Қаҳрамонлараро муносабатларда сунъийлик сезилади. Шамшоднинг Мансур билан учрашуви ва муносабатларида ғайритабиий ҳолатлар кузатилади. Шамшод фош қилувчи образ, унинг характериға хос бу хусусият қиссада яхши очилмай қолгандек. Бу образ асарнинг бадиий тўқимасига тўла сингиб кетмагандек таассурот қолдиради. Қиссада китобхонни қаноатлантирмайдиган яна бир воқеа бор. Бу оиланинг бузилиши билан боғлиқ масала. Хатарли йўлга кириб кетаётган Мансурни Нуржамол икки марта қайтаришга уриниб кўради. Мақсадига эриша олмагач, оилани ташлаб кетади. Бор гап шу. Улар бир-бирларини синаб, севишиб турмуш қуришган эди-ку? Нуржамол муҳаббатидан шундай осонгина воз кечиб қўя қолиши мумкинми? Мансурни бу хатардан омон сақлаб қолиш учун у бошқа имкониятларни ҳам ишга солиши мумкин эди-ку? Масалан, Мансурнинг дўсти Жамшидни, онасини ҳам муаммога жалб қилса бўлмасмиди? Ёзувчи бу образлардан шу мақсадда кенгроқ фойдаланганида воқеанинг замини, оила бузилишининг сабаблари етарли даражада далилланган бўларди.

* * *

Р.Собиров ижодининг дастлабки даврларида ўзбек ва туркман тилларида асарлар ёзган бўлса-да, сўнгги йилларда у асарларини асосан туркман тилида ярата бошлади. Бунинг ёзувчининг ижодий фаолияти у яшаб турган жой — Туркменистондаги маҳаллий матбуот, нашриётлар билан кўпроқ боғлиқлиги билан изоҳлаган бўлардик. 70-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб асарларининг туркман матбуотида эълон қилиниши, китобларининг туркман нашриётларида чоп этилиши, пьесаларининг туркман театрларида сахналаштирилиши шундай хулосага асос. Ёзувчининг «Сирли муқомлар» номли илмий-фантастик қиссасининг туркман тилида яратилгани, унинг бу тилда фаол ижод қила бошлаганидан дарак беради. Асар Р.Со-

бировнинг фантастика жанридаги биринчи тажрибаси бўлишига қарамасдан муваффақиятли чиқди.

Маълумки, рус ва Европа адабиётида илмий-фантастик жанрнинг яхши намуналари бор. Ж.Верн, А.Беляев, А.Толстой каби ёзувчилар бу жанрнинг йирик вакиллари. Жаҳон адабиётидаги тажриба Р.Собировнинг бу жанрга қўл урушида таянч бўлгани аниқ. Қисса дастлаб «Совет эдебиати» журналида тўла босилди, кейинроқ китоб бўлиб чиқди. Рус тилига таржима қилиниб, Москвада чоп этилди. Асар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Қисса туркман адабиётида илмий-фантастик жанрнинг илк намуналаридан бири эди. Муаллиф Хоразм телевидениеси ижодкорлари билан ҳамкорликда «Сирли муқомлар»нинг ўзбекча вариантыни, шу асосда телепостановка сценарийсини ҳам яратди ва у Хоразм телевидениеси орқали кўрсатилди.

Илмий-фантастика инсон билимининг яширин қатламларида ётган, шу кеча-кундузда амалга ошиши қийин бўлган ва шу туфайли реаллашуви келажак билан боғлиқ ғояларни илгари суради. Хаёл, орзу инсоннинг доимий ҳамроҳи, мададкори, маънавий таянчи. Шунинг учун ҳам инсонлар ўз орзуларини ифода этиб эртақлар, достонлар ижод қилишган, учар гиламларни тўқиган. Ёзма адабиётда ҳам бу орзуларнинг бадиий ифодасини кўрамиз. Бир вақтлар бу ижод намуналарида кўтарилган масалалар эндиликда реалликка айланганлигининг гувоҳимиз. Масалан, Алишер Навоий достонларидаги баъзи ҳаёлий орзулар бугун амалиётда. Ж.Верн асарларида ўтган асрларда тилга олинган ҳаво ҳамда сув ости кемаларининг бугун оддий техника ҳодисаси бўлиб қолганлиги, бир вақтлар учар гиламларни орзу қилиб эртақлар тўқиган халқимиз эндиликда тез учар самолётларнинг, космик кемаларнинг эгаси эканлиги сир эмас. Бундай мўъжизалар ҳаётимизда кўп. Таниқли фантаст ёзувчи А.Беляев романларидан бирини инсоннинг кесилган бошини тирилтириш масаласига бағишлаган эди. Гарчи ёзувчининг бу ҳаёли ҳозирда ҳақиқатга айланмаган бўлса-да, тиббиётда шунга яқин ишлар амалга оширилаётгани маълум.

«Сирли муқомлар» қиссасида инсонни тирилтириш билан боғлиқ фантастик воқеа тасвирланган. Асарга узоқ ўтмиш ҳаётдан олинган афсонавий бир драматик воқеа асос бўлган. Қиссанинг композицияси ўзига хос. Ёзувчи мавзунини ёри-

тишининг оригинал усулини топа олган: ўқувчини гоҳ ўтмиш воқеалари ичига элиб қўяди, гоҳ замондошлар ҳаёти, ишлари билан таништиради, баъзан асар қаҳрамонларига сўз бериб, улар ҳикоя қилган ривоятлар воситасида китобхонни ҳаёлан ўтмишга саёҳат қилдиради. Шу усул билан ўқувчининг сирли воқеаларга қизиқишини кучайтиради. Қиссанинг бош образларидан бири шифокор Мухтор минг йиллар муқаддам ашула айтишда, куй чалишда тенгсиз, гўзалликда беқиёс Рухсорбону ҳақидаги ривоятни эшитиб, унинг тақдирига қизиқиб қолади. Марказда яхши лавозимда ишлаб турган бўлса-да, у ерни ташлаб Хоразмнинг қадимги маркази Кўҳна Урганчга келади. Мухторнинг бу ҳаракатлари ҳам-касблари орасида бироз шов-шувларга, ҳатто эътирозларга ҳам сабаб бўлади. Мухтор Кўҳна Урганчда жуда қадимда мумиёланиб дафн қилинган Рухсорбонунинг жасадини топади, уни тирилтириш устида махфий тажриба ўтказа бошлайди. Фан тараққиёти ютуқларига таяниб Мухтор «ҳаёт суви» кашф этади ва Рухсорбонун тирилтиришга муваффақ бўлади.

Ёзувчи асарда инсонни тирилтириш ҳақидаги ғояни илгари суради ва китобхонни бу кашфиётига ишонтиради. Маълумки, фантастик асарда ёзувчи илгари сурган ғоя илмий асосланган бўлиши керак. Ёзувчи асарда шундай воситалардан фойдаланганки, Мухторнинг илмий тажрибалари билан танишиб борган китобхон, ҳақиқатан ҳам, шундай усул билан ўлган одамни тирилтириш мумкин экан-да, деб ўйлаб қолади. Мухторнинг илмий далиллари ўқувчига тўғри, амалга ошириш мумкиндек туюлади. У китобхонни инсон илмий тафаккурининг қудратига шундай ишонтирадики, Рухсорбонунинг тирилиши гўё табиийдек. Мухтор келтирган илмий далиллар бу ишни рўёбга чиқаришнинг муҳим назарий дастуридек таассурот қолдиради. Мухтор ҳаётнинг тараққиёт қонунларини яхши биледи, фан ютуқларидан хабардор. Китобхон унинг шу хилдаги мураккаб илмий тажриба ўтказишга назарий-амалий асоси бор деб ўйлайди.

Умуман, «Сирли муқомлар» Р.Собировнинг илмий-фантастика жанридаги биринчи жиддий ютуғидир. Китобхон ёзувчидан келгусида ҳам бу мураккаб жанрда етук асарлар кутиши мумкин.

Р.Собиров сўнгги йилларда драматургия жанрида ҳам кучини синаб кўрди. Ёзувчининг бу соҳадаги изланишлари

ҳам самарали бўлди. Унинг «Қиз бадони», «Кутилмаган жазо» пьесалари Туркменистон театрларида ўйналди. Драмалар даврнинг муҳим муаммоларини қамраб олган. Образлари ҳам ёзувчининг замондошлари, ёшлар, ўсмирлар, уларнинг орзу-умидлари, интилишлари кўрсатилади. Обрули бир оиланинг ҳаёти мисолида фарзанд тарбиясига масъулиятсизликнинг фожиали оқибатлари драматик саҳналарда гавдалантирилади. Ёзувчининг ҳикоя ва қиссаларида ёрқин намоён бўлган ўткир драматизм, чуқур психологизм каби хусусиятлар пьесаларида ҳам яхши акс этган.

Шундай қилиб, туркман адабиётида муайян анъанага эга бўлмаган икки тилда асар ёзиш ҳодисаси Р.Собиров ижодида ўзига хос шаклда намоён бўлди. Бундай ижодий тажрибалар ҳар икки адабиётшуносликда кенг қўламда тадқиқ этилса, умумлаштирилса, адабий алоқаларимизнинг бу янги шакли кенгроқ тарғиб қилиниб, оммалаштирилса, икки тилда асар ёзишнинг афзалликлари кўрсатилса, бу ижод типига қизиқувчиларнинг сафи кенгайиб, адабиётимиз оригинал асарлар билан бойиб боришига аминмиз.

1991

ИККИ ДЎСТ ҲАҚИДА ДОСТОН

(*Фафур Фулом ва Собит Муқонов*)

Биз қайси бир миллий адабиётнинг тараққиёт босқичларига назар ташламайлик, унда ўз адабиётини бошқа қардош адабиётлар билан кўпроқ яқинлаштиришга, улар ўртасида дўстлик муносабатларини ривожлантиришга астойдил хизмат қилган, доимо халқ ва адабий жамоатчиликнинг назарида турган алоҳида шахсларни, катта ижодкорларни кўра-миз. Ана шундай улуғ адиблар дўстлиги ҳақида ёзилган ҳар бир асар, адабиётнинг қайси жанрига мансублигидан қатъий назар, қўллаб-қувватланади, тарғиб қилинади. Ўзим қардош адабиётларнинг ўзаро алоқалари ва бир-бирларига ижодий таъсирлари масаласи билан кўпроқ шуғулланиб, асосан, шу соҳада илмий изланишлар олиб борганим учунми, адабий жараёнда мазкур йўналишда пайдо бўлган ҳар бир янги адабий ёҳуд илмий-публицистик тадқиқот дарҳол диққатимни тортади ва мен ўша асар хусусида, айниқса (агар унда қалам-

га олинган мавзу ва унинг бадиий талқини менга маъқул бўлса), фикрларимни тезроқ кўпчиликка етказишга ошиқаман. Бу гал ҳам худди шундай бўлди. 1997 йилда Тошкентдаги «Чўлпон» нашриётида босилиб чиққан шоир ва таржимон Музаффар Аҳмад қаламига мансуб «Икки дўст достони» номли жажжи китобча кўлимга тушиб қолди ва мен мазкур рисола билан катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим, таассуротларимни газетхонлар билан баҳам кўришга жазм этдим.

Дастлаб китоб муқовасига солинган икки кишининг расми эътиборимни жалб этди, тўғриси, унга ҳавасим келди. Ўзбек адабиётининг улуғ шоири Фафур Фуломнинг буюк қозоқ адаби Собит Муқонов билан қўлтиқлашган ҳолда олға қадам ташлаб келаётган пайти рассом томонидан ниҳоятда маъноли, таъсирли ва жозибали чизилганки, унга назари тушган ҳар бир ўқувчи беихтиёр икки халқ дўстлигини эслайди ва фахрланади.

Китобни кўлимга олиб номини кўришим биланок: у Фафур Фулом ва Собит Муқоновнинг шахсий дўстлиги тўғрисида ёзилган шеърӣй дoston бўлса керак, деган фикр хаёлимдан ўтди. Муаллифнинг ўзи ҳам унинг жанрини «Эссе-дoston» деб белгиллаган. Бироқ рисоланинг биринчи саҳифалари билан таниша бошлагач, асар бошқачароқ мавзу ва йўналишда эканини тушундим. Унинг ёзилиш услуби мени кўпроқ қизиқтирди. Китоб адабиётда мавжуд эсселарда жуда кам учрайдиган бир шаклда ёзилганини сездим. Одатда, эссе ёзмоқчи бўлган ҳар бир қаламкаш, аввало, ўз ҳаёт тажрибаларига суянади. Эссе қаҳрамонининг турмуш тарзини, шахсий характер хусусиятларини ўрганиб, ҳаёт қувончлари ва ташвишларини баҳам кўрган дақиқаларини қоғозга туширади. Эссе муаллифи билан эссе қаҳрамони бир даврда яшаган, бир ҳаводан нафас олиб, бир муҳитга хизмат қилган кишилар бўлса, яна яхши. Лекин эссе қаҳрамонлари билан шахсан учрашмасдан, улар билан мулоқотда бўлмай туриб ҳам эссе ёзиш мумкин экан. Музаффар Аҳмаднинг ушбу эссе-дostonи бунинг ёрқин мисоли.

Собит Муқонов ва Фафур Фулом дўстлиги ҳақидаги воқеалар китобда муаллиф тилидан эмас, балки иккинчи шахс, машҳур ёзувчи ва катта таржимон, Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори Носир Фозилов ҳикояси шаклида берилади. Носир Фозилов Собит Муқоновни ҳам,

Фафур Фуломни ҳам жуда яхши биладиган, улар билан кўп мартаба мулоқотда бўлган, ижодий сафарларида ҳамроҳлик қилган ёзувчилардан бири. У ўзбек адабиётини қозоқ тилига, қозоқ адабиётини ўзбек тилига ўгириш, ўзбек китобхонларини Собит Муқонов асарлари билан таништиришда ҳам ибратли ишларни амалга оширган қозоқ-ўзбек адабиётларининг ҳар икки республикадаги фидоий таржимони ва тарғиботчисидир. Шундай фазилат соҳиби бўлган адибнинг Фафур Фулом ва Собит Муқонов дўстлиги ҳақидаги хотираларини Музаффар Аҳмад жуда таъсирчан жумлаларда қоғозга туширган, улар шахсининг кўпчиликка маълум бўлмаган дўстона муносабатларининг янги саҳифаларини очиб берган.

Бир вақтлар мен ҳам бу табаррук инсонларнинг шахсий дўстлиги, ижодий ҳамкорлиги тўғрисида кўп маълумотлар эшитгандим, матбуотда ўқиганларим ҳамон эсимда. Кимки ўзбек-қозоқ адабий алоқалари тўғрисида сўз юритмоқчи бўлса, гапни аввало Фафур Фулом ва Собит Муқонов дўстлигидан бошларди. Ҳатто борди-келдилари тўғрисида латифаном ҳангомалар ҳам тўқилганини, баъзилари матбуотда эълон қилинганини кўпчилик яхши билади. Бироқ улар китобий, шаблон тилда ёзилгани учунми, негадир ўқувчилар хотирасида узоқ сақланмай, унутилиб кетди. Музаффар Аҳмаднинг «Икки дўст достони» бундай эсселар сирасига кирмайди. Асар жуда ўқимишли ва қизиқарли услубда ёзилган. Муаллифнинг шоирлик тажрибаси бу ишда қўл келган. Хусусан, китобнинг Фафур Фулом ва Собит Муқонов ўртасида бўлиб ўтган васиятлар тафсилоти ёритилган саҳифалари ўқувчини жуда ҳаяжонлантиради. Муҳими, бу маълумотлар кўпчилик учун янгилик эди. Муаллиф икки қиёматлик дўстнинг қасамеди тўғрисидаги васиятлар тафсилотини шундай ҳаётӣй ва жонли, изчил баён этганки, танишган ҳар бир китобхон шу воқеаларга гувоҳ бўлаётгандай, ўзини шу давранинг иштирокчисидай сезади, қалбидан ўтказади. Мана, икки қиёматлик дўст қасамеди тарихининг тафсилотидан бир лавҳа: Собит Муқонов билан Фафур Фулом катта бир даврда учрашадилар. Ҳар икки юртнинг энг атоқли қаламкашлари жам. Давра қизиган. Мушоира авжида. Гоҳ у томон, гоҳ бу томоннинг адиблари шеър, ўлан айтишиб кўнгил ёзишмоқда. Бир маҳал Фафур

Фулом ўрнидан туради-да, кучоқ очиб Собит Муқонов ўтирган давра томон юради. Собит Муқонов ҳам унга пешвоз чиқиб, кучоқ очади. Фафур Фулом дўстига, меҳмонларга қарата шеър билан мурожаат этади:

— Тингла Собит сен шу икки қулоқ билан,
Ўзбек деган битта халқдир қозоқ билан.
Агар ўзбек йиғи қилса қозоқ келар
Туркман, тожик, қирғиз, қорақалпоқ билан!...
Жон қозоғим, тингла энди ушбу сўзим,
Гувоҳ бўлсин шунга барча қора кўзим,
Васиятим шулдир менинг: агар ўлсам,
Жасадимни лаҳад ичра жойла ўзинг!
Сен қозоқдан тилагим шу, билиб қўйгин,
Суюгимга ботар тошни суриб қўйгин
Дўстининг қўли юмшоқ тегар, деган гап бор,
Оқ юзимни қибла томон буриб қўйгин!

Дўстининг кутилмагандаги бу васияти Собит Муқоновни довдиратиб қўяди, не жавоб айтарин билмай, шошиб, давра қатнашчиларига мўлт-мўлт қараб чиқади-да, Фафур Фуломга қарата дейди:

— Фафур, — деди кўзи ёшли Собит оға, —
Шу васият, шу сўзингга жон садага
Жасадимни лаҳад ичра жойла ўзинг,
Сендан олдин кетар бўлсам мен у ёққа!...
Иккита алп яна қучиб-кўришдилар,
Юзларини юзларига қўйишдилар.
Икки уммон, икки қоя, эгиз кўзи,
Бир-бирига ёрлиқ бўлди сўнги сўзи.
Суюқларин ишонишган икки дўстга,
Қараб сира тўймас эди инсон кўзи!...

Икки қиёматлик дўст бир-бирлари билан кучоқлашиб шундай аҳд-паймон қилишган, бир-бирларига васият қолдиришганди. Тақдирни қарангки, Фафур Фуломнинг бу васияти ижобат бўлади, у дунёдан кўз юмганида Собит Муқонов бу совуқ хабарни эшитиши биланоқ, Олма-Отадан Тошкентга учиб келади, кўз ёши билан Фафур дўстини йўқлайди, унинг

хотирасига бағишлаб ёзган ўланини ўқиб беради. Собит Муқонов йўқловдаги қуйидаги сатрлар тингловчи қалбини ўртайди, икки қадрдон дўстнинг садоқатига тан беради:

Келбатинг дўстим бор эди,
Тоғдаги чўққи-асқардай!
Ҳайбатинг, дўстим бор эди
Даврага чиққан кўчқордай.
Ғайратинг, дўстим, бор эди
Алпомиш, Рустами достондай.
Карвонда юрган нор эдик,
Иккимиз дўст эдик, ёр эдик,
Қаторда дўстларни қолдириб
Ўртоғин олган бормакан?!
Кетдинг-а, Фафурим, бу дунё
Сен учун шунчалар тормакан?!...

Собит Муқонов дўсти Фафур Фуломнинг «ўлсам суюгимни қабр ичига сен жойлайсан» деган васиятини бажо келтиради. Улуғ халқнинг улуғ шоири байналминалилик бурчини юксак даражада адо этади. Мазкур воқеанинг тафсилотлари китобхон юрагида бир умрга муҳрланиб қолади. Муҳими, алп, забардаст ёзувчи Собит Муқоновга, қолаверса, буюк қозоқ халқига бўлган чексиз меҳр туйғулари Фафур Фулом авлодлари қалбида мангу яшайверишига шубҳа қолмайди.

Собит Муқонов вафоти тўғрисида хабар келгандан сўнг унинг васиятини амалга оширишга бел боғлаган ўзбек адибларининг сазой-ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотларни ҳам Музаффар Аҳмад китобда яхши ёритган. Фафур Фуломнинг вафоти туфайли қозоқ халқи қанчалик изтироб чекка бўлса, Собит Муқонов қазоси ҳақидаги хабар ўзбек биродарларини ҳам шунчалик қайғуга солади. Бир гуруҳ ўзбек ёзувчилари делегацияси қозоқ дўстларига ҳамдардлик билдириш мақсадида Олма-Отага учишга ҳозирлик қўра бошлайдилар. Адиблардан бири Собит Муқоновнинг Фафур Фуломга қилган васиятини эслайди-да, шоир дафн этилган қабристонга йўл олади. Фафур Фулом қабри остонасида қуръон тиловат қилгач, ундан бир сиқим тупроқни олиб, махсус тикилган халтачага солади: Собит оғанинг мозори ичига

сочаман. Улар қиёматлик дўст эдилар, тупроқлари ҳам қўшилиб кетсин, — дейди.

Собит Муқоновнинг дафн маросимида ўзбекистонликлар номидан гапирган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Назир Сафаров Тошкентдан келтирилган халтачадаги тупроқни шоир қабри ичига сочиш учун рухсат сўрайди ва уни Собит Муқонов авлодларига топширади. Ўзбек адибларининг бу тадбири дафн маросимига йиғилганларни ҳайратга солади, одамларнинг кўзларида ёш ҳалқаланади. Халтачадаги тупроқ қабр ичига сочилмайди-ю, «Собит Муқонов дўстининг тупроғига бош қўйиб ёта қолсин», деб халтачани бошига ёстиқ қилиб қўйишади. Китобда ҳикоя қилинган воқеанинг негиз сюжети шу.

Китобча ниҳоясида муаллиф томонидан ёзилган шеърӣ «Хотима», унга сўнгги сўз ўрнида илова қилинган Носир Ғозиловнинг «Бу дoston шундай яратилди» номли жажжи тақризи ҳам рисоланинг ғоявий йўналиши ва мазмунига ниҳоятда мос.

Собит Муқонов ва Ғафур Ғулом дўстлиги, чиндан ҳам, дoston қилса арзигулик дўстлик эди. Қўшчинор адиблар узoқ йиллар халқларимиз ва адабиётларимиз манфаатлари учун ижодий ҳамкорлик қилдилар. Бу ҳамкорлик шахсий дўстликка айланиб, халқларимизни ўзарo яқинлаштиришга хизмат этди. Бошқалар ҳавас қилса арзигулик биродарликни улар умрларининг охирига қадар давом эттирдилар. Ғафур Ғуломнинг қозoқ ижодкорлари, Собит Муқоновнинг ўзбек адиблари билан дўстлиги бугун ҳам икки қардош республика қалам аҳлларига ибрат. Гарчи бу улуг сиймолар бугун орамизда бўлмаса ҳам, улар мерос қолдирган шахсий-адабий дўстликнинг шуъласи икки республикага нур сочиб турибди. Шундай экан, Собит Муқонов ва Ғафур Ғуломнинг самимий биродарлик, ижодий ҳамкорлик асосига қурилган бу дўстликни ҳар қанча мақтаса, тарғиб қилса ярашади.

«Икки дўст дostonи» рисоласи таҳлили муносабати билан бир мулоҳазани айтиб ўтишни жоиз кўрдим. Кейинги йилларда қардош адабиётларнинг атоқли вакиллари ўртасидаги шахсий дўстлик муносабатлари, ўзарo борди-келдилар камайиб кетди. Адабиётимизнинг ҳозирги авлод вакиллари томонидан бу яхши анъананинг ниҳоятда суs давом эттирилаётгани ташвиш тугдиради. Машҳур қозoқ ёзувчиси Мухтор Шахановнинг «Дўстлик қадри» мақоласида бу

ҳақиқатни афсусланиш билан ёзиши бежиз эмас: «Адабиётнинг хизмати беқиёс, улкан дарёлар бор. Улар ҳеч бир чегара, тўсиқни тан олмайдилар, турли мамлакатларни кесиб ўтиб, барчасига баробар обиҳаёт улашадилар. Улкан ёзувчилар ҳам ўшандай дарёларга ўхшайди. *Истайсизми, истамайсизми, адабиётни алоҳида, катта шахслар яратади. Катта шахсларнинг дўстлиги эса халқларнинг дўстлигига айланади. Шу маънода мен Ғафур Ғулом, Ойбек, Миртемир, Шайхзодалар билан Мухтор Авезов, Собит Муқонов, Ғабит Мусреповларнинг дўстлигига доимо ҳайрат билан қарайман. Улардан кейинги авлодлар ўртасида тигиз алоқалар ўрнатилмаганидан ачинаман, ташвишга тушаман. Зотан, ижодкор ўз шахсининг эмас, ўз халқининг манфаати учун ҳам бошқа халқ вакиллари билан дўстлашишга мажбур. Ахир Ғафур Ғулом билан Собит Муқоновнинг нафақат расмий, балки ўзарo оилавий учрашувлари, борди-келдилари ҳам бутун халқ, адабиёт аҳли ўртасида байрамга айланиб кетмасмиди?! Улар дўстлашишни, бир-бирларининг ижодларига, шахсий ҳаётларига таъсир ўтказишни билишар эдилар».*

Қардош адабиётлар арбоблари ўртасидаги дўстона муносабатларнинг, ўзарo ижодий тажриба алмашувларнинг сўнгги йилларда пасайиб кетаётганлигидан нафақат қозoқ адиблари, айни чоғда, ўзбек шоирлари, ёзувчилари ҳам ташвишланмоқда. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг матбуотда эълон қилган қуйидаги фикрлари айни ҳақиқат: «*Ҳеч қайси миллий маданият ўз ҳолича ривожлана олмайди. Маданий алоқаларни кучайтиришнинг йўллари кўп. Афсуски, кейинги пайтларда бу соҳада янги шакллари излаш тугул, борларини ҳам унутаямиз. Қардош республикаларнинг санъат ва адабиёт декадалари, маданият кунлари, ҳафталиклар камайиб кетди. Маданиятлар дўстлиги маданият арбоблари дўстлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Эслаб кўринг: Ғафур Ғулом у ёғи Москва, бу ёғи бутун Ўрта Осиёда барча шоиру алломалар билан шахсан дўст эди. Қозоғистон дейсизми, Тожикистон ёки Туркменистонми, қаерга борса ўз уйидек эмин-эркин юрар, унинг хонадони ҳам бутун мамлакат ижодкорларига очиқ эди. Ёки Ойбекнинг Мухтор Авезов, Абдулла Қаҳҳорнинг Константин Симонов, Миртемир домланинг Абдулла Тожибоев билан, Шайхзоланинг талай озар шоирлари билан яқинлигини олай-*

лик. *Ҳозир шахсий борди-келдилар бир-икки ижодкоримизни ҳисобга олмаса, жуда камайиб кетди».*

Дарҳақиқат, адабиётни алоҳида-алоҳида катта шахслар яратади. Катта шахсларнинг дўстлиги эса халқлар дўстлигига замин ҳозирлайди. Ижодкорларнинг шахсий дўстлиги орқали адабиётларнинг дўстлиги шаклланади. Бундан ҳам муҳими, адабий алоқалар миллий адабиётлар тараққиётининг ўзаро бойишига кафолат бўлиб хизмат этади. Шундай экан, ижодкорман деган ҳар бир шахс ўз фаолияти давомида бошқа миллий адабиётларнинг сўз усталари билан яқиндан ижодий алоқа ўрнатишга ҳаракат қилмоғи, ўз салафларининг бу соҳадаги ибратли тажрибаларидан намуна олиб, адабий алоқаларни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим. Бу тadbир ижодкорнинг шахсий манфаати учунгина эмас, ўз халқининг ва адабиётининг манфаати учун ҳам ниҳоятда зарур. Бу хайрли ишлар Марказий Осиё регионида қанчалик тез ва изчил амалга оширилса, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари янада мустаҳкамланади.

Сўнгги йилларда бу соҳада дастлабки қадамлар қўйилганлигини мамнуният билан қайд этамиз. 1995 йилда Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон халқлари маданияти форуми бу йўналишдаги хайрли тadbирлардан бири бўлди. «Туркистон — умумий уйимиз» шиори остида ўтган бу тарихий анжуман Туркистон халқларини бирликка, адабиётлар ва санъаткорларни ўзаро ижодий ҳамкорликка чақирувчи, Марказий Осиё давлатларида яратилган энг яхши адабиёт ва санъат асарларини қардош халқларимизнинг маънавий мулкига айлантиришга даъват этувчи, яхшилик, эзгулик, ҳамжихатликни тарғиб қилувчи форум сифатида Туркистон халқлари тарихига ёзилди. Қардош халқларнинг маънавий ҳамжихатлигига бағишланган бундай адабий-маданий форумларни ўтказиб туриш анъанага айланса, айни халқимизнинг кўнглидаги иш бўларди.

Хулоса шуки, халқларимиз дўстлигини улуғлашга қаратилган ҳар бир тadbир, қардошликни мадҳ этишга бағишланган ҳар бир асар ижобий баҳога муносибдир. Шу маънода, Музаффар Аҳмаднинг «Икки дўст достони» эссеси ўзбек ва қозоқ халқлари ўртасида узоқ асрлардан бери давом этиб келаётган алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонамиз.

1999

ИЛМИЙ – АДАБИЙ ПОРТРЕТЛАРГА ЧИЗГИЛАР

УСТОЗ САБОҚЛАРИ

Халқимизда «Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар» деган ҳикмат бор. Ҳар бир инсон тақдирида, илмий-ижодий, умуман, меҳнат фаолиятида, шахс сифатида шаклланишида устознинг роли алоҳида. Бу ҳаёт синовидан ўтган ҳақиқат. Шундай экан, устозлар тўғрисида гапириш, эҳтиром кўрсатиш ҳар бир шогирд учун ҳам қарз, ҳам фарз деб ҳисоблайман. Атоқли адабиётшунос олим, машҳур танқидчи, академик Матёқуб Қўшжонов илмий фаолиятимда муҳим роль ўйнаган шундай устозларимдан бири. Мақоламда шу инсон ҳақида сўз юритмоқчиман.

Матёқуб Қўшжонови салкам қирқ беш йилдан бери танийман. Ҳам инсон, ҳам олим сифатида яхши биладан, адабиётшунослик ва танқидчилик фаолиятдан хабардорман, аксарият китоблари ва мақолаларини имкон қадар ўқиб боришга ҳаракат қиламан. Етмишинчи йилларнинг бошларида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Пушкин (ҳозирги Алишер Навоий) номидаги Тил ва адабиёт институтида дастлаб аспирант, кейин илмий ходим бўлиб ишлаган даврларимда домла билан ҳамкорлик қилган пайтларимни ҳозир ҳам хурсандчилик билан эслайман. Устоз таҳлилга жалб қилмоқчи бўлган айрим қиссалар ва романларни бирга ўқиб, фикрлашган вақтларимиз кўп бўларди. Матёқуб аканинг муайян асарга тақриз ёзиш жараёнларини, жиддий танқидий мақолалар битаётгандаги руҳий ҳолатларини ҳам кўп кузатганман. Устоз билан ҳаммуаллифликда мақолалар ёзиб матбуотда чоп эттирганимизни ҳозиргача эслаб, хурсанд бўлиб юраман. Илм йўлига қадам қўйишимда Матёқуб Қўшжоновнинг маслаҳатлари, йўл-йўриқлари мен учун катта мактаб бўлганини мамнуният билан таъкидлашга бурчлиман.

Умуман, домланинг илмий-ижодий лабораторияси, тадқиқот юритиш жараёнлари, ҳаёт тарзи, иш услуби бошқаларга нисбатан менга яхши таниш эди. Устоз ҳақида етарли

маълумотга эга бўлсам-да, негадир, у киши тўғрисида, юбилейлари ёки бирор китобининг босилиб чиқиши муносабати билан мақола ёзиб, матбуотда чоп этиришга журъат қилолмаганман. Бошқалар бу ишни қойиллатиб бажарганда ҳам мен сукут сақладим. Нега? Очигини айтсам, танқидчи Матёкуб Қўшжонов менинг тасаввуримда бадиий-эстетик салоҳияти ниҳоятда бақувват, тафаккур уфқи жуда кенг, бадиий асарни таҳлил қилиш усули бетакрор, энг муҳими, маҳорат бобида беназир, ўтган асрнинг етмишинчи йилларидаёқ *«Ўзбек танқидчилигининг Белинскийси»* деб тилга тушиб қолган фавқуллодда истъод соҳиби эди.

Дарвоқе, шу йилнинг январь ойидан бошлаб «Маърифат» газетасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирозевнинг Матёкуб Қўшжоновга бағишланган *«Бу кишим — устоз, мен — шогирд»* номли эссе-қиссаси эълон қилина бошланди. Эътиборли жиҳати шундаки, қисса айнан *«Ўзбекнинг Белинскийси»* деган сарлавҳа билан очилади ва етмишинчи йилларда онда-сонда тилга олиниб юрган бу фикр, менинг назаримда, Матёкуб Қўшжоновнинг *«Ўзбек танқидчилигининг Белинскийси»* эканлигини расман тан олинганини англатади. Бу қиёсда қанчалик теран маъно, катта ҳақиқат, эътироф уйғунлашганини ҳар бир мутахассис, адабиёт ихлосманди дарров тушуниб етса керак. Мана шундай салоҳиятга эга танқидчи ҳақида фикр айтиш, мақола ёзиб, тадқиқотларига баҳо бериш, ўша йилларда мен учун, тўғриси, забт этиш қийин бўлган доводдек туюларди. Бу вазифани уйдлаш учун муаллифда ҳам худди шундай илмий эстетик тажриба бўлиши шартдек кўринарди менга. Мана шу масъулият бироз бўлса-да, мени домла Қўшжонов ҳақида матбуотда сўз айтишимга монелик қилганини яширмайман. Ҳозир ҳам мен бу ишни юксак савияда бажарадиган даражага етдим, деган фикрдан узоқман. Мақолани ёзишдан асосий мақсад бу эмас. Мақсадим, Матёкуб Қўшжоновга шогирдлик эътиромимни изҳор этишдан, олимнинг маслаҳатларининг, илмий тажрибаларининг тадқиқотчилик фаолиятимдаги аҳамиятини кўрсатишдан, домлага миннатдорчилик билдиришдан иборат эканлигини унутмаслигингизни хоҳлардим. Матёкуб Қўшжоновдан олган сабоқларим, ўғитларим тўғрисида мақолада келтириладиган фактлар,

нафақат мен учун, балки келажакда адабиётшунос, танқидчи бўламан деган ҳар бир ёш, бошловчи олимга ҳам ибрат бўла олади, устоз-шогирд муносабатларининг аҳамияти ҳақида муайян тасаввур беради деган умиддаман.

Ўтган асрнинг олтимишинчи йилларининг бошлари. Мен Тошкент давлат (ҳозирги Ўзбекистон Миллий) университетининг филология факультети талабаси эдим. Бизлар талабалikka қабул қилинган йили Матёкуб Қўшжонов факультетдаги домлалик фаолиятини тўхтатиб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтига илмий ходим бўлиб ишга ўтган экан. Университетда домланинг маърузаларини эшитиш бизларга насиб этмаган. Лекин бир элдош сифатида мен у киши билан тез-тез учрашиб, суҳбатларидан баҳраманд бўлиб турардим. Университетни тугатишим арафалари эди. Бир куни устозга маслаҳатга бордим, илм билан шуғулланиш, аспирантурада таҳсил олиш ниятим борлигини айтдим. Домла бироз ўйланиб, шундай жавоб берганди ўшанда:

— *Бирор илмий даргоҳга борсанг ёки аспирантурага кирмоқчи бўлсанг, улар сендан энг аввало, паспортинг, ҳарбий билетинг ёки гувоҳноманг борми деб сўрамайди, балки илмий мақолалар ёзганмисан, китобларинг чиққанми, қаерларда босилиб, қайси нашриётларда чоп этилган, деб савол беради. Илмий даргоҳларда сенинг асосий хужжатинг, яъни «паспортинг» шу бўлади. Ҳозир сен шошилма. Илмий мақолалар ёзиб, матбуотда кўрин, мутахассислар сени танисин, илмга қобилиятинг борлигига ишонч ҳосил қилсин. Аспирантура қочмайди, улгурасан. Аспирантурада ўқишдан бош мақсад ҳам илмий иш ёзиб, шу соҳага озми-кўпми ҳисса қўиши. Шундай экан, аспирантура масаласида шошилмаганинг маъқул.*

Устознинг бу маслаҳати ўзимга ҳам маъқул тушди. Киш-логимга қайтиб, мактабда ўқитувчилик фаолиятимни бошладим. Матёкуб ака билан бўлган ўша суҳбат ва домланинг маслаҳати ҳеч ҳаёлимдан кўтарилмади, илмий иш билан шуғулланишга ундайверди. Хуллас, мен қизиқиб юрган мавзуим бўйича илмий мақолалар ёзиб, Ўзбекистон ва Туркманистоннинг газета-журналларида эълон қилишга кириш-

дим. Икки-уч йилда ўн бешдан ортиқ мақолам босилди. Нокамтарлик бўлса-да айтай, Матёқуб ака маслаҳати сабаб «паспортим» орқали матбуотда кўриниб қолдим. Ўқитувчилик фаолиятимдан илмий фаолиятим устунлик қила бошлаганини сездим. Кейин домланинг маслаҳати билан ЎзФАнинг Тил ва адабиёт институтининг аспирантурасига ҳужжат топширдим. У замонларда аспирантурага кириш осон бўлмаганини мутахассислар яхши билади. Лекин менинг аспирантурага киришим анча осон бўлган, танловсиз қабул қилинганман. Бу масалада менга «паспортим» (газета-журналларда босилган мақолаларим) қўл келганини мамнуният билан тилга оламан ва Матёқуб акадан ўша маслаҳати учун ҳозир ҳам миннатдор бўлиб юраман. Ва мен бу тажрибамни эндигина илм йўлига қадам босиш арафасида турган ўзим ишлаётган олий ўқув юрти ёшларига, шогирдларимга бот-бот эслатиб ҳам тураман.

Устознинг яна бир ўгити ҳеч эсимдан чиқмайди. Тил ва адабиёт институтининг «Адабий алоқалар» бўлимида аспирантман. Ўша йилларда бўлимга мудирлик қилган ажойиб инсон ва таниқли олим Юсуф Султонов (жойлари жаннатда бўлсин) раҳбарлигида илмий фаолиятимни бошлаган пайтларим эди. Энди Матёқуб Қўшжонов билан бир илмий даргоҳ остонасидан кириб чиқиш имкони туғилди. Матёқуб ака институтга ҳафтанинг маълум бир кунлари келарди ва мен бундан фойдаланиб ўқиган, ёзган нарсаларим тўғрисида у киши билан фикрлашишга ҳаракат қилардим. Мен танлаган ва ўрганаётган мавзу, яъни Абдулла Қодирий ижоди устозга жуда яқин, у киши ёзувчи асарлари ҳақида йирик тадқиқот ёзган қодирийшунос олимлардан бири эди. Шу сабаб диссертациям мавзуси, баъзи илмий муаммолар юзасидан домла билан тез-тез маслаҳатлашиб туришга тўғри келарди. Устоз билан суҳбатлашиб ўтирган кунларимизнинг бирида у менга:

— *Ҳар куни ёзишга ўрган, шуни одатга айлантир, деди. Жуда бўлмаса бир ёки бир ярим бет нарса, албатта ёз! Шундагина қаламинг ўткирлашиб, илмий малаканг ўсиб боради. Масалан, мен ҳар куни бир, баъзан икки бет нарса ёзмасдан кўчага чиқмайман. Мабодо бу режам бирор объектив сабаб билан амалга ошмай қолса, кун бўйи безовта бўлиб юраман. Сен ҳам шунга одатлан, зарар қилмайсан,*

фикринг чархланиб, назарий савиянг ҳам чуқурлашиб боради, илмий тажрибанг ортади.

Домланинг бу маслаҳати, ҳақиқатан ҳам, ибратли эди ва мен институтда ишлаган йилларимда шу тамойилга амал қилишга астойдил интиланман. Номзодлик диссертациямни муддатидан олдин ёзиб тугатдим ва ҳимоя қилдим. Докторлик диссертациям ҳам худди шундай омадли бўлди. Тўғриси айтсам, мен баъзи олимлардек «фалон» бет докторлик диссертация матнини ёзган эмасман. Журналларда босилган илмий мақолаларимни, нашриётларда чоп этилган монографияларимни диссертация шаклида тақдим этиб, илмий маърузамни Туркменистон ФА Махтумқули номидаги Тил ва адабиёт институтининг ихтисослашган Илмий кенгашида ҳимоя қилдим. Ҳимояга қадар мен олти китоб, юздан ортиқ мақола эълон қилишга улгурган эдим. Ҳимояда қатнашган расмий оппонентлар, сўзга чиққан мутахассислар: диссертантнинг нафақат бугун ҳимоя қилаётган ушбу иши учун, умуман, унинг ҳозиргача уч республикада, уч тилда эълон қилинган илмий тадқиқотлари учун бир ёки икки эмас, ҳатто уч докторлик илмий даражасини берса ҳам арзийди, деган ҳазиломуз гапларини қониқиш билан эслаб юраман ва фан доктори илмий даражасини олишимда ҳам «паспортим» менга яна бир бор асқотганини катта мамнуният билан хотирлайман. Бир вақтлар менга тўғри йўл кўрсатган Матёқуб Қўшжоновдан ниҳоятда рози эканимни такрор-такрор айттим келаверади. Устознинг шогирдга илмда тўғри йўналиш бериши, фойдали ўғитлари нақадар муҳим эканини ўзимнинг илмий фаолиятимда синаб кўрганим учун ҳам бугунги ёшларни бу ибратомуз насиҳатлардан хабардор қилаяпман.

Матёқуб аканинг адабиётшуносликка тегишли яна бир маслаҳати хотирамга муҳрланиб қолган:

— *Яхши адабиётшунос ёки танқидчи бўламан десанг, тақриз ёзишни ўрган. Тақриз назарий савиянгни оширади, бадиий асарни баҳолаш тажрибангни шакллантиради, илмий-эстетик тафаккуринг кенгаяди. Мен адабиётшунослик фаолиятимни конкрет бир асарга тақриз ёзишдан бошлаганман. Матнни таҳлил қилиш мен учун бош вазифа эди, доимо матн устида ишлардим ва ҳозир ҳам ишлаш усулим шу. Яхши асар бўладими ёки бўш асарми, фарқи йўқ, энг*

муҳими, у мен учун матн, материал, холис баҳолашга ҳаракат қиламан. Сен ҳам шу йўлни танласанг, адашмайсан.

Мен устознинг бу маслаҳатига ҳам амал қилиб, ўша йилларда Ўзбекистон ва Туркманистоннинг газета-журналларида бир неча тақризлар, таҳлилий мақолалар бостирганим ёдимда бор ва бу тажриба нафақат мен, умуман, ҳақиқий танқидчи ёки адабиётшунос бўлишга чоғланган ҳар бир инсон учун асосий мезон эканлигига ишонч ҳосил қилганман.

Устознинг яна бир ибратли маслаҳатини тилга олиб ўтсам фойдадан холи бўлмас. Ўша даврларда номзодлик диссертациям мавзуси — А.Қодирийнинг «Ўтган кунлар» ва Х.Деряевнинг «Қисмат» романлари қиёсий таҳлили бўйича илмий журналлардан бирига мақола тайёрладим. Домлага ўқитиб, фикрини билмоқчи бўлдим. Устоз:

— *Майли, ўқиб бера қол, деди.* (У киши ўзи ўқигандан кўра, кўпроқ муаллифнинг ўзига ўқитиб эшитишни афзал кўрарди.) *Мақоламни ўқий бошладим. Уч-тўрт жумла ўқиганимдан кейин домла:*

— *Тўхта!,— деди. Нима бало, қўлланилавериб сийқаси чиқиб кетган шаблон сўзларга бунчалик ўч бўлмасанг! Ўқувчининг гашига тегадиган ўша сўзларни жумлада ишлатмасанг ҳам маъно бинойидек тушунилиши мумкин-ку! Қани ўша ортиқча сўзларни олиб ташлаб, қайта ўқи-чи, мазмунга зарар етармикан.*

Мен уч-тўрт жумлани устоз айтгандек такрор ўқидим. Жумлаларим олдингисидан анча силлиқлашди, мазмун тиниқлашиб, фикр юзага қалқиб чиқди. Шаблон сўзларнинг ортиқчаллиги шундоққина кўринди қолди. Матёқуб ака:

— *Мана, кўрдингми, жумлалар ортиқча «юк»дан халос бўлди, муҳими, сен айтмоқчи бўлган фикр ҳар хил кераксиз сунъий «безак»лардан тозаланди, — деди ва сўзини давом этди:*

— *Доимо жумлаларнинг ташқи гўзаллигига эмас, ички мазмунига эътибор бер! Сирти ялтираб, ичи қалтираб турмасин. Тузган жумлаларинг содда, равои бўлсин. Қисқа жумлада чуқур маъно ифодалашни ўрган. Асосийси, мақоланда ўқувчини ўзига тортиб турадиган сеҳр бўлсин. Шунда ёзган нарсангга бошқалар қизиқади, бадиий асар ўқигандек ўқийди.*

Бу ибратли гап бутун илмий фаолиятим давомида мен учун дастуриламал бўлганини бугун мамнуният билан қайд этишга бурчлиман. Ҳозир ҳам бирор илмий иш ёки мақола ёзмоқчи бўлсам, дарров устознинг бундан салкам ўттиз беш йил олдин айтган гапи ҳаёлимга келади. Гўё домла ҳозир ҳам тепамда туриб менинг мақола ёзиш жараёнимни кузатаётгандек, жумлаларимни қайта-қайта ўқитиб, «бунисини ўчир, унисини кўш», «мана бу сўз ва иборалардан фойдалан» деяётгандек туюлаверади. Ҳар гал мақола ёзганимда ўша танбеҳона, ниҳоятда фойдали маслаҳатни эслайман ва имкон қадар унга амал қилишга уринаман. Домланинг илмий-тадқиқот соҳасида менга кўрсатган йўл-йўриқлари ўзининг кўп йиллик адабий танқидчилик фаолияти давомида тўплаган илмий тажрибаларининг хулосаси, қаймоғи эди. Устознинг ўзи мана шу принципларга амал қилиб қалам тебратган ва бугунги салоҳиятга эришган, ҳурмат қозонган, ўзбек танқидчилигининг Белинскийси даражасига кўтарилган. Агар унинг ҳозиргача эълон қилинган адабий-танқидий асарларини ўқиб кўрсангиз, мана шу илмий-эстетик принциплар унинг бош таҳлил мезони, қуроли бўлганига ишонч ҳосил қиласиз, «кўп ва хўп» ёзганининг сирларини тушуниб етасиз.

Адолат юзасидан айтганда, ўзбек танқидчилигида Матёқуб Қўшжоновчалик кўп тадқиқот яратган адабиётшунос-танқидчи, менимча, жуда кам. У ҳозирга қадар элликка яқин китоб нашр қилдирди. Йирик тадқиқотлари Москва нашриётларида босилиб чиққан. Эллик китоби чоп этилган танқидчининг республиканинг газета-журналларида, чет элларда босилган мақолаларининг саноғи қанча эканлигини тасаввур қилиш қийин бўлмаса керак. Бу устознинг ҳар куни ишлашининг, ҳар куни бир ёки икки бет нарса ёзишнинг одатга айлантирганининг самараси эмасмикан? Гап тадқиқотларнинг сони ёки ҳажмида эмас, албатта. Гап шундаки, Матёқуб аканинг ҳар бир мақоласи, китоби, ҳатто энг кичик тақризи ҳам ўз даври танқидчилигида ўзига хос янгилик, айримлари кашфиёт даражасида баҳоланган, мутахассислар, китобхонлар томонидан қўлма-қўл ўқилиб, яхши маънодаги шов-шувларга сабаб бўлган. Уларнинг кўпчилиги бугун ҳам аҳамиятини йўқотган эмас. Тадқиқотларнинг барчаси тўғрисида бир мақолада батафсил фикр айтиш им-

кони йўқ. Шундай бўлса-да, мунаққид қаламига мансуб баъзи бир йирик тадқиқотларини тилга олиб ўтмоқчиман.

* * *

Матёкуб Қўшжонов, биринчи навбатда, ўзбек адабиётининг атоқли ёзувчилари А.Қодирий, Ойбек, А.Қаҳҳорлар ижодини маҳорат аспектида ўрганиб, йирик фундаментал тадқиқотлар яратган, бошқача айтганда, уларни янгидан кашф этган адабиётшунос-танқидчи. У Ҳамза, С.Айний, Ҳ.Олимжон каби XX аср ўзбек адабиётининг атоқли вакиллари ижоди бўйича ҳам махсус илмий ишлар ёзди. Шуҳрат, Ш.Рашидов, А.Мухтор, Қ.Муҳаммадий, Қ.Ҳикмат, О.Ёкубов, П.Қодиров, Ш.Холмирзаев, Ў.Ҳошимов, О.Мухтор ва яна бир неча таланти ёзувчиларнинг қисса ва романлари юзасидан аҳамиятли фикрлар айтган олим. Матёкуб ака Шукрулло, Э.Воҳидов, А.Орипов, М.Алидек ўзбек шеъриятининг забардаст адиблари тўғрисида ҳам рисола-лар, мақолалар чоп эттирди. Ўзбек драматургиясининг яхши асарлари ҳам танқидчининг назаридан четда қолмади, бу жанрга тегишли бир талай мақолалар ҳам битди. Кўп йиллар бир адабий муҳитда елкадош бўлиб қалам тебратган ҳамкасблари И.Султон, О.Шарафиддинов каби ўзбек адабиётшунослигининг истеъдодли арбоблари ҳақида ҳам илмий-адабий портретлар яратди, бир неча мақолалар эълон қилди.

Ўзбек адабиётида бирор янги асар пайдо бўлса, жанридан қатъий назар, майли у бадий жиҳатдан мукамалми, ёки саёз асарми, у болалар адабиётининг намунаси ёхуд катталар адабиётига тегишлими, устоз уларга муносабат билдиришга ҳаракат қилади, яхши асар бўлса мақтайди, тарғиб қилади, талантсиз ёзилган бўлса, аяб ўтирмайди. Шу маънода, Матёкуб Қўшжонов бадий асарга баҳо беришда ўта принципиал, талабчан, вазиятга дарров мослашиб кетавермайдиган, ҳар қандай шароитда ҳам ўз фикрини ҳимоя қила оладиган жасоратли танқидчи. Бу фақат менинг эътирофим эмас, ўзбек илмий-адабий жамоатчилиги томонидан тан олинган ҳақиқат бу. *Академик И.Султоннинг* куйидаги фикрлари бекорга айтилмаган: *«Адабиётимизда ғайрат билан ишлаётган бирорта талант йўқки, унга Қўшжоновнинг назари тушмаган бўлсин, бирорта истеъдодли ёш йўқки, у*

Қўшжоновдан мадад сўзи эшитмаган бўлсин. Унинг адабий доираларда «Адабиётимизнинг жонкуяри» деб ном қозонгани бежиз эмас. Ўзбекистонда ўз ижоди ҳақида М.Қўшжоновдан иттизорлик билан фикр кутмаётган ёзувчи топилмаса керак».

Бу чиндан ҳам, ҳақиқий адабиёт жонкуяригагина хос фазилат. Атоқли мунаққид М.Қўшжонов шундай ноёб ҳислатга эга, назарий савияси бақувват, ўзига хос мактаб яратган аллома. Матёкуб ака фақат ёзувчи ва шоирлар, драматурглар ёки адабиётшунос-танқидчилар ҳақидагина эмас, айни чоғда, умри давомида учратган олижаноб инсонлар, мулоқотда бўлган турли соҳа олимлари, жамоат арбоблари, умуман, тақдирида из қолдирган машҳур кишилар тўғрисида ҳам хотира-эссе характеридаги мақолалар туркумини яратди. Олимнинг бу туркум асарлари унинг илмий-бадий салоҳиятининг ниҳоятда бақувват, бадий-эстетик мушоҳадаси ўткир ва энг муҳими, танқидчи истеъдодининг қирралари ранг-баранг эканлигини яна бир бор намоён этди.

Матёкуб Қўшжонов маҳоратшунос назариётчи олим сифатида танқидчиликда алақачон тан олинган. Унинг бошқа мунаққидлардан алоҳида ажралиб турадиган хусусиятларидан бири ҳам, менимча, шунда. Адабиёт назариясига тегишли кўп муаммоларни ўзбек адабиёти материаллари асосида ҳал қилиб берди. Олимнинг бадий сюжет, композиция, бадий конфликт, образ, характер ва тип каби адабиётнинг назарий масалаларига бағишланган илмий тадқиқотлари, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ўзбек адабиётшунослиги учун ўзига хос янгилик, кашфиёт бўлди. Ўзбек адабиётининг кўп назарий муаммоларини ҳал қилишда амалий аҳамият касб этди, ижодкорлар учун қўлланма вазифасини ўтаб келмоқда. Машҳур танқидчининг назариётчи олим сифатида қадрланишининг сабаби шу билан изоҳланади. Мунаққид ҳар қандай ижод намунасини бадийлик мезони билан юқори илмий савияда таҳлил қила олади. Фикрларини инкор қилиб бўлмайдиган даражада далиллайди. Устоз тадқиқотларининг кўпчилиги танқидчилар фаолиятида учрайвермайдиган яна бир ноёб хусусияти бор. Домланинг адабий-танқидий китобларини, илмий мақолалари ва публицистик асарларини худди бадий асар ўқигандек қизи-

қиб ўқийсиз, завқ оласиз. Уларда ўқувчини ўзига тортиб турадиган қандайдир бир сеҳр, жозиба бор. Менимча, бу танқидчининг энг ноёб истеъдод қирраси. Матёқуб ака, нафақат бадиий асар, балки у ҳақда яратилган илмий иш ҳам худди шу хилда, қизиқиш билан ўқилиши лозим деган принципдан келиб чиқиб ижод қилади. Унинг китоблари ва мақолалари тор доирадаги мутахассисларнигина эмас, оддий китобхонларни, умуман, бошқа соҳа ходимларини ҳам қизиқтиришининг бир сири шунда бўлса керак.

Матёқуб Қўшжонов иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, жанг майдонларида жасорат кўрсатган ҳарбий. Фронлда у моҳир мерган бўлган. Устознинг урушдаги қаҳрамонлиги ҳақида ўзбек адабиётида кўп нарсалар ёзилди. Сўнгги йилларда олимнинг ўзи ҳам фронт хотиралари тўғрисида бадиий-публицистик жанрларга қўл уриб, «Алам», «Дағиш», «Дийдорнома» каби эссе, ёдномаларни китобларини эълон қилди ва ўзбек адабиётида автобиографик трилогия яратди. Адибнинг бу асарларида унинг болалик йиллари, Ватан уруши ва урушдан кейинги хотиралари, кўрган, кузатган воқеалари ҳикоя қилинган. Китобларнинг ҳаммаси ҳам тажрибали ёзувчи қаламидан чиққандек таассурот қолдиради, тўғриси, адабиётшунос-танқидчи ижодига мансуб асар эканлиги ҳаёлингизга ҳам келмайди. Бадиият қонуниятларини кашф этган назариётчи бир олимнинг бадиий асарлар ҳам яратиб, китобхонларни қойил қолдириши адабий жараёнда кам учрайдиган ҳодиса. Бу ҳам Матёқуб Қўшжонов истеъдодининг олмос қирраларидан бири, илмий-бадиий ижодининг ёрқин саҳифаларидир.

* * *

Матёқуб ака Хоразм воҳаси (Ташхувуз)да туғилгани учунми, бу ўлкага меҳри алоҳида, адабиёти, тарихи ва маданиятига ҳамиша қизиқиш билан қараб келаяпти. Хусусан, бугунги Хоразм адабий муҳити доимо олимнинг эътиборида, китоблари, мақолалари орқали унга муносабат билдириб туради, талантларини қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистон кўламида танилишига ҳиссасини қўшиб келмоқда. Р.Бекниёз, Э.Самандар, К.Аваз, Қ.Муҳаммад Ризо каби истеъдодли шоир ва ёзувчилар, драматурглар ижодининг тарғиб қили-

нишида, эл-юртга танилишида устоз мақолаларининг, чиқишларининг ҳам ҳиссаси бор эканлиги маълум.

Матёқуб Қўшжоновнинг Қорақалпоғистон, унинг адабий жараёни билан ҳам худди шундай алоқани сақлаб келаяпти таҳсинга лойиқдир. Устознинг Қорақалпоғистондаги турли соҳа олимлари, ёзувчилари ва шоирлари, адабиётшунослари билан мулоқотларига шахсан кўп маротаба гувоҳ бўлганман. Академик Собир Камалов ва Матёқуб Қўшжонов бир-бирларини фақат олим сифатида эмас, балки қуролдош дўст сифатида ҳам ниҳоятда қадрлашини биламан. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлепберган Қайипберганов, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсупов ёки Қорақалпоғистон халқ шоираси Гулистон Матёкубовалар билан учрашганда ҳам Матёқуб ака қорақалпоқ адабиётининг долзарб муаммолари юзасидан фикрлашиб туришлари ҳам ҳақиқат. Таниқли қорақалпоқ адабиётшунос олимлари Камол Худойберганов ва Камол Мамбетовлар Матёқуб Қўшжоновни устоз сифатида ғоят қадрлаб гапирардилар.

Матёқуб ака бугун қорақалпоқ элида амалга оширилаётган ҳар бир янгиликдан хабардор бўлишга интилади, ютуқларидан қувонади, бунёдкор халқ эришган муваффақиятларни Ўзбекистон матбуотида, китобларида ёритишга ҳаркат қилади. Адабий жараёнида пайдо бўлган ҳар бир янгиликка муносабат билдиришга вақт ва имконият топади. Биргина мисол келтирмоқчиман. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2003 йил 5 декабрь сонидида Матёқуб Қўшжоновнинг «Адабиёт ва илм сарҳадларида» номли мақоласи босилди. Муаллиф мақолада қорақалпоқ замини ва адабий муҳитига ҳам каттагина ўрин ажратган, Нукус ва Элликқалъада ташкил этилган халқаро анжуманлар, шу муносабат билан чоп этилган адабий-бадиий нашрлар, илмий рисоалар ҳақида фикр юритган. «Эллик наво» номли шеърий тўпламини ижобий баҳолайди. Қўнғиротлик ўқитувчи-тадқиқотчи Ж.Шомуродовнинг «Ҳаким ота-Ҳожа Сулаймон Боқирғоний» номли китобчасини, шоирнинг адабиёт тарихидаги ўзига хос ўрнини мустақиллик йилларида тўғри белгилаб берган янги илмий иш сифатида қайд этади. Воҳанинг энг кўзга кўринган зиёлиларини, ташкилотчи раҳбарларини тилга олади, уларнинг маънавият ва маърифат

соҳасидаги ибратли тадбирларидан билан ёзади. Бундай мисолларни мамнуслигини қониқиб Фикримча, бу фактлар Матёқуб ака санайверини мумкин, элига, адабий муҳитига ҳам яқин Қўшжоновни қорақалпоқчилигини изоҳлай олади.

* * *

Ўтган йилнинг декабрь ойи ўрн Матёқуб Қўшжоновнинг саксон беш йилида Тошкентда Матёқуб шонланди. Тўй тантаналарига қатиллик юбилейи кенг ни-этди. Устоз билан бир неча кун би-нашиш менга ҳам насиб Домлага кўрсатилган иззат-хурматга бўлишга тўғри келди. қалбимда фахр туйгуларини ҳис этти кўриб, ҳар дақиқада канинг энг таниқли кишилари, ҳилиб турдим. Республи-қўринган намояндалари, ўзбек саар хил соҳаларнинг кўзга лари, хонандаю созандалар, устоз-қатининг атоқли вакил-ва шогирдлари Матёқуб акани таннинг қаламкаш дўстлари рақбод этгани келишган. Шунда баррук ёши билан мубо-тознинг «Буюк хизмалари учун» қувончли кунларда у-лангани нур устига аъло нур бўлди орден билан мукофот-дий меҳнатлари, ижтимоий фао. Домланинг илмий-ижо-даражасида энг юксак мукофотларияти олдин ҳам давлат билардим. У «Ўзбекистонда хизма билан тақдирланганини Давлат мукофоти лауреати, «Энг кўрсатган фан арбоби», яна бошқа бир қатор орден ҳамда порт хурмати» орден ва нидан жамоатчилик ҳам хабардор медалларга сазовор бўл-фот устознинг ҳамкасблари, шо. Навбатдаги янги муко-қариндош-уруғлари шодлигига элчилари, мухлисларию кўрсатилган бундай иззат-хурматшодлик қўшди. Домлага гўё қирчиллама қирқ яшар йигит, менинг назаримда, уни Ҳақиқатан ҳам, устознинг ҳозирга анлантиргандек бўлди. ши, шижоати, бардамлиги, ижод кўриниши, юриш-тури-ноқлиги, кўз тегмасин, кимнинг ёкорлик қобилияти, қув-ради, Матёқуб акани кўрганлар бўлса-да ҳавасини келти-ёшда деб ўйламайди.

* * *

Юбилей тантаналарининг охи келган домланинг энг ақинлари, элрси кун. Ўзоқ яқиндан лари кечкурун устознинг уйига я. ошлари, қариндош-уруғ-тўпландик. Кенг даст-

дурхон ёзилди. Гурунг қизитавдан қизиди. Суҳбатнинг бош хизмуси кеча бошланган ва бугун давом этаётган юбилей тантанаси. Ҳамма хурсанд. Ҳар ким тўй дақидаги ҳайрато-қуз таассуротлари, қувончлари билан ўртоқлашгиси кела-ди. Тошкентнинг энг нуфузли нашриётларидан бири Матё-қуб Қўшжоновнинг юбилейига совға тарзида унинг «Дий-дор» деган катта китобини чоп этибди. Дастурхон атрофида ўтиртанлар шу китобни талма-тал варақлаб кўрмоқда. Наз-бат менга ҳам келди. Мен уни варақлай бошладим. Китоб жуда чиройли, юқори полиграфик усулда чоп этилибди. «Дийдор»га домланинг турли йилларда замондошлари би-дан тушган ранг-баранг расмларининг илова қилингани унинг чиройини янада очиб юборган.

— Мен бу китобга XX асрнинг ўттизга яқин унутилмай-диган улғ сиймолари тўғрисидаги эсдалик-мақолаларимни киритдим. — деб изоҳ берди Матёқуб ака менинг қўлимда-ги «Дийдор»га ишора қилиб. Китобга ҳавасим келди. Аф-суски, уни шу ернинг узида дарров ўқиб чиқишнинг имко-ни йўқ эди. Шунинг учун устозга юзланиб: — Домла, эр-тага Нукусга қайтиб кетаянман, мана шу китобингизга дастхат ёзиб, менга эсдалик қилиб бермайсизми? — дедим.

Домла кулимсираб:

— Биласанми, бу китоб аслида келгуси йилда чиқиши керак эди. Лекин нашриёт мени хурсанд қилиш мақсадида, юбилейимга деб, атиги тўрт донагина босиб, анжуманга олиб келишибди. Ўша ердагилар талашиб олиб қўйишди, зўрға бир донасини ушлаб қолишга улуғурдим. Биласан, ҳали тўйга келиб-кетувчи меҳмонлар кўп бўлади, уларга ҳам кўрсат-сам дейман. Сен хафа бўлма, яқин кунларда «Дийдор» ом-лавий нусхада босилади, ўшандан, албатта сенга бир дона дастхат ёзиб жўнатамин.

Дарвоқе, устоз ваъласида турли, кўп ўтмай, «Дийдор» Матёқуб аканинг чиройли дастхати билан менга қовушди ва мен уни мароқ билан қизиқиб ўқиб чиқдим. Очигини айтганда, ўшанда устоз менга китобини дастхат қилиб бер-маганидан асло хафа бўлмадим, аксинча, хурсанд бўлдим. Негаки Матёқуб Қўшжоновнинг деярли ҳамма китоблари мана шундай талаш бўлиб ўқилганига кўп маротаба гувоҳ бўлганман. Бирор китоб дўконда домланинг китоблари узоқ вақт туриб қолганини, баъзи муаллифларнинг асарларига

ўхшаб пештахталарда саргайиб, чанг босиб ётганини кўрмаганман, узоғи билан бир ёки икки ойда тарқаб кетади. «Дийдор» китоби ҳам худди шундай оммалашиб кетишига ишонч ҳосил қилганим учун ҳам хурсанд эдим.

Устоз! Китобларингиз ҳамиша шу хилда қўлма-қўл бўлиб ўқилаверишига тилакдошман. Илмий-ижодий фаолиятингизнинг салмоғи, салоҳияти, эл-юрт олдидаги мартабангиз, ҳурматингиз бундан ҳам зиёда бўлмай! Ижод завқи сизни ҳеч қачон тарк этмасин! Сиз, мана саксон олтинчи баҳорингизга қадам қўйдингиз. Бу қадамингиз ҳам қутлуғ қадам бўлсин! Хали манзилингиз узоқ, тўқсон, юз йиллик юбилей тантаналари Сизни кутмоқда. Ана шу табаррук саналарни ҳам худди кечагидек оилангиз, фарзандларингизу невараларингиз, қариндош-уруғларингиз, ҳамкасбларингизу шоғирдларингиз даврасида, уларнинг ардоғида, ҳозиргидек бардам, қувноқ, ижодий куч-қайратга тўлган бир кайфиятда нишонлаш Сизга насиб этгай!

2004

ТУРКИЙ АДАБИЁТНИНГ АТОҚЛИ ЁЗУВЧИСИ

Адабиёт ва санъатда шундай ижодкорлар бўладики, асарлари орқали бир эмас, бир неча халқнинг севимли адибига айланади, бошқа миллатларнинг ҳам ўз ёзувчиси даражасига кўтарилади. Бундай обрўга муяссар бўлиш ҳамма қаламкашнинг ҳам ижодий тақдирига ёзилавермайди. Шахсий, ижтимоий-сиёсий фаолиятида ҳам, бадиий ижод намуналарида ҳам байналминал бўлган, умуминсоний ғояларни илғари суриб, дунё доирасида фикрлайдиган, кенг мушоҳадали, халқнинг бахт-саодатини, порлоқ истиқболини, томири бир, тақдирдош халқлар билан уйғунликда, ҳамжиҳатликда кўра биладиган ва уни сўз санъатида ифодалашга қодир ёзувчигина шундай мавқега эришади. Агар ёзувчи тор доирада фикрласа, маънавий бирлик, руҳий ҳамжиҳатлик ҳамма соҳалардаги тараққиётимизнинг кафолатларидан бири эканини англаб етмаса, миллий қадриятларини умумжаҳон маънавий қадриятлари руҳида ривожлантиришга, жаҳон андозалари даражасига олиб чиқишга ижоди билан интилмас

экан, у қанчалик талантли бўлмасин фақат ўз адабиётининг вакили бўлиб қолаверади. Бундай чекланганлик нафақат мазкур ёзувчининг ўзини, у мансуб адабиётнинг ҳам дунёга чиқишига монелик қилиши табиий. Шундай экан, муайян адабиётда қалам тебратаетган ҳар бир ижодкор нафақат яратган асарининг, балки бутун бошли адабиётнинг тақдирини, келажагини ҳам ўйламоғи, жаҳонга танилиши учун барча ижодий имкониятларини ишга солмоғи лозим.

Халқнинг, миллатнинг ўзга юртларда ҳам шуҳрат қозонишида адабиёт воситачилик ролини ўйнайди. Ҳар бир ижодкор халқини, миллатини оламга ёйиш билан анъаналарини умуминсоний ғоялар руҳида тарғиб қилади. Агар бу жараён санъаткорона услубда ифода этилган бўлса, ёзувчининг шуҳрати ортади, дунёга танилади, бир эмас, бир неча халқлар ва элатларнинг ҳам ҳурматида сазовор ёзувчига айланади. Давримизнинг забардаст адибларидан бири, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлепберган Қайипберганов, менимча, ана шундай ёзувчилардан бири. У қандай мавзуда асар яратса-да, қайси масалага бағишлаб очерк ёки публицистик мақола ёзса-да, бирор расмий доира ёки катта йиғилишда нутқ сўзлаганда ҳам, баҳс-мунозарага киришса-да, аввало, умумтуркий халқлар тарихий илдизларининг муштараклиги, тилимизнинг умумийлиги, маънавий бирлигимиз, руҳий бутунлигимиз ҳақида илҳом билан гапирарди ва ёзади, барчани шу йўлдан чалғимасликка чақиради. Адибнинг бу масаладаги ҳар бир янги мулоҳазаси ва таклифлари, шунчаки дабдабали, қуруқ сўзлар эмас, балки ҳаётий ҳақиқатга асосланган, илмий-адабий жиҳатдан ҳам далиллангандир.

Ёзувчининг бу даъватлари ҳозирги тарихий муҳитда халқларимизнинг миллий-маънавий қадриятларини бирга тиклашга, буюк келажакни ҳамкорликда яратишга қаратилгани учун ҳам қалбимизга яқин. Адибнинг «Қудратимиз маънавий бирлик, руҳий бутунликда» номли мақоласида келтирган фикрлари ижодкорлар учунгина эмас, миллатпарварман, ватанпарварман деган ҳар бир фуқаро учун ҳам ибрат. *«Биз турли-туман давлатларда яшаётганимиздан қатъий назар, маънавий, руҳий яқинлигимизни янада кучайтириш имконига эгамиз. Шундай яқинликка эга бўлсак, чегаралар ҳам рамзий бўлиб қолаверади. Маънан, руҳан бир*

бўлган халқ бир бутундир. Демак, биз сен фалон, сен пистон, деб миллат ажратиш ўрнига умумий илдишларимизни ўйлашимиз керак. Биз — туркий элат, халқ, миллат деб аталмиш қадим ва азим дарахт шохларимиз. Томиримиз бир, сув ичган тарихимиз бир, бугунимиз ва эртаимиз ягона. Биз умуминсоний маданиятга бебаҳо ҳисса қўшган халқ эканлигимиз билан фахрланамиз. Шу билан бирга, умумбашарий маданиятнинг барча намуналаридан баҳраманд бўлиб бормоғимиз ҳам зарур».

Халқини, миллатини руҳан баркамол, маънавий етук кўришни орзу қилган ёзувчигина шундай мушоҳада юритади. Тўлепберган Қайирберганов мақоласининг яна бир ўрнида: *«Мен янги аср бошида фақат Туркистон халқларигина эмас, ундан ташқаридаги қавмларимиз ҳам, элдошларимиз ҳам бир-бирини яқиндан танишса, топишса, биз янада кучли бўлур эдик, деб орзу қиламан»*, — деб ёзганида минг бора ҳақдир. Халқининг тақдирини, тарихини, маданияти ва адабиётини, умрбоқий қадриятларининг тикланиши ва тараққий этишини, юксакликка кўтарилишини умумтуркий халқлар билан бирликда кўриш истаги доимо Тўлепберган Қайирберганов қалбида акс садо бериб туради. Балки шунинг учун бўлса керак, барча туркий халқлар, айниқса, Марказий Осиёда яшайдиган турли миллат вакиллари бу улугъ ёзувчини жуда қадрлайди, асарларини ўз она тилларига қайта-қайта таржима қилишган. Унинг Марказий Осиё халқлари Маданияти Ассамблеяси Тараққиёт жамғармаси бошқаруви раиси лавозимига сайланишида ҳам катта маъно бор. Ёзувчининг яқинда мазкур Ассамблеянинг тақдимот маросимида қатнашиши, дунёга машҳур ёзувчи Чингиз Айтматовнинг 70 йиллик юбилейи муносабати билан Парижда ўтказилган талбирда нутқ (бу нутқ матбуотда эълон қилинди) сўзлаб, барчани ҳайратга солгани, адабиётимиз ва маданиятимиз ютуқларини дунё минбаридан туриб барча халқларга тарғиб қилгани жаҳоншумул аҳамиятга эга эканини тушунсангиз керак. Тўлепберган Қайирберганов ҳамиша умумбашарий, умумтуркий қадриятлар, маънавиятлар, барча халқларнинг бирлиги, бутунлиги, ҳамкор ва ҳамжиҳатлиги хусусида ўйлайди, бош қотиради, амалий таклифлар билан чиқади. Шу туфайли ҳам у давр билан бирга қадам ташлаётган, мустақиллик гоёларига садоқатли ижодкор сифатида халқимиз, китобхонларимиз эъзозидида.

Тўлепберган Қайирбергановнинг обрўси Марказий Осиё халқлари ўртасида жуда юқори. Қозоқ, ўзбек, туркман, қирғиз, тожик халқлари орасида бу машҳур ёзувчи номини эшитмаган, асарларини муталаа қилмаган китобхон йўқ. Ёзувчининг энг номдор асарлари мазкур халқларнинг тилларига бир неча марта ўгирилиб, катта нусхаларда чоп этилган. Фақат бугина эмас, ёзувчининг асарлари дунёнинг ўттиздан ортиқ тилига таржима қилинганидан ҳам, менимча, ҳабардорсиз. Адибнинг «Қорақалпоқ достони» трилогияси, «Қорақалпоқнома» роман-эссеси, «Бобомга хатлар» бадихаси, «Кўзнинг қорачиги» романи ва яна бошқа бир неча асарлари қорақалпоқ адабиётининг, қолаверса, барча туркий халқлар адабиётининг ҳам катта ютуғи сифатида қадрланади. Чингиз Айтматовдай буюк ёзувчининг *«Қорақалпоқ достони»ни қизиқиб, ҳузур қилиб ўқиб чиққани* ва таассуротларини қоғозга тушириб, мактуб (бу мактуб қорақалпоқ, ўзбек ва рус тилларида «Инсоният тарихи сўқмоқларида» деган ном билан Қорақалпоғистон ва Ўзбекистоннинг бир неча газета ва журналларида босилди) шаклида Тўлепберган Қайирбергановга йўллагани фақат роман муаллифинигина эмас, республикамиз жамоатчилигини ҳам жуда мамнун этди. Қирғиз адибининг «Достон» ҳақидаги қуйидаги фикрларини келтириб ўтсам фойладан холи бўлмас: *«Муаллифга (Т.Қайирбергановга — К.Қ.), яъни сенга қорақалпоқларнинг уч асрлик тарихини бадиий жиҳатдан ишонарли ва кучли акс эттириш насиб этганини кўриб қувониб кетдим. Бу трилогия — улкан бадиий асар бўлиб, у ҳақиқий санъаткор қўли, қўли гул уста томонидан, ўз халқини айрича меҳр-муҳаббат билан яхши кўрадиган ёзувчининг қалб кўри билан яратилган. Тўлепберган, сен адо этган вазифа қорақалпоқлар учун ҳам, жамики туркий халқлар учун ҳам том маънода бебаҳодир. Достон ёзганиңг учун раҳмат!»*

Ч.Айтматовнинг Тўлепберган Қайирбергановга йўллаган «Мактуб»ини кенг доирада шарҳламоқчи эмасман. Лекин бир ҳақиқатни тилга олиб ўтишни истайман. Гап шундаки, «Қорақалпоқ достони» трилогияси бўйича адабиётшунослик ва танқидчиликда айтилган фикрларда, романи баҳолашдаги мулоҳазаларда бирёқламаликлар бор эканлигини таъкид олиш зарур. Айрим талқиқотларда трилогиянинг аҳами-

ятини, кадр-қимматини, ёзувчининг маҳоратини инкор этишга уриниш ҳоллари бор. Асар тақдиридаги унчалик муҳим роль ўйнамайдиган, иккинчи даражали масалалар талқинига таяниб, романда умуминсоний аҳамиятга эга муаммоларнинг қўйилиши ва ҳал қилиниши жараёнлари эътибордан соқит қилинади, унга юзаки баҳо берилади. Роман-дан кўзланган мақсад, ёзувчининг асосий концепцияси нимага ва кимга қаратилганлиги, асардан қандай мантикий хулоса назарда тутилгани адабий-эстетик жиҳатдан етарли даражада асосланмайди. Ҳаммани ўйлантирадиган, тарих учун сабоқ бўладиган мураккаб воқеалар ва мураккаб тақдирлар ҳақидаги муаллифнинг қарашлари ҳаёт ҳақиқатига қанчалик мос ёки мос эмас. Романни баҳолашда мана шу бадий-эстетик талабга тақризларда кўп ҳам амал қилинавермайди. Шу жиҳатдан Чингиз Айтматовнинг «Мактуб»идаги «Қорақалпоқ достони» юзасидан билдирган фикрлари ибратли ва маълум маънода қорақалпоқ адабиётшунослиги учун ҳам янгиликдир.

Тўлепберган Қайипберганов XVIII-XIX аср тарихий ҳақиқатини талқин қилишга, айниқса, халқ йўлбошчилари бўлмиш мураккаб тақдирли кишиларнинг ҳаёт ва кураш йўллариини ёритиш масаласига ўзига хос, янгича ёндашганини, ҳеч бир тарихнавис ёзувчига ўхшамайдиган ижодий йўлдан юрганини Чингиз Айтматов «Қорақалпоқ достони»нинг катта муваффақияти деб ҳисоблайди. Аксарият тарихий романларда учрайдиган, шаблонга айланиб қолган конфликт яратиш усули (зиддиятларни чет эллик келгинди душманлар билан кураш асосига қуриш)дан воз кечиб, у «Достон»да конфликтни бошқача йўналишда яратганини, яъни ички қарама-қаршиликлар, бир-бирини тан олмаслик оқибатида келиб чиққан тўқнашувлар шаклида ифодалаганлиги ёзувчи бадий маҳоратининг белгисидир, дейди машҳур қирғиз адиби. Ва шу нуқтаи назардан асарда қаламга олинган мавзу ва унинг бадий талқинига ҳайрихоҳ эканини билдиради. Бир-бирини тушинишни истаманган, ўзаро тил топиша олмаган Маманбий, Ойдўсбобо, Эрназар олакўз каби халқ раҳнамолари фожиясининг фалсафий талқинини юқори баҳолайди. Дарҳақиқат, «Қорақалпоқ достони» шу фазилати билан ҳам қудратли ва қимматлидир. Ўйлайманки, Чингиз Айтматовдек буюк ёзув-

чининг трилогия ҳақида билдирган фикрлари, берган юксак баҳоси ҳолис, реал ҳақиқат.

* * *

Тўлепберган Қайипберганов асарларини баҳолашда Чингиз Айтматовга ҳамфикр бўлган машҳур қаламкашлар туркий адабиётларнинг ҳаммасида ҳам бор. Масалан, ўзбек илмий-адабий жамоатчилиқ вакиллариининг матбуотда билдирган фикрлари, махсус тадқиқотларида айтган мулоҳазалари, ёзувчи ижодига берган баҳолари диққатга сазовордир. Т.Қайипберганов ижоди Ўзбекистонда жуда машҳур. Унинг деярли ҳамма асарлари ўзбек тилига ўтирилган, машҳур қисса ва романлари эса бир эмас, бир неча марта ўзбек тилида босилиб чиқди. Т.Қайипберганов ўзбек китобхоналарининг севимли ёзувчиларидан бири, ўзбек адиблари билан дўстона алоқада фаол ижодий ҳамкорлик қилиб келаётган байналминал ёзувчидир. Ўзбек адабиётининг катта авлод намояндаларидан тортиб кенжа авлод вакилларигача унинг ижодига ҳурмат билан қарайди, асарларининг Ўзбекистонда янада кенг ёйилишига ҳиссаларини қўшишга ҳаракат қиладилар. Агар Тўлепберган Қайипбергановнинг ўзбек адиблари, танқидчи ва адабиётшунослари, журналистлари билан Ўзбекистоннинг газета ва журналларида қилган суҳбатлари, савол-жавоблари, эълон қилган адабий-публицистик чиқишлари тўпланиб алоҳида нашр қилинса, катта бир жилд бўлади. Ўзбек адабиётининг Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовдек атоқли шоирлари ва ёзувчилари Тўлепберган Қайипберганов ижоди ҳақида, роман ва қиссалари тўғрисида қимматли фикрлар билдиришган, уни нафақат қорақалпоқ ёки ўзбек адабиёти тараққиётига ҳисса қўшиб келаётган ёзувчи, балки, умумтуркий, қолаверса, жаҳон адабиётида ўзига хос ўринга эга катта сўз устаси деб баҳолайдилар. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов туркий адабиёт намояндаларининг фикрларини ифодалаб, қуйидагиларни ёзганида мантиқ бор: *«Қайипберганов шахсияти ва ижоди билан яқиндан таниш бир сафдош қаламкаш сифатида, аввало шу гапни комил ишонч билан айта оламани, Тўлепберган допишманд одам, дилкаш суҳбатдош, мутафаккир ёзувчидир. Бу ёзувчи ҳозирги қорақалпоқ на-*

срининг забардаст намојандасигина эмас, худди Чингиз Айтматов, Абдижамил Нурпеисов, Ўлжас Сулайманов, Абдулла Орипов ва Бердиназар Худойназаровлар каби қадим Туркистон ва ҳозирги туркий халқлар адабиётининг йирик вакилларида биридир».

Одил Ёқубов «Халқона ҳикматлар гулдастаси» номли мақоласини махсус Тўлепберган Қайипберганов ижодига, унинг «Қорақалпоқнома» роман-эссеси таҳлилига бағишлайди ва бу асар «Қорақалпоқ достони» трилогиясидан кейинги ёзувчи ижодий фаолиятининг катта ютуғи эканлигини алоҳида таъкидлайди. Роман-эссе яратилгандаги ёзувчининг маҳорат сирлари ҳақида гапирар экан, О.Ёқубов: «Қорақалпоқнома» нафақат муаллиф ижодининг чўққиси, ҳозирги қорақалпоқ романчилиги эришган юксаклик, айни чоғда умумтуркий адабиётимизнинг ўлмас обидаларидан бири бўлиб қолади», дейди. XX асрнинг 80-йиллари ўрталарида туркий адабиётларда биринчи марта вужудга келган, роман-эссе жанрининг илк намунаси бўлган «Қорақалпоқнома» ўзига хос анъана яратган асар бўлди. Унинг шаклий ифодаси ўзга миллат ижодкорларига намуна бўлаётгани ва умумтуркий адабиётларда «Нома» жанрининг бугунги кундаги ривожига ҳисса бўлиб қўшилгани ҳақиқат.

Неча йилдирки, ўзбек адабиётшунослигида Тўлепберган Қайипберганов ижодига муносабат билдирилиб, матбуотда асарларига тақризлар ёзилди, ҳолис фикрлар айтилди, адабий фаолиятига доир алоҳида китоблар ҳам нашр этилди, диссертациялар ҳимоя қилинди. Мақтовга сазовор томони шундаки, Т.Қайипберганов ижоди бугунги етакчи ўзбек адабиётшунослари ва танқидчилари томонидан муносиб баҳоланмоқда. Матёқуб Қўшжонов, Умарали Норматов, Норбой Худойберганов, Бахтиёр Назаров, Пирмат Шермухамедов каби мунаққидларнинг ёзувчи асарлари юзасидан ҳар хил нашрларда билдирган фикрлари, ёзган мақола ва тақризлари бу фикрга далилдир.

Т.Қайипбергановни ўзбек адабиёти ижодкорлари билан боғлаб турган адабий дўстлик ришталари кўп. Уларнинг ҳар бири тўғрисида алоҳида илмий тадқиқот олиб бориш ёки махсус мақола ёзиш мумкин. Мен айрим қирғиз ва ўзбек адибларининг ёзувчи ижодига, асарларига билдирган муносабатларинигина шарҳладим. Қорақалпоқ ёзувчисига бўлган

худди шундай самимийликни рус, қozoқ, туркман, тожик ва яна ўзга миллат зиёлилари, машҳур сўз усталарининг ишларида ҳам учратиш мумкин.

* * *

Т.Қайипбергановнинг сўнгги йиллар ижодида янги бир йўналиш кўпроқ кўзга ташланмоқда. Ёзувчи кейинги йилларда миллий қадриятларимизнинг тарихий илдиэларига мурожаат этмоқда. Ўтмишда ота-боболаримиз томонидан яратилган, лекин унутилиб кетган маънавий хазиналарга, ҳикматларга қайта ҳаёт бағишлаб, баъзан ўзи ҳам шундай мотивларда ҳикматлар ижод этиб, оригинал асарлар яратаяпти. «Қалбимнинг қомуси» номли репортаж-эссе ёзувчининг ижодий фаолиятида шундай йўналишда олға ташланган яна бир дадил қадам бўлди. «Қалбимнинг қомуси»дай асар яратиш учун фақат ёзувчилик тажрибаси камлик қилади, катта билим ва илм, улкан ҳаётий тажриба, муҳими, ижодий жасорат ҳам керак. Асарни ўқиб чиққан ҳар бир инсон Тўлепберган Қайипбергановнинг жаҳон адабиёти, фалсафаси, тарихи, тасаввуф илмини нақадар чуқур ва атрофлича ўзлаштирганига ва уни ижодий принципларига уйғунлаштириб, адабий тажрибаларига маҳорат билан сингдириб юборганига тан беради. Ёзувчи узоқ йиллар давомида қалбини безовта қилиб, унга тинчлик бермай келаётган «дард»ларини, орзу-армонларини очиқ-ойдин баён этишнинг яхши усулини топган. Сухбат, савол-жавоб, хат шакли ва бошқа бадиий усуллардан кенг фойдаланган. Жамият ва одамлар ҳақидаги фалсафий қарашлари қай даражада тўғрилигини далиллаш мақсадида жаҳон мутафаккирлари фикрларига таяниб иш кўрган. «Қуръон», «Ҳадис»даги ҳикматлар, ривоят ва афсоналар ҳам, ота насиҳатлари ҳам баъзи ҳаётий муаммолар хусусида тўғри хулосалар чиқаришда ёзувчига материал бўлиб хизмат этган. Бугунги муаммоларимиз ҳақида маънавий қадриятларимизга таяниб фикр юритилгани ҳар жиҳатдан таҳсинга лойиқ.

«Қалбимнинг қомуси»нинг ғоявий йўналиши ҳам оригинал ва миллий мустақиллигимиз руҳига мос. Ёзувчи қорақалпоқ халқининг ўтмиши, ҳозир ва келажаги билан боғлиқ фикрларини саккиз дафтарга сиғдириб баён этади. Муаллифнинг баъзи долзарб муаммоларни кўтариб чиқиш-

даги дадиллиги ва жасорати сизнинг ҳам кўнглингизни кўта-
ради. Тоталитар тузумнинг инқирозга учраб, СССРнинг
тарқаб кетиши, «Бобомга хатлар» (1995) бадиҳасида Орол-
нинг ҳалокати туфайли содир бўлган экологик муаммолар-
ни кўтариб чиққани ва бунга махсус китоб бағишлагани
ёзувчининг чинакам фидоийлигидир. Турғунлик йиллари-
да ҳаётимизда рўй берган камчиликлар, маънавий-иқтисо-
дий турмушимиздаги ўпирилишларнинг фожиавий оқибат-
лари ва уларнинг сабабкорлари тўғрисида аниқ далилларга
таяниб сўзлаган ёзувчининг ижодий жасоратига фақат қой-
ил қолиш мумкин. Т.Қайипберганов «Қалбимнинг қому-
си» билан қорақалпоқ халқининг чинакам жонкуяри, ўз
юртининг ҳақиқий ватанпарвари эканини кўрсата олди.
Тилда эмас, амалда юртим деб, халқим деб яшайдиган, ижод
қиладиган инсон қандай бўлиши кераклигини, менимча,
ёзувчи шу асари билан исботлади.

«Қалбимнинг қомуси»нинг биринчи дафтарининг бош-
ларида: «Тўлепберган оға, Сизни ўзимизникилар орасида
бегона, бегоналар орасида ўзимизники деймиз. Сиз ким-
сиз? деган саволга кўп ҳаётӣ мисоллар, инкор қилиб бўлмай-
диган фактлар билан шундай жавоб берганки, чиндан ҳам,
асарнинг шу масалага бағишланган саҳифаларини ўқиган
киши ёзувчининг ўз халқининг «ўти билан кириб, кули
билан чиқадиган», бегоналар олдида халқига, миллатига гард
юқишини истамайдиган, ўта жасоратли миллатпарвар ин-
сонлигига ишонч ҳосил қилади. У ўзга юртларда бегоналар
билан мулоқотда бўлганида ҳам, расмий минбарларда нутқ
сўзлаганида ҳам ҳеч қачон эл-юрти, миллати, халқи шаъ-
нига ноўрин гап айтган эмас. Аксинча, унинг манфаатини
бир эл фарзандидек ҳамиша ҳимоя қилиб келган. Биргина
мисол келтираман. Т.Қайипберганов собиқ СССР Олий
Совети депутати сифатида Москвада Орол ҳалокати билан
боғлиқ масалаларни дадил кун тартибига қўйгани ва жамо-
атчиликнинг диққатини мазкур муаммога қаратгани барча-
га аён. Унинг халқи тақдири билан боғлиқ масалаларни
иттифоқ минбаридан туриб куюнчақлик билан гапираётган-
нидан қониқиш ҳосил қилган ва ёзувчини қўллаб-қувват-
лаш мақсадида сўз олган буюк олим Андрей Сахаровнинг
Орол ҳалокати ва унинг салбий асоратлари хусусидаги нут-
қини халқимиз яхши эслайди. Бундай нуфузли минбарлар-

дан халқнинг бахт-саодати, келажаги учун куйиниб гапи-
риш, Андрей Сахаровдек дунёга машҳур инсоннинг эъти-
борини ва ҳурматини қозонадиган даражада фикр айтиб
муаммо кўтариш ва уни илмий асослаб бериш осон эмас.

Тўлепберган Қайипберганов ўз камчиликларимизни ўзи-
мизга очиқ айтишдан, ҳатто минбарлардан туриб ҳам бу
хусусда ёниб гапиришдан чарчамайди. Биз ўзимизни ўзи-
миз мақтамайлик, бизни бошқалар мақтасин. Бизнинг кам-
чиликларимизни бошқалар эмас, ўзларимиз айтайлик ва
тузатайлик. Мана, унинг холис нияти, ҳаётӣ шиори! Бу-
лар тўғрисида «Қалбимнинг қомуси»да жуда яхши ёзилган
ва ҳикматлар ҳам келтирилган. Ўйлайманки, бу насиҳатлар
билан танишган ҳар бир инсон тегишли хулоса чиқариб
олади. Шу маънода бу асар кўпчилик учун катта тарбиявий
аҳамиятга эга қомусий қўлланмадир.

* * *

Тўлепберган Қайипберганов сермахсул ижодкор. У ада-
биётнинг кўп жанрларида бадиий пухта асарлар яратди, ҳико-
ялар, қиссалар ва романлар, саҳна асарлари ҳам ёзди, очерк-
лар ва публицистик мақолалар эълон қилди. Ёзувчининг
матбуотда босилган адабий-танқидий чиқишлари ҳам оз эмас.
Агар адибнинг ҳозирги кунга қадар ёзган ва нашр қилдир-
ган барча асарларининг рўйхати тузилганда ҳам шу рўйхат-
нинг ўзиёқ кичикроқ бир рисола бўлади. Т.Қайипберга-
новнинг ҳозиргача саксон уч китоби чоп этилибди. Агар
бунга унинг газета-журналларда босилган адабий-бадиий
асарлари ҳам қўшиб ҳисобланса, сони қанчага боришини
кўз олдингизга келтирсангиз керак. Ҳаётлик чоғида бўйи-
дан ҳам баланд китоби босилган ижодкор адабиётда кам
учрайди. Бу ҳам адиб учун катта бахт. Булар ҳали ёзувчи-
нинг матбуот юзини кўрган асарлари. Ёзиб тугалланган,
лекин эълон қилинмаган қанча романлари ва қиссалари,
пъесалари, адабиётнинг бошқа жанрларидаги асарлари адиб-
нинг «шахсий мулки» бўлиб ётгандир. Шу ўринда бир факт-
ни фикримнинг исботи учун келтириб ўтмоқчиман. Яқин-
да Қорақалпоғистон Ёзувчилари уюшмасидаги учрашувлар-
дан бирида Тўлепберган Қайипберганов ишхонасидаги темир
сандиғида сақлаб келаётган, ҳар бири ўн босма табоқдан
ортиқ, ҳозирги ҳолатида ҳам бемалол нашрга тавсия қилса

бўлаверадиган йигирма жилдан иборат, муқоваланган кундаликларининг қўлёзмасини стол устига тахлаб қўйди. Унинг айрим саҳифаларини ўқиб берганида кўпчилик ҳайратга тушди. Ёзувчининг жуда баракали ижодий меҳнат қилишига қойил қолишди.

Гапнинг очиги, ўзининг 70 йиллик юбилейини бундай катта ижодий муваффақиятлар билан кутиб олиш ва нишонлаш ҳамма ижодкорга ҳам насиб этавермаса керак. Бу адабий муҳитда жуда кам учрайдиган ҳодиса. Яна бир ибратли жиҳат. Бир ёки икки адабиётнинг эмас, бир неча адабиётнинг, хусусан, туркий халқлар, туркий адабиётларнинг севимли ва ардоқли ёзувчиси бўлиш ҳар бир ижодкор учун ўзига хос бахт. Тўлепберган Қайипберганов бу бахтга ҳам эришган улкан сўз санъаткоридир.

1999

ЕТУК АДАБИЁТШУНОС, МОҲИР ТАНҚИДЧИ

Академик Бахтиёр Назаровни мен талабалик йилларидан бери танийман. Ўтган асрнинг олтинчи йилларининг ўрталарида Тошкент давлат (ҳозирги Ўзбекистон Миллий) университетининг филология факультетини биз деярли бир даврда ўқиб, олдинма-кейин тамомлаганмиз. Ўша даврларда Бахтиёр факультет кўламида ўтказиладиган илмий-адабий ва бошқа тадбирларда фаоллик кўрсатиб юрадиган талабалардан бири эди. Шу туфайли у қисқа муддатда профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг эътиборига тушди. Аълочи ва жамоатчи талаба сифатида номи тез-тез тилга олиниб турарди.

Университетни тамомлагач, мен қишлоғимга ишга қайтдим. Бахтиёр эса университетда ўқишини давом эттириб қолди. Орадан тўрт-беш йил ўтгач, Бахтиёр Назаров билан Тошкентда ЎЗР ФА Пушкин (ҳозирги Алишер Навоий) номидаги Тил ва адабиёт илмий-тадқиқот институтида яна учрашдик. У мазкур институтнинг аспирантурасида таҳсил олаётган экан. Мен эса аспирантурада ўқиш учун энди келгандим. Биз бир-бирларимизни кўпдан бери танийдиган дўстлардек муносабатга киришиб кетдик. Бахтиёр талабалик йилларида қандай фаол ташкилотчи, самимий

бўлган бўлса, ҳозир ҳам худди шундай эди. У аспирантлар кенгашининг раиси эди. Унинг ташаббуси билан кўп илмий-адабий тадбирлар ўтказиларди. Институтнинг йирик олимлари билан аспирантларнинг учрашувлари мунтазам ташкил этиларди. И.Султон, М.Қўшжонов, Ш.Шоабдурахмонов, А.Ҳайитметов, Ҳ.Зарипов, Ф.Абдуллаев, Ҳ.Ёқубов, Ю.Султоновдек таниқли адабиётшунос ва тилшунослар билан бўлган давра суҳбатлари, илмий-тадқиқот олиб бориш сирлари ҳақидаги устозларнинг маслаҳатлари илмга энди кириб келаётган биз ёшларда катта таассурот қолдирганини ҳозир ҳам мамнуният билан эслайман.

Бахтиёр фақат ташкилотчиликда эмас, илмда ҳам фаол эди. «Ойбекнинг бадиий-эстетик қарашлари» деган мавзуда номзодлик диссертацияси тайёрлаётганди. Институтда ўтказиладиган анжуманларда диссертацияси мавзуси юзасидан қилган маърузаларини бир неча марта тинглаб, ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигига келажагига катта умид уйғотадиган истеъдодли ёш олим кириб келаётганига ўша йиллардаёқ ишонч ҳосил қилгандим. Бахтиёр Назаров муддатида номзодлик ишини муваффақиятли ҳимоя қилди. Кўп ўтмай ёш олимнинг «Ўзбек танқидчилиги», «Бу сеҳрли дунё» номли монографиялари босилиб чиқди ва бу асарлар ўша йилларда таъсис этилган Ўзбекистон Ёшлар мукофоти билан тақдирланди.

Илм ҳақида илм яратиш осон эмас. Б.Назаровнинг тилга олинган икки китоби ҳам ушбу мураккаб масалани ўрганишга, ўзбек адабий танқидчилигининг ривожланиш йўллари, шаклланиш босқичларини таҳлил қилишга бағишланган. Иккинчи китобда Ойбекнинг адабий-танқидий асарлари кенг кўламда тадқиқ қилиниб, адибнинг бадиий-эстетик қарашларининг ўзбек адабий танқидчилиги тараққиётидаги роли ва аҳамияти илмий жиҳатдан асослаб берилди. Ойбекдек илмий салоҳияти бақувват, тафаккур уфқи кенг ёзувчининг адабий-танқидий қарашларига баҳо бериб, ютуқ ва камчиликларини холис кўрсатиш осон эмас, албатта. Ёш олимнинг назарий тайёргарлиги, илмий асарларни таҳлил ва тадқиқ этиш методологиясини пухта ўзлаштириб олганлиги бу муаммони ижобий ҳал қилишига ёрдам берди. Б.Назаров ўзбек адабий танқидчилиги тарихини ўрганишга киришганда мазкур йўналиш адабиётшуносликнинг

янги бир соҳаси ҳисобланарди, илмий тажриба жуда кам эди. Ёш олимнинг ўрганилмаган илмий масалага қўл уриши ва уни юқори савияда тадқиқ қилиб, ижобий натижаларга эришгани ўзбек адабиётшунослиги учун ҳам катта ютуқ бўлди. Илмдаги бу дастлабки муваффақиятлар Б. Назаровни янги илм чўққиларига илҳомлантирди, мавзунини кенгроқ доирада тадқиқ этиш учун у докторлик диссертацияси устида қизғин иш бошлади. Тадқиқотининг натижаларини газета-журналларда эълон қилиб борди. 1979 йилда унинг «Ўзбек адабий танқидчилиги. Ғоявийлик. Метод. Қаҳрамон.» деган катта монографияси босилиб чиқди ва олим шу асосда филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилди. Бахтиёрнинг ишига фақат ўзбек олимлари эмас, Марказий Осиёнинг машҳур адабиётшунослари, танқидчилари ҳам юқори баҳо бердилар.

Шундай қилиб, Бахтиёр Назаровнинг ўзбек адабий танқидчилиги тарихини ўрганиш йўлидаги дастлабки қадамлари дадил ва муваффақиятли бўлди. Олим ушбу соҳанинг Ўзбекистондаги танилган ва тан олинган етакчи адабиётшуноси сифатида илмий-адабий жамоатчилик назарига тушди. Ўзбек адабий танқиди тарихига тегишли олим эълон қилган мақолалар, нашр қилдирган китоблар XX аср ўзбек адабий танқидчилиги тарихини яратишда, олий ўқув юртилари учун дарслик ва қўлланмалар ёзишда муҳим илмий манбалар вазифасини ўтади. Кимки ўзбек адабий танқидчилиги тарихи ёки танқид назариясига бағишлаб бирор илмий иш ёзмоқчи бўлса, бу йўналишнинг бошида турган ва шу соҳада салмоқли тадқиқотлар яратган Бахтиёр Назаровнинг ишларига илмий-методик манба сифатида таянади.

* * *

Бахтиёр Назаров фикр доираси кенг, илмий тафаккури чуқур ва бақувват олимлардан бири. У фақат адабий танқид тарихи ҳақида эмас, умуман, ўзбек адабиёти ва адабиётшунослиги бўйича ҳам профессионал фикр юрита оладиган, илмий-назарий савияси мукаммал тадқиқотлар яратишга қодир етук адабиётшунос, моҳир танқидчи. Унинг XX аср ўзбек адабиёти ҳақида газета-журналларда эълон қилган мақолалари, чоп этилган китоблари ўзбек адабиётшунослиги-

га ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилганини мутахассислар яхши билади. Олим ҳозирга қадар ўндан ортиқ монографиялар, уч юзга яқин мақолалар муаллифи. Унинг «Ҳаётийлик — безавол мезон», «Ҳамза абадияти», «Ғафур Ғулом олами» каби монографиялари адабий жараённинг долзарб масалаларига бағишлангани билан аҳамиятли. Агар биринчи рисолада ёш шоирларнинг ижодий изланишлари, ютуқ ва камчиликлари ҳақида сўз юритилса, Ҳамза ва Ғафур Ғулом лирикаси таҳлилига бағишланган китобларда ҳар икки шоир ижодининг етакчи хусусиятлари, шўролар замонида яратган асарларининг мустақиллик даври учун аҳамиятли жиҳатлари янги қарашлар асосида ўрганилади.

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларининг иккинчи ярмида Чўлпон ва Фитрат ижодини ўрганиш, асарларини қайта нашр қилиш масалалари кўтарилди. Бу йилларда Бахтиёр Назаров Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт илмий-тадқиқот институтининг директори лавозимида ишларди. Шўролар мафкураси ҳукмронлик қилиб турган бир даврда, асарлари қарийб эллик йил «туткунда» бўлган бу миллатпарвар адибларнинг нодир ижод намуналарини адабиётга қайтариш мураккаб иш эди. Тоталитар тузум сиёсати миллий қадриятларни топтаб, чинакам истеъдод билан ёзилган миллий руҳдаги асарларни таъқиб этиб, уларнинг халқ оmmasига ёйилиб кетишига қаршилик кўрсатиб турган бир шароитда уларни ҳимоя қилиб чиқиш, асарларни қайта босиб чиқариш масаласини кун тартибига қўйиб, бор ҳақиқатни дангал айтиш учун илмий салоҳиятдан ташқари, катта фуқаролик жасорат ҳам керак эди. Фитрат ва Чўлпон ҳақидаги бор ҳақиқатни юзага чиқариш, асарларига ҳолис баҳо бериш, асосан, Институтнинг етакчи олимлари зиммасидаги оғир масъулият эди. Бу масалага ҳолис ёндашиш, мутахассисларнинг бошини қовуштириб (бу даврларда Чўлпон ва Фитрат асарларининг халққа қайтарилишига қаршилик кўрсатувчилар ҳали Институтда ҳам анча-мунча бор эди) муаммонинг қатағон қурбонлари фойдасига ҳал қилинишига эришиш, тўғриси, мушкул эди. Бундай мураккаб ва нозик масалаларни ҳал қилишда Бахтиёр Назаровнинг ташкилотчилиги, илмий тажрибаси, сиёсий хушёрлиги ёрдам берди. Собиқ Марказком Чўлпон ва Фитрат меросини ўрганиш бўйича махсус комиссия ташкил этди. Бахтиёр Наза-

ров ушбу комиссиянинг раиси қилиб тайинланди. Комиссия таркибига Чўлпон ва Фитрат тарафдорлари ҳам, уларга қаршилар ҳам киритилган эди. Ҳар икки томоннинг талаб ва даъволарини атрофлича ўрганиб чиқиб, комиссия бир хулосага келиши ва қарор қабул қилиши назарда тутилганди. Шундай бўлди ҳам. 1987 йилда Марказком Фитрат ва Чўлпон меросини ўрганиш бўйича комиссия тавсиясига биноан махсус қарор қабул қилди. Қарорда Фитрат ва Чўлпон мероси тўла-тўқис оқланиб, муаммо рисоладагидай ҳал қилинмаган бўлса-да, ҳарҳолда, бу икки адиб ижодини ўрганиш, асарларини нашр қилиш мумкинлиги тўғрисида қарорда фикрлар мавжуд эди. Мана шунинг ўзи катта ютуқ эди.

Ўша даврларда бундай қарорлар халққа кўп ҳам ошкор қилинавермас, умуман, тарғиб-ташвиқ этилмасди, имкони борида халқдан яшириб сақланарди. Бахтиёр Назаровнинг бу масаладаги яна бир дидиллиги шунда бўлдики, у ушбу қарор матнини ўзи бош муҳаррирлик қилаётган «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида эълон қилиб юборди. Шўро сиёсати ва ҳукмрон мафкуриси ўз манфаатига зид бундай «ўзбошимча» ҳаракатларни қаттиқ жазолаши, ҳатто масъул раҳбарга сиёсий айб қўйиб, уни лавозимидан четлаштириши, обрўсизлантириши ҳеч гап эмасди. Бахтиёр Назаров бундай хавфдан чўчимади. Илмий-адабий жамоатчилик ҳам уни бу масалада қўллаб-қувватлади. Қарорнинг эълон қилиниши эса Чўлпон ва Фитрат муҳлисларини ниҳоятда мамнун этди. Энг муҳими, Чўлпон ва Фитрат меросини ўрганишга, асарларини нашр этишга имкон пайдо бўлди, йўл очилди. Кўп ўтмай, адибларнинг асарлари китоб шаклида кетма-кет чоп этила бошланди. Республикадаги энг нуфузли газета-журналларнинг барчаси Фитрат ва Чўлпон ижодидан намуналарни мунтазам бериб борди, ижодига бағишланган илмий мақолалар пайдо бўла бошлади. Номзодлик ва докторлик диссертациялари тайёрлашга киришилди. Бир сўз билан айтганда, Фитрат ва Чўлпон ҳақиқий маънода адабиётга қайтди. Истиқлол ғояларини улуғлаган ва шу ғоя учун курашган, қурбон бўлган бу сўз усталари XX аср ўзбек адабиётининг байроқдорлари сафидан ўрин олди. Бу хайрли ишларда Бахтиёр Назаровнинг ҳам хизматлари алоҳида эканлигини бугун таъкидлаб айтишни зарур деб ҳисоблайман.

Академик Бахтиёр Назаровнинг ўзи ҳам Чўлпон ва Фитрат ҳақида кўплаб мақолалар эълон қилди, адиблар ижодининг тарғиб ва ташвиқ қилинишига ўз ҳиссасини қўшди, шу йўналишда фундаментал илмий тадқиқотларнинг яратилишига бош-қош бўлди.

Бахтиёр Назаровнинг XX аср ўзбек адабиёти намояндалари ижоди таҳлилига бағишланган асарларининг доираси фақат Чўлпон ва Фитрат ижодлари билан чекланмайди. Олим Бехбудий, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Шукрулло, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Қутлибека Раҳимбоева каби шоир ва ёзувчилар ҳақида ҳам илмий мақолалар, рисоалар ёзиб, ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигини бойитди. Мустақиллик даври шеърини ва наsrининг долзарб муаммоларига доир мазмунли чиқишлари билан адабий жамоатчиликда яхши таассурот қолдирмоқда. Умуман, ҳозирги адабий жараённинг бирор долзарб муаммоси йўқки, унга Бахтиёр Назаров муносабат билдирмаган, оригинал ёндашувлари, ҳолис фикрлари билан иштирок этмаган бўлсин. Шу маънода, у бугунги адабий жараёни ҳолис баҳолаб келаётган зукко мунаққидлардан биридир.

Бахтиёр Назаровнинг илмий-тадқиқотчилик фаолиятининг яна бир қирраси бор. Бу ўрта махсус ва олий ўқув юртлари учун ўзбек адабиёти бўйича дарслик ва қўлланмалар яратиш билан боғлиқ фаолият. У умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синфлари учун «Ўзбек адабиёти» бўйича тайёрланган дарсликларнинг муаллифларидан бири, университетлар ва педагогика институтлари бакалавр ихтисослигини олувчи талабалар учун «XX аср ўзбек адабиёти тарихи» дарслигининг муайян бўлимлари Б. Назаров томонидан ёзилган. У ўзбек адабиёти бўйича дастурлар тайёрлашга, мажмуалар яратишга ҳам фаол қатнашиб келаётган педагог-олим ҳамдир. Бахтиёр Назаровни бугун фақат ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилиги тараққиётигагина эмас, балки олий ва халқ таълими соҳасига ҳам салмоқли ҳисса қўшиб келаётган устоз педагог дейишга тўла ҳақлимиз.

Бахтиёр Назаровнинг илмий фаолиятининг бир қирраси Қорақалпоғистон ва қорақалпоқ адабиёти билан боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Олим кўп йиллардан

бери ўлкамиз ҳаёти, адабиёти ва маданияти билан яқин алоқани сақлаб келмоқда. У Ажиниёз, Бердақ каби қорақалпоқ мумтоз шоирларининг юбилей тантаналарининг деярли барчасида маърузалари билан қатнашди. Уларнинг меросини Ўзбекистонда кенг тарғиб қилди. Ажиниёз ва Бердақ ижоди бўйича Ўзбекистоннинг радио-телевидениесидаги чиқишлари, газета-журналларда бостирган мақолалари олимнинг қорақалпоқ адабиётининг жонқуярларидан бири эканлигидан дарак беради. Чунончи, унинг Ажиниёз ҳақидаги «Халқим билар дардим ила ўзимни», «Яхши сўз яқинлатар эл орасин», «Ажиниёзнинг адабий мероси» каби долзарб мақолалари Ўзбекистоннинг нуфузли газета-журналларида босилди.

Олимнинг Бердақ ижодига бағишланган «Халқпарвар шоир», «Иқбол келармикан бизнинг элларга», «Замон лочини», «Замонларга ҳамнафас сўз», «Қорақалпоқ халқининг улут шоири» каби мақолалари шоир меросининг ўзбек китобхонлари ўртасида янада оммалашишида муҳим роль ўйнади. Бугина эмас. Бахтиёр Назаров Бердақ «Танланган асарлари»нинг ўзбек тилида нашр қилинишига ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Китобга «Сўзбоши» ёзиб қорақалпоқ шоири ижодининг маъно-моҳияти, аҳамияти билан ўзбек китобхонларини кенгроқ таништирди. Бу билан олим қорақалпоқ мумтоз шоирлари ижодининг Ўзбекистондаги тадқиқотчиларидан бири сифатида танилди ва ҳурматга сазовор бўлди.

Бахтиёр Назаров Қорақалпоғистон илм-фани тараққиётига, жумладан, адабиётшунос кадрлар тайёрлашга ҳам ҳисса қўшиб келаётган устоз-олимлардан бири. Унинг бевосита илмий раҳбарлигида К.Ташанов ва И.Қурбонбоевлар номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар. З.Собирова, О.Дуйсенбоев каби аспирантлари тадқиқотларини ҳимоя қилиш арафасида турибди. У қорақалпоқ адабиёти бўйича тайёрланган бир неча докторлик ва номзодлик диссертацияларига илмий маслаҳатчи ёки расмий оппонент сифатида қатнашиб келмоқда.

Бахтиёр Назаровнинг яна бир фазилати, у жаҳонгашта олим. Бахтиёр дунёнинг кўп мамлакатларида сафарда бўлган. АҚШ, Германия, Сауд Арабистони, Норвегия, Туркия давлатларида бўлиб, халқаро симпозиумларга қатнашган, маъ-

рузалар қилган. 1990 йилда АҚШда бир неча ой бўлиб, Индиана университететида ўзбек адабиётидан маърузалар ўқиган ва мазкур университетнинг фахрий профессори унвонига сазовор бўлган. У АҚШдаги Халқаро олтойшунослик доимий конференциясининг «Олтин медал» берувчи ҳайъати аъзоси, Туркиядаги туркий филология бўйича тузилган халқаро ташкилотнинг аъзоси бўлиб сайланган. Бундай йирик давлатларда бўлиш, обрўли халқаро ташкилотларга аъзо қилиб сайланиш, катта минбарлардан туриб маърузалар ўқиш, жаҳоннинг машҳур олимлари билан мулоқотлар қилиш бахти ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бахтиёр Назаровнинг илми ва билими, дунёқарашининг кенглиги, муҳими, кўпгина ижтимоий-сиёсий масалаларда дунё даражасида фикрлай олиш қobiliяти уни мана шундай нуфузли минбарларга олиб чиққан. Бахтиёр Назаров қайси мамлакатда бўлмасин, қандай халқаро ташкилотда иштирок этмасин ёки қандай хорижий аудитория минбарида маъруза ўқимасин, Ўзбекистон, ўзбек адабиёти ва маданиятининг ютуқларини тарғиб қилди.

Юқорида академик Бахтиёр Назаровнинг адабиётшунослик ва танқидчилик фаолияти хусусидагина сўз юритдик, асосан, уни олим сифатида таърифладик. Айни пайтда, унинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳам олимлик даражасидан қолишмайди. Бахтиёр Назаров Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг кичик илмий ходимлигидан директори лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди. Кейинчалик у ЎзР ФАнинг Вице-президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари лавозимларида ишлади. Бир неча йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси бўлди. Шу кунларда у Тил ва адабиёт институтининг «Адабий алоқалар ва таржима назарияси» бўлимини бошқармоқда.

Аспирантликдан академиклик даражага эришиш, масъулиятли лавозимларда фаолият олиб бориш билан бирга профессионал ихтисослигини ҳеч унутмасдан изчил давом эттириб, етук адабиётшунос, моҳир танқидчи бўлиб танилиш ва ҳурмат қозониш, очиги, камдан кам олимга насиб этадиган бахт. Бахтиёр Назаров мана шу бахтга эришган инсон. Унинг ҳаёт йўли, илмий-ижтимоий фаолияти кўпларга, айниқса, ёш олимларга ибрат деб ҳисоблайман.

2005

КЎП ҚИРРАЛИ ИЛМИЙ ФАОЛИЯТ СОҲИБИ

Яқинда Қорақалпоғистонга янги бир хушхабар таралди. Бир гуруҳ олимлар Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари бўлиб сайландилар. Академикларимизнинг сафи кенгайиб, илм-фанимизнинг нуфузи янада кўтариладиган бўлди. Шундай юксак олимлик мартабага муяссар бўлганлар орасида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон республикаларида хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор Жуманазар Бозорбоев ҳам бор.

Академик Жуманазар Бозорбоевни республикамиз жамоатчилиги яхши танийди. У машҳур олим, ташкилотчи раҳбар, давримизнинг илғор зиёлиларидан бири. У ҳақда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон матбуотида кўп ёзилган, ҳатто олимнинг ҳаёт йўли ва илмий фаолиятига бағишланган рисола ҳам нашр қилинди. «Қорақалпоқфильм» ижодкорлари томонидан суратга олинган «Фидоий инсон» номли ҳужжатли фильм эса Ж. Бозорбоевнинг умр дафтари ҳақида яхши тасаввур берадиган кино асарларидан бири бўлди. Бундай инсонларнинг ҳаёти, илмий ва ижтимоий фаолияти, устозлик мартабаси ҳамиша ёшларга намуна, ўзига хос тарбия мактаби вазифасини ўтайди. Шунинг учун улар тўғрисида ҳар қанча ёзилса кўплик қилмайди.

* * *

Биз қайси бир таниқли олимнинг фаолиятига назар ташламайлик, икки муҳим хусусиятнинг алоҳида ажралиб турганлигини кўрамиз. Бир гуруҳ олимлар бўладики, бутун ҳаёти давомида илмнинг бир йўналиши билан астойдил шуғулланиб, шу соҳанинг атоқли вакили бўлиб танилади, шуҳрат топади, лекин жамоатчи, раҳбар сифатида кўп ҳам назарга тушавермайди. Яна бир гуруҳ олимлар борки, улар илмий фаолиятини раҳбарлик, жамоатчилик ишлари билан қўшиб олиб боради ва ҳар иккисида ҳам муваффақиятга эришади, танилади, ҳурмат қозонади. Менимча, Жуманазар Бозорбоев иккинчи гуруҳ олимлар сирасига киради. У илмий ишда ҳам, раҳбарлик фаолиятида ҳам, ижтимоий-сиёсий ҳаётда ҳам бирдек мавқега эга фидоий зиёли. Бундай фазилят: билимдонлик, дунёқарашнинг кенглиги, ҳар бир соҳа бўйича профессионал даражада фикр юрита олиш қоби-

лияти ҳаммада ҳам бўлавермайди. Ж.Бозорбоев машҳур турк сиёсатчиси ва давлат арбоби Мустафо Ота Туркнинг «Ҳаётда энг ҳақиқий муршид — бу илмдир» деган ҳикматига таяниб, дастлаб ўзини илмга бағишлади ва олим сифатида эл назарига тушди. У қайси лавозимни эгалламасин, қандай жамоат ишлари билан банд бўлмасин, илмдан узоқлашмади.

Жуманазар Бозорбоев файласуф олим, шу соҳанинг етакчи мутахассиси. Қорақалпоғистонда ижтимоий-сиёсий фанлар, жумладан, фалсафа фани тараққиётида эришилган ютуқларнинг маълум бир қисми унинг номи ва тадқиқотлари билан боғлиқ. Фаннинг бу йўналишлари бўйича олим сўнгги беш-олти йилда бир неча монографиялар, юзлаб мақолалар бостирди ва бу асарлар республикамизнинг маънавий-маърифий ҳаётида амалий аҳамиятга эга бўлмоқда. «Одобнома» (доц.Қ.Давлетова билан ҳаммуаллифликда) китобининг Қорақалпоғистоннинг маънавий-маърифий ҳаётида ўзига хос янгилик бўлгани, жамоатчилик томонидан яхши кутиб олингани ва қисқа муддатда икки марта қорақалпоқ тилида қайта нашр қилингани, ўзбек ва қозоқ тилларига ўгирилиб чоп этилгани (қозоқ тилидагиси Алматининг «Раўан» нашриётида босилган) ҳамда Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофоти билан тақдирлангани фактини тилга олишнинг ўзи кифоя.

Профессор Ж.Бозорбоев кенг қамровли, теран мушоҳадали, фикр доираси, дунёқараши чуқур, илмий салоҳияти ҳам бақувват олим. Ижтимоий-сиёсий масалаларга муносабатда ҳам, маънавий-маърифий муаммолар ечимида ҳам олимнинг эътиқоди мустаҳкамлигига, бирор масала бўйича илгари сураётган илмий концепцияларининг асосли эканлигига кўпчилик тан беради. У баъзи олимларга ўхшаб фаннинг бир соҳаси билан эмас, бир неча йўналишлари билан баравар шуғуллана олиш ва фойдали фикрларни ўртага ташлаш салоҳиятига эга. Фалсафа, тарих, иқтисод назарияси, адабиёт, тил, этика, эстетика, педагогика, экология, ҳуқуқ дейсизми ёки бошқа фан соҳаларини оласизми ёхуд сиёсий-маънавий ҳаёт масалаларими, ҳуллас, илм-фаннинг қайси тармоғини олиб кўрманг, уларда пайдо бўлган янгиликлар, вужудга келган долзарб муаммолар ҳеч қачон Жуманазар Бозорбоев назаридан четда қолган эмас. Ва олим бу масалаларга ўз вақтида муносабат билдиради, уларнинг ечими

хусусида амалий таклифлар билан матбуотда, радио-телевидениеда мунтазам чиқиб туради. Бир мисол. Миллий мафкурани шакллантириш масалалари атрофида ҳар хил қарашлар, мулоҳазалар давом этиб турган бир пайтларда, миллий мафкура концепциясини яратиш масаласи ҳали зиёлилар олдида расман алоҳида вазифа қилиб қўйилмаган бир даврда, яъни 90-йилларнинг ўрталаридаёқ проф. Ж.Бозорбоев матбуотда *«Миллий мафкура қандай бўлиши керак?»* деган фоят долзарб мақола билан чиққан эди. Ва жамоатчиликнинг диққатини шу муаммо ечимига қаратиб шундай деб ёзганди: *«Бизга мафкура керак, уни яратиш жараёнини кечиктириб бўлмайди. Бу мафкура фаровонликни, меҳрибонликни тарғиб этадиган, адолатни ва инсоний ҳуқуқларни ҳимоя қиладиган бўлиши зарур. У ватанпарварликни, фидоийликни, одоб ва ахлоқни, инсон манфаатини ўз ичига қамраб олиши, ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилиб бориши, одамлар ўртасидаги меҳр-шафқатни шакллантирадиган ва уни тарғиб қиладиган ўта халқчил бўлиши лозим»*.

Ж.Бозорбоев ҳаётнинг жамият олдида қўйган сиёсий муаммолари ечими ҳақида тўғри мушоҳада юрита оладиган, унинг истиқболи хусусида фойдали таклифлар билан чиқиб ўз қарашларини ҳимоя қилишга қодир олим. Унинг «Мафкура жамиятни бириктирувчи байроқ», «Миллий мафкура назарий ва амалий таянч» каби тадқиқотлари миллий мафкурага бағишланган биринчи мақоласининг мантиқий давоми бўлиб, уларда ҳам амалий аҳамиятга эга бўлган таклифлар илгари сурилади. Ҳозир зиёлиларимиз олдида миллий мафкура концепциясини яратишдек масъулиятли вазифа турибди. Бу тadbирни амалга ошириш осон кечмаслиги аниқ. Бунинг учун катта илмий тажрибага эга олимлар, сиёсий етук, мустақил фикрлайдиган, халқимизнинг миллий-маънавий манфаатини чуқур ҳис қила оладиган ва унинг амалий аҳамиятини тушуниб етадиган илғор зиёлилар отряди керак. Ҳали ҳам миллий мафкуранинг маъно-мазмунини теран англаб етмаган, уни гоҳ иқтисодиётга, гоҳ сиёсатга ёки бошқа ижтимоий масалаларга боғлаб, жуда саёз фикрлайдиган зиёлилар бор эканлиги сир эмас. Шулар ҳақида ўйлаганда бошқаларга улги бўладиган Ж.Бозорбоевга ўхшаган сиёсий етук миллий мафкура тарғиботчиларининг тадқиқотлари кўз олдимизга келади, ҳамма сиёсатшу-

нос олимлар ҳам бу масалада проф. Ж.Бозорбоевга ўхшаб фикрласа, муаммонинг моҳияти ва аҳамиятини худди шундай тасавур қилса экан, дегингиз келади.

Ҳар бир зиёли миллий мафкура концепциясини яратишга «мен ҳам масъулман» деган принципдан ҳаракат қилса ва амалий таклифлар билан масалага ҳиссасини қўшсагина миллий мафкуранинг шаклланиш жараёни тезлашади ва самаралари ҳам кўзга кўриниб қолади. Профессор Ж.Бозорбоевнинг миллий мафкурага бағишланган мақолалари ва бошқа тадқиқотлари ҳам миллий мафкура концепциясини яратишда фойдали қўлланма, манба бўлиб хизмат қилиши табиий.

* * *

Академик Ж.Бозорбоевни бугунги ҳаётнинг кўп муаммолари қизиқтиради, баъзан эса ташвишлантиради, бу масалалар ечими устида бош қотиради. Ҳар гал шу мақсадни кўзлаб у қўлига қалам олади, долзарб муаммоларни кўтаради, халқимизнинг дилидаги орзу-армонларининг рўёбга чиқишига оз бўлса-да, ҳисса қўшишга интилади. Олимнинг «Умр — бу дунёқараш юксаклиги» деган монографиясидаги мақолаларни варақлаб, мазмунини чуқурроқ таҳлил этсангиз, бу фикрнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилишингиз мумкин. Ҳар бир мақолада замон садоси, давр руҳи, мустақиллик йилларида қайта тикланиб, шакллана бошлаган қадриятларимиз ўзига хос талқин этилган. Бугунги ҳаётнинг, маънавий турмушнинг турфа ранглари жилоланган мақолалар олимнинг тафаккур доираси қанчалик кенг, ҳар қандай ижтимоий-маънавий ёки сиёсий масала тўғрисида профессионал фикр юрита олиш қобилиятига эга эканлигидан дарак беради. Проф. Ж.Бозорбоевнинг Амир Темур, Улуғбек, Беруний, Баҳоуддин Нақшбанд ҳақидаги, одоб-ахлоқ, оила мавзусидаги, илм, билим ва тарбия хусусидаги, ҳуқуқ, экология ва иқтисод масалаларига бағишланган мақолаларини ўқисангиз, чиндан ҳам, унинг илм ва билим савияси, мушоҳадаси бақувват эканига амин бўласиз. Бир мисолга диққатингизни жалб этаман. Биласизки, Ж.Бозорбоев профессионал адабиётшунос ёки танқидчи эмас. У файласуф олим, яъни адабиётдан маълум даражада узоқ бир инсон. Лекин унинг бадиий адабиёт ва ижодкорлар, уларнинг бадиий маҳорати таҳлил қилинган шундай мақолала-

ри борки, уларни адабиётшуносликка тегишли деб тан олмасликнинг ҳеч иложи йўқ. Олим адабиёт тўғрисида ким билан баҳслашмасин, муайян асар юзасидан ўзининг бадиий-эстетик қарашларини ҳимоя қила олади, баъзан, ҳатто мутахассисларнинг ҳаёлига ҳам келмаган адабий жараён учун муҳим фикрларни ўртага ташлайди. Адабиётни нозик ҳис қиладиган, бадиий-эстетик қонуниятларни ўзлаштирган, ижодий фикрлаш қобилиятига эга олимгина бундай мураккаб масъулиятли меҳнатни уддалаши мумкин. Фикримча, Ж.Бозорбоевнинг адабий-танқидий мақолалари том маънодаги адабиётшунослик намуналари. Тадқиқотчининг «Шеърятга содиқлик рамзи», «Аёл гўзаллиги Ажиниёз шеърятининг гултожи», «Сўзи муҳаббатга, муҳаббати кўшиққа айланган шоир», «Инсон қадрининг куйчиси», «Алпомиш» эзгулик одобномаси», «Манқуртлик ҳақида Ч.Айтматов сабоқлари» мақолалари ва суҳбатлари билан танишсангиз, муаллифнинг бадиий асарни таҳлил қилишдаги адабий-эстетик принциплари асосли эканлигига, Ажиниёз, Бердақ, И.Юсупов, Ч.Айтматовдек сўз усталарининг поэтик маҳоратидан яхши хабардорлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Ж.Бозорбоевни профессионал адабиётшунос ёки танқидчи даражасида фикрлаш қобилиятига эгаллигини исботлайдиган бир мақоласини мисол тарзида келтирмоқчиман. Мақола матншуносликка тегишли бўлиб, «Еркин Қарақалпақстан» газетасида босилди ва у «Гавҳар жилоланганми?» деб номланади. Тан олиш керакки, ҳақиқий адабиётшунос ёки матншунослар ҳам бундай танқидий мақолалар ёзишга кўп ҳам журъат этавермайди. Мақолада матншуносликка доир нашр ишлари билан боғлиқ жиддий бир муаммо кўтарилган. Бердақ юбилеи муносабати билан чоп этилган шоирнинг «Танланган асарлар»и нашрида йўл қўйилган камчиликлар, менимча, ҳолис кўрсатилган, нашрга тайёрловчиларнинг масъулиятсизлиги оқибатида Бердақ асарларининг ҳар бир нашрида қўпол хатоларга йўл қўйилаётгани куюнчаклик билан айтилган, исботланган. Шоир ижодини айрим йўналишлар бўйича ўрганишда ҳам бердақшунослар ўртасида ҳамжиҳатликнинг йўқлиги, қарама-қарши фикрлар ҳамон жамоатчиликни чалғитаётгани тўғрисидаги муаллиф эътирозлари тўғри. Ҳарҳолда, мазкур мақола бердақшунос олимларни бу ма-

салалар тўғрисида жиддийроқ ўйлаб кўришга даъват этса ажабмас.

Проф.Ж.Бозорбоевнинг илмий-ижодий фаолиятининг доираси жуда кенг. У таржима билан ҳам шуғулланди. Жаҳон мутафаккирларининг бир неча асарларини қорақалпоқ тилига ўғирди. Дунё адабиётининг мумтоз намуналаридан бири «Кама Сутра», файласуф Дейл Карнегининг машҳур трактатлари унинг таржимасида қорақалпоқ тилида босилиб чиқди. Олимнинг ташаббуси, бевосита раҳбарлиги ва иштирокида «Амалий иқтисод» китоби қорақалпоқ тилига таржима қилиниб нашр этилди. Бундан бир неча йил олдин унинг ташаббуси ва бевосита ҳаммуаллифлигида «Ўзбекча-қорақалпоқча лугат» тузишга киришилган эди. Бу иш ҳам муваффақиятли якунланди ва мазкур лугат яқин кунларда нашрдан чиқиш арафасида. Академик Ж.Бозорбоев Қорақалпоғистоннинг «Янги тарихи»ни ёзишга фаол қатнашяпти. У «Тарих»нинг учинчи жилдидаги «Қорақалпоғистон мустақиллик йилларида» номли бўлимининг илмий раҳбари ва муаллифларидан бири, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида кўп йиллардан бери муваффақиятли фаолият кўрсатиб келаётган «Этнопедагогика» лабораторияси ҳам бевосита Ж.Бозорбоев ташаббусининг меvasидир. Унинг сўнгги йилларда республикадаги иқтисодчи, ҳуқуқшунос, педагог, тарихчи, тилшунос олимлар билан ҳамкорликда олиб бораётган илмий изланишлари яхши натижалар билан якунланмоқда деб хулоса чиқаришга, кўрдингизки, асослар етарли.

Проф.Ж.Бозорбоевга хос яна бир ноёб хислатни тилга олиб ўтишни ўринли деб биламан. Ўз юртининг, халқининг тақдири, келажаги учун қайғурадиган, оз бўлса-да унинг мушкуллини енгиллатиб, дардига малҳам бўлишни ватанпарварлик, фарзандлик бурчим деб ҳисоблайдиган ва шу орзу билан яшайдиган ҳар бир инсон ҳурматда бўлади. Менимча, Жуманазар Бозорбоев ҳам шундай инсонлардан бири. У бундан бир неча йил олдин институтнинг бир гуруҳ олимлари билан Мексикада бўлиб, у ердан тузга чидамли «дистихлис» ўсимлигини олиб келди ва Қорақалпоғистон шароитида синаб кўриш мақсадида уни Орол денгизининг суви тортилган майдонларига экиб, илмий тажриба ўтказди. Тажриба самара берди ва у кўпчиликда истиқболли тадбир эканлигига умид уйғотди.

Проф. Ж. Бозорбоев ташкилотчи ва фидоий раҳбар. Муҳими, у ташаббускор олим, ташаббускор раҳбар. У фақат ташаббус кўтариш билан чекланмайди, балки ўзи бу ташаббусни амалий фаолиятида бажариб кўрсатади, сўнг бошқаларни бу ишга жалб қилиб, унинг ижросини талаб этади. Ҳар қандай тadbирни сўзда эмас, амалда исбот қилиш чинакам олимга ва раҳбарга хос фазилат. У Нукус давлат педагогика институти ректори. Олимнинг раҳбарлик фаолиятининг самаралари педагогика институти қайта ташкил қилишдан тортиб, то ҳозирги кунга қадар эришилган муваффақиятларда кўзга ташланиб туради. Салкам ўн йил ичида институтнинг барча соҳалар бўйича Ўзбекистондаги илғор педагогика институтлари қаторига ўтиб олгани ва бунда ректор Ж.Бозорбоевнинг хизматлари катта экани кўпчиликка маълум. Бунинг ўзи алоҳида мавзу.

Академик Жуманазар Бозорбоев ҳозиргача нашр қилинган китоблари, долзарб мақолалари, радио-телевидениедаги чиқишлари, сиёсий етук жамоат арбоби сифатидаги ташкилотчилик фаолияти, тарғибот-ташвиқот ишлари билан миллий истиқлол мафкурасига сидқидилдан хизмат қилиб келаётган фидоий, кўп қиррали илмий фаолият соҳибларидан биридир.

2000

МЕҲРЛИ ВА ҲАҚГҶЙ ИНСОН ЭДИ

(Эссе)

Шундай инсонлар бўладики, уларнинг оламдан ўтганига кўп вақтларгача ишонгинг келмай юради. Гўё улар ҳозир ҳам орамизда бордек, биз билан мулоқотда бўлиб, ҳаёт қувончлари ва ташвишларини баҳам кўраётгандек бўлиб туюлаверади. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон республикаларида хизмат кўрсатган фан арбоби, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофоти лауреати, филология фанлари доктори, профессор, таниқли адабиётшунос олим, ажойиб инсон Сражатдин Ахметовнинг бевақт вафоти, менинг назаримда, уни яхши билган ва ҳурмат қилган кишиларда худди шундай кайфият уйғотди, дессам янглишмасам керак.

272

Шахсан ўзимда ҳам бу йўқотиш туфайли руҳий изтироб пайдо бўлганини ва бу туйғу ҳозир ҳам қалбимнинг бир чеккасини ўртаб, тинчлик бермаётганини ҳис қилиб тураман. Шунинг учун бўлса керак, Сражатдин Ахметов ҳақида хотира ёзиб бериш таклифини олганимдан бери бирмунча вақт ўтган бўлса-да, негадир бу ишни тезда бажаришга журъат эта олмай юрдим. Чунки бундай таклиф билан менга мурожаат қилганларида ҳали устознинг оламдан ўтганига бир йил ҳам тўлмаган, (у 1997 йилнинг ёз ойларида вафот этди) тупроғи совиб улгурмаган ҳам эди. Ва Сражатдин оға Ахметовни марҳум деб айтишга, очиги, тилим бормай, ёзишга қўлим қалам ушлай олмайдиган аҳволда юрганимни яширмайман.

Жуда ихлос қўйган, ҳурмат қиладиган одамнинг вафот этганида, у ҳақда хотира ёзиш ҳам қанчалик масъулиятли ва оғир эканлигини энди-энди ҳис қилаяпман. Бундан кейин Сражатдин оға билан дийдорлашиб, овозини эшитиш, у билан ҳамсухбат бўлиш имкони энди йўқлигига аста-секин кўника бошладим. Начора! Тақдирга тан бермасликнинг ҳеч иложи йўқ! Эндиликда устознинг жойи жаннатдан, руҳи-поклари шод бўлсин, деб тиловат қилишдан бошқа чора қолмади. Сражатдин Ахметовнинг руҳи олдидаги инсоний бурчимни адо этиш, унга бўлган ҳурматимни бажо келтириш, унинг ҳаётлигида айтишга улгурмаган миннатдорлик сўзларимни бироз кечикиб бўлса-да, баён этишни лозим кўриб, хомуш бир кайфиятда қўлимга қалам олдим. Шояд С.Ахметовнинг руҳи шод бўлса!

Кўп ўйладим. Гапни нимадан бошласам экан, деган савол ҳамisha ҳаёлимни банд этиб турарди. Чунки мен Сражатдин Ахметовни салкам йигирма йилдан бери ҳам олим, ҳам устоз педагог, ҳам меҳрли инсон сифатида яхши билардим. Унинг қайси фазилатини ёритсам экан, деган фикр ҳаёлимдан кетмади. Шундай ҳаёллар билан юрган кунларнинг бирида, уйда, иш кабинетимдаги китоб жовонларининг назардан ўтказар эканман, бирдан Сражатдин Ахметовнинг яқинда мени Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Ёзувчилари уюшмаси аъзолигига тавсия қилган қўлёзма «Тавсиянома»сига кўзим тушиб қолди. Мен унинг машинкаланган нусхасини Қорақалпоғистон Ёзувчилари уюшмасига топшириб,

273

қўлёмасини эгасига қайтармай эсдалик учун сақлаб қолганим яхши бўлган экан, деган фикр дарров ҳаёлимга келди. Бинафша рангда, майда ҳарфлар билан, ингичка қилиб ёзилган бир варақ қоғозни мен дарҳол ҳаяжон билан қўлга олдим ва ёзув столимга қандай ҳолатда келиб ўтирганимни ҳозир тасаввур қилишим қийин. Наҳотки кечагина менга шундай ажойиб «Тавсиянома» ёзиб берган инсон бугун орамизда йўқ, марҳум бўлса! Ишонгим келмасди. Қоғоздаги сўзларга бир сидра кўз югуртириб чиқдим-да, сўнгра бошидан, шошилмасдан ўқий бошладим. Ҳаяжондан қўлларим титраётганини сездим. Гуё қоғоздаги жумлалар тилга кириб Сражатдин оға сўзлаётгандек, унинг менга таниш овози қулоқларим остида жаранглаб эшитилаётгандек, у мен билан мулоқотда бўлаётгандек эди. Шу ўринда олимнинг мен учун табаррук бўлиб қолган «Тавсиянома»сининг баъзи жумлаларини С.Ахметовнинг руҳига эҳтиром рамзи сифатида таржимасиз, асл нусхасида келтириб ўтишни лозим кўрдим. Бунини нокамтарликка йўймасиз, деб умид қиламан. Чунки «Тавсиянома»даги фикрлар нафақат олимнинг ҳаётлигида менга маънавий далда бўлди, балки кейин ҳам у менга юксак масъулият юклади: «Белгили адабиятши алим, сыншы Кәримбай Қурамбаев 70-жыллардың орталарынан баслап Қарақалпақстан менен тығыз байланыслы. Ол филология илимлерининң докторы, ең танылған әдебиятшылардың бири. Алым-әдебиятшы, сыншы хәм педагог К.Қурамбаев әдебий өмирге тепериш араласыўшы хәм ең зәрурли мәселелер бойынша өз мақалалары менен көзге тусип, ол Өзбекстан, Туркменстан хәм Қарақалпақстан әдебий жәмийетшилигине жақсы таныс. Әдебиятшы-алым, сыншы сыпатында К.Қурамбаев өз айрықшалығына ийе. Ол уш халықтың әдебиятында терең биледи, өзбек, туркмен, қарақалпақ әдебий байланысларына арналған китаплары жәмийетшилик тәрәпинен жақсы баҳаланған. Ол кунбе-кунге әдебий процесске тиккелей араласыўы менен әдебий бағдарды, бағытты жақсы аңлайды хәм әдил, халыс пикир айтыўы менен дыққатқа ылайық...»

Сражатдин Ахметов менинг адабиётшунослик ва адабий танқидчиликдаги камтарона меҳнатларимни ана шундай юқори баҳолаган эди. У менинг Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинишимни астойдил истаган экан, фақат ёзма «Тавсиянома» бериш билан чекланиб қолмасдан, Қо-

рақалпоғистон Ёзувчилари уюшмаси раиси Тўлепберган Қайипбергановга оғзаки шаклда ҳам бир неча марта эслатган экан. Кейинчалик Тўлепберган оға менга:

— Сражатдин сени жуда яхши билар, ҳурмат қилар экан. Сени Ёзувчилар уюшмасига қабул қилишни мендан илтимос қилди, ҳужжатларингни тайёрлаб олиб кел, — деганида жуда қувониб, фахрланиб кетгандим.

Хуллас, Сражатдин Ахметов ва яна икки адабиётшунос-танқидчининг тавсияномаси билан мен Ўзбекистон ва Қарақалпоғистон Ёзувчилари уюшмаси аъзолигига қабул қилиндим. Албатта, асосий масала бу ерда менинг Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинишим ёки қабул қилинмаслигим ҳақида эмас. Асосий гап Сражатдин Ахметовнинг меҳрибонлиги ва ғамхўрлигида, одамгарчилик фазилатининг буюклигида, энг муҳими, талантларга эътиборида. У бундай ғамхўрликни фақат менга эмас, бошқа бир неча садақатли, истеъдодли шоғирдларига ҳам кўрсатган, уларни ҳам доимо қўллаб юрганини яхши биламан. С.Ахметов бу масалада бошқаларга ибрат бўладиган устоз-олимлардан бири эди.

* * *

Сражатдин Ахметовнинг «Тавсиянома»сига разм солиб ўтирар эканман, у билан илк учрашувим, бирга ишлаган йилларимиздаги унутилмас воқеалар, худди кино тасмаларидагидек кўз олдимдан бирма-бир ўта бошлади. 70-йилларнинг бошлари. Мен Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли А.С.-Пушкин (ҳозирги Алишер Навоий) номидаги Тил ва адабиёт институтининг «Адабий алоқалар» бўлимида дастлаб аспирант, сўнг илмий ходим бўлиб ишлаб юрган кезларим эди. Бўлимимиз ҳар хил миллатга мансуб ходимлардан иборат бўлиб, улар, асосан, Марказий Осиё халқлари адабиётларининг ўзбек адабиёти билан алоқаларини ўрганиш билан шуғулланарди. Шунинг учун бўлса керак, Институтимизга қардош республикалардан ташриф буюрган таниқли шоир ва ёзувчилар, айниқса, адабиётшунос ва танқидчилар, албатта, «Адабий алоқалар» бўлимига бир қадам ранжида қилмасдан, олимларимиз суҳбатидан баҳраманд бўлмасдан, адабиётлар ҳамкорлиги бўйича ўзаро фикрлашмасдан кетмас эдилар. Ўзлари мансуб адабиётга тегишли бўлимда қандай илмий-тадқиқот ишлари олиб борилаётгани меҳмонларни кўпроқ қизиқтирарди ва анъанага

айланиб қолган бундай илмий-адабий учрашувлар, суҳбатлар ҳар икки томон учун ҳам амалий аҳамият касб этарди. Берди Кербобоев, Боймуҳаммад Гарриев, Сейит Гарриев каби туркман, Абдулла Тожибоев, Муҳаммаджон Қоратоев сингари қозоқ, Абдуғани Мирзоев, Отахон Сайфуллаев каби тожик, Наврӯз Жапақов, Қалли Айимбетов, Қабул Мақсегов сингари қорақалпоқ адабиётининг машҳур намояндларининг «Адабий алоқалар» бўлимига ташрифлари ўзига хос адабиётлар байрамига айланиб кетгани ҳануз эсимда.

Сражатдин Аҳметов ҳам мазкур институтда ўтказиладиган ҳар хил адабий тадбирларга қатнашиш учун Қорақалпоғистондан Тошкентга тез-тез келиб турарди. У кўп йиллар давомида фан номзоди ва фан доктори илмий даражасини бериш учун институт ҳузурида ташкил этилган ихтисослашган Илмий кенгаш аъзоси бўлди. Кенгаш мажлисларига мунтазам қатнашиб турди. Ҳар келганида «Адабий алоқалар» бўлимига кирар, бўлим мудир, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, таниқли адабиётшунос олим Юсуф Султонов билан саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашгач, чиқиб кетар эди. Бу йилларда мен уни ғойибона қисман танирдим. Қорақалпоғистондан эканини, адабий танқидчилик билан шуғулланишини мутахассислардан эшитгандим. Ихтисослашган Илмий кенгаш йиғилишидаги бир нутқини тинглаганим ҳам хотирамда қолганди. Ҳарҳолда, Сражатдин Аҳметов ҳақида умумий тасаввурга эга бўлсам-да, устозим Юсуф Султоновдан бу қорақалпоқ олими ҳақида кенгроқ маълумот олгим келдию, домладан бир кун сўрадим:

— Домла, ҳалиги Сиз билан қучоқлашиб, қуюқ саломлашган киши ким бўлади? Жуда қадрдон оғанилардек кўришдигизлар, жуда баъмани одамга ўхшайди, — дедим.

— Э, ҳа! Танимадингизми? У Сражатдин Аҳметов! Қорақалпоқдан! Ўзи машҳур адабиётшунос. Бизда Илмий кенгаш аъзоси. Жуда яхши инсон. Фафур Фуломнинг шогирди. Уйда ётиб ўқиган. Фафур ака билан ота-боладай эди. Кўпдан бери танийман уни. Қадрдонмиз. Тошкентга келса, албатта, мени кўрмай, саломлашмасдан кетмайди, барака топгур, — деди домла катта бир мамнунлик билан. Ва давом этди:

— Яна бир келганида сизни, албатта, у билан яхшилаб таништираман. Қорақалпоқ адабиётига доир зарур материалларни бундан кейин бемалол Сражатдиндан сўраб олаве-

ришингиз мумкин, — деб қўшиб қўйди Юсуф Султонович, менинг келажакда ўзбек-қорақалпоқ адабий алоқалари мавзуси бўйича илмий-тадқиқот олиб боришга тайёргарлик кўраётганимга ишора қилиб.

Шундан кейин менда Сражатдин Аҳметов билан яқиндан танишиш ва у билан қорақалпоқ-ўзбек адабий алоқалари мавзуси бўйича суҳбатлашиш истаги туғилди. Тахминан икки-уч ойлардан кейин Сражатдин оғани институтга келди. Суриш-тирсам, ихтисослашган Илмий кенгаш ишига қатнашиш учун келган экан. Ҳимоя тугагач, Юсуф Султонович у билан қўлтиқлашиб бўлимга кириб келишди. Мен дарҳол ўрнимдан туриб унга пешвоз чиқдим ва қўл бериб саломлашдим. Бўлимдаги бошқа ходимлар ҳам қўлларини кўксига қўйиб, Сражатдин Аҳметовга салом беришди. Домла билан меҳмон ўртасида бўладиган суҳбатга ҳалақит бермаслик учунми, негадир ходимлар бирин-кетин ташқарига чиқа бошладилар. Мен ҳам уларга эргашаётган эдим, домла: «Сиз қолинг», деган ишорани қилгач, мен ўрнимга қайтиб ўтирдим. Юсуф Султонович гап бошлади:

— Мана бу йигит менинг шогирдим, Каримбой Курамбоев, аспирантурани мудлатидан олдин тамомлаб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Яқинда дипломини ҳам олди. Табрикласангиз бўлади, Сражатдин Аҳметович, — деди домла ва яна давом этди:

— Бу кишини бўлимда катта илмий ходим лавозимига ишга олиб қолдик. Ўзи сиз томонлардан. (Мен, гарчи, Туркманистоннинг Тошхөвүз вилоятидан бўлсам-да, негадир Юсуф Султонович мени доимо Хоразм-Қорақалпоқ воҳасидан деб ҳисобларди. Ва ўша ҳудуддан институтга кимки келса, албатта, уларга мени: сизнинг ҳамшаҳарингиз, деб таништирарди) Туркман адабиётини яхши билади. Энди қорақалпоқ адабиётини ўрганмоқчи. «Ўзбек-қорақалпоқ адабий алоқалари» деган мавзунини ишлаб берасиз, деб бўлим бу кишига вазифа юклади. Буёғига энди сизнинг ёрдамингиз керак бўлади, Сражатдин, — деди домла Сражатдин Аҳметовга савол назари билан кўз ташлаб.

— Сиз айтсангиз, биз ҳар қандай ёрдамга тайёرمىз-да, Юсуф ака, — деди Сражатдин оғани ҳам қатъий қилиб.

Домла ҳам, мен ҳам меҳмоннинг бу жавобидан жуда мамнун бўлиб, уни ташқарига кузатиб чиқдик ва самимий хайрлашдик.

Сражатдин Ахметов билан илк учрашувим ва танишувимнинг тарихи шундай бўлган эди. Кейинчалик ҳам мен у киши билан Тил ва адабиёт институтида ишлаб юрган йилларимда бир неча марта учрашиб, саломлашганим ёдимда бор. Бироқ бизнинг кўришишимиз салом-алиқдан нарига ўтмасди. Гарчи Юсуф Султонов бизни яқиндан таништирган бўлса-да, учрашганимизда у киши менинг шуғулланиб юрган мавзуим билан мутлақо қизиқмас, бирор ёрдамим керакми, деб сўрамас ҳам эди. Мен эса ундан илмий маслаҳат олишга, зарур адабиётлар юзасидан суҳбатлашишга жуда ҳавасманд бўлсам-да, олдига бориб бирор нарса сўрашга журъат этолмасдим. Унинг менга муносабатида самимийликдан кўра ўта жиддийлик аломатлари сезилиб тургандек туюлаверарди. Ва мен ўша йиллари унинг характеридаги бу хислатни қандайдир худбинлик, манманлик, кўполлик аломатлари эмасми-кан, деб ўйлаганим рост. Сражатдин Ахметовнинг баъзи олимларга ўхшаб шогирдларига, умуман, одамларга очилиб-сочилиб, очиқ чехра билан муомила қилавермагани менга эриш туюларди. Ва ўша кезларда Сражатдин оға ўта жиддий одам экан, деган фикр хаёлимга ўрнашиб қолган эди...

1976 йилда Нукус давлат университети ташкил этилди. Янги очилган бу олий ўқув юртини илмий-педагог кадрлар билан таъминлаш вазифаси Ўзбекистон Фанлар академияси Президиуми ва Республиканинг бир қатор етакчи олий ўқув юртлари зиммасига юкланган эди. Мазкур университетнинг филология факультетидаги ўзбек тили ва адабиёти бўлиминини малакали илмий-педагог кадрлар билан таъминлашга ёрдам берувчи академиянинг илмий-таъқиқот институтлари рўйхатида мен ишлаётган Тил ва адабиёт институти ҳам бор эди. 1977 йилнинг баҳор ойлари бўлса керак, Институт раҳбариятидан менга: сизни Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти, академик М.К.Нурмухамедов йўқлапти, учрашар экансиз, дейишди. Кутилмаган бу таклифдан бироз ҳайратланиб, академия раҳбарияти жойлашган бинонинг иккинчи қаватига кўтарилидим-да, вице-президентнинг келишини кутиб ўтирдим. М.К.Нурмухамедов келиши биланок, мени қабул қилди. (У бир йилга яқин А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида директор лавозимида ишлаган эди. Шу боис у киши мени яхши танирди, бир неча марта мулоқотда бўлгандим). У хонага киришим биланок:

— Нукусда университет ташкил этилди. Хабарингиз бўлса керак. Ўзбек адабиёти бўйича у ерда илмий даражага эга мутахассис йўқ экан. Сизни ўша жойга ўзбек адабиёти бўйича доцент вазифасига юбормоқчимиз. Ўзингиз Тошҳовуздан экансиз. Нукус билан Тошҳовуз ораси бир қадамдай гап. Юртингизга яқинлашар эдингиз. Нима дейсиз? Розимисиз? — деди менга савол назари билан қараб.

Тўғриси, бу мен учун кутилмаган савол эди. Мен жавобга тайёр эмасдим. Нима дейишимни билмай, иккиланаётган эдим, Марат Кўптлеёвич:

— Майли ҳозир шошилтирмайман. Бироз ўйлаб кўришингизга вақт бераман. Менимча, борганингиз маъқул бўлади, уларга амалий ёрдам кўрсатиш бизнинг бурчимиз, деб қўшиб қўйди.

Мен унинг сўз оҳангидан: биз сизни фан номзоди қилиб тайёрладик, энди юборган жойимизга бориб ишлашингиз шарт, деган маънони англадим-да, тушкунроқ кайфиятда хонадан чиқдим.

Хуллас, мен 1977 йилнинг апрель-май ойларида Нукус давлат университетининг ўзбек тили ва адабиёти кафедрасида ишлаш учун Нукусга келдим. Бу шаҳарга биринчи марта қадам босишим. Ҳеч кимни танимайман. Мени ҳам ҳеч ким билмайдди. Гарчи ўзбек тили ва адабиёти кафедрасининг ўша даврдаги мудири, доцент Менглибой Бўронов (у ҳам Тошҳовуздан, бир қишлоқданмиз) ҳақида элдошларимдан баъзи маълумотларни эшитган бўлсам-да, ўзини бирор марта кўрган ёки суҳбатлашган эмасдим. Тошкентда Юсуф Султонов таништирган Сражатдин Ахметовга тўғридан-тўғри бориб: мени Тошкентдан юборишди, сизларга ишга келдим, деб дангал айтишга ботинолмадим. Шундай кунларнинг бирида кафедра мудиримиз, доцент М.Бўронов менга: юр, сени деканамиз билан таништираман, деб эргаштириб Сражатдин Ахметовнинг кабинетига бошлаб борди. Хонада деканнинг бир ўзи тамаки тутатиб ўтирган экан. Бизлар киришимиз биланок, кўлидаги сигаретини стол устида турган кулдонга босиб, эзгилаб ўчирди-да:

— Хўш, нима гап, дегандай, қандайдир совуқ бир савол назари билан бизларга қаради. Ҳамроҳим:

— Бу йигитни Тошкентдан, Академиядан бизнинг кафедрага ишга юборибди, адабиётчи экан, — деди исмим, фамилиямни, асли қаерлик эканлигимни ҳам қўшиб. Сражатдин оға:

— Ҳа, яхши бўлибди, ишлайверсин, деб қўя қолди. Бошқа ҳеч нарса демади. Биз хонадан чиқдик. Тўғриси, унинг бу муомиласидан бироз ранжигандай бўлдим. Наҳотки мендан бир оғиз ҳам ҳол-аҳвол сўрамади! Бизни Тошкентда Юсуф Султонов яхшилаб таништирган эди-ку? Ҳеч бўлмаганда: мен бу йигитни танийман, Тошкентда фалончининг шогирди. Биз Тошкентда учрашганмиз, Тил ва адабиёт институтида ишлаган, уни менга домласи таништирган эди, деб айтса керак деб, умид қилгандим. Нега мен билан бундай совуқ муомила қилди экан, деган фикр кўнглимни безовта қиларди. Шу вазият сабаб бўлдики, ҳарҳолда мен бир неча ой, иложи борица, Сражатдин Ахметовга юзма-юз келмасликка, учрашмасликка ҳаракат қилиб, аразлаган одамдай бўлиб юравердим. Бир куни кафедрамиз мудир: сени декан чақираяпти, деб қолди. Нима гап экан деб, хавфсиранқираб қабул-лига бордим. Киришим билан у:

— Каримбой, сени ўзимга ўринбосар қилиб олмоқчиман. Деканнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари бўлиб ишлайсан. Ҳозирги ўринбосарим докторлик диссертациясини ёзиб тугаллаш учун ижодий дам олиш сўраяпти. Бермасак бўлмайди. Сен эртага ундан ишни қабул қилиб ол, — деди қандайдир самимий бир оҳангда.

С.Ахметовнинг бу галги менга муомиласида тамоман бошқа бир оҳанг бор эди. Тўғриси, унинг сўзларидан кўнглим кўтарилгандай бўлди. Хурсандлигим мени деканнинг ўринбосари лавозимига тавсия қилаётгани учун эмасди. Асло унда эмасди! Сражатдин оғанинг менга мурожаатида шундай бир самимийлик, шундай бир меҳрибонлик руҳи мавжуд эдики, уни ҳозир сўз билан таърифлашим қийин. Унинг ҳозирги муомиласи С.Ахметов ҳақидаги барча шубҳаларимни ўртадан кўтариб ташлагандай бўлди. Ва мен Сражатдин Ахметов тимсолида жиддийлик остига яширинган улғу бир инсонийликни, самимийликни кўрдим. Шунинг учун бу таклифга рози бўлмасликнинг ҳеч имконини тополмадим. Гарчи олий ўқув юртидаги тажрибаниҳоятда оз бўлса-да, деканнинг ҳурмати учун унинг ўринбосари бўлиб ишлашга розилик бердим.

Адолат юзасидан айтишим керакки, С.Ахметов ўз ишининг билимдони ва чинакам фидоийси эди. Жуда талабчан ва қатъиятли раҳбар эди. У эрталабдан кечгача факультетда

бўлар, таълим-тарбия жараёнини, ўқув режасининг бажарилишини қаттиқ назорат қилиб борарди. Сабабсиз дарсга келмай қолган ўқитувчиларни ким ва қандай илмий унвон соҳиби бўлишидан қатъий назар аяб ўтирмасди. Талабаларга ҳам муносабати шундай эди. Факультетда тартиб-интизом жуда яхши эди. Ўқув жараёнидаги жиддий масалаларни ҳал қилишда, факультетда бўладиган ҳар хил талбларларни ўтказишда ҳам Сражатдин Ахметовнинг ўзи бош-қош бўларди, ишнинг энг оғир қисмини ўз зиммасига олиб, менга кўп енгилликлар яратарди. Мен, асосан, дарс жадвалини тузиш, унинг бажарилишини назорат қилиш, имтиҳон сессиясини ташкил этиш каби масалалар билан шуғулланардим. Бу ишларни сидқидилдан бажаришга, Сражатдин Ахметовдек қаттиққўл ва айни пайтда меҳрли бир раҳбарнинг ишончини оқлашга астойдил ҳаракат қилардим. Ҳатто факультетда бажариб улгурмаган деканатнинг айрим қорозларини уйга олиб келиб, ярим тунгача ўтириб ишлаган кунларим жуда кўп бўларди. Икки йил декан ўринбосари вазифасида ишладим. Шу муддатда деканнинг бирор марта менинг фаолиятимдан норози бўлиб гапирганини сезган ёки эшитган эмасман. Биз жуда аҳил ишладик. Бу иноқ-литимизга, тўғриси, кўпчилик ҳавас қиларди. Бизнинг яқин-литимизни кўролмайдиганлар, ҳасад қиладиганлар ҳам оз эмасди. Ҳатто ярим ҳазил, ярим чин мени С.Ахметов мансуб уруғ номи билан атаб чақирганларини ўз қулоғим билан эшитганимда ҳам хафа бўлмаганман, аксинча, шундай инсон билан ҳамкор ва ҳамнафас, замондош бўлганимдан, бирга ишлаётганимдан фахрланиб юрардим. Мен Сражатдин Ахметовдан вазифага масъулият билан ёндашишни, талабчанликни, фидоийликни ўргандим.

1981 йилнинг май-июнь ойлари эди. Ёзги имтиҳон сессиясини ташкил этиш, янги ўқув йили учун биринчи курсга талабалар қабул қилишга қизгин тайёргарлик кўрилатган бир даврлар. Бир куни Сражатдин Ахметов асабийлашган ҳолатда деканатга кириб келди. Кайфияти анча бузуқ эди. Хонасига кириб кетма-кет тамаки тутатаётганини ҳис қилиб турардим. Лекин олдида кириб: нега кайфиятингиз йўқ, нима гап бўлди? Тинчликми? деб сўраш-

га ботина олмадим. Бироқ қандайдир кўнгилсиз воқеа юз берганини, кимдир уни қаттиқ хафа қилганини вазиятдан билиб олиш қийин эмасди. Воқеанинг тафсилоти-ни эртасига бошқа бировлардан эшитдим. Деканлар билан ректоратда бўлган йиғилишда Сражатдин Ахметов билан университет ректори ўртасида арзимаган бир масала юзасидан қандайдир келишмовчилик пайдо бўлган. Ва ректор: топшириқни бажариш қўлингдан келмас экан, ишдан бўша, деб Сражатдин Ахметовга дағ-дағ қилган. Бу гап салкам йигирма йил деканлик лавозимида яхши ишлаб келаётган Сражатдин Ахметовдек обрўли раҳбарга оғир ботади-ю, шу заҳотиёқ ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзади. Ректор ҳам иккиланиб ўтирмасдан унинг илтимосини қаноатлантиради.

Шундай қилиб, С.Ахметов «ўз аризаси» бўйича деканлик лавозимидан озод қилинди ва қорақалпоқ адабиёти кафедрасига мудир қилиб тайинланди. Унинг ўрнига профессор Е.Бердимуратов декан қилиб сайланди. Очигини айтсам, бундан кейин ўзим мутлақо танимаган, синамаган одам билан ишлаш, унга ўринбосар бўлиш менга ёқмади. Илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланиш ниятим борлигини айтиб, тўғрироғи баҳона қилиб, бу вазифадан бўшадим. Бироқ орадан кўп ўтмай университет ректори Ч.Абдиров мени янги лавозим — ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудирлигига тавсия қилди. Ректорат ва факультетдаги баъзи раҳбарлар бошқа бир номзодни мазкур вазифага ўтказиш учун анча-мунча ҳаракат қилиб юрганига қарамай, Чаржоу Абдирович фақат менинг номзодимни маъқуллаши ҳақида қатъий фикр айтган экан. Кейин эшитишимча, ректор ўзбек филологияси кафедрасига мудир сайлаш масаласида Сражатдин Ахметовдан маслаҳат сўраган ва у менинг номзодимни тавсия қилган экан. Ва мен 1981 йилнинг охирида университетнинг Илмий кенгашида ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудирлигига сайландим. С.Ахметов билан муносабатимиз олдин қандай бўлса, шундай самимий давом этаверди. Иш юзасидан ундан доимо маслаҳатлар олиб турдим.

Кафедра фаолияти билан боғлиқ бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Кафедра аъзоларидан бирини катта ўқитувчи лавозимига тавсия қиладиган бўлди. У киши салкам ўн

беш йиллик илмий-педагогик стажга эга, кафедранинг обрўли домлаларидан бири эди. Кафедра мажлисида аъзоларнинг кўпчилиги унинг номзодини қувватлади. Лекин кафедранинг ёш ўқитувчиларидан бири (кафедрада ишлаётганга атиги бир ярим-икки йил бўлганди) «мен фан номзодиман, катта ўқитувчи лавозимига сайланишга мен ҳақлиман», деб туриб олди ва номзодини йиғилиш протоколига киритиб тавсия беришимни талаб қилди. Гарчи кафедра аъзоларининг аксарияти унинг номзодини маъқулла-маса-да, деканатда, ректоратда лавозимли ўринларда ўтир-ган баъзи раҳбарлар унинг тарафида эканлигини: сени, албатта, танлов комиссиясидан, университет Илмий кенга-шидан ҳам ўтказамиз, кафедра тавсия қилса бас, деб ваъда бергани, менга қисман маълум эди. Шунинг учун бўлса керак, у ўшаларнинг «ноғора»сига ўйнаб, кафедра мажли-сида «хунар» кўрсатаётгани ҳаракатларидан сезилиб турар-ди. Бироқ кафедра аъзолари уни катта ўқитувчилик лаво-зимига муносиб кўрмади ва номзодини баённомага кири-тишдан бош тортди. Шунга қарамасдан, у ҳужжатларини танлов комиссиясига топширади. Мен бу аҳволни Сражат-дин Ахметовга гапириб бердим ва танлов комиссиясининг бир аъзоси сифатида мазкур масаланинг комиссияда адо-латли ҳал қилинишига ёрдам беринг, деб илтимос ҳам қил-дим. С.Ахметов, гарчи, деканлик вазифасидан бўшаган бўлса-да, ректоратда ҳам, деканатда ҳам обрўси анча юқори эди. Раҳбарият кўп масалаларни ҳал қилишда унинг таклиф ва мулоҳазаларини инобатга оларди, унинг фикри билан ҳисоб-лашарди. Чунки у ҳар қандай масалада адолат тарафдори бўлар-ди, суиистеъмолликка, субъективизмга йўл қўймасди, ҳақиқат-ни дангал айтиб, муаммога холис ёндашарди, икки хил га-пирмасди. Тилғламалик, лаганбардорлик, иккиюзламачилик иллатларидан у мутлақо холи эди. Шу фазилати учун ҳам уни кўпчилик ҳурмат қиларди, сўзини қайтармасди.

Танлов комиссияси мажлисида Сражатдин Ахметов кат-та ўқитувчиликка даъвогар номзодлар тўғрисида бор ҳақиқатни гапириб беради. Комиссия аъзолари номзодлар бўйича Сражатдин Ахметов айтган маълумотлардан қони-қиш ҳосил қилгач, кафедра маъқулламаган ўқитувчини ча-қириб, унга ҳозирча бу танлов комиссиясига номзодини қўймасликни маслаҳат берадилар:

— Сен ҳали ёш экансан, кафедрага ишга яқинда келибсан. Бу киши устозинг экан. Институтда сенга дарс берган экан. Бу гал унга йўл бер, кейинги сафар, албатта, сени ўтказамиз, деса ҳам у кўнмабди:

— Шогирд устоздан ўтиши керак эмасми, мен фан номзодиман, катта ўқитувчиликка олдин мен ўтишим керак, деб сўзидан қайтмабди.

Бу вазиятда комиссия раисининг ҳам даъвогар ўқитувчига ён босаётгани, уни қўллаб-қувватлашга мойилиги баъзи ҳаракатларидан сезилиб турган. Бироқ кўпчилик фикрига қўшилмаслигининг ҳеч иложини тополмай, фикрини ўзгартиришга мажбур бўлибди. Якун шу бўладики, Сражатдин Ахметов ва бошқа комиссия аъзоларининг бу масалага принципиал ва холис ёндашуви натижасида муаммо кафедра тавсия қилган номзод фойдасига ечилади.

Яна бир воқеа эсимга келди. Бу воқеа ҳам 80-йилларнинг биринчи ярмида бўлган эди. Ўзбек тили ва адабиёти бўлимининг аълочи-битирувчи курс талабаларидан бирини давлат имтиҳон комиссиясининг қарори билан Тошкентдаги илмий-тадқиқот марказларидан бирига аспирантурага тавсия қилдик. У анча қобилиятли, илмга чанқоқ, келажагидан умид кутса бўладиган, таланти ёшлардан бири эди. Сражатдин Ахметов ҳам бу талабани яхши биларди. Илмий-назарий конференциялардаги маърузаларини эшитиб, мамнун бўлганини менга бир неча марта эслатиб, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланиш учун унга ғамхўрлик қилиш, шароит яратиш лозимлигини таъкидлаганди. Бироқ, факультетда бу ёшнинг аспирантурада ўқишига тўсқинлик қилувчилар ҳам топилиб қолди. Адабиётчи домлалардан бири аспирантурага кириш учун унинг танлаган мавзуси бўйича ёзган рефератига салбий тақриз берди. Тақризчининг бу ҳаракати илм йўлига энди отланаман, деб турган ёшнинг пешонасига гўё таёқ билан бир ургандек бўлди. Энди унинг аспирантурага бориши ёки бормаслиги муаммо бўлиб қолди. Сражатдин Ахметов ёшларга ғамхўрлик қилиш, уларга «оқ йўл» тилаш ўрнига, йўлига тўғаноқ бўлишга уриниб, рефератига салбий тақриз берган ўзи раҳбарлик қилаётган кафедраси аъзосидан чинакамига хафа бўлгани ҳеч эсимдан чиқмайди. С.Ахметов бу ёш йигитнинг қобилиятига астойдил ишонганидан, келажакда ундан олим, яхши мутахассис етишиб чиқишига шубҳаланмагач, рефератига қайтадан

яжобий тақриз ёзиб берди. Бу билан гўё у бўлажак олимга «оқ йўл» тилагандай бўлди. Ёш олим ҳам устоз алломанинг ишончини оқлайди. Имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, аспирантурага киради. Муддатида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, яна университетга ишга қайтади, кафедрада ўқитувчилик фаолиятини бошлайди. Бугун у доцент унвонига эга, мана бир неча йилдирки, факультетнинг ўзбек тили ва адабиёти кафедрасининг мудирини. Мана шундай тўсиқларни енгиб ўтиб, филология фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлган, эндиликда институтнинг нуфузли кафедраларидан бирини бошқараётган бу ёш кадр Комил Ташанов эди. Сражатдин Ахметов келажагига умид уйғотадиган бундай ёшларни танлаб биларди, уларни қўллашда, ҳимоя қилишда жуда саҳий эди, ҳеч кимдан қўрқмасди.

Мен ҳаётда ҳам, илмий-педагогик фаолиятда ҳам Сражатдин Ахметовнинг турмуш тажрибаларига кўпроқ суянардим. У ҳам менинг бу интилишимни яхши тушунарди шекилли, ҳар қандай асоссиз ҳужумлардан, таъзийқлардан, тухматлар ва таъналардан ҳимоя қилишга ҳаракат қиларди. 80-йилларнинг ўрталари бўлса керак. Деканат ва ректоратда катта-кичик лавозимларда ўтирган раҳбар ва раҳбарчалар шахсиятим, илмий-педагогик фаолиятим, кафедра мудирини сифатидаги ишларимдан камчилик топа олмагач, мени маҳаллийчиликда айблашга уриниб, ҳар хил иғво гапларни тўқиб чиқардилар. Гўё мен Тошҳовуздан бўлганим учун кафедрада тошҳовузлиқ ўқитувчилар, университетда тошҳовузлиқ талабалар кўпайган эмиш. Кимки Тошҳовуздан келиб университетнинг у ёки бу факультетига ўқишга кирган ёхуд мен бошқараётган кафедрага ишга олинган бўлса, албатта, унда менинг «қўлим» бор эмиш, мен орқали ўқишга ёки ишга жойлашган эмиш. Бундай беъмани тухмат гапларни катта-катта йиғилиш минбарларида айрим бюрократ раҳбарлардан ҳам кўп марта эпитишимга тўғри келган. Уларга эса бу қалбаки маълумотларни факультет раҳбарияти тайёрлаб бериб турганидан ҳам хабарим бор эди. Шу муносабат билан бир воқеани эслаб ўтмоқчиман. Мен ҳақда алғов-далғовли уйдирма гапларнинг авж олиб турган кунларидан бирида университетга янги партком котибини сайлашга бағишланган катта мажлис бўлди. Унга деканлар, кафедра мудирлари ва университет фаоллари тақлиф қилин-

ли. Шулар орасида мен ҳам бор эдим. Вилоят партия ташкилотининг ўша пайтдаги мафкура бўйича котиби ҳам мазкур йиғилишда қатнашаётганди. Янги ректорнинг ўша даврдаги ўқув ишлари бўйича ўринбосари (мен унинг исми шарифини билсам-да, бу ерда тилга олишни лозим топмадим) «Кадрлар таркиби ва уларни тайёрлашнинг сифати» деган мавзуда маъруза қилди. Маърузасида у мени кадрлар тайёрлашда маҳаллийчиликка йўл қўйган, университет таркибида тошховузлиқ ўқитувчилар ва талабаларнинг сонини кўпайтирган кафедра мудири сифатида тилга олиб, танқид қилди, менга мутлақо алоқаси йўқ бир неча сохта рақамларни келтирди. Унинг бу ҳаракатлари негизда қандайдир ғараз, шахсий манфаат ётгани менга аён эди. У қандай йўллар билан бўлмасин янги ректорнинг ишончига киришга, ректор ёқтирмайдиган одамларни ёмонлаб проректорлик лавозимини сақлаб қолишга уринаётганини, иккиюзламачилик қилаётганини, ўзини ҳақиқатпарвар қилиб кўрсатаётганини фақат мен эмас, залда ўтирганларнинг ҳаммаси сезиб турарди. *(Орадан озгина вақт ўтгач, янги ректор бу ўринбосарини ишдан бўшатди. Қизиғи шу бўлдики, университет Илмий кенгашида кафедра ўқитувчилигига сайланиш учун собиқ проректорнинг номзоди қўйилганда, аъзоларнинг қарийб ярми унга қарши овоз берди. Агар янглишмасам бир ёки икки овоз фарқи билан зўрға, оддий ўқитувчиликка сайлана олади. Шундай ҳулосага келдимки, у проректорлик фаолияти давомида адолатсиз ҳаракатлари билан фақат менинг эмас, балки кўпчиликнинг ҳам меъдасига теккан экан).*

Проректорнинг йиғилишда мен ҳақда айтган бемаъни уйдирмаларини рад этиш учун, ҳозирги вазиятга мунозарига чиқиб баҳслашиш фойдасиз эканини сездим-да, фикримдан қайтдим. Бироқ сал ўтмай мажлисда кулгили, қизиқ бир воқеа рўй берди. Йиғилиш кун тартибининг иккинчи масаласи янги партком котибини сайлаш эди. У замонларда университет парткоми котиблигига номзод вилоят партия ташкилоти томонидан тавсия қилинарди. Мазкур йиғилишнинг президиумида ўтирган янги номзод ҳам вилоят партия ташкилоти аппаратида масъул лавозимлардан бирида ишлаб келаётган ходим экан. Вилоятнинг мафкура бўйича котиби университетга сайланажак мафкура котибининг таржимаи ҳоли билан таништира бошлади. Номзод Тошховузда ту-

рилган дейиши биланоқ, залда бирданига кулги кўтарилди. Залнинг ҳар жой, ҳар жойидан: бу ҳам Курамбоевнинг кадри экан-да! деган ҳазил чин аралаш кинояли овозлар эшитилди. Президиумда ўтирганлар, айниқса, янги ректор, минбарда турган обком котиби бу кулгили вазиятдан қандай чиқиб кетишни, залдан эшитилган ҳақли саволларга қандай жавоб бериб, изоҳлашни билмай, бошлари эгилиб, қизариб ўтиргани кечагидек кўз олдимда. Мажлисдан чиқишимиз биланоқ Сражатдин оға менинг ёнимга келиб:

— Бу гапларга парво қилма, кўрдинг-ку ўзлари масхара бўлди, деб кўнглимни кўтарганини сира унутолмайман. У шундай қийин дақиқаларда менга руҳий далда берарди, ҳақиқат учун курашиш лозимлигини ўқитарди.

Университет Илмий кенгашининг йиғилишларидан бирида ўқув ишлари бўйича янги тайинланган (мен унинг номини ҳам тилга олишни истамайман) проректор минбарга чиқиб, менинг устимдан уюштирилган, бошдан-охирига қадар тухматдан иборат, имзосиз аризани ўқиб бошлаганида Сражатдин Ахметов шартта ўрнидан туриб:

— Бу аризани ким ёзган? Фактлар текширилганми? Текширилиб, аниқланмаган аризани мана шундай катта ва обрўли аудиторияда ўқиш учун сизга ким ҳуқуқ берди. Бу бировнинг обрўсини ғаразли мақсад учун кўр-кўрона тўқишдан бошқа нарсаси эмас-ку? — деган.

Проректорнинг дами ичига тушиб, саволга қандай жавоб беришни билмай мулзам бўлганини эртасига Илмий кенгашга қатнашган аъзолардан бири менга гапириб берганди.

Ҳа, менинг Университетдаги (кейинчалик пединститутдаги) илмий-педагогик фаолиятим ҳеч қачон силлиқ кечган эмас. Ҳаётнинг ўнқир-чўнқир сўқмоқларидан юришга, адолатсиз таъқибларга, асоссиз тухматларга қўп марта қарши курашишимга тўғри келган. Ўзимнинг ҳақ эканлигимни исбот қилиш учун анча азият чекканман. Лекин ҳеч қачон ноҳақликлар олдида таслим бўлган эмасман. Қоқилганман, лекин йиқилмаганман. Эгилганман, лекин синмаганман. *«Ҳақиқат эгилади, лекин синмайди»*, деган ҳикматнинг нақадар тўғри эканлигини ўз ҳаётимда синаб кўрганман ва ҳамиша шу ақидага суяниб яшадим, меҳнат қилдим. Кам бўлмадим. Бу фикримнинг исботи учун ўз тақдиримдан яна бир мисол келтирмоқчиман.

1992 йил. Докторлик диссертациямни Ашхабодда ҳимоя қилиш ташвишида юрган май ойлари эди. Ҳимоя кунини белгиланган, кетишим керак. Ҳимояга атиги бир ҳафта қолган. Расмий оппонентларимнинг баъзилари бошқа республикалардан келади, кутиб олишим, меҳмонхоналарга жойлаштиришим ва яна бошқа бир талай ташкилий ишлар ошиб-тошиб ётибди, кетмасам бўлмайди. Шуларни айтиб институт ректорига кирдим, авторефератимни дастхат қилиб бердим ва руҳсат сўрадим. У киши оғзаки розилик билдирди, лекин бирор ҳужжатни расмийлаштириш ёки ариза ёзиб, ректорга қўл қўйдириш ҳақида у ҳам бирор гап айтмади, мен ҳам бундай расмийлик шарт бўлмаса керак, деб бу ҳақда гап очмадим. Эртасига самолётда Ашхабодга учиб кетдим. Бундан хабар топган «дўстларим» ишга тушиб кетишибди. Ўша кунлари сиртқи бўлим талабаларининг бир гуруҳи мен ўқитадиган фандан имтиҳон топшира олмасдан қарз бўлиб қолганди. Мен улардан қайта имтиҳон олишга улгурганимча йўқ эди. Баъзи ҳамкасбларим, декан бу фактдан ўзларининг ғаразли мақсади учун фойдаланибди. Талабаларни чақиртириб, менинг устимдан шикоят ариза ёздирибди: гўё мен уларни кўп маротаба қатнавериш овори қилибман, билса ҳам баҳо қўймаган эмишман. Хуллас, шунга ўхшаш мени қоралашга «хизмат» қиладиган нимаики бўлса тўплашибди, бир папка қилиб ректорга олиб кирибдилар. Ректор ҳужжатлар билан танишиб, уларнинг оғзаки маълумотларини ҳам эшитиб, тўғридан ҳам талабаларга нисбатан адолатсизлик бўлибди, деган хулосага келибди. Талабалардан қайта имтиҳон олиш учун комиссия тузишга кўрсатма берибди. Бир неча кишидан иборат тузилган комиссия қарздор талабалардан қайта имтиҳон олади, аксариятига аъло ва яхши баҳолар қўйиб, фақат бир талабанигина қарздор қилиб қолдирадилар. Имтиҳон натижалари ҳақида ректорга ахборот беришади. Ректор буйруқ тайёрлаб, менга «қаттиқ хайфсан» эълон қилишни топширади. Буйруқ тайёрланади, лекин уни ҳеч кимга кўрсатишмайди.

Менинг бу гаплардан ҳали мутлақо хабарим йўқ. Ҳимоянинг ташвишлари билан Ашхабодда юрибман. Шундай кунларнинг бирида уйдан ҳол-аҳвол сўрай деб қўнғироқ қилсам, уйдагилар: тез етиб келинг, сизни институтдан излапти, сўрамасдан кетганмишсиз, ишдан бўшатишмоқчи экан, деди. Хайрон бўлдим. Нима қилишни билмай бошим қот-

ди. Эртасига уйга яна қўнғироқ қилдим. Яна ўша ваҳимали гап. Ҳатто «дўстларим»дан бири уйга қўнғироқ қилиб, уни ишдан бўшатишди ҳам дебди. Кимдан маслаҳат сўрашни билмай, бошим гаранг. Сражатдин Ахметовнинг уйига қўнғироқ қилдим. Гўшакни Сражатдин оғанинг ўзи олди. Салом-алиқдан сўнг «дардим»ни айтдим. Эртага қўнғироқ қил, нима гап эканлигини суриштириб, сенга натижасини айтаман деди. Эртасига кечқурун яна қўнғироқ қилдим. Сражатдин оға: Каримбой, сени ректорингга кимдир яхшилаб ёмонлабди, сен ҳақингда унинг фикри, ҳарҳолда, яхши эмас, менга шундай туюлди. Сенга маслаҳатим, қўнғилингни бўлма, руҳингни туширма. Фақат ҳимоянгни ўйла. Ҳимоя ўтганча Нукусга, ҳатто уйингга ҳам қўнғироқ қилма, асабинг бузилиши мумкин. Бу эса ҳимояга салбий таъсир этади. Ҳимояни ўтказиб келганингдан кейин, менимча, ҳаммаси изга тушиб кетади, деди Сражатдин оға чинакам жонкуярлик билан.

Шу-шу Нукусга ҳам, уйга ҳам қўнғироқ қилмадим. Диссертациям ҳимояси кутганимдан ҳам зўр ўтди. Тезда ҳужжатларимни тайёрлаб Москвага, Олий Аттестация Комиссиясига жўнатдим-да, ниҳоятда кўтаринки кайфиятда, гўё қанот боғлаб учаётган қушдек Нукусга келдим. Оилам билан хурсандчилигимни баҳам кўргач, эртасига институтга бордим. Яқин таниш-билишларим кучоқ очиб кутиб олди, самимий табриклади. Лекин кутилмаган бир воқеа кайфиятимни бузди, руҳимни тушириб юборди. Кадрлар бўлимидан кимдир менга «қаттиқ хайфсан» эълон қилинган, салкам икки бетлик буйруқни қўлимга тутқазди. Танишиб кўргач, бошимдан совуқ сув қуйилгандек титраб кетдим. Ёнимда ўтирганлар ҳолатимни сездилар шекилли, биринкетин ташқарига чиқиб кета бошладилар. Ўзимни босиб олиш учун бироз ўтирдим. Хаёлимда ҳар хил саволлар чарх ура бошлади. Бу қандай адолатсизлик бўлди? Кимга қандай ёмонлик қилибманки, мени бундай жазолашса? Ахир, умримда бирор марта ҳам хайфсан тугул, огоҳлантириш ҳам олиб кўрмаганман-ку?! Одатда, докторлик ҳимоя қилиб келган ходимга хайфсан эмас, миннатдорчилик билдирилмайдими? Ҳатто моддий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватланганига бир неча марта гувоҳ бўлганман-ку, ахир?! Институт, факультет, қолаверса, кафедра раҳбариятининг бу ҳаракатини

қандай тушунмоқ керак? Очиғи, бу саволларга ҳозир жавоб топишга ожиз эдим. Шундай кайфиятда уйга келдим, лекин бу нохуш хабарни оила аъзоларимга билдириб, уларнинг ҳам дилини огритишни истамадим. Лекин ўзимга яқин бирор инсон билан дарллашиб, маслаҳатлашишим зарурлигини ҳис қилардим. Ўйлай, ўйлай Сражатдин Ахметовнинг уйига боришга қарор қилдим. Воқеани унга гапириб бердим, буйруқни кўрсатдим. Ўқиб кўриб, жуда хафа бўлди:

— Бунақасини умримда эшитмаганман, — деди афсусланиб, Сражатдин оға.

— Институтдан кетмоқчиман, — дедим.

Сражатдин оға бу фикримни маъқулламади:

— Агар сен ҳозирги вазиятда институтдан кетсанг, рақибларингдан енгилган бўласан. Улар сенинг ҳимоянгга ҳалақат бериш учун шу ишларни уюштирган. Лекин сен бари бир улардан устун чиқдинг, енгдинг! Ҳозир ишдан кетсанг, «дўстларинг» қувонади, сен эса ютқазасан. Сабр қил. Ўзингни улар ўйлагандай одам эмаслигингни исбот қилиш учун ҳам институтда қолиб ишингни давом эттиришинг керак. Ўзингни оқлашинг зарур. Менинг маслаҳатим шу! Яна ўзинг биласан. Жиддий ўйлаб кўр. Сўнг афсусланиб юрма, — деди Сражатдин оға, ҳақиқатан ҳам, менинг тақдиримга қайгуриб.

Мен Сражатдин Ахметовнинг бу маслаҳатини қабул қилдим. Институтда ишлаб юравердим. Шу орада дипломимнинг тасдиғини ҳам олдим. Талабалар билан пахта теримига ҳам бориб келдим. Институтнинг Илмий кенгашига келсин, дипломини тантанали равишда топширамыз, дебди ректор. Лекин мен Илмий кенгашга боришни лозим кўрмадим. Менинг докторлик илмий даражасини олганлигим ҳақидаги хабарни ректор кенгаш аъзоларига етказганида ҳамма қарсақлар билан кутиб олганини эртасига эшитдим.

Кунларнинг бирида деканатнинг котиби сизни ректор чақирапти деб қолди. Ҳайрон бўлдим. Қандай масала бўйича чақираётган экан? Борсаммикан, бормасаммикан? деган фикр дарров ҳаслимга келди. Чунки институт раҳбариятидан, қолаверса, ректордан «қаттиқ ҳайфсан» бергани учун ҳамон хафа эдим. Баъзи ҳамкасбларимга маслаҳат солсам: борганинг маъқул, у киши раҳбардан ташқари, сендан ёши ҳам улуг, республикага танилган оқсоқол. Бормасанг хафа бўлиши мумкин, деди. Шу маслаҳат билан бордим. Ректор

жуда самимий кутиб олди. У ёқ, бу ёқдан сўзлашиб ўтирдик. Очиғи, гапимиз унчалик қовушмасди. Ҳайфсаннинг «асорати» ҳали тарқаманлиги кайфиятимдан сезилиб турарди-да!

— Сени филология факультетига декан қилиб тайинламоқчиман, — деди ректор дабдурустдан. — Ҳозирги декан бўшмоқчи, ариза берди, — деб қўшимча қилиб қўйди.

Бу мен учун кутилмаган таклиф эди. Нима дейишимни билмай, бироз шошиб қолдим. Ва мен бу ишни уddалай олмайман, ташкилотчилик уқубим йўқ, агар менга бирор амал беришни жуда хоҳлаётган бўлсангиз, кафедра мудирлигини берақолинг, дедим илтимос оҳангида. У киши:

— Кафедра қачон бўлса-да сеники, чунки сен фан докторисан. Лекин ҳозир факультет декани бўлиб ишлайсан, фалон соатга одамларни йиғиб ўтиришади, сени таништириб тавсия қиламан, — деб гапини чўрт кесди.

Бошқа эътироз билдириш фойдасизлигини сезиб ректор хонасидан тушқинроқ кайфиятда чиқдим. Ўша пайтда мени деканликка тайинлаган, мени «виждонсизлик»да айблаб «қаттиқ ҳайфсан» берган ректор, ҳурматли устоз, эндиликда академик Жуманазар Бозорбоев эди. Мен салкам ўн йил филология факультетига деканлик қилдим. Жуманазар оға билан жуда иноқ ишладик. Бир-биримизни яхши ўргандик, синадик. Ўзаро ҳурматимиз ҳам жойида эди. Бирор марта иш юзасидан у кишидан танбеҳ ёки қаттиқ сўз эшитмаганман. Жуманазар Бозорбоев баъзи «дўстларим»нинг мени ёмонлаб берган маълумотлари асоссиз эканлигига бевосита мен билан ишлаш жараёнида ишонч ҳосил қилди шекилли, мени кейинчалик ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турди. Шунинг натижаси ўлароқ, бир неча давлат даражасидаги мукофотларга ҳам сазовор бўлдим.

Менинг назаримда, проф.Ж.Бозорбоев кадрни танлай биладиган, унинг меҳнатини кадрлай оладиган, фаолиятини муайян соҳани бошқаришга йўналтириш уқубига эга раҳбарлардан. Мен унинг ўн йиллик ректорлик фаолиятида бунга ишонч ҳосил қилганман. Агар мен ўшанда Сражатдин Ахметовнинг маслаҳатига амал қилмай, ректорнинг билиб-билмай қилган ҳаракатларидан ранжиб, ҳиссиётларга берилиб институтдан бўшаб кетганимда, ҳаётимда, илмий-педагогик фаолиятимда кўзлаган мақсадларим балки орзулигича қолган бўлармиди? Ҳаётда, илмда, бошқа масала-

ларда ҳам тўғри йўл кўрсатган, фойдали маслаҳатларини аямаган Сражатдин Ахметовга ўхшаган чин инсонлардан ҳамиша миннатдор бўлиб келганман. Ўйлайманки, умримнинг охирига қадар бу эътиқодимга содиқ қоламан.

Муҳтарам ўқувчи! Юқоридаги мисолларни келтиришимдан бош мақсад, ўзимни фақат жабрланувчи, қандайдир «қаҳрамон» қилиб кўрсатиш эмас. Асло бундай ниятим йўқ! Фақат Сражатдин Ахметовдек ҳақиқий инсоннинг бир вақтлар менинг тақдирим учун куюниб қилган яхшиликлари изсиз қолиб кетмасин, жуда бўлмаса қоғоз бетларига кўчсин, деган ниятда ушбу хотираларимни сизнинг диққатингизга ҳавола қилдим. Хулоса чиқариш эса ўзингизга қолади.

Сражатдин Ахметов шундай ҳалол, адолатсизликка мурасасиз, бировга меҳр қўйса, уни астойдил ҳурмат қиладиган, лозим бўлиб қолган пайтларда уни кўкрак кериб ҳимоя қилиш учун ўзида маънавий куч топа оладиган иродали инсон эди. Атоқли адабиётшунос олимдан бизга нафақат ўнлаб илмий монографиялар, дарслик ва ўқув қўлланмалари, юзлаб мақолалар мерос бўлиб қолди, шу билан бирга, ундан бизга олижаноб инсоний фазилатлар, одамгарчилик намуналари: фидоийлик, меҳрибонлик, қатъиятчилик каби ҳислатлар ҳам мерос бўлиб қолганки, ҳар биримиз бу эзгуликларни ўзимизга сингдириб, унга амал қилиб яшасак ва меҳнат қилсак, меҳрли ва ҳақгўй инсоннинг руҳи олдидаги одамгарчилик бурчимизни адо этган бўламиз.

1998

ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЁТШУНОСЛИГИ ФИДОИЙСИ

Назаримда, адабиётшунослик билан шуғулланидиган олимларни тадқиқот йўналишларига кўра шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин. Бир тоифа олимлар борки, улар асосан, ҳозирги адабий жараён, бадиий ижод концепцияси, адабий тур ва жанрлар эстетикаси, поэтикаси, ёзувчи ёки шоирнинг адабий-эстетик қарашлари билан боғлиқ масалаларни, бир сўз билан айтганда, замонавий адабиётни таҳлил этишга мойилроқ бўлади. Ва ўзининг илмий-назарий салоҳиятини шу соҳаларда юзага чиқаради. Иккинчи бир гуруҳ олимлар ҳам бўладики, уларнинг илмий фаоли-

ятининг негизини узоқ ва яқин ўтмишда яратилган асарларни ўрганиш ташкил этади. Бу тоифа олимлар кўпроқ архив материалларига, эски қўлёзмаларга таяниб иш кўради. Тарихда чуқур из қолдирган, лекин замонлар ўтиши билан унутилиб кетган шахслар тақдири билан боғлиқ ҳужжатларни, у ёки бу ижодкор асарининг яратилиш тарихига доир фактларни тадқиқ этиш уларни кўпроқ қизиқтиради.

Адабиётшуносликнинг мураккаб, игна билан қудуқ қазिशдек кўп меҳнат талаб қиладиган бу соҳаси билан шуғулланиш, тўғриси айтганда, ҳамма олимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Шунинг учун бўлса керак, олимлар орасида ўзини шу соҳага бағишлаганлар кўп эмас. Ушбу мақолам қаҳрамони, катта олим Қирқбой Бойниёзов салкам ярим асрдан бери адабиёт илмининг бу қийин йўналиши билан изчил шуғулланиб келмоқда. Машаққатлардан чўчимасдан самарали меҳнат қилиб, ҳозирги мавқега эришди. Бугун у филология фанлари доктори, Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати. Олимга Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби фахрий унвони ҳам берилди.

Ҳа, чинакам олим, ўз касбининг ҳақиқий фидоийсигина шундай обрў-эътиборга сазовор бўла олади. Бундай илмий даражаю унвонлар осонлик билан қўлга киритилмайди, албатта. Узоқ йиллар давом этган тинимсиз илмий изланишлар, ўқиш, ўрганиш, ёзни ёз, қишни қиш демай кўп шаҳарлардаги кутубхоналар, архивлар, қўлёзмалар институтларида ижодий сафарларда бўлиб тўплаган ноёб материаллари, яратган оригинал илмий тадқиқотлари Қ.Бойниёзовга обрў келтирди, меҳнатлари муносиб баҳоланди. Бугун у қорақалпоқ адабиётшуносларининг етакчиларидан бири. Барча зиёлилар, мутахассислар, илмий-адабий жамоатчилик томонидан ҳам тан олинган ҳақиқат бу!

Қирқбой оғани қарийб йигирма йилдан бери биламан. Илгарилари мен уни жуда яқиндан танимаган бўлсам-да, ҳарҳолда шундай йирик адабиётшунос борлигидан хабардор эдим. Мақолаларини, китобларини ўқиб турардим. У билан яқиндан танишиб, кейинчалик қадрдонлашиб кетишимга туркманистонлик дўстим, шоир ва олим Аҳмет Мамедов сабабчи бўлди. Аҳмет Нукусга бир ижодий сафарга келганида: сени шу ерлик катта адабиётшунос, бир ажойиб инсон билан таништираман. У туркман адабиётини ҳам яхши билади.

Қорақалпоқ-туркман адабий алоқаларини ўрганишда маслаҳатлашиб турасан, бир-бирларингиз билан ҳамкорлик қиласизлар, деди. Мен рози бўлдим. Қирқбой оға Ахметни хонадонига меҳмонга таклиф қилди. Бирга бордик. Учаламиз анча вақт суҳбатлашиб ўтирдик. Чиндан ҳам, Қ.Бойниёзов туркман тилини, туркман адабиётини жуда яхши билар экан.

Шундан бошлаб Қ.Бойниёзов билан тез-тез телефонда ёки унинг уйида, баъзан кўча-кўйда учрашиб қолсак, мулоқот қилиб турадиган бўлдик. Қаерда ва қандай вазиятда учрашмайлик, албатта, адабиётдан сўз очади. Бирор шоир, ёзувчи ёки олим ҳақида архивдан топган янги ҳужжатлари, материаллари юзасидан тўлиб-тошиб гапиреди. Баъзи олимларнинг фактни яхши ўрганмасдан, чала материалларга асосланиб матбуотда мақолалар билан чиқаётганидан ранжиб гапиреди. Ўтирозларини қўлидаги фактлар билан исботлаб ҳам беради. Шундай вазиятларда у менинг кўз олдимда адабиётшуносликнинг ҳақиқий жонкуяри тимсолида гавдаланади ва мен олимнинг бу фазилатига тан бераман.

Бугина эмас, Қ.Бойниёзов, умуман, адабиёт, унинг муаммолари ҳақида, айниқса, ўзи кўрган, ҳамкорлик қилган олимлари, зиёлилари, шоирлари тўғрисида илҳом билан гапиреди. Унга бўлган ҳурматим шу тарзда ошиб бораверди. Қорақалпоқ адабиёти ҳақида бирор нарса ёзмоқчи бўлсам, ундан маслаҳат сўрайман. Қирқбой оға ҳам ўзбек ёки туркман адабиётига тегишли бирор маълумот керак бўлса, менга мурожаат қилади ва мен унинг илтимосини бажаришга ҳаракат қиламан. Бизнинг ушбу ҳамкорлигимиз ҳозиргача шу зайлда давом этиб келаяпти. Ва мен шундай фидойи адабиётшунос билан ҳамкор ва ҳамфикр бўлганимдан доимо миннатдор бўлиб юраман.

Қ.Бойниёзов чинакамига қорақалпоқ адабиёти ва адабиётшунослигининг толмас тадқиқотчиси, ҳақиқий жонкуяри. Айниқса, у XIX асрнинг охири ва XX асрнинг биринчи ярмидаги қорақалпоқ адабиётини жуда яхши билади. У бу даврни ҳар томонлама ўрганиб, оригинал ишлар ёзди ва ҳозир ҳам бу ишни муваффақиятли давом эттираётган ўта меҳнаткаш олимлардан бири. Олим бугунги кунгача ўндан ортиқ илмий китоблар муаллифи. Тўрт юзга яқин мақолалари газета-журналларда босилди. Қ.Бойниёзовнинг турли йилларда нашрдан чиқарилган «Шеърнинг кучи», «Бирин-

чи роман муаллифи», «Тонг юлдузлари», «Оллаёр Дўсназаров», «Элим деб талпинганлар», «Ҳаким ота Сулаймон Боқирғоний — бизнинг буюк ватандошимиз» ва яна бир неча китоблари қорақалпоқ адабиётшунослигининг ютуқларидир.

Қ.Бойниёзовнинг адабиётшунос-тадқиқотчи сифатидаги бир фазилатини жуда қўллаб-қувватлайман. Гап шундаки, у баъзи адабиётчиларга ўхшаб у ёки бу олим ё ижодкор, ёхуд муайян асар ҳақида у ер бу ердан эшитган чала-чулпа оғзаки гапларга ёки матбуотда босилган хом-хатала, етарли даражада исботланмаган маълумотларга таяниб иш кўрадиган олимлардан эмас. У таҳлил қилмоқчи бўлган асарнинг аслият матни билан танишмагунча ёки бирор ижодкор фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларнинг асл нусхаларини ўз кўзи билан кўриб, манбанинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилмагунга қадар илмий иш ёзишга ўтирмайди. Олим илмда пала-партишликни ёқтирмайди. Фикрларининг асосли ва шубҳа туғдирмайдиган бўлиши учун астойдил изланади, манбаларни қайта-қайта кўриб, «қилни қирқ ёриб» аниқ бир хулосага келгандан сўнггина ишга киришади. Оригиналга суянган ҳолда матн устида ишлаш, ўзининг илмий қарашларини ҳужжатлилик асосида далиллаш Қ.Бойниёзовнинг бош тадқиқот принциpidир. Қирқбой оға бирор адабиётшунос билан у ёки бу илмий муаммо юзасидан мунозарага киришганда ҳам ўзининг даъволарини инкор қилиб бўлмайдиган фактлар билан шундай исботлайдики, олимнинг мушоҳадалари нақалар теран ва асосли эканлигига тан бермасдан иложингиз йўқ. Бу нарса, айниқса, унинг Ажиниёз, А.Мусаев, А.Добилов, С.Нурумбетов, А.Бегимов каби шоирларнинг ижодига бағишланган тадқиқотларида, унинг бошқа адабиётшунослар билан қилган баҳсларида очиқ кўринади.

Қ.Бойниёзов туркман адабиётининг ҳам том маънодаги билимдони, мухлиси, айтиш мумкинки, тадқиқотчиси. Унинг «Китоб кўрдим Андалибдан», «Туркман халқининг булбули», «Махтумқули ва Аббоз Добилов», «Туркман мумтоз шеърляти ва қорақалпоқ халқ шоирлари ижоди», «Аяпберган шоир асарларида Махтумқули аъналарини», «Шоир Мағрубий ҳақида ўйлар» каби мақолалари нафақат Қорақалпоғистон матбуотида, Туркманистоннинг марказий нашрларида ҳам босилди. Олим номини қардош адабиётнинг илмий-адабий жамоатчилигига танитди.

Шунингдек, у олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун қорақалпоқ адабиётидан дарсликлар тайёрлашга ҳам фаол қатнашди. У кўп жиллик қорақалпоқ фольклорини нашрга тайёрловчилардан бири. А.Бегимов, А.Мусаев, Н.Довқораев, Қ.Айимбетов, О.Кожуров, С.Мажитов, И.Фозиловларнинг асарларини тўшлаш ва нашрга тайёрлашдаги хизматлари алоҳида. Қ.Бойниёзов нафақат илмий тадқиқотчи, адабиётшунос, айти пайтда у ношир, моҳир матншунос сифатида ҳам элга танилган зиёлилардан биридир.

Қ.Бойниёзовнинг таржимонлик фаолиятини алоҳида тилга олса арзийди. У рус, туркман, қозоқ, қирғиз тилларидан ўнлаб шеърӣ ва насрий асарларни қорақалпоқ тилига ўғирди. Жумладан, А.Михайлов, Н.Сарихонов, Тўқтагул, А.Тўқмағамбетов, Камина, А.Назаров, К.Васин каби турли миллат ижодкорларининг асарлари Қ.Бойниёзов таржимасида қорақалпоқ тилида босилиб чиқди.

Ушбу мақолада катта ҳаётӣ ва илмӣ тажрибага эга жонқуяр адабиётшунос олим, оддий деҳқон келбатли, камтарин инсон Қирқбой Бойниёзовнинг илмӣ-бадий ижод саҳифаларига бир назар ташладим ва шундай хулосага келдимки, бундай фидоӣ олимларнинг ҳаёт ва ижод йўллари қанчалик кўп ўрганилса, илмӣ тажрибалари оммалаштирилса, айтиқса, адабиёт илми остонасига қадам қўяётган ёшлар учун намуна бўлади. Шундай экан, келажакда Қирқбой Бойниёзовга ўхшаган фидоӣ устоз адабиётшунослар ҳақидаги тадқиқотларнинг кўплаб яратилишини истардик.

2008

ИЛМ ВА ИЖОД УЙҒУНЛИГИ

Адабий жараёнда ҳам илм, ҳам бадий ижод билан баравар шуғулланиш, илмӣ-адабий жамоатчиликка манзур асарлар яратиб назарга тушиш осон эмас. Тўғри, қорақалпоқ адабиётининг узоқ ва яқин ўтмиш тарихида, бугунги адабий муҳитда ҳам илмӣ-бадий соҳада баҳоли қудрат ижод қилиб келаётган олим-ёзувчилар бор. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам бу икки ижод типиди баравар асарлар яратиб, адабиёт ихлосмандларини қойил қолдираётти дейиш қийин. Баъзиларининг фаолиятида илмӣ йўналиш устувор бўлса, айримлари кўпроқ бадий ижодга, истейдоди ёзувчиликка мойилроқ эканлиги сезилмоқда.

Бадий ижодга шунчаки бир ҳавас деб қараш ёки зўрма-зўраки асарлар яратиш ва шу йўл билан адабий муҳитдан муайян ўрин эгаллашга уриниш фойдасиз. Бир пайтлар бадий ижодда кучини синаб битта-иккита ҳикоя ёки қисса ёзган, кейинчалик бу соҳага тасодифан кириб қолганини билиб, ёзувчиликни тарк этган, ўзини илмга бағишлаганлар ҳам йўқ эмас. Шу билан бирга, ҳар икки ижод типиди жловини тенг ва маҳкам ушлаб, унга садоқат билан хизмат қилиб келаётган олим-ёзувчилар ҳам бор. Филология фанлари доктори, профессор Камол Мамбетов, менимча, илмга ҳам, бадий адабиётга ҳам сидқидилдан хизмат қилиб келаётган ана шундай ижодкорлардан бири.

Ҳозирга қадар нашр этилган ўндан ортиқ илмӣ монографиялари, дарслик ва қўлланмалари, юзлаб мақолалари К.Мамбетовни адабиётшунос сифатида характерласа, бир неча романлари ва қиссалари, ҳикоялари ва очерклари уни истейдодли ёзувчи эканлигидан дарак беради. Унинг олимлик салоҳияти ҳам, ёзувчилик таланти ҳам тенг салмоққа эга, бири иккинчисидан қолишмайди. Шундай бўлса-да, мен гапни Камол Мамбетовнинг адабиётшунослик фаолиятидан бошлашни маъқул кўрдим, менинг назаримда, у қорақалпоқ адабиёти тарихининг билимдонларидан бири.

Олим илмӣ фаолиятининг катта қисмини қорақалпоқ адабиёти тарихини ўрганишга бағишлади. Қорақалпоқ адабиётшунослигида «очилмаган қўриқ» бўлиб келаётган энг қадимги давр адабиётини ўрганишга ҳали ҳеч бир мутахассис журят этолмаган бир шароитда уни тадқиқ этишга киришгани ўзига хос фидоӣлик ва мардлик эди. К.Мамбетовнинг қорақалпоқ адабиётшунослиги олдидаги катта хизматларидан бири, менимча, шу билан изоҳланади. Бу соҳада муваффақиятга эришиш олим учун осон бўлмаган. У кўп изланди, фақат адабий манбаларни эмас, тарихий китобларни ҳам ўқиб чиқди. Араб алифбосидаги ёзувни эмин-эркин ўқиш учун қўшимча маълумот олишга тўғри келди. Гарчи олий маълумотга эга бўлиб, аспирантурада ўқиётган бўлса-да, у Тошкент давлат университетининг шарқшунослик факультетида яна қўшимча таҳсил олди, талаба бўлиб араб ёзувини ўрганди. Энди у араб алифбосидаги қўлёзмаларни бемалол ўқиш имкониятига эга бўлди. Бу ҳам қизиққан соҳасига бўлган фидоӣликнинг белгиси эди. Мавзуга ало-

қадор архив материалларини ҳам эринмасдан ўрганди. Шарқ адабиётининг машҳур тадқиқотчилари ва тарихчи олимларнинг фойдали маслаҳатларидан ҳам баҳраманд бўлди.

Энг қадимги қорақалпоқ адабиёти тарихини ўрганишга олим шу хилдаги илмий тайёргарлик билан киришди. Натижада унинг изланишлари кўп қуттирмай яхши самаралар бера бошлади. Ўрганилган адабий-бадий манбалар асосида қорақалпоқ адабиёти тарихини XIV асрдан бошлаш мақсадга мувофиқ деган илмий концепцияни ўртага ташлади. Мавзуга доир матбуотда эълон қилган илмий мақолалари кўпчиликлда қизиқиш уйғотди. К.Мамбетов мавзуга тегишли илмий изланишларини умумлаштириб «Қадимги қорақалпоқ адабиёти» номли катта монографиясини чоп эттирди. Кейинроқ у «Қорақалпоқ адабиётининг пайдо бўлиши ва шаклланиши» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Олим ҳимоядан кейин ҳам бу йўналишдаги илмий ишини давом эттирди ва «XIV-XVIII асрлар қорақалпоқ адабиёти», «Эрта даврдаги қорақалпоқ адабиёти» деган кўламдор китобларини нашрдан чиқарди.

Проф.К.Мамбетовнинг қорақалпоқ адабиёти тарихини XIV асрдан бошлаш кераклиги ҳақидаги илмий нуқтаи назари мутахассислар томонидан, асосан, маъқулланди, тан олинди ва у XIV-XVIII асрлар қорақалпоқ адабиёти тарихининг билимдони, моҳир тадқиқотчиси, ўша давр адабий муҳитини илмий кашф этган олим сифатида қадр топди. К.Мамбетов қорақалпоқ адабиёти тарихининг чинакам фидоий тадқиқотчиси эканлиги фақат булар билан чекланмайди. У Жиян Жиров, Қунхўжа, Ажиниёз, Бердақдек мумтоз шоирлар ижодини ҳам яхши билади ва улар ҳақида ҳам фундаментал илмий ишлар яратган адабиётшунос. Унинг «Ажиниёз»номли илмий монографияси бу фикрнинг исботи. К.Мамбетов фақат қорақалпоқ адабиёти тарихини ўрганувчи олим эмас, у қорақалпоқ халқининг пайдо бўлиш тарихини ҳам тадқиқ этган тарихчи-этнограф ҳамдир. Муаллифнинг «Қорақалпоқлар шажараси», «Қорақалпоқлар тарихи» монографиялари қорақалпоқ халқи тарихи билан қизиқувчилар учун ҳам фойдали қўлланма сифатида қабул қилинди.

К.Мамбетов кўп йиллардан бери Қорақалпоқ давлат педагогика институтида, кейинчалик университетда қорақалпоқ адабиётидан дарс беради. Бу соҳада ҳам у муайян илмий-педагогик тажриба тўплаган устозлардан бири. Сўнгги йил-

ларда у олий ўқув юрти талаблари учун дарслик ва қўлланмалар ҳам яратди. «Эрта даврдаги қорақалпоқ адабиёти», «Қорақалпоқ адабиёти тарихи» (ҳаммуаллифликда), «Эрта даврдаги адабий ёдгорликлар» (мажмуа ўрнида), «Адабиёт назарияси» каби дарсликларида бугунги талабалар фойдаланмоқда.

К.Мамбетовнинг адабиётшунослик фаолияти фақат қорақалпоқ адабиёти тарихини ўрганишдангина иборат десак, олимнинг илмий изланишларининг доирасини анча торайтириб қўйган бўлардик. У ҳозирги давр адабий жараёнини теран идрок этиб, ўзининг адабий-эстетик қарашлари, илмий концепциялари билан унга таъсир кўрсатиб келаётган фаол адабиётшунос-танқидчи ҳамдир. Қорақалпоқ адабий ҳаётида пайдо бўлган ҳар бир янгилик, баҳс-мунозара К.Мамбетов назаридан четда қолган эмас. Олимнинг Ж.Оймирзаев, Т.Қайипбергенов, И.Юсуфов, Ш.Сейитов, Т.Матмуратов ва яна бошқа ўнлаб қорақалпоқ адиблари ижоди тўғрисида битилган мақолаларини, китобларига ёзилган тақрирларини тилга олишнинг ўзи кифоя.

Профессор Камол Мамбетов илмий фаолиятида яна бир муҳим қирра бор. У Тошкент давлат (ҳозирги Ўзбекистон Миллий) университетининг журналистика факультетида таълим олган, беш йил ўзбек илмий-адабий муҳитидан озиқланган, М.Қўшжонов, О.Шарафилдинов, Ғ.Каримов, А.Ғуломов, Л.Қаюмов, Ш.Раҳматуллаев сингари машҳур устозлардан сабоқ олган. Шунинг учун бўлса керак, у ўзбек тилини, ўзбек адабиётини яхши билади. Ўзбек адабиётидан бадий таржималар ҳам қилган. Ўзбек адабиёти намояндаларининг ижоди ҳақида бир неча илмий мақолалар бостирганини яхши биламан. Алишер Навоий, Абдулла Қодирий, Ҳамза, Ойбек, Ғафур Ғулом, Миртемир, Зулфия, Асқад Мухтор каби ўзбек адиблари ижоди билан қорақалпоқ ўқувчиларини таништиришда Камол Мамбетовнинг хизматлари алоҳида.

К.Мамбетов сўнгги даврларда қорақалпоқ адабиётини ўзбек адабиёти билан ижодий алоқа ва ўзаро таъсир аспектида ўрганиш бўйича ҳам бир талай ишларни амалга оширди, ўнлаб мақолалар эълон қилди. Бу мавзу таҳлилига бағишланган «Навоий ва қорақалпоқ адабиёти», «Ўзбек-қорақалпоқ адабий алоқалари» номли рисоаларини тилга олиш мумкин. К.Мамбетовнинг илмий фаолиятидаги бу ютуқларнинг негизидан унинг ўзбек олимлари ва адиблари билан ижодий ҳамкорлиги ётади.

Чунки у кўп йиллардан бери Ўзбекистоннинг таниқли адабиётшунослари билан илмий алоқалар ўрнатиб, адабиёт илмининг долзарб муаммоларини биргаликда ҳал қилишга қатнашиб келаётган адабиётшунослардан биридир.

К.Мамбетовнинг адабиётшунос сифатида яна бир ибратли фазилати бор. У ўзбек адабиётини қанчалик яхши билса, қозоқ, қирғиз, туркман адабиётларини ҳам шу даражада мукамал билади. Бу адабиётлар ҳақида ҳам олим бир неча тадқиқотлар яратган. Шу маънода, у мазкур республика олимлари билан ҳам кўп йиллардан бери илмий-ижодий ҳамкорликни сақлаб келаётган, қорақалпоқ адабиёти билан Марказий Осиё адабиётлари ўртасидаги ижодий алоқаларни мустаҳкамлашга фаол хизмат қилиб юрган замондошларимиздан бири. Уни Марказий Осиё республикаларининг кўпчилигида олим ва ёзувчи сифатида яхши билиши ва ҳурмат қилишининг бир сабаби ҳам шунда.

Камол Мамбетов бадиий ижод билан мунтазам шуғулланиб келаётган бугунги қорақалпоқ адабиётининг пешқадам ёзувчиларидан бири. Унинг бадиий ижодида ҳам, худди илмий фаолиятидаги сингари тарихий мавзу етакчи ўринда туради. Олим тарихни, адабиёт тарихини, қорақалпоқ халқининг келиб чиқиш тарихини синчиклаб ўрганиб қимматли материаллар тўплади. Қорақалпоқ халқи тарихининг ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган янги саҳифаларини очди. Муаллиф бу адабий-тарихий материаллар фақат адабиётшунослик учунгина эмас, бадиий асар учун ҳам бой манба бўлиб хизмат этиши мумкинлигини ижодий ҳис қилади ва бу имкониятдан фойдаланишга астойдил бел боғлайди. Менимча, ёзувчининг «Бўзатов», «Тўзиган эл», «Туркистон» каби йирик тарихий романлари ана шу илмий изланишларнинг бадиий адабиётдаги ўзига хос бир кўриниши эди. Уч роман ҳам китобхонлар, илмий-адабий жамоатчилик томонидан яхши кутиб олинди, ижобий баҳоланди, унинг муаллифи эса тарихнавис ёзувчи сифатида танилди. Адиб замонавий мавзуларда ҳам бир неча асарлар ёзиб китобхонларга тақдим этди. Унинг «Виждон» романи 70-80 йиллардаги ҳаётни, турғунлик даврининг иллатларини, маънавий-ахлоқий камчиликларни фош қилувчи асар сифатида қорақалпоқ адабиётида қадрланади. Ёзувчининг «Имтиҳон», «Москвадан келган қиз», «Марварид шодалари», «Бахтинг очил-

син, Арухан» сингари замонавий мавзудаги қиссалари ҳам қорақалпоқ насри тараққиётига кўшилган ҳиссадир.

Ушбу ихчам мақоламда Камол Мамбетовнинг бадиий ижодига тегишли йирик асарларинигина тилга олдим. Табиийки, унинг бадиий ижоди фақат шулардангина иборат эмас. Ёзувчининг кўплаб ҳикоя ва очерклари, публицистик мақолалари ҳам чоп этилган. Буларнинг барчаси уни талантли ёзувчи ва публицист деб таърифлашга асос беради.

Проф. Камол Мамбетов серқирра истёдод соҳиби. У илмда ҳам, бадиий ижодда ҳам жуда самарали ишлаб, катта обрўга эришди, мухлислар орттирди. Олимнинг илм йўлидаги меҳнатларининг «Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони билан баҳолангани, бадиий ижод соҳасидаги фаолиятининг «Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси» шарафли унвони билан тақдирлангани бу фикримнинг исботи. К.Мамбетовнинг қорақалпоқ адабиёти ва адабиётшунослиги олдидаги хизматлари назарда тутилиб, унга Бердақ номидаги Давлат мукофоти берилиши ҳам бежиз эмас. Унинг илмий-бадиий фаолияти мана шундай юксак мукофотларга муносиб.

К.Мамбетовни қўш қанотли қушга ўхшатгим келади. Адабиётшуносликда тўплаган илмий тажрибалари олимни бадиий ижодга илҳомлантирса, ёзувчиликда орттирган адабий-эстетик принциплари уни илм билан шуғулланишга доимо чорлаб турди. Бу икки ноёб истёдод белгиси, гўё унинг икки қанотига айланиб, ижоднинг баланд чўққиларига парвоз қилишига ёрдам берди. Мақолам сўнггида таниқли олим ва ёзувчи, ҳамкасаба дўстим, камтарин инсон, профессор Камол Мамбетовга: ижодингизнинг қўш қаноти ҳеч қачон толмасин! Адабиёт осмонидаги парвозингиз бундан ҳам баланд, самарали ва жўшқин бўлсин! — деб тилак билдираман.

2000

ТАДҚИҚОТЧИ — ПЕДАГОГ ВА ИЖОДКОР

Илм-фаннинг кўп соҳалари, бадиий ижоднинг бир неча жанрларида қалам тебратиш, бу ҳам ўзига хос талант. Ижод типларининг илмий-бадиий қонуниятларини қалбдан ҳис қилиб, мушоҳада юритиш, ўқувчига маъқул бўладиган оммабоп асарлар яратиш кўп меҳнат, маҳорат талаб қилади.

Профессор Жумирбой Қайирбоев кўп йиллардан бери шу илмий-ижодий меҳнат масъулиятини сезиб, ҳар хил илмий йўналишларда, турли адабий жанрларда илмий-бадний асарлар ёзиб келаётган тадқиқотчи-педагог, мураббий ва ижод соҳибидир. У илмий-услубий китоблари, бадний-публицистика ва педагогик тажрибаси билан Қорақалпоғистонда танилган устоз ижодкор, қолаверса, болалар адабиётининг фидойи вакиллари билан бири. Ҳозиргача унинг тўрт юздан ортиқ илмий-услубий, адабий-танқидий мақолалари босилиб чиқди. Мактаблар, ўрта махсус ўқув муассасалари ва олий ўқув юртлари учун бир неча дарслик ва қўлланмалар, мактаб ёшидаги болалар учун ёзилган ва турли йилларда чоп этилган шеърӣй ва насрий китоблар олимнинг қаламига мансубдир.

Ж.Қайирбоев 50-60 йиллар адабий жараёнига бир туркум мақолалари, тақризлари билан кириб келди. Ўша йиллардаги Қорақалпоғистоннинг газета ва журналларида унинг адабий-танқидий мақолалари, тақризлари мунтазам босилиб турган. Бу йилларда у кўпроқ адабиётшунос ва адабий-танқидчи сифатида кўринади. Нашрдан чиққан янги шеърӣй ёки насрий тўплам бўладими, журналда босилган бирор асар дейсизми ёки саҳналаштирилган пьесами, Жумирбой Қайирбоевнинг назаридан четда қолган эмас. Бу ижод намуналарининг бадний-эстетик қимматига баҳо бериб, ўнлаб тақризлар эълон қилади. Тақризчи муайян бир асар ҳақида фикр юритар экан, уни асоссиз мақтамайди, далилсиз танқид ҳам қилмайди. Ҳар бир асарни, бадийят мезонлари, шоир ёки ёзувчининг маҳоратига қараб баҳолайди. «Ялтилаганнинг ҳаммаси ҳам олтин бўлавермайди», «Кўчирмами, таржимами?», «Азаматлик йўли бу эмас» номли танқидий мақолаларида келтирилган далиллар муаллифнинг илмий-эстетик савияси пишиб етилганидан ва ҳар қандай бадний асар тўғрисида холис таҳлил юрита олиш қобилиятидан дарак беради. Олимнинг қорақалпоқ адабиётининг муҳим масалаларига бағишланган «Образ ҳаққонийлиги», «Бадний адабиётнинг тили ҳақида баъзи мулоҳазалар», «Қорақалпоқ насрида жангчилар образи», «Замондошларимиз ҳақида ёзилган очерклар», «Халқ оғзаки ижодининг тарбиявий аҳамияти», «Бир пардали пьесалар ҳақида мулоҳазалар» ва яна бошқа бир неча долзарб мақолалари ўз даври адабиётшунослигига ҳисса бўлиб қўшилди.

Ж.Қайирбоевнинг адабий жараёнга фаол аралашуви ва ҳар бир янги асарга ҳозиржавоблик билан муносабат билдириб бориши ижобий факт эди. Қорақалпоқ адабий танқидига, жумладан, тақриз жанрига эътибор сусайиб кетган ҳозирги даврда Ж.Қайирбоевнинг бир вақтлардаги бу масаладаги фаоллигини, тажрибаларини ёш танқидчи олимларга ибрат қилиб кўрсатса арзийди. Тўғриси, бундай фаол танқидчилар ҳозирги адабий муҳитда жуда соз.

* * *

Ж.Қайирбоевни халқ маорифи ходимларига танитган яна бир муҳим соҳа бор. Бу унинг педагогик таълим билан боғлиқ тадқиқотчилик фаолияти. Қирқ йилдан ошдики, у педагог-олим сифатида «Алифбе» китобидан тортиб то олий ўқув юртлари учун дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишгача бўлган йўлни босиб ўтди. У ҳозир ҳам бу жараёнларга фаол қатнашиб келаётган халқ маорифининг жонкуяри. 1981 йилда унга «Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвонининг берилиши устоз-мураббийнинг халқ маорифи тизимидаги меҳнатининг давлат даражасида баҳолангани эди. Унинг биринчи синф ўқувчилари учун ёзилган «Алифбе» (1961)си ўттиз йил мактаб оstonасига илк бор қадам қўйган болаларнинг ардоқли китоби бўлиб келди. Қорақалпоқ мактабларининг VII-VIII синфлари учун тузилган «Ватан адабиёти» мажмуаси кўп йиллар ўқувчиларни Ватан адабиётига муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда зарур қўлланма вазифасини ўтади. Шу билан бирга, Ж.Қайирбоев мактабларда «Алифбе»ни, қорақалпоқ тилини ўқитиш масалаларига бағишланган бир неча услубий дастурлар ишлаб чиқиб, қўлланмалар яратди. Ва у таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактабларнинг бошланғич синфларида савод ўрганиш методикаси бўйича Қорақалпоғистондаги тажрибали услубиётчи олимлардан бири сифатида тан олинди. Сўнгги йилларда педагог-олимнинг бошланғич синф ўқувчилари учун «Алифбе», олти яшарлилар ўқийдиган синфлар учун «Ҳусни хат», «Саводхонлик», «Расм-и алифбе», тўрт йиллик мактабнинг биринчи синфлари учун «Алифбенинг дўсти» ва яна бир қатор дарслик, қўлланма ва дидактик материаллари босилиб чиқди. Ж.Қайирбоев кейинги икки-уч йилда таҳсинга лойиқ яна бир ишга қўл урди,

қозоқ олимлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистондаги таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактаблар учун «Алифбе» китобини ёзди ва уни Тошкентда чоп эттирди. Бундай мураккаб ва машаққатли ишни амалга ошириш учун нафақат меҳнат, балки ҳаётий тажриба, илм ва билим, педагогик маҳорат ҳам керак бўлади. Ж.Қайирбоевнинг катта ҳаётий тажрибага эгалиги, педагог тадқиқотчи сифатидаги билими ва илми, болалар психологиясини чуқур ўзлаштириб олгани, лозим бўлиб қолганда бола қиёфасига кириб «сўзлаши», ўқувчининг тилига ҳам, дилига ҳам йўл топиб ижод қилгани, менимча, бу соҳадаги ютуқларининг бош омилидир.

Проф. Ж.Қайирбоев шу кунларда таълим йўналишидаги фаолиятини кўпроқ олий ва ўрта махсус ўқув юртларидаги таълим-тарбия билан қўшиб олиб бормоқда, яъни у энди услубий-тилшунос олим сифатида кўрина бошлади. Олий ўқув юрти аудиторияларида тўплаган илмий-амалий тажрибалари асосида талабалар учун дарслик ва қўлланмалар, услубий кўрсатмалар яратишга киришди. Тадқиқотчининг «Қорақалпоқ диалектологияси», «Тилшуносликка кириш», «Қорақалпоқ тили», «Адабиётшуносликка кириш» фанлари бўйича нашр эттирган илмий-услубий китоблари айни кунларда ҳам талабалар қўлида. Педагог-олим сиртқи ва кундузги бўлим талабалари учун назорат, курс ва диплом ишлари ёзиш бўйича бир неча методик кўрсатмалар ҳам ишлаб чиқди ва уларни амалиётга тадбиқ этди. Унинг ўрта махсус ўқув юртлари учун мўлжалланган қорақалпоқ тилшунослари билан ҳамкорликда яратган «Қорақалпоқ тили» дарслиги талабаларга қўл келмоқда. Олимнинг педагогик таълим, тилшунослик илми, бошланғич ва олий таълим услубийти бўйича яратган илмий-методик тадқиқотларининг салмоғи катта ва турлича. Бу илмий ишларнинг ҳар бири бугунги халқ маорифи тизимида амалий аҳамиятга эга эканлиги мутахассислар томонидан маъқулланди.

Ж.Қайирбоев сўнгги йилларда Қорақалпоғистоннинг илм-фани, адабиёти ва маданияти, маорифи тараққиётига ҳисса қўшган таниқли олимлар ва зиёлиларнинг ҳаёт ва ижод йўллари бағишлаб бир неча рисоалар, адабий-илмий портретлар яратди. «Таниқли олим, ҳурматли педагог», «Ҳам устоз, ҳам олим», «Таниқли олим ва устоз», «Оғзаки адаби-

ётимизнинг жонкуяри» китобларини фикримнинг исботи учун тилга оламан.

* * *

Жумирбой Қайирбоев бир неча йилдирки, болалар адабиёти майдонида самарали ижод қилиб келмоқда. Бугунги қорақалпоқ болалар адабиёти, жумладан, шеърини тўғрисида сўз юритилгудек бўлса, унинг номи ва китоблари ҳам тилга олинади. Ҳозиргача муаллифнинг ўнга яқин шеърини китоби босилди. Унинг «Топишмоқлар», «Ўйланайлик, топайлик», «Ўйла, изла, топ», «Қани ким топқич?» тўпламлари кичкинтойларнинг севимли китобчасига айланиб улгурди. Рисолаларнинг номидан ҳам кўриниб турибдики, улар топишмоқ жанрига мансуб. Китобларга киритилган барча жумбоқлар болаларни ўйлашга, фикрлашга ўргатади, тафаккурини ривожлантиришга, дунёқарашини кенгайтиришга ёрдам беради. Муаллиф синчковлик билан ҳаётдан болалар ёшига мос материаллар тўплаган ва уларни маънодор топишмоқлар шаклида ўқувчиларга тақдим этган. Ҳар бир топишмоқнинг ҳам маънавий-маърифий, ҳам эстетик жиҳатдан қимматли бўлишига алоҳида эътибор берилгани муаллифнинг улкан ютуғидир. Чунки болалар адабиётига бағишланган ҳар бир асарда маърифий тарбия билан эстетик тарбия уйғунлашган ҳолда ифодаланмас экан, бундай асар болалар онгида ҳаётга интилиш, ҳавас уйғота олмайди. Ж.Қайирбоев юқорида тилга олинган китобларининг барчасида болалар адабиётига хос бу бадиий-эстетик талабни назарда тутиб иш кўрган. Айниқса, бу фазилят мустақиллик йилларида нашрдан чиққан «Жумбоқ биздан, жавоб сиздан», «Сен кимнинг қизисан?», «Биласанми тилингни?» номли китобларида кўзга ташланади. Мазкур асарларнинг ўзига хослиги шундаки, улар жанр нуқтаи назаридан хилма-хил. Тўпламларга жумбоқлар билан бирга, болалар ҳаётига бағишланган шеърлар, насрий лавҳалар ҳам киритилган.

Болалар учун ёзилган ҳар бир асар, албатта, сюжетли бўлиши лозим. Ж.Қайирбоев кичкинтойлар адабиётининг бу ўзига хослигини ҳам ҳисобга олган. Табиат ҳодисаларини фалсафий планда акс эттирган, шартлилик принципида яратилган сюжетли шеърлар ва митти ҳикоялар орқали шоир ҳаётнинг жонли манзарасини чизади ва шу орқали болалар психоло-

гиясига ўз таъсирини ўтказди. Жажжи шеърин ва насрий ҳикоялардаги мажозий образлар орқали болаларга ҳаёт ҳақида маълумот беради, уларнинг поэтик фантазиясини бойитади, одамларни яхши ва ёмонга ажрата олиш қобилиятининг ўсишига ёрдам беради. Бу асарларнинг ҳар бирида бола тасаввурини бойитадиган, улар онгининг тез суръатлар билан шаклланишига ижобий таъсир кўрсатадиган, тарбиявий аҳамияти катта ҳаётини воқеалар ҳикоя қилинади.

Болалар учун ижод қилиш осон эмас. Бунинг учун болалар психологиясининг нафис билимдони бўлиш керак. Ҳаётдаги ҳар бир ҳодисага қизиқиш билан қарайдиган боланинг дунё сирлари ҳақидаги саволларига поэтик жавоб топишдек масъулият ҳамини болалар ижодкори олдида кўндаланг туради. Ижодкор бизни ўраб турган табиат ва ҳаёт воқеаларини болалар онги, савиясига мос тарзда, содда шаклда ҳикоя қилиб беришининг энг таъсирчан ва энг маънодор поэтик усулларидан фойдалансагина мақсадига эриша олади, болани қизиқтирадиган сюжет яратиши мумкин. Ж.Қайирбоевнинг болалар учун ёзилган барча шеърин ва насрий асарлари, бола дилидан чиққан савол ва жавоблари, масаллари оддийлиги ва поэтик оҳангдорлиги, маърифий ҳамда тарбиявий аҳамияти билан унутилмас таассурот қолдиради. Муаллифнинг болалар ҳаётдан олиб ёзилган асарларида болаларга ўрناк бўладиган тимсоллар тўқишга мойиллик кучли. Асарларнинг маърифий қадр-қиммати ҳам, менимча, шу билан ўлчанади. Болалар ижодкорларига қўйиладиган асосий талаблардан бири ҳам шу. Ж.Қайирбоев болалар шоири сифатида бу масъулиятли вазифани баҳоли қудрат уддалаб келмоқда.

Ж.Қайирбоевни бугунги қорақалпоқ болалар адабиётининг йирик арбоби, унинг тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган катта ижодкор, деб айтсам, бироз бўрттирган бўламан. Муаллифнинг болалар адабиётига тегишли нашр эттирган китоблари, балки бу мезонга тўғри келмас, балки бадиий-эстетик талаб даражасидаги салмоққа эга бўлмаслиги мумкин. Лекин бир ҳақиқатни тан олишингизни истардим. Ж.Қайирбоевнинг болалар ҳаётига бағишланган, ҳозиргача босилиб чиққан китоблари, газета-журналларда эълон қилинаётган шеърлари, жумбоқлари, ҳикоялари ўқувчилар томонидан яхши кутиб олинмоқда, ўқитувчилар, мураббийлар бу асарлардан амалий фаолиятларида, дарс жараёнлари-

да фойдаланаяпти. Энг асосийси, бу материаллар мактабларда ўқувчилар учун маънавий-ахлоқий тарбия қуроли вазифасини бажармоқда. Ушбу факт қорақалпоқ болалар адабиётида Ж.Қайирбоевнинг муайян даражада ўрни бор деган ҳулосавий фикрни айтишга, менимча, асос беради.

Ж.Қайирбоев Қорақалпоғистонда тарбияшунос олим сифатида ҳам кўпчиликка яхши таниш. У оила одоби, бола тарбияси, қайнона ва келин муносабатлари, камтаринлик ва олижаноблик ҳақида кўп мақолалар ёзди. Урф-одатларимизда пайдо бўлаётган янгиликларни тарғиб қилувчи матбуотдаги долзарб чиқишлари халқимизга яхши маълум деб, ўйлайман. Унинг «Бола тарбияси барчанинг иши», «Болани эстетик тарбиялаш», «Дастурларимизга янгича ёндашайлик», «Одобрлик — инсон кўрки», «Қайнона кенг феъл, келин мулоим бўлса», «Анъаналаримиз янги замонга мос бўлсин», «Одобрлик ва камтаринлик», «Сирлашишнинг сирини нимада?» каби долзарб мақолалари тарбияшунослик илмининг ютуқларидир. Улар олимнинг кўрган-кузатганлари, катта турмуш тажрибалари асосида ёзилган. Мақолаларда илгари сурилган ғоялар, тарбия концепциялари кўпчиликка сабоқ. Олимнинг ҳамкасблари билан ҳаммуаллифликда яқинда нашрдан чиқарган «Тил — тарбия қуроли», «Ҳазрати муҳаббат», «Қорақалпоқ халқ эртакларида одоб-ахлоқ тарбияси» китоблари ҳам жамоатчиликда қизиқиш уйғотди. Миллий ғоя, миллий мафкура руҳига ҳамоҳанг мазкур рисолаларда мустақиллик даврининг долзарб масалалари ҳақида сўз юритилади, кадрларимиз улуғланади, ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилади. Чинакам тарбияшунос олимга хос барча фазилатлар Ж.Қайирбоевнинг Қорақалпоғистон радиосидаги туркум чиқишлари ва суҳбатларида ҳам ўз ифодасини топди.

Фикрларимни умумлаштириб айтсам, устоз мураббий, педагог-тадқиқотчи ва ижодкор, тарбияшунос олим, профессор Жумирбой Қайирбоевнинг илм ва ижод йўлидаги фаоллиги ва ғайратига ҳавасингиз келади. Бундай фидоий маорифчилар, педагог-тадқиқотчилар ва ижодкорлар сафимизда қанчалик кўп бўлса, илмимиз билан таълимимизнинг, адабиётимиз билан маданиятимизнинг, маънавиятимиз ва маърифатимизнинг нуфузи ортиб, кадрлар тайёрлаш

бўйича миллий дастурни амалга ошириш, баркамол авлод-ни шакллантириш жараёнлари янада тезлашади.

1998

ЖОНКУЯР ТАШКИЛОТЧИ ЭДИ

(Эссе)

Бундан роппа-роса ўн йил олдин, яъни 1992 йилнинг 25 июль куни, тушга яқин тўрткўллик дўстим Оллоберган Худойберганов бир даста газетани қўлтиқлаб, қувноқ бир кайфиятда Нукуста, менинг хонадонимга кириб келди. У:

— Мана, дўстим, кўринг! «Аму тонги» газетасининг нишона сони чиқди! Қаранг, қандай ажойиб, оламшумул иш бўлди! Менинг орзуим ушалди, дўстим! Энди республика кўламида, катта форматда, ўзбек тилида ҳам газета чиқади-ган бўлди. Ўзбек газетхонларининг армони амалга ошди! Уларнинг қувончини ҳис қилиш қандай бахт! — деди шодлигини яшира олмасдан.

Оллоберган бу гапларни шундай ҳаяжон, шундай катта қувонч билан сўзлар эдики, шу онда уни тўхтатиб, бирор савол бериш ёки янги газета билан боғлиқ бирон масалани сўраш амри маҳол эди. У тўхтамасдан гапирар, газета саҳифаларига жойлаштирилган материаллар билан мени таништириб, уларга изоҳ беришга шошиларди. Шу дақиқаларда у, чиндан ҳам, ўзини ниҳоятда бахтиёр сезарди. Гўё шахсий ҳаётида унутилмас бир қувончли воқеа содир бўлгандек, шодлигининг чеки йўқ эди. Мен ҳам дўстимнинг хурсандчилигига шерик бўлиб, уни чин дилдан бу катта ғалабаси билан табрикладим. Бу қувончли воқеани шу куни оиламиз даврасида бирга нишонладик.

Қаранг, бизга беқиёс хурсандчилик ва шодлик ато этган ўша унутилмас кунга роппа-роса ўн йил бўлибди. Оз эмас, кўп ҳам эмас, ўн йил! Лекин ўша ҳаяжонли дақиқалар худди кечагидек кўз олдимда. Мен уни ҳеч қачон унутолмасам керак. «Аму тонги» газетасининг биринчи ташкилотчиси ва биринчи бош муҳаррири Оллоберган Худойберганов фақат дўстим бўлгани учун эмас, балки ўзбек тилида газета ташкил қилишнинг чинакам фидойиси, тиниб-тинчимас журналист, ўз касбининг ҳақиқий жонкуяри бир инсоннинг ибратомуз ишларидан чуқур таъсирланганим ва қойил қол-

ганим учун ҳам бу дамлар менинг қалбимга абадий муҳрланиб қолди. Ўз халқининг тили ва адабиётини, тарихини, қўйингки, барча қадриятларини, ижтимоий-маънавий ҳаётидаги улуғ ишларни ўз она тилида тарғиб қилишга бел боғлаган ҳақиқий зиёлигина бундай ишларни қилиши мумкин. Гапнинг рост, бундай ватанпарварлик, миллатпарварлик, фидойилик ҳамма журналистда ҳам бўлавермайди. Бу масалада Оллоберган Худойберганов кўпчилик журналистларга ибрат эди. Шундай табаррук кунларда журналист ва ёзувчи, олим, ажойиб инсон, қаламкаш дўстим Оллоберган Худойбергановнинг ҳаёт ва ижод йўлига бир назар ташлаб ўтишни инсонийлик бурчим ҳисобладим.

Мен Оллоберган Худойберганов билан курсдошман. Ўтган асрнинг олтинчи йилларида Тошкент давлат университети филология факультетида бирга таҳсил олганмиз. У мазкур факультетнинг журналистика, мен эса филология бўлимида ўқиганмиз. Бир неча йил талабалар ётоқхонасида бир хонада турдик. Ҳарқолда, мен уни яхши инсон, келажакда ўз соҳасининг етук, фидойи мутахассиси бўлиб танилишига ўша йиллардаёқ ишонч ҳосил қилгандим. У ўзининг ноёб истеъдоди туфайли нафақат талабалар, айти пайтда, университетнинг профессор-ўқитувчилари орасида ҳам ҳурмат ва эътиборга сазовор эди. Оллоберган университетни муваффақиятли тугатгач, тугилиб ўсган макони Тўрткўл туманига ишга қайтди ва туман газетасида муҳбирлик фаолиятини бошлади. Дастлаб масъул котиб, муҳаррир ўринбосари ва бош муҳаррир лавозимларида ишлади. Очерк ва публицистик мақолалари билан танилди. Кўп ўтмай у долзарб чиқишлари билан Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон матбуотида тез-тез кўрина бошлади. Ҳар икки республиканинг талантли муҳбирлари сафига кирди.

Оллоберган Худойберганов сўнгги даврларда журналистика соҳасидаги фаолиятини илмий-тадқиқот ишлари билан қўшиб олиб борди. Ва Ўзбекистон Фанлар академияси Пушкин (ҳозирги Навоий) номидаги Тил ва адабиёт илмий-тадқиқот институтининг сиртқи бўлим аспирантурасига ўқишга кирди. Адабиётшунос олим, академик Матёқуб Қўшжоновнинг илмий раҳбарлигида ҳозирги давр очерк жанри муаммолари бўйича номзодлик диссертацияси усти-

да иш бошлайди. Олимнинг илмий изланишлари қисқа муддатда ўзининг ижобий самарасини беради. У диссертация ҳимоя қилиб, филология фанлари номзоди илмий даражасини олади. Энди у журналист-олим сифатида фаолият кўрсата бошлайди. Бир неча илмий, илмий-оммабоп китоблар нашр эттирди. Публицистик мақолалар, қисса, ҳикоя ва очерклар тўпламлари ўзбек ва қорақалпоқ тилларида кетма-кет босилиб чиқади. Муаллифнинг «Карвонбоши», «Тўрткўлда мардлар бор», «Шўрахон шунқорлари», «Қўриқ ўзлаштирувчилар», «Амударё бўйларида» каби адабий-публицистик рисоалари Ўзбекистон ва Қорақалпоғистоннинг илмий-адабий жамоатчилиги томонидан самимий кутиб олинди. Кўп ўтмай Оллоберган Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Ёзувчилари уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. Унга Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими фахрий унвони ҳам берилди.

Оллоберганнинг меҳнатлари тақдирланиб, орзу-умидлари ушалиб бормоқда эди. У яна бир армон оғушида яшарди. Бу — республика миқёсида фаолият кўрсатадиган ўзбек тилида ҳам бир газета ташкил этиш армони эди. Бу орзунини амалга ошириш осон кечмаслигини у яхши биларди. Шундай бўлса-да, у газета ташкил қилиш йўлида учраши мумкин бўлган қийинчиликлардан қўрқмади, белни маҳкам боғлаб ишга киришди. Мен унинг бу масаладаги барча саъй-ҳаракатларига, елиб-югуришларига гувоҳ бўлганман. Гарчи у билан ёнма-ён юриб, ташвишларига шерик бўлмасам-да, бу ишнинг анча қийинчиликлар билан ҳал бўлаётганини ўзаро суҳбатимиздан англаб олардим. Ўша йилларда Оллоберган бизникида меҳмондорчиликда тез-тез бўлиб турар ва биз газета ишлари билан боғлиқ кўп масалалар юзасидан фикрлашиб, маслаҳатлашиб турардик. Баъзи кунлари иши юришмай, ҳафсаласи пир бўлиб ёки айрим мутасадди раҳбарларнинг ҳатти-ҳаракатларидан хафа бўлиб, тушқин бир кайфиятда уйга кириб келганида унга далда бериб, руҳини кўтарган пайтларим кўп бўларди. Оллоберган умидсизликка тушмади, курашни давом эттирди.

Тўғриси, Оллоберган бу ишга киришганда давр анча мураккаб эди. Мустақиллик декларацияси эълон қилинганга

нига ҳали бир йил ҳам тўлмаганди. Алғов-далғовли шундай бир мураккаб шароитда бундай тadbирга қўл уришга ҳамма ҳам журъат этавермасди. Бундай «бош оғриқ»нинг менга қандай зарурлиги бор, деб бир қийинчиликка дуч келгандаёқ ҳаракатини тўхтатиши, қўл силтаб кетиши мумкин эди. Оллоберган бундай қилмади, чидади. Унинг мақсадга эришиш йўлидаги қатъиятилилиги, принципиаллиги ва дадиллиги, қилаётган талабининг адолатли эканига ишончининг мустаҳкамлиги бу ҳаракатларда унга қанот бўлди, куч бағишлаб турди. У ҳеч нарсадан қўрқмади, ҳар қандай лавозимдаги масъул раҳбарлар олдида газета ташкил қилиш билан боғлиқ истаган муаммони қўя олди. Қишнинг қаҳратон совуғи, ёзнинг жазирама иссиғи демай Тўрткўлдан Нукусга ва яна Тўрткўлга гоҳ автобусда, гоҳ туман газетасининг эски «УАЗ-69» енгил машинасида қатнайверди. Кўп ташкилотларнинг раҳбарлари қабулида бир эмас, бир неча марта бўлишга тўғри келди. Қорақалпоғистон учун ўзбек тилида газетанинг ниҳоятда зарур эканлигини тушунтиришга кўп уринди. Баъзи раҳбарлар:

— Жанубий туманларнинг ҳар бирида ўзбек тилида газета чоп этилади, шунинг ўзи етмайдими? Республика доирасида яна бир такрорий газета чиқариш учун қандай зарурат бор? Бунга маблағ йўқ! деб очиқдан-очиқ тўсқинлик қилувчилар ҳам бўлди.

Лекин Оллоберган бўш келмади. Лозим бўлиб қолса талашди, тортишди, масаланинг аҳамиятини қайта-қайта тушинтиришга ҳаракат қилди. Катта минбарлардан туриб ҳам гапирди, лекин чекинмади. У мақсадига эришмагунча тиниб-тинчимади, бошқаларни ҳам тинч қўймади. Оллоберганнинг бу ҳаракатлари зое кетмади, меҳнати жойига тушди, масала ижобий ҳал бўлди. Республика кўламида ўзбек тилида газета чоп этилишига расман рухсат берилди. Ва 1992 йилнинг 25 июль куни Оллоберган Худойбергановнинг ташаббуси, елиб-югуришлари оқибатида «Аму тонги» газетасининг биринчи сони босилиб чиқди. Газетага Оллоберган бош муҳаррир қилиб тайинланди.

Дастлабки йилларда газета таҳририятини ташкил қилиш, уни малакали кадрлар билан таъминлаш осон бўлмади. Ўзбек тилида ёзадиган тажрибали мухбирларнинг жуда озлиги, борларининг ҳам Нукус шаҳрида эмас, республика марка-

зидан анча узоқда жойлашган жанубий туманларда яшаб ижод қилаётгани, янги газета таҳририяти учун бир қатор қийинчиликларни туғдирди. Шундай бўлса-да, бош муҳаррир барча масъулиятни ўз зиммасига олиб иш бошлади, бош муҳаррирман деб қўл қовуштириб ўтирмади, лозим бўлиб қолса, масъул котиб, ҳатто корректорлик вазифасини ҳам ўзи бажариб кетаверди. Газетанинг сифатли чиқиши учун бор имкониятларидан фойдаланиб, туну-кун меҳнат қилди. Бошқа ходимларни ҳам худди шундай ишлашга ўргатди. Мен газета таҳририятида тез-тез бўлиб турардим ва унинг мана шундай иш услубига кўп марта гувоҳ бўлганман, жонкуярлигига тан берганман.

Ҳа, Оллоберган Худойберганов «Аму тонги» газетасини ташкил қилишда шундай жонкуярлик, фидоийлик намуналарини кўрсатиб, қизгин иш бошлаган эди. Афсуски, унинг бу жўшқин фаолияти узоқ давом этмади. У 1993 йилнинг ноябрь ойида тўсатдан оламдан ўтди. Лекин Оллоберган бошлаб кетган хайрли ишлар тўхтаб қолмади, унинг сафдошлари, қаламкаш дўстлари газета фаолиятини давом эттириб, унинг мунтазам чиқиш туришини таъминладилар, шуҳратига шуҳрат қўшиб, Қорақалапоғистоннинг энг обрўли ва ўқимишли марказий газеталаридан бири даражасига кўтардилар.

* * *

«Аму тонги» шонли ўн йилни босиб ўтди ва шу муддат ичида у халқимизнинг энг севимли газеталаридан бирига айланди. Яқинда газета ўзининг ўн йиллик юбилейини нишонлади. Шу муносабат билан газетанинг бир гуруҳ ижодий ходимлари давлат даражасидаги фахрий унвонлар билан тақдирланди, юксак мукофотларга сазовор бўлишди. Тантана кунларида газетанинг биринчи ташкилотчиси ва илк бош муҳаррири сифатида Оллоберган Худойбергановнинг ҳам номи ҳурмат билан тилга олинди, руҳи шод қилинди.

Ҳа, дўстим Оллоберган! Гарчи сен бугун орамизда бўлмасанг ҳам эзгу ишларинг барҳаёт, у сен ташкил қилган газетага тонг шуъласидек нур сочиб турибди. Бир вақтлар сен мусаффо Аму тонгини армон этиб, янги ташкил этилажак газетага «Аму тонги» деб ном қўйилишини ва у республика-миз бўйлаб билим ва тафаккур машъали бўлиб қолажagini башорат қилгандинг. Бугун ана шу орзуинг ушалди, дўстим!

«Аму тонги» элимиз узра зиё нурларини таратиб, халқимиз қалбига эзгулик улашмоқда, маънавий баркамоллик сари етаклаб, хур ва озод Ватанимизнинг буюк келажаги учун хизмат қилмоқда. Бундай хайрли ишларда сенинг ҳам ҳиссанг борлигини сафдошларинг, қаламкаш дўстларинг, айниқса, газетанинг ижодий жамоаси ҳеч қачон унутмагай!

2002

ТАЛАНТЛИ ШОИР, ИСТЕЪДОДЛИ ЖУРНАЛИСТ

Янгибой Кўчқоровни «Халқ сўзи» газетасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича муҳбири сифатида газета-журналларда босилган мақолалари орқали ғойибона танирдим. Шеърият билан шуғулланишидан ҳам қисман хабардор эдим. Лекин бирор марта у билан шахсан учрашмагандим. Агар янглишмасам, бундан тўрт-беш йил олдин Элликқалъада бир адабий тадбир ўтказилди. Унга Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли ёзувчимиз Тўлепберган Қайипберганов ва яна икки-уч ижодкор билан бирга мени ҳам таклиф қилишди. Янгибой Кўчқоров билан биринчи марта ўша анжуманда танишдик. Ва бу учрашув менда яхши таассурот қолдирди. Айниқса, унинг сўзга чиққанда минбарда ўзини тутиши, чиройли нутқи, ҳар бир сўзни чертиб-чертиб ишлатиши, жумлаларни маънодор қилиб гапириши, ўрни келганда жаҳон мутафаккирлари фикрларидан, баъзан шеърият дурдоналаридан мисоллар келтириб, иштирокчиларни ўзига тортиб туриши, барчанинг юрагига йўл топиб сўзлагани фақат менигина эмас, залда ўтирганларни ҳам ўзига ром этганди. Бу зийнатли нутқ ҳақидаги таассуротимни ҳалиям унутганим йўқ.

Янгибой Кўчқоров илм-билимда тафаккур уфқи кенг зиёли бўлиш билан бирга, ҳаётда ҳам самимий ва камтарин инсон эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Сафаримиз давомида у бизларга ҳамроҳ бўлди. Кўп жойларга бирга бордик. Ҳар хил мавзуларда суҳбатлашдик. Мулоқотларимиз давомида мен унинг адабиёт, маданият, илм-фан ҳақидаги қарашлари анча бақувват, ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари бўйича ҳам мутахассислардек бемалол мулоҳаза юритишга қодир, энг муҳими, ҳар қандай одам билан ҳам тил топиб

суҳбатлаша оладиган инсон эканлигига, очиги, тан бердим. Балки том маънодаги журналист шундай бўлиши керакдир. Янгибой Кўчқоровдаги профессионал мухбирлик истеъдоди билан ибратли инсонийлик фазилати жуда уйғун эканлигини ва бу икки хислат унинг икки қанотига айланиб, ижод уфқида эмин-эркин парвоз қилишига ёрдам берганлигига асло шубҳа йўқ.

Анжумандаги ўша учрашувдан кейин биз Янгибой Кўчқоров билан онда-сонда кўришиб турадиган, баъзан телефон орқали хабарлашиб, илмий-ижодий режаларимиз юзасидан фикрлашадиган бўлдик. Қорақалпоғистон Ёзувчилари уюшмасида ўтказилган йиғилишларда бирга иштирок этган пайтларимиз кўп бўларди. Бу анжуманларда ҳам Янгибойнинг чиқишларига бир неча марта гувоҳ бўлганман. У ўз нутқларида қорақалпоқ адабиёти, аксарият қорақалпоқ шоир ва ёзувчилари ижоди ҳақидаги, ҳатто муайян бир асар ва унинг муаллифи тўғрисидаги фикрларини баъзан ўзбек, баъзан қорақалпоқ тилида шундай асосли баён этардики, мен унга қойил қолардим. Ва Янгибойга бўлган ҳурматим тобора ошиб бораётганидан ўзим ҳам мамнун эдим. Тўлепберган Қайипберганов, Гулистон Матёкубова, Абдимурод Отажонов, Ўрозбой Абдурахмонов, Набира Тўрешова, Назира Матёкубова, Ахмед Оқназаров, Абдулла Содиқов, Фотима Мирзабоева ва яна бир неча адибларнинг Янгибой Кўчқоров ҳақида, унинг шоирлик, журналистлик фаолияти хусусида, инсоний хислатлари борасида мароқ билан гапирганларини кўп эшитганман. Ҳар томонлама ривожланган, кўпчиликнинг ҳурматида сазовор бўлган шундай инсонгина Қорақалпоғистон Ёзувчилари уюшмаси раисининг ўринбосари лавозимига тайинланиши мумкин экан-да, деган фикр ҳам ҳаёлимдан ўтгани роқ.

Шундан бошлаб Янгибой Кўчқоров билан ижодий ҳамкорлигимиз давом этди. Унинг баъзи асарларига тақризчи бўлдим. Нашрдан чиққан китобларининг деярли барчаси билан танишдим, айримларига матбуотда фикр ҳам айтдим. Газета-журналларда босилган шеърий ва насрий асарлари билан имкон қадар танишиб боришга интилдим. Ўқиганларим бўйича ҳаёлимда тўпланган фикрлар бирор нарса ёзишга ундайверди ва мазкур мақола ушбу зарурат тақозоси ўла роқ туғилди.

* * *

Қўлимда Янгибой Кўчқоровнинг икки шеърий китоби. Бири «Асрларнинг армони»(2002), иккинчиси, «Отажоннинг олтин сози»(2004). Икки тўплам ҳам Тошкент нашриётларида босилган. Янгибойнинг шеъриятда қалам тебрата бошлаган даври ўтган асрнинг етмишинчи йилларининг бошларига тўғри келади. Ёш қаламкаш биринчи шеърлариданоқ қалб кечинмаларини рамзий маъноларда беришга, реал воқеликдан бадий умуллашмалар чиқаришга ҳаракат қилади. Она ҳақида ёки унинг вафоти тўғрисида кўп шеърлар ўқиганмиз. Уларда лирик қаҳрамон кўнглидаги изтироблар ҳар хил шаклларда бадий-эстетик талқин этилади. Лекин уларнинг ҳеч бирида қуйидаги бандгаддек оҳанг учрамайди:

*Уйимизнинг қуёши сўнди,
Дарё бўлди кўзларимда ёш.
Қоп-қоронғи қалбимни энди
Ёритолмас кўкдаги қуёш.¹*

Она вафоти туфайли лирик қаҳрамон юрагининг армони «қуёш», «дарё», «қор», «муз» поэтик образлар орқали ифодаланганки, шу фактнинг ўзи ёш шоир илк шеърларидан бошлаб ҳаёт ҳақида, инсонлар тўғрисида образли фикрлашга ҳаракат қилган.

«Асрларнинг армони»га кирган бошқа шеърларда ҳам шоирнинг реал ҳаётни ўзига хос бадий-эстетик принциплар негизда ижтимоий-фалсафий талқин этишга, ахлоқий муаммолар бўйича муҳим хулосалар чиқаришга интилгани сезилиб туради. Баъзи шеърларидаги дадил поэтик талқинлар ўқувчини айрим инсонлар ҳақида жиддий мулоҳаза юритишга даъват этади.

*Бу аёлнинг жиҳози мўл,
Кўндир башанг кийимлари.
Қулоғида олтин сирға,
Бармоғида узуги бор
Лек уйида ёлғиз ўзи
Ва бир пахмоқ кучуги бор.*

¹ Я.Кўчқоров. Асрларнинг армони., Тошкент., 2002., 4-бет.

Умрнинг мазмунини «*башанг кийимлару, биллур қандилардан, чинни буюмлардан, олтин сиргаю, олтин узуклардангина иборат*» деб биладиган, ижтимоий ҳаётдан, жамиятдан ажралиб қолган тор фикрли шахсларнинг аянчли тақдирини бундан ошириб таърифлаш қийин бўлса керак.

Ушбу шеъринг мажмуанинг ўзига хос бир жиҳатини айтиб ўтмоқчиман. Одатда, бирор шеъринг китобни қўлга олиб varaқласангиз, қарийб ярми севги-муҳаббат мавзусидаги шеърлардан иборат бўлади. Баъзан қайта-қайта такрорлана-вериб, сийқаси чиқиб кетган бу мавзунинг эскича талқинидан ҳафсалангиз пир бўлади, ҳатто ғашингизга ҳам тегади, ўқимай ташлаб қўясиз. «Асрларнинг армони»да ишқий кечинмалар руҳида ёзилган сохта шеър учрамайди. Шоир бу мавзунини нега четлаб ўтди экан, деган фикр хаёлга келади. Муҳаббат асрларнинг армонига кирмасмикан, деган ўйга ҳам борасиз. Умуман, лирикани муҳаббатсиз тасаввур қилиш мумкинми ўзи? деган савол ҳам бошингизни қотиради. Назаримда, муаллиф ҳаёлини, биринчи навбатда, асрларнинг армони чинакамига банд этган, ижтимоий муаммоларнинг бадий талқини кўпроқ қизиқтирган. Ўтган асрнинг саксонинчи-тўқсонинчи йилларидаги Ўзбекистон ҳаётидаги муҳим сиёсий ўзгаришлар, қисман мураккаб воқеалар ва уларнинг ўзбек халқи тақдиридаги асоратлари, мустақилликка эришиш йўлидаги интилишлар, истиқлолни мустаҳкамлаш учун олиб борилган курашлар шоирнинг диққат марказида бўлган. Шеърларнинг бир туркуми мазкур масалаларнинг бадий талқинига бағишлангани шоирнинг давр руҳидан нафас олиб, ўз халқининг «ўти билан кириб, кули билан чиққан»лигидан, унинг меҳнат ва курашида шеърлари билан уларга маънавий таянч бўлганидан дарак эмасмикан? Шоирнинг «Қайта қуриш поёни қайда?», «Изтироб», «Савол», «Хитоб», «Ўзбекистон», «Оталар» номли шеърларида давр жароҳатлари, шўролар сиёсатининг ўзбек халқи бошига солган кулфатлари, ўтказган зуғумлари очиб ташланади. Бу шеърларни, умуман, муҳаббат туйғулари тасвиридан холи деб ҳисоблаш ҳам нотўғри. Уларда ҳам лирик қаҳрамоннинг ишқий кечинмалари, талқини бор. Лекин бу талқинда ижтимоийлик устун. Шоир қаншадир юрак сирлари билан боғлиқ интим ишқий кечинмаларни эмас, балки муҳаббат билан боғлиқ кайфиятларини Ватан, халқ тақдирига ба-

ғишлайди. Ватан, халқ ҳаётидаги туб бурилишларни, маънавий юксалишидаги кашфиётларни ёки эл-юрт, халқ бошига тушган оғир кунларнинг мусибатларини бадий ёритишда шоир бу муқаддас туйғунинг кучидан фойдаланади, албатта. Бу ерда энди муҳаббат олижаноб ишларга ҳавас ва эҳтиром, нопок ахлоқий ҳаракатларга нисбатан нафрат туйғуларини уйғотувчи қурол вазифасини бажаради.

Шоирнинг бир туркум шеърлари шўролар тузуми даврида ёзилган. Эски замоннинг мафкураси қилич яланғочлаб турган бир пайтда мустабид жамиятга нисбатан танқидий фикр билдириб, унинг нобоплигини ошкор айтиш учун шоирлик талантдан ташқари, ижодий дадиллик ҳам керак. Шоир ўша давр ижтимоий-сиёсий ҳаётига хос иллатларни шеърга солиб айтишдан қўрқмади.

*Тиним билмай шому саҳарлар,
Бунёд этдинг гўзал шаҳарлар.
Бол ўрнига ютдинг заҳарлар,
Сира роҳат кўрдингми, халқим?!*
(«Савол»)

Ёки:

*Бир тепакал терговчи келди,
Тиқаверди турмага элни.
Боғламасдан ҳақ учун белни,
Паналарда ётмоқда кимлар,
Юртимга тош отмоқда кимлар?!*
(«Хитоб»)

Мана, яна бир кичкина мисол:

*Дори сенса тайёранинг
Тагида ҳам қолдилар,
Не уқубат бўлса барин
Ичларига олдилар.
Лёня тоға «юлдуз»ларга
Тўлдирганда кўкракни.
Эл қатори чалаверди
Гулдиросли қарсакни.*
(«Оталар»)

Шоир мустақиллик йилларида ҳам замон руҳидан нафас олиб, даврнинг шиддатли қадамларига жўровоз шеърлар

битди. Истиқлолнинг биринчи кунлариданоқ шеърлари билан ҳаётга фаол аралаша бошлади, мамлакат ва ҳар бир инсон ҳаётининг узвий қисмига айланган мустақилликни қўллаб-қувватлаб, шеърлар ёзди.

*Истиқлол йўл очиб берди
Тадбиркорлик, билимга.
Юртимни тан олмоқдалар
Шарқу Шимол, Ғарб ёқда.
Халқнинг қўли меҳнатдадир,
Дили эса оллоҳда.*

Мисралар жўн, оддий, ҳаммага маълум гапларни такрорлаётгандек бўлиб кўриниши мумкин. Бироқ объектив воқеликнинг шоир қалбига таъсири нуқтаи назаридан қарасак, давр ҳақиқати шеърда ўзига хос типик кечинмалар орқали ифодаланганини ҳис қиламиз.

Шоир шеъриятининг бир ўзига хослиги бор. У муайян ғояни ифодалаш учун ҳар бир шеърда тарихий маълумотларга кўпроқ мурожаат этади. Бу давлат арбоби, саркарда, буюк олим, тарихий шахс, жой номи ёки бирор машҳур ёзувчи ёхуд унинг асари, ё фольклор намунаси бўлиши мумкин. Муаллиф уларни шеърда шунчаки келтирмайди, балки поэтик образ шаклида фойдаланади. Бу, бир жиҳатдан, тарихда из қолдирган ёки унутилиб бораётган халқимизнинг миллий қадриятларини шеърий сатрларга муҳрлаш бўлса, иккинчидан, шеърнинг миллий заминини мустаҳкамлайдиган восита ҳамдир. Бундай материаллардан фойдаланиш учун шоирда илм ва билим салоҳияти, ўша манбаларни чуқур идрок этиб, асар ғоясини очишга хизмат қилдиган нуқталарини тўғри танлаб, таҳлил эта олиш қобилияти ҳам бўлиши керак. Шеър сюжетиға олиб кирилган ҳар бир тарихий факт, ҳатто энг кичик детал ҳам, майли у узоқ ўтмишдан танланганми ёки ҳозирги ҳаётдан олинганми, фарқи йўқ, поэтик ғояни ифодалашга бўйсундирилиши шарт. Акс ҳолда, у асар учун ортиқча. Шоир кўпгина шеърларида бу поэтик усулдан мақсадга мувофиқ фойдаланган. Жумладан, «Оталар», «Ўзбекистон», «Турналар», «Фурур», «Даъват», «Қора курсидагилар», «Изтироб» номли шеърларда қўлланилган шахс (Ибн Сино, Беруний, Форобий, Фарғоний, Амир Темур) номлари лирик қаҳрамоннинг

ҳаяжонини, ифтихорини ифодаловчи, фикрини тасдиқловчи поэтик образ вазифасини бажарган.

Ҳар бир шеърнинг туғилишига нимадир сабаб бўлади. Шоирга бирор ҳаётий воқеа таъсир кўрсатади, қалбида асар ёзиш истагини уйғотади. Ва шу ниятни амалга ошириш, муайян ғояни ифодалаш учун бадиий шакл излайди. Назаримда, Я.Қўчқоровнинг «Турналар» шеърининг яратилишига худди шундай ҳаётий туртки сабаб бўлган. Шоир очик майдондаги катта бир тadbирда ўтирганида, осмон узра бир манзилдан иккинчи манзилга учиб бораётган турналарга кўзи тушади. Бу манзара уни ижодий ҳаёлга тортиб кетади. Ўзбек халқининг узоқ ва яқин ўтмишидаги буюк шахсларнинг тақдирларини, бир замонлар жаҳонни титратган сиймоларнинг тарих олдидаги хизматларини ҳаёлида гавдалантиради. Уларни учиб бораётган турналарга қиёс қилади. Шоирда бу фикрни шеърга солиш истаги туғилади. Ва «Турналар» деган шеър шу илҳомнинг натижаси ўлароқ майдонга келади.

Шеърда муайян сюжет оқими мавжуд. Ўзбек халқи тарихида содир бўлган воқеалар, психологик ўзгаришлар, халқ тақдирида, жамият ҳаётида ижобий ёки салбий роль ўйнаган тарихий шахсларнинг фаолияти изчил тасвирланади. Уларнинг ҳар бири уфқда парвоз қилаётган турналарга ўхшатилади. «Белда қилич, қўлда қалам ва соз тутган Муҳаммад Раҳимхон», буюк аллома Нажмиддин Кубро, жасур саркарда Жалолиддинлар ўша турналарнинг тимсолларидир. Улар ўз замонида тарих олдидаги хизматларини аъло даражада бажариб, авлодларга ибратли ишларини мерос қолдирган улуг боболаримиз эканлиги ҳақидаги фикр шеърнинг ички мазмунига сингдирилган. Шоир тарихий фактлардан бадиий умумлашмалар яратишда турна образидан муваффақиятли фойдаланган.

*Бир турна Чўлпонми, бириси Фитрат,
Учиб бормоқдалар қаерни кўзлаб?
Ёки Ҳожиҳонми оҳиста кетган
«Кажҳанг сувора»нинг пардасин излаб?!
Наздимда бир турна Отажон ҳофиз,
Бири шоир дўстим Муҳаммад Юсуф.*

Шеърнинг ўқувчига ибрат бўладиган жиҳатлари кўп. Поэтик образларнинг оригиналлиги, тарихий фактларни

бадий талқин қилишдаги ўзига хослик, шоир туйғуларининг самимийлиги ва маълум даражадаги ижтимоий жўшқинлик, салмоқли фикр шеърнинг бадий мукамаллик хусусиятларидир.

Шоирнинг шундай шеърлари ҳам борки, уларнинг бандлари тўртликларни эслатади. Яхлит ва теран фалсафий маъноли бундай шеърларнинг ифода шакллари оддий бўлиб кўринса-да, ифодаланаётган гоё китобхон учун ибрат.

*Ҳар қандай қуш бўлолмас булбул,
Кўзгун билан калхати ёмон.
Юртим учун бадният, бахил
Мухолифнинг ҳасади ёмон!*

(36-бет)

Эндиги сўз шоирнинг «Отажоннинг олтин сози» дostonи ҳақида. Отажон Худойшукуров ўзбек мумтоз кўшиқчилиги тарихида ўзига муносиб саҳифа очган санъаткорлардан бири. Я.Кўчқоровнинг шу ҳофиз ҳақида махсус дoston ёзиб, унинг сиймосини биринчи марта бадий адабиётда абадийлаштиргани айни муддаодир. Дostonнинг сюжет қурилиши ўзига хос. Эпик йўналишдаги яхлит ва изчил воқеа тасвири кўзга ташланмайди. Ҳофизнинг характер қирраларини очиб беришга хизмат қиладиган ҳаётий лавҳалар ҳам кўп эмас. Дoston лирик қаҳрамон (шоир) монологидек жаранглайди. Аксарият воқеалар шоир нутқи орқали берилади. Ҳар бир лирик монологда санъаткорнинг характер белгиларини очиб беришга алоҳида диққат қилинганки, бу ҳолат шоирнинг характер яратишда ўз ижодий принципитга таяниб иш кўрганидан далолатдир. Ҳофиз сиймосини, характер хусусиятларини биз шоир нутқи орқали кўз олдимизга келтираемиз.

Отажон ҳофизнинг Комилжон Отаниёзов билан илк бор танишуви, устоз-шогирдлик муносабатлари тўғрисида халқ орасида ҳар хил миш-мишлар юради. Бу ҳақдаги аниқ маълумотни Отажон Худойшукуровга сирдош, ҳамфикр бўлган дoston муаллифининг ўзидан эшитиш бошқача. Шу маънода, Я.Кўчқоров бу учрашув тафсилотини дoston сюжети-га қўшиб тўғри қилган. Албатта, у асарга шунчаки воқеа сифатида кирмаган, «миш-миш»дан маълум бир гоёвий мақсад учун фойдаланилган. Ушбу лавҳа тасвиридан эндигина

санъатга қадам қўяётган ёш хонанданинг тақдирида Комилжон Отаниёзовдек буюк санъаткорнинг ўғит-насихати катта бўлганини бадий таъкидлаш ҳам назарда тутилган.

*Ногоҳ устоз қошидаги
Доирачи ўтди четга.
Тоби қочди шудринг бўлиб
Маржон тери чиқди бетга.
Устоз ўзин йўқотди сал,
Ҳайрон боқди ҳар томонга.
Қаёқдандир журъат кирди
Ўн бир яшар Отажонга.
Қўлга олди доирани
Устозга жўр бўлди жиддий
Ўша оқшом таом чоғи
Унга устоз чалдирди куй.
«Ёмон эмас. Мусиқага
Сидқидилдан ўқиши шарт.
Билиб олсин ғазал нима,
Мухаммасу рубоий, фард».¹*

Дostonда ҳофизнинг санъатга кириб келишидан тортиб, то умрининг охирига қадар эл хизматида бўлиши, дўстлар орттириши, Хоразм кўшиқчилиқ санъатининг доврўғини жаҳон бўйлаб таратишда кўрсатган хизматлари реал фактлар мисолида ҳикоя қилинади ва шулар орқали ҳофизнинг ҳам инсон, ҳам санъаткор сифатидаги характер қирралари очиб берилади.

Дostonнинг фазилатлари ҳақида гапирганда унинг яна бир ўзига хослигига эътибор бериш зарур. Асарда Отажон Худойшукуров вояга етган адабий-маданий муҳит яхши ёритилган. Жайхуну Орол, Тўмарису Искандар дейсизми, Зардушт бобо насллари, Қурбон ота билан Шерозий гармонлари бўладими, Ҳожихону Комилжоннинг наволари, «Бозиргон»у «Ошиқ-Ғариб» дostonлари, Хоразмнинг «Сегоҳ»ию «Сувора»лари ва яна воҳага хос беҳисоб адабиёт ва санъат гулшанининг нодир ёдгорликлари дoston сюжети-га олиб кирилган. Ва шундай бетакрор ўлкадан Отажон Худойшукуровга ўхшаган санъаткорлар чиқиши тасодифий эмас,

¹ Я.Кўчқоров. Отажоннинг олтин сози. Тошкент., 2004., 35-бет.

деган фикр бадий асосланган. Достонни ўқиган ҳар бир китобхон нафақат Отажон Худойшукуровдек санъаткор билан замондош бўлганидан фахрланади, шунингдек, доврўғи оламга ёйилган эл фарзанди эканлигидан ҳам қалбида севинч туйғусини ҳис қилади. Асарнинг ўқувчига маънавий завқ бериб, миллий қадриятларга ҳурматни шакллантиришдаги тарбиявий аҳамияти ҳам шунда.

Достоннинг композицион қурилишида бироз тарқоқлик бордек туюлади. Айрим лирик чекинишлар асосий мавзуга боғланмай қолган, мустақил бир асардек таассурот қолдиради. Муҳими, уларнинг ҳофиз характериға хос бирор қиррасини очиб беришдаги роли унчалик сезилмайди. Достоннинг охирида кўп одамларнинг исмлари тилға олинади. Савол тугилади. Улар Отажон Худойшукуровға қай даражада алоқадор? Ҳофизни кўрганми, мулоқотда бўлганми? Ҳарҳолда, бу саноклар достон учун ориқчадек туюлди менға. Достон воқеалари тасвирига киришмасдан олдин шоир ўндан ортиқ Ўзбекистон ва Қорақалпоғистоннинг таниқли ёзувчи ва шоирлари, санъаткорларининг Отажон Худойшукуров ҳақидаги хотираларидан намуналар келтиради. Бундай маълумотлар достоннинг ички қурилишиға ҳам қўшилган. Ора-орада эсдаликлардан парчалар келтириб, шоир яна ўз сўзини давом эттиради. Менимча, бундай усул ўқувчининг диққатини бўлади, ҳатто чалғитиши ҳам мумкин. Асарнинг композицион тарқоқлиги унға шундай материалларнинг киритилганлигида эмасмикан, деган фикр ҳам хаёлдан ўтади. Улар «Отажон Худойшукуров замондошлари хотирасида» деган номда бир китобға жамлаб берилса, мақсадға мувофиқ бўларди. Асарнинг жанри ҳақида гапирганда мен уни «достон-эссе», деб атаган бўлардим. Чунки тасвирланган аксарият воқеалар реал турмушдан олинган, эсдаликлар, хотираларға ўхшаб кетади.

Айтилган жузъий нуқсонлардан қатъий назар, «Отажоннинг олтин сози» достони ўзбек шеъриятида ҳофиз образини яратишға бағишланган биринчи йирик асар, хонандаға қўйилган ўзига хос адабий ёдгорлик ва муаллифнинг катта ижодий ютуғидир.

«Кўнгиротнома» (2006) достони Янгибой Кўчқоров шеъриятида янги ижодий босқич бўлди. Асар адабий жамоатчилик, ўқувчиларда яхши таассурот қолдирди. Дастлаб Нукусда, Қорақалпоғистон Ёзувчилари уюшмасида, кейин Тош-

кентда, Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасида достоннинг тақдими ўтказилиб, асарға ижобий баҳо берилди. Уюшма расиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов бошчилигида ўтган «Кўнгиротнома»нинг тақдими қизгин ўтди. Асар муҳокамасиға Ўзбекистоннинг энг номдор шоирлари, олимлари ва журналистлари қатнашиб, достон ҳақидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Абдулла Ориповнинг асарнинг аҳамияти ҳақидаги қуйидаги фикрлари тақдимотға алоҳида руҳ бағишлади ва у кейинроқ матбуотда ҳам эълон қилинди: *«Янгибой ғайрат билан ижод қилаётган шоир. Шу билан биргаликда у истеъдодли журналист ва Қорақалпоғистонда ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларнинг фаол ташкилотчиларидан биридир. «Кўнгиротнома» достонида шоир Қорақалпоғистон халқи ҳаётиға оид тарихий воқеаларни, айни вақтда, бу қутлуғ заминда мустақиллик йилларида амалға оширилаётган ўзгаришларни қаламға олган».*¹

Адибнинг бу фикрлари Ўзбекистон халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов, Сирожиддин Сайид, Маҳмуд Тоирлар томонидан қўллаб-қувватланди. Эркин Самандар, Азим Суюн, Ҳайдар Муҳаммадл, Турсун Али ва яна бир қатор таниқли шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар муҳокамада қатнашиб, «Кўнгиротнома» юзасидан ижобий фикрларни айтдилар, асарнинг ютуқлари, уни янада мукамаллаштириш бўйича фойдали таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар. Бу гапларни ахборот тарзида келтиришимиздан асосий мақсад шуки, ҳақиқий истеъдод билан ёзилган асарларгина шу хилдаги баҳоға муносиб бўлади, энг нуфузли минбарлардан гапирилади, тақдими ўтказилиб, кўпчиликка таништирилади, тарғиб қилинади.

Янгибой Кўчқоров Қорақалпоғистоннинг тарихини яхши билади. Айниқса, Тўртқўл, Беруний, Эллиққалъа туманларининг тарихини чуқур ўрганган. Бу туманларнинг фақат ўтмишинигина эмас, бугунги ҳаётиға тегишли маълумотлардан ҳам яхши хабардор. Матбуотда булар тўғрисида кўплаб чиқишлар қилди, ҳатто туманларнинг тарихиға доир алоҳида-алоҳида адабий-публицистик китоблар ҳам ёзди. Ҳарҳолда, унинг шаҳарлар тарихини бадий-публицистик услубда ёритиш тажрибаси бор. «Кўнгиротнома» достони му-

¹ «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 2007., 7 апрель.

аллифнинг ҳозирга қадар шаҳар ёки туманлар тарихи бўйича турли жанрлардаги ижодий изланишларининг мантиқий давоми, шеърий шаклдаги кўриниши бўлди. Кўнғирот, ҳақиқатан ҳам, «достон» қилса арзигулик ўлка. Унинг бой тарихи бор. Кўнғиротда улуг шахслар яшаб ўтган. Дунёга машҳур ноёб асарлар шу ерда яратилган. Тарих саҳифаларига битилган алғов-далғовли воқеалар дейсизми, муқаддас жой номлари бўладими, заминнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқларими, барчаси шоирга илҳом бериб, қўлига қалам тутқазган кўринади.

*Бу саҳро жаннатга татирди,
Гул бўлиб кўринди ҳар тикан.
Ёшаннинг ҳиди бор атирдек,
Дунёда бундай юрт бормикан?!
Мен ҳам бир ўғил бу тупроққа,
Тутқазиб тарихнинг жомасин -
Оллоҳим йўл берди ёзмоққа
Улуг юрт Кўнғирот номасин.¹*

Муайян шаҳар тарихи ҳақида бирор бадий асар яратиш осон эмаслигини биласиз. Айниқса, шеърий асар, достон битиш қийин. Муаллифдан кўп меҳнат талаб қилади. Тарихий манбаларни ўрганишни, асар ғоясини очишга хизмат қиладиган зарур фактларни тўплаб, уларни дид билан саралашни, асарнинг ички мазмунига, ғоясига мослаштириб фойдаланишни тақозо этади. Шоир тасвир объекти учун танланган тарихий фактларни шунчаки, қуруқ баён қилмасдан, лирик туйғулар, ички ҳиссиётлар орқали ифодалаши лозим. Шоирга илҳом берган ҳар бир ҳаёт материали шоир шахсиятидаги эҳтирос ва кечинмаларга уйғунлашсагина асар ўқувчининг эстетик эҳтиёжига жавоб беради. Лирик қаҳрамоннинг фикр салмоғи устун, руҳий дунёси қанчалик бой, туйғулар қанчалик жўшқин ва самимий бўлса, шеърий асар шунчалик таъсирли, ўқимишли чиқади. Менимча, «Кўнғиротнома» шундай бадий хусусиятга эга. Шоир достон мавзусининг характерига мос танланган ҳар бир тарихий фактни ёки реал воқелик билан боғлиқ бирор ҳодисани хилма-хил тасвирий

¹ Я.Қўчқоров. Кўнғиротнома. Тошкент, «Янги аср авлоди», 2006., 6-бет.

воситалар, эҳтиросли туйғулар билан шундай талқин қилганки, ўқиган кишининг қалбида ҳам шундай жўшқин ҳислар уйғонади, лирик қаҳрамон билан барабар ҳаяжонланади, тўлқинланади. Достоннинг жиддий ютуқларидан бири ҳам, менимча, шунда — табиий ва самимий туйғуларга бойлигида, ҳаяжон билан ўқилишида.

*Қадимий Кўнғирот қалъаси
Неча бор йўқ бўлди, бор бўлди.
Тартиб илмининг шуғласин
Кенга кенг, торга-чи тор бўлди.
Ўтди кўп Хитой, Ҳинд қарвони
Эдилга, Аштархон томонга.
Жой эди Кўнғирот хирмони
Гоҳ бугдой, гоҳида сомонга.*

«Кўнғиротнома»нинг яна бир аҳамиятли жиҳати бор. Достон Ватанга чексиз меҳр туйғулари билан йўғрилган, унинг ҳар бир мисрасида шоирнинг бу заминнинг эл-улуси, одамлари, муқаддас қадамжолари, бир вақтлар шу тупроқда туғилиб вояга етган, унинг довруғини оламга ёйиб, тарихда ўчмас из қолдирган улуг шахслари ҳақида меҳр билан ёзади. Уларнинг ишларини давом эттириб, бугунги Кўнғиротнинг ҳар томонлама юксалишига ҳисса қўшаётган ҳозирги авлод вакиллари, эл ҳурмати қозонган юрт фарзандларини номма-ном тилга олади ва уларнинг бунёдкорлик ишларини, санъат ва адабиёт, илм-фан тараққиётидаги хизматларини таъриф этади. Умуман, Кўнғирот тарихида муҳим ўрни бор бирор воқеа, факт йўқки, у муаллиф назаридан четда қолган бўлсин.

Шоир достоннинг хулоса қисмида Кўнғиротнинг мустақиллик йилларидаги ҳаётига назар ташлайди, меҳнатда буюк кашфиётлар қилаётган халқнинг жасоратини улугловчи мисралар ижод этади, қорақалпоқ заминининг порлоқ истиқболига улкан ишонч руҳидаги қаторлар билан достонга сўнгги нуқтани қўяди.

Достоннинг тили сода ва жозибали. Баландпарвоз жумлалардан, ваъзхонлик, асосланмаган мадҳиябозликдан холи. Зўрма-зўраки, сунъий тўқилган мисралар йўқ, ҳаммаси қўйма сатрлар. Асарнинг композицион бутунлигига бирор эътироз билдириш қийин. Фикр оқими изчил ва мантиқли, сюжетнинг пухталигига ҳалақит берадиган ортиқча тасвир,

ҳатто детал ҳам учрамайди. Сюжетга асос бўлган лавҳалар, мисралар худди занжирдек ўзаро боғланган. Бу эса муаллифга Қўнғиротнинг узоқ ва яқин ўтмишдаги тарихини, бугунги турмуш тарзи билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларни тадрижий асосда бадиий ёритишга имкон берган. Бу, шубҳасиз, шоирнинг шеърят бобида маҳорати чиниқиб бораётганидан дарак беради.

* * *

Я.Қўчқоров шеърятда қалам тебратишда қанчалик фаол ва талантили бўлса, насрда ҳам самарали ижод қилиб келаётган истеъдодли журналист. Ҳозирга қадар мазкур жанрда унинг тўрт китоби босилди. «Тўртқўлнинг толмас қаноти» (2002) номли адабий-публицистик рисоласи муаллифнинг насрдаги биринчи тажрибаси. Китобда Тўртқўл туманининг яқин ўтмиши ва мустақиллик йилларидаги қишлоқ хўжалиги тўғрисида ҳикоя қилинади, туман иқтисодини кўтариш учун меҳнат қилган бир қатор раҳбарларнинг фаолияти ҳақида фактлар тили билан сўзланади. Тўртқўлнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим роль ўйнаган омиллари ҳаққоний кўрсатиб бериши жиҳатидан китобнинг аҳамияти катта. «Юз фидоий қиссаси» (2004) китоби баъзи хусусиятлари билан муаллифнинг бошқа асарларидан фарқ қилади. Унда Қорақалпоғистоннинг қарийб ярим асрлик тараққиётига ҳисса қўшган ва ҳозирда ҳам фаолиятини давом эттираётган юздан ортиқ фидоий раҳбарлар ҳақида маълумот берилади. Юз раҳбар ҳақида маълумот тўплаш ва уни ихчам бадиий шаклга солиб, ўқувчига етказиш жараёнини бир тасаввур қилиб кўринг! Юз раҳбар юз хил характерга эга бўлади. Ҳар бирининг юрагига йўл топиб, дилдан суҳбатлашиш учун мухбирлик талантдан ташқари, инсоний ҳислат ҳам зарур. Янгибойнинг одамшавандалиги, ҳар қандай инсон билан ҳам кўнғилдан гурунглашиш уқуби, фикримча, бу ишни муваффақиятли уддалашига замин бўлган.

Я.Қўчқоровнинг навбатдаги «Аллома авлодлари» (2005) китоби Беруний тумани ҳақидаги ҳикоялардан иборат. Туман тараққиётига ҳисса қўшган ва қўшаётган турли соҳа ходимларининг фаолияти алоҳида-алоҳида портрет шаклида ёритилади. Бу китобнинг олдингилардан фарқи шундаки, айрим бобларида туман ҳаётининг баъзи соҳалари умум-

лаштириб талқин этилган. «Гулистонга айланган эл», «Аллома номини ардоқлаб», «Бунёдкорлик одимлари», «Соғлиқ қадрини бил», «Бўз ер баҳодирлари» в.х.ларда туман шўхратини ошириш учун меҳнат қилаётганлар ҳақида сўз юритилади. Китобнинг муқовалари ва ичига илова қилинган туман фидоийларининг расмлари эса унинг мазмунини бойитишга хизмат этган. Назаримда, муаллифнинг «Тўртқўл тарихи» (2006) номли каттагина китоби унинг ёзувчи-мухбир сифатидаги маҳоратини янада ёрқинроқ намоён этди.

«Тўртқўл тарихи» жанр нуқтаи назаридан ҳар хил. Унда ҳикоялар ва хотиралардан, бадиҳалардан, таниқли давлат ва жамоат арбоблари ҳамда машҳур санъаткорларнинг эсдаликларидан кенг фойдаланган. Туман ташкил этилган 1927 йилдан то ҳозирги кунга қадар унинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги муҳим ҳодисалар, йигирманчи йилларнинг нотинч воқеалари, қатағон даврининг даҳшатлари, иккинчи жаҳон уруши йилларидаги тўртқўлликларнинг мардлиги ва жасорати китобда хронологик тарзда, бадиий-публицистик услубда яхши ёритилган.

Я.Қўчқоровнинг насрий китобларини ҳам бир сидра назардан ўтказдик. Ва кўрдикки, муаллиф республикамининг ижтимоий-иқтисодий, маданий-адабий ҳаётида қўлга киритилган ҳар бир янгиликка, буюк ўзгаришларга муносабат билдириб келаётган моҳир журналист. Таҳлилга тортилмаган бошқа насрий асарлари ҳам унинг мухбирлик фаолиятининг ёрқин саҳифалари дейишга тўла асос беради. Унга берилган «Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвони бу айtilганларнинг амалий тасдиғидир.

* * *

Янгибой Қўчқоров, менинг тасаввуримда, шоир ва журналист бўлиш билан бирга, яхшигина ташкилотчи ҳам. Қорақалпоғистонда, айниқса, жанубий туманларда бирор адабий-маданий тадбир йўқки, унда Янгибой иштирок этмаган, унинг ташкилотчиларидан бири бўлмаган десак. Бу хилдаги тадбирлар, хусусан, Элликқалъа туманида кўп ўтказилади. Шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар, юбилейлар, ҳар хил кўрик танловлар, маданият ва санъат арбоблари хотирасига бағишланган анжуманлар, турли мавзулардаги халқаро конференция-

лар, асосан, шу заминда ўтади. Бу тадбирларнинг юқори даражада ташкил этилишида туман ҳокими Нейматулла Худойбергеновнинг ташаббускорлиги ва хизматлари алоҳида эканлигини таъкидлашни истайман. Я.Қўчқоров бу тадбирларга ҳам мухбир, ҳам бир ижодкор сифатида фаол қатнашиб келади. Абдулла Ориповнинг: «Янгибой ғайрат билан ижод қилаётган шоир, истеъдодли журналист ва Қорақалпоғистонда ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларнинг фаол ташкилотчиларидан биридир» деб ёзиши бежиз эмас эди.

Я.Қўчқоровнинг ташкилотчилик фаолиятида яна бир муҳим жиҳат бор. Бу унинг турли йилларда ўтказилган адабий-маданий тадбирларнинг материалларини тўшлаш, нашрга тайёрлаш билан боғлиқ фаолияти. У сўнгги тўрт-беш йилда Элликқалъа, Тўрткўл ёки Беруний туманларида ўтказилган адабий-маданий тадбирларнинг материалларини чоп эттиришга фаол қатнашди. Бундай китоблар, альманахларга Я.Қўчқоров ё масъул муҳаррир ёки нашрга тайёрловчи бўлиб иштирок этган. «Тўрткўлим», «Ақчакўл илҳомлари», «Хуррият наволари» альманахлари бевосита унинг ташаббуси, фаол иштироки билан босилиб чиққан. «Эллик наво» (2003) шеърлар тўплами ҳам Янгибойнинг саъй-ҳаракатлари билан нашр қилинди.

Ҳа, Янгибой Қўчқоров мана шундай истеъдодга, ташкилотчилик қобилиятига, ажойиб инсоний фазилатларга эга давримизнинг илғор зиёлиларидан, мухбирларидан бири. Инсон ҳаётда кимларгадир, нималаргадир ҳавас қилиб яшайди, маълум бир мавқега эришиш учун интилади. Янгибой ҳам бундан мустасно эмас. Унинг орзулари ижобат бўлди. У шоир сифатида эл назарига тушди. Талантли журналист сифатида тан олинди, давлат даражасида тақдирланди. Беҳисоб ижодкор дўстлар орттирди, ташкилотчилик таланти билан ҳурмат қозонди. Ижодкор ва журналист учун шунинг ўзи катта бахт эмасми?!

2006

МУҲАРРИРЛИҚДА ЧИНИҚҚАН ҚАЛАМ

Халқимиз орасида «сават сабабсиз аравага чиқмайди», деган гап бор. Худди шунингдек, одамларнинг бир-бирлари билан танишувига, баъзан қадрдонлашиб кетишига ҳаётда

кимдир ёки нимадир сабабчи бўлар экан. Ушбу мақоламнинг қаҳрамони билан илк танишувимга ҳам шунга ўхшаш «сават» сабаб бўлган. Гапни шундан бошламоқчиман.

Саксонинчи йилларнинг охири эди. «Қорақалпоғистон» нашриётида «Ҳамза ва қорақалпоқ адабий муҳити» деган китобимни нашр қилдириш тараддудида юрган пайтларим. Нашриётга тез-тез бориб турардим. Ўша йилларда нашриётнинг адабиёт бўлимини таниқли ёзувчи Шаўдирбой Сейитов (жойлари жаннатда бўлсин, жуда яхши одам эди) бошқарарди. Мен у кишини ҳам инсон, ҳам истеъдодли ёзувчи, шоир сифатида ғойибона бўлса-да, яхши билардим. Нашриётга борсам кўпроқ у кишига учрашиб, қўлёзмамни ҳам унга топширгандим. Шаўдирбой оғанинг хонасида, агар янглишмасам, яна икки киши ўтирарди. Хонанинг тўрида, деразага яқин жойда Абдулла Содиқов (у ҳам оламдан ўтди, оллоҳ раҳматига олган бўлсин) доимо қўлёзма ўқиб ўтирганини кўрардим. Хонанинг ўнг бурчагидаги столда эса калта бўйли, қорачадан келган яна бир йигит машинкада нималарнидир ёзиб ўтирарди. У хонага ким келиб, ким кетаётганига мутлақо эътибор беравермас, баъзан келиб-кетувчилар билан шунчаки салом-алик қилиб, яна ўз иши билан бўлаверарди. Хонадагиларнинг ҳазиломуз гапларига ҳам у аралашавермасди. Ш.Сейитов суҳбатимиз орасида уни менга: бу киши бўлимимизнинг энг фаол ходимларидан бири, шоир ва ёзувчи Қўпайсин Ерназаров бўлади, деб таништирди. Биз бир-биримиз билан сал бош эгиб саломлашгандек бўлдик. Расман танишганимиздан кейин ҳам мен бўлимга икки-уч марта бордим. К.Ерназаров ҳамон ўша-ўша, жиддий қиёфада, одам билан очилиб сўзлашавермас, доимо иш билан банд эди. Ўша пайтда у менга унча-мунча одамни тан олавермайдиган, мағрур бир киши қиёфасида кўринди. Бир борганимда Шаўдирбой оға:

— Қўлёзманг нашриёт режасига кирди, тасдиқдан ўтди. Йилнинг иккинчи ярмида нашр қилишни режалаштираяпмиз, — деди. Ва сўзини давом эттириб:

— Китобингга Қўпайсин муҳаррир қилиб белгиланди, энди у билан ишлайверасан, деб қўшиб қўйди.

— Қўпайсин ҳам розиман деган маънода менга бир қараб қўйди-да, яна иши билан бўлаверди. Дарров ҳаёлимдан: оббо, бу киши ўта жиддий экан. Қўлёзмани таҳрир қилиш жараё-

нида у билан умумий тил топиша олармиканмиз? деган фикр ўтди. Яна бир шубҳа ҳам бор эди менда. Ҳамза Ҳакимзода ўзбек адабиётининг вакили, кўп қиррали ижодкор. Ҳар қандай муҳаррир ҳам Ҳамза ҳақида, умуман, ўзбек адабиёти тўғрисида мукаммал илмий-назарий савияга эга бўлмасдан туриб, у ёки бу қўлёзмани холис таҳрир қилиши анча мураккаб ва мушкул эканини билардим. Шунинг учун ҳам, асосан, қорақалпоқ адабиёти билан шуғулланиб юрган бу муҳаррирнинг илмий салоҳияти қандай экан? Қўлёзмамни профессионал даражада таҳрир қила олармикан? деган гумон озгина бўлсада, мени ташвишлантиргани рост.

Хуллас, Кўпайсин Ерназаров қўлёзмани бир сидра ўқиб чиқибди, баҳсли, эътироз уйғотадиган жойларига муҳаррир белгиларини қўйибди. Бу масала бўйича у билан фикрлашдик. У қўлёзма юзасидан ўз нуқтаи назарларини айтди. Суҳбат давомида шубҳаларим асоссиз экани маълум бўла бошлади. Унинг фикр-мулоҳазаларини тинглаб ўтириб, профессионал даражадаги олим-муҳаррир эканлигига тўла ишонч ҳосил қилдим.

Кўпайсиннинг муҳаррирлик фаолиятидаги яна бир жиҳатни жуда ёқтириб қолдим. У қўлёзма юзасидан фикр билдираётганда, гарчи, баъзан у ҳақ бўлса ҳам: менинг айтганим бўлади, фикримни қабул қилишинг шарт, деб туриб олмайди. Балки маслаҳат тариқасида: мана бундай ёндашилса, таҳлил қилинса, хулоса чиқарилса, мақсадга мувофиқ бўларди, деган маънода шундай гапирар эдики, унинг мулоҳазаларига бирор эътироз билдиришга ўрин қолмасди. Бундай хусусият ҳамма муҳаррирда ҳам бўлавермайди. Мен кўп муҳаррирлар билан ишлаганман. Қўлёзмага беписанд муносабатда бўлиб, уни баъзан билиб-билмай, пала-партиш қисқартирадиган, муаллифнинг розилигисиз кераксиз жумлаларни қўшиб, унинг савиясини тушириб юборадиган «ўзбошимча» муҳаррирларни ҳам илмий тажрибамда кўрганман. К.Ерназаров бу масалада ўта масъулиятли, муаллифнинг меҳнатини ҳис қиладиган ва қадрлай оладиган, сизнинг розилингизсиз қўлёзмага ҳатто бирор нуқта қўйишдан ҳам ўзини тийиб турадиган маҳоратли ва тажрибали муҳаррир эканига ишонч ҳосил қилдим.

«Қорақалпоғистон» нашриётида босилган иккинчи китобимга ҳам у муҳаррирлик қилди ва мен унинг бу фаолиятидан қониқиш ҳосил қилганимни ҳозир ҳам эслайман. Ҳар

қандай китобнинг илмий-бадний савиясининг муваффақияти муҳаррирга ҳам боғлиқ, албатта. К.Ерназаровнинг ижодкорлиги, илмий тажрибаси китоб таҳрир қилишида ёрдам берган. Ва бу жараён, ўз навбатида унинг шоир ва ёзувчи бўлиб шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Шу масала билан боғлиқ унинг яна бир олижаноб фазилатини тилга олиб ўтмоқчиман. Қўлёзма то босмаҳонага топширилгунга қадар мен унга қайта-қайта ўзгартиришлар, қўшимчалар киритаверардим. Ҳатто китоб босмаҳонага топширилиб, нашрга тайёрлаб қўйилгандан кейин ҳам унга ўзгартиришлар, қўшимчалар киритган пайтларим кўп бўларди. Бу ишлар фақат муҳаррир розилиги, унинг рухсати билан амалга оширилишини кўпчилик билади. Агар киритилаётган ўзгартиришлар, қўшимчаларнинг китоб учун жуда зарур эканлигига Кўпайсинни ишонтира олсангиз, у сизнинг фикрингизга қўшилади ва баъзи муҳаррирларга ўхшаб қайсарлик қилмасдан: майли, қўша қолайлик ёки ўзгартира қолинг, деб розилик беради. Шундай пайтлар ҳам бўлганки, унинг ўзи босмаҳонадан корректурани олиб келиб, мен айтган қўшимчаларни киритиб берарди. Бундай олижаноблик ҳамма муҳаррирларда ҳам бўлавермайди. Мен Кўпайсиннинг бу ҳаракатини унинг юксак одамгарчилигидан, олижаноблигидан, ўзи муҳаррир бўлган китобнинг илмий савиясига масъулиятининг кучли-литидан деб билдим ва унга нисбатан ҳурматим янада ошди. У энди менинг тасаввуримда жуда самимий, оққўнгил, ҳар қандай вазиятда ҳам сиз билан тил топишиб сўзлаша оладиган саховатли қалб эгаси, олижаноб инсон бўлиб гавдаланди.

Китоб сабаб бўлиб, кейинчалик К.Ерназаров билан анча яқин бўлиб қолдик. Қасрда учрашиб қолсак, очиқ чехра билан хол-аҳвол сўрашамиз, ижодий режаларимиз бўйича фикрлашиб турадиган бўлдик. Мен унинг асарларини мунтазам ўқиб боришга ҳаракат қилдим. Очиғини айтсам, Кўпайсин мен танийдиган ва мулоқотда бўлиб юрган ижодкорлар орасида алоҳида ҳурматга сазовор, қорақалпоқ адабиётида ўзига хос ўрни бор талантли қаламкашлардан бири.

Энди икки оғиз сўз унинг шоирлик ва ёзувчилик фаолияти ҳақида. К.Ерназаров ҳам шоир, ҳам ёзувчи, илмий тажрибаси ҳам бор. Бир вақтлар ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлимининг Н.Довқораев номидаги Тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлаган, илм билан шуғулланган. Ил-

мий ишлар ёзган, мақолалар эълон қилган, китобларни нашрга тайёрлаган. Бу ишлари учун у Бердақ номидаги Давлат мукофоти билан ҳам тақдирланганди. Кейинги йилларда Кўпайсин жамоатчилиikka кўпроқ ёзувчи ва шоир сифатида танилмоқда. Унинг «Бўсаға», «Музалар дунёси», «Соат олтидан кейин» шеърӣй китоблари ўқувчиларга маълум. «Дийдор», «Тазӣйқ» номли поэмаларини ҳам эълон қилди. Шеърлари газета-журналларда мунтазам босилиб турибди.

К.Ерназаров адабиётнинг энг мураккаб жанрларидан бири масалчиликда ҳам ижодий ютуқларга эришди. Ёзувчининг «Йўлбарс ва тулки», «Тулки ва Эшак», «Кана ва Тошбақа», «Ҳакка», «Жўжахўроз», «Соқол» ва яна бир неча масаллари қорақалпоқ масалчилигининг яхши намуналаридир. Бугунги қорақалпоқ адабиётидаги сатира жанрининг ривожланишида ҳам Кўпайсиннинг ҳажвий асарларининг ўрни бор. Сўнгги даврларда босилиб чиққан «Соқол» ва яна бошқа ҳажвий тўпламлари, матбуотда тез-тез босилиб турган кулгили ҳикоялари ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олинмоқда. Кўпайсин таржимон сифатида ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. Мен унинг, айниқса, туркман адабиётидан қилган шеърӣй таржималарини юқори баҳолайман.

К.Ерназаров инсон сифатида жуда камтарин. Лекин ижодда ўта қатъиятли, принципиал, ҳаётдаги камчиликларни, айрим шахслар характеридаги нуқсонларни, хусусан, ҳажвий асарларида фош этишда дадил, ҳақиқатгўй ёзувчи. Унинг асарлари янги жамият қуришимизга, иллатларни бартараф қилишга ёрдам берадиган, тарбиявий аҳамияти юксак ижод намуналаридир.

Ихчам бир мақолада К.Ерназаровнинг тилга олинган шеърӣй ва насрий асарларининг, масалларининг чуқур таҳлилини бериш имконияти йўқлигини билсангиз керак. Шу боисдан ҳам мен фақат уларнинг номларини тилга олиш билан чекландим. Ўйлайманки, бу асарлар келажакда махсус тадқиқотларга мавзу бўлади. Фикримча, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофоти лауреати, шоир ва ёзувчи, таржимон, муҳаррир Кўпайсин Ерназаровнинг ижоди шундай илмӣй тадқиқотга муносиб.

2004

АДАБИЙ ЖАРАЁН ВА ИЖОД МАСЪУЛИЯТИ

(талқинлар, тақризлар, мулоҳазалар)

ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЁТИНИНГ ҲАМ ЖОНКУЯРИ ЭДИ

(Эссе)

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларининг охирлари. ЎзРФА нинг А.С.Пушкин (ҳозирги Алишер Навоӣй) номидаги Тил ва адабиёт институтида илмӣй ходим бўлиб ишлаётган йилларим. Кутилмаганда Қорақалпоғистонга, Нукус давлат университетига ўқитувчи лавозимига ишга кетишимга тўғри келиб қолди. Бу ҳақда ўша пайтда Институтнинг директори лавозимида ишлаётган устозим, йирик адабиётшунос ва танқидчи Матёқуб Қўшжоновга айтмасдан, унга учрашиб, рухсат олмасдан кетолмасдим. Шу мақсадда унинг қабулига бордим ва:

— Домла мени Нукус университетига ишга юборишаяпти. Бироқ у ерда ҳеч кимни танимайман, мени ҳам ҳеч ким билмайди, — дейишим биланоқ, устоз:

— Менга қолса, кетмаганинг маъқул эди. Начора. Янги ташкил қилинган университетга кадр масаласида ёрдам беришимиз ҳам керак. Сен ташвишланма, у ерда менинг шоғирдларим бор. Мен уларга унитверситетда дарс берганман. Агар янглишмасам, иккаласининг ҳам исми Камол бўлиши керак. Бири Камол Худойберганов, иккинчиси Камол Мамбетов. Улар жуда яхши, камтарин йигитлар, бемалол учрашиб, дўстлашсанг бўлади. Менинг шоғирдим эканлигинини айтсанг, бирор зарурат бўлса, улар сени, албатта, қўллаб-қувватлашади, — деди домла ишонч билан.

Матёқуб ака яна икки-уч катта олимнинг исмини ҳам айтиб, уларга ҳам хоҳлаган пайтингда менинг номимдан мурожаат қилавер, деб қўшиб қўйди.

Шундай қилиб, мен Нукус давлат университетида келиб ўзбек тили ва адабиёти кафедрасида иш бошладим. Иккала Камоллар билан ҳам вақти келганда учрашиб, танишдим.

Камол Мамбетов (жойлари жаннатда бўлсин) ниҳоятда салимий, ўта камтарин инсон экан. У билан салкам йигирма йил бир факультетда ишладик, жуда қадрдон бўлиб кетгандик. Камол Худойберганов ҳам (уни ҳам оллоҳ ўз паноҳига олган бўлсин) олижаноб, жуда одамшаванда, ниҳоятда маданиятли ва эътиборли инсон эди. Гарчи у Н.Довқораев номидаги Тил ва адабиёт илмий-тадқиқот институтида ишлаётган бўлса-да, онда-сонда йиғилишларда, адабий анжуманларда кўришиб турардик. Ҳар учрашганимизда унинг менга берадиган биринчи саволи қуйидагича бўларди: Қўшжонов домла билан алоқа қилиб турибсизми, домланинг саломатлиги яхшими? Мендан домлага катта салом етказинг. Ўзингизнинг ишларингиз яхшими? Нукусга мослашиб кетдингизми? Мендан бирор ёрдам керак эмасми? деб сўрашни канда қилмасди раҳматли. Бу инсонлар, очиги, Матёқуб ака таърифлагандан ҳам зўр йигитлар эканлигига ишонч ҳосил қилдим ва Нукусда шундай дўстлар орттирганимдан хурсанд эдим. Домла бирон тadbир муносабати билан Нукусга келса, албатта, унга бу ерлик шоғирдлари, биринчи навбатда, Камол Худойберганов ва Камол Мамбетовлар ҳамроҳлик қилишарди, Матёқуб ака то Тошкентга қайтиб кетгунига қадар унинг суҳбатидан баҳраманд бўлишга ҳаракат қилишларига шахсан гувоҳман.

Хуллас, мен Матёқуб Қўшжоновни Нукусдаги ижодкорлар, олимлар билан боғлаб турадиган, улар ўртасидаги илмий-ижодий ҳамкорликларнинг ривожланишида «воситачи» вазифасини бажара бошладим. Чунки Матёқуб ака қорақалпоқ адабиёти, адабиётшунос-танқидчилари ҳақида бирор маълумотга эҳтиёж сезса, дарров менга кўнғироқ қиларди ёки Тошкентда учрашганимизда керакли нарсаларини сўраб оларди ё ўша материалларни почта орқали юборишимни илтимос қиларди. Қорақалпоқистонлик олимлар ҳам домлада бирор ишлари бўлса, у кишининг яқин шоғирди сифатида менга мурожаат қилишарди ва мен уларнинг илтимосларини ҳам бажонидил Матёқуб акага етказардим.

Матёқуб Қўшжонов қорақалпоқ адабиётининг профессионал тадқиқотчиси бўлмаса-да, бу адабиётга жуда хайрхоҳ, ихлоси баланд эди. Қорақалпоқ мумтоз адабиётини ҳам, ҳозирги замон қорақалпоқ адабиётини ҳам яхши биларди. Айниқса, у Ажиниёз ва Бердақ ижодига жуда қизи-

қарди. Мумтоз шоирларнинг юбилей тантаналарида қатнашиб, домланинг маърузалар ўқиганини илмий-адабий жамоатчилик, менимча, ҳали эсдан чиқаргани йўқ. Устознинг Ўзбекистоннинг марказий газета-журналларида Ажиниёз ва Бердақ ижоди тўғрисида бир неча мақолалар эълон қилганини биламан.

Тошкентга ҳар гал борганимда домлани зиёрат қилмай, суҳбатидан баҳраманд бўлмасдан қайтган эмасман. Матёқуб ака ҳар учрашганимизда, мендан ҳол-аҳвол сўраб бўлгач, биринчи навбатда, Нукусдаги шоғирдларини, танишларини, уларнинг саломатлигини сўрарди, илмий-ижодий фаолияти билан қизиқарди. Учрашиб ҳар бирига алоҳида-алоҳида салом етказишимни тайинларди. Домла бир учрашганимизда:

— *Қорақалпоқ адабиёти жуфт қаҳрамонли адабиётга айланди. Бу жуда ибратли факт. Эшитиб ниҳоятда хурсанд бўлдим. Биласанми, менда шу жуфт қаҳрамонлар ҳақида бирор нарсга ёзиш фикри тугилди. Нима дейсан?* — деди.

— Жуда яхши ўйлабсиз, домла. Агар бу ишни амалга оширсангиз, хизматингизнинг баҳоси йўқ, — дедим устознинг фикрини қувватлаб. Домла сўзини яна давом этди:

— Бу ишда менга сенинг ёрдамнинг керак бўлади. Тўлепберган Қайипберганов ва Ибройим Юсуповнинг ҳамма асарлари менда йўқ. Борлари ҳам ўзбек тилига таржималари. Мен уларнинг асл нусхалари билан танишмоқчи эдим. Биласан, таржима бари бир таржимада, аслиятнинг айнан ўзи бўлолмайди. Таржимада асл нусханинг кўп фазилятлари йўқолади, баъзан ёзувчи ёки шоирнинг бадиий маҳоратини далиллашга хизмат қиладиган муҳим жойлари таржимада тушиб қолган бўлиши мумкин. Шундай ҳолатлар таҳлилда тадқиқотчига панд беради. Шунинг учун ҳам мен имкон қадар таржима матни билан эмас, асл нусха матни билан иш кўраман. Сендан илтимос, мен сўраган китобларнинг асл нусхаларини топиб берсанг, — деди устоз.

— Мен Сизга зарур бўлган барча китобларни, керакли бошқа манбаларни ҳам, албатта, етказиб тураман, — деб ваъда қилдим.

Матёқуб ака яна сал ўйланиб турди-да:

— Сен менга нисбатан қорақалпоқ тилини яхши биласан. Бу масалада баъзан сенга мурожаат қилишимга тўғри

келади. Тушунишим қийин сўзларни сендан сўраб оламан-да! Қийналмайсанми? Ёрдам бера оласанми? — деди.

Устознинг гапининг оҳангидан: шогирдимни қийнаб қўймадиммикан, деган маънони сездим. Мен дарров домлага:

— Ҳеч тортинмасдан хоҳлаган пайтингизда, хоҳлаган ёрдамни сўрайверинг, агар қўлимдан келса Сизга ёрдам беришга тайёрман, — дедим.

Домланинг юзи ёришиб кетди ва раҳмат сенга деб қўшиб қўйди.

Мен керакли китобларнинг деярли барчасини топиб домлага юбордим. Баъзи масалаларни устоз мендан телефон орқали сўраб турди. Тошкентга бир борганимда Матёкуб ака мақолаларни ёза бошлаганини, бу ишни яқин вақтларда якунлаяжагини айтди. Мақоласининг битган баъзи жойларини менга ўқиб берди, айрим масалалар бўйича фикрлашдик. Мақолаларнинг тугалланган қисми билан танишиб, шундай хулосага келдимки, Матёкуб Қўшжонов жуфт қаҳрамонлар — Ибройим Юсупов ва Тўлепберган Қайипберганов ижоди ҳақида чуқур илмий таҳлилга асосланган фундаментал мақолалар туркумини тайёрлашга муваффақ бўлибди. Кўп ўтмай устознинг жуфт қаҳрамонлар ижодига бағишланган мақолалари Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон матбуотида кўрина бошлади. Айримлари Ўзбекистон радиосида ўқилди. И.Юсупов шеърини ҳақидаги мақолалар дастлаб «Еркин Қарақалпақстан» ва «Аму тонги» газеталарида босилди. Жумладан, Ибройим Юсупов ижоди ҳақидаги қизиқарли услубда ёзилган «Шоир бахти» номли мақоланинг «Еркин Қарақалпақстан» газетасининг икки сониди (2003 й., 7,9 июнь) эълон қилинган қорақалпоқ илмий-адабий жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди ва яхши таассурот қолдирди.

М.Қўшжоновнинг ўқувчини ўз тадқиқотига эргаштириш, мавзуга қизиқтириш усули бор. У бирон шоир ёки ёзувчи ижоди ё унинг бирор асари таҳлиliga киришмасдан олдин, шу мавзу билан боғлиқ бир воқеани эслайди, мақола ёзишга туртки бўлган ўша ҳолатни жуда қизиқарли ҳикоя қиладики, худди бадиий асар ўқигандек завқланиб, ҳатто тадқиқотнинг «ичига» кириб кетганингизни ҳам сезмай қоласиз. Кейин диққатингизни сўз юритилмоқчи бўлган мавзу

таҳлиliga қаратади. Энг асосийси, муаллиф ҳикоя қилган ўша воқеани мавзуга шундай усталик билан боғлайдики, унинг асосий мавзудан ташқарида эканлиги ҳаёлингизга ҳам келмайди. Бу Матёкуб Қўшжоновнинг бадиий асарни таҳлил қилиш усулига хос, кўп тадқиқотчиларда учрайвермайдиган ноёб истеъдод қирраси. Шунинг учун ҳам устознинг мақолалари, китоблари зерикмай ўқилади, ўзингизни худди бадиий асар ўқиётгандек ҳис қиласиз, эстетик лаззат оласиз.

Ибройим Юсупов ҳақидаги мақола ҳам шундай бадиий-илмий услубда ёзилгани учун жуда ўқимишли. Муаллиф мақолани Ибройим Юсупов билан илк танишувига сабаб бўлган бир воқеадан бошлайди. Мақолада бу воқеа қуйидаги мазмунда келтирилади: 1951 йил. Матёкуб Қўшжонов «Марказком» деб аталган Ўзбекистоннинг бош идорасининг топшириғи билан бир танқидий материал бўйича илмий-тадқиқот институтларидан бирини текшириш учун Нукусга келади. Ўша кезларда институтга қорақалпоқ зиёлиларидан чиққан биринчи фан доктори Нажим Довқораев раҳбарлик қилаётган бўлади. Ишни институтдаги муҳитни, ходимларнинг ўзаро муносабатларини ўрганишдан, директор Н.Довқораевнинг фаолияти билан танишувдан бошлайди ва институт раҳбарига нисбатан қўйилган айблар: ўтмишни идеаллаштириш, институт ходимлари Н.Довқораев бошчилигида гўё миллатчилик руҳида асарлар ёзиш билан шуғулланаётгани, реакцион урф-одатларни қўллаб-қувватлаш ва тарғиб қилиш, булар шўролар сиёсати ва мафкурасига зид эканлиги в.х.лар, ҳақиқатан ҳам институт директориға юкланган жиддий айблар эди. М.Қўшжонов бу масалани ўрганиб чиқиш ва маълум бир хулосаларга келиш бир ўзи учун осон эмаслигини тушунади ва вилоят раҳбарларидан муаммони холис ўрганишда ёрдам бера оладиган бирор ёрдамчи тайинлашни сўрайди. Масъул ходимлардан бири унинг бу илтимосини инобатга олиб, институтнинг ёш ходимларидан бирини эргаштириб келади ва: мана шу йигит Сизга ёрдамчи бўлади. Фамилияси Юсупов, исми Ибройим, деб таништиради.

М.Қўшжонов Ибройим Юсупов билан бир неча кун бирга ишлаш жараёнида унинг анча билимли, мушоҳада уфқи кенг, ҳар бир масала бўйича холисона фикр юрита оладиган, асо-

сийси, қорақалпоқ адабиётини, қорақалпоқ халқи тарихини, урф-одатларини, халқ оғзаки ижодини теран биладиган, рус тилини ҳам яхши ўзлаштириб олган, сиёсий саводи ҳам етук ходим эканлигига ишонч ҳосил қилади ва унинг кўмагида кўп масалаларни ҳолисона ечишга муваффақ бўлганини мақолада қониқиш билан ёзади. Ибройим Юсупов билан илк учрашувдаги таассуротлари ва институт фаолиятини текширишда кўрсатган ёрдами ҳақидаги фикрларини мақола муаллифи қуйидагича якунлайди: *«Ёш ҳамкорим (Ибройим Юсупов — К.Қ.) менга ўшанда кўп ёрдам қилди. Билими, зийраклиги билан ажралиб турган бу йигит қорақалпоқ тарихи, адабиёти, хусусан, кўп айбномаларга сабаб бўлган халқ ижодиётининг муҳим қирралари хусусида менга анча-мунча маълумот берди. Унинг кўмагида Тошкентга адолатли ҳулоса билан қайтдим».*

М.Қўшоновнинг бундан салкам эллик беш йил олдин Қорақалпоғистон заминиди Тил ва адабиёт илмий-тадқиқот институтида бўлган бу воқеани барча тафсилотлари билан хотирасида сақлагани ва ушбу мақоласида фойдалангани, менимча, олимнинг қорақалпоқ халқига, адабиётига, қолаверса, зиёлиларига бўлган хайрхоҳликнинг, ҳурматнинг бир кўриниши эди.

Муаллиф мана шундай қизиқарли муқаддимадан кейин Ибройим Юсупов лирикаси таҳлиliga ўтади. Шоирнинг ўзига хос бадий салоҳияти, шоирлик маҳорати тўғрисида бетакрор фикрлар билдиради, унинг қорақалпоқ шеъриятидаги мавқеини ўзбек адабиётшуноси нуқтаи назаридан баҳолайди. М.Қўшоновнинг «Оролбўйи куйчиси. Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсупов суратига чизгилар» («Халқ сўзи» газетаси, 2006 йил, 7 январь) номли катта мақоласи ҳам Ўзбекистон жамоатчилигида яхши таассурот қолдирди. Афсуски, бу мақоласини газета саҳифасида кўриш устозга насиб этмади, у домланинг вафотидан кейин эълон қилинди.

Матёкуб Қўшонов замонавий қорақалпоқ адабиётида бўлаётган ҳар бир янгилик билан қизиқарди, имкон қадар улар билан танишиб боришга ҳаракат қилар эди. Эсимда бор. Ўтган асрнинг 80-йилларининг бошларида Т.Қайипбергеновнинг «Кўзнинг қорачиги» романига нисбатан ҳар хил мафкуравий таъзийқлар ўтказилиб, уни асоссиз танқид қилиш тенденцияси кучайтирилган бир даврда Матёкуб

Қўшонов асарни матбуотда қўллаб-қувватлаб чиққанди. Ёзувчининг ҳаёт ҳақиқатини бадий ҳақиқатга айлантиришдаги ижодий дадиллигига ҳолис баҳо берганди. Бадий асарни баҳолаганда ғоявий-сиёсий негизига ургу қилавермасдан унинг бадийлигига, тасвирланган воқеаларнинг қай даражада ҳаёт ҳақиқатига мос ёки мос эмаслигига, маъномоҳиятига қараб ҳулоса чиқариш керак деган фикрни домла ўша чиқишида илмий асослаб берган эди. Ва «Кўзнинг қорачиги» романи қорақалпоқ адабиётининг жиддий ютуқларидан бири, деган ҳулосавий фикрни айтганди. Бу масалада устознинг ҳақ эканлиги, роман, чиндан ҳам, сўнгги йиллар қорақалпоқ адабиётида турмушни реалистик тасвирлашда олға ташланган дадил қадам бўлганлиги мустақиллик йилларида тан олинди ҳамда роман қорақалпоқ адабиётида ўз ўрнини топди.

Матёкуб Қўшоновнинг жуфт қаҳрамонлар — Тўлепберган Қайипбергенов ва Ибройим Юсуповга ҳурмати баланд эди, улар ижодини жуда қадрларди. Бу икки адиб тимсолида қорақалпоқ адабиётининг бугунги бўй-бастини, тараққиёт уфқларини, порлоқ келажагини кўрарди ва беҳад мамнун эди. Устоз жуфт қаҳрамонлар ҳақидаги мақолалар туркумини қуйидаги фикрлар билан якунлагани мана шу эътирофнинг мантикий ҳулосаси эди: «Бугун қорақалпоқ адабиёти жуфт қаҳрамонли адабиёт ҳисобланади. Тўлепберган Қайипбергенов ва Ибройим Юсуповлар кўксига порлаб турган «Олтин Юлдуз» шуъласи, умуман, бугунги қорақалпоқ адабиёти йўлини ёритиб, унинг истиқболига ҳам нур таратиб турибди. Бу икки қаҳрамон адиблар — бири ўзининг улкан насрий ижоди, иккинчиси ўзининг дилбар шеърияти билан қорақалпоқ адабиётини Марказий Осиёдаги забардаст адабиётлардан бирига айлантирди».

Тошкентда домла билан бир гал учрашганимизда:

— *Биласанми, Аму воҳасида — Қорақалпоғистон, Хоразм, Тошхўвудда яшаб ижод қилаётган таниқли шоир ва ёзувчилар, олимлар ҳақида ёзганларим, ўйлаб қарасам, анча-мунчага етиб қолибди. Шуларни жамлаб бир китоб қилмоқчиман. Номини ҳам ўйлаб қўйдим, «Жайхун жиловлари». Энди унга жуфт қаҳрамонлар ҳақидаги мақолаларимни ҳам қўшаман. Қалай ўйлабман? Режам сенга маъқулми? —* деди самимий табассум билан Матёкуб ака.

— Жуда хайрли ишга қўл урибсиз устоз. Шундай китоб, албатта, керак. У адабий алоқаларимизга ҳам хизмат қилади, — дедим хурсандлигимни ошкор этиб.

— Бу масалада ҳам менга худди олдингидагидек, сенинг ёрдаминг керак бўлади, — деди домла.

Мен устозга савол назари билан қарадим. У сўзини давом этди:

— *Нукусда Собир Камолов деган катта олим бор. У академик. Эшитган бўлсанг керак. Мен уни анчадан бери танийман. У ҳам урушда бўлган. Қуролдош дўстмиз. Жуда яхши одам. Шу киши ҳақида ҳам ёзиб «Жайхун жиловлари»-га қўшсам дегандим. Собир Камоловнинг йирик тарихчи олим эканини биламан, айрим китобларини ўқиганман. Лекин менга унинг шахсий ҳаётига тегишли баъзи маълумотлар керак. У эшонлар авлодидан бўлгани учун шўролар даврида бироз қувғинга учраган, деб қисман эшитганман. Шулар ҳақида менга сал кенгроқ, ишончлироқ материаллар керак. Шу маълумотларни Собир Камоловичдан сўраб, балки 4-5 бет ёзиб берар, менга тез етказсанг дегандим.*

Шу пайт дарров ҳаёлимга қуйидаги фикр келди: Матёқуб Қўшжоновни ҳам шахс, ҳам адабиётшунос-танқидчи сифатида кўп йиллардан бери биламан. Илмий лабораторияси, ижод қилиш, мақола ва тақризлар ёзиш принциплари билан ҳам анча-мунча танишман. Турли соҳа олимлари, ижодкорлари билан мулоқотларини ҳам кўп маротаба кўрган им эсимда. Гап шундаки, Матёқуб ака дуч келган олим, шоир ёки ёзувчи ё бирор сиёсий арбоб тўғрисида ёзаверадиган адабиётшунослардан эмас. Устоз ўша шахсининг, майли қайси соҳа ходими бўлишидан қатъий назар, агар ижодкор бўлса, адабий жараёндаги мавқеи, таланти ва истиснодига, мабодо у шахс давлат арбоби бўлса, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрнига, халқ ўртасидаги обрўсига, агар олим бўлса илм оламидаги салоҳиятига, энг муҳими, инсон сифатидаги хислатига, қолаверса, ўзининг дунёқараши, кўнглига қай даражада яқинлигига қараб иш кўради, ижоднинг у ёки бу жанрида унга муносабат билдиради, мароқ билан ёзади. Устознинг илмий-танқидий фаолиятида бунга мисоллар кўп. Жумладан, домланинг «Дийдор» китобида бунинг ифодасини кўрган эдик. Демак, Собир Камолов ҳам домланинг ҳурматини қозонган ҳам катта олим, ҳам олижаноб, камта-

рин инсон, бир элнинг оқсоқоли даражасига кўтарилган халқ эъзозидаги зиёлилардан бири, ўзида жуда яхши таассуротлар қолдиргани ва энг асосийси, қуролдош дўст бўлгани учун дил сўзларини қоғоз бетларига муҳрлашга қарор қилибди-да, деган фикр кўнглимдан ўтди ва устознинг бу режасига ҳам чин дилдан хайрихоҳ эдим. Лекин бу вазифа менга бироз мушкулроқ туюлаётганини яшира олмасдим. Собир Камолов катта олим, академик, Қорақалпоғистонда у кишининг обрўси жуда юқори, эл оқсоқолларидан бири бўлса. У киши билан бирор марта юзма-юз учрашиб мулоқотда бўлиб кўрган эмасман. Шундай мартабали одамга унинг шахсий ҳаётига тегишли бундай нозик гапларни айта олармиканман, деган ташвиш юз-қўзимдан сезилиб турган бўлса керак, Матёқуб ака менинг ҳолатимни дарров сездим шекилли, жавобимни кутмасданок, гапини давом эттирди:

— Бу масалада ҳеч тортинма. Собир Камолович шундай катта обрў-этиборли олим, жамоат арбоби бўлса-да, жуда камтарин, олижаноб инсон. Узоқ йиллар катта лавозимда ишлаган даврида ҳам бирор одамга қўпол гапириб, хафа қилганини эшитмаганман. Жуда самимий инсон эканлигига мулоқотларимизда кўп маротаба шахсан ўзим ҳам гувоҳ бўлганман. Шунинг учун сен ҳеч тортинмасдан мурожаат қилавер. Мендан салом етказиб, илтимосимни айтсанг, у албатта, сўраган маълумотларни беришига ишонаман.

Матёқуб аканинг ўзи ҳам инсон сифатида жуда камтарин, самимий, бировнинг дилини огритадиган одам эмасди. Балки мана шу сифатлар бу икки инсонни бир-бирига яқинлаштириб, дўстлаштиргандир. Хуллас, Нукусга қайтиб келганимдан кейин ҳам бирмунча вақт Собир Камоловга кўнглироқ қилиб Матёқуб Қўшжоновнинг илтимосини айтишга журъат этолмай юрдим. Лекин бари бир кунларнинг бирида у кишининг уйига кўнглироқ қилишимга тўғри келди. Телефонга Собир Камоловични чақириб беришларини сўрадим. Салдан кейин телефон гўшагини Собир оға кўтарди. Салом-аликдан кейин Матёқуб аканинг саломини етказдим ва мақсадимни айтдим. Собир оға мени диққат билан тинглади-да, домла сўраган мавзу бўйича шахсий ҳаёти билан боғлиқ баъзи масалаларни шу пайтнинг ўзидаёқ гапириб бера бошлади. Симнинг нариги томонидан шундай

самимий ва таъсирли сўзлар оқиб келардики, у киши мен билан гўё кўпдан бери таниш, деярли ҳар кун мулоқотда бўлиб юрган одамдек, бегонасирамасдан, ҳеч нарсани яширмай гапирётганини ҳис қилиб турардим. У кишининг ўта самимийлигига, камтаринлигига ўша телефондаги суҳбатимиз чоғидаёқ ишонч ҳосил қилдим.

Хуллас, Собир оға телефонда айтган гапларини қоғозга тушириб беришни ваъда қилди. Ва сўзининг охирида:

— Қўнғироқ қилиб тур, бир ҳафтанинг ичида битириб беришга уриниб кўраман, — деди.

Мен ишим битганидан ниҳоятда хурсанд кайфиятда эдим. Шу пайтнинг ўзидаёқ Тошкентга, Матёқуб Қўшжонова қўнғироқ қилдим, Собир Камоловнинг саломини етказиб, ишнинг натижаси ҳақида домлага «ҳисобот» бердим. Домла жуда хурсанд бўлди ва Собир Камоловичга салом айтиб қўйишимни тайинлади.

Онда-сонда шу иш юзасидан Собир оғага қўнғироқ қилиб турдим. Ҳар гал телефон қилганимда, у киши исимини айтмасимданоқ, овозимни эшитиши билан Каримбоймисан дерди ва суҳбатимиз жуда самимий бўларди. У киши билан сўзлашган сари сўзлашгингиз келаверарди. У менинг тасаввуримда гўё жонли тарих бўлиб гавдаланарди. Суҳбат чоғларида Собир оғанинг Матёқуб Қўшжоновага ҳурмати ниҳоятда баланд эканлигини, қуролдош дўстларнинг бир-бирларига муносабатлари ўта самимий ва ибрат қилса арзигулик муносабатлар эканлигини кўриб, ич-ичимдан ҳавасим келарди. Матёқуб ака ҳам Собир Камалов ҳақида тўлиб-тошиб гапирарди, унинг олижаноб фазилатларини улуғлагани улуғлаган эди. Устознинг бу катта олим ҳақида бирор нарса ёзиб «Жайхун жилолари» китобига киритишни ният қилгани бежиз эмас экан-да деган хулосага келдим. Собир оға сўраган материалларни келишилган муддатдан бир неча кун олдин тайёрлаб берди ва мен уни зудлик билан Тошкентга, устозга юбордим.

Матёқуб Қўшжоновнинг саломатлиги сўнгги пайтларда анча заифлашган эди. Домла кўпроқ шифохоналарда бўлиб даволанаётганидан хабардор эдим. «Жайхун жилолари» китобини нашрга тайёрлашга киришган кунларида у анча бетоб эди, илмий иш қилиш, ёзиш қобилияти ҳам кун сайин пасайиб бораётганди. Шунга қарамасдан, мен Собир Камо-

лов берган материалларни устозга юборгандим. Матёқуб ака бу материаллар қўлига келиб тушганини, ёзишга чоғланаётганини айтган эди. Лекин домла бу ишни ниҳоясига етказдимми, Собир Камолов ҳақида мақола ёзиб, уни «Жайхун жилолари»га киритиб улгурдимми? Ёки материаллар устознинг ёзув столи устида қолиб кетдимми? Бу менга ҳозирча маълум эмас. Сабаб Матёқуб Қўшжонов бу пайтларда ҳаётининг энг сўнгги кунларини яшаётган экан. Устоз 2005 йилнинг август ойида 87 ёшида оламдан ўтди.

Китоб устознинг вафотидан сўнг унинг шогирдлари, маслакдошлари томонидан нашрга тайёрланмоқда деб эшитдим. Афсус, «Жайхун жилолари»ни китоб шаклида кўриш устозга насиб этмайди. Бироқ олимнинг бу сўнгги асари унинг Аму воҳаси шоир ва ёзувчилари ижодига, олимлари фаолиятига хайрхоҳлигини, ҳурмати ва эътирофини намоён этувчи, адабий дўстликка хизмат қиладиган китоб, аниқроғи, Матёқуб Қўшжоновдан ёдгорлик бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

Мен Матёқуб Қўшжоновнинг Қорақалпоғистондаги баъзи ижодкорлар, айрим олимлар билан алоқалари тўғрисидагина сўз очдим. Ҳолбуки, домланинг бу ўлкадаги танишларининг, шогирдларининг сони кўп. Устоз ҳамиша уларнинг ишлари билан қизиқиб, зарур бўлса ёрдам бериб, қўллаб-қувватлаб турганини, баъзиларининг ижодини Ўзбекистон қўламида тарғиб қилганини биламан. Айниқса, филолог кадрлар тайёрлаш масаласида устоз ҳеч қачон четда турган эмас, доимо имкон қидириб ёрдам беришга ошиқарди.

Устоз адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжонов ҳаёт бўлганларида бу йил ўзининг 90 ёшини нишонлаган бўларди. Афсус, домла бу кунларга етиб кела олмади. Элликдан ортиқ китобини, олти юзга яқин мақолаларини халқимизга, мутахассисларга мерос сифатида қолдирган ноёб истеъдод соҳиби Матёқуб Қўшжонов, гарчи, бугун орамизда бўлмаса-да, устознинг табарруқ ёши илмий-адабий жамоатчилик, яқинлари даврасида, Қорақалпоғистонда ҳам кенг нишонланди, унинг эзгу ишлари ёдга олинди.

Ҳа, бетакрор олимларнинг сўзи, асарлари ҳеч қачон ўлмайди, ҳамиша тирик, адабиёт ихлосмандлари қалбида мангу яшайди.

Академик Матёкуб Қўшжонов ҳақидаги ушбу мақолани яқунлар эканман, ҳаёлимга келган бир фикрни айтмоқчиман. Қорақалпоқ адабиётига хайрхоҳ, унинг жонқуяри бўлиш учун фақат Қорақалпоғистонда ёки Нукусда яшаш шарт эмас экан. Ташқарида туриб ҳам бу адабиётнинг ижодий ютуқларига ҳамнафас бўлиш, шоир ва ёзувчилари ҳақида фикрлар билдириб, асарларини Ўзбекистон доирасида тарғиб қилиш мумкин экан. Бунга йирик олим, академик, бир неча энг юқори Давлат мукофотлари совриндори бўлган Матёкуб Қўшжоновнинг қорақалпоқ адабиёти ҳақидаги тадқиқотлари, ижодкорлари тўғрисидаги мақолалари, менимча, мисол бўла олади.

2008

СУЙИНИБ ЁЗАДИ, КУЙИНИБ ЁЗАДИ

Шундай ижодкорлар бўладик, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда учраб турадиган баъзи бир вақтинчалик қийинчиликларни баҳона қилиб бадиий ижоддан «совиб» кетади. Ҳаттоки айримлари турмушнинг дастлабки синовларидаёқ қалам билан қоғозни йиғиштириб қўя қолади. Шундай шоир ва ёзувчилар ҳам борки, улар ҳар қандай шароитда ҳам адабий фаолиятини тўхтатмайди, учраши мумкин бўлган барча қийинчиликларни енгиб, адабиётга нисбатан садоқатини намойиш этади. Ижоднинг янги чўққиларига қараб дадил одимлайверади, фидоий қаламкаш сифатида халқ назарига тушади, ҳурмат қозонади. Бердақ номидаги Давлат мукофоти лауреати, истеъдодли шоира ва публицист Гулистон Матёкубова шундай фидоий ижодкорлардан бири.

Гулистон Матёкубова ўтиш даври муаммоларига қарамасдан, ижод аҳлига мустақиллик яратган имкониятлардан унумли фойдаланиб, адабиётнинг турли жанрларида асарлар ёзиб, ўзбек ва қорақалпоқ адабиётини бойитиб келаётган сермахсул қалам соҳиби. Ҳозиргача Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон нашриётларида шоиранинг ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида йигирмага яқин шеърӣ ва насрий китоблари босилиб чиқди. Икки республиканинг газета-журналларида, адабий-бадиий тўпламларда эълон қилинган очерклари, публицистик мақолалари ва бошқа

жанрлардаги асарларини ҳам инobatга олсак, шоиранинг истиқлол йилларида бадиий ижод билан фаол шуғулланганига гувоҳ бўламиз.

Гулистон Матёкубованинг Ўзбекистонда ҳам, Қорақалпоғистонда ҳам талантли шоира сифатида тан олинганига кўп йиллар бўлди. Ўзбек ва қорақалпоқ адабиёти ва адабиётшунослигининг таниқли вакиллари унинг ижодини юқори баҳолади. Зулфия, А.Орипов, О.Матжон, Н.Худойбергенов, Б.Назаров, Қ.Раҳимбоева сингари атоқли шоирлар, адабиётшунос ва танқидчиларнинг Гулистон Матёкубова ижоди ҳақида матбуотда айтган фикрлари, ёзган мақолаларини, ҳар хил адабий минбарлардан туриб билдирган мулоҳазаларини тилга олиш ўринлидир. Зулфиядек атоқли шоиранинг назарига тушиш, унинг юқори баҳосига муносиб бўлиш ҳамма ижодкорга ҳам насиб қилавермайди. Зулфия бундан бир неча йил олдин матбуотда «Гулистоннинг бўстони»¹ номли мақола эълон қилганди. Унда Гулистон Матёкубованинг ижодига назар ташлаб, шогирдининг шеърӣятда эришаётган ютуқларидан кўнгли тўлиб, унинг келажагига катта ишонч билдирган эди. Гулистон устозининг бу ишончини оқлади, деб бугун бемалол айта оламан. Ҳозир у шеърӣят бўстонининг чинакам истеъдодли ва таниқли шоирларидан бири. Бу ҳақиқатни қорақалпоқ шоир ва ёзувчилари, адабиётшунос олимлари ҳам эътироф этишади. Т.Қайипбергенов, И.Юсупов, Г.Есемуратова, К.Мамбетов, С.Баҳадироваларнинг мақолаларида, шоиранинг китобларига ёзган сўзбошиларда Гулистон Матёкубованинг қорақалпоқ китобхоналари, адабий-илмий жамоатчилиги ўртасида ҳам кенг танилган машҳур ижодкор эканлиги яқдиллик билан таъкидланади.

Шоиранинг баъзи китоблари Тошкентда ўзбек тилида босилган бўлса, «Бахт келтирган баҳор», «Нурли кунлар», «Юрак билан юзма-юз» тўпламлари Нукусда, қорақалпоқ тилида нашр этилди. «Прекрасное чувство» номидаги китоби ҳам мухлисларга етказилди. У «Юрак билан юзма-юз» шеърлар тўплами учун Бердақ номидаги Давлат мукофоти-

¹ Зулфия. Гулистоннинг бўстони. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1993, 2 июль.

га сазовор бўлди. Ўнлаб шеърларига қорақалпоқ компози-торлари куй басталади, хонандалар уларни мароқ билан ижро этиб келмоқда.

Шоира эълон қилган асарларнинг асосий қисми мустақиллик йилларига тўғри келади. Унинг ижоди истиқлол йилларида янги шакл ва мазмун билан бойиди, чиниқди. Гулистоннинг поэтик китоби бўладими ёки публицистик асарлар туркуми ёхуд сахна учун ёзган пьесалари дейсизми, ҳаммаси ҳам ҳеч қачон мухлислар эътиборидан четда қолган эмас, доимо қизиқиш билан қабул қилинган. Унинг «Излаганларим»¹ номли шеърый тўплами, назаримда, шоиранинг ижодий қиёфасини, маҳоратининг ўзига хос жиоларини ёрқин очиб берган китоб бўлди. Муаллифнинг элликлдан ортиқ шеърлари ва тўрт достонини қамраб олган, салкам йигирма босма табоқ ҳажмидаги бу асари фақат шоиранинг эмас, мустақиллик даври ўзбек ва қорақалпоқ шеърятининг ҳам эътиборга лойиқ ютуқларидан бири бўлди. Миллий ғоя, миллий мафкура концепциясини яратиш, миллий қадриятларимизни қайта тиклаш ва ҳаётга талбиқ этиб, халқимиз онгига сингдириш бўйича ишлар қизгин давом этаётган бир шароитда, китобхонларга маънавий куч бағишлайдиган бундай асарларнинг нашр этилишини фақат қўллаб-қувватлаш зарур. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлепберган Қайипбергановнинг «Озод кўнгил гулдастаси» номли ушбу китобга ёзилган сўзбоши-си шоира ижодига берилган ўзига хос баҳодир. Маъно-мазмунига миллий ғоялар ва миллий мафкура руҳи сингдирилган бундай асарлар бугун халқимизнинг маънавий эҳтиёжи учун жуда зарур. «Излаганларим» китобхонларнинг айнан шу эҳтиёжини қондиради, миллий қадриятларимизнинг истиқлол даври учун аҳамиятини ҳис қилиб яшашга, руҳий покланишга, ўзлигини англашга илҳомлантиради, мустақиллик ғояларига садоқат билан хизмат қилишга ундайди. Тўпламдаги ҳар бир шеър ва достон мазмунида ушбу ғоялар устивор.

Г.Матёкубова ҳаёт ташвишлари ва қувончлари ҳақида куйиниб ва суйиниб ёзадиган, юрагида доимо ижод завқи жўш уриб турадиган, эҳтиросли шоира. Унинг лирик қаҳра-

¹ Г.Матёкубова. Излаганларим. Тошкент., «Ёзувчи», 2000.

монлари ҳам яратувчи, курашчан, мустақиллик ғояларига ишончи мустаҳкам, қадриятларни улуғлайдиган, маънавий етук инсонлар. Улар яхшилик ва ёмонлик, адолат ва ноҳақлик ўртасидаги азалий қарама-қаршиликка, турмушдаги камчиликларга муросасиз, қалби олов замондошларимиздир. Шу билан бирга қалби ҳасад, худбинлик, ичиқоралик, пасткашлик иллатлари билан тўлиб-тошган, ҳавас билан эмас, ҳасад билан яшайдиган кимсаларни шоира «*ҳасад ўйинига айланган тирик мурдалар*» деб лаънатлайди. Уларнинг «*Чириб бораётган қора юраги, занг босган фикрлари*» ҳеч қачон «*дунёнинг энг гўзал сўзларини эшитма олмаслиги, кўкда ҳам, ерда ҳам меҳр нурини сеза олмаслиги*» ҳақида кескин фикрлар айтади. Юраги қора, виждони инсонларга озор беришдан роҳатланадиган, келажакка соя ташлайдиган бандаларнинг ҳам жамиятимизда бор эканлигини шоира яшириб ўтирмайди. Шеърларидан бирида шундай мисралар бор: «*Биламан, қора булут, қора мақсад хаёллар, Кезиб юрар ёнимда, гоҳо узоқ-яқинда*». Лирик қаҳрамоннинг ҳиссий мушоҳадаларидаги бу изтироб тўлқини ўқувчининг ҳам дилини ўртади. Лекин бундай нопокликлар, пасткашликлар лирик қаҳрамоннинг умид учқунларини сўндира олмайди. Юксак инсоний фазилатли одамларнинг орасида, уларнинг оламида, «*соғинган, сиғинган, суюнган*» озод Ватан кучоғида унга «*яхшилик, поклик тимсоли*» бўлиб яшаётганидан фахрланади.

Шоиранинг кўп шеърларида ҳиссиётлар кураши ҳукмрон. Яхшилик билан ёмонлик, инсонпарварлик билан ёвузлик, муҳаббат ва рашк, садоқат ва хиёнат ўртасидаги зиддият шиддатли ва аёвсиз. Ҳар бир шеърнинг ички мазмунидан муаллифнинг яхшилик, гўзаллик ва покизалик, эзгулик тарафида эканлигини, маънавий қашшоқликдан нафратланишини, инсонийликдан маҳрум кимсаларнинг ҳатти-ҳаракатларидан ғазабланишини ҳис қилиб турасиз. Унинг «Танамда бир ўт ёнади», «Кўнглим такрорлайди табиат», «Озод юрт, озод кўнгил», «Қалбимга» каби шеърларида шу хилдаги туйғулар кураши юксак бадиий шаклда ифодаланган. Шеърларда эҳтирос кучли, фикрларнинг салмоғи катта. Поэтик умумлашмалар, фалсафий мушоҳадалар, хулосалар ўқувчини ҳаёт ва одамлар ҳақида фикрлашга, ҳукм чиқаришга даъват этади. Лирик қаҳрамоннинг тафаккур

тарзида, туйғуларнинг бадиий талқинида сохталик, сунъийликни сезмайсиз. Муаллиф лирик қаҳрамон кечинмаларини самимий эҳтирос билан баъзан суйиниб, баъзан эса куйиниб қозоғга туширади. Фикрлар билан туйғулар уйғунлиги Гулистон шеърларининг бош фазилатидир.

Шеърят образли тафаккур эканлиги маълум. Шеърни шеър қиладиган нарсаси ҳам образлилик деб бекорга айтилмайди. Атоқли шоир Абдулла Орипов мақолаларидан бирида адабиётни, жумладан «Шеърятни образлиликсиз тасаввур қилиш мумкин эмас» деб ёзганида катта илмий ҳақиқат бор. Образлилик конкрет лирик қаҳрамон ёки табиат образи воситасида ҳаётда ва табиатда рўй берадиган у ёки бу воқеа-ҳодисалар тўғрисида поэтик фикрлаб, фалсафий ҳулоса чиқаришнинг бир усули. Рамзий образлар орқалигина бадиий умумлашмалар қилиш, ўқувчига керакли, унутилмайдиган фикр айтиш мумкин. Шеърятда шоирнинг поэтик маҳоратига далил бўладиган бош белги ҳам шу. Муаллифнинг «Гилослар», «Сўраса бир шамол мени излайди», «Жийдалар гуллабди», «Шамоллар», «Биз терган гуллар» номли шеърлардаги образлилик, кўчма маъноли ўхшатишлар фақат ўқувчининг туйғуларига эмас, дунёқарашига ҳам таъсир кўрсатади, одам ва олам ҳақида фикрлашга ўргатади. Шоиранинг «Излаганларим» тўпламидаги қайси шеърни ўқиб кўрмайлик, инсоннинг нозик кечинмалари илҳом билан ҳаққоний ва табиий, давр руҳига мос тарзда, эҳтиросли ифодаланганини кўрамиз.

* * *

Гулистон Матёқубованинг дostonчиликдаги ижодий изланишлари ҳам эътиборга сазовор. Айниқса, Жанна Д'арк ҳақидаги «Қуёш қизи ва само садолари» номли дoston муҳлисларда қизиқиш уйғотди. Шоира Зулфия дostonни ўқиб жуда таъсирланганини, ҳайратга тушганини матбуотдаги чиқишларида айтди. Гулистоннинг бошқа дostonлари ҳам жўшқин илҳом ва маҳорат билан ёзилган. Унинг «Дарёга ботаётган қуёш», «Зиёга ботаётган дарё» дostonлари бадиийлик бобида анча пишиқ. Икки дoston ҳам ёзилиш услуби, композицияси жиҳатидан ўзаро яқин. Мазмуни ҳам қисман ўхшайди. Фикримча, уларни ўзаро боғлаб, маъносини уйғунлаштириб турадиган бир хусусият бор. Бу — ҳозирги

авлодни тарихимиздаги миллий қадриятлар билан таништириш, буюк тарихий шахсларнинг бугунги авлодга сабоқ бўладиган хислатларини бадиий талқин қилиш ва шу орқали ўқувчилар қалбида ўтмишга нисбатан фахрланиш туйғуларини уйғотиш. Икки дostonнинг бош гоёси ҳам шунга қаратилган. Тарихда из қолдирган улў бобокалонларимизнинг васиятларига, намунали ишларига содиқ қолиб яшашга, меҳнат қилишга даъват дostonларнинг маъно-мазмунига айлантирилган. Муаллиф тарихнинг маънавият чашмаларидан бугунги авлодни баҳраманд этади, бу манбаларни истиқлол манфаатларига, инсонларнинг маънавий тарбиясига бўйсундиради. Инсоният тарихида илм-маърифат, маънавият қуёши бўлиб порлаган Жалолиддин Румий, Абу Райҳон Беруний, Нажмиддин Кубро, Сулаймон Боқирғоний, Паҳлавон Маҳмуд, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоийдек буюк сиймоларнинг адабий-илмий ва бадиий хазинаси, одоб-ахлоққа доир асарлари, дидактик дostonлари истиқлол даври руҳини, ҳозирги замон нафасини бадиий талқин қилишда муаллиф учун руҳий таянч бўлди. Шоира бу улў алломаларнинг маънавий хазинасидан руҳий мадад олиб, мазкур дostonларни ижод этган.

Дostonлар марказига қўйилган образлар дунёқарашини кенг, иймон-эътиқоди бутун, иллатларга муросасиз, инсоний фазилатларни ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам ҳимоя қилишга қодир фаол кишилар. Шунинг учун ҳам китобхон уларнинг ҳатти-ҳаракатларига бефарқ эмас, қийналса қийналади, қувонса қувонади, яхшилик томонида туриб ёвузликни қоралайди. Бу асарларнинг тарбиявий аҳамияти ҳам катта. Биринчидан, у ўқувчини одамгарчилик фазилатларини қадрлашга ўргатса, иккинчидан, ҳар бир китобхонни шоир идеалига ёт иллатларга нафрат руҳида тарбиялайди. «Дарёга ботаётган қуёш» ҳам, «Зиёга ботаётган дарё» ҳам шу фазилати билан адабиётимиз, маънавиятимиз учун керакли асар.

Гулистон Матёқубованинг дostonлари орасида ҳажман катта бўлмаган «Зулфия» номли ихчам бир асар бор. Унда ҳаётдан бевақт кетган, орзу-армонлари эрта сўнган ёш аёл — Зулфиянинг ачинарли тақдири ҳикоя қилинади. Дoston қандайдир ички дард билан ёзилган. Муқаддимадан тортиб охириги саҳифасигача ўқувчини изтироб алангаси чулғаб олади. Аччиқ қисматнинг қурбони бўлган Зулфиянинг ўлимидан кейин лирик қаҳрамон қалбида тугён урган психо-

логик ҳолатлар, нолалар талқини ўқувчининг дилини ҳам оғритади, айрилиқ, жудалиқ ҳолатлари тасвири ларзага келтиради. Бир-биридан гўзал, бир-биридан ширин «фарзандларидан кечиб», бу ёруғ оламни жуда эрта тарк этган аёлга жуда ачинасиз. Она дийдорига тўёлмай доғда қолган етим фарзандларнинг «онажоним қайларга кетди» деб қилган фарёдларидан сизнинг ҳам дилингиз озор чекади, қалбингизда ҳамдардлик туйғуларини ҳис этасиз. Шоира ўзига хос драматик, поэтик талқин билан ўқувчини лирик қаҳрамон «дард»ларига шерик қилади, у йиғласа йиғлайди, қувонса қувонади. Муаллиф лирик қаҳрамондаги драматизмни, дард-ҳасратни табиий очиб берган.

Лекин достондаги бу вақтинчалик психологик ҳолатлар тасвири, қайғули воқеаларнинг бадий талқини китобхонни руҳий тушқунликка чулғаб ташламайди, балки чиниқтиради. Ҳаётнинг ҳар қандай зарбасига тайёр туришга, уни ирода билан енгишга ўргатади. Бу гоё кўпроқ достоннинг хулоса қисмига, ҳаётда умид ва ишонч билан яшашга чорловчи мисралар руҳига сингдирилган. Лирик қаҳрамоннинг ҳаётга муҳаббати беқиёс. У дунёда умид ва ишонч билан яшашни истайди. Шунинг учун ҳам у «*Умид қилгил ёрқин бахтни, Бахтга етакловчи қувонч-завқни*» дея қалб дафтарини очади. Зулфиядан қолган «*армон тахтини*» чўктирмасликка, «*тақдирнинг бу хатосининг*» ҳеч қачон такрорланмаслигига, «*ҳижрон қўлларини бахт ничоғи билан кесиб қўйишга*» ваъда беради. Бундан кейинги орзу-армонларига «*Қайғуни йўлдош қилмасликка, дард-ҳасратларга кўмилиб қолмасликка*» сўз беради. Достон мана шундай ҳаётбахш, романтик пафос билан якунланади.

Ҳарҳолда, «Зулфия» достони эҳтирос тўлқинларида туғилган, ҳис-туйғуларга бой, ҳаяжон билан ўқиладиган яхши асар. Ва у, менимча, Гулистон Матёкубованинг бошқа достонларидан мана шу хусусияти билан фарқланиб туради. У жанр нуқтаи назаридан достондан кўра марсияга ҳам ўхшаб кетади.

* * *

«Қирқ қиз» достони асосида ёзилган «Гулойим» опера-либреттоси Гулистон талантининг яна бир қиррасини намойиш этди, ижодида янги саҳифа очди. У қорақалпоқ миллий опера санъатининг ривожига қўшилган ҳисса ҳамдир.

Асарда XVI асрнинг охири XVII асрнинг бошларида Туркистонда бўлиб ўтган кескин, ҳаяжонли воқеалар ҳикоя қилинади. Либреттода Ватан ҳимояси, қаҳрамонлик, муҳаббатта салоқат ва вафодорлик каби фазилатлар улуғланса, босқинчилик ва ёвузликни ўзига касб қилиб олган, маънавий тубан шахслар қораланади. Асарнинг конфликти мана шу икки ижтимоий-сиёсий қарашдаги кучлар ўртасидаги кураш асосига қурилган. Барча эзгуликларни қалбига жо қилиб олган жасур қиз Гулойим, оғир вазиятларда унга ёрдам қўлини чўзган Хоразмлик баҳодир Йигит Арслон ва унинг ҳамфикрлари душманларга қарши аёвсиз кураш олиб борадилар. Нодиршоҳ, Суртайша, Қулимбек, Мостон кампир каби эзгулик душманларининг курашдаги мағлубияти асарда драматик фонда, кескин конфликтлар орқали кўрсатилади.

«Гулойим»нинг композицион қурилиши, сюжети, конфликти, образларнинг реалистик талқини, ифода тасвир қуролларининг мақсадга мувофиқ қўлланилгани асарнинг бадий жиҳатдан пухта ишланганидан дарак беради. Шеърӣ парчалар, халқ кўшиқларини эслатадиган лирик лавҳалар ўқувчига завқ бериши баробарида, унинг бадий-эстетик дидини ҳам тарбиялайди. Либретто матнини мана шундай шеърӣ намуналари билан безашда Гулистон Матёкубованинг шоирлик тажрибасидан фойдалангани сезилиб туради.

Хуллас, «Гулойим» опера-либреттоси бадийлиги мукаммал, ўқувчи ёки томошабин руҳиятини бойитадиган, дунёқарашини башарий қадриятлар билан кенгайтирадиган ажойиб бир асар. У ҳозирги авлодни қадриятларимизни асраб сақлаш, уларни тарғиб қилиш руҳида тарбиялашда катта маънавий қурол ҳамдир. Бугун халқимиз миллий қадриятларимизга садоқат руҳида ёзилган бундай асарларга жуда чанқоқ. Шу маънода «Гулойим» опера-либреттоси гарчи узоқ ўтмиш воқеаларига бағишланган бўлса-да, айтиш мумкин асари, мустақиллик гоёларига ҳамоҳанг ижод намунасидир.

Гулистон Матёкубовани талантливый драматург сифатида характерлайдиган бошқа саҳна асарлари ҳам бор. Замонавий мавзудаги «Қаторда норинг бўлса» поэтик драмасы муаллифнинг саҳна асарлари яратиш йўлидаги ижодий излашларининг янги қадами бўлди.

Гулистон Матёкубованинг шеърляти, дostonлари тўғрисида кўпроқ фикр юритдим. Лекин у насрда ҳам муваффақиятли ижод қилиб келаётган ёзувчилар қаторида туради. Ҳозиргача у ўнлаб ҳикоялар ва қиссалар, очерклар ва публицистик мақолалар эълон қилдики, бу асарлар Гулистоннинг ижоднинг бу турида ҳам яхшигина қалам тебратта олиш қобилиятига эга эканлигини кўрсатди. Унинг «Нурли кунлар» (1987) номли насрий китоби фикримга далил. Китобдаги «Тўрткўлнинг оқ сўқмоқлари» қиссаси ёзувчининг насрдаги ижодий имкониятлари ҳам кўп қиррали эканлигидан, ҳаёт ҳақиқатларини бадиий ҳақиқатга айлантиришнинг ижодий принципларини мукаммал эгаллаганидан, сюжет, композиция, конфликт, ёрқин характерлар яратиш маҳоратини яхши ўзлаштирганидан дарак беради. Ёзувчининг ҳикоялари ҳам бадиийлик бобида қиссаларидан қолишмайди. Ҳикоя жанри имкониятлари доирасида кичик-кичик ҳаётий воқеаларни бадиий умумлаштириб, катта ижтимоий маъно касб этадиган фалсафий хулосалар чиқарган. «Она меҳри», «Тонгдаги туш», «Фарзанд», «Бир сиқим тупроқ», «Ўқилмаган хат», «Ёмғир», «Қудуқ», «Нон ҳиди» каби ҳикоя ва новеллаларда қаламга олинган мавзу ва унинг бадиий талқини, муаллифнинг ҳаёт ва одамлар ҳақидаги мушоҳадalари, хулосалари китобхон учун маънавий-маърифий аҳамиятга эга. Бу ҳикояларда ёзувчи ҳаётнинг шунчаки кузатувчиси эмас, балки у турмуш фактлари ҳақида мулоҳаза юритади, уларни бадиий-эстетик таҳлил қилиб ҳукм чиқаради. Ўқувчига ҳикматбop фикрлар айтиб, тафаккури ва руҳий оламини бойитади. Ҳаёт материални ҳар хил дунёқарашдаги образлар орқали тасвирлаш жиҳатидан ҳам ҳикоялар ўзарo фарқланади. Ҳаёт ҳақиқатини бадиий талқин қилишдаги ёзувчининг бу услубий ўзгачалиги ҳар бир ҳикоянинг мазмуни ва шакл ифодасида акс этиб туради.

Гулистон Матёкубова насри ҳақида гапирганда унинг публицистикасини четлаб ўтиб бўлмайди. Назаримда, бу жанр кейинги йилларда унинг ижодида етакчи ўринлардан бирини эгаллади. Бунинг сабабини, менимча, Гулистоннинг Қорақалпоғистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига фаол аралашуви, ҳар хил раҳбарлик лавозимларидаги фаолияти билан изоҳлаш керак. Масъулиятли лавозимларда ишлаш унинг

публицистикаси мавзусининг турли-туман бўлишига замин тайёрлади. Ҳизмат юзасидан у республиканинг туманларида бўлади, Ўзбекистон кўламидаги ҳар хил анжуманларга қатнашади, чет элларга чиқиб бир неча халқаро форумларда Қорақалпоғистон номидан иштирок этди. Бу учрашув ва сафарлардан олган таассуротлари ҳақида дастлаб мақола ва очерклар ёзди. Шу ўринда унинг фақат икки публицистик асарини тилга олиб ўтиш билан чекланмоқчиман. Биринчиси, «Жайхун ёқасида ўсган бойтерак» номли катта ҳажмдаги публицистик асари бўлса, иккинчиси, «Юрт бахтидан сўзлагани бордим» деган ном билан эълон қилинган очерки. «Жайхун ёқасида ўсган бойтерак» асари Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши муносабати билан ёзилган. Иккинчи очерк 1995 йилда Пекинда бўлиб ўтган Жаҳон халқаро Хотин-қизлари конференциясига қатнашиши ва форумдан олган таассуротлари асосида битилган. Г.Матёкубова бу конференцияга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, республика хотин-қизлар кўмитасининг раиси сифатида делегация раҳбари бўлиб иштирок этганди.

Ҳар икки асар ҳам публицистика жанрининг яхши намунаси, адабий-бадиий услубда ёзилган, чинакам миллий руҳ билан суғорилган мукаммал ижод маҳсули. Сир эмаски, шўролар даврида кўпинча партия ва ҳукумат қарорларини тарғиб қиладиган, дабдабазликдан иборат қуруқ фактларни, сохта қаҳрамонларни асоссиз мақташ каби гоёлар билан суғорилган очеркларни кўп ўқиганмиз ва уларни очерк жанрининг ҳақиқий намуналари сифатида қабул қилганмиз. Тўғриси айтганда, миллий гурур ва ифтихор туйғуларига тўлиб-тошган публицистик асарлар адабий жараёнда деярли учрамасди. Шу жиҳатдан қараганда, Гулистон Матёкубованинг бу икки асари ҳам мустақиллик йилларида битилган, миллий мафкура, миллий қадриятларни эъзозлаш, улар руҳидан келиб чиқиб ҳозирги замонда бўлаётган жиддий ўзгаришларни, янги жамият қуриш йўлидаги юксалишни, халқимизнинг яратувчанлик қудратини, илмий-бадиий салоҳиятини, қўйингки, барча соҳаларда ўзлигини англаш жараёнларини эмин-эркин тасвирлаб берган публицистикадаги ўзига хос кашфиёт бўлди десам муболага эмас.

Гулистон Матёкубованинг услубига хос яна бир хусусият бор. Унинг очерклари ва мақолалари худди шеър билан ёзилгандек таассурот қолдиради. Катта завқ ва эҳтирос билан ўқийсиз. Асар шоира қаламидан чиққанлигини ҳис қилиб турасиз. Менимча, ҳар қандай публицистик асар мана шундай услубда ёзилсагина ўқимишли ва таъсирли чиқади.

* * *

Гулистон Матёкубова кўп қиррали ва сермахсул ижодкор. Адабиётнинг деярли барча жанрларида салмоқли асарлар яратди. Муҳими, бу асарлар сони ёки ҳажми жиҳатидангина эмас, бадиияти, ҳалқимизга манзур бўлиш даражаси билан ҳам ижобий баҳога муносиб. Ёзувчининг жамият, ҳалқ олдидаги қадр-қиммати, ижодининг, асарларининг маънавий-маърифий ҳаётимизда ўйнаган роли қай даражада тарбиявий аҳамият касб этишига қараб белгиланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Гулистоннинг ҳар бир асарида қаламга олинган мавзу, яратилган бадиий образ давр руҳига мос, мустақиллик ғояларига ҳамоҳанг. Ва улар бугунги куннинг ҳаётида, баркамол авлод тарбиясида маънавий қурол вазифасини ўтамоқда.

Гулистон Матёкубованинг барча бадиий, адабий-публицистик асарларининг поэтик ва насрий талқинлари негизидек мустақиллик замонининг эзгуликларига хизмат қилишдек муқаддас мақсадлар ётади.

Ижодий довларни забт этишни ният қилган, буни ҳаёти ва ижодининг мазмунига айлантирган шоиранинг адабиёт осмонидаги парвози, тўғриси, ҳар бир қаламкашининг ҳавасини келтиради. Ҳали шоиранинг рўёбга чиқмаган ижодий имкониятлари кўп. Ҳалқимиз ундан келажакда ҳам рангбаранг бадиий асарлар кутади. Ва умид қиламизки, Гулистон Матёкубова бу истакни, албатта, амалга оширади, шеър, насрий ва драма асарлари яратиб адабиётимиз хазинасини бойитади.

2001

ҚОРАҚАЛПОҚ САТИРАСИНИНГ ДАРФАЛАРИ

Қорақалпоқ адабиёти ўзига хос тарихга эга ва у асрлар давомида турли жанрларда ривожланиб, ҳозирги даражага етиб келди. Унинг тараққиёт босқичларида сатира ва юмор жанри у ёки бу ижодкор фаолиятида, умуман, адабиётда муайян ўрин эгаллаган ва кўплаб ҳажвий асарлар яратилган. Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақ ва яна қатор қорақалпоқ мумтоз шоирлари бу мавзунини фаол қаламга олган бўлса, Аяпберган Мусаев, Аббаз Добилов, Содик Нурибеговдек ҳалқ шоирлари давр талабларидан келиб чиқиб бу анъаналарни давом эттирдилар, замон руҳига мос ўнлаб ҳажвий асарлар ёздилар. Гарчи бу ижодкорлар профессионал сатрик шоирлар бўлмаса-да, улар ёзиб қолдирган ҳажвий асарлар кейинги авлод учун тажриба вазифасини ўтади. Ҳозирги сатира ва юморнинг қорақалпоқ адабиётида мустақил жанр сифатида шаклланишида, адабий жараённинг етакчи жанрларидан бирига айланишида ўтмиш ижодкорларининг анъаналари муҳим роль ўйнади.

Адабиётда ҳар бир жанрнинг ўз «эга»лари бўлади. Унинг ривожланиши, ютуқлари ҳам, камчиликлари ҳам ўша жанр «эга»ларининг ижодий салоҳиятига кўп даражада боғлиқ. Шунинг учун бўлса керак, у ёки бу адабий жанрнинг тараққиёти ҳақида сўз очилса, беихтиёр ҳаёлимизга ўша жанрда энг кўп асар яратган ёзувчи ёки шоирнинг номи, ижоди келади. Ва аксинча, муайян адиб номини тилга олишимиз биланоқ, дарров у фаол қалам тебратиб келаётган адабий жанрни эслаймиз. Ҳозирги қорақалпоқ адабиётидаги сатира ва юмор жанрларида эришилган ютуқлар, фойдаланилмаган имкониятлар бевосита Муродбой Низонов ва Сайловбой Жумагулов каби талантили ва таниқли ҳажвгўй ёзувчиларнинг номи билан боғлиқ, десам хато бўлмас.

Дарҳақиқат, улар чинакам профессионал ҳажвгўй ёзувчи даражасига кўтарилган, асарлари орқали фақат Қорақалпоқистонда эмас, қўшни республикаларда ҳам танилган ва тан олинган истеъдод соҳибларидир. Муродбой ҳам, Сайловбой ҳам қорақалпоқ сатирасининг гўё икки қанотидек унинг парвозини таъминлаб келаётган, бу жанрнинг бутун масъулиятини зиммасига олиб, баракали ижод қилиб эл

355

354

ҳурмати қозонган ҳозирги замон қорақалпоқ адабиётидаги сатира ва юмор жанрининг ҳақиқий маънодаги ҳажв санъаткорларидир.

М.Низонов ва С.Жумагулов салкам ўттиз йилдан бери ҳажвиётда елкама-елка қалам тебратиб келади. Ўнлаб ҳикоялари ва қиссалари газета-журналларда босилди, китоб шаклида ҳам ўқувчиларга етказилди. Комедиялари Қорақалпоғистон театрларидагина эмас, Марказий Осиё республикаларининг қатор театрларида ҳам сахналаштирилиб, муваффақият қозонди. Китоблари бошқа тилларга таржима қилиниб, нашриётларда босилди. Ушбу фактнинг ўзиёқ улар ижоди қандай салмоқ ва салоҳиятга эга эканлигини кўрсатади. Негадир уларнинг ижоди, асарлари қорақалпоқ адабиётшунослигида ҳозирга қадар ўрганилмаган, кўзга ташлангудек бирор махсус илмий иш йўқ. Шунинг ҳисобига олиб, биз уларнинг ижод йўлига, ҳажвиётдаги изланишларига имкон қадар умумийроқ аспектда бўлса-да, назар ташлашга жазм этдик. Шояд бу илк уринишимиз келажакда С.Жумагулов ва М.Низонов асарлари бўйича кенгроқ кўламадаги махсус тадқиқотлар яратилишига туртки бўлса.

Дастлабки сўз Сайловбой Жумагулов ижоди ҳақида.

* * *

С.Жумагулов ҳаётда ҳам, ижодда ҳам кўп қийинчиликларни енгиб ҳозирги қорақалпоқ ҳажвчилигининг тан олинган ёзувчиси даражасига кўтарилди. Мураккаб ҳаёт сўқмоқларида чиникди. Ўқиш-ўрганишдан, изланиш ва меҳнатдан чарчамади. Нукус давлат университетининг филология факультетида олган назарий билими эса Сайловбойни ҳаётда фаол, ўз позициясига эга ижодкор бўлишга, турмуш фактлари ҳақида ҳар томонлама мушоҳада юритишга ўргатди.

Сайловбой Жумагуловнинг ижодга, айниқса, ҳажвиётга қизиқиши мактабда ўқиб юрган кезларидан бошланган. Ўқувчилик пайтларидаёқ, у кичик-кичик кулгили асарлар ёзиб юрди. «Кичкинтойлар сўзлайди» номли илк ҳажвияси «Жеткиншек» газетасида босилади. Шундан бошлаб Сайловбой республика матбуотида ҳажвиялари билан тез-тез кўриниб турди. Ёш ёзувчининг кенг жамоатчиликка танилишида «Жас Ленинши» (ҳозирги «Қарақалпақстан жаслары») газетасининг хизмати катта бўлди. Ўша йилларда у

мазкур газетанинг сатира ва юмор саҳифасининг энг фаол муаллифларидан бирига айланди. Гарчи бу йилларда у матбуотдан узоқ, бутунлай бошқа соҳаларда, оддий ишчи бўлиб ишлаб юрган бўлса-да, газета-журналлардан қўл узмади, долзарб мавзудаги ҳажвий ҳикоялари билан мунтазам қатнашиб турди.

С.Жумагуловдаги ижодга бўлган қизиқишни ва истеъдодни сезган матбуот ходимлари уни газетага ишга таклиф қилишади. Дастлаб у «Целинник Қарақалпакии», сўнгра «Жеткиншек» ва «Еркин Қарақалпақстан» газеталарида мухбир бўлиб иш бошлайди. Матбуотга бевосита аралашиб, шу муҳитда туриб ижод билан шуғулланиш ҳам шарафли, ҳам масъулиятли эди. Буни ҳис қилган ёш ёзувчи астойдил изланади, мухбирлик сирларини ўзлаштиради, бадий ижодда тажриба тўплайди. Натижада кундан-кунга қалами ўткирлашиб, ёзувчилик маҳорати ҳам ошиб боради, ҳақиқий ҳажвгўй қаламқаш бўлиб шаклланади. Сайловбойнинг «Амударё», «Орол қизлари» журналларида адабий ходим, масъул котиб бўлиб фаолият кўрсатиши, ёш ёзувчининг талант қирраларининг очилишида, ёзувчилик маҳоратининг товланишида ўзига хос мактаб бўлди, туркум ҳикоялар ёзиб мухлислар орттирди. Унинг ҳажвчиликдаги адабий фаолияти, истеъдоди фақат матбуотда босилган юмористик асарлари билан чекланиб қолмади. «Телевизион миниатюралар театри» кўрсатувларини, «Тикенек» радиожурнали эшиттиришларини С. Жумагуловнинг қизиқарли ҳажвияларисиз тасаввур қилиш қийин. Ёзувчининг ҳаётимизда учраб турадиган иллатларни дарғазаб кулги ёки беозор ҳанда орқали масхаралайдиган асарлари туфайлигина бу кўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар жуда мазмунли ҳамда қизиқарлидир.

С. Жумагулов талант йўналишига кўра юморга, кулгига мойил ёзувчи, унинг кўпчилик асарларининг негизиде енгил ҳанда ётади. Ҳаёт материални ҳам ёзувчи шу позициядан бадий-эстетик ўзлаштиради, талқин этади. Жамият ҳаётида учраб турадиган ёзувчи идеалига зид комик воқеаларни кўпроқ тасвирлашга интилиши унинг ижодий услубига хос хусусиятдир. Сайловбойнинг турли йилларда нашрдан чиққан «Сирим ҳам, чиним ҳам шу», «Туфлининг қадоғи», «Болалигимдан бир шингил», «Қирқ йилдан сўнгги

бир кун», «Менинг хотиним ёзувчи», «Билетнинг ярми кимда?», «Одамлар қандай бузилган» номли китобларидаги ҳажвий қисса, ҳикоя ва интермедиялар муаллифнинг ижодий ютуғи бўлганидек, ҳозирги қорақалпоқ адабиёти, қолаверса, сатирасига қўшилган салмоқли ҳисса ҳамдир. Тўпламлардаги барча қулгили ҳикоялар, интермедиялар, қисса ва драмалар профессионал қалам билан ёзилган. Ҳаётдаги камчиликларни, инсонлар характеридаги нуқсонларни, жамият тараққиётига тўсиқ бўлаётган иллатларни гоҳ енгил юмор, гоҳ жиддий фош қилиш ва аччиқ ханда усулида ёки масҳараловчи оҳангда қоралаш мазкур асарларнинг ғоявий асосларини ташкил этади. Бу ҳажвияларнинг ҳаммаси одамларни маънавий-ахлоқий соғлом турмуш тарзига амал қилиб яшашга ўргатади.

С.Жумагулов адабиётнинг қийин ва мураккаб жанри — драматургияда ҳам бир неча комедиялар ёзди. Унинг Қорақалпоғистон Ёш томошабинлар театрида саҳналаштирилган «Одамлар қандай бузилган», «Куёвингни бериб тур», «Экстрасенс» комедиялари ёзувчининг драматургиядаги катта ютуғи бўлди. Бу асарларнинг айримларининг ҳозирги кунларда ҳам саҳнада ўйналаётгани драматургга обрў келтириш билан бирга театр санъатининг ҳам нуфузини оширди. Драматургнинг «Одамлар қандай бузилган» комедияси Тошкентда ўтказилган Марказий Осиё республикалари театрлари фестивалида намоён этилди ва юксак баҳоланди. «Куёвингни бериб тур» комедияси эса ўзбек тилига ўгирилиб, Қашқадарё вилоятининг Муллаўйчи Тошмуҳамедов номли мусиқий драма ва комедия театрида қўйилди. Туркман театри санъаткорлари ҳам ўз мухлисларини С.Жумагулов драматургияси билан таништирдилар. Сеидий номли Чоржўй вилоят театри ижодий жамоаси унинг «Экстрасенс» комедиясини туркман тилига таржима қилиб, саҳналаштирди. Асар туркман театр ихлосмандларида яхши таассуротлар қолдиргани туркман матбуотида кўп марта ёзилди.

С.Жумагулов драматург сифатида Қорақалпоғистон ва қорақалпоқ адабиёти чегарасидан чиқиб Марказий Осиё республикаларига ҳам танилди. Хусусан, уни Ўзбекистонда энг талантли ҳажвгўй ёзувчи деб билишади ва ҳурмат қилишади. Ўзбек адабий ҳажвчилигининг таниқли намояндалари Сайловбойнинг сатира ва юмордаги истеъдодига юқори

баҳо беришди. Масалан, Саид Аҳмаддек машҳур адиб ва ҳажвгўй ёзувчининг назарига тушиб, юксак баҳосига муяссар бўлиш осон эмас. *«Қорақалпоқда Сайловбой Жумагулов деган туф деса туپруги чаённи тил торттирмай ўлдирадиган, тили «заҳар омборхонаси»га айланиб кетган ҳажвчи чиқиб қолди»* деб ёзган эди адиб мақолаларидан бирида Сайловбойнинг талантига тан бериб.

Ҳа, С.Жумагуловни ўзбек китобхонлари ҳам яхши танийди. Унинг кўп ҳажвий асарлари Н.Фозилов, М.Исмоилов, Я.Умаров, Г.Курамбоевалар томонидан ўзбек тилига ўгирилиб, «Муштум», «Ёшлик» журналларида, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида босилган. Тошкентнинг «Телевизион миниатюралар театри» кўрсатуви ва «Табасум» радио журналида унинг ҳажвий асарлари мунтазам бериб борилмоқда. Бир неча йил олдин С.Жумагуловнинг «Текин тарвуз» (М.Низонов билан ҳамкорликда) деган ҳажвий асарлар тўплами ўзбек тилида босилиб чиқди ва у ёзувчининг номини ўзбек китобхонлари ўртасида янада оммалашишида муҳим аҳамият касб этди. Ўзбек адабий танқидчилиги китобни ўзбек ҳажвчилигига қўшилган ўзига хос ҳисса деб баҳолади.

* * *

Муродбой Низоновнинг ҳаёт йўли ҳам Сайловбой Жумагуловнинг ҳаёт ва ижод йўлига ўхшаб кетади. Ўрта мактаб. Сўнг олий ўқув юрти. Қорақалпоқ тили ва адабиёти факультетидаги таҳсил. Меҳнат фаолиятини оддий ишчиликдан бошлагани. Деярли бир даврдаги армия хизмати. Республиканинг газета-журналларида, биров вақтдан кейин Қорақалпоғистоннинг радио-телевидениесидаги мухбирлик. Олдинма-кейин Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилиниш. Ижодни ҳам бир даврда ҳажвиётдан бошлаб, ҳам на срда, ҳам драматургияда деярли бир хил бадиий савияда қалам тебратиб келаётгани в.ҳ. уларни бир-бирига жуда яқинлаштириб турадиган ўхшашликлардир. Лекин шахсий ҳаётдаги, ижтимоий фаолиятдаги бу яқинликлар асло улар ижодининг ўхшашлигини аниқлатмайди. Гарчи бу икки ёзувчи ҳаётнинг умумий сўқмоқларидан юриб, бир даврда адабиётга кириб келган бўлса-да, ижодда, сатира ва юмор яратишда бошқа-бошқа йўللardan кетишди. Илк асарларида-

ноқ ўзларининг индивидуал услубига эга бўлишга ҳаракат қилдилар ва бунга эришдилар ҳам. С.Жумагулов ва М.Низонов асарларини ёнма-ён қўйиб ўқисангиз, услубий жиҳатдан улар бири иккинчисидан тубдан фарқ қиладиган ёзувчилар эканлигини пайқайсиз. Сайловбой юморга, кулгига мойилроқ ёзувчи. Муродбойнинг асарларида ҳажв, сатирик йўналиш устунлиги бўртиб туради. Тўғри, сатира билан юмор орасига «хитой девори» қўйиб, уларни бирини иккинчисидан ажратиш қийин. Сатирик асарларда юмористик талқин, юморга йўғрилган асарларда сатира элементлари бўлиши табиий, албатта. Юморсиз сатирани тасаввур қилиб бўлмаганидек, ҳар қандай сатирик асар руҳига юмор, кулги аралашсагина ўқимишли ёки томошабоп бўлади. Лекин бари бир ёзувчининг у ёки бу асарида муаллиф услубига ҳос у ёки бу ҳажвий йўналишнинг устунлиги кўзга ташланиб туради. Шу нуқтаи назардан қараганда, С.Жумагуловни шартли равишда юморист ёзувчи, М.Низоновни эса сатирик ёзувчи деб аташ мақсадга мувофиқдир.

М.Низонов талант йўналишига кўра, чиндан ҳам, сатирага мойилроқ ёзувчи. Бу хусусият унинг ҳикояларида кўпроқ кўринади. Шу билан бирга, унинг шундай ҳикоялари ҳам борки, ёзувчининг идеалига зид бўлган айрим одамлар характеридаги нуқсонлар енгил юмор, кулги орқали маҳорат билан танқид қилинган. «Пошшойи кўйлагим» ҳикояси шундай характердаги комик асар. Менимча, «Пошшойи кўйлагим» М.Низоновнинг ҳажвий ҳикоячиликдаги кашфиёти бўлди. Ҳикоя халқимиз орасида жуда оммалашиб кетди. Ўзбек тилига ҳам таржима қилинди. Ўзбек санъаткорлари ижросида «Телевизион миниатюралар театри» орқали бутун Ўзбекистон халқига кўрсатилди. Ҳикоя муҳим бир мавзуга бағишланган. Агар санъаткор (қўшиқ кўйладиган хонандалар назарда тутилмоқда) ижодий изланиб, репертуарини янгилаб бормаса, бир пайтлар «кашф қилган» қўшиғи билан мақтаниб, тирикчилик қилиб юраверса, эл назаридан қолиши аниқ. Бутун умри давомида айтилавериби сийқаси чиққан бир қўшиғи билан «кун кўриб» одамларнинг меъдасига тегадиган ноқобил хонандалар ҳозирги ҳаётимизда йўқ дейсизми? «Пошшойи кўйлагим»да айнан шундай ночор хонандалар кулги остига олинган. Ҳикоянинг

қаҳрамони Тўтигул Тожиевна шу хилдаги хонандаларнинг типик вакили. У ўттиз йилдан бери бир қўшиқ — «Пошшойи кўйлагим»ни ижро этиб келади. У шу қўшиқни айтиб ўқишга кирган, шу қўшиқ бўйича диплом иши ҳимоя қилган, қаерда саҳнага чиқса ҳам шу қўшиқни кўйлайди. Овулдошлари мабодо ашула айтиб беринг деса «Пошшойи кўйлагим»ни хиргойи қилади. Чет эл гастролларида ҳам шу қўшиқ билан саҳнага чиқади. Унинг юбилеи куни ҳам шу қўшиғи янграйди. Радио пластинкасига ҳам «Пошшойи кўйлагим»ни ёздирган в.х. Сабаб унинг бисотида бошқа қўшиқ йўқ. Унинг «ижодий» имконияти шу! Бошқаси қўлидан келмайди.

Ҳикоя айнан бугунги куннинг асари. «Пошшойи кўйлагим» Тўтигул Тожиевнага ўхшаганларга сабоқ чиқариб олиш учун ибрат. Ҳикоянинг ифода шакли жуда оригинал. Воқеа радио мухбири билан асар қаҳрамони ўртасидаги диалогга қурилган. Мухбирнинг саволлари ва шарҳларида суҳбатдошининг фаолиятига нисбатан қандайдир сирли киноя, пичинг, хонанданинг устидан кулиш, уни масхаралаш маъноси борлигини китобхон пайқайди. Умуман, ёзувчи икки ярим-уч бетлик ҳикояда ҳозирги ҳаётимиз, санъатимиз учун жуда долзарб бир муаммони кўтарган ва ибратли хулоса чиқарган.

М.Низоновнинг диалог усулида ёзилган яна бир ихчам ҳикояси бор. Ёзувчи уни «Хаёлий шогирд» деб номлаган. Ҳикоя бировларнинг устидан юмалоқ хат ёзиб юрадиган бир туҳматчи ва унинг ўзига ўхшаган шогирд тайёрлаш усули ҳақида. Ҳикояда ҳажв тиги туҳматчиларга қаратилган, уларни аёвсиз фош қилиш ёзувчининг бош мақсади. Ҳикоя икки киши диалогидан иборат. Бири туҳматчи бўлса, иккинчиси унга шогирд тушмоқчи бўлган шахс. Муаллиф туҳматчининг характер хусусиятларини, психологиясини, унинг нутқи орқали зўр маҳорат билан очган. Қуйидаги диалогга эътибор беринг:

— Кўзларингга шарм-хаё йўқ, бетларинг қалин. Ор борми сенда?

— Ор йўқ, Туҳмат оға.

— Бўлмагани яхши. Неча ёшдан бошлаб юмалоқ хат ёзасан?

— Ўн икки ёшимдан.

— Кеч, жуда кеч. Ўн ёшдан бошлаш керак эди.
— Ахмоқлик қилиб, икки йил кеч бошлабман, Тухмат оға. Бу айбимни юмалоқ хатлар ёзиб оқлайман¹.

Ёзувчи ҳикоя қаҳрамонларининг ҳатти-ҳаракатларига таъриф бериб ўтирмайди, уларнинг ўзларини гапиртиради. Шу йўл билан туҳматчиларнинг ҳақиқий башаралари, «иш усуллари» фош этилади. Бу ердаги кулги, «Пошшойи кўйлагим»дагидек енгил ханда, кулги эмас, балки аёвсиз фош қилиш хусусиятига эга ғазабли, заҳарханда кулги. Ёзувчи ҳикояда бу ижтимоий иллатнинг йўқ бўлиши тарафдори бўлиб чиқар экан, бутун ижодий қувватини туҳматчиларнинг сир-асрорларини очиб ташлашга қаратади. Ёзувчининг бу масаладаги позицияси «устоз-шогирд» диалогда янада ёрқинроқ намоён бўлган:

— Сен қайси қўлинг билан ёзасан?
— Ўнг қўлим билан.
— Муглақо бўлмайди! Юмалоқ хат фақат чап қўлда ёзилиши шарт.
— Мен ҳар битта бармоғимнинг ораси билан ёза оламан.
— Нечта усулинг бор?
— Саккизта.
— Ўз хатингни ўзинг таний оласанми?
— Таниёлмайман.
— Биров келиб танитмоқчи бўлса-чи?
— Йўқ, ҳеч ҳам таниёлмайман. Судланиб кетишга розиман, аммо қўлёзмамни танитайман.

М.Низоновнинг бадиий-эстетик тафаккур салоҳияти кенг ва мустақкам, мушоҳада усули ранг-баранг. Тараққиётимизга тўсиқ бўлаётган ҳар қандай камчиликни теран идрок этиб, ҳажвий планда маҳорат билан тасвирлай олади. У ҳаётни нозик кузатадиган ёзувчилардан. Муродбой идеалига зид турмуш фактларини тез илғаб олади ва ундан катта ижтимоий маънони ифодалаш учун усталик билан фойдаланади. Бир сўз билан айтганда ҳаёт ҳақиқатидан катта бадиий ҳақиқат яратишга моҳир ёзувчи. Кундалик турмушда деярли ҳар куни учраб турадиган, сиз билан биз деярли эътибор

¹ М.Низонов. Ўзга сайёрада етти кун. Нукус, «Қорақалпоғистон», 1995., 21-бет. Қорақалпоқ тилидан Носир Фозилов таржимаси. Кейинги мисоллар шу нашрдан бўлади.

бермайдиган оддий воқеалардан ҳам китобхон учун сабоқ бўладиган ҳикоялар ярата олади. Шифохонада даволаниб чиққан бир беморнинг кўнглини кўтариб, далда бериш ўрнига: «*Афт-ангорингга қара, одам қаттиқ касалдан озади дейишади*», «*бедаво дардга йўлиққанга ўхшайсан, юзларинг халта-халта бўлиб қолибди*», «*адойи тамом бўлибсан-ку! Касал нортуюни ҳам чўктиради, деганлари шу экан-да!* Жўжабирдай болаларинг бор», қабилидаги сўзлар билан бир бечора йигитнинг саломатлигини яна танг аҳволга солиб қўйган баъзи одамларнинг бефаросатлиги ҳажв қилинган «Бетоб бўлиб қолдингизми?» ҳикояси, бир дастурхон бошида қон босими баланд уч идора бошлиғига хизмат қилман деб ўзи ҳам шу дардга чалинган бир ёш йигитнинг ҳолати кулги остига олинган «Қон босими» ҳажвияси, кексаларнинг ўғит-насиҳатларини ўзларича талқин қилиб, уларни эскича фикрлашда, замондан орқада қолганликда айблаб, устидан куладиган ёшларнинг ҳатти-ҳаракатлари енгил усулда танқид қилинган «Одамнинг эскиси» номли ҳикоя ва яна бошқа бир туркум ҳикояларидаги ҳажвий ҳолатлар тасвири жуда ҳаётий ва чуқур маъноли.

Юзаки қараганда, булар ҳаётнинг майда-чуйда, икир-чикир гапларига ўхшаб туюлиши мумкин. Лекин бу воқеаларнинг илдизига чуқурроқ назар ташланса, негизда инсон тақдири билан боғлиқ шундай нозик жиҳатлар борки, уларга бефарқ қараб бўлмайди. Бу нуқсонларнинг олдини олиш, уларнинг ғовлаб кетишига йўл қўймаслик, ҳар бирига алоҳида-алоҳида қарши курашиш зарурати ҳар бир ҳажвгўй ижодкор зиммасидаги масъулиятли вазифа. М.Низоновнинг ҳажвий ҳикоялари мана шу заруратдан келиб чиқиб битилган.

Муродбойнинг «Фотима» номли ҳикояси билан танишган ҳар бир ўқувчи муаллифнинг мактаб ҳаёти, жумладан, ўқитувчилар фаолияти ҳақида енгил ханда яратиш маҳоратига тан бермасдан иложи йўқ. Ўқувчилардаги билим савиянинг юқори ёки паст бўлиши ўқитувчининг илм ва билим салоҳиятига боғлиқ. Мактаб ҳаётида исботланган ҳақиқат бу. Агар ўқитувчи ноқобил, билим даражаси саёз бўлса, ундан таълим олган ўқувчилар ҳам саводхонликда устозига мослашиб қолади, бир қадам ҳам олға силжолмайди. «Фотима»да айнан ўз касбининг масъулиятини сезмайдиган са-

водсиз мактаб ўқитувчилари ва уларнинг ўқувчилари ҳажв қилинади. Ҳикоянинг бош қаҳрамони Фотима она тили ўқитувчиси. Дарс вақтида Фотиманинг ўзини тутиши, ҳатти-ҳаракатлари, ўқувчилар билан савол-жавоблари ҳикояда шундай фонда тасвирланганки, кулгидан ўзингизни тўхтатолмайсиз. Ўқитувчи нутқидаги, ҳаракатларидаги гайри табиий ҳолатлар сизни беихтиёр ўзига тортиб олади, вазиятнинг ечимини қизиқиш билан кутасиз. Фотиманинг она тилидан билими жуда ночор. Гаплари пойма-пой. Ўқувчилар бир нарсани сўраса, ўқитувчи бутунлай бошқа нарсани гапирди. Ўқитувчи томонидан берилган саволлар қай даражада кулгили ва мантиқсиз бўлса, олинган жавоблар ҳам шунга мос. Мана, шу хилдаги кулгили диалоглардан бир шингил:

- Қани, ким айтади, лотин алифбоси қаёқдан келган?
- Лотин алифбоси, муаллим, Латвиядан келган.
- Шуни билар экансан, нега мана бу ўртоқларингга ҳам ўргатмадинг?
- Муаллим, менда бир савол бор.
- Қандай савол?
- Шунда латишлар ҳарфларини бизларга юбориб, ўзлари ҳарфсиз қолганми?
- Шунгаям ақлинг етмайдими? Берганда ҳаммасини бермайдик-ку, ярмини олиб қолади.

Фотима ҳажвий характердаги образ. Ўқитувчининг ўз касбига кўнгилсизлиги, масъулиятсизлиги, савод бобида жуда қолоқлиги ўқувчилари билан савол-жавоблари орқали яхши очилган, ҳажв қилинган. Муаллифнинг мактаб турмушини, ўқитувчилар ва ўқувчилар психологиясини мукаммал билиши, керак бўлганида ўқитувчи, зарур бўлиб қолса ўқувчи тили билан гапириши ҳикоянинг ҳар жиҳатдан пухта ва ҳаётий чиқишини таъминлаган. Саводсиз ўқитувчилар ҳозир мактабларимизда, афсус, оз эмас. Тўғри, ёзувчи баъзи ўринларда шартли равишда ҳажвни бироз ошириброк, ўқитувчилар шаънига жиддий танқидий мулоҳазаларни айтган бўлиши мумкин. Бундай камчиликлар худди ҳикояда тасвирланганидек шакл ва мазмунда учрамаса ҳам, улар у ёки бу кўринишда мактабларимизда, баъзи ўқитувчилар фаолиятида ҳаракатда эканлигидан ҳеч ким кўз юмолмаса керак. Шу маънода, «Фотима» ҳикояси ва унда кўтарилган муаммо жуда долзарб ва баъзи мактаблар ҳаёти ва айрим ўқитув-

чилар фаолиятига дахлдор. Ҳикоядаги хандадан ҳар бир таълим ходими хулоса чиқариб олса зарар қилмайди.

М.Низоновнинг «Айб ўзимда», «Биз пайқамас эканмиз», «Ишончли курсантлар» ва яна бошқа бир талай ҳикоялари борки, уларда ҳам ҳаётдаги ҳар хил номақбул ишлар, инсонлар характеридаги у ёки бу нуқсонлар гоҳ ҳазил, гоҳ жиддий сатира йўли билан қораланади. Ёзувчи қайси йўналишни танламасин ҳаёт ҳақиқатига амал қилади. Шунинг учун ҳам Муродбойнинг ҳажвий ҳикояларидаги қаҳрамонлар сиз билан бизнинг орамызда юрган замондошларимиз эканлигини ҳис қилиб турамыз ва уларнинг нусхаларини ёзувчи маҳорат билан адабиётга кўчирганидан кўнглимиз тўлади.

Маълумки, ҳар қандай бадий асар, у қайси жанрда ёзилишига қарамасдан, тарбия қуроли вазифасини ўташи лозим, ҳаёт ва одамлар ҳақида китобхоннинг муайян хулосалар чиқаришига ёрдам бериши керак. Инсонни маънавий етуклик сари етаклайдиган эзгуликлар бадий асарларнинг маъно-моҳиятига йўғрилган бўлиши зарур. Шундай асарларгина жамият ҳаётига таъсир ўтказиб, инсонларнинг маънавий камолотига хизмат этади. Шу бадий-эстетик талабдан келиб чиқиб М.Низоновнинг ҳикояларини назардан ўтказсак, улар жамият ва одамларни зарарли иллатлардан холи бўлишга чорлайдиган, маънавий покланишига ёрдам берадиган асарлар сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Ва энг асосийси, бу асарлар мустақиллик даври комил инсонларини тарбиялашда ўзига хос бадий қурол вазифасини ҳам ўтамоқда.

М.Низонов ҳажвий қиссачиликда ҳам қаламини синаб, муайян тажриба тўплаган ёзувчи. Ижодкор бу жанрнинг ҳам бадий-эстетик қонуниятларини ўзлаштириб, бир неча ўқимишли қиссалар ёзди. Қиссаларида ҳам худди ҳикояларидаги сингари тараққиётимизга тўғаноқ бўлаётган иллатлар қораланади. Ёзувчининг танқид найзаси жамият ҳаётида илдиз отган, тузалиши қийин салбий ҳолатларни фош қилишга, йўқотишга қаратилган. «Пора» номли қисса шу мақсадда ёзилган. Сир эмас. Пора, порахўрлик жамиятнинг хатарли иллатларидан бири. Поранинг кўринишлари кўп. Пора берувчини ҳам, пора олувчини ҳам жамият манфаатлари қизиқтирмайди, фақат ўз фойдасини ўйлаб иш кўра-

дилар. Ҳар хил ниқоблар остида асл башарасини яшириб, инсонийликка ёт шундай ҳаракатлар қиладики, бу ҳийланайранглар олдида «мана мен» деганлар ҳам ип эшолмай қолади. «Пора» номли ҳажвий қисса шу жиҳати билан ибратлики, унда порахўрликнинг мана шу тоифаси *«порага муккасидан эмас, бор бўйи билан ташланадиган»*, *«йирик ҳамда принципиал порахўр»*ларнинг жирканч башаралари, *«олиш-бериш»*нинг сир-асрорлари бир порахўр мисолида очиб ташланади.

Арслон Мирзаевич қиссанинг бош образи. Унинг тимсолида порахўрликнинг ижтимоий илдизлари, келиб чиқиш сабаблари ва охир-оқибатдаги фожа гоҳ юмор, гоҳ сатирик йўналишда бадий далилланади. Арслон Мирзаевич туманнинг катта раҳбарларидан, *«энг тажрибали порахўрлардан»* бири. Тумандаги ўн бир савхоз директори, икки завод, ўттиздан ортиқ ҳар хил идора раҳбарлари унга тобе. Агар лавозимимда ўтираман деса тез-тез *«юмалаб келиб салом бериб»*гина қолмасдан, унга пора ҳам бериб туриши керак. Қисса қаҳрамонида порага ўчлик бирданига пайдо бўлган эмас. Бунга у ёшлигида ўрганган. Талабалик йилларидаёқ бу хавfli йўлга кирган эди. Ўртоқларига конспект дафтари бериб тургани ёки ёнида ўтириб кўчиртиргани учун, бўш пайтларида консультация бергани учун курсдошларидан енгил-елпи пора олиб турган. Ўқишни тамомлаб туманда архитектор бўлиб ишлай бошлаганида ҳам ҳовли қурувчиларга файзли жойлардан ер ўлчаб бераман деб ҳам улардан пора олади. Шундай қилиб, қайси лавозимда ишламасин порахўрликни касбга айлантириб, нопок йўллар билан бойиб бошлайди.

Ёзувчи пора олувчининг жиноий йўлга кириши ҳақида шу хилда маълумот бергач, кейинги фаолиятида илдиз отиб кетган бу иллатнинг келиб чиқишига сабаб бўлган объектив ва субъектив томонларини чуқурроқ таҳлил қилишга ўтади, пора берувчиларнинг ҳатти-ҳаракатлари комик планда тасвирланади, *«омадсиз пора берувчилар»* устидан кулади. Қуйидаги ҳажвий манзарага бир назар ташлайлик: Арслон Мирзаевич эртага курортга кетмоқчи. Бир кун олдин унинг уйига тумандаги бир қатор тобе раҳбарлар йиғилган. Муаммо: қай усулда порани берамиз. Пора берувчиларнинг бири, кастюмининг чўнтагига солайлик деса, иккинчиси, тарел-

каларнинг ичига солиб юбориш керак, дейди. Учинчиси: телевизорда бир сафар гугурт қутисига солиб пора берадиганларни кўрсатди, шу усулни қўлласак нима дейсизлар, деган таклифни ўртага ташлайди. Қолганлар ҳам шунга яқин «усуллар»ни айтишади. Лекин ҳеч кимнинг таклифи ўтмайди. Натижа шу бўладики, *«омадсиз пора берувчилар»* шу куни Арслон Мирзаевичнинг уйида ётиб қолишади. Арслон Мирзаевичнинг хотини Малика Ўтаровна эрталаб ўн икки ёстиқ жилдидан ўн икки пачка пул топиб олади.

«Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас» деганларидек, Арслон Мирзаевич пора олишнинг турли усуллари йўлаб топиб, бу ҳаракатини кучайтирса кучайтирадики, асло пасайтирмайди. Балки *«саломдан бошқа нарсани беришни эплотмайдиган ношуд раҳбарлар»*ни ҳам бу касбга кўндириб олади. Ўрганмаганларини эса «айби»ни топиб лавозимидан четлаштиради. Кўп ўтмай порахўрнинг нопок ишларига барҳам берилади. Ва у *«йигирма йиллик жонажон лавозимини қўшқўллаб топширишга»* мажбур бўлади. Қамалмай қолганига шукрона айтиб юрган кунларининг бирида уни прокуратурага чақириб, аввалги лавозимида ишлаган пайтларидаги порахўрликка, бузғунчиликларга жавоб беришини талаб қилишади. Бу сўроқларнинг оқибати яхшилик билан тугамаслигини сезган Арслон Мирзаевич касалга йўлиқади ва бир ҳафта ўтар-ўтмас дунё билан видолашади. Порахўрнинг ҳаёти аянчли қисмат билан якун топади. Қиссанинг «Хотима»сида ёзувчининг китобхонга қуйидаги мурожаати бор. *«Қиссамиз охирида биз орамизда ҳали ҳам бор бўлган, қўрқиб-хурқиб пора олишда давом этаётган кимсаларга бу хавfli мараздан тезроқ соғайиб кетишларида шифо талаб қоламиз»*.

Ёзувчининг бу гаплари шунчаки оддий гаплар эмас, унинг асосида одамларни ҳалолликка чақирувчи гоҳ, порахўрликка барҳам бериш тўғрисида куюнчаклик билан айтилган катта ижтимоий маъно бор. Арслон Мирзаевичнинг қисмати ва ўлими баъзи порахўрларга аччиқ сабоқ бўлиши лозим. Қиссадан келиб чиқадиган мантиқий хулоса ҳам шу!

Ҳар қандай бадий асар реал ҳаётнинг инъикоси, турмушнинг кўзгуси. Ижодкор бадий тўқимага қанчалик эрк бермасин, бари бир ҳаёт фактларидан узоқлашиб кетолмай-

ди, уни бадиий-эстетик қонуниятлар асосида идрок этади, умумлаштиради, китобхонда шубҳа уйғотмайдиган қилиб тасвирлайди. Асарнинг қадр-қиммати ҳам шунда — китобхонни ишонтириш кучида. Шу маънода М.Низоновнинг «Пора» қиссасидаги ҳажвий воқеалар ҳозирги ҳаётнинг баъзи муаммоларига ҳамоҳанг. У ҳаётдаги муайян салбий ҳолатларни реалистик принципда дадил ёритиб берган муҳим асар. Қиссада салбий типлар иштирок этади, ижобий образлар йўқ. Лекин қиссада арслон мирзасевчиликка қарши мустаҳкам позицияда турган ижобий куч бор. Бу — ёзувчи идеали. Ҳар бир ҳажвий воқеа талқинида, порахўрликни қоралашга йўналтирилган ҳолатлар тасвирида ўқувчи бунини ҳис қилиб туради. Бу услуб ёзувчининг порахўрликка нисбатан муросасиз эканлигини, нафратини ҳаққоний кўрсатишга хизмат этган.

Қиссанинг тили жуда бой ва таъсирли, шаблондан холи. Персонажлар нутқида бўладими ёки муаллиф тилида дейсизми, китобхон хотирасига абадий муҳрланиб қоладиган, образларнинг ички дунёсини очишга хизмат қиладиган шундай жумлалар, иборалар борки, бу муаллифнинг тил бойлиги анча катта ва хилма-хиллигидан дарак беради. Фикрим исботи учун айрим мисолларни келтириб ўтаман: *«пора олишдаги ихтирочилик қобилияти барқ уриб ривожланиди»; «бемахал қичқирган хўроз ўз бошига савдо сотиб олади», «пора олувчининг бошида тикраймаган туки қолмади»; «қуруқ хушомад кўнглини тўлдириши мумкин-у, бари бир қиссага кирмайди»; «пора берувчининг лаганбардорлиги тунинг нозига ўхшайди»; «пора олувчилар худди сичқон пойлаган мушукдай»; «поранинг ўрнига бир тонна ҳол-аҳвол айтиб беради»; «кулон қудуққа қуласа, қулғига қурбақа ин қўяди»; «ундан кўзи бутун игна ундириш ҳам гумон»; «пора берувчи эгасининг эркалаб нон ташлашини кутган кучукдай унинг оғзини пойлаб термуларди», в.х.*

Ифодалар ҳажвий воқеалар руҳига, қаҳрамонларнинг характер хусусиятларига жуда мос, муаллиф ғоясини ўқувчига енгилроқ етказишга бўйсундирилган. Тўғри, асар тилидаги бу ўзига хосликни, ранг-барангликни беришда қиссани ўзбек тилига ўгирган тажрибали таржимон-шоир М.Ахмедовнинг ҳам хизматлари алоҳида. Лекин бари бир қозонда бўлсагина чўмичга чиқишини унутмайлик.

Муродбой Низоновнинг яна бир қиссаси бор. Муаллиф уни «Ўзга сайёрада етти кун» деб атаган. Асарнинг жанри «фантастик ҳажвий қисса» деб белгиланган. Услубий томондан ҳам у ёзувчининг бошқа қиссаларидан принципиал фарқ қилади. Фақат жанри эмас, композицион қурилиши, сюжети, образлар талқини ҳам унинг ҳозирга қадар яратилган асарларидан ўзгача. Қисса йигирма уч бобдан иборат. Ҳар бир боб алоҳида сарлавҳаланган. Лекин бу алоҳидалик, бобларга бўлиниш, қиссанинг композицион бутунлигига ҳалақит бермаган, сюжетнинг ички боғланишида тарқоқлик йўқ, воқеалар ўзаро изчил ва мантиқан боғланиб, ривожланишда давом этаверади. Муҳими, ўқувчи бош образ саргузаштларини қизиқиш билан кузатиб боришдан чалғимайди.

Муродбой бу қиссасини ҳаёлий саргузашт усулида ёзган. Реал ҳаёт ҳақидаги кузатишларини, турмушдаги яхши, ёмон воқеалар хусусидаги мулоҳазаларини ўзга сайёрага сафар қилган асар қаҳрамонининг ҳаёлий кечинмалари орқали ифодалашга ҳаракат қилади. Бу адабий приём ёзувчига ўз даврининг ижтимоий-иқтисодий муаммолари ҳақидаги қарашларини баён этишда қулай усул бўлган. Биласизки, ҳар қандай саргузашт қанчалик ҳаёлий бўлмасин, унда реал ҳаётнинг у ёки бу қирраси ўз ифодасини топган бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, «Ўзга сайёрада етти кун» қиссаси ҳам, айтиш мумкинки, реал ҳаётнинг ўзига хос кўзгуси, ҳозирги ҳаёт муаммоларини қаламга олган ва уларни оригинал бир шаклда бадиий ёритиб берган замонга ҳамнафас асар.

Мазкур қиссадаги сатира найзаси «Пора»дагидек ҳаётнинг бир салбий кўринишини эмас, балки турмушда учраб турадиган бир неча кўринишларини ҳаёлий саргузашт либосида, рамзий шаклда ҳажв қилади, улар устидан ҳукм чиқаради. Қиссанинг бош қаҳрамони Бекназар бир тасодиф билан ўзга сайёрага «уч кўзли одамлар мамлакати»га бориб қолади. Дастлаб бегона юрт (сайёра)даги ҳаётга кўниқолмай қийналади, лекин аста-секин унга ўргана бошлайди. Уни бошқа планетага олиб кетган Эм ва унинг хотини Ти бу масалада ер фарзандига ёрдам беради, ажойиботлар ва ғаройиботлар мамлакатининг тилсимлари билан уни таништириб, маълум даражада, шу ҳаётга мослаштиришга эриша-

дилар. Ва ундан Ер сайёраси одамлари, табиати хусусида маълумот олиш курали сифатида фойдалана бошлайдилар. Бекназарни «уч кўзли одамлар мамлакати»нинг бир неча фуқаролари билан учраштириб, матбуот конференцияси ҳам ташкил этишади. Ҳатто мамлакат вазири билан ҳам мулоқот уюштирилади. Мақсад битта. Ер сайёрасидаги ҳаёт билан танишиш, маълумот йиғиш, икки планетадан қай бирининг афзаллигини аниқлаш в.х. Ер сайёраси одами билан «уч кўзли одамлар мамлакати» фуқаролари ўртасидаги мулоқот шу ҳақда.

Ёзувчининг маҳорати шундаки, инсонларнинг моддий ва маънавий юксалишига, умумий тараққиётимизга тушов бўлиб келаётган жамият ҳаётининг нобоп томонларини ўзига хос бадиий шаклда танқид қила олган. Ер сайёрасидан келган меҳмонга берадиган саволларнинг аксарияти илмоқли, маълум маънода ердаги ҳаёт тарзига норозилик оҳангида. Ер фарзанди ҳам анойи одамлардан эмас. Ўзи мансуб сайёранинг шаънини ҳимоя қилишда бўш келмайди. Топқирлиги билан вазиятни ўз фойдасига бўйсундириб олади. Гарчи бераётган жавоблари асл ҳақиқатдан йироқ эканлигини биллиб турса-да, уларни бу «афсона»га ишонтиради. Бу комик ҳолат куйидаги диалогда яхши акс этган. Ерда бир неча марта кўринмай бўлиб қайтган ўзга сайёранинг бир одами Ер фарзандига савол берапти:

— Ҳар гал борганимда, одамларнингиз алланималар устидан талашиб, гоҳ кетма-кет тизилиб, гоҳ тўполон билан уришиб-суришиб ётганларини кузатаман. Бир гал шундай тўполон орасида қолиб, зўрға чиққанман. Одамлар худди қум заррасига ўхшаб кетадиган нарсани талаш қилган эдилар. Бу нима ўзи?

— Сиз шакар навбати устидан чиққан экансиз. Бу ҳам ўйиннинг бир тури. Бизда ҳамма ишни техника бажаради, одамларимиз эса юмушсиз қолиб, бекорчиликдан зерика бошлайдилар. Ҳаракат қилиб турилмаса, соғлиққа ҳам путур ета бошлайди. Шунинг учун ҳам биз «шакар талашув» деган ўйин ўйлаб топдик. Бу ҳафтасига бир-икки марта ташкил қилинади. Одамлар бир-бирини туртишиб, итаришиб, бир-бирининг елкасига миниб ўйнаб, баданларини чиниқтиришади. Натижада қон босими яхшиланади, этлари чайир бўлади. Хуллас, бундай ўйиннинг фойдали томо-

ни кўп. Бизда одамлар соғлиғига давлат катта эътибор билан қарайди. Шунинг учун ҳам қўшимча қилиб «совун талашуви», «калиш-туфли талашуви» деган ўйинлар ўйлаб топилди. Бундай ўйинларнинг турлари яна кўпайтирилмоқда.

Савол-жавобнинг негизига қандай ғоя, сирли маъно сингдирилганини сезган бўлсангиз керак. Қисса қаҳрамонининг тўқиб чиқарган ҳаёлий жавоблари ўқувчи учун кулгили. Асл ҳаётнинг бундай эмаслигини билган китобхон эса улар устидан кулиб қўя қолади. Кундалик ҳаётимизда учраб турадиган, айтишлик инсонларнинг моддий турмуш тарзи билан боғлиқ ҳар хил номаъқул «ўйинлар»ни кулги фонида қоралаши, инкор этиши ва шу йўл билан ҳаёт ҳақиқатини реал тасвирлагани муаллифнинг улкан ютуғидир. Умуман, кулги ва инкор қиссанинг ички мазмунига сингдирилган. Конфликт савол-жавоблардаги салбий қарашлар билан ижобий идеал ўртасидаги нуқтани назарлар зиддияти, номувофиқлик асосига қурилган. Яъни асарда ёзувчи идеали билан жамият ва одамлар учун зарарли бўлган ҳаёт фактларини ҳимоя қилувчи кучлар ўртасидаги кураш ўзига хос бадиий шаклда талқин этилган. Бу ёзувчининг ҳажв яратишдаги услубий ўзгачалигининг бир кўриниши.

Хуллас, М.Низоновнинг «Ўзга сайёрада етти кун» қиссаси қорақалпоқ адабиётида ривожланишда нисбатан орқада қолаётган фантастика жанри тараққиётига ҳисса бўлиб қўшилди деб айта оламан. Энг муҳими, бу асар Муродбойнинг ҳажвиётда ижодий имкониятлари катта ва кўп қиррали эканлигини, бу жанрда келажакда янада мукамал фантастик асарлар ярата олиш истеъдоди борлигини кўрсатди.

М.Низонов драматург сифатида ҳам эл назарига тушган ижодкор. У бир неча кодекмиялар муаллифи. «Икки дунёнинг овораси» комедияси Ўзбекистон миллий театри ижодий жамоаси томонидан саҳналаштирилиб, халқимизга кўрсатилди ва машҳурлик қозонди. Муродбойнинг бошқа пьесаларини ҳам томошабинлар қизгин кутиб олишди. Ёзувчининг комедиялари ҳам худди ҳажвий ҳикоялари ва қиссалари сингари одамларни нуқсонлардан холи бўлиб, олий идеаллар билан яшашга, эзгуликларга хизмат қилишга илҳом берадиган, тарбиявий аҳамияти беқиёс асарлардирки, улар тўғрисида махсус илмий тадқиқотлар яратиш за-

рурати бор. Қорақалпоқ адабиётшунослиги бу масалада, менимча, ёзувчи олдида қарздор.

Фикрларни умумлаштириб айтсам, Муродбой Низонов қорақалпоқ миллий сатираси ривожига катта қисса қўшган, қорақалпоқ театри сахнасини, радио эшиттиришлари ва телевидение кўрсатувларини кулгига бой ижод намуналари билан безаб, халқимизга ханда улашиб келаётган бетакрор ҳажвгўй ёзувчи. Уни жаҳон адабиётининг машҳур намоёндаларига ўхшатишлари бежиз эмас. Масалан, таниқли ўзбек адиби Носир Фозилов М.Низонов ҳақида шундай ёзганида мутлақо ҳақ эди: *«Мен Муродбойни қорақалпоқларнинг Азиз Несини дегим келади. Унинг сатирик ва юмористик ҳикоялари, драмалари шундай дейишимга ҳуқуқ беради»*.

* * *

Гувоҳ бўлдингизки, юқорида икки таниқли ҳажв устаси ижодига бир назар ташладик, айрим асарларини кенгроқ, баъзиларини ихчамроқ таҳлил қилишга уриндик. Ҳар икки адибнинг барча асарлари ушбу ишда қамраб олинди ва улар тўғрисида сўз юритилди дегани эмас. Бундай мақсадни назарда тутмаган ҳам эдик. Ишонамизки, бу вазифа яқин келажакда адабиётшунослар томонидан қўлга олинади, уларнинг адабий фаолияти ҳар томонлама тўлиқ ёритилган таҳлилий қиёсотлар яратилади. Яна бир фикр. Ҳар қандай бадиий баркамол асарда ҳам ўзига яраша камчиликлар бўлганидек, биз сўз юритган ҳикоя ва қиссалар ҳам бундан истисно эмас. Ҳажвияларнинг нуқсонларини топиш ҳам, кўрсатиш ҳам мумкин эди. Лекин биз сезган камчиликлар жузъий характерда бўлиб, улар ёзувчининг бадиий кашфиётлари олдида аҳамиятсизроқдек кўринди. Шу боисдан ҳам таҳлил давомида уларга махсус тўхтаб ўтирмадик.

Ҳажвиётда қалам тебратиб келаётган бошқа қорақалпоқ ёзувчиларининг адабий фаолиятини камситмаган ҳолда бир ҳақиқатни таъкидлаб айтмоқчимиз. Сайловбой Жумагулов билан Муродбой Низонов қорақалпоқ адабиётидаги ҳажвий жанрни тараққиётнинг янги босқичига олиб чиққан бугунги қорақалпоқ сатирасининг чин маънодаги дарғалари, бетакрор истеъдод соҳибларидир. Бу кимнингдир кўнгли учун айтилган, шунчаки юзаки гап эмас. Асл ҳақиқат ҳам шу!

Бу сўз ва ҳажв усталарининг ўзбек адабиётидаги сатира ва юмор жанри ривожига ҳам ҳисса қўшиб келаётганини яна бир бор қониқиш билан қайд этамиз. Муродбой ва Сайловбойнинг қатор китоблари ўзбек тилига таржима қилиниб, Тошкентда нашр этилди, сахна асарлари ўзбек театрларида қўйилди. Бир сўз билан айтганда, улар ўзбекнинг ўз ёзувчиси бўлиб қолди. Ушбу мантиқдан келиб чиқсак, таниқли ёзувчи ва таржимон Носир Фозиловнинг: *«Муродбой Низонов, Сайловбой Жумагулов, Ўрозбой Абдурахмоновлар бугунги замонавий қорақалпоқ адабиётининг ўзига хос устунларига айланишган»*¹, деб ёзгани ёки шу муаллифнинг яна: *«Бугунги кунда Муродбой наинки қорақалпоқ адабиётида, балки ўзбек адабиётида ҳам сатира ва юмор жанрининг йирик намоёндасига айланиб улгурган»* деган эътирофида заррача ҳам муболага йўқ.

Қорақалпоқ ва ўзбек адабиётига баравар хизмат қилиб келаётган бу икки ёзувчининг асарлари икки қардош халқ ўқувчилари томонидан бир хилда қабул қилинаётти ва қадрланмоқда. Бир неча халқ китобхонларининг, мухлисларнинг қалбидан жой эгаллаган, уларнинг ҳам сеvimли ва ардоқли ёзувчисига айланган ижодкорлар адабий жараёнда кўп эмас. Бироқ Муродбой Низонов ва Сайловбой Жумагуловлар икки эл, икки адабиёт ҳурматини қозонишга муваффақ бўлган энг омадли қорақалпоқ адибларидир.

2008

НАСРДА ШАКЛЛАНГАН ИЖОД

Адабий жараёнда келажакга умид уйғотадиган бирор талант пайдо бўлса, дарров кўпчиликнинг назарига тушади. Атоқли ижодкорлар унга эътибор қаратадилар. Ўтган асрнинг 70-йиллари бошларида адабиётга кириб келган Кенгесбой Алламбергеновнинг ижод бўстонидаги илк қадамлари ҳам шу хилдаги қўллаб-қувватлашлардан бошланган. Ёш ёзувчининг келажакга ишонч билдириб, дастлаб унга «Оқ йўл» тилаган устоз ёзувчи Тўлепберган Қайипберганов бўлди. Бундан салкам йигирма йил олдин у Кенгесбойнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида «Оқ баскур» номли

¹ «Жаҳон адабиёти» 2008., 6-сон.

ҳикоясининг босилиши муносабати билан ёш қаламкашга куйидаги мазмунда «Оқ йўл» йўллаган эди: «Ёш ёзувчи Кенгесбой Алламберганов адабиётга ҳикоянавис сифатида етмишинчи йилларнинг бошида кириб келди. Унинг илк ҳикоялари «Жеткиншек», «Амударё» ва «Гулхан» журналларида босилди. Қисса ва ҳикоялардан иборат биринчи тўплами — «Қийин довон»ни 1982 йили «Қорақалпоғистон» нашриёти чоп этди. «Чорраҳа» деб номланган биринчи романи эса ўтган йили ўтказилган ишчи эстафетаси танловида ғолиб бўлди. «Оқ баскур» ҳикоясини газетхонларга тақдим этар эканман Кенгесбойга оқ йўл тилайман»¹.

Ўша даврларда адабиётга дадил қадамлар билан кириб келган бу ёзувчига устоз адиб томонидан йўлланган «Оқ йўл» бир жиҳатдан унга билдирилган катта ишонч бўлса, иккинчидан, масъулият ҳам юклади. Кенгесбой ўқиб, изланиб, астойдил ижод қилиб, устоз ёзувчининг ишончини оқлади. Бугун у қорақалпоқ наsrининг таниқли вакиллари билан бири, ўз сафдошлари орасида олдинги қаторларда бораётган таланти ёзувчи бўлиб етишди.

К.Алламберганов ижодни ҳикоя ёзишдан бошлади. Насрининг кичик жанрларида куч синаб, кейин катта жанрларга ўтди. Келажакга умид уйғотадиган истеъдод қирралари дастлабки ҳикояларидаёқ кўринди. Кенгесбой ижодининг илк даврларида болалар ҳаётидан ҳикоялар ёзди. «Соз чалган бола», «Дастлабки беш», «Тонг болалари», «Қуш ҳақида эртақ», «Соғинч» ҳикоялари ҳаётийлиги ва самимийлиги, тилининг содда ва раволиги, болаларбоплиги билан ажралиб туради.

Ёзувчи ҳикоядан ҳикояга чиниқиб, истеъдоди ҳам шаклланиб борди. Энди у ҳаётнинг жиддий муаммоларини, мураккаб тақдирларни қаламга ола бошлади. Ҳар бир ҳикоясида унутилмас характерлар яратишга, ўқувчини эстетик жиҳатдан тарбиялаб, тасаввурини бойитадиган, дунёқарашига нимадир берадиган ҳаёт материалларига мурожаат қилишга киришди. «Ер монолоғи», «Оқшомдаги айтишув», «Эски оҳанг», «Оқ баскур», «Мавсумсиз никоҳ» ҳикоялари Кенгесбойнинг ҳикоячиликдаги муваффақиятлари бўлди. Унинг ҳикоячиликдаги маҳорати, айниқса, «Оқ баскур»да

¹ «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1984., 13 апрель.

кўпроқ кўринди. Иккинчи жаҳон уруши даврига хос бир драматик воқеа ҳикояга асос қилиб олинади. Она ҳикоянинг бош образи. У ўғлининг севган қизи билан яширин сўзлашиб турганини бехосдан кўриб, жуда қувониб кетади: «Ё худо, ўзингга шукр. Бу кунларга ҳам етадиган пайт бор экан. Илоё қувончим абадий бўлгай!» Она ўғлига билдирмасдан тўйга тайёргарлик кўра бошлайди. Уйда нима бору нима йўқ, ҳаммасини кўздан кечирилади. Тўйга ярайдиганларини танлаб сандиққа ташлайди. Лекин унга нимадир етишмаётгандек туюлаверади. Ҳа, эслади. Ўғли Пўлатга атаб алоҳида ўтов тиклаш. Ийғиб қўйилган қора уйнинг кам-кўстини тўлдириб тўйга тайёрлаш, келинни ўша уйга тушириш. Шу эзгу ният билан баскур тўқишга киришади. Кундуз далада ишласа, кечқурун баскур тўқийди. Тезроқ битказишга шошилади. Шундай кунларнинг бирида уруш бошланади. Пўлат фронтга кетади. Она ўғлининг урушдан қайтиб келгунича баскурни битиришга аҳд қилади, жадал тўқий бошлайди.

Ёзувчи ҳикояда онанинг фидоийлигини, фарзандига меҳрини психологик планда яхши кўрсата олган. Воқеалар бундан кейин драматик руҳда давом этади. Онанинг руҳий изтироблари тасвирига алоҳида урғу қилинади. Баскур битай-битай деб турганда онанинг ўғлидан хат келиши тўхтайдди. Она хавотирга тушади. Лекин умидини узмайди, бугун бўлмаса, эртага албатта, ўғлининг эшикдан кириб келишига ишонади. Сўнгги кучини йиғиб баскурнинг охириги ипларини тўқийтганда, ўғлидан қора хат келади. Бу хабар онанинг қаддини букади, армони саробга айланади, ҳаёт чирогини сўндиради. Бу психологик фожиани ёзувчи ҳикояда шундай тасвирлаган: «Юраги нозиклашиб қолганди. Санчиб оғримайди, қисмади ҳам, фақат ичидан аллақасри чирт этиб узилгандай бўлди. Она тўқийтган баскурга қулади. Таралган иплар таранглашди, сўнг чирсиллаб-чирсиллаб узилаверди, узилаверди. Камалак рангларга дарз кетди».

Иккинчи жаҳон уруши йилларида бундай аянчли воқеалар деярли ҳар бир хонадоннинг бошига тушганди. Бировлар акаси ёки отасининг, яна бировлар умр йўлдоши ё севган ёрининг, оталар ва оналар фарзандининг жангдан ғалаба билан қайтишини кутиб гўзал орзулар билан яшади, уларнинг соғ-саломат келишига нималарнидир совға тарзи-

да тайёрлаб қўйди. Лекин бундай армонлар ҳамиша ҳам ушалавермади. Буни она тақдири мисолида ёзувчи бадиий талқин қилади. Ўқувчи бир томондан онанинг аччиқ қисматига ачинса, иккинчидан, оналарни шу куйга солган, қанча оилаларни кулфатга гирифтор этган урушни лаънатлайди. Ёзувчи бу ҳаётий воқеани бадиий ҳақиқатга айлантиришда образли ифодалардан, деталлардан ўринли фойдаланган. Ҳикоядаги баскур детали асарнинг гоёсини очишда, воқеалар драматизмини таъминлашда, давр руҳини, миллий колоритни беришда муҳим бадиий восита бўлган. Она кулагандан кейин баскур ипларининг «чирсиллаб-чирсиллаб» узилаверишида, камалак ранглари талқинида инсон тақдири билан боғлиқ раъсий маъно, чуқур фалсафий фикр бор.

К.Алламберганов ҳикоячиликда бироз тажриба тўплагандан кейин повесть жанрига ўтди. «Қушлар қайтган кун», «Қийин довон» қиссаларини эълон қилди. Биринчи повестда экология муаммолари, шахсий манфаат учун ўрмон ва тўқайзорлардаги ноёб қушларни қириб юбораётган браконерларнинг табиатга нисбатан ёвузликлари қораланса, иккинчи повестида ҳаётга, муҳаббатга енгил-елпи муносабатда бўладиган ёшларнинг чигал тақдири ҳикоя қилинади. Бундай мураккаб ҳаётий муаммоларни бадиий талқин қилиш учун нафақат ёзувчилик маҳорати, айти пайтда, муаллиф учун турмуш тажрибаси ҳам керак бўлади. Кенгесбойнинг ҳаёт материаллини яхши идрок этгани, баъзиларини ўз турмуш тажрибасида синаб кўргани ҳар бир воқеа ва образ талқинида сезилиб туради. Ҳарҳолда, ёзувчининг бу икки асари 80-йиллар қорақалпоқ қиссачилигида ўз ўрнини эгаллади.

* * *

Романнинг имкониятлари ҳикоя ва қисса жанрига нисбатан катта. Муаллифнинг ёзувчилик маҳорати, талантининг қудрати, асосан роман жанрида намоён бўлади. Роман ёзувчининг насрдаги мавқеини белгилайдиган жанр. Кўпчиликка маъқул, ҳамма китобхон бирдек севиб ўқийдиган, ҳеч қачон аҳамиятини йўқотмайдиган, ҳамма даврларга хизмат қилиш салоҳиятига эга роман яратиш осон эмас. Бунинг учун талант, тинимсиз ижодий меҳнат, кенг камровли мушоҳада керак. К.Алламберганов романга етарли даражадаги ижодий тайёргарлик билан келди. Ҳикоялар ва қис-

салар ёзиб, эпик сюжет яратиш маҳоратини эгаллади. Образ, характер яратиш сирларини ўрганди. Ҳаётий материални «қайта бичиб, қайта тикиш» санъатини ўзлаштирди. Шунинг учун ҳам унинг романчиликдаги изланишлари кўпга чўзилмади. Илк романларидаёқ тажрибали, қалами пишиб етилган, маҳоратли ёзувчидек таассурот қолдирди. Кенгесбой ҳозирга қадар уч роман эълон қилди. Биринчи романи «Чорраҳа» китобхонлар томонидан қизгин кутиб олинди, республика кўламида ўтказилган танловда голиб бўлди. Роман ўтган асрнинг саксонинчи йиллари ўртала-рида ёзилган. Асарда шўролар тузуми, тоталитар режимнинг нобоплиги, ҳаётдаги камчиликлар, таълим тизимидаги кўзбўямачилик ва сохтагарчиликлар фош этилади. «Чорраҳа» турғунлик йиллари ҳаётининг бадиий кўзгуси. Олий ўқув даргоҳини янги битирган Турғангул йўлланма билан касб-хунар билим юртига ишга келади. Меҳнат фаолияти давомида бир талай тўсқинликларга учрайди, камчиликларнинг гувоҳи бўлади. У ишга келган ўқув ўрнида таълим-тарбия жараёни издан чиққан. Раҳбарлар, ўқитувчилар ўртасида кўзбўямачилик, ичкиликбозлик авж олган. Турғангул бу ҳаракатларнинг ёшлар тарбиясидаги салбий оқибатларини кўриб ачинади. Бу камчиликларга қарши курашишга, уларни бартараф этишга бел боғлайди. Ўқув ўрнида адолат, соғлом муҳит ташкил этади. Ешмурод Қулмуродовга ўхшаган раҳбарларнинг найрангларида барҳам беради. Бу ишлар осон кечмайди, албатта, бир қатор тўсқинликларни енгиб ўтишга, ҳақиқат тантанаси учун чинакамга курашишга тўғри келади. Образлараро тўқнашув романда кескин конфликтлар фонида берилади. Турғангул қорақалпоқ насридаги янги типдаги образ, ёзувчининг ҳар хил характердаги хотин-қизлар образини яратишдаги маҳоратининг ифодаси. Шу маънода роман айнан бугуннинг асари, замонавий қорақалпоқ романчилигининг етук намунаси.

К.Алламберганов шўролар даври ҳаёти учун типик камчиликларни, маънавий-маърифий турмушдаги хатоларни қоралашга бағишлаб роман ёзишни давом эттирди. Орадан кўп ўтмай унинг иккинчи «Умр манзиллари» романи босилиб чиқди. Роман «Чорраҳа»га мавзу йўналиши бўйича бирмунча ўхшайди, биринчи романнинг мантикий даво-

мидек туюлади. Бу асари билан Кенгесбой романчиликда яна бир довон ошди. Илм йўлига эндигина кириб келган бир ёш олимнинг ҳаёти ва кураши роман сюжети-нинг асосини ташкил этади. Шўролар тузумининг муно-фиқона сиёсатига ишониб яшаган Султоннинг тақдири мисолида ҳақиқат, адолат тантанаси учун курашиш за-рур, деган ғоя илгари сурилади. Бу ғояни ёзувчи романда ҳар хил характер хусусиятига эга бир туркум образлар орқали ёритган. Ўқувчи хотирасида узоқ сақланадиган қизиқарли воқеалар, ёрқин характерлар кўп. Роман сю-жетини шакллантиришда, баъзи образлар характерини очишда, айниқса, Султон тақдири билан боғлиқ кўп во-қеалар тасвирида муаллифнинг ўз ҳаёти тажрибасига тая-ниб иш кўргани сезилади.

К. Алламберганов романдан романга ўсиб, таланти чи-ниқиб, ёзувчилик маҳорати ҳам ошиб борди, янги мавзу-ларда, кенг эпик планда роман яратишга астойдил ки-ришди. «Дарё тортилган йиллар» ёзувчининг романчи-ликдаги навбатдаги жиддий ютуғи бўлди. Роман муаллифга шуҳрат келтирди, асар Бердақ номидаги Давлат мукофо-ти билан тақдирланди. Роман фақат мавзусининг долзар-блиги билан эмас, балки унда даврни характерлайдиган конфликтлар, чинакам миллий характерлар яратилгани, долзарб муаммолар кўтарилгани учун ҳам китобхонлар асарни яхши кутиб олди. Романда Орол денгизининг қури-шига сабаб бўлган ҳолатларнинг ижтимоий илдизлари очиб берилган. Шўро сиёсати ҳукмронлиги даврида бузилган экологик муҳит одамларнинг саломатлигига зарар етқа-зиб қолмасдан, ижтимоий ҳаётни ҳам издан чиқарди, маъ-навий-ахлоқий инқирозга олиб келди. Бу йилларда кўзбўя-мачилик, мансабни суиистеъмол қилиш ва бошқа бузғун-чиликлар авж олганини бугун ҳеч ким инкор этолмайди. Бу яқин ўтмишнинг аччиқ ҳақиқати. Романда мана шу иллатлар дадил фош қилинган.

Ёзувчи романда фақат бир ёқлама, фош қилиш йўлидан бормайди. Ижобий кучларни ҳам меҳр билан тасвирлайди. Романда бундайларнинг умумлашма образларини ҳам яра-тади. Назар ота шундай инсонларнинг типик вакили. У виж-дони тоза, имони бут, табиат бойликларининг ҳақиқий ҳимо-ячиси, боғ бунёд этиб, халқининг ободончилиги учун хиз-

матга бел боғлаган чин инсон. Бироқ отанинг хайрли иш-лари қўллаб-қувватланмайди. Аксинча, у яратган боғлар замона зўрлари томонидан пайҳон қилинади, меваги дарахт-лар қўпориб ташланади, ўрнига пахта, шоли экилади. Бу ўзбошимчалик, зўравонлик отани руҳан қийнайди, умрига завол этади. Отаси бошлаган бу хайрли ишни давом этти-риш невараси Жалғаснинг зиммасига тушади. Жалғас ўқиб терговчи касбини эгаллайди. Бобосининг амалга ошмай қол-ган орзусини рўёбга чиқариш учун ишга киришади, табиат кушандаларига қарши кураш бошлайди, нопок ишларга қўл урган кимсаларнинг кирдикорларини очиб ташлайди. Ро-маннинг иккинчи «Виждон амри» китобида бу воқеалар батафсил тасвирланган. Жалғас иродаси мустаҳкам, адолат ва ҳақиқат тантанаси учун курашда ҳеч нарсадан қўрқмай-диган, жасоратли милиция ходими, терговчи тимсолида на-моён бўлади, характер хусусиятлари шиддатли ва муросасиз тўқнашувларда очиб берилади.

Романга турли соҳа вакилларининг образлари ҳам ки-ритилган. Улар ҳар хил характер хусусиятига эга бўли-шига қарамасдан, асарнинг бош ғоясини очишда фаол иш-тирок этадилар, романдаги ижобий ёки салбий ҳолатлар-ни бадиий далиллашга йўналтирилган. Муаллиф романда шўролар тузумининг оғир ва мураккаб турмуш шароити-ни бадиий ёритишга, ҳаётнинг иллатларини кўпроқ очиб ташлашга ҳаракат қилган. Романда эзгуликларни қўллаб-қувватлаш билан бирга хатолардан хулоса чиқаришга, уларни такрорламасликка, тараққиётимизга тўсиқ бўла-диган иллатларга муросасиз бўлишга чақириқ бор. Ки-тобхон роман воқеаларини қалбига қанчалик чуқур синг-дирса ва хулоса чиқарса, мустақилликнинг қадрига шун-чалик тез этади Шу маънода, бу асарлар, гарчи, бундан ўн-ўн беш йил олдин ёзилган бўлса-да, уларда бугунги куннинг нафаси бор.

К.Алламбергановнинг ёзувчилик фаолияти ҳақидаги фикрларимни хулосалаб айтсам, у насрнинг ҳамма жанрла-рида китобхонларга манзур бўладиган асарлар яратди. У яхши ҳикоянавис, бир неча қисса ва романлар муаллифи, 70-90 йиллар қорақалпоқ насрининг кўзга кўринган вакиллари-дан бири.

К.Алламберганов кўп йиллардан бери илм билан ҳам шуғулланиб келади. У асосан, қорақалпоқ халқ оғзаки ижодига қизиқиб илмий-тадқиқот ишлари олиб борди. Ва қорақалпоқ фольклоршунослигига муайян даражада ҳисса қўшди. Дастлаб у «Қорақалпоқ адабиётида шоирлар айтишуви» деган мавзуда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди ва шу номда китоб ҳам чоп эттирди. Кенгесбойнинг сўнгги йиллардаги илмий изланишлари асосан «Едиге» достони тадқиқоти билан боғлиқ. Бу йўналишдаги кўп йиллик илмий ишларини якунлаб «Қорақалпоқ халқ достони «Едиге» деган мавзуда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди ва «Қорақалпоқ халқ достони «Едиге» номли катта монографиясини ҳам нашрдан чиқарди. Ҳар икки монография ҳам К.Алламбергановни чинакам фольклоршунос олим, ўз соҳасининг етук мутахассиси деб хулоса чиқаришга мисол бўла олади.

К.Алламберганов педагог-олим сифатида ҳам кўп йиллардан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. У мактаблар, коллеж ва лицейлар, олий ўқув юртлари учун қорақалпоқ адабиёти бўйича дастур, дарслик ва қўлланмалар, хрестоматиялар яратишга ҳам қатнашди. Шунингдек, талабаларга юқори савияда дарс бериб келаётган улгили устозлардан бири.

К.Алламбергановнинг ёзувчилик, илмий-педагогик фаолияти ҳақидаги кузатишларимни якунлашдан олдин, кўпдан бери ҳаёлимда айланиб юрган бир гапни ушбу мақоламнинг хулосаси сифатида айтмоқчиман. Гап шундаки, менинг кузатишимча, Кенгесбой Алламберганов сўнгги йилларда ёзувчиликдан анча узоқлашиб кетди. Матбуотда деярли кўринмай қолди. Яқин беш-ўн йилда янги ҳикоялар, қисса ва романлар эълон қилгани менга маълум эмас. Тўғри, бу йилларда у илм билан шуғулланиб, етук фольклоршунос олим бўлиб танилди, катта илмий даражага эришди. Бу яхши, албатта. Лекин К.Алламбергановнинг олимлик даражасини тан олган ҳолда, мен унда ёзувчилик таланти устувор, қорақалпоқ насрини бадий-эстетик салмоғи бақувват асарлари билан бойитишга қодир истеъдод соҳибини кўраман ва бадий ижоддаги фаолиятини худди етмишинчи-саксонинчи йиллардагидек фаол давом эттиришига тарафдорман. Мақолада Кенгесбой Алламбергановнинг олимлик фаолияти-

дан кўра ёзувчи сифатидаги талант қирралари тўғрисида кенгроқ сўз юритганимнинг бир сабаби ҳам шу!

2004

ФОШ ҚИЛУВЧИ РОМАН

«Тургунлик» йиллари деб ном олган яқин ўтмишга бугунги дунёқараш билан назар ташлаш, оғир турмуш шароитларини қоралаб, ҳар хил жанрларда бадий асарлар яратиш ва шу орқали мустақилликнинг тарихий аҳамиятини халқимиз онгига сингдиришдек масъулиятли вазифа ҳозирги авлод ижодкорлари зиммасида турибди. Ёзувчи Абулқосим Ўтепбергановнинг «Дўзах ичида» (1993) номли романи айнан шу мавзунинг бадий талқинига бағишланган яхши романлардан бири бўлди.

Романга тагдор маънода — «Дўзах ичида» деб ном қўйилган. Яқин ўтмишдаги ҳаёт, чиндан ҳам, баъзи худбин раҳбарлар, маънавий тубанликни ўзларига касб қилиб олган ахлоқсиз шахслар, зўравонлар, лаганбардорлар ва шуҳратпарастлар учун «жаннат» бўлиб хизмат этган бўлса, турмушдаги адолатсизликлар, таҳдид ва ёвузликлар билан келиша олмаган виждонли, ҳалол, эътиқоди мустаҳкам кишилар учун эса «дўзах» бўлгани ҳеч кимга сир эмас. Роман воқеалари ва конфликтлари мана шу икки ахлоқий тушунчадаги кишилар кураши асосида шиддатли ривожланиб боради. Ёзувчи романда мунофиқлик билан лоқайдликни, шуҳратпарастлик билан мансабпарастликни, диёнатсизлик ва маънавий тубанликни, порахўрликни дадил фош қилган. Шу маънода у, чиндан ҳам, фош қилувчи роман. Муаллиф инсонийликка хилоф бу иллатларни қоралаш орқали эзгуликларни ҳимоя қилади. Ўқувчини мураккаб ҳаёт йўлларида адашмасликка чақиради. Ҳақиқат ва адолат учун курашиб яшашга, соф виждонли одамлардан ўрнак олишга ундайди. Романнинг ижтимоий тарбиявий аҳамиятларидан бири ҳам шу.

Журналист Таўбаназар романнинг марказий қаҳрамони. Виждонли, ўз ишига садоқатли, ҳақиқатпарвар мухбирларга хос хислатлар шу образда умумлаштирилган. У ёзувчи идеалидаги журналист. Таўбаназар адолатпарвар, принци-

пиал ходим. Раҳбар буюрди, деб ҳар мақомга йўргалаб кетавермайдиган, эътиқодида қатъий тура оладиган иродали газета мухбири. Унинг характериға хос хусусиятлар романда бир неча сюжет тармоқлари, ҳаётий ва драматик воқеалар фонида очилади. Газета муҳаррири Атахан Айтмуратович унга Соҳибжамол исмли қишлоқ қизи ҳақида очерк ёзиб келишни топширади. Бу вазифани бажариш учун Таўбаназар очерк қаҳрамони яшаётган совхозга йўл олади. Қизнинг мураккаб тақдири билан танишгач, очерк ёзиш фикридан қайтади, виждони йўл қўймайди. Юқори лавозимда ўтирган бир раҳбарнинг бу ёш қизни ўз «тузоғи»га илинтириб, номусини поймол этгани, гуноҳини ювиш мақсадида лаганбардор муҳаррир ёрдамида «Дала юлдузи» деган сохта очерк ёздириб, газетада бостириш, сўнг эса қизни катта мукофотларга тавсия этиш йўлидаги найрангларидан огоҳ бўлгандан кейин, Таўбаназар бу ишдан бутунлай юз ўтиради, ҳақиқатга хиёнат қилиб, ёлғон фактлар асосида очерк ёза олмаслигини муҳаррирга очиқ айтади. Аксинча, Соҳибжамолнинг аччиқ қисматиға сабабкор ўша амалдорни фош қилиб танқидий материал тайёрлаш нияти борлигини муҳаррирга эслатади. Натижада муҳаррир билан журналист ўртасида жиддий тўқнашув пайдо бўлади. Атахан Айтмуратович ва унинг ҳамтовоқлари Сейилхан, Қидирбой Тангатович, Айтбайлар билан Таўбаназар ўртасида кескин кураш бошланади.

Ёзувчи бош қаҳрамонни ҳаётнинг энг мураккаб ва қийин сўқмоқларидан олиб ўтади. Уни турли таҳдид ва адолатсизликлар қаршисида синаб кўради. Таўбаназар характеридаги ҳақиқат кучиға ишонч, адолат учун курашчанлик, ахлоқий поклик каби олижаноб хусусиятлар мана шу баҳсларда, тортишувларда, олишувларда ёрқин намоён бўлади. У мухбирлик фаолиятида кўп ноҳақликларға, адолатсизликлар ва нопокликларға, туҳматларға учрайди. Лекин ҳеч қачон чекиниб, профессионал журналистлик касбига хиёнат қилмайди. Кураш давомида имони, эътиқоди мустаҳкам инсон эканлигини кўрсатади. Образнинг бу хислатлари магазин мудири Айханим билан бўлган муносабатда яхши очилган. Ўғирликлари фош бўлиб қолган магазин мудирининг Таўбаназарға пора узатиб, ўзининг қинғир ишини бости-бости қилишға, фелъетон ёзмасликка кўндириш учун ялиниб-ёл-

воришлари, ундан рад жавобини эшитгач, қайсидир раҳбарларға яқинлигини пеш қилиб, дўқ-пўписаға ўтишлари, қўрқитишға уринишлари тасвири жуда ҳаётий чиққан. Нопок савдо ходими билан принципиал ва ҳалол мухбир ўртасидаги тўқнашув ва ундан келиб чиқадиган ҳулоса ҳаёт манитиқига жуда мос.

Ёзувчи романда бир қатор ижтимоий-сиёсий муаммолар фонида маънавий-ахлоқий масалаларни кўтаришға аҳамият берган. Ахлоқан тубан, виждонсиз раҳбар ва раҳбарчаларни аямасдан, ладил фош қилгани, кирдикорларини ҳаётий фактлар мисолида бадиий умумлаштиргани, менимча, муаллифнинг жиддий ютуғи. Газета муҳаррири Атахан Айтмуратовичнинг уйида гулдай хотини, болалари бўла туриб, бегона аёллар билан майшат қилиши, мутасадди бир раҳбарнинг ўн гулидан бир гули очилмаган ёшгина қиз Соҳибжамолнинг номусини поймол этиши, савхоз директорининг ўз оиласига хиёнат қилиб, ахлоқсиз хотинлар билан «дон олишиши», эрининг бу эгри ҳаракатларидан хабардор бўлиб қолган хотиннинг бузуқлик кўчасига кириб, бир шофёр йигит билан ўйнаш тутиниши каби воқеаларни ёзувчи романда нафрат билан қоралайди.

Биз бу воқеалар билан танишар эканмиз, беихтиёр ҳаётга назар ташлаймиз, роман воқеаларини турмушға ҳаёлан солиштирамиз, ҳаётдан шу хилдаги мисолларни излаймиз. Баъзан, ёзувчи тасвирлаган бу салбий ҳолатларнинг ҳаётий асослари бормикан, муаллиф тажрибасизлик қилиб, ҳаёт ҳақиқатини бўрттириб юбормадимикан, деган шубҳа ҳам кўнгилдан ўтади. Лекин роман воқеалари билан яқин ўтмишнинг айрим ҳодисаларини қиёслаш натижасида бу шубҳаларимиз асоссиз эканлигини англай бошлаймиз. Худди шундай воқеаларни қаерлардадир кўрганимиз, кимлардандир эшитганимиз кўз олдимизға келади ва бу воқеалар тасвирида ёлғон ёки сунъийлик йўқлиғига амин бўламиз. Яқин ўтмишда имон-диёнатдан маҳрум, маънавияти ночор шахслар, ҳамма нарсани бойлик ва обрў билан ўлчайдиган кимсалар анча-мунча бор эди ва улар худди «Дўзах ичида» романида тасвирлангандек ҳаракат қилгани сир эмас. Бу иллатларни яширишнинг мутлақо кераги, иложи ҳам йўқ, деб ҳисоблайман.

«Дўзах ичида» романида яна бир ноҳақликнинг кескин қораланганини, менимча, китобхон тўла маъқуллайди. Маълумки, шўролар даврида ҳалол ва пок инсонлар, ҳақиқатгўй ходимлар қувгин қилинган, лаганбардор, амалшараст порохўрлар кўпинча иззатда, раҳбарлар эъзозиди бўлди. Бу ҳам яқин ўтмишнинг аччиқ ҳақиқати. Ёзувчи бу ҳаёт тарзини софдил ва адолатпарвар тadbиркор, савхоз директори Гўнебой Примов образи мисолида яхши кўрсатган. У ҳалол меҳнати, ишбилармонлиги билан савхозни қолоқликдан илгорлар қаторига олиб чиқади. Вилоят ва туман раҳбарларининг кўзбўямачилик ишларига қўшилмайди, уларнинг халқ манфаатига зид ҳар қандай буйруқларини бажаришдан бош тортади, қўшиб ёзишларга йўл қўймайди. Натижада у раҳбарлар томонидан қувгин остига олинади, боши танқид ва ҳақоратдан чиқмай қолади. Оқибати шу бўладики, Гўнебой Примов руҳий қийноқларга бардош беролмай, қон босими ошиб, вафот этади. Унинг қисмати бюрократ раҳбарлар исканжасида, уларнинг зуғуми остида шундай фожиа билан тугайди.

Романда бундай қайғули, драматик воқеалар анчагина бор. Муаллифнинг ютуғи шундаки, бу воқеаларни у шунчаки воқеа ёки ахборот тарзида ҳикоя қилмайди, ҳаётда учраши мумкин бўлган факт сифатида бадиий далиллайди, уларнинг ҳаққонийлигига ўқувчида шубҳа қолдирмайди. Бугун жамиятда бундай нопок, адолатсиз, бюрократ раҳбарларга тамоман барҳам берилди, деб бўлмайди. Бу хилдаги шахслар турғунлик йилларидагидек кўп ва ошқора бўлмаса-да, ҳозир ҳам учраб туради. Шундай экан, уларнинг қилмишларини бадиий образларда гавдалантириш ҳеч қачон аҳамиятини йўқотмайди.

«Дўзах ичида» романида тасвирланган яна бир ҳаётий воқеага эътиборингизни қаратмоқчиман. Романда шундай бир эпизод бор. Ўрдабой билан Боймурот кўчама-кўча, уйма-уй юриб одамлардан хонадонларга газ ҳамда сув ўтказгич қуриш мақсадида корхона раҳбарларига пора бериш, шу йўл билан ишни тезлатиш учун пул тўплайдилар. Таўбаназар бу қинғир ишнинг гувоҳи, нафақат гувоҳи, ҳатто иштирокчиси ҳам бўлади. Хотинининг ҳамма тўласа, бизлар якка маховдай ажралиб, қўшилмасак кўча-кўйда қандай бош кўтариб юрамиз, деган қистови билан у ҳам порага бош қўша-

ди. Бу ҳам яқин ўтмишнинг номақбул ишларидан бири. Баъзи шаҳар ва қишлоқларга газ ва сув тармоқларининг шундай қинғир йўллар билан тортилгани, айрим шахсларнинг одамлардан ноқонуний пул тўплаб чўнтақларини қаппайтиргани бор гап. Бу салбий ҳолатларнинг романда бадиий образлар орқали умумлаштирилиб, фош қилинганини маъқуллайман. Ёзувчи бу масалада ҳам ҳаёт ҳақиқатига амал қилган.

Сўз юритилаётган асарнинг яна бир ўзига хослиги бор. Маълумки, шўролар даврида барча асарларга бир хил талаб қўйиларди. Яъни асарда воқеалар эзгуликнинг ёмонлик устидан тантанасини кўрсатиш ёхуд шунга ишора руҳидаги бирор детал ёки ҳолат тасвири билан яқунланиши қонуният эди. Бундай йўл кўп асарларда шаблон ва схематизмни келтириб чиқарди, уларни ҳаётийликдан маҳрум қилиб қўйди. Ахир турмушда ҳамма вақт ҳам адолат тантана қилиб, ҳақиқат рўёбга чиқавермайди-ку! Маълум муддатларга қадар (баъзан бутунлай) айрим ҳақиқатлар эгилганича қолиб кетиши мумкин-ку! Бунга ҳаётда мисоллар етарли. Адабиёт реал ҳаётни бадиий ёритар экан, бу ҳақиқатни тўғри кўрсатишдан ҳам кўз юммаслиги, бадиият қонунларидан чекинмасдан, қандай бўлса шундайлигича тасвирлаши лозим. «Дўзах ичида» романи муаллифи узоқ йиллар давом этиб келган бу қолипни бузиб тўғри қилган. Роман воқеалари соф виждонли журналист Таўбаназарнинг ғалабаси билан эмас, аксинча, мунофиқ ва зўравон кучларнинг устунлиги билан яқунланади. Атахан Айтмуратович Таўбаназардан ўч олиш йўлидаги ҳаракатларини давом эттиради. Уни обрўсизлантириш, бадном қилишнинг қабих йўлларини ишга солади, устидан тухмат уюштиради. Айханим деган магазин мудиридан: икки минг сўм пора олгансан, магазинини текширгани борганинга синглисини ўйнашингга айлантормоқчи бўлиб ҳар хил найранглар ишлатгансан, ҳақоратлагансан, деб тухмат қилади. Айханим прокуратурага уч киши гувоҳлигида ариза бериб қўйганлигини айтади. Шундан кейин Таўбаназар пора олганликда айбланиб, унинг устидан жиноий иш қўзғатилади. Таўбаназарни сўроқ қилишади. «Пора олмадим» деб минг марта такрорласа-да, терговчилар мақсадларига эришиш учун ҳар хил ноқонуний усулларни ишга соладилар, ҳатто ароқ ичириб «айбини» бўйнига қўйишга уринадилар. Бу йўл ҳам натижа берма-

гач, уни шафқатсиз калтаклайдилар. Лекин Таўбаназар ҳақиқатга хиёнат қилмайди, уларнинг даъвосини тан олмайди. Ҳақиқат ва адолатнинг тантана қилишига умид боғлайди. Мана шу драматик кўриниш билан ҳам роман воқеалари тугайди. Бу воқеанинг ҳам ҳаётий заминиди асос бор, бадий далолиланган.

Кўрапписизки, Таўбаназар қисмати билан боғлиқ муҳим бир тугун, конфликт ечилмай қолди. Унинг тақдирининг қандай ҳал бўлиши ўқувчига маълум эмас. Бир мулоҳаза. Ёзувчида роман воқеаларини, айниқса, Таўбаназар қисмати билан боғлиқ сюжетни давом эттириш истаги борга ўхшайди. Роман воқеаларига охири нуқтани қўйишдан олдин ёзувчи китобхоннинг эътиборини қўйидаги тасвирга қаратиши бежиз эмасдек туюлади: «эр-хотин сўзлашиб ўтира турсин. Биз Таўбаназарнинг бундан кейинги ҳаёти яна бир катта асарга материал бўлишини назарда тутиб, бу воқеани шу жойда тўхтатамиз».

Бадий-эстетик диди ривожланган китобхон романнинг бундан кейинги воқеалари қандай мантиқ асосида давом этишини ва Таўбаназар қисмати билан боғлиқ тугунлар қандай ечимга келишини тасаввур қила олади. Муаллифнинг ўзи ҳам роман ниҳоясида бунга ишора қилиб қўйидаги диалогни келтиради: — Буларнинг ҳаммаси вақтинчалик нарсаси. Ўшаларнинг ўз жазосини олиб, адолатнинг тантана қилганини кўриб ўлсам армоним йўқ.

Терговнинг даҳшатли азобларига чидаб, вижлонига ҳилоф иш қилмаган Таўбаназар билан хотини ўртасида суҳбат бўлиб ўтади. Мантиқ шундан иборатки, Таўбаназар ҳақиқат йўлидаги курашда енгади. Эзгулик душманларининг кирди-корлари фош бўлиб, адолат ўрнатилади. Романдаги асосий сюжет ривожини, бош қаҳрамон характеридаги эволюцияни кузатиб борган, бадий-эстетик тафаккури кучли китобхон шу ҳулосага келади. Шундай экан, роман воқеаларини давом эттириб, унинг иккинчи китобини ёзиш зарурати бормикан? Агар муаллиф асарнинг иккинчи китобини ёзиб, бош қаҳрамоннинг «мурод-мақсадига етиши»ни кўрсатмоқчи бўлса, тасвирда қандайдир схематизм, бошқаларни такрорлаш ҳавфи туғилиши мумкин. Менимча, романнинг худди шундай шаклда яқунланиши, бош қаҳрамон тақдири билан боғлиқ чигал вазиятнинг ҳозирги ҳолатида қолдирилгани маъқул.

«Дўзах ичида» романи асосан журналистлар ҳаётига бағишланган. Бу мавзу қорақалпоқ адабиётида деярли ёритилмаган. Бу жиҳатдан ҳам роман таҳсинга лойиқ. Роман муаллифи журналистика соҳасининг тажрибали мутахассиси. Шунинг учун бўлса керак, таҳририят ходимлари, мухбирларнинг меҳнат жараёнларини, мулоқотларини, психологик ҳолатларини романда жуда табиий ва ишонарли қилиб тасвирлаган. Таўбаназарнинг психологияси, қувонч ва ташвишлари тасвирланган саҳифаларни ҳаяжонсиз ўқиш қийин. Қорақалпоқ насадида бундай кескин конфликтлар, характерлараро кураш асосига қурилган психологик романлар кўп эмас. Роман драматик воқеаларга жуда бой. Қаҳрамонлараро кураш, тўқнашувлар ўта жиддий, кўп эпизодлар саҳна асарини ёдга солади. Агар роман материаллари асосида телепостановка ёки саҳна асари яратилса, томошабинлар қизиқиш билан кутиб олиши мумкин. Қорақалпоғистон телевидениеси ижодий ходимлари бу имкониятдан фойдаланиб, асарнинг телеэкран вариантини тайёрлаб, халқимизга кўрсатадилар деган умиддамиз.

«Дўзах ичида» романи ҳар хил ўткинчи сиёсий шиорлардан, баландпарвоз чақириқ ва хитоблардан холи. У китобхон қалбига эзгулик уруғларини соча оладиган, ҳаётнинг мураккаб сўқмоқларидан тўғри юришга ўргатадиган, турмушнинг аччиқ ҳақиқатларидан сабоқ олишга чақирадиган чинакам реалистик асардир. Романда ҳақиқатгўй ва адолатпарвар, принципаал журналистлар тўғрисидаги ҳақиқатнинг муҳим қирралари акс эттирилганки, бу шубҳасиз, ёзувчининг катта ютуғи, ўзига хос жасоратидир.

Мазкур романнинг ижодий ютуқлари кўп. Шу билан бирга романда бадийлик жиҳатидан ҳали меъёрига етмаган образлар бор. Муаллиф баъзи ўринларда ҳаракатни унутиб, воқеанависликка берилиб кетади. Қаҳрамонларда содир бўладиган айрим конфликтбоп ҳолатларни ўзи гапириб ўтади. Бундай ўринларда ёзувчи холис туриб воқеаларни ҳаракатда, тўқнашув ва зиддиятларда кўрсатса, романнинг таъсирчанлиги янада ошган бўларди. Назаримда Таўбаназар тарафдорлари романда анча хира тасвирланган, уларнинг ҳаракатлари суст, баъзан сунъий. Бу образлар кўп драматик воқеаларда бош қаҳрамоннинг «со-яси» бўлиб қолган.

Булардан қатъий назар «Дўзах ичида» романи Абилқосим Утепбергеновнинг насрдаги янги ва дадил ижодий қадами бўлди.

1993

ОНА РУҲИГА АДАБИЙ ЁДГОРЛИК

Мен шоира Бибиажар Нурназаровани талабалик йилларидан бери танийман. Нукус давлат университетининг филология факультетида домлалик қилиб юрган кезларимда, деканнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари лавозимида ишлаган йилларимда у талаба эди. Ибратли одоби, камтаринлиги, аъло ўқиши, ижодкорлик қобилияти туфайли гуруҳдошлари, факультетнинг профессор-ўқитувчилари орасида ҳам ўзига хос эътиборга сазовор қизлардан бири эканлигидан хабардор эдим. Ўша йилларда ҳам унинг ижодга қизиқиб юрганидан, ҳар хил адабий анжуманларда шеърлар ўқиб, гоҳо-гоҳо матбуотда ҳам кўриниб туришини билардим. Шунгайм йигирма йилдан ошибди. Бу муддат ичида у университетни тамомлади, шеърият билан астойдил шуғулланди, ўқиди, изланди, бадиий ижод сирларини ўрганиб, лирикада қалам тебрата бошлади. Шеърий тўпламлар нашр эттирди. Адабий жамоатчилик томонидан талантили шоиралардан бири сифатида тилга олинди.

Бибиажар Нурназарованинг ҳамма поэтик асарларини ўқиб чиққанман, улар ҳақида тўлиқ тасаввурга эгаман, десам муболаға қилган бўламан. Лекин унинг лирик асарларининг муайян бўлаги билан танишман. Мен ўқиган ўша шеърлар шоиранинг таланти ҳақида етарли тасаввур бергани учун ушбу мақолани ёзишга қарор қилдим. Аслида мазкур мақолани ёзишга ундаган нарсани унинг «Эсдалик» («Амударё», 2001, 5-6 сонлар) номли бир шеърий асари бўлди.

Менинг кузатишимча, Б.Нурназарова кўп ёзавермайди, газета-журналларда ҳам кўп кўринавермайди, оз ёзади, оз кўринади. У юксак поэтик маъно, салмоқли гоёни ифодалашга қодир ҳаётий материалга дуч келгандагина кўлига қалам олади, ўзини ҳаяжонга солган кечинмаларни қозғошга тушириб, уни бадиий ҳақиқатга айлантиради. «Эсдалик», менимча, худди шундай жараённинг маҳсули сифатида ту-

тилган туйғуларга бой яхши асар. Гарчи асарнинг жанри белгиланмаган бўлса-да, у менга ихчам бир сюжетга қурилган лиро-эпик эссени эслатади. «Эсдалик»нинг остига, қавс ичида «Онам Шосанам Дўшим қизига бағишлайман» деб ёзилган. Асар муаллифнинг ўз онаси ҳақида экан-да, деган фикр дарров хаёлга келади. Маълумки, ижодкор ўзгалар дардини ўз дардидек ҳис қилиб, замон ва замин нафасини асарида уйғунлаштира олсагина қутилган натижага эришади. Тор, шахсий кечинмалар доирасида яратилган ҳар қандай асар фақат муаллифнинг «шахсий мулки» бўлиб қолаверади. Б.Нурназарованинг «Эсдалик»и бундан мустасно. Гарчи у конкрет шахсга бағишланган бўлса-да, бадиий қонуниятларига тўла амал қилинган. Муаллифнинг шахси, интим кечинмалари поэтик умумлаштирилган, бадиий ҳақиқатга айлантилган. Ўнлаб, юзлаб оналарга хос характер белгилари бир онага – муаллифнинг «онаси»га жамланган. Шу боисдан ҳам асар бир она эмас, умуман, оналар ҳақида.

Оналарга бағишланган кўп шеърий асарлар ўқиганман. Онани мадҳ этмаган, улуғламаган шоир йўқ, турли адабий жанрларда юзлаб асарлар битилган. Бироқ уларнинг ҳаммасини ҳам бадиий кашфиёт даражасига кўтарилган деб айтмайман. Баъзиларида она шунчаки қуруқ, декларатив шаклда, баландпарвоз сўзлар, ҳиссиз мисралар, сохта образлар орқали таърифланади. Улардаги эмоция, поэтик фикрнинг саёзлиги, образли талқиннинг етишмаслиги туфайли ўқувчи қалбига йўл тополмайди. Ижодий ўзига хосликдан маҳрум бундай эгизак шеърлар тезда унутилиб кетади. Б.Нурназарованинг «Эсдалиги» бундай юзакиликдан холи. Қаламга олинган мавзунинг поэтик ифодаси, лирик қаҳрамон руҳий оламининг бадиий тасвири ўқувчида самимий туйғулар уйғотади. Мисралардаги лирик қаҳрамон кечинмаларининг табиий ва таъсирчанлиги, фикрларнинг тиниқ ва изчиллиги, эпик баённинг ҳаётийлиги ўқувчини ўзига ром этади. Ўқувчи ҳам эзулик томонида туриб хаёлан ёмонлик билан олишади, лирик қаҳрамоннинг дардларига шерик бўлиб қолганини баъзан сезмай қолади. Оғир ҳаёт ва меҳнат шароитларида қадди букилган, турмушдан рўшнолик кўрмай оламдан эрта кетган муштипар онанинг қисмати ачинади. Онани, оналарни шундай куйга солган мустабид тузумга

нисбатан ўқувчида норозилик кайфияти уйғонади. Яқин ўтмишда юзлаб, минглаб оналар, хотин-қизлар учун типик бўлган ижтимоий-иқтисодий турмушнинг ачинарли манзаралари асарда реал тасвирланган. Фикрлардаги мантикий изчиллик, онанинг фарзандга, фарзанднинг онага муносабати, меҳр-муҳаббати, бу туйғуларнинг жамиятга ва одамларга муносабати фонида яхши очиб берилган. Асар сюжети драматик ривожланиб боради. Шоир баҳор кунларининг бирида оламдан ўтган онасини хотирлайди. У билан ўтказган яхши-ёмон кунларини ёдга олади, она билан ҳаёлан суҳбатлашади. Ўша турғунлик йилларида оила, она қисматида рўй берган кўнгилсиз воқеаларни бирин-кетин эслайди. *«Аяқты талдырып, табан тоздырып», «ыссыға, сууыққа — бәрине көнип «ақ алтын» терген», «Бармақлары шил-әршен, беллери майысқан»,* ўзининг эмас, ўзгаларнинг дарди билан яшаган фидоий она ва оналарнинг тимсолида шўро сиёсатининг адолатсизлигини кўради. Пахта яккаҳокимлиги яқин ўтмишда инсонларнинг яшаш ва меҳнат қилиш ҳуқуқларини паймол этувчи бир қурол бўлганини, айниқса, бу хотин-қизлар тақдирида салбий ҳолатларни келтириб чиқарганини халқимиз ҳали унутгани йўқ. Асарда бу воқеалар ички бир дард, алам ва куюнчақлик билан тасвирланади:

*Бир сапар келмеді есапышы жигит,
Биз терген пахтаны алып кетиўге.
«Ийниме салыңлар» деди қанарды
Шыдамы жетпеди артық кутиўге.
Өжетлик душпаның болмағанында,
Мезгилсиз қартаймас едиң-аў анам
Еки сөйлемейди енди болғаны,
Бугилип жол алды қырманға таман-
Қолы қырық жапрық-аў өзийз анамның,
Хеш ўақта шадланып кулип журмейди.
Шаң басқан көзлерин көрип аяйман
Мушкилин жеңилтсем атызға барып,
Деген ойлар хеш ўақ тыным бермейди.*

Шўролар замонида куйинса ўз ичидан куйинган, тортаётган азобини бошқаларга билдиришни ор деб тушунган,

шодлик нимаю, қувонч қандайлигини ҳаётида бирор марта ҳам синамаган, кўргани ҳамиша пахта даласи бўлган, *«Пахта атызлары көзин талдырган, Пахта атызлары жанын жандырган»* қанчадан-қанча хотин-қизлар, оналар шундай огир меҳнат машаққатини тортиб яшамади дейсиз? У даврларда фидоий меҳнат қилганларнинг дардига малҳам бўладиганлар, меҳнатини қадрлаб баҳолайдиганлар топилмади.

*Тонналап терсе де алтын пахтаны,
Көйлеклик таўарға зар болған анам.
Зорсаң деген сайын зор боп мақтанып,
Колхозға ат-арба, нар болған анам.*

Асардаги ҳар бир ҳаётий воқеа марказида *«колхозга отарава бўлган»* она образи туради ва у драматик воқеаларни ҳаракатга келтирувчи бадий восита сифатида талқин этилади. Она образининг характер қирралари муаллиф «таржимаи ҳоли» фактлари билан тўлдириб берилади. Шоир кўрган ва кузатган ҳар бир ҳаётий факт, детал давр руҳини, зиддиятли ҳолатларни бадий ёритишга қаратилади. Кексаю ёш «ҳамма пахтакор» бўлган замонда эрта саҳардан барчани пахта даласига ҳайдаш, «вакил келади» баҳонасида одамларни эртадан кечгача эзиб ишлатиш, уй-рўзғор юмушларини ҳам бир чеккага суриб қўйишга мажбурлаш... Яқин ўтмишнинг меҳнат шароити шу эди. Зўравонлар деҳқоннинг бир парча шахсий томорқасини суғоришга имкон бермай, «сувни фақат пахта даласига очасан», деб одамларни хўрлагани, иззат нафсига теккани ҳам айти ҳақиқат. Баъзи нопок кимсаларнинг харом пуллар эвазига қават-қават иморатлар қуриб, қўша-қўша машиналар миниб юрган бир вақтда, оддий деҳқоннинг жуда ночор ҳаёт кечиргани, машина тугул, оддий от-уловга ҳам эга бўла олмаганини инкор этиш мумкинми? Бу аянчли турмуш шароити «Эсдалик»да тўғри ёритилган, бундай иллатларнинг инсонлар, оила, қолаверса, она қисматидаги фожиалари дадиллик билан кўрсатилган. Асарни ўқиб шундай хулосага келасизки, зўравонлик ва адолатсизликка асосланган ҳар қандай жамият, тузум ҳеч қачон оддий инсонни эркин, бахтли қилишга қодир эмас, аксинча, бундай жамият инсон умрининг кушандаси. «Эс-

далик»даги она образида бу нарса жуда яхши бадий ишотланган.

Қийин турмуш шароити, оғир меҳнат онани эрта қарилади, қаддини букади, ҳаётдан эрта қўз юмишига сабабкор бўлади. «*Халқина жапырақтай жайылган ана*»нинг истиқлол кунларига етиб кела олмаганидан шоирнинг қалби ўрта-нади, изтироб чекади. Қуйидаги мунис қаторлар ўқувчини ҳам бефарқ қолдирмайди:

*Көре алмадың мустақиллиқти,
Өттең жете алмадың бугинги кунге,
Барлық аўырманлық ерте майырды
Уш жыл қалған ўақта ғарезсизликке
Бизди анажаным сизден айырды.*

Бироқ лирик қаҳрамон умидсиз эмас. Онанинг ҳаёти фарзандлари, невараларида давом этаётганидан, она кўролмаган истиқлолни улар кўриб, хур ва бахтиёр яшаётганидан хурсанд, кўнгли хотиржам. Ўша оғир кунлар энди асло қайтиб келмаслигига унинг ишончи комил. Шулар ҳақида у онанинг руҳи олдида «ҳисобот» беради:

*Бугин ойлар таза, пикирлер таза,
Өтмишти уйғалай, өткенди сыйлай,
Арабша билгенлер алмайды жаза
Жоқ энди адамды хайўандай қыйнай.
Келешек ҳаққинда кеўлим тоқ энди,
Анам жана келип айтып бермен.*

Асар умидбахш мисралар, муқаддас ғоялар, теран поэтик фикрлар билан хулосаланади. У ўқувчини яқин ўтмишнинг адолатсиз ҳаёт шароитидан аччиқ сабоқ олиб, мустақилликнинг қадрига етиш руҳида тарбиялайди.

Асар камчиликлардан бутунлай холи эмас, албатта. Бадий маҳорат бобида нуқсонлари бор. Тасвирнинг бирмунча ибтидоийлиги ва «яланғоч»лиги, она тақдирга ачиниш туйғуларининг биров қуюқлаштирилгани, давр фожиаларини бадий таҳлил қилишда муаллифнинг оз бўлса-да, эски адабий шакл ва ифодадан чиқиб кета олмагани асар мавзусини очишда оригинал усулни қўллашга ҳалақит

берган. Менимча, бу нуқсонлар поэманинг умумий баҳосини пасайтирмайди. Шўролар жамияти ишлатларини қоралаб, инсон қадрини, умуман, қадриятларни улуғлашнинг ўзи катта гап. «Эсдалик» турғунлик йилларида оғир турмуш ва меҳнат шароитларида яшаган, ҳамма қийинчиликларга чидаб, ҳаёт ва меҳнатда фидойилик ва мардлик намуналарини кўрсатган, лекин истиқлол нашидаларидан баҳраманд бўлолмаган оналар руҳига қўйилган ўзига хос адабий ёдгорликдир.

2003

ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШНИНГ ЯНГИ ДОВОНИ

Ҳозирги давр қорақалпоқ адабиётининг бир тармоғини Қорақалпоғистонда яшаб ўзбек тилида ижод қилаётган шоир ва ёзувчилар ташкил этади. Улар орасида нафақат Қорақалпоғистонда, балки бутун Ўзбекистонда ҳам шеърини ва насрий асарлари билан танилиб, китобхонлар назарига тушганлари ҳам бор. Гулистон Матёкубова ва Гулчеҳра Раҳимова, Янгибой Қўчқоров ва Назира Матёкубова, Аҳмад Оқназаров ва Ҳайитбой Абдисодиқов сингари истеъдодларнинг муҳлислари эндиликда ўзбек китобхонлари орасида ҳам оз эмас. Икки адабиётга баравар хизмат қилиб келаётган бу ижодкорлар орасида Қорақалпоғистон халқ шоири фахрий унвони соҳиблари, Бердақ номидаги Давлат мукофоти совриндорлари борлиги, уларнинг қорақалпоқ адабиёти олдидаги хизматлари, адабий салоҳияти қандай даражада эканлигидан дарак беради.

Назира Матёкубова сафдошлари орасида талант йўналиши, қобилияти, ўзига хос поэтик овозда ижод қилиши, шоирлик маҳорати билан ўзбек ва қорақалпоқ шеърини ихлосмандларига яхши таниш қалам соҳибларидан бири. Ҳозирга қадар шоиранинг Тошкент ва Нукус нашриётларида босилган «Кўзлари шахлогинам», «Қалбим тўла саломдир», «Ким учундир керакман» шеърини китобларида унинг ижодий изланишларининг яхши самараларини кўрган эдик.

Чинакам истеъдод ҳеч қачон эришилган ютуқлари билан қаноатланиб қолмайди, янги-янги ижодий имконият-

ларини ишга солиб, бетўхтов олдинга интилаверади ва кўзлаган манзилига, албатта, етади. Назиранинг яқинда «Янги аср авлоди» нашриётида чоп этилган «Тоғлар ишқи» шеърлар тўплами унинг ижодий изланишларининг янги довони бўлди. Китоб Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиёвнинг «Ҳароратли шеърлар» деган сўзбошиси билан очилади ва у қуйидаги жумлалар билан бошланади: *«Назира Матёқубованинг «Тоғлар ишқи» тўпламини ўқиб, шеърларидаги самимиёт, мисраларидаги жозиба, фикрларнинг тиниқлиги, ўзига хослиги, ҳар бир байтда кўнгилни янгиловчи, юракка қувват берувчи ажиб оҳорли туйғулар борлигидан суюндим. Барча шеърлар қизлар тиккан палакдай ранг-баранг, нақшлари хилма-хил, жилвалари кўзни яшнатадиган, кўнгилда баҳор чечакларини ундирадиган ёмғир нафасли мисралар ўқувчини ўзига мафтун этади».*

Ўзбек шеърятининг таниқли намоёндаларидан бири Ойдин Ҳожиёвнинг бу эътирофига, менимча, бирор қўшимча шарт эмас. Чиндан ҳам, Назира Матёқубованинг шеърятини инсоннинг мураккаб руҳий дунёсини, унинг зиддиятларини, реал ҳаётнинг оддий ҳақиқатларини чинакам поэтик образлар, мушоҳадалар асосида ёритади. Шоиранинг ҳар бир шеъри фалсафий мазмунга йўғрилган. Инсон тақдири билан боғлиқ баъзи жумбоқлар, муаммолар шоирани ўйга толдиради, унинг ечими ҳақида бош қотиради. Ҳаёт жуда мураккаб, унинг жумбоқлари ҳам оз эмас. Уларнинг баъзиларини ечишга инсон қодир бўлса, айримларига ҳатто жавоб топишга ҳам ожиз. Мана шу фалсафий умумлашма қуйидаги тўрт мисрада жуда таъсирли ифодаланган:

*Чекимизга ғамлар тушганми,
Наҳот улар биздан аримас?!
Одам умри гулнинг умридай,
Нечун ғамлар сира қаримас?!*

Ҳаёт фақат эзгуликдан иборат эмас, унинг қийинчиликлари ҳам етарли. Яхшилик билан ёмонлик, содиқлик билан хиёнат, гўзаллик билан хунуклик ўртасида доимо кураш бўлиб келган ва бундан кейин ҳам бўлади. Бу ҳаёт диалектикаси! Ҳар бир ижодкор инсон тақдирига боғлиқ бу маънавий-ахлоқий қоидаларни ё маъқуллайди ёки ин-

кор қилади. Шу нуқтаи назардан, Назира Матёқубованинг шеърларига назар ташлар эканмиз, уларда инсонга ҳамдардлик, ҳамнафаслик туйғуларининг устивор эканлигини ҳис қиламиз. Инсоннинг бахти учун қайғуриш, унинг орзу-армонларининг рўёбга чиқишига далда бўлиш, маънавий қўллаб-қувватлаш иштиёқи оригинал поэтик деталда берилади.

*Вужудингиз чулғаса алам,
Дилингизга ғамлар эшилиб,
Дардингизни шабнамга айтинг,
У йиғлайди сизга қўшилиб.*

*Лек, номардга сир айтманг, зинҳор,
У ғийбатга шайлар ошириб.
Дардингизни дарёга айтинг,
Оқиб кетсин сувга қўшилиб.*

Адабиёт зўрма-зўраки тиқиштирилган келгинди сиёсат ва ҳукмрон мафкурадан қутилиб, ҳақиқий «кўнгил иши»га айланган истиқлол замонида Назира Матёқубова ҳам янги муҳит руҳида ижод қилишга, қалб кечинмаларини эмин-эркин бадиий ифодалашга киришди ва ҳаётга шоирона нигоҳ билан қараб, ажойиб шеърлар ёзди. Шу ўринда муаллифнинг ижодий ютуғи сифатида бир ҳақиқатни таъкидлаб айтиш зарур. «Тоғлар ишқи»да мадҳиябозликка, баландпарвоз гапларга асосланган яланғоч ташвиқот руҳидаги шеърлар йўқ. Шеърлар самимий, фикрлар салмоқли. Шеърларда туйғулар билан фикрлар уйғунлиги таъминланган. Шоира эзгулик, гўзалликка ўта хайрихоҳ, худбинлик, кўролмаслик иллатига нафрат билан қарайди, меҳр-шафқатдан бегона кимсаларга нисбатан мурасасиз.

*Тош зарбидан лолалар
Тўкилиб сойга тушиди.
Бир ғариб топса камол,
Ўн ғаним ўйга тушиди.*

Яна бир мисол.

*На ёлғон, на чинни айтди у ёниб,
Армонга сўз бўлиб қолди ҳар қадам.*

*Сени тирноғига зор қилиб кетди,
Ўзи тирноғингга арзимас одам.*

Муҳаббат мавзусида шеър ёзмаган шоир, менимча, йўқ. Лекин ҳар бир шоир бу нозик туйғуни ўзига хос поэтик шакл ва мазмунда талқин этишга ҳаракат қилади. Баъзиларида йўқотилган севгининг изтироблари, ҳижрони тўғрисида сўз юритилса, айримларида инсоннинг руҳиятини кўтарадиган туйғулар қаламга олинади. Назира Матёкубова бу мавзунинг тамомила ўзгача, ҳеч бир шоирда учрамайдиган чиройли мажозларда талқин этишга интилади. Муҳими, шоира муҳаббат мавзусининг қайси жиҳатига мурожаат қилмасин, майли севгининг ҳижронидан ёки хиёнатидан куйиниб ёзадими ё гоят дилбар ва таъсирли бу туйғудан завқланиб, қалби жўшиб ёзадими, бари бир эҳтиросларнинг табиийлигига эришади. Унинг муҳаббатга муносабати, қарашлари ҳар хил. Агар шоира шеърларидан бирида:

*Бугунги шодликлар чегараланган,
Асли бу кунларнинг ўзи — омонат,
Юрак қанча куйсин, ўртанаверсин,
Буёғи севгимас, хиёнат! —*

деб лирик қаҳрамон кўнглидаги қарама-қаршилиқни ёнмаётган, лекин бир-бирига бутунлай зид тушунчаларни афсус билан ёзса, бошқа бир шеърда муҳаббатнинг қудратини тан олади, унинг ёлқинини ўқувчи қалбига худди нурдек олиб киради ва биринчи муҳаббатни қадрлаш керак дейётгандек бўлади.

*Биринчи севгининг асрорлари кўп,
Шундадир ҳаяжон, шундадир қувонч
Шундадир бахтининг асл илдизи,
Шундадир илк бора порлаган ишонч.*

Шоира инсонни «*Буткул дарвешга айлантирадиган*», «*Ақлу ҳушини эгаллаб*» унинг «*Покиза қалбига илк бор бесўров кўнган*» муҳаббатга эҳтиётроқ муносабатда бўлишни, «*Не азобга қолиб бўлса ҳам ақл билан севмоқ*»ни маслаҳат беради. Муаллифнинг: «*Йигит учун севмоқ — қарз, Қиз учун*

севмоқ — мардлик» ёки: «*Ҳар йигитнинг олдида, Бир қиздай қадринг бўлсин!*» каби мисралардаги фикрлар севиш, севилишдек ноёб тушунчаларнинг қадри, йигит ва қизнинг муҳаббатдаги масъулияти ҳеч бир шоирга ўхшамайдиган шакл ва мазмунда жуда маъноли ва чиройли ифодаланган. Шоиранинг «*Бу ишқки*», «*Мени севинг*», «*Қарз*», «*Тоғ бўлсанг ҳам*», «*Тилак*», «*Мажбурийлик*», «*Муҳаббатни*» сингари шеърларини ўқиган китобхон, севги мавзуси нақадар ранг-баранг, унинг шодлигини ҳам, қайғусини ҳам бир юракка сиғдира олган инсоннинг зиддиятли руҳий дунёси юқори бадиий савияда талқин қилинганига ишонч ҳосил қилади.

«*Тоғлар ишқи*» тўпламида кичик сюжетли икки шеър бор. Бири «*Қиз ва кампир*», иккинчиси «*Садоқат*». Инсон орзу-армон билан яшайди. Майли, у кексами, ёшми, бари бир, ҳаётда нималаргадир эришиш мақсадида ҳаракат қилади. Кампирнинг орзуси қизининг тўйини кўриш. Шу мақсадда тўйга деб кўрпа тика бошлайди. Қизнинг нияти ҳам улуг. Бўлғуси умр йўлдошига деб, дастрўмолчага гул солади. Кўрпа ҳам битади, рўмолча ҳам тайёр. Лекин кампир негадир безовта.

*Тонг оқариб қиз рўмолчасин,
Юзларига суради майин.
Кўрпасини силайди кампир:
«Эй худойим, ўлиб қолмайин.*

Агар эътибор берган бўлсангиз, шеърда реал ҳаётнинг кичик бир лавҳаси, халқимизнинг миллий урф-одатлари, ўзига хос руҳий олами, миллий характери акс этган. Оналаримиз ўғлим ёки қизимга деб орзу-ҳавас билан кўрпалар тиккан, қизлар бўлғуси ёрига атаб дастрўмолчалар тўқишган ёки дўппи тикишган. Халқимизнинг мана шу асрий анъанаси шеърда чинакам миллий руҳда, жуда чиройли ифодаланган. Афсуски, бу миллий анъаналар ҳозирда унутилиб бормоқда. Шундай бир вазиятда шоиранинг бу мавзуда шеър ёзиши ва миллий қадриятларимизни тарғиб қилиши катта тарбиявий аҳамиятга эга.

«*Садоқат*» шеърда эса миллийликнинг бошқа бир қирраси ёритилган. Мавзу «*Қиз ва кампир*» шеърига яқин бўлсада, талқин сал бошқачароқ. Шеър сюжетида танланган воқеа оддий, ҳаётда учраб турадиган эпизод. Лекин муаллиф ҳаёт-

нинг бу оддий ҳақиқатидан инсоннинг инсонга садоқати ҳақида катта фалсафий маъно чиқарган. Бутун умри давомида бир-бирига сўяниб, оиланинг аравасини «битта қўша от» бўлиб тортиб келган чолнинг кампири тўсатдан қазо қилади. Бу мусибат «пахлавон, алпларнинг бири» чолни довдиратиб қўяди. Кун сайин ранги сўлиб, сарғайиб, мунг-райиб қолган чолнинг руҳий изтироблари тасвири шеърда таъсирли чизилган. Шеърда кампирнинг ҳаракатдаги жонли образи йўқ. Бироқ унинг оилада «қўша от»нинг биттаси эканлиги, оиласига, чолига фидоийлиги садоқати ҳақидаги фикрлар чолнинг психологияси орқали берилади. Муаллиф шу усул билан ўқувчини кампир характериға хос хислатлар билан таништиради.

*Қургандилар иморат
Куч борида танида.
Кампир лой отган эди,
Чол пахса қўйганида.
Қўлда юмуш дамо-дам
Бешикка югурарди.
Чол чой ичса толиқиб,
Кампир жун йигирарди.
На ҳаловат билар у
Надир ором билмасди,
Бор ўғлимиз, қизимиз
Дея киприк илмасди.*

Жудолик алами чолни руҳий эзади, қалби ўртанади, бот-бот «*Келинлардан бекиниб, Гоҳо юм-юм йиғлайди*». Садокат ва вафо, бир-бирига меҳр-муҳаббат, айниқса, кексайганда бу тушунчаларнинг қадрига етиш ва уни қўмсаб яшаш каби инсоний туйғуларни муаллиф нозик идрок этган ва уни шоирона нигоҳ билан бадий талқин қилади. Шеър муҳим бир фикр, салмоқли бир ғоя билан хулосаланади.

*Алқисса, шу арава,
Ўртада қайрилмасин,
Ҳеч кимса илк қўшилган
Отидан айрилмасин.*

Н.Матёкубова ҳаётни кузатган, одамлар турмушидан, умуминсоний ғояларни, ҳеч қачон эскирмайдиган ва аҳамиятини йўқотмайдиган миллий мавзунини топа олган ва уни «Садокат» шеърда бадий талқин этган.

«Тоғлар ишқи» тўпламидаги кўп шеърлар маънодорлиги, образли мушоҳаданинг ҳаётӣ ва табиӣлиги билан ўқувчи диққатини тортади. Асосийси, ўқувчини фикрлашга ўргатади.

*Мен ҳам гулман ишонинг
Гул бўлиб бўй етганман.
Афсус бир туп янтоққа,
Алмашиниб кетганман.*

Зеҳни ўткир китобхон «гул» ва «янтоқ» тимсоллари орқали қандай поэтик маъно ифодаланаётганини тушуниб етади. Тўртликнинг ифода шакли жуда оддий, халқона ижод услубини эслатади. Шундай анъанавий адабий шаклга ҳаётӣ маъно сингдирилгани маҳорат белгисидир. Муаллифнинг образли фикрга йўғрилган шеърдан мана, яна бир мисол:

*Сен синиқ шоҳанинг
Жуссасисан.
Қайда болта бўлса,
Чопади сени.
Йўқ, асли сен кўрнинг
Ҳассасисан.
Қайдаки, кўр бўлса,
Топади сени.*

Теран мазмун, поэтик умумлашмаларга бой бундай шеърлар «Тоғлар ишқи»да анча. Китобдаги «Қоп-қора тун», «Тоғлар ишқи», «Тафсилот», «Қалбим тўла саломдир», «Аёл», «Довул», «Кетгим келмайди» ва яна бошқа бир неча шеърларни шоиранинг ижодий ютуқлари тарзида баҳолаган бўлардим.

Энди тўпламдаги шеърларнинг жанр хусусиятлари, ифода шакли ҳақида икки оғиз сўз. Китобда ҳар хил шеърӣ шаклларнинг, адабий жанрларнинг намуналари: тўртликлар, бешликлар, олтиликлар бор. Анъанавий шеърӣ йўлда ёзилган, бармоқ вазнида, халқона усулда битилган шеърлар, ҳатто

аруз вазнини эслатадиган ғазаллар ҳам мавжуд. Айни пайтда, шундай шеърлар ҳам борки, уларнинг шаклий ифодалари анъанавийликка унчалик мос келавермайди. Масалан: «Сиз яхшисиз, демоқ — хато, Сиз зўрсиз. Сизга бундан буюк таъриф, минг турлиги бор». Ёки «Гоҳ кўпол, гоҳ қувноқ тушар қадамларингиз, Чалкаш-чалкаш ҳаёлларинг, Зўр бу кундир» каби мисралар борки, уларнинг маъно-мазмунини тушиниб олиш учун анча бош қотиришга тўғри келади. Биз қаторларни кетма-кет келтирдик. Агар мисралар муайян шеърини шаклга солиб зинапоячаларга ажратиб тузилса, ифодадаги ўзига хослик кўринади. Баъзи шеърларда мана бундай мисралар ҳам учрайди.

Тун қора,
Ғам қора
Бари шу.
Ўзга ранг топмадим
Бўяшга.

Бу эркин шеър, ҳозир модага айланган адабий термин билан айтсак, модерн шеърнинг намунасига ўхшайди. Н. Матёкубова ҳам сўнгги йилларда ўзбек шеърлигига кириб келган бу баъдий шаклда ижодий имкониятини синаб кўрган ва илк тажрибалари сифатида уни ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилган кўринади.

Албатта, мен Назиранинг модерн йўналишидаги бу ижодий изланишларига эътироз билдириш фикрида эмасман. Ҳар бир ижодкор бу масалада ўз дунёқарашига, ижодий принципларига таяниб иш кўради, асар ёзади. Ижодкор қўллаган янгиликнинг адабий жараёнда қай даражада ўрин эгаллашини, қандай самара беришини, истиқболлини келажак кўрсатади. Ҳар бир ижодкор адабий жараёндан нафас олиб, у билан бирга қадам ташлашга, пайдо бўлган ҳар бир адабий янгиликдан хабардор бўлиб, уни ўзлаштириб, ўз ижодида синаб кўришга ҳақли. Асосийси, изланувчанлигини изчил давом эттириши керак. Н. Матёкубова шу йўлда тинимсиз ижодий меҳнат қилиб келаётган талантли шоирлардан бири. «Тоғлар ишқи» шеърини китоби унинг лирикадаги ижодий изланишларининг ютуғи, сўнгги йилларда шеърликта эгаллаган янги довони бўлди.

2008

АРОСАТ МАЙДОНИДА ҚОЛГАНЛАР ҲОЖИАСИ САҲНАДА

Шоир Абулқосим Ўтепбергановни фаол ижодкор сифатида анча йиллардан бери биламан, шеърлиги билан танишман, у ҳақда мақолалар, китобларига тақризлар ёзганман. «Дўзах ичида» романини қизиқиб ўқиганим ва матбуотда фикр айтганим ёдимда. Роман менда илиқ бир таассурот қолдирганини асар воқеалари драмабоп, саҳналаштирилса ёки экранлаштирилса мақсадга мувофиқ бўларди, деган таклифни ўртага ташлаганимни ҳамон эслайман. Бу мулоҳазани айтганимга ўн йилдан ошди, лекин бу таклиф орзулигича қолиб кетди.

Абулқосимнинг Шарқ шеърлиги анъаналари руҳидаги ғазаллари, мухаммаслари ҳақида ҳам ижобий фикрдаман. Шоирнинг Алишер Навоий ғазалларига боғлаган мухаммаслари, назиралари, шоир анъаналарини бугунги қорақалпоқ шеърлигида давом эттиришнинг ўзига хос ижобий самараси, ғазал мулки султонида бўлган ҳурматнинг бир рамзи деб ҳисоблайман. Муаллифнинг «Оллоҳнинг унутма» достони ҳам китобхонларда яхши фикрлар уйғотганини, меҳнимча, жамоатчилик яхши билади.

Шоирнинг бундан ўн йиллар олдин эълон қилинган бу асарларини нега айнан бугун яна эслаш зарурати пайдо бўлди? Гап шундаки, А. Ўтепбергановнинг романи ва достонида кўтарилган маънавий-ахлоқий мавзулар ҳозир ҳам аҳамиятини йўқотмай, долзарб бўлиб турибди. Ҳар икки асарда инсон тақдирида муҳим роль ўйнайдиган, инсонни инсон сифатида улуғлайдиган ёки, аксинча, инсонни инсонийлик хислатларидан маҳрум қилиб, разолат ботқоғига тортиб, балчиққа қориштирадиган, мажруҳ бир кимсага айлантирадиган шундай ҳаётини воқеалар тасвирланганки, улар ҳозирги ўқувчига ҳам ибрат. Диёнат ва имон, инсоф ва қаноат, эзгулик ва раҳм-шафқат, ҳаромдан ҳазар қилиш. Булар муаллиф асарларида эътиқод қўйиб ҳимоя қилинган, алоҳида меҳр билан ёритган мавзулар, ғоялар. Нопоклик, очкўзлик, ҳасад, манманлик, дунёпарастлик, тўқликка шўхлик. Шоирни безовта қилган, қалбини ўртаган, одамгарчиликка ёт иллатлар булар. Муаллиф эзгуликни меҳр билан қанчалик улуғласа, иллатларни шунчалик ғазаб би-

лан қоралайди, фош этади. Абулқосимнинг асарларида мана шу икки ахлоқий тушунчадаги кишилар ўртасидаги мурасасиз кураш кўрсатилади. Ёзувчи бу конфликт фонида ҳаётнинг реал манзарасини яратди. Шўро сиёсати давридаги турли кўринишдаги ноҳақликларни, ҳаётдаги баъзи бир маънавий бузуқликларни, айрим шахсларнинг кирдикорларини адабиётда рўйирост очиб ташлаш ҳали анъана тусига кирмаган бир шароитда, бундай «қалтис» мавзуларга қўл уришга қўп ижодкорлар журъат эта олмаган пайтларда Абулқосимнинг бу муаммоларни дадил кўтариб чиқиши, ҳеч иккиланмасдан айта оламанки, ўзига хос мардлик эди.

Назаримда, ёзувчи ҳаётнинг бу долзарб муаммоларини фақат роман ва достонлари саҳифаларида қолишини истаман. Уларни саҳнада жонлантириб кўрсатиш керак деган ҳулосага келган ва бу истак уни драма жанрига етаклайди. «Аросат майдони» номли уч пардали драма ушбу мавзунинг бадиий талқини тарзида пайдо бўлган асар. Пьеса Сапар Хўжаниёзов номидаги Ёш томошабинлар театрида қўйилди. Асарни театр режиссёри Ирза Айбатов саҳналаштирди. Асосий ролларни театрнинг етакчи актёрлари ижро этишди. Ҳаётда учраб турадиган бир қайғули воқеа асарга материал қилиб танланган. Драмада турмушда адашганлар қисмати, улар бошига тушган қулфатлар кўрсатилади. Саҳна бозор кўриниши билан очилади. Бозорда ҳар ким ўз ташвиши билан банд. Биров у томонга, кимдир бу томонга ошиқади. Баъзи бировлар «ҳай-ҳайлаб» юк ташигич арава-сида одамларни оралаб у ёқ, бу ёққа ўтади, унга-бунга урилиб, баъзан дакки ҳам ейди: кимга арава, юк ташийман, қани марҳамат! деб баланд овозда чақириб ҳам қўяди. Юк топилмай қолган пайтларда аравакаш болалар бир жойга тўпланишиб, у ёқ бу ёқдан гурунглашиб ўтиришади, ҳар хил мавзуларда ўзаро ҳазил қиладилар. Ҳар бир аравакаш боланинг ўз «дарди» бор, у шундан сўзлагиси келади. Бири тирикчилик учун юрганини айтса, иккинчиси, кийим-бош олишга пул йиғиш ниятида аравакашлик қилаётганидан сўз очади, учинчиси, шунга ўхшаган яна бир ҳаётий зарурат уни бозорга олиб келганини ҳасрат билан гапирди. Мурод (актёр Б. Мустафоев) деган бола эса бошқа бир эҳтиёж туфайли бозорга чиқишга мажбур бўлган. Унинг онаси бетоб. Уйда Муроддан бошқа онага қарайдиган одам йўқ.

Дорига пул топишнинг иложи бўлмагач, у бозорда аравакашлик қиляпти. Онаси ҳар куни унинг бозордан қайтишини интизорлик билан кутади.

Бозорда аравакашлик қиляётган болаларнинг аксарияти мактаб ёшидаги ўсмирлар. Асарда бу ҳаёт кўринишига алоҳида урғу қилинаётганида асос, ҳақиқат бор. Жамиятда ҳаётнинг бу муаммосига (мактаб ёшидаги болаларнинг бозорга чиқиши ёки чиқмаслиги билан боғлиқ баҳсли масалалар назарда тутилаяпти) турли қарашлар мавжуд бўлиб турган бир шароитда бу мавзунинг саҳнага олиб чиқилгани ва муайян ғоянинг илгари сурилиши мақсадга мувофиқ бўлган деб ҳисоблайман.

Маълум даражада осойишталик билан бошланган бу кўриниш аста-секин жиддийлашади. Драманинг кейинги пардаларида фожиавий ҳолатларни келтириб чиқарадиган воқеаларга асосий эътибор қаратилади. Томошабин саҳнадаги ҳаракатларнинг давомини қизиқиб кузатади. Муроднинг аравасига бойвачча бир аёл бозордан харид қилган нарсаларини юклайди ва уйга элтасан деб тайинлайди, манзилини беради. Мурод аравасига харидор топилганидан хурсанд бўлиб, аёлнинг уйи томон йўлга тушади. Юкларни айтилган манзилга олиб келиб туширади. Энди орқамга қайтаман деб турганида, ҳамтовоклари билан ичкарида маишат қилиб ўтирган ўша юк эгасининг арзанда боласи Муроднинг йўлини тўсади: бизлар билан қоласан, маишат қилмиз, ароқ ичасан деб туриб олади. Бола ҳар қанча ялинмасин уни қўйиб юборишмайди. Маст ҳолдаги икки йигит билан икки қиз уни ўртага олиб мазахлайдилар, ҳақорат қиладилар. Шарму ҳаёни йиғиштириб қўйган, андишасиз маст қизлар Муроднинг иззат-нафсини ерга уриб хўрлайди. Мурод онасининг бетоблигини, унинг келишини интизорлик билан кутиб ётганини, дори сотиб олиш учун пул ишлаш мақсадида юрганини ҳар қанча куйиниб тушунтиришга уринмасин, фойдаси бўлмайди, улар Муродни эшитишни ҳам истамайдилар. Уй хўжайини боласининг ҳатти-ҳаракатлари ҳаммасидан ошиб тушади. Ўлдираман сени, деб Муродга пичоқ ўқталади. Қўрқитиб ароқ ичишга мажбурлайди, оғзига зўрлаб қуяди. Бу қабиҳ ҳаракатдан кейин ҳам болани қўйиб юборишмайди. Унинг устидан кулиб, масхаралашни давом эттирадилар. Шу пайт бозорда Мурод-

нинг аравасига юк ортиб юборган аёл келиб қолади ва даҳшатли бир манзаранинг устидан чиқади. Эри билан ҳар қанча дод-вой солмасин, гишт қолипдан кўчган эди. Тўқликка шўхлик қилиб, маънавий тубанликка юз бурган ноқобил ўғилни энди кутқаришнинг ҳеч ҳам иложи йўқ эди. Аросат майдонида аянчли фожиа рўй беради. Драманинг сюжети шу эпизод билан якун топади.

Аросат майдони! Ҳа, бу жуда хавфли майдон. Унга билиб-билмай қадам босганларнинг тақдири бирор кўнгилсиз воқеа билан тугашига шубҳа қилмайсиз. Шундай экан, ундан огоҳ бўлмоқ, фарзандларни назорат қилиб туриш ҳар бир ота-онанинг бурчидир, деган фикр ҳам ҳаёлингиздан ўтади. Шу билан бирга, пьесани томоша қилар экансиз, шундай ноқобил фарзанд ўстирган баъзи ота-оналарнинг ҳаракатларига нисбатан қалбингизда норозиликни ҳам ҳис қиласиз. Фарзандларнинг шундай хавфли йўлларга кириб кетишларига сабабкор бўлган ҳолатларнинг ижтимоий илдизларини ўйлаб кетасиз. Бундай воқеаларда кимлар айбдор эканлиги ҳақида муайян хулосаларга ҳам келасиз.

Ҳар қандай бадий асар воқеалари, конкрет ҳаёт шароити билан таққосланади. Шундай воқеалар турмушда учрайдими? Агар бор бўлса, бу ҳақиқат асарда қай даражада ўзифодасини топган? Ёзувчининг ишонтириш санъати бақувватми? Бу масалада «Аросат майдони» пьесаси ва унинг сахнавий талқинига жиддий эътироз билдириб бўлмайди. Асарда ҳозирги ҳаётнинг оғриқли нуқталаридан бири қаламга олинган ва тўғри кўрсатилган. Сир эмас, ёшлар тарбиясидаги ахлоқий муаммолар ҳали тўла-тўқис ечимини топган эмас. Баъзи ёшларнинг, жумладан, қизларнинг ичкиликка берилиб, турли-туман тубанликларга қўл ураётгани, ҳатто жиноят кўчаларига кириб бораётгани бутунги куннинг аччиқ ҳақиқати эмасми? Баъзи ёш қизларнинг маънавий жиҳатдан бузилиб бораётгани, аёллик шаънига тўғри келмайдиган ҳаракатлар қилаётганини афсусланиш билан тан олишга мажбурмиз. Бундай ноқобил фарзандларнинг жамиятда ўзларини тутишларига баъзи ота-оналарнинг бепарволигини асло кечириб бўлмайди. Беш кунлик дунёда ўғлим ёки қизим бойлигим, мансаб-обрўим орқасида ўйнаб-кулсин, даврини суриб қолсин деб хотамтойлик қиладиган ота-оналар йўқ дейсизми?! Бор, албатта! Уларнинг бу сахийлиги

баъзан қандай оқибатларга олиб келишини, ҳатто фожиа билан тугашини бугун бўлмаса, эртага, албатта, тушуниб етади, лекин кеч бўлади. «Аросат майдони» ота-оналарни, жамоатчиликни мана шундай кўнгилсиз воқеалардан огоҳлантиради. Шу хилдаги ҳаётий муаммоларни кўтариб чиққани учун ҳам бу пьеса бугуннинг асари. Ёшлар тарбиясида амалий аҳамиятга молик яхши драма. У ҳар бир томошабинга ибрат, сабоқ бўла олади ва ундан ҳар ким ўзига тегишли хулоса чиқариб олиши керак.

Мен профессионал театр танқидчиси эмасман. Пьесага, авваламбор бир томошабин нуқтаи назари билан ёндашишга ҳаракат қилдим ва шу йўналишда фикр юритдим. Асарнинг режиссураси, актёрларнинг ижро маҳорати, техникаси, драмага танланган декорациялар, костюмлар, умуман, сахна санъати билан боғлиқ масалалар тўғрисида театр мутахассиси даражасида баҳо бера олмаслигим табиий. Бу масъулиятни зиммамга олмаганимнинг сабаби ҳам шунда. Драманинг сахна талқинига театршунослар келажакда мурожаат этишади ва мен айтолмаган фикрларни улар айтадилар, деган ниятдаман.

Мухтасар қилиб айтсам, «Аросат майдони» драмасынинг томошабинлари жуда кўп бўлишини хоҳлардим. Пьесани, хусусан, ота-оналар, ёш йигит-қизлар келиб кўришларини истайман. Сабаб асар айнан ўшаларга мўлжаллаб ёзилган, сахналаштирилган. Агар у Қорақалпоғистон телевидениеси орқали намойиш этилса, аминманки, аросат майдонларида адашиб юрганларнинг сони ҳам кундан кунга камайиб, кўнгилсиз воқеаларнинг олди олинган бўларди.

2004

БИР ИЖОДИЙ УЧРАШУВ ТАРИХИ

1964 йил. Агар янглишмасам, куз ёки қиш ойлари эди. Бизлар Тошкент давлат (ҳозирги Ўзбекистон Миллий) университетининг талабаларимиз. Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романининг биринчи китоби эндигина ўқувчилар қўлига теккан пайтлар. Биз филолог талабаларни «Уфқ» жуда қизиқтириб қўйди. Дарс жараёнида, танаффус пайтларида ҳам

домлаларимиздан «Уфқ» романи юзасидан фикрларини билиш мақсадида қатор саволлар ёғдириб мунозара қилардик. Хусусан, романдаги қочқин Турсунбой образи, унинг қисмати билан боғлиқ баъзи воқеалар талқини, Икромжоннинг чакалакзорда ўғлини отиши каби ҳолатлар тасвири ҳар кимда ҳар хил фикрлар уйғотганди.

Ҳарҳолда, «Уфқ» ўша давр романчилигида кўпчилик томонидан ўзига хос адабий янгилик сифатида қабул қилинган бўлса-да, факультетимизда роман атрофидаги баҳс-мунозаралар тўхтамади, қарама-қарши фикрлар билдириш давом этаверди. Домлаларимизнинг, талабаларнинг роман ҳақидаги қарашларида умумийлик йўқ ҳисоби эди. Хуллас, шу хилдаги тортишувлар сабаб бўлдимиз ёки бошқа бирор тadbир баҳонамиди, ҳозир аниқ эсимда йўқ, факультетимизда ташкил этилган адабиёт тўғрисида (агар адашмасам тўғрақ раҳбари Маҳмуд Саъдий эди) ташаббуси билан «Уфқ» муаллифи Саид Аҳмад билан учрашув ташкил қилинадиган бўлди.

Учрашув куни белгиланди. Тадбир факультетимизнинг (ҳозирги Ўзбек Миллий драма театрининг чап томонидаги тўрт қаватли бинонинг иккинчи қавати) катта мажлислар залида ўтказилиши режалаштирилди. Барчамиз учрашувни зўр қизиқиш билан кута бошладик. Белгиланган кун ҳам етиб келди. Зал домлалар ва талабалар билан лиқ тўлган. Ўтириш учун залда бирор бўш жой кўринмайди. Бир маҳал залга Саид Аҳмад ва унинг умр йўлдоши, шоира ва ёзувчи Саида Зуннунова ҳамда улар билан бирга Абдулла Қаҳҳор ҳам кириб келди. Ҳаммамиз ўрнимиздан туриб, уларни давомли қарсақлар билан олқишладик. Айниқса, Абдулла Қаҳҳорнинг учрашувга келишини, менимча, ҳеч ким кутмаганди, бу ташриф биз учун кутилмаган «совға» бўлди. Ва биз талабалар Абдулла Қаҳҳорни жуда яқиндан кўрганимиздан, жонли овозини эшитганимиздан ниҳоятда бахтиёр эдик. Бу олтинга тенг дақиқалар худди кечагидек менинг ёдимда ва у хотирамга шундай муҳрланиб қолганки, орадан салкам қирқ беш йил ўтган бўлса-да, мен ҳозир ҳам бу унутилмас лаҳзаларни ҳаяжон билан эслайман. Шундай атоқли ёзувчи билан бўлган тарихий учрашувнинг тафсилотларини талабаларимга ҳам гапириб бериб тураман.

Учрашув президиумидан меҳмонлар билан бирга домлаларимиз: Фулом Каримов, Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Лазиз Қажумов, Саида Нарзуллаева ва бошқа устозлар ҳам жой эгаллашди. Учрашувни факультетимиз декани очди ва меҳмонлар билан таништирди, йиғилишнинг кун тартибини эълон қилди. «Уфқ» романи бўйича ким биринчи сўзга чиққани ҳозир аниқ эсимда йўқ. Лекин Саид Аҳмадга роман бўйича бир неча саволлар берилгани, ёзувчининг уларга атрофлича жавоб қайтаргани ёдимда. Жумладан, бир курсдошимизнинг «Уфқ» муаллифига берган бир қалтис саволи ва мунозарага чиқиб айтган танқидий фикрлари хотирамга муҳрланиб қолган. У романга нисбатан таҳминан шундай эътироз билдирганди: «Уфқ» романидаги Турсунбой образи ўзбек адабиёти учун унчалик янгилик эмас. Бундай характердаги образ сал олдинроқ қирғиз адабиётида, Ч. Айтматовнинг «Юзма-юз» қиссасида яратилган эди. Турсунбой «Юзма-юз»даги Исмоил образини такрорлаган холос. Нотиқ ҳар икки асар сюжетидан яна баъзи мисоллар келтириб, «Уфқ»нинг оригиналлигига шубҳа билдирди. Тўғриси, ҳеч ким ундан бу хилдаги кескин танқидий фикрни кутмаган эди. Лекин унинг мулоҳазаларини бутунлай инкор қилиб ҳам бўлмасди. Сабаб бу икки асар негиз сюжети жиҳатидан анча ўхшаш эди. Исмоилнинг ҳам, Турсунбойнинг ҳам аскарликдан қочиб, бирининг ўрмондаги горнинг ичида, иккинчисининг чакалакзорда яшириниб юриши, уларни омон сақлайман деб не-не машаққатларга гирифтор бўлган, руҳий эзилган Саида (Исмоилнинг хотини) ва Жаннат хола (Турсунбойнинг онаси. У ноқобил фарзандининг қилмишларига бардош беролмай ўлиб кетди)нинг тақдир йўллари бир-бирига жуда ўхшайди. Турсунбой ва Исмоилнинг қисмати билан боғлиқ тугуннинг ечими (бирининг қамишзорда, иккинчисининг ўрмонда қўлга олиниши, отишмалар) деярли бири иккинчисидан катта фарқ қилмайди. «Уфқ» ва «Юзма-юз»да бошқа шаклий ўхшашликлар ҳам бор.

Умуман, курсдошимизнинг «Уфқ» романига нисбатан айтган танқидий мулоҳазалари ҳар қанча тўғри бўлмасин, бари бир у меҳмонларга салбий таъсир кўрсатганини кайфиятидан сезиш қийин эмасди. Саид Аҳмад саволларга жавоб бераркан, бир ўринда «Юзма-юз»асари билан таниш

эмаслигини қистириб ўтди. Лекин бу жавоб ҳам кўпчиликни қониқтирмади. Мунозара давом этаверди. Энди бу танқидга Абдулла Қаҳҳорнинг муносабати қандай эканлиги кўпчиликни қизиқтирарди. Сўз Абдулла Қаҳҳорга берилди. У минбарга чиқди. Зал сув сепгандек жимжит. Пашша учса овози эшитилади. Ёзувчи вазмин, майин овоз билан гап бошлади. Абдулла Қаҳҳорнинг ўша учрашувдаги ҳамма сўзларини оқизмай-томизмай, нуқта-вергулигача айнан келтираман, деб айтолмайман. Бироқ адибнинг мана бу гаплари аниқ эсимда бор: Саид Аҳмад бундан салкам йигирма йил олдин кўлига адабиёт танбурини олиб, машқ чалишга ҳаракат қилганди, лекин танбурнинг қулогини тўғри бураб, пардасини ўрни-ўрнида боса олмагани учун ўшанда яхши куй чала олмаган эди. Мана энди орадан йигирма йил ўтгандан кейин у яна адабиёт танбурини кўлига олибди, куй чалишга кўли анча келишиб қолибди. «Уфқ» Саид Аҳмаднинг адабиёт куйини чалишдаги яхшигина машқидир.

Абдулла Қаҳҳор «Уфқ»нинг яна битта-иккита фазилатлари ҳақида гапирди-да, минбардан тушиб, ўз жойига бориб ўтирди. Роман тўғрисида айтилган танқидий фикрларга адиб негадир муносабат билдирмади, у ҳақда умуман сўз очмади. Абдулла Қаҳҳорнинг ўша учрашувдаги нутқининг вафотидан кейин нашр қилинган «Ёшлар билан суҳбат» (1968) номли китобга «Илҳом ва маҳорат самараси» (18-20 бетлар) сарлавҳаси остида ихчам бир мақола шаклида киритилиб, ўқувчиларга ҳавола қилинди. Мақоланинг охирида «1965 йил» деган рақам ҳам битилган. Мақолада ҳам Абдулла Қаҳҳор «Уфқ»ни фақат мақтаган. Учрашувдаги танқидий фикрларга бу ерда ҳам муносабат билдирилмаган. Шунга қараганда, роман Абдулла Қаҳҳорга жуда ёққан, унга нисбатан айтилган камчиликларни тан олгиси келмаган кўринади. Зеро, «Илҳом ва маҳорат самараси» мақоласининг муқаддимасини куйидаги жумлалар билан бошлаши бежиз эмасди: «Яхши ёзувчиларимиздан Саид Аҳмаднинг «Уфқ» китоби тенгқурлари орасида ярқираб турибди. Бу китобни китобхон бошдан-оёқ шавқ билан, ҳеч қаерда туртинмасдан, диққати сусаймасдан, ишгаҳаси бўғилмасдан ўқиб чиқади». (18-бет)

Ҳақиқатан ҳам, «Уфқ» нафақат Саид Аҳмад ижодида, балки ўша давр ўзбек романчилигида катта ютуқ, маҳорат

билан ёзилган асар сифатида китобхонлар томонидан тан олинди. Роман қўлма-қўл бўлиб кетди, ҳамма қизиқиб ўқиди. Абдулла Қаҳҳор «Уфқ» романи муҳокамасидан олдиноқ университетнинг филолог талабалари, домлалари ўртасида бўлаётган баҳс-мунозаралардан, романга нисбатан жиддий танқидий фикр билдирувчилар борлигидан хабардор эканлиги, учрашувга шунчаки келмаганлиги кейинчалик маълум бўлди. Саид Аҳмад ўзининг «Устоз чироғи» (Абдулла Қаҳҳор замондошлари хотирасида, Тошкент, 1987., 91-бет) номли эссе-мақоласида қайд этишича, Абдулла Қаҳҳор бир йиғилишда Саид Аҳмад билан учрашиб қолганида унга шундай деган экан: «— ТошГУнинг филология факультетида романингизни муҳокама қилишмоқчи. Бир-икки қитмир олимчалар романни йўққа чиқазишмоқчи, хушёр бўлинг. Бунга йўл қўймаслик керак. Хафа бўлманг. Муҳокамага мен ҳам бораман. Қани, улар билан бир беллашиб кўрайлик!». Саид Аҳмад мақолада вазиятнинг давомини шундай шарҳлайди: «Муҳокама мажлисига табиатим тирриқ бўлиб бордим. Уч-тўрт кишининг романни бадном қилиш учун жиддий тайёргарлик кўргани билиниб турарди. Зал тўла одам. Студентлар ҳам, ўқитувчилар ҳам кўп. Йиғилган студентлар Абдулла акани асарлари орқали билишарди. Кўпчилиги ўзини кўрмаган, овозини эшитмаган эди. Студентлар шовқин кўтариб, муҳокамани Абдулла Қаҳҳор бошлаб берсин, деган таклифни айтишди. Факультет декани Абдулла Қаҳҳорга сўз беришга мажбур бўлди. Абдулла Қаҳҳор ўзига хос қисқа-қисқа жумлаларда аниқ ва таъсирли қилиб романнинг фазилатларини гапирди. Роман бутунги ўзбек адабиётида ижобий бир воқеа деб баҳолади. У ўз фикрини романдан мисоллар олиб исботлаб берди. Китобни бадном қилишга уринганлар қиличи синиб, қалқони тешилган сарбоздек бўшашиб қолишди. Сўзга чиқишга журъат қилолмай рўйхатдан ўз номларини ўчириб қўйишни сўради. Аммо Озод Шарафиддинов романга бир-икки кесак отиб қолди.» (92-бет)

Устоз ёзувчимиз Саид Аҳмаднинг бу сўзларини келтириш билан мен ҳакамлик қилиш, бу масалада ким ҳақ, ким ноҳақлигини ажратиб бериш фикридан холиман. Бу ҳақда ҳозир баҳслашишнинг ўрни ҳам эмас. «Уфқ» романининг кейинги шон-шухрати қандай бўлганлиги жамоатчиликка,

муҳлисларга маълум. Бироз вақт ўтгач, «Уфқ»нинг Давлат мукофоти билан тақдирлангани фактининг ўзиёқ, романининг қандай бадиий салоҳиятга эга, севиб ўқиладиган зўр асарлардан бири эканлигини кўрсатади.

Абдулла Қаҳҳор шундай жонкуяр ижодкор бўлганки, бирор ёш ёзувчи ёки шоирда истеъдод учқунларини кўрса, уни қаноти остига олган, зарур бўлиб қолган пайтларда уларни асоссиз таъзийқлардан қаттиқ туриб ҳимоя қилган. Ўтган асрнинг 60-йилларида ўзларининг илк асарлари билан энди энди адабиётга кириб кела бошлаган Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шукр Холмиров, Ўткир Ҳошимов каби ёш ижодкорларга Абдулла Қаҳҳорнинг ғамхўрлигини, матбуотда босилган илк асарларини ўқиб билдирган фикрларини, уларга ёзган мактубларини бир кўз олдингизга келтиринг! Абдулла Қаҳҳор бу ёзувчи ва шоирларнинг келажакда ўзбек адабиётининг шон-шухратини оширадиган истеъдодли сўз усталари бўлиб етишишларига ўша вақтдаёқ ишонган ва уларнинг талантини тарбиялашга ҳаракат қилган. Яна бир фикр. Абдулла Қаҳҳор ноёб истеъдод соҳибларига қанчалик жонкуярлик билан ғамхўрлик кўрсатган бўлса, талантсиз, қалами заиф шоир ва ёзувчиларга нисбатан шунчалик муросасиз бўлган. Қандай катта лавозим ва юксак унвонларга эга бўлмасин, уларни аяб ўтирмаган, камчиликларини, ижод бобида қобилияти йўқлигини бетига дангал айтишдан қўрқмаган. Шунинг учун бўлса керак, жамоатчилик, зиёлилар, ижодкорлар орасида Абдулла Қаҳҳорга нисбатан «У ўзбек адабиётининг виждони эди» деган ҳақли ибора юради. Гарчи биз талабалар ўша пайтда «Уфқ» романи муҳокамасига бағишланган мажлисга Абдулла Қаҳҳорнинг Саид Аҳмад билан бирга келишининг туб сабабини, шунчаки, учрашувга меҳмон сифатида қатнашайпти деб ўйлаган бўлсак-да, аслида романчиликда илк қадам ташлаб, катта ютуққа эришган, келажакка улкан умид уйғотган асар муаллифи, шогирди Саид Аҳмадни танқиддан ҳимоя қилиш учун келган экан. Буни биз Саид Аҳмаднинг «Устоз чироғи» эссе-си билан танишгандан сўнггина билдик. Ва Абдулла Қаҳҳорнинг адабиёт, айниқса, ёш талантларнинг чинакам жонкуяри бўлганлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

Шундай қилиб, «Уфқ» романи муҳокамаси жуда қизгин ўтди, ҳар биримизнинг қалбимизда унутилмас таассурот

қолдирди. Бир гуруҳ талабалар, шулар қаторида камина ҳам, тарқала бошладик. Баъзиларимиз Ҳадрадаги трамвай бекатига, кўпчилигимиз автобус бекатига шошилардик. Ётоқхонамиз талабалар шаҳарчасида. Манзил анча узоқ. 38 рақамли бир эшикли автобус қатнайди. У ҳам ҳа деганда келавермайди. Ҳатто соатлаб кутадиган пайтларимиз ҳам бўларди. Баъзан автобусга сизмай қолиб, бир неча чақирим яёв кетган кунларимиз ҳам бўлиб турарди. Шу ташвиш сабаб бўлдимиз ёки бошқа бирор вазият тақозо этдими, ҳозир аниқ эслолмадим, учрашув тугаши биланоқ ётоқхонада турадиган бир гуруҳ курсдошларим билан залдан чиқиб, автобус бекатига югурганимиз ёдимда бор. Биздан кейин курсдошларимиз, домлаларимиз Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад ва Саид Зуннуновалар билан бирга эсдалик учун расмга тушибди. Бу расм кейинчалик Абдулла Қаҳҳорнинг «Ёшлар билан суҳбат» китобининг 45 саҳифасида босилибди. Расмнинг пастига «Абдулла Қаҳҳор Тошкент давлат университети филология факультетининг студентлари ва ўқитувчилари орасида» деган ёзув ҳам бор. Китобни ҳар гал қўлга олганимда унинг ўша унутилмас лаҳзалар муҳрланган саҳифасини катта соғинч ва зўр ҳаяжон билан очаман. Қалбим тўлқинланиб кетади. Ва ҳаёлимда: нега мен ўшанда шошилиб кетиб қолдим, буюк ёзувчи ва қадрли домлаларим билан расмга тушмадим экан, деган афсусланиш туйғулари мени безовта қилаверади. Ўшанда бундай дақиқаларнинг қадрига етмаганимдан пушаймон бўлиб юраман. Баъзан талабаларимга мана шу учрашувнинг тафсилотларини, расмнинг тарихини гапириб бераман. Имкон қадар бундай тарихий, аҳамиятли учрашувларнинг қадрига етиш лозимлигини, ушбу учрашув ва расмга муҳрланган буюк ёзувчи Абдулла Қаҳҳор, домлаларим, курсдошларим сиймолари мисолида бот-бот эслатаман.

Абдулла Қаҳҳорнинг «Ёшлар билан суҳбат» китоби доимо ёзув столим устида, мен уни тез-тез варақлаб тураман. Айниқса, қадрдон курсдошларимни соғинганимда, азиз домлаларимни қўмсаган чоғларимда, китобнинг 45 саҳифасини очиб, ўша расмни қайта-қайта кўраман. Талабалик йилларим, ўша тарихий учрашув иштирокчиларининг сиймолари бирин-кетин кўз олдимда гавдаланади. Баҳс-мунозаралар қайта жонлангандек, курсдошларим, устозларимнинг овоз-

лари қулоғим остида жаранглаб эшитилаётгандек бўлади. Озгина бўлса-да, талабалик давримга қайтгандек, шўҳ ва қувноқ курсдошларим билан суҳбатлашаётгандек, домлаларим билан мулоқот қилаётгандек сезаман ўзимни.

Ўзбек адабиётининг фахри Абдулла Қаҳҳорнинг 100 йиллик юбилеи нишонланаётган шу кунларда бу тарихий учрашувни хотирлашдан мақсад, улугъёзучининг ёш талантларга ғамхўрлигини ёд этиш, ҳам ижодий, ҳам амалий фаолияти билан XX аср ўзбек адабиёти тарихида ўчмас из қолдирган, адабиётнинг виждонига айланган буюк сўз санъаткорининг ноёб фазилатларини замондошларимизга ўрнак қилиб кўрсатишдир. Ҳар бир ижодкор ўз адабиётининг келажаги учун Абдулла Қаҳҳордек қайғуриб, жонкуярлик қилса, бадиий маҳорат бобида ўзи беназир бўлса, билингки, у адабиёт мухлислари қалбида барҳаёт, авлодлардан авлодларга ўтиб, ҳақиқатгўй ёзувчи тимсолига айланади. Абдулла Қаҳҳор шахсияти, ижоди бунга ёрқин мисол!

2007

МОДЕРН ШЕЪРИЯТ ВА АДАБИЁТНИНГ ОММАВИЙЛИГИ

Сўнгги йилларда ўзбек адабиётида “модерн”, “модернизм” атамалари шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос-танқидчилар томонидан тез-тез тилга олинмоқда. Республикаларнинг газета-журналларида, илмий-адабий давраларда ўзбек модерн шеърияти атрофида баҳс-мунозаралар анча кенгайди. Баҳс иштирокчилари орасида атоқли шоир-ёзувчилар, етакчи адабиётшунос-танқидчилар ҳам бор. Хусусан, У. Норматов, Б. Саримсоқов, И. Ҳаққул, Н. Раҳимжонов, Қ. Йўлдошев, Б. Рўзимухаммад, Э. Очилов, М. Йўлдошевларнинг ўзбек модерн шеърияти ҳақидаги тадқиқотлари, газета-журналларда эълон қилган суҳбат-мақолалари, улардаги турли нуқтаи назарлар, баҳс-мунозаралар кўпчилиكنинг диққатини тортди. Гарчи бу йўналишдаги қарама-қарши фикрлар якунланиб муайян хулосаларга келинмаган бўлса-да, мунозаралар сабаб мустақиллик даври ўзбек шеърияти тараққиётининг янги ижодий изланишлар йўлидан бораёт-

гани намоён бўлмоқдаки, бу жараёнга ижобий ҳодиса деб қаралмоғи керак.

Модерн шеъриятни қўллаб-қувватловчи шоирлар, адабиётшунос-танқидчилар етарли бўлганидек, уни инкор қилувчилар ҳам оз эмас. Бу масалада кимнинг фикри тўғри, кимники нотўғрилигини айнан ҳозир ажратиб бериш мақсадимиз йўқ. Ўзбек модерн шеъриятининг келажаги қандай бўлишини вақт кўрсатади. Вазифамиз, бадиий адабиётнинг, жумладан, шеъриятнинг ижтимоий-эстетик функцияси нуқтаи назаридан баъзи модерн шеърларга бир назар ташлашдан, ўқувчиларнинг эҳтиёжига, маънавий-руҳий тарбиясига таъсири ҳақида қисман мулоҳаза юритишдан, аниқроғи, модерн шеърият ва адабиётнинг оммавийлиги масалалари хусусида шахсий фикрларимизни баён этишдан иборатдир.

Модерн усулида ижод қилаётган ҳамма шоирларнинг шеърларини ўқиганман, деб айтолмайман. Бироқ баъзан қизиқиш, баъзан зарурат туғилган пайтларда модерн шеърларни мутолаа қилганим, шу мавзуга доир айрим мақолалар, баҳс-мунозаралар билан танишганим аниқ. Ушбу мақоланинг ёзилишига ҳам аслида “Тафаккур” журналида босилган “Ижод бошқа, таъма бошқа”¹ номли суҳбат-мақола туртки бўлди. Мақола С. Ёқубовнинг таниқли шоир ва таржимон Фахриддин Низом билан мулоқотидан иборат. Унда модерн шеърият, адабиётнинг оммавийлиги, жамият ва ижодкор шахсияти, масъулияти, умуман, ўқувчини баҳсга чорлайдиган бошқа бир неча мавзулар кўтарилганки, шуларга шахсий муносабатимизни билдириш мақсадида ушбу мақола юзага келди.

Ҳозирги давр ўзбек шеъриятида модерн йўналишида бирмунча фаол қалам тебратаётган ижодкорлар сафида А. Қутбиддин, Б. Рўзимухаммад, Фахриёр, С. Ашур, Г. Бегим, В. Файзулло, Ф. Афруз, И. Отамурод, А. Саид, Д. Ражаб ва яна бошқа-бошқа шоирлар бор. Баҳс-мунозаралар, асосан, мана шу шоирларнинг модерн шеърлари атрофида бўлаяпти. Бу шоирларнинг анъанавий шаклда истеъдод билан битилган шеърлари билан танишман, ўқиганман, баъзиларини қадрлайман. Фақат мен эмас, анъанавий шеърият ихлосмандлари ҳам шундай фикрда бўлишига ишонаман. Лекин айрим шеърларнинг мазмун-моҳиятида, ифода шак-

¹ «Тафаккур» журнали, 2008, 2-сон.

лида ўқувчида завқ уйғотмайдиган, қандайдир нохуш таас-
суротлар қолдирадиган, нотабий ўхшатишлар, гўзалликка
унча мос келавермайдиган ташбеҳлар қўлланилганига гувоҳ
бўламиз. Анъанавий усулла ёзилган шеърятта, поэтик каш-
фиётларга кўникиб қолганимизданми ёки модерн йўнали-
шидаги шеърларнинг маъно-мазмунини, ташбеҳу тимсол-
лар қўллашдаги ижодий изланишларни тўла тўқис идрок
этиб улгурмаганимиз учунми, ҳарҳолда баъзи модерн шеъ-
рларда учрайдиган ғайритабий ўхшатишларни “ҳазм”
қилиш, улардан эстетик лаззат олиш жуда мушкул кўрина-
ди. Айрим модерн шеърларда учрайдиган *“Ой қуёш йўлида
сасиди”, “Ой пес бўлиб кетди фалакдан”, “Ой менгзар туп-
роқда ётган кучукка”, “Ой – ай туннинг қўнғизи”, “Ой ҳам
каламусга ўхшайди жуда”* сингари мисралар чиндан ҳам
ўқувчининг дидига салбий таъсир кўрсатса керак. Кўпол
маъноли бу сатрларни ўқир эканмиз, улуг мутафаккир шоир
Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонидаги қуй-
идаги тўрт мисра беихтиёр ҳаёлимизга келади:

*Бошни фидо айла, ато қошига,
Жисми қил садқа ано бошига.
Тун-қунигга айлагил нур фоиш,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш!*¹

Алишер Навоий ота-онани ҳурмат қилишни, уларнинг
бирини ойга, иккинчисини қуёшга қиёслаб шундай ҳик-
матли мисралар ижод этганки, бошқа бирор шоирнинг худ-
ди шу шакл ва мазмунда бу ўлмас ғояни ифодалаш жуда
қийин. *“Ой”, “қуёш”* тимсоллари буюк шоирга муқаддас
мавзуларни, ҳеч қачон аҳамиятини йўқотмайдиган умумин-
соний ғояларни бадиий талқин этишда рамзий образ вази-
фасини ўтаган. Тўғри, *“ой”, “қуёш”* рамзлари қўлланилган
юқоридаги мисралар баъзи модерн шеърлардан ажратиб олин-
ди. Шеърнинг тўла матнида чуқур маъно, ўқувчи қалбига
нур таратадиган қаторлар бор, албатта. Лекин унинг тарки-
бида тилга олинган мисраларга ўхшаш кўпол мажозлар, ёқим-
сиз қиёсламалар бўлса, бизнингча, бари бир ҳусунбузардек
ёки гўзал сўзанага ёпиштирилган чипта ямоқдек кўзга тур-

¹ Алишер Навоий. «Ҳайрат ул-аброр». Тошкент, 1989.,
76-бет.

тилиб туради, шеърнинг бадиий қимматини тушириб юбо-
ради.

Умуман, мумтоз адабиётда ҳам, замонавий адабиётда
ҳам *“ой”, “қуёш”* рамзлари эзгуликни улуғлашга хизмат
қилиб келди ва яхшиликни, гўзалликни таърифлашнинг
ўзига хос воситаси бўлди. Бу тимсоллар китобхонлар онги-
га ҳам худди шу мазмунда сингиб қолган. Шундай экан,
адабиётимизда анъана бўлиб келаётган, мумтоз шоирлар-
нинг синовидан ўтиб замонавий адабий жараёнда фаол
қўлланилаётган, ўқувчилар ўртасида оммалашиб кетган бу
мажозий образлардан улуг ғояларни ифодалашда фойдала-
нилса, нур устига аъло нур бўларди.

Яна бир мулоҳаза. Анъанавий шеърятга кўникиб қол-
ган, “тиши” шу йўналишдаги шеърларни мутолаа қилиш
билан чиққан оддий шеърхон нима қилади? Бошқотирма
шеърларни, мисраларни поэтик ўзлаштира олармикан?
Мутахассислар, “хос одамлар” бу хилдаги шеърларнинг маз-
мун моҳиятига осонлик билан етиб боришига шубҳа йўқ.
Лекин адабиётдан узоқ, бадиият қонуниятларидан беҳабар
оддий ўқувчининг бундай “заҳмат” чекиб мавҳум ва му-
раккаб модерн шеърнинг “ичи”га киришига, уни тушуниб,
бирор маънавий лаззат олишига ишониб бўлармикан? Ай-
рим модерн шеърларда: *“Юлдуз моҳиятан Кесакдек бўлди.
Таҳорат айлади юлдузга Дарвеш”*. Ёки *“Юлдуздан тортиб,
То тезакка қадар”* каби мисралар учрайдики, оддий шеър-
хоннинг уларни англаб бирор маънавий завқ олиши амри-
маҳол. Ижодкорларимизнинг, шеърятдаги изланишлари-
ни инкор қилмаган ҳолда, уларни миллий анъаналар билан
уйғунлаштириб, кўпчиликта бирдек тушунарли шеърый асар-
лар яратишларини, мустақиллик даври ўзбек адабиёти та-
раққиётига ўзига хос ҳисса қўшишларини истардик.

Модерн шеърят ҳақида гапирганда, адабиётнинг ом-
мавийлиги хусусидаги масалани назардан соқит қилиб
бўлмайди. Кейинги пайтларда матбуотда адабиётнинг ом-
мавийлиги тўғрисида ҳар хил фикрлар пайдо бўлмоқда.
Адабиётнинг оммавийлигини маълум маънода инкор
қилишга мойиллик кузатилади. Жумладан, адабиётшу-
нос Ж.Эшонқулнинг “Оммавийлик мезон эмас” номли
мақоласида шундай фикрларни ўқиймиз: *“Оммавийлик
бадиийлик мезони эмас ва менимча, оммавийлик маълум*

маънода бадииятдан четлашиш, мавжуд дидга бўйсунуш ҳамдир. Бадиият эса диднинг бетиним ўсишига хизмат қилади, уни доимо ҳаракатга, ўсишга, изланишга чорлайди".¹

Олимнинг бу фикрларини бутунлай инкор қилиш тўғри эмас, албатта. Ҳар бир асарга бадиият қонунларига асосланиб баҳо бериш зарурлиги ҳақидаги мулоҳазалари тўғри. Лекин ҳамма оммавий асарларни ҳам бадиийликдан йироқ деб баҳолаш тўғримики? Муаллифнинг юқоридаги нуқтаи назарларини, балки "бозор" адабиёти "маҳсулотлари"га, яъни олди-қочди воқеаларга ва саргузаштларга ишқибоз, адабий-эстетик диди бир хил ёки ўхшаш китобхонлар савиясига мўлжаллаб ёзилган ҳаммабоп, бадиий-эстетик салмоғи енгил асарларга нисбатан айтилса, эҳтимол эътироз туғдирмас. Адабий жараёнда ҳамма бирдай қизиқиб ўқийдиган бундай "бозорбоп" асарлар бор. Шу билан бирга, юксак бадиий салоҳияти билан китобхонлар қалбини сеҳрлаган, қўлма-қўл ўқилган шундай ноёб асарлар ҳам борки, улар оммавийликда ҳам, бадиийликда ҳам беқийёс, фақат бир халқ ёки бир миллатни эмас, бутун жаҳонни ҳайратга солган ижод намуналаридир. Дунё адабиётининг буюк асарларини қўятурайлик, Абдулла Қодирий қаламига мансуб умрбоқий романларни, Чўлпоннинг ёниқ шеърятини, "Кеча ва кундуз" романини, Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповларнинг, Рауф Парфи ва Мухаммад Юсуфларнинг китобхонларга ёд бўлиб кетган бадиий юксак лирикасини, бошқа-да қатор атоқли ўзбек адибларининг барчани бирдек ҳаяжонга соладиган, ўзига сеҳрлаб оладиган кашфиёт даражасидаги асарлари ҳам оммавийликнинг, ҳам бадиийликнинг ёрқин намунаси эканлигини инкор қилиш мумкинми? Ўта "бадиийлаштирилган", "хос одамларга" мўлжаллаб ёзилган, кўпчилик ўқиб тушунмайдиган шакл ва мазмундаги, яъни оммавийликдан узоқ асарлар китобхонга, қолаверса, жамиятга маънавий наф бера олармикан? Оммавийликдан чекинмиш адабиётни жамиятдан, халқдан узоқлашишга олиб келмайдими? Бундай асарлар инсонларнинг сўз санъати орқали руҳий бойиш жараёнига салбий таъсир этмасмикан? Қалбида маънавий бўшлиқ юзага келмайдими? Бадиий

¹ «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1998., 17 апрель.

адабиёт ижтимоий ҳодиса. Унинг жамият, адабиёт муҳлислари олдидаги вазифаси ҳам бор. У ижтимоий ҳаётга, инсонларнинг дунёқарашига таъсир ўтказиши керак, жамиятнинг маънавий юксалишида муҳим бадиий восита вазифасини ҳам ўташи лозим. Президентимиз И.А.Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" номли китобида бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. *"Инсонни, унинг маънавият оламини кашф этадиган яна бир қудратли восита борки, у ҳам бўлса сўз санъати, бадиий адабиётдир"*¹, деб ёзди муаллиф юқорида тилга олинган асарида. Юртбошимиз бу фикрини Алишер Навоий, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир ва яна бошқа қатор шоирлар ва ёзувчилар ижоди, улар асарларининг инсон камолотидаги роли ва аҳамияти мисолида исботлаб беради ва инсон маънавиятини шакллантиришда сўз санъати — бадиий адабиётдан самарали фойдаланиш вазифасини қўяди.

Шундай экан, ижодкорларимиз бадиий асарларнинг инсон маънавий камолотини шакллантиришдаги аҳамиятини унутмагани маъқул. Истагимиз, яратилган ҳар бир асарни фақат "хос одамлар"гина эмас, шу билан бирга, ҳар хил касб эгалари, турли тоифа аҳоли ҳам эмин-эркин, "туртинмасдан", узоқ муддат диққати ошиб ўтирмасдан ўқиб тушунса, эстетик лаззат олса экан, демоқчимиз.

Адабиётнинг оммавийлиги, ижтимоий-эстетик вазифаси, барчага тушунарли тилда ёзилиши, оммани бирдек ҳаяжонга солиши ҳақида сўз юритар эканмиз, сўнгги йилларда газета-журналларда пайдо бўла бошлаган ҳозирги адабий жараёнга тегишли яна бир фикрга шахсий муносабатимизни билдирмоқчимиз. Гап шундаки, айрим ижодкорлар: *"фақат ўзим учун ёзаман", "адабиётнинг оммалашиши қийин ва шарт ҳам эмас"* деган, мулоҳазага ундайдиган фикрларни ўртага ташламоқдаки, бундай нуқтаи назарлар ҳам адабиёт ихлосмандларини бефарқ қолдирмаса керак. Бундай қарашлар юқорида тилга олинган "Тафаккур" журналада эълон қилинган суҳбат-мақолада кўпроқ кузатилади. Анъанавий шеърят тарафдорлари лирикада мавҳумликдан

¹ И.А. Каримов. Юксак маънавият — енгилмас куч. Тошкент, «Маънавият», 2008., 136-бет.

қочиш, фикрларнинг аниқ, туйғуларнинг тиниқ ва табиий бўлишини талаб қилгани ҳолда, суҳбат-мақола муаллифларидан бири: *“абстракт фикрлашдан қочадиган ижодкор бугунги кунда ҳеч нарсага эриша олмайди”* дейди. Мақоладаги куйидаги фикр ҳам бизга бироз эриш туюлди: *“Шеър ёзаётган пайтда эса олдимга фақат битта талаб қўяман: ёмон ёзишдан қўрқмаслик”*.

Ёмон ёзилган шеърни ўқиб поэтик лаззат оладиган шеърхон ёки абстракт фикрларнинг сир-синоатини осон тушуниб етадиган бадиий диди юксак китобхонлар оммаси шаклланиб улгурдимикан? Тўғри, профессионал мутахассислар бу жумбоқли шеърларни ўзлаштириши, ҳатто, ўқиб ва ўқиб ўзига тегишли озуқа олиши ҳам мумкин. Лекин бундай мезон, бадиий талқин оддий ўқувчига оғирлиқ қилмасмикан? Истиқлол йилларида адабиёт, жумладан, шеърят ҳам кўнгил ишига айланди. Лекин бу дегани ҳар бир ижодкор ўта шахсий кечинмаларини, субъектив қарашларини қандайдир салбий маънодаги ўхшатишлар, бошқотирма сўз ва иборалар орқали ифодалаш мумкин деган маънони билдирмаса керак. Бадиий адабиёт, хусусан, шеърят инсонга завқ-шавқ, эстетик лаззат бағишлайдиган, қалбига эзгулик нуруни таратадиган бетакрор сўз санъати эканлиги илмда исботланган. Адабиёт тарихида фақат интим кечинмалари тасвири билан ёки рангсиз, миллий адабиётимиз анъаналаридан холи, бегона оқимларга эргашиб ёзилган ва шуҳрат қозонган ижодкор ё яратилган бирор асар бормикан? Шу мантиқдан келиб чиқсак, юқорида «Тафаккур» журналинда тилга олинган мақола муаллифларининг куйидаги мулоҳазалари ҳар бир адабиёт ихлосмандини жиддий ўйга толдирса керак: *“Шеър — кўнгил иши. Менга энг муҳими, уни ёзиш жараёнида ўзим туядиган завқ. Агар ўша завқ машқларимни ўқиётган бирор-яримта шеърхонга ҳам юкса — бош устига, юқмаса ҳам хафа бўлмайман, чунки ўзим учун ёзаман”*.

Шу ўринда В.Г.Белинскийнинг мана бу фикрлари беихтиёр ҳаёлга келади: *“Ҳеч бир шоир ўз шахсий изтиробларини ёки ўз шахсий қувончларини ифодалаш билан, яъни ўз-ўзича ва ўз шахсияти орқали буюк бўла олмайди. Поэзияда муваффақият қозониш учун эндиликда фақат талантнинг ўзи кифоя эмас. Ижодкор замин ва давр руҳи билан уйғунликда юксалган бўлиши керак. Шоир ҳозирги вақтда ҳаёл-*

лар оламида яшай олмайди, у ўз замонидаги воқелик салтанатининг граждани бўлиши лозим, унда бутун тарих яшамоғи керак”.

Бу фикрларни фақат “ўзи учун ёзадиган” шоирлар ижодига тадбиқ қилинса, қандай хулоса чиқариш мумкин? Ёки буюк танқидчининг бир вақтлар лирикага доир айтган назарий хулосалари бугун эскириб, аҳамиятини йўқотдимикан? Агар шундай ўйласак, унда атоқли адабиётшунос-танқидчи О.Шарафиддиновнинг лириканинг спецификаси ҳақидаги куйидаги фикрларига нима дейсиз?: *“Лирик қаҳрамон миллионлар билан ҳамнафас ва ҳамдард, орзу-омоли миллионларнинг умид-истаги билан муштарак шоирнинг ўзи бўлади. Шоир кўп номидан сўзлайди. Ўз ҳиссиёти орқали кўпнинг ҳиссиётини баён қилади”*.¹

Шу ўринда О. Шарафиддиновнинг мазкур масала билан боғлиқ яна бир фикрига диққатингизни қаратсак фойдаладан холи бўлмас. Олим адабиёт ҳақидаги чиқишларидан бириди бадиий адабиётнинг умумтарбиявий аҳамияти, оммавийлик хусусиятга эга бўлиши ҳақида сўз очиб, тахминан шундай деган эди: *“Яратилган бадиий асар агар кўпчиликка бирор наф келтирмаса, дунёқарашига таъсир этиб фикрини бойитмаса, ҳаяжонга солмаса, бундай асарнинг кимга кераги бор? Агар муаллиф асарини ўзи учун ёки икки-уч ўқувчига мўлжаллаб ёзган экан, ундан икки-уч нусха нашр қилириб ўзининг адабий бисотига қўшиб қўявериши керак”*.

Бу фикр фақат ўзи учун ёзадиган ёки адабиётнинг оммавий бўлиши зарурлиги ҳақидаги нуқтаи назарларни кўп маъқулламайдиган тадқиқотчилар ва ижодкорларга қарата айтилаётгандек бўлиб туюлди бизга. Бадиий адабиётнинг, жумладан, лириканинг ўзига хос хусусияти тўғрисида турли даврларда айтилган бу фикрлар замон синовларидан ўтиб ҳар хил ижтимоий-тарихий шароит, адабий муҳит бўлишига қарамасдан, ҳар бир шоир учун поэтик қоида вазифасини ўтаб келган ва у ҳозирги кунда ҳам, бизнингча, илмий аҳамиятини йўқотган эмас. Тўғри, ижодкорга қандай ёзиш ҳақида кўрсатма бериб бўлмайди. Бу масалада у гўё эркин қуш. Хоҳлаган шакл ва мазмунда ёзиш ҳуқуқига эга. Мус-

¹ О. Шарафиддинов. Замон. Қалб. Поэзия. Тошкент, 1962, 24-бет.

тақиллик йилларида шўролар даврининг сиёсати ва мафкурасига асосланган адабий қолиплар синдирилди, ижод эркинлигига кенг йўл очилди. Адабиёт қарамликдан, мутеликдан қутулиб янги, эркин тараққиёт йўлига чиқди. Шоирлар ва ёзувчилар бу имкониятдан фойдаланиб адабиётимизни миллий анъаналар, жаҳон адабиётининг илғор тажрибалари руҳида ривожлантиришга астойдил киришди ва бир талай ютуқлар ҳам қўлга киритилди. Эндиликда маънавият масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Сўз санъатидан маънавият курули сифатида фойдаланиш, бадиий юксак, айна пайтда, оммабоп асарлар яратиш вазифаси кун тартибига қўйилиб, ижодкорларга катта масъулият юкланди. Ва инсоннинг руҳан покланишига, имон-этиқонининг мустаҳкамланишига ёрдам берадиган бадиий асарлар яратиш истиқлол даврининг энг долзарб вазифасига айланди. Шундай экан, турли тоифа китобхонларга ҳам тушунарли, барчани ўзига бирдек сеҳрлаб олишга қодир ҳаммабоп, бадиий баркамол асарларнинг кўплаб яратилишига тарафдор эканлигимизни яна бир марта таъкидламоқчимиз.

Яна бир фикр. Адабиёт — сўз санъати. Сўз қудратли куч, бадиий восита. Асрлар давомида синовдан ўтган ҳақиқат бу. Сўз маржонларининг китобхон кўнглига йўл топишида муҳим қуроллардан бири эканлигига бадиий адабиётдан истаганча мисоллар келтириш мумкин. Зеро, ноёб сўзлардан қандайдир ғайритабиий, ўқувчининг эстетик дидини ривожлантиришга хизмат қилмайдиган ифодаларни қўллагандан кўра, китобхонга олам-олам завқ бағишлайдиган, ҳаяжонга соладиган, тафаккурини кенгайтирадиган оммабоп бадиий асарлар яратишда фойдаланилса, узукка қош қўндиргандек бўлмасмиди?

Ҳозирги давр ўзбек модерн шеърияти ва адабиётнинг оммавийлиги ҳақидаги шахсий мулоҳазаларимизни таниқли адабиётшунос-танқидчи Умарали Норматовнинг куйидаги фикрлари билан якунлашни лозим топдик. Хулоса чиқариш эса ўзингизга ҳавола: “Кейинги пайтларда ёзувчи-шоирлар, мунаққидлар тилида бир гап айланиб қолди: асар, аввало, ижодкорларнинг ўзи учун ёзилармиш, чинакам, юксак санъат асари фақат “хос одамлар” учун яратилармиш; асарнинг кўпчиликка тушунарли, ҳаммабоплиги юксак бадиийлик мезони бўлолмас эмиш. Бу гапларда му-

айян асос бор, албатта. Фақат ўзи, кўнгил таскини учун ёзадиган қаламкашлар, шоирлар, шунингдек, “хос одамлар”-гагина мўлжалланган, уларгина тушунадиган, қадрлайдиган ва айна пайтда етук асарлар ҳам бор. Бироқ, азизлар, нега биз хусусий ҳоллардан хулосалар чиқаришга чоғланамиз? Бадиий ижод қолипларга сиғмайдиган жараён. Кўнгил дардини ўзгаларга, кўпчиликка, бутун халққа, борингки, башариятга етказиш иштиёқи билан қалам тебратган, тебратётган улғу ижодкорлар йўлини камситиш одобдан эмас. Бир пайтнинг ўзида ҳам жиддий, теран маъноли, ноёб бадиий ихтиро, кашфиёт, ҳам кўпчиликка тушунарли, бутун миллатни, қолаверса, жаҳонни ҳайратга, ларзага солган асарлар йўқ дейсизми. Аслида чин санъат асарларининг кўпчиликка етиб бориши — барчани бирдек ҳайрат ва ларзага солиши ижодкорнинг, қолаверса, миллий адабиётнинг бахти, омади. XX асрнинг буюк сўз усталари — Э. Хемингуэй, Г. Маркес, С. Есенин, Ч. Айтматов, ўзимизда Қодирий ва Чўлпонларнинг омади ана шунда”.¹

2008.

АДАБИЙ ЖАРАЁН ВА ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЙ ТАНҚИДИ

Кейинги йилларда қорақалпоқ адабий танқидининг фойдадан қониқмаслик тўғрисидаги фикрлар тез-тез қулоққа чалинадиган бўлди. Қорақалпоғистон Ёзувчилари уюшмасида бўлиб ўтадиган йиғилишларда, адабиёт масалалари қаралган бошқа-да расмий ва норасмий минбарларда ҳам адабий танқиднинг замон талабидан нисбатан орқада қолаётгани, ҳаракатдаги адабий жараёнга таъсири унчалик сезилмаётгани, нашр қилинган асарларга принципиал баҳо берилмаётгани, илмий-назарий билими бақувват профессионал танқидчиларнинг камайиб қолгани тўғрисида ҳар хил мулоҳазалар билдирилмоқда. Газета-журналларда танқидий чиқишларнинг камлиги, жиддий таҳлилий мақолаларнинг жуда оз босилаётгани, эълон қилинаётганларининг кўпчилиги фақат мақтовлардан, юзаки шарҳлардан иборат бўлиб қолаётгани ҳақидаги фикрлар сўнгги уч-тўрт йилда анча

¹ «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 2004 й.

жонланиб қолди. Баъзан бугунги қорақалпоқ адабий танқиди бундан йигирма-йигирма беш йил олдинги танқид билан солиштирилади ва унинг ҳозирги ҳолати аввалгисидан орқада қолган деган хулосага келинади.

Хўш, ҳозирги давр адабий танқидига бу хилдаги муносабат ҳақиқатга қанчалик яқин. Чиндан ҳам, бугунги адабий танқид ижодкорларни ташвишлантирадиган даражага тушганми? Айтилаётган танқидий фикрлар нечоғлик асосли? Агар бу гаплар ҳақиқат бўлса, унда сусткашликнинг сабаблари қаерда? Танқидчиларнинг бу соҳадан қўли «совиб», унинг истиқболи ҳақида кам қайғураётганининг сабаби нимада? Ҳарҳолда бу саволларга бир мақола доирасида тугал жавоб топиш амри маҳол. Шундай бўлса-да, қорақалпоқ адабиёти, адабиётшунослиги ва адабий танқиди бўйича кўп йиллик кузатишларим, илмий изланишларим натижаси ўлароқ шаклланган баъзи мулоҳазаларимни шахсий фикрим тарзида сизнинг эътиборингизга ҳавола қилишга жазм этдим.

Яна бир гап. Агар мақоламда қорақалпоқ адабий танқидига доир бирор эътирозли фикрлар айтилгудек бўлса, албатта, бу танқиднинг бир учи ўзимга ҳам тегишли эканлигини тан оламан. Чунки мен ҳам шу заминнинг илмий-адабий муҳитидан озикланиб, қўлимдан келганча қорақалпоқ адабиётшунослигига хизмат қилиб келаётганим учун ҳам ўзимни бу жараёндан ташқарида тасаввур қилишим мантиққа тўғри келмас, унга маълум даражада масъул эканлигимни тушунам.

Маълумки, қорақалпоқ адабиётшунослиги ва адабий танқиди XX асрда шонли йўлни босиб ўтди. Мустақил жанр сифатида шаклланиб, ривожлана бошлади. Етук адабиётшунос-танқидчилар етишиб чиқди. Улар мумтоз ва замонавий қорақалпоқ адабиётини ҳар хил аспектларда тадқиқ этиб, фундаментал илмий ишлар яратди, кўплаб монографиялар ва рисоалар нашр қилинди. Илмий салоҳияти бақувват фан номзодлари ва фан докторлари тайёрланди. Буларнинг барчаси қорақалпоқ адабиётшунослиги ва адабий танқидининг улкан ютуқлари эди. Эришилган натижалар эса қорақалпоқ адабиёти тарихини, ҳаракатдаги адабий жараёни тадқиқ қилишда, назорат қилиб боришда, унга таъсир кўрсатишда, истиқболини белгилашда алоҳида роль

ўйнади. Мақола обзорга айланиб кетмаслиги учун адабиётшунослик ва адабий танқидчиликнинг турли босқичларида фаолият олиб борган, илмий-танқидий асарлар яратиб, соҳанинг ривожланишига ҳисса қўшган олимларни, уларнинг асарларини номма-ном бирма-бир санаб ўтишни ортиқча ҳисоблашим. Ўйлайманки, сиз қорақалпоқ адабиётшунослигининг яқин ўтмиш тарихига доир жараёни, соҳада эришилган ютуқларни кўз олдингизга келтириб, бугунги танқидчилик билан қиёслай оласиз.

Танқид адабий жараёнинг ажралмас қисми, унга таъсир ўтказа оладиган восита эканлиги илмда исботланган. Муайян даврда адабиётнинг муваффақиятли ривожланиши ёки орқада қолиши танқидчилар фаолияти билан изоҳланиши ҳам илмда ўз исботини топди. Адабиётда бирон истеъдод ёки бадиий кашфиёт даражасидаги асар пайдо бўлса, билингки, бунда адабий танқиднинг хизмати бор. Демак, шундай истеъдодлар ёки шу хилдаги юксак бадиий асарлар яратиши мумкин деб башорат қилинган қаламкашлар ўз вақтида танқидчилик ёхуд тажрибали ижодкорлар томонидан қўллаб-қувватланган, уларнинг келажагига умид билдирилиб, «Оқ йўл» тиланган. Ёки устоз ёзувчиларнинг мақолаларида ёш талантлардаги истеъдод учқунларининг алангага айланишида илҳом берадиган илиқ сўзлар айтилган. Шулар ҳақида ўйлаганимда, ўтган асрнинг олтинчи йилларида ўзбек адабиётига кириб келган, кейинчалик бадиий етук асарлари туфайли китобхонларнинг, умуман, халқимизнинг фахрига айланган бир гуруҳ атоқли шоир ва ёзувчилар кўз олдимга келади. Булар Ўзбекистон Қаҳрамонлари Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Шукр Холмирзаев ва Ўткир Ҳошимов, Ўзбекистон халқ шоирлари Рауф Парфи ва Муҳаммад Юсуф, Ойдин Ҳожиёва ва Ҳалима Худойбердиева. Мен бу рўйхатни яна давом эттиришим мумкин. Очиги, агар уларнинг адабиётдаги илк қаламлари ва кейинги ижоди Матёқуб Қўшжонов ва Озод Шарафиддиновдек, Умарали Норматов ва Норбой Худойбергеновдек забардаст танқидчилар томонидан холис баҳоланиб, қўллаб-қувватланмаганида, дастлабки машқлари Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Миртемир, Шухрат, Асқад Мухтор сингари устозларнинг назарига тушиб маъқулланмаганида, уларнинг ёш истеъдод-

ларга қанот бағишлайдиган ғоят таъсирли «оқ фотиҳалари» бўлмаганида, бу адиблар ҳозирги ўзбек адабиётининг шон-шухратига айланиши мумкинми? Биргина Абдулла Қаҳҳорнинг ёш ижодкорларга кўрсатган ғамхўрлигини эслайлик. Маълумки, А. Қаҳҳор ўтган асрнинг эллигинчи йилларининг охирларида адабиётга биринчи қадам қўйган ёш ёзувчилар Ў. Ҳошимов ва Ш. Холмирзаевларнинг «Шарқ юлдузи»да эълон қилинган биринчи қиссаларини ўқиб, олган таассуротлари асосида уларга мактуб йўллайди. Мактуб кейинчалик матбуотда босилди. Мактубни шарҳлагандан кўра, унинг матни билан сизни тўла таништириш афзалроқ кўринди. «Ҳурматли Ш. Холмирзаев! «Шарқ юлдузи»да босилган «Тўлқинлар» повестингизни ўқидим. Повесть яхши таассурот қолдирди. Маъмуржонни бошда табассум билан тасвир этасиз. Бутун асар давомида қисқаликка интиласиз. Ёзувчиликда кўзингиз очилиб келаётгани кўриниб турибди. Назаримда, повестнинг номи тўғри эмас. Кейинги ишларингиз бароридан келсин!

Салом билан: Абдулла Қаҳҳор»

Иккинчи мактуб қўйидаги жумла билан бошланади: «Ўтқир! «Чўл ҳавоси»ни ўқиб суюниб кетдим. Бирдан лов этиб аланга билан бошланган ижоднинг келажаги порлоқ бўлади, қисса жуда соф, самимий, илиқ, табиий, роҳат қилиб ўқилади. Қиссанинг хат шаклида бўлиши кўп жойларда ритми бузади, сизни чеклаб қўяди. Ҳикоя биринчи шахдан олиб борилса ҳам шундай бўлар эди. Бунга ўйланг, ҳисобга олинг. Шу аланга ҳеч қачон пасаймасин, ижодингиз ҳеч қачон тутамасин.

Ҳурмат билан Абдулла Қаҳҳор!»

Устоз А. Қаҳҳорнинг бу самимий фикрлари, амалий маслаҳатлари ҳар икки ёш ёзувчига нафақат илҳом, ижодий куч-қувват бағишлади, айни чоғда, уларга катта масъулият ҳам юкледи, адабиётда ўз йўлини топиб ижод қилишида ҳеч қачон эсдан чиқмайдиган дастурий йўлланма вазифасини ўтади. Ш. Холмирзаев ва Ў. Ҳошимов устоз ёзувчининг бадиий-эстетик қарашларига амал қилиб асарлар ёзгани учун ҳам ўзбек адабиётининг истеъдодли забардаст ёзувчилари бўлиб етишди.

Абдулла Қаҳҳор чинакам талантнинг қадрига етадиган шундай ёзувчи бўлганки, у бирор асарга баҳо бермоқчи

бўлса, бадиий мезонларидан келиб чиқиб ёндашган. Асар муаллифининг обрўси, мавқеи ва унвонлари адибни қизиқтирмаган. У Ў. Ҳошимов ва Ш. Холмирзаевнинг қиссаларини ўқиб, уларга хат йўллаганида, асар муаллифлари университет талабалари эди. А. Қаҳҳордек атоқли ёзувчининг махсус вақт ажратиб, олдий бир талабанинг асарини ўқиб, унга муносабат билдириши, улар тимсолида адабиётнинг келажагини кўриши ва умид боғлаши, унинг ёшларнинг ғамхўри, адабиётнинг чинакам жонкуяри бўлганидан дарак беради.

Мен фақат биргина мисол келтирдим. Юқорида тилга олинган адибларнинг ижодий тақдирида, ҳар бирининг ўзбек адабиётида фахрли ўринни эгаллашида устоз ёзувчиларнинг роли беқиёс эканлигига мисоллар кўп. У ёки бу ижодкорнинг адабиётнинг катта йўлига тушиб олишида тажрибали шоир ва ёзувчиларнинг адабий маслаҳатлари қанчалик аҳамиятли бўлса, танқидчи-олимларнинг ҳам бу жараёнга таъсири шунчалик роль ўйнаган. Танқид майдонида тажрибали устоз ижодкорлар билан танқидчи-олимлар ҳамкорликда адабиётнинг келажаги учун бирдек қайғурсалар, адабиёт ниҳолларини тарбиялаб, чинорга айлантурсалар яхши самара бериши шубҳасиз. Ўтган асрнинг олтишинчи, етмишинчи ва айниқса, саксонинчи йилларида ўзбек адабий танқидчилиги, гарчи шўролар даври ҳукмрон мафқураси таъсири остида бўлса-да, нисбатан яхши ривожланди, танқид ҳақиқий истеъдодларни юзага чиқаришда, маҳорат билан ёзилган асарларни қўллаб-қувватлашда, улар ҳақида илмий тадқиқотлар яратишда бир талай ютуқларга эришди. И. Султон, М. Қўшжонов, О. Шарафиддинов, У. Норматов, Н. Каримов, С. Мамажонов, Н. Худойберганов, А. Расулов, И. Ғафуров сингари устоз танқидчиларнинг бу масаладаги хизматларини ижодкорлар яхши билади ва қадрлайди.

Бугунги ўзбек адабиётининг номдор адиблари айнан шу даврда ижод қилган, ўзларининг бетакрор таланти, фидоий меҳнати, қолаверса, адабиётшунос-танқидчиларнинг улар асарларига холис баҳо бериб қўллаганлари учун адабиётнинг устунларига айланди. Хуллас, бу давр адабиётидаги ютуқларни ҳам, йўл қўйилган камчиликларни ҳам адабий танқиддан холи тасаввур қилиш мумкин эмас.

Қорақалпоқ адабиётига ҳам шу нуқтаи назардан қарасак, шунга яқин манзарани кўришимиз мумкин. Унинг тарққиётининг ҳамма босқичларида, адабий жараённинг яхши ривожланишида, ёш талантларнинг чиқиши ва адабиётда муқим ўрин эгаллашида танқидчи-олимлар билан шоир ва ёзувчилар бир майдонда, бир сафда туриб сазй-ҳаракат қилдилар. Бундай ҳамкорликнинг натижалари, айниқса, ўтган асрнинг 60—70 йилларида кўпроқ намоён бўлди. Бу даврда адабий жараёнга бадияят қонуниятлари нуқтасидан ҳолис ёндашган, қорақалпоқ адабиётининг жонкуяри сифатида танилган адабиётшунос-танқидчилар кўп эди. Уларнинг ҳаммасини бўлмаса-да, айримларини тилга олиб ўтаман. М. Нурмухамедов, С. Ахметов, Г. Есемуратов, Т. Мамбетниязов, Қ. Султанов, К. Худойбергенев, Ж. Наримбетов, С. Аллаяров, Қ. Камалов. Бу танқидчи-олимлар сўз юритилаётган давр адабиётини изчил кузатиб борди. Пайдо бўлган ҳар бир янги асарнинг ютуқ ва камчиликларини ҳолис баҳолаб, адабиётнинг катта йўлига тушиб олиш учун астойдил изланаётган ёш ижодкорларни қўллаб турдилар. Ўша йилларда назм ва насрда қалам тебратган ўнлаб шоир ва ёзувчилар, адабиётга биринчи қадамини қўйиб, дастлабки асарларини эълон қилган ёшлар ушбу мунаққидларнинг илҳомбахш сўзларидан, фойдали фикрларидан улги олиб, ижодий комилликка интилгани, уларнинг кўпчилиги кейинчалик қорақалпоқ адабиётининг атоқли шоирлари, ёзувчилари бўлиб етишгани танқиднинг адабий жараёнга таъсири самарали бўлганига далил. Бу фикримнинг исботига қорақалпоқ адабиётидан мисоллар келтира оламан. Ш. Сейитов, К. Раҳманов, А. Отажонов, С. Баҳадирова, К. Мамбетов, улар билан изма-из адабиётга кириб келган Ў. Абдурахманов, А. Содиков, М. Низонов, С. Жумағулов, А. Султонов, К. Алламбергенов, Ҳ. Ўтемуратова ва яна бошқа бир неча ёзувчиларнинг насрда асарлар ёзиб, қорақалпоқ адабиётининг машҳур ёзувчилари бўлиб танилишларида адабий танқиднинг роли йўқ дейсизми? Ёки замонавий қорақалпоқ шеърятининг салоҳиятини ошириб, доврўғига доврўқ қўшган М. Сейтниязов, Т. Матмуратов, Т. Қабулов, Г. Шамуратова, Н. Тўрешова, К. Каримов, Ж. Избасқанов, Ш. Аяпов, Ҳ. Давлетназаров, С. Ибрагимов, Б. Генже-

урф-одатлари ўзаро жуда яқин. Бир-бирларини таржимонларсиз тушунадилар, адабиётларини таржималарсиз бемалол ўқий оладилар. Шундай экан, адабий алоқалар, қиёсий адабиётшунослик ва таржимашунослик йўналишлари бўйича маҳаллий миллат вакилларида чикқан олимлар тадқиқотлар олиб борса, айнаи муддао бўларди. Қорақалпоқ давлат университети ва Нукус давлат педагогика институтида қорақалпоқ, ўзбек, қozoқ ва туркман филологияси бўйича тил ва адабиёт мутахассислари тайёрланади. Баъзиларида ҳатто магистратура бўлимлари ҳам мавжуд. Уларда магистрлик диссертациялари ҳимоя қилинади. Ушбу олий ўқув юртларини битириб, илм йўлига чикқан ёш тадқиқотчилар негадир ҳамма вақт ҳам бу имкониятдан фойдаланишни хоҳлашмайди. Нега шундай? Нима учун улар ўзларини қиёсий адабиётшунослик ёки қиёсий тилшунослик, ё таржимашунослик каби ўта долзарб соҳалардан олиб қочади экан, деган савол мени кўпдан бери ўйлантириб келади.

Албатта, бу масалада уларни мажбурлаш, балки нотўғридир. Ким қандай мавзунини танлайди, қерда ҳимоя қилади, бу унинг шахсий иши. Бари бир шу ернинг тузини еб, сувини ичиб камолга келган, олим бўлишни ният қилган ҳар бир зиёли унинг илм-фанига ҳам хизмат қилса экан, дегим келади. Яширмайман, баъзан бу ерда бошқа бир мантиқ бормикан деган ҳаёлга ҳам бораман. Шулар ҳақида ўйлар эканман, бир фикр ҳаёлимга келиб қолди ва у билан сизни ҳам таништириб ўтмасликнинг ҳеч иложини топмадим. Сўнгги йилларда диссертантлар ва диссертациялар ҳимоялари бўйича ҳар хил «миш-мишлар» қулоққа чалинадиган бўлиб қолди. Ҳатто булар ҳақида матбуотда ҳам жиддий фикрлар айтилмоқда. Бу гаплар шунчаки «миш-мишлар» эмаслигига, улар муайян фактларга таяниб айтилганлигига яқинда диссертациялар ҳимояси билан боғлиқ «Тафаккур» журналида босилган бир мақолани ўқиб чиққач, ишонч ҳосил қилдим. Мақола муаллифи атоқли адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул. Очиги, яқин орада сохта йўллар билан диссертация ҳимоя қилувчиларга нисбатан айтилган бу хилдаги жиддий танқидий фикрга дуч келган эмасдим. Менинг бу мақолага мурожаат қилишим, қўллаб-қувватлашим кимларгадир ёқмаслигини биламан. «Тўғри сўз туққанингга ёқмайди» деган гап ҳам бор. Зеро,

мақолада кўтарилган муаммо мен сўз юритаётган мавзуга бевосита алоқадор бўлгани учун ҳам уни четлаб ўтгим келмади. Қолаверса, илм-фан манфаати, унинг кадр-қимматини озгина бўлса-да ҳимоя қилиш, жамоатчилигимизни бундай ҳаракатлардан огоҳ этиш мақсадини ҳам назарда тутдим. Мен далилларга асосланган бу мақолани шарҳласам, балки муаллифнинг фикрларини тўла-тўқис сизга етказиш олмаслигим мумкин. Шунинг учун мақоланинг диалогга қурилган шундай бир жойи борки, менимча, уни аслиятда ўқиганингиз яхши. Мана, ўша савол-жавоб: «Илмни тарк айлаган» бир биродарим билан икки йил аввал учрашиб, гурунглашиб қолдик. Хол-аҳвол сўрашдик.

— Аҳвол ёмон эмас, ишдан ҳам нолимайман. Унча катта ойлик олмасам-да, рўзғорга етказиш мумкин, — деди у.

— Докторлик нима бўлди?

— Докторлиқни йиғинтирдим. Ҳозир доктор ё профессор бўлдингиз нимаю, бўлмадингиз нима? Фойдаси йўқ. Мен бошқа бир йўлни ташладим. Яширмайман — ҳар йил битта, файрат етса иккита номзодлик диссертациясини ёзиб бераман.

— Қўйсангиз-чи!

— Ёлғони йўқ. Пулини оламан — ёзаман.

— Қанчага ёзасиз?

— Буниси сир. Лекин ишхонанинг йиллик маошидан анча зиёд, албатта.

— Биров ёзган диссертацияни бўлим муҳокамасидан ўтказиш мумкиндир. Лекин уни Илмий кенгаш ва ОАК муҳокамасидан қандай ўтказасиз?

— Э, одамини топсангиз, ўтаверади.

— Ахир, бу...

— Гапингизга тушундим. Бозор иқтисодиёти шароити ғалати экан, жўра. Билсангиз илмда ҳам «бозор» очилган. Бировлар пул бериб роман, қисса, сценарий, ҳатто хотира китоби ёздирса, бошқа бировлар номзодлик ёки докторлик диссертацияси ёздирди. Пулингиз, суянчиғиғиз бўлса, китоб чиқариш, диссертация ҳимоя қилиш — нима бўпти! Ҳозирги вақтда ҳамма ишни йиғинтириб қўйиб, фақат диссертация ёзиш билан шуғулланадиганлар тоифаси пайдо бўлганини биласизми? Расмона ширкат дейсиз — ҳаммаси йўлга қўйилган. Лекин мен уларни айболомайман. Тирикчиликнинг айби йўқ.

— Гапингизга қўшилиш қийин, биродар..

билан силлиққина ҳал бўлиб қўя қолмаслигини ҳам тушунасиз, деб ўйлайман.

Адабиётшунослик бўйича ҳимоя қилинаётган диссертацияларнинг замон талабидан нисбатан орқада қолаётганини инкор қилиш қийин. Мустақилликка эришилганига салкам йигирма йил бўлаяпти. Адабиёт учун бу оз муддат эмас. Бу даврда қорақалпоқ адабиёти муваффақиятли ривожланди, янги давр адабиёти шаклланыаяпти деб бемалол айтиш мумкин. Қорақалпоқ шеърияти ёки насри дейсизми, ё драматургия жанридаги ютуқларни оласизми, буларнинг барчаси мустақиллик йилларида қорақалпоқ адабиётининг қўлга киритган ютуқлари. Газета-журналларда романлар, қиссалар, ҳикоялар, шеърлар эълон қилинмоқда, китоблар босилаяпти. Лекин қорақалпоқ адабиётининг мустақилликдан кейинги тараққиёт йўллари тўғрисида танқид ҳали ўз сўзини айтгани йўқ. Онда-сонда матбуотда босилиб турадиган мавсумий тақриз характеридаги мақолаларни истисно қилганда, кашфиёт даражасидаги фундаментал илмий ишлар ёзилмади, диссертация шаклида ҳимоя қилингани йўқ. Баъзи танқидчи — адабиётшунослар орасида ҳали ҳам шўролар даври адабиётидан узоқлаша олмай юргани, ўша замоннинг адабий муҳити доирасида, эски андозаларда фикрлаб, тадқиқотлар олиб бораётгани ёки кўп маротаба ўрганилган эски мавзуларга «янги тўн» кийдириб, уни замонга зўрма-зўраки мослаштиришга, шу билан гўё илмда янгилик яратган олим сифатида ўзларини кўрсатишга уринаётганлар йўқ дейсизми? Эндиликда бугунги қорақалпоқ адабиётини янгича қарашлар, янги илмий концепциялар асосида ўрганиш зарурати пайдо бўлди. Илмий кенгаш диссертациялар учун мавзу танлаш ва уни ҳимоя қилдиришда шу масалаларга кўпроқ диққат қаратса экан демоқчиман. Ахир, тадқиқотчиларни кутиб турган қанча ишланмаган мавзулар бор. Ҳозирги қорақалпоқ шеъриятидаги янги изланишлар, романлар, қиссалар ва ҳикоялар тараққиётидаги янги тенденциялар, регионда тан олинган қорақалпоқ драматургларининг пьесалари бир эмас, бир неча илмий мавзуга материал бўлиши мумкин эмасми? Бир мисол. Бугунги қорақалпоқ сатираси ва юморини Муродбой Низонов ва Сайловбой Жумагуловлар ижодисиз тасаввур қилиш мумкинми? Бу истеъдод соҳибларининг нафақат қорақалпоқ ўқувчилари, бал-

ки ўзбек халқининг ҳажв ва қулги ихлосмандлари қалбига кириб борганига кўп йиллар бўлди. Эндиликда уларнинг *«Ўзбек адабиётида ҳам сатира ва юмор жанрининг йирик намоёнасига айланган»* (Носир Фозилов) ёзувчилар сифатида тилга олинishi қувонарли факт-ку!

Дарҳақиқат, Муродбой Низонов ва Сайловбой Жумағуловларнинг қизиқарли интермедиялари, юморга бой комедиялари кириб бормаган ўзбек хонадони йўқ. Пьесалари Ўзбекистоннинг бир неча театрларида сахналаштирилди, китоблари ўзбек тилига ўгирилиб, қайта-қайта босилмоқда. Улар кўшни давлатларда ҳам шундай ҳурмат ва эътиборга сазовор, асарлари қадрланади. Шундай бадиий салоҳиятга, обрўга эга бу сўз усталарининг ижоди ҳақида, таассуфки, махсус диссертациялар тугул (Ж. Есеновнинг Муродбой Низонов ижодига бағишланган баъзи мақолаларини истисно қилганда) каттароқ кўламдаги таҳлилий мақола йўқ ҳисоби. Шундай фикрни ижоди, асарлари адабий танқиднинг назаридан четда қолиб келаётган яна бир неча истеъдодли ёзувчилар ва шоирлар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Уларнинг ижодий тажрибаларини умумлаштириб, илмий тадқиқотлар яратиш вақти етди, деб ҳисоблайман.

Адабий алоқалар, қиёсий адабиётшуносликка доир ишлар Илмий кенгашда жуда оз ёқланади. Таржимашунослик ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Яқин йилларда адабиётшуносликнинг бу соҳасига доир бирор тадқиқот яратилиб, диссертация шаклида ҳимоя қилингани маълум эмас. Ушбу мавзуларга алоҳида урғу қилаётганимнинг сабаби шундаки, бундай характердаги ишларни фақат Қорақалпоғистонда яшайдиган уч миллат вакиллари, бир тилни эмас, уч тилни барабар ўзлаштирган, бир адабиётни эмас, уч адабиётни тенг даражада биладиган олимлар бажарса, яхши самара бериши амалда исботланган. Ўзбекистоннинг бошқа регионларида бундай имконият йўқ. Ўзбек тилини билиши мумкин, лекин қорақалпоқ, қозоқ ёки туркман тилини, ё унинг адабиётини илмий таҳлил қила оладиган даражада билмаслиги мумкин, ёки аксинча. Ва бу ҳолат тадқиқотчига қийинчиликлар туғдириши табиий. Қорақалпоғистонда эса бу масалада муаммо йўқ. Республикамиз аҳолисининг асосий қисмини қорақалпоқ, ўзбек, қозоқ ва туркман миллатига мансуб халқлар ташкил этади. Уларнинг тили, тарихи, адабиёти,

олим О.Шарафиддиновнинг куйидаги фикрлари ҳар бир танқидчи амал қилиши лозим бўлган масъулиятли вазифа. *«Танқидчи ўқиган нарсаларни чуқур таҳлил қила билиши, асардаги воқеа ва ҳодисаларни, характерларни ҳаёт ҳодисалари билан, ҳаётдаги жонли одамлар билан таққослай билиши ва бу таққослардан жамият ҳаёти учун зарур ҳамда фойдали хулосалар, умумлашмалар чиқара олиши керак. Танқидчи учун бадиий адабиёт, биринчи навбатда, ҳаёт ҳақида чуқур мулоҳазалар юритишга имкон берадиган, илғор қарашларни олға суришга ундайдиган восита бўлиши керак»*.¹

Танқидчининг адабиёт олдидаги яна бир масъулияти бор. Танқидчи адабиётдаги гўзалликни ҳис қила билиши, яъни яхши асарни ўртамиёна ёки ундан ҳам паст савиядаги асардан фарқлай олиши керак. О. Шарафиддинов сўзлари билан айтсак: танқидчи бўлишни истаган одамда, биринчи навбатда, эстетик туйғу ниҳоятда ўткир бўлиши лозим, у санъат гўзаллигини нозик ҳис қила билиши, бадиий адабиётдан чинакамига завқлана олиши шарт. *«Танқидчи санъатдаги гўзалликни фарқлаёлмаса, — деб ёзади О. Шарафиддинов танқид масъулияти ҳақидаги фикрини давом эттириб, — адабиётнинг бадиийлигини қадрлай олмаса, асар ўқишдан завқланиб, шу завқни бошқаларда қайта кўзғай олмаса, унинг танқидчилиги билан шуғулланмай қўя қолгани маъқул»*.

Бу фикрлардан келиб чиқадиган хулоса шундан иборатки, бадиият, маҳорат масаласи танқидчи фаолиятининг асосини ташкил этади. Ёзилган ҳар бир мақола ёки тақризда танқидчининг адабиётни бутун вужуди билан севиши, сўз санъатини қадрлаши, бадиий гўзалликни ҳис қилиш истеъдоди ёрқин акс этиб турсин. Шундай руҳда ёзилган танқидий мақолалар, тақризлар, ҳеч шубҳасиз, адабий жараёнга таъсир ўтказадиган, ёзувчининг ўзи учун ҳам фойдали. Қорақалпоқ адабиётшунослигида бу йўналишда ютуқлар анчагина бор. Матбуотда, айниқса, «Амударё» журналида мақолалари, тақризлари босилиб турган муаллифлар оз эмас. Мен шу ўринда бугунги адабий жараёнга адабий-танқидий ма-

¹ О.Шарафиддинов. Ижодни англаш бахти. Тошкент, «Шарқ», 2004, 634-бет.

қолалари билан нисбатан фаол қатнашиб келаётган Қ. Бойниёзов, Қ. Жаримбетов, Қ. Ҳрозимбетов, Ж. Есенов, П. Нуржанов, З. Бекбергенова каби адабиётшунос-танқидчиларни тилга оламан. Бу муаллифларнинг баъзи мақолаларида қорақалпоқ мумтоз адабиётининг долзарб масалалари таҳлил қилинса, айримларида ҳозирги адабий жараён хусусида сўз юритилади, янги чиққан китоблар тақриз қилиниб, муҳим мустақил фикрлар ўртага ташланади. Лекин бундай ижобий фикрларни матбуотда босилаётган ҳамма мақолаларга, тақриزلарга нисбатан айтиб бўлмайди. Муаллифлар кўпинча фактлар қуршовида қолиб қўяди, асарнинг мавзуси, мазмуни, ғояси, образлар туркумини шарҳлаш билангина чекланади. Ўзимнинг газета-журналлардаги айрим мақолаларим ҳам бундай нуқсонлардан ҳоли эмас. Эндиликда бундай социологик тадқиқот усули эскирди, унинг бугунги кун талабига жавоб бермаётгани ҳақида матбуотда ҳар хил фикрлар айтилмоқда. Ҳатто бу таҳлил усули маълум даражада адабий танқиднинг ривожланишига монелик қилаётган тўғрисида ҳам турли қарашлар мавжуд.

Қорақалпоқ адабий танқиди эндиликда структурал таҳлилга ўтадиган пайтга етиб келди. Матнни таҳлил ва талқин қилишнинг бир неча усуллари билан фойдаланиб, тадқиқот юритиш ва фундаментал ишлар яратиш, нафақат танқидчи-олимнинг назарий савиясини кўрсатади, шунингдек, танқидчиликнинг нуфузини ҳам орттиради. Бу ишни қорақалпоқ адабиётшунос-танқидчилари маҳорат билан уддалашига гумон йўқ.

* * *

Илмда тан олинган бир ҳақиқат бор. Барча фан соҳаларининг, жумладан, адабиётшунослик ва адабий танқиднинг ҳам замон талаби даражасида ривожланиши профессионал кадрларга боғлиқ. Бу масалада Қорақалпоғистонда ютуқлар етарли. Ўнлаб фан докторлари ва кўпгина фан номзодлари тайёрланди. Уларнинг ҳаммаси танқид майдонидан ташқарида, адабий жараёнга умуман аралашмайди десам адолатсиз хулоса бўлади. Адабиётшунослар орасида адабий танқидга имкон қадар хизмат қилиб келаётган, мақолалар, тақриزلар ёзиб, китоблар чоп эттириб, қорақалпоқ адабиётининг ютуқларини тарғиб қилиб юрган тажрибали адабиётшунос

танқидчилар бор. Мен юқорида уларнинг айримларининг номларини санаб ўтдим. Лекин масаланинг иккинчи муҳим томони бор. Фан докторлари, фан номзодлари илмий даражаларига эга адабиётшуносларнинг катта отряди бўлган бир шароитда нега адабий танқиднинг фаолияти суст? Илмий даража соҳибларининг адабий жараёнга баҳо беришдаги фаоллиги нега сезилмаяпти? Мен бу саволга тахминан шундай жавоб берган бўлардим. Бу, биринчи навбатда, танқидчи кадрларнинг илмий-назарий савиясига боғлиқ. Адабиётшунослик бўйича ҳимоя қилинаётган диссертацияларнинг бугунги қорақалпоқ адабий жараёни тараққиётига, унда пайдо бўлган муайян бўшлиқларни тўлдиришдаги ҳиссаси унчалик кўзга ташланмаяпти. Бундай муаммо ўзбек танқидчилигида ҳам мавжуд эканлигини филология фахшлари доктори Баҳодир Каримовнинг мана бу фикрларидан ҳам билиб олиш мумкин: *«Бугун танқид ёзадиган ёшлар йўқ. Диссертациялар ёзайтган, тақриزلар ёзайтган, гўё илмий деб аталмиш атамаларга мўл мақолаларни ёзайтган адабиётчилар кўп. Аммо танқид майдони бўш»*.

Сир эмаски, фан номзоди ёки фан доктори илмий даражасига талабгорларнинг кўпчилиги диплом учун диссертация ҳимоя қилишади. Ҳимоя ҳам ўтади. Диссертация ҳам тасдиқланади. Диплом ҳам қўлга тегади. Шу билан тадқиқотчи ўзини манзилга етдим, олим бўлдим ҳисоблаб, «илмий фаолияти»ни тўхтатади. Ҳимоя қилган соҳасига қизиқиши бўлмагач, қалам билан қоғозни йиғиштириб қўя қолади.

Ҳар қандай тадқиқотнинг аҳамияти амалиётга жорий этилиши билан ўлчанади. Илмий даражага эга бўлди, дегани бу том маънода олим бўлди деганимикан? Таниқли адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул бу икки тушунча орасидаги фарқни қуйидагича изоҳлаганида катта ҳақиқат бор: *«Илмий даража ёки унвон нисбий нарса. Шунинг учун илмий даража ва олимлик тушунчаси кўп ҳолларда бир-бирига умуман мувофиқ келмайди. Тасаввур қилинг, кичкина бола-кайнинг бошига катта ва чиройли бир қалпоқ кийгиздингиз — юзи кўринмай қолади. Истеъдодсиз илм кишининг аҳволи ҳам шунга ўхшаб кетади — елиб-югуриб қанақа илмий даражани қўлга киритмасин, у бари бир қиёфасизликка маҳкум. Илм унга бир восита бўлганидек, ўзи бир воситачи ё*

жаллоб каби яшайди. Илмнинг шукуҳи нима, азоби қандай, томи қанақа — буларни у ҳис қилолмайди».¹

Адабиётшунос-танқидчи кадрлар тайёрланиши муаммоси ҳақида сўз юритар эканман, яна бир долзарб масалани диққатингизга ҳавола қилмоқчиман. Гап шундаки, Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат университети ҳузурида адабиётшунослик ва тилшунослик соҳалари бўйича фан номзоди ва фан докторлари илмий даражаларини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича анча йиллардан бери ихтисослашган Илмий кенгаш фаолият кўрсатиб келади. Қарийб ўн беш йилдан бери мен шу кенгашнинг аъзосиман. Адолат юзасидан айтишим керак, Илмий кенгашнинг қорақалпоқ адабиётшунослиги ва тилшунослиги бўйича етук кадрлар тайёрлаб беришдаги хизмати катта. Мазкур соҳаларнинг долзарб масалаларига бағишланган ўнлаб диссертациялар ҳимоя қилинди, мутахассислар томонидан юқори баҳоланди ҳамда уларнинг айримлари ҳаракатдаги адабий жараён ва адабиётшунослик учун фойдали тадқиқот сифатида эътироф этилди. Мен кенгашнинг фаолияти ҳақида яна бир қатор ижобий фикрларни санашим мумкин эди. Лекин Илмий кенгашда ҳимоя қилинаётган баъзи диссертацияларнинг адабиётшунослик ва адабий танқид тараққиётига салмоқли таъсири унчалик сезилмаётгандек туюлади менга.

Мавзулар у ёки бу шаклда такрорланади. Мавзулари яқин айрим диссертацияларнинг маъно-мазмунини солиштириб кўрсангиз, жиддий фарқ йўқдек. Баъзи диссертацияларда илмий таҳлилнинг саёзлиги, мавзуларнинг майдалашиб кетган ҳолатларига гувоҳ бўлиш мумкин. Мен шундай характердаги «эгизак» диссертацияларнинг айримларига расмий оппонентлик ҳам қилганман ва уларга хос камчиликларни расман кўрсатганман. Айни пайтда, Илмий кенгаш аъзоси сифатида уларни қўллаб овоз ҳам берганимни инкор этмайман. Илмий кенгаш фаолиятида адабиётшуносликка доир бирор нуқсонга йўл қўйилган бўлса, ўзимни ундан холи кўришим мантиқсизлик эканини биламан. Бундай масалалар бир ёки икки Илмий кенгаш аъзосининг саъй-ҳаракати

¹ Иброҳим Ҳаққул. Чин олим ёстуғин тошдин яратди. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 2008., 27 июнь.

ажратиб келаётгани ҳам ҳақиқат. Ҳар ҳолда, бугунги адабий танқидда тилга олса арзигулик ижобий ишлар бор. Уларни номма ном санаб, ҳар бирига шарҳ бериш, менимча, шарт эмас. Бугунги қорақалпоқ адабиёти тараққиётини мунотазам кузатиб бораётган ҳар бир ижодкор бу жараёни кўз олдига келтира олади ва бу фикрларнинг қай даражада тўғри ёки нотўғрилиги ҳусусида бир ҳўлосага келиши мумкин.

Танқиднинг бир вақтлардаги обрўси, мавқеи бугунги адабий жараёнда кўринмаётгани, унинг адабиётга таъсири, фаоллиги сезилмаётгани ҳақидаги гапларни бутунлай инкор қилиш ўринсиз. Бундай сусткашликнинг сабабини баъзилар ўтиш даврининг қийинчиликлари билан изоҳласа, бошқа бир гуруҳ олимлар китоб нашр қилдириш муаммоларини сабаб қилиб кўрсатади. Профессионал танқидчиларнинг озлиги бугунги танқиднинг нисбатан орқада қолишига сабаб бўлмоқда деган фикр тарафдорлари ҳам йўқ эмас. Турлитуман бу нуқтаи назарларнинг ҳам ўзига яраша асослари бор, албатта. Лекин қийинчиликларнинг вақтинчалик эканини назардан соқит қилиб, бу масалада бирор омадли вақт келишини кутиб ўтириш, менимча, танқид соҳасидаги камчиликларнинг янада чуқурлашишига олиб келади. Адабиётнинг келажаги учун, мустақилликнинг танқидга, умуман, ижодкорларга яратган имкониятидан фойдаланиб мунаққиллар фаол ҳаракат қилишлари зарур деб ҳисоблайман. Адабиётнинг бугуни ва келажаги учун қайғуриб, чин ихлос билан унга хизмат қилишга аҳд қилган танқидчи, албатта, имконият топади, адабий танқидга чин ихлоси билан хизмат этади.

Сир эмаски, газета-журналларда босилган айрим мақолалар ва тақризларнинг савияси талаб даражасида эмас, уларнинг аксарияти мақтовларга қурилган бўлиб, ижодкорнинг кейинги фаолиятида фойдаси тегадиган, камчиликлардан қутилишига ёрдам берадиган амалий таклиф ва мулоҳазалар кўп ҳам кўзга ташланавермайди. Мақолаларнинг кўпчилиги бирор ёзувчи ёки шоирнинг юбилеи ё унинг бирор янги китобининг нашр этилиши муносабати билан, ёзилиши бор гап. Ўзим ҳам шундай мақолаларнинг бир нечасини ёзганимни тан оламан.

Лекин, бари бир бирор «зарурат» билан ёзилган тақриз ёки мақолада ҳам сўз юритилаётган объект мисолида бадиий ижод қонуниятларига доир назарий муаммоларни кўта-

риш ва шу асосда танқиднинг долзарб масалалари ҳақида фикр билдириш имконияти бор. Бироқ, биз кўпинча бу тамоилга ҳам амал қилавермаймиз, таҳлилга тортилган у ёки бу асар муаллифининг кўнглини оғритиб қўйишдан қўчиб, асосийси, танқиднинг масъулиятини унутиб, силлиқ йўлдан юришни, фақат мақташни афзал кўрамыз. Бу ҳаракатларимиз, гарчи мақталган ижодкорга, ё унинг бирор асарига нисбатан «фойдали» бўлса-да, аслида адабиётга ёки танқидга бирор наф келтириши мушкул экани ҳақида жуда кам ўйлаймиз.

Яна бир мулоҳаза. Танқид — ур тўқмоқ эмас. Бирор асарни бутунлай яроқсизга чиқариб, устидан қора чизик тортиб юбориш ҳам адолатдан бўлмаса керак. Чунки бадиий жиҳатдан жуда бўш деб ҳисобланган ҳар қандай асарда ҳам ижобий томонлари бўлганидек, ҳар томонлама мукамал деб тан олинган асардан ҳам камчилик топиш мумкин. Бу масалада танқидчи ўта холис бўлмоғи лозим. Демак, тадқиқот объектини асоссиз равишда кўкларга кўтариб мақташ адабиёт учун қанчалик зарарли бўлса, унинг камчиликларини хаспўшлаб ўтиш ҳам адабиёт учун шу даражада зиён. Танқид мезонларини яхши тушунган, энг асосийси, танқид «тарозиси»ни тўғри ушлаган мунаққид асарни баҳолашда ҳеч қачон адашмайди, бир ёқламаликка йўл қўймайди. Танқид маданияти ва масъулиятини ҳис қилган муаллиф таҳлил қилаётган асарнинг камчиликларини кўрсатиш баробарида муаллифга нуқсонлардан қутилиш йўллари ҳам айтади.

Адабий-танқидий мақолаларнинг назарий савияси билан боғлиқ яна бир муаммо бор. Бу — танқидчи маҳорати масаласи. Маҳорат масаласи ёзувчи асарининг тақдирини ҳал қиладиган назарий категория сифатида ижодкор учун қанчалик зарур бўлса, танқидчи учун ҳам шу даражада муҳим аҳамиятга эга. Ёки ҳаётни ўрганиш ёзувчи учун нечоғлик муҳим бўлса, танқидчи учун ҳам шу даражада керак. Танқидчининг фикрлаш қобилияти ёзувчининг мушоҳада салоҳиятидан ҳам ўткирроқ ва кенгроқ бўлсагина, китобхон учун ҳам, ёзувчи учун ҳам фойдали гап айта олади. Пойдевори бўш иморат тез нураб, яроқсиз ҳолга келганидек, саёз ёзилган танқидий мақоланинг умри ҳам қисқа бўлади, тез унутилиб кетади. Устоз адабиётшунос

муратов, Ф. Мирзабоева, Б. Сейтаевдек талантларнинг ижодий изланишлари, муваффақиятлари адабий танқид ва адабиётшунослик муҳитидан ташқарида шакланган деб айтиш мумкинмикан?

Тўғри, ҳар бир ижодкор аввало ўзи мустақил изланади, ўқиб ўрганади, ёзишнинг сиру асрорларини ўзлаштириб олади, бошқача айтганда, ўз кучига таянади. Лекин барибир у танқидчининг сўзига, холис баҳосига муҳтож. Танқидчи ёзувчининг бирор асарини таҳлил қилиш, ютуқ ва камчиликларини кўрсатиш билан бирга унинг келажагини ҳам белгилаб бериши мумкин. Номлари тилга олинган шоир ва ёзувчиларнинг аксарияти адабий танқиднинг баҳосидан баҳраманд бўлиб, адабиётда ўз йўлини топган талант соҳибларидир.

Адабиётда пайдо бўлаётган янги номларга, адабий танқиддан кўра, бирор атоқли сўз санъаткорининг қўллаб-қувватлаши, ҳақиқий истисно билан ёзилган асари бўлса, унга ғамхўрлик қилиши, («Оқ йўл» тилайдими ёки бирор асарига «Сўзбоши» ёзадими) унинг келажаги ҳақида қайғуриши қатта аҳамиятга эга. Абдулла Қаҳҳорнинг Ў. Ҳошимов ва Ш. Холмирзаевга мактублари, шунингдек, Саид Аҳмад ҳақидаги мақолалари, Фафур Фуломнинг Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов лирикаси тўғрисидаги фикрлари, Асқад Мухторнинг Рауф Парфига «Оқ йўли» ва ҳ., ижодга энди кириб келаётган ёшлар тақдирида қанчалик аҳамият касб этгани изохга муҳтож эмас. Зеро, бир қатор қорақалпоқ шоир ва ёзувчиларининг бадиий мукамал асарлар яратишида, адабиётда тўғри йўлни танлашида устоз ижодкорларнинг сабоқлари ҳам оз бўлмаган. Айниқса, тажрибали ёзувчи ва шоирлар, эндиликда Ўзбекистон Қаҳрамонлари Тўлепберган Қайипберганов ва Ибройим Юсуповларнинг, Ўзбекистон халқ шоирлари Тиловберган Жумамуратов ва Жўлмирза Оймирзаев в.б.нинг ўз вақтида ёш ижодкорларга кўрсатган ёрдамлари ҳам бесамар кетмади.

Шу маънода адабиётнинг қатта бўғинига мансуб адиблар билан ёш ижодкорларнинг устоз-шогирдлик муносабатлари адабий жараёнда алоҳида аҳамиятга эга. Ижодий тажрибаси бой шоир ва ёзувчиларнинг бу ишда фаолроқ бўлишларини, ҳамма масъулиятни танқид зиммасига юклаб қўймасдан, биргаликда ҳаракат қилишларини хоҳлардик.

Таниқли адабиётшунос Баҳодир Каримов адабий танқиднинг юксалишида бундай ҳамкорликнинг ижобий самаралар беришини қуйдагича изоҳлаши бежиз эмас: *«Умуман, адабий жараён етарлича баҳоланмаётган экан, бунинг учун нима қилмоқ керак? Қани танқидчи? Борми? Йўқми? Нега у жим? Танқидчи йўқ! Демак, бу соҳадаги вазифалар ечимини адабиёт жонкуярлари, адабиёт фидоийлари — ижодкорларимиз, шоир ва ёзувчилар ўз зиммаларига олишлари керак эмасми? Бу жиддий гап. Бу яқин кечмиш адабиётимиз тажрибаларидан келиб чиққан бир фикр. Чўпоннинг аксар мақолаларида театр асарлари баҳолаб берилган эди. Фитрат — адабиётшунос эди. Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Фафур Фулом, Мақсуд Шайзоданинг қарашлари ўз вақтида адабий жараён учун жуда муҳим бўлган»*.¹

Дарвоқе, ўтган асрнинг 70- ва, хусусан, 80-йилларида шоир ва ёзувчиларнинг адабий жараёнга муносабати, танқидчи олимлар билан ҳамкорлиги шундай шаклда давом этган, улар адабиётга ўзларини бирдек масъул ҳисоблаганлар. Шунинг учун бўлса керак, бугунги адабий танқид ҳақида сўз очилса, бундан йигирма ёки йигирма беш йил олдинги танқид намуна қилиб кўрсатилади ва унинг ҳозирги ҳолатидан қониқмаслик фикри айтилади. Бу эътирозларни бутунлай инкор қилиб бўлмайди, уларда озми-кўпми ҳақиқат бор, албатта. Лекин танқид адабий жараёнга имкон қадар муносабат билдириб келаяпти. Муайян жанрда ёзилган янги асарларга, нашр қилинган китобларга тақризлар ёзилиб, мақолалар босилмоқда. Адабиёт майдонида фаол ижод қилаётган шоир ва ёзувчилар, адабиётга энди кириб келаётган ёш талантлар бутунлай танқиднинг эътиборидан четда қолаяпти десак адолатдан бўлмайди. Қорақалпоғистон Ёзувчилари уюшмасида таниқли шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос-танқидчилар иштирокида ёш ижодкорлар асарларининг муҳокамалари ўтказилиши анъанага айланди. «Амударё» журнали саҳифаларида адабиётда пайдо бўлаётган янгиликлар, ёзилган асарларнинг ютуқ ва камчиликлари умумлаштирилган, таҳлилий мақолалар оз бўлса-да, эълон қилинмоқда. Республикамизда нашр қилинаётган газеталар ҳам ўз имкониятлари доирасида тақриз ва мақолаларга ўрин

¹ «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 2007 йил, 12 январ.

— Қўшилмасангиз, қўшилмассиз, аммо «диссертация ширкатлари»ни тўхтатиб бўлмаслигини эсдан чиқарманг».¹

Бу гапларнинг сал-пал бўрттирилган жойлари эҳтимол бордир. Лекин уларни бутунлай инкор қилишнинг ҳеч имкони йўқ. Бундай гапларнинг жамоатчилик орасида тарқала бошлаганига анча бўлди. Муаллифнинг: *«Айрим ёшлар бор: табиатан илм-фанга ҳеч қандай алоқаси йўқ, аммо қўллаб-қувватловчилари зўр. Шунинг учун сабъ-ҳаракати бирор ерда тўхтаб қолмайди»*, деб ёзгани ёки олимнинг: *«кимлардир илмдан ному манфаат, мартаба учун фойдаланишга интилаётгани рост. Бировлар учун бошқа бир кишилар диссертация ёзаётгани ҳам кўпчиликка сир эмас»*,² деб фикрларини янада конкретлаштиргани, бу масаланинг чиндан ҳам жиддий ижтимоий муаммога айланиб бораётганини, бу жараёнга бефарқ бўлмасдан, унинг олдини олиш зарурлигига эътиборни қаратаётгани тасодикий эмас.

Диссертациялар ҳимояси билан боғлиқ шу хилдаги «миш-миш» гаплар сўнгги пайтларда Қорақалпоғистон жамоатчилиги орасида ҳам оралаб қолди. Гапнинг рости, *шамол бўлма-са, дарахтнинг учи қимирламайди*. Тўғри, бундай ишлар ўта сирли бажарилади. Шунинг учун ҳам бундай йўл билан диссертация ёқлаганлар «фалончи» ёки «писдончи» деб аниқ манзили билан кўрсата олмайсиз. Айтганингизда ҳам буни ҳеч ким тан олмайди. Бу фақат диссертант билан диссертация савиясининг бир-бирига мувофиқ келмай қолган ҳолатларида ошкор бўлади ва бу ишда «диссертация ширкатлари»нинг кўли йўқмикан, деган фикр беихтиёр хаёлдан ўтади. Яна бир асос. Ҳимоядан кейин диссертант соҳага қизиқиши бўлмагач, адабий жараёнга, умуман аралашмайди, бу ишдан воз кечиб қўя қолади. Бу эса сизнинг диссертация бошқа бировнинг кўли билан ёзилганлиги ҳақидаги шубҳали фикрингизнинг яна бир тасдиғи бўлади.

Илмнинг машаққатли йўлларида юриб, фидоийлик билан заҳмат чекиб, ҳақиқий олимлик даражасига эришган бир қатор фан номзодлари ва фан докторлари борлигини эътироф этган ҳолда, илмга алоқаси жуда кам, қандайдир нота-

¹ И.Ҳаққул. Илмни ким воситаи жоҳ этар. «Тафаккур», 2007. 1-сон.

² Ўша жойда.

бий йўллар билан у ёки бу илмий даражага эришган олимлар ҳам бор эканлигини тан олишимиз керак. Шундай фан номзодлари, ҳатто фан докторлари борки, илмда уларнинг бор ёки йўқлиги билинмайди. Номзодлик ёки докторлик диссертация ёқлаб, дипломини сандиққа ташлаб қўйган, адабиётшунослик ва танқидга (бошқа ижтимоий фан соҳаларида ҳам бундай муаммо йўқ деб айтиш қийин) фойдаси тегмайдиган бундай савиясиз олимлардан жамиятта, қолаверса адабиётга қандай наф бор? Ҳозирги давр қорақалпоқ адабий танқидидаги сусткашлик ҳақида гапирар эканмиз, адабий жараёнга, адабиётшуносликнинг, тақдирига бефарқ, нотабий йўллар билан илмий даражага эришган, номзодлик ёки докторлик дипломини қўлга киритиб жим юрган олимларга эътироз билдиришга жамоатчилик ҳақли деб ўйлайман.

Энг асосийси, диссертация ҳимоя қилиб, у ёки бу илмий даража соҳиби бўлган адабиётшунослар ва танқидчилар (бошқа ижтимоий фан соҳалари ходимлари ҳам) ўзлари шуғулланиб юрган илмий йўналишлари бўйича фаоллик кўрсатишларини, илмий даражасидан кўра олимлик салоҳиятини намойиш этиб, Қорақалпоғистоннинг илм-фани тараққиётига салмоқли ҳисса қўшишларини, шу йўл билан ҳурмат қозонишларини истардик. Энг асосийси, илмий даражамизга муносиб олим бўлиш масъулиятини ҳеч қачон унутмаганимиз маъкул!

* * *

Маълумки, адабий танқид адабиётшуносликнинг бошқа соҳаларига нисбатан оператив жанр, ҳаракатдаги адабий жараёнга фаол аралашадиган, адабиётнинг ривожланишига таъсир кўрсатадиган соҳа. Шу маънода, у публицистика билан мустақкам боғлиқ. Газета-журналлар фаолиятисиз танқидни ривожлантириш жуда мушкул. Матбуот-адабий-тарихий жараён ҳақида ўқувчиларга маълумот берадиган танқиднинг ўзига хос кўзгуси. Бугунги қорақалпоқ адабиётшунослиги ва адабий танқидини ёритишда, айтиқса, «Амударё» журналининг, айрим газеталарнинг роли катта. Лекин бари бир қорақалпоқ адабиёти, адабиётшунослиги ва адабий танқиди материалларини мунтазам ёритиб борадиган махсус адабиёт газетаси зарур эканлиги тўғрисидаги истақ кўп йиллардан бери айтилиб келинади. Лекин бу ис-

так хануз орзулигича қолиб келмоқда. Сир эмасми, жуда кўп соҳаларнинг ўз газеталари бор. Маданият, спорт, санъат дейсизми, ўқитувчилар, ҳуқуқ ва ички ишлар ё орган ходимларими ёки шифокорлар, савдогарлар ва солиқ ташкилоти, божхона бўладими, ҳатто фермерларнинг ҳам ўз газеталари бор. Маънавият тарғиботи ҳақида кўп гапирармиз. Жамиятнинг соғлом бўлиши учун маънавий-ахлоқий тарбиянинг аҳамияти беқиёс эканлигини, бу ишда адабиётнинг тарбия қуроли сифатидаги ролини ҳам яқдиллик билан тан оламиз. Бироқ маънавий-ахлоқий тарбияда халқимизга таянч бўладиган, руҳий дунёсини бойитиб, баркамол инсонлар бўлиб етишишида муҳим бадий восита вазифасини бажарадиган адабиёт газетасини ташкил қилишга келганда ё ташкилотчилик уқубимиз етишмайди ёки масъулиятдан қочамиз. Қорақалпоғистон Ёзувчилари уюшмасининг бир йиғилишида танқиддаги сусткашлик тўғрисида сўз очилганида мен адабий танқидни янада жонлантириш учун махсус адабиёт газетаси зарур, деган таклифни ўртага ташладим. Лекин уюшма аъзоларидан бири бу фикримни маъқулламади: газетани материаллар билан таъминлаш қийин бўлади, у кўпга бормай ёпилиб қолади, — деди. Бу ижодкорнинг фикрини кўпчилик қўлламади. Аксинча: қани эди бизда ҳам қўшни давлатлардагига ўхшаган бир неча саҳифалик адабиёт газетаси нашр қилинса, деган фикрлар янгради. Бу адабиёт жонқуярларининг дилидаги орзу эди. Агар газета ташкил қилингудек бўлса, уни адабий материаллар билан таъминлаш қийин деган фикрга қўшилиш қийин. Расман ёзувчилик гувоҳномасига эга бўлмаса-да, адабиётда қалам тебратиб келаётган шоирлар ва ёзувчилар, адабиётшунос танқидчилар оз дейсизми? Шундай адабий-илмий потенциалга эга республикаимиз зиёлиларининг адабиёт газетасини материаллар билан таъминлашда сусткашлик қилишига, унга асарлари билан қатнашмасдан четда туришига ишонмайман. Фикримча, газетага ёзилиш масаласида ҳам муаммо бўлмайди. Бошқа соҳаларни айтмаганда ҳам университет ва пединститутдаги филологик таълим йўналишининг бир неча минг талабадан иборат бўлгуси адабиётчи ва тилчилари газетага обуна бўлмай, уни «ёлғизлатиб» қўйиши мумкинмикан? Шундай экан, бу хайрли ишнинг масъулиятини кимдир ўз зиммасига олиб, ижодкорларимиз кўп

йиллардан бери орзу қилиб келаётган адабиёт газетасини ташкил қилишга бош-қош бўлса, кўнгилдаги иш бўларди.

* * *

Энди икки оғиз сўз «Адабиёт ва давр» телекўрсатуви ҳақида. Мен бу кўрсатувнинг ҳамма сонларини кўриб бораман, десам хато бўлмас. Кўрсатув ҳақида умумий тасаввурим яхши. Ҳар ҳолда, бугунги қорақалпоқ адабиётининг долзарб масалаларини намоиш этишда, адабиётда пайдо бўлаётган янгиликлардан муҳлисларни хабардор қилишда, адабий жараёнга баҳо беришда, шоир-ёзувчилар, адабиётшуносларнинг чиқишларида аҳамиятли фикрлар бор. Шу билан бирга, мавзуга мустақил ёндашиб, шахсий фикр тарзида адабиётнинг долзарб муаммоларини кўтариб, суҳбатга чақирилган ижодкорнинг масалага муносабатини аниқлаш, шу асосда адабий жараённинг ривожланиш тенденцияларини умумлаштириш, томошабинларни у ёки бу ёзувчи ижодига, ёхуд бирор бадиий асарининг яратилиш тарихига қизиқтириш ёки атоқли ёзувчиларнинг ижодий лабораторияси билан таништиришдек ҳаммабоп, қизиқarli мавзулар кўрсатувга кўпроқ олиб чиқирилиши тарафдориман. «Адабиёт ва давр»да адабий танқид, танқидчи маҳорати ҳақида кўпроқ гапирилса, адабий алоқалар, бадиий таржима муаммолари кенгроқ ёритилса экан дейман.

Хуллас, «Адабиёт ва давр» телекўрсатувида бугунги қорақалпоқ адабиётининг умумий манзараси ёки конкрет жанрлар тараққиётидаги ўзгаришлар янги принциплар, янги қарашлар негизида таҳлил қилиб борилса, мустақиллик даври адабиётига доир фикр-мулоҳазалар кўпроқ айтилса, шубҳа йўқки, бу ҳам адабий танқиднинг фаоллашувига ёрдам беради. Бу имкониятдан фойдаланиш нафақат «Адабиёт ва давр»нинг савиясини кўтаради, айти пайтда, кўрсатув қорақалпоқ адабиёти ва адабий танқиди олдидagi вазифасини ҳам маълум даражада бажарган бўлади.

* * *

Муҳтарам ўқувчи! Ушбу мақола орқали сўнгги йиллардаги қорақалпоқ адабий танқидига бир назар ташлашга, танқид майдонидagi муаммоларнинг баъзи сабабларини имкон қадар, қисман бўлса-да, ёритишга уриндим. Бу мулоҳазалар менинг шахсий фикрим эканлигини унутмаслигингни истардим. Шундай

экан, мақолада тилга олинган муаммолар бўйича, умуман, янги аср қорақалпоқ адабиёти ва адабий танқиди ҳақида, балки сизда бошқа нуқтаи назарлар, ўзгача ёндашувлар, менинг қарашларимга зид, инкор қиладиган фикрлар ҳам бўлиши мумкин. Ҳар қандай ҳақиқат баҳсларда юзага чиқади, чиниқади. Бу масалада Президентимиз И.А. Каримовнинг қуйидаги фикрлари барча учун дастуриламал бўлмоғи керак деб ҳисоблайман: *«Биров сал бошқачароқ фикрласа, ҳаммаёқ остин-устин бўлиб кетгандек хавотирланамиз. Унга душманимиздай қараймиз. Энди у замонлар ўтди. Ҳар қандай фикрни таҳлил қилиб, ҳақиқат баҳсларда тугилади, деган қоидага асосланиб, энг маъқул, энг тўғри йўлни топиш мумкин».*

2008

ЁЗУВЧИ САЛОҲИЯТИ

(Алписбой Султонов ижодига бир назар)

Алписбой Султонов қорақалпоқ адабиётида кўп йиллардан бери фаол қалам тебратиб келаётган талантli ёзувчилардан бири. Алписбой адабиётнинг бир неча жанрларида ижод қилиш истёдодига эга. У ёзувчи, шоир, драматург, киносценарист, таржимон, шу билан бирга, яхшигина адабиётшунос ҳам. Унинг бир неча шеърli тўпламлари босилиб чиқди. Ҳикоялар ва новеллалар китоблари ҳам ўқувчиларга яхши таниш. Киносценарист сифатида Алписбойнинг муаллифлигида ўндан ортиқ ҳужжатli фильм суратга олинди. «Ноҳақ тўкилган қон» тарихий драмаси уни драматург деб таърифлашга асос беради. Ёзувчининг «Тўхмат» (2008) киноромани ҳамда «Қишлоқ йўли» киноновелласи муаллифнинг тафаккур уфқи теран, ижодий имкониятлари катта ва ранг-баранг эканлигига далилдир. Шоирнинг бир даста шеърларига Қорақалпоғистоннинг «мана мен» деган номдор композиторларининг куй басталагани ва республикадаги атоқли хонандалар томонидан ижро этилаётгани А.Султонов талантининг яна бир қирраси, қорақалпоқ маданияти ва санъати соҳасидаги хизматларининг намоишидир.

А.Султоновнинг илмий салоҳияти ҳам профессионал адабиётшунос-танқидчилардан қолишмайди. Бир неча йилдирки, у Қорақалпоғистоннинг газета-журналларида илмий мақолалари, тақризлари билан мунтазам қатнашиб келмоқда. Олимнинг машҳур ёзувчи Чингиз Айтматов ижодини

қорақалпоқ адабиёти билан қиёсий ўрганган туркум тадқиқотлари ҳамда “Қорақалпоқ насрида Ч.Айтматовнинг поэтик аъёнлари” монографияси (2007) адабиётшуносликка қўшилган ҳисса бўлди. Жаҳон адабиётининг бир неча нодир асарлари билан қорақалпоқ китобхонларини таништиришда ҳам у самарали меҳнат қилди. А.Султонов Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар мукофоти совриндоридир.

Кўраясизки, А.Султоновнинг адабий фаолияти серқирра ва ибратли. Тўғриси, бундай ижодий салоҳият, интеллектуал тажриба ҳамма ёзувчида ҳам бўлавермайди. Албатта, турли адабий жанрларда асарлар яратиб, адабиётда обрў-этибор қозониш осон эмас. А.Султоновнинг изланувчанлиги, кўп ўқиши, ўрганиши, жаҳон адабиёти тажрибаларини ижодий ўзлаштириши ва энг асосийси, бадиият қонуниятларининг сир-синоатларини чуқур идрок этиб қалам тебратгани уни шу даражага олиб чиқди, ҳаракатдаги қорақалпоқ адабий жараёнининг таниқли ёзувчиларидан бирига айлантирди. Лекин, негадир қорақалпоқ адабиётшунослигида унинг ижоди кўп ҳам тилга олинавермайди, тақриз ҳаракатидаги айрим мақолаларнинг матбуотда онда-сонда босилганини истисно қилсак, ёзувчи ҳақида қўламдорроқ таҳлилий тадқиқот ёзилмади ҳисоб. Назаримизда, Алписбойнинг қорақалпоқ адабиёти, маданияти ва санъати, хусусан, ҳозирги адабий жараёндаги фаолияти махсус тадқиқотга бемалол мавзу бўла олади. Ушбу мантиққа асосланиб ёзувчининг ижодига бир назар танлашга жазм этдик.

* * *

А.Султонов адабиётнинг бир неча жанрларида ижод қилган бўлса-да, уни китобхонларга кўпроқ танитган соҳа — ёзувчилик ва драматургик фаолиятидир. Қиссалари, ҳикоялари ва новеллалари “Тухмат” романи, “Ноҳақ тўкилган қон” драмаси нафақат ёзувчи ижодининг, қолаверса, қорақалпоқ адабиётининг ҳам ўзига хос ютуқлари бўлди. Айниқса, Оллаёр Дўсназаров — муаллиф ижодининг етакчи мавзуларидан бири эканлигини, бизнингча, кўпчилик яхши билади. Илмий-адабий жамоатчилик уни ушбу тарихий шахс образи яратилган асарлари орқали яхши танийди. Оллаёр Дўсназаров қорақалпоқ халқи тарихидаги ёрқин сиймолардан бири. Унинг мураккаб ҳаёт йўли, ижтимоий-сиёсий фаолияти, аянчли қисмати ҳақида та-

рихчи олимлар, адабиётшунослар, замондошлари бир неча илмий ишлар ёзди, китоблар нашр этилди. Қорақалпоқ адабиётида Оллаёр Дўсназаровнинг бадиий образини яратиш вазифаси эса илк бор ёзувчи А.Султонов зиммасига тушди.

Тарихий мавзуда асар яратишнинг масъулияти замонавий мавзуда асар яратишга нисбатан анча мураккаб эканлиги сир эмас. Алписбой бундай мураккабликдан қўрқмади, соҳада тажрибаси оз бўлишига қарамай, изланишга астойдил киришди. Оллаёр Дўсназаровнинг шахсий ҳаёти, тақдири билан боғлиқ материалларни, архив манбаларини ўрганиди, замондошлари хотираларини тўплади. Россиянинг чекка ўлкаларининг бирида ҳам бўлиб, Оллаёр Дўсназаров дафн қилинган тупроқдан олиб келиб яқинларига топширди.

Хуллас, ёзувчи мавзу объектига катта масъулият билан ёндашади, яратилажак образ қисматига тегишли тарихий далилларни ҳам муфассал ўрганиб чиқади. Тўпланган тарихий материаллар асосида дастлаб уч қисмли “Элим деб ингранган мард эди” деган ҳужжатли фильм сценарийсини ёзди ва у экранлаштирилиб намойиш этилди. Муаллиф бу билан қаноатланмади. Оллаёр Дўсназаров тақдирига доир тарихий воқеаларни саҳнада жонлантириб кўрсатиш хоҳиши Алписбойни драматургия жанрига етаклайди ва кўп ўтмай “Ноҳақ тўкилган қон” драмасини ёзади. Ёш томошабинлар театри пьесани саҳналаштиради. Шундай қилиб, илк маротаба қорақалпоқ адабиётида, кино санъатида, драматургияда Оллаёр Дўсназаровнинг бадиий образи яратилди.

Тарихий шахс образини бадиий талқин қилишдаги бу ижодий ютуқлар ёзувчининг мавзуни адабиётнинг бошқа бир жанри — насрда давом эттиришга илҳомлантирди. “Тухмат” романи навбатдаги ижодий изланишнинг яхши самараси бўлди. Ҳужжатли фильда, драмада фойдаланилмаган фактлар жанр имконияти кўтарганича романга киритилади. Роман, фикримизча, анча яхши чиқди. Қаҳрамоннинг эл-юрти, халқи олдидаги хизматлари аниқ манбалар мисолида кенг-роқ ёритилгани учун ҳам у китобхонларнинг Оллаёр Дўсназаров ҳақидаги тасаввурларини бойита олади. Романининг яна бир аҳамиятли жиҳати бор. У ёзувчининг қатағон йилларининг даҳшатлари билан таништириш билангина чекланмайди. Қалтис даврнинг синовларига бардош беролмай, шахсий манфаатини ўйлаб сотқинлик йўлига кирган эътиқод-

сиз ва иродасиз баъзи шахсларнинг жирканч ишлари ҳам далиллар билан фош қилинади. Бундай механизм (соф виждонли одамларга туҳмат уюштириш, хиёнат) қатагон йиллари учун типик ҳол бўлган. Мустабид тузумнинг зўравонлари миллатнинг асл фарзандларини сотқинларнинг қўли билан қиргин қилган. Оллаёр Дўсназаров ҳам шу хилдаги даҳшатли механизмнинг қурбони бўлади. “Туҳмат” романида бу реал ҳақиқат конкрет образларда тасвирланган.

Тарихий роман яратишнинг бир хавфли томони бор. Агар муаллиф сюжет куришда тарихий фактлардан асар гоёсини очиш учун мақсадга мувофиқ фойдаланмасдан уларни ўринли-ўринсиз сюжетга тиқиштираверса, бадиий тўқимага уйғунлаштирмасдан бу маълумотларни шунчаки ахборот учун келтирса, энг муҳими, образ характерининг муайян қирраларини очишга бўйсундирмас экан, ўқувчилар учун зерикарли, бадиий — эстетик хусусияти заиф бир асар майдонга келадики, унинг на китобхонга, на адабиётга нафи бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, “Туҳмат” романи бу масалада анча муваффақиятли чиқди. У фактлар йиғиндисидан иборат бўлиб қолган эмас. Асарнинг ўқишли бўлиши учун ёзувчи тарихий фактларни бадиий тўқимага сингдириш қонуниятларидан келиб чиқиб иш кўрган. Тарихий ҳужжатлар руҳига мос, Оллаёр Дўсназаровнинг характер хусусиятини очишга хизмат қиладиган қатор сюжет чизиклари яратганки, улар нафақат образни ўқувчи кўз олдида аниқ тавдалантиради, шунингдек, давр руҳини ҳам ҳис қилишга ёрдам беради. Тарихий далилларни бадиий сюжетга мослаштиришда муаллиф метёрни сақлаган. Воқеалар ривожда узилиш, мазмундан четлашиш йўқ. Бош гоёга хизмат қилмайдиган тасвирлар, ҳатто деталлар ҳам учрамайди, ҳаммаси ҳалқалек ўзаро боғланган. Оллаёр Дўсназаровнинг мардикорликдаги турмуш тарзидан тортиб, заводда ишчи бўлиб ишлаши, аскарликка олиниши, аста-секин сиёсий ҳаётга араллашиб чиниқиб бориши, қорақалпоқ халқининг манфаатини ҳимоя қиладиган давлат арбоби даражасига кўтарилиш жараёнлари романда хронологик тарзда тўғри ифодаланган. Қаҳрамоннинг кураш давомида эришган ютуқлари ҳам, мағлубиятлари ҳам тарихий ҳақиқатдан чскинмасдан ҳаққоний ёритилган. Оллаёр Дўсназаровнинг қамалишига, охир-оқибат отишга ҳукм қилинишига доир воқеалар шубҳа уйғотмайдиган далилларга асосланган.

Романда ўқувчига эстетик завқ берадиган, кайфиятини кўтарадиган романтик талқинга мойил боблар ҳам оз эмас. Мазкур лирик лавҳаларда образлар характерига хос хусусиятлар, қаҳрамон қалбидаги тўлғонишлар, зиддиятли кечинмалар тасвири жуда табиий чиққан. Романнинг “Илк муҳаббат”, “Фарзанд”, “Бевафолик”, “Сўнгги мактуб” бобларини ўқисангиз образ қалбида кечаётган мураккаб руҳий ҳолатни, драмани ҳис қиласиз. Оллаёр Дўсназаровнинг оилавий ҳаётидаги кўнгилсизликлар, атрофидаги одамларга муносабати, сиёсий майдондаги кураши, умуман, тарихнинг бурилиш нуқталарида қорақалпоқ халқининг бахт-саодати йўлидаги саъй — ҳаракатлари билан боғлиқ расмий ҳужжатлар ҳам асар сюжетида ўринли фойдаланилган.

Мухтасар қилиб айтсак, А.Султоновнинг “Элим деб ингранган эр эди” киносценарийси, “Ноҳақ тўкилган қон” драмаси ва “Туҳмат” романи бир-бирини тўлдирадиган, яхлит бир гоёга йўғрилган ижод намуналаридир. Муаллиф шу уч асари билан биринчи марта қорақалпоқ адабиётида Оллаёр Дўсназаровнинг бадиий образини яратиб унга ўлмас адабий ёдгорлик қўйди.

А.Султонов қиссачиликда ҳам тажриба тўплаган ёзувчи: “Инсон бахти”, “Умр чорраҳаларида”, “Никоҳсиз муҳаббат”, “Ёшликда берган кўнгил” қиссаларини муаллифнинг қорақалпоқ насридаги далил қадамлари дейиш мумкин. Гарчи бу қиссалар ҳар хил мавзуларга бағишланиб турли даврларда ёзилган бўлса-да, уларни ўзаро боғлаб турадиган бир муштараклик бор. Бу — айрим ёш қизлар ва аёлларнинг билиб-билмай ҳаётда қоқилишлари оқибатида улар тақдирида рўй берган нохуш ҳолатларни бадиий талқин қилишдаги умумийлик, яъни тақдирлар туташлиги масаласи. Ҳамқишлоғи Отамурод билан “дон олишиб” ҳомиладор бўлган, фарзанди туғилгач, ота-онаси уйдан ҳайдалган, иснодга чидамай норасида гўдагини “арава йўлининг қоқ ўртасига ташлаб” ўзга эллардан бахт излаб кетган Орзигул (“Инсон бахти”); унаштирилган йигити вафот этгач, уйдаги хизматкор Есемуродни “тузоғи”га илинтириб, унга тегиб олган, кейинчалик эрининг кўнгил қўйгани борлигини, у билан “ошиқ-маъшуқ” бўлиб юрганини билиб қолиб,

кундошлик азобига чидамай оиласини, фарзандини ташлаб уйдан бош олиб кетган Мирзагул (“Умр чорраҳалари”); бир театр режиссёрининг: сени машҳур театр юлдузи қиламан, деган алдовларига ишониб номусидан айрилган, ота-онасига, ҳамқишлоқларига кўринишдан ор қилиб бошқа ўлкаларда сарсон-саргардонликда юрган талаба қиз (“Никоҳсиз муҳаббат”); қишлоғига қайтиш учун кеч қорайганда йўлга чиққан, машина топилавермагач, бир “автоинспектор”нинг: Йўлимиз бир экан, мен ҳам шу томонларда яшайман, ўзим манзилнингга етказаман деган ваъдасига ишониб алданган, тақдирга тан бериб бахтсиз бўлиб қолган маданий оқартув техникуми талабаси Комила (“Ёшликда берган кўнгил”) — булар тақдир синовлари қаршисида ожизлик қилиб ўзларининг ор-номусига билиб-билмай хиёнат қилган, масъулиятини унутиб эрк-ихтиёрини ўзгалар кўлига топшириб қўйган, кейин пушаймон бўлган инсонларнинг умумлашма образларидир.

Эътибор берган бўлсангиз, қиссаларнинг бош қаҳрамонлари тақдирида содир бўлган воқеалар қисман бир-бирига ўхшайди. Тўрт қиз ҳам ҳаётнинг мураккаб синовлари олдида ўзларини ожиз, ҳимоясиз сезади. Мирзагул билан Орзигул ҳам, талаба қизлар ҳам ор-номуси учун курашиш ўрнига иродасизлик қилиб, қисматига кўникиб қўя қолади. Бунга бир жиҳатдан қизларнинг ўзлари, қатъиятсизлиги сабабчи бўлса, иккинчидан, уларни бундай жирканч ишларга мажбур қилган нарса атрофидаги носоғлом маънавий муҳит эди. Бундай ҳаракатлар, маънавий-ахлоқий адашишлар ҳар қандай инсонни, хусусан, аёл зотини бебурд қилиб, уни андишасизлик домига тортиб кетади. Қиссалар китобхонни шундай иллатлардан холи бўлишга, бахт ва оила софлиги, ор-номус учун курашиб яшашга даъват этади. Қиссаларнинг тарбиявий аҳамияти, улардан чиқадиган бош маъно ҳам шу.

Қиссаларнинг ифода шакли жуда раван. Енгил услубда ёзилгани учун бўлса керак, қизиқиб ўқийсиз. Воқеалар тафсилоти, образларнинг саргузаштлари тасвирида ўқувчини ўзига ром этиб турадиган қандайдир бир сирли жозиба борлигини ҳис этасиз. Диалогларга кўпроқ эътибор берилгани қиссаларнинг фазилати. Образларро суҳбатлар, мулоқотлар жонли ва таъсирли чиққан. Уларнинг дунёқараши, характер хусусиятлари, психологияси, умуман, барча индивидуал хислатлари муаллиф сўзлари билан эмас, диалогларда гавдалан-

тирилгани, бу бадий воситадан ўринли фойдаланилгани ёзувчилик маҳорати белгисидир. Шундай усул билан муаллиф қаҳрамонларнинг руҳиятига кира олган, уларнинг бахтсизлигига сабабкор бўлган носоғлом муҳитнинг ижтимоий-маънавий илдизларини очиб бериш фонида инсон шаънига тўғри келмайдиган иллатларни қоралаган.

Қиссаларнинг фазилатлари ҳақида яна гапириш мумкин. Шу билан бирга, баъзи қиссаларда одоб-ахлоқ доирасидан бироз чиқилган ҳиссий-ҳирсий муносабатлар тасвири борки, уларни оқлаб бўлмайди. Ҳаёт гўзаллигига зид бундай тасвирларни пардалироқ қилиб бериш зарур эди. Мирзагулнинг Есемурод, сўнг ширкатчи билан ҳирсий муносабатлари, Орзигул билан Гулмуроднинг “бир-бирига чирмовикдек ўралиб” қилган ҳиссий алоқалари ёки театр режиссёрининг талаба қиз билан, “автоинспектор”нинг Комила билан интим муносабатлари тасвирланган яланғоч, ошкор лавҳаларни ўқиганда китобхон ҳар қанча завқланмасин, бари бир улардан бирор жиддий маъно чиқариш мушкул. Йигит ва қиз ёки эр ва аёл ораларидаги интим тафсилотлар тасвирини берганда, миллий ахлоқ-одоб доирасидан чиқмаган маъқул. Ҳар қандай катта-кичик воқеа, эпизод, ҳатто маиший ҳаёт тарзи ҳам асарда муайян мақсад, гоё, яъни ҳаёт гўзаллигини тасдиқлаш, улуглаш учун фойдаланилади. Агар у бирор маънони ифодалашга хизмат қилмас экан, қанчалик қизиқарли ва таъсирли бўлмасин асар учун ортиқча. Шу маънода, баъзи қиссалардаги интим муносабатлар тасвирига катта маъно юкланмагандек, улар шунчаки асарни ўқишлик қилиш учун киритилгандек таассурот қолдиради. Яна бир мулоҳаза. Ёш қизларни ҳар хил найранглар билан “тузоғи”га илинтириб номусини булғаган, бахтсизлигига сабабкор бўлган баъзи шахсларнинг нопок ҳаракатлари қиссаларда негадир “жазоланмай” қолган. Номус ўғрилари гўё ҳеч нарсадан беҳабардек, маънавий пасткашликларини унутиб “ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолди” қабилда ялла қилиб юраверади. “Никоҳсиз муҳаббат”даги театр режиссёри, “Ёшликда берилган кўнгил”даги “автоинспектор” шундай типдаги образлар. Ёзувчи бу шахсларнинг ҳаракатларини кўпроқ фош қилиш йўлидан борганида, қиссаларнинг таъсир кучи ва тарбиявий аҳамияти янада ошган бўларди.

Энди ёзувчининг ҳикоялари ва новеллалари ҳақида. А.Султоновнинг ҳикоячиликдаги ижодий изланишлари ҳам самарали бўлди. Ҳар хил даврларда бу жанрнинг яхши намуналарини яратди. Баъзи ҳикоялари ўзбек тилига таржима қилиниб Ўзбекистон матбуотида ҳам эълон қилинди. Аслида Алписбой бадиий ижоддаги илк қадамларини ҳикоя ва новеллалар ёзишдан бошлаб, ўтган асрнинг 70–80 йилларида бир туркум ҳикояларини ўқувчилар ҳукмига ҳавола этган эди. Унинг “Аквариум”, “Мармар тошдаги ёзув” номли илк китобларига киритилган ҳикоялари унинг бу жанрдаги дастлабки изланишлари бўлди. Ёзувчи ҳозирги кунда ҳам бу жанрда фаол ижод қилиб келаяпти, ўқувчиларга манзур туркум ҳикоялар эълон қилди. Ҳар бир бошловчи ёзувчининг илк ижодида ўзига яраша камчиликлари бўлганидек, А.Султоновнинг дастлабки ёзган ҳикоялари ҳам нуқсонлардан ҳоли эмасди. Ҳаёт ҳақиқатини бадиий умумлаштириш, ёрқин характерлар яратиш масаласида тажрибасизлиги, ёзувчилик маҳорати етишмаслиги унинг илк ҳикояларида кузатилади. Масалан, “Очиқ қолган кундалик”, “Оқ теракда нима айб?”, “Ўкинч” номли ҳикояларидаги тасвирлар жозибали, диалоглар ҳаётини бўлса-да, воқеанинг марказида туриши лозим бўлган ёрқин характернинг йўқлиги сабаб, уларнинг сюжети, образлари тез унутилиб кетади. Баъзи ҳикояларда мантиқан асосланмаган ҳолатлар тасвири бор, воқеанинг сунъийлиги билиниб қолган. Масалан, “Ўкинч” номли ҳикояда тасвирланишича, юз тузулиши унча келишмаган кўримсизроқ бир ёш домланинг устидан баъзи талабалар кулади, масхаралайди. Бунга чидай олмаган ўша домла юрак хасталиги хуруж қилиб вафот этади. Бор гап шу. Аслида бу фожиа. Бундай воқеа худди ҳикоядагидек шаклда рўй бермаган бўлса-да, ҳаётда учраши мумкин. Ёзувчи мавзунини тўғри танлаган. Лекин воқеани бадиий далиллашга келганда бироз тажрибасизлик қилгани сезилади. Чунки бу воқеага ўқувчини ишонтириш қийин. Тўғри, ҳикоянинг ички мазмунига ҳазил, юмор сингдирилганини сезиш мумкин. Лекин бари бир бу усул ҳам воқеанинг ишонарли ва табиий чиқишини таъминлай олмаган.

А.Султонов аста-секин ҳикоядан-ҳикояга ўсиб, камчиликлардан қутулиб борди, қалами чиниқди, маҳорати ошди.

Ҳаёт материални бадиий умумлаштириш тажрибаси шакллана бошлади. Ҳикоялари марказига инсон тақдирини қўйиб унинг мураккаб руҳий оламини бадиий таҳлил этишга киришди. Қийин вазиятларга тушиб қолганда ҳам турмуш синовларини енгган, муҳаббатига содиқ қолиб бахтли оила қурган Мақсет ва Клара (“Қасрдасан, Клара”); такси ҳайдовчисининг “тузоғи”га илиниб, мажбуран унга турмушга чиққан, сўнг эри уни ташлаб бегона аёл билан яшаб юрганини кўриб, тақдирнинг бу зарбаларидан изтироб чеккан Жақсигул (“Учрашув”); бир сурат сабаб оиланинг бузилишига сал қолганда бу англашилмовчиликни бирга енгган ва оилани бузилишдан сақлаб қолган эр-хотинлар Марат ва Гулзор (“Сурат”); бегона бир қизни безорилар қўлидан қутқараман деб елкасидан пичоқ еган ва шифохонага тушган автобаза шофёри (“Ажал чангалидан қутқарилган оҳу”) сингари образлар бетакрор характер белгилари билан ўқувчи хотирасида узоқ қолади.

Гувоҳ бўлганингиздек, муаллиф турли инсоний қиёфага эга қатор образлар яратиб ҳаётнинг реал манзарасини чизган. Бу эса ёзувчининг ҳикоячиликда ҳаётини тажрибаси ортиб, маҳорати етилиб бораётганини кўрсатади. Фикримиз тасдиғига бир мисол. А.Султонов, бизнингча, насрда кулгига, юморга мойилроқ ёзувчи. Қиссаларидаги баъзи диалогларда, персонажлар нутқида бу хусусият кўпроқ намоён бўлган. Бу ижодий усулнинг қирралари ҳикояларида янада ёрқинроқ кўринди. “Одамнинг оёғи” ҳажвий ҳикояси шу хилдаги асарлардан бири. Аввало, ҳикоянинг номида енгил юмор бор. Унда ўқувчини воқеага қизиқтирадиган сирли жумбоқ яширингандек. Воқеа давомида ана шу сир очила боради. Саке билан Маке ҳикоянинг бош қаҳрамонлари. Маке кигиз тайёрланадиган заводда ишчи. Бир куни ишга маст бўлиб келади. Станокка суяниб ишлаётганда бир қўлининг ярмини станок қирқиб ташлайди. Маке ногирон бўлиб қолади. Ишга ичиб келгани учун унга ногиронлик нафақаси тайинланмайди. Эътибор бераётган бўлсангиз, шу гапнинг негизида ҳажв бор. Чунки фуқарога ногиронлик нафақаси тайинлашда унинг қандай шароит ва вазиятда ногирон бўлганлиги инобатга олинмайди. Қонун бўйича унга нафақа белгиланиши зарур. Ёзувчи атайин реал ҳақиқатдан чекинган ва адабиётдаги шартлилик қонуниятига асосланиб ҳикоянинг юмористик йўналишини кучайтирган. Дўсти

Саке ҳам маст ҳолатида мотоциклини бошқариб келаётиб аварияга учрайди ва бир оёғидан ажралади. Қаҳрамонларнинг кейинги саргузаштлари комик планда тасвирланади. Воқеа кесилган “оёқнинг тақдири” билан боғлаб ривожлантирилади. Икки ногирон дўст “оёқдан” кутулиш йўлларини қидира бошлайди. Маке билан Сакенинг қисматидаги воқеа аслида фожиа. Бир асарда фожиа билан кулгини омухта қилиб бериш, қаҳрамонлар саргузаштларига ўқувчини эргаштириш, бу ҳам ёзувчининг маҳорати. Ҳикоядан келиб чиқадиган бош маъно шундан иборатки, ҳар бир инсон ҳаётда ўз тақдирига ўзи масъул бўлмас экан, ноҳўй ҳаракатлари туфайли мажруҳ бир кимсага айланиб қолиши мумкин.

Муаллифнинг “Гўзаллик худосига мактуб ёки сочи йўқларнинг Афродитага аризаси” ҳикоясида юморнинг бошқа бир жилоси акс этган. Ҳикоянинг ифода шакли ёзувчининг бошқа ҳикояларига ўхшамайди. Асарда бир қаҳрамон — Афродитага ёзилган аризани кўпчилиikka ўқиб эшиттирадиган, *“соци йўқлар жамияти”*нинг аъзоси, актёр Шомурод иштирок этади. Ёзувчи *“социлари тушиб, бошлари хоккей майдончасидек ятилиб қолган, чивин кўнса оёғи сирпаниб кетадиган”* кишиларнинг руҳий ҳолатларини шу қаҳрамон нутқи орқали жонли сўзлар, образли қиёслар билан, комик планда жуда таъсирли ва қизиқарли тасвирлаган. Соци йўқларга Афродитадан келган мактубда ҳам юморнинг хусусиятлари оригинал услубда ёритилган.

А.Султонов ҳаётдаги салбий иллатларга қарши курашда ҳам ҳажвий ҳикоя жанри имкониятларидан самарали фойдаланиб келаётган ёзувчилардан бири. Унинг “Тилла соат” ҳажвияси порахўрликни фош қилиш руҳидаги шундай асарлар сирасига киради. Порахўрликнинг шакллари кўп. Идора раҳбарининг туғилган кунини нишонлаш пора ундиришнинг шундай усулларидан бири. “Тилла соат”да айнан шу мавзу қаламга олинган. *“Ишчан, гамхўр, адолатли ва салоҳиятли, пиёда тугул, отда ҳам излаб топиб бўлмайдиган раҳбар”* — Ермекбой Еримбетович ва у раҳбарлик қилаётган илора жамоаси мисолида таъмагирлик ва порахўрликнинг баъзи кўринишлари ҳажв қилинган.

Ёзувчи турмушда учраб турадиган, тараққиётимизга ҳалақит берадиган ҳаёт материалидан моҳирона фойдаланиб долзарб ҳажвий ҳикоя ижод этган. Баъзи раҳбар шахсларнинг

инсон одобига тўғри келмайдиган ҳатти-ҳаракатлари Олғирбоев ва Ермекбой Еримбетович образлари мисолида ҳажв қилинган. Ҳикояда масхараловчи ҳанда билан бирга жиддий фош қилиш руҳи ҳам устувор. Муаллифнинг ҳажв тиғи бундай иллатларнинг олдини олишга, чуқур илдиз отиб кетишга йўл бермасликка қаратилган. “Тилла соат”нинг ҳозирги кунимиз учун ижтимоий-тарбиявий аҳамияти ҳам шунда.

А.Султоновнинг яқинда нашрдан чиққан “Новеллалар” (2008) китоби ушбу жанрдаги ижодий изланишларнинг салмоқли ютуғи, ҳаётнинг ранг-баранг манзараларини, турли инсоний қиёфаларни бадий образларда талқин қилишда эришган яна бир доवони бўлди. Тўпламга шакли ва мазмуни нуқтаи назардан бир-биридан фарқ қиладиган қирққа яқин новеллалар жамланган. Ҳар бир ҳикояда инсон тақдирининг у ёки бу жиҳати ўзига хос услубда акс эттирилган, китобхон учун ибратли ғоялар илгари сурилади. Китобда “Ўғирланган муҳаббат”, “Айбсиз айбдор”, “Тобутдан ясалган бешик”, “Қороздан ясалган гуллар”, “Қабристон рўпарасидаги йўл”, “Саргардонлик”, “Қўрқинчли туш”, “Бевафолик”, “Оқибат”, “Ёмғирдан сўнг” ва яна бир туркум новеллалар борки, ҳар бири ҳаёт материалларининг қамраб олиниши ва ихчам бадий шаклда, унутилмайдиган образлар ва бадий деталларда тасвирланиши жиҳатидан ёзувчи маҳоратининг кўзгуси бўла олади.

* * *

Серқирра ижод соҳиби А.Султоновнинг барча асарларини бир мақолага сиғдириб таҳлил қилишнинг имкони жуда чегараланган. Шу боисдан мақолада унинг ёзувчилик салоҳияти, бадий маҳорати кўпроқ намоён бўлган айрим асарларигагина тўхталиб, улар ҳақида сўз юритишга ҳаракат қилдик. Ва шундай ҳулосага келдикки, Алписбой Султонов қорақалпоқ шеърляти ва насрига, драматургияси ва кино санъатига, адабиётшунослигига, қолаверса, таржима адабиётига ҳам филоийлик билан хизмат қилиб, бу ижод типлари тараққиётига ҳисса қўшиб келаётган адабиёт жонкуярларидан биридир. Алписбойнинг бу ижодий фазилятлари уни ҳозирги қорақалпоқ адабий жараёнининг таниқли вакилларида бири, илмий-бадий салоҳияти бақувват ёзувчилар сафидаги адиб деб ҳулоса чиқаришга, бизнингча, тўла асос беради.

2008

МУНДАРИЖА

Муаллифдан.....	3
-----------------	---

<i>М. Қўшжонов. Уч халқ хизматида.....</i>	<i>6</i>
--	----------

СЎЗ САНЪАТИНИНГ ДАҲОЛАРИ

Туркий шеърят осмонининг қуёши.....	10
Ҳазал мулкининг султони — ҳомийлик тимсоли.....	17
Алишер Навоий туркманлар ҳақида.....	22
Мирали (Навоий) туркман фольклорида.....	30
Шоҳ ва шоир.....	45
Ҳикматга йўғирилган шеърят.....	52
Мангуликка даҳлдор оқин.....	62
Истиқлол ғояларининг қуйчиси.....	69

АДАБИЙ АЛОҚАЛАР — АДАБИЁТЛАР ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСИ

Муштарак мавзулар, ўзига хос талқинлар.....	78
Андалиб образлари Фурқат талқинида.....	86
Адабий ўхшашлик, поэтик ранг-баранглик.....	93
Назираи, таъсирми ёки таржимами?.....	105
Махтумқули анъаналарига садоқат.....	115

АДАБИЙ ТАЪСИРДАН ЎЗИГА ХОСЛИККА

(Абдулла Қодирий ва Хидир Деряев)

Илҳом ва истак.....	124
Ҳаёт ҳақиқатидан бадиий ҳақиқатга.....	129
Мавзу умумийлиги, тасвир хилма-хиллиги.....	133
Драматизм яратишдаги ўзига хослик.....	139
Сирли тасвирлар, ҳаяжонли воқеалар.....	143
Муҳаббат ва инсон тақдири талқинидаги индивидуаллик.....	151

МИЛЛИЙ АДАБИЁТЛАРНИНГ ЎЗАРО БОЙИШИ

Омон Кекилов Ғафур Ғулом ҳақида.....	158
Шакли бир, мазмуни бошқа қиссалар.....	168

Қорақалпоқ адабиётининг таржимони ва тадқиқотчиси.....	175
Икки тилда ижод қилиш тажрибасидан.....	198
Икки дўст ҳақида дoston (Ғафур Ғулом ва Собит Муқонов).....	227

ИЛМИЙ-АДАБИЙ ПОРТРЕТЛАРГА ЧИЗГИЛАР

Устоз сабоқлари.....	235
Туркий адабиётнинг атоқли ёзувчиси.....	248
Етук адабиётшунос, моҳир танқидчи.....	258
Кўп қиррали илмий фаолият соҳиби.....	266
Меҳрли ва ҳаққўй инсон эди (эссе).....	272
Қорақалпоқ адабиётшунослиги фидойиси.....	292
Илм ва ижод уйғунлиги.....	296
Тадқиқотчи-педагог ва ижодкор.....	301
Жонкуяр ташкилотчи эди (эссе).....	308
Талантли шоир, истеъдодли журналист.....	313
Муҳаррирликда чиниққан қалам.....	328

АДАБИЙ ЖАРАЁН ВА ИЖОД МАСЪУЛИЯТИ

(талқинлар, тақризлар, мулоҳазалар)

Қорақалпоқ адабиётининг ҳам жонкуяри эди (эссе).....	333
Суйиниб ёзди, қуйиниб ёзди.....	344
Қорақалпоқ сатирасининг дарғалари.....	355
Насрда шаклланган ижод.....	373
Фош қилувчи роман.....	381
Она руҳига адабий ёдгорлик.....	388
Ижодий изланишнинг янги довони.....	393
Аросат майдонида қолганлар фожиаси саҳнада.....	401
Бир ижодий учрашув тарихи.....	405
Модерн шеърят ва адабиётнинг оммавийлиги.....	412
Адабий жараён ва қорақалпоқ адабий танқиди.....	421
Ёзувчи салоҳияти (Алписбой Султонов ижодига бир назар).....	443